


Жек Лондон  
УЧ ҚАЛБ



**ЖЕК ЛОНДОН**



**УЧ ҚАЛБ**

**Роман**



Русчадан  
Хайдар ИБРОҲИМОВ  
таржимаси

«Казахское государственное издательство  
художественной литературы»,  
1957.


«Ёш гвардия», 1974.

## СУЗБОШИ

Мазкур сўзбошини мақтовдан бошлаганим учун ўқувчи мени ке-чиради, деб умид қиламан. Гап шундаки, бу—юбилей асарим. Бу ки-тобни ниҳоясига етказиб, қирқ ёшга кирганимни, эллигинчи кито-бимни, ёзувчилик фаолиятимнинг ўн олти йиллигини ва ижодимда-ги янги йўналишни нишонлайман, «Уч қалб» эса янги йўналишдир. Шу вақтга қадар бундай асар ёзмаганман, ишончим комилки, бун-дан кейин ҳам ёзмайман. Аммо бу асаримдан фахрланишимни яширмақчи эмасман. Воқеаларнинг тез ривожланишини ёқтирадиган ўқувчига маслаҳатим шуки: сўзбошидаги бу мақтовларни ташлаб ўтиб, қиссага шўнғийверинг — ана шундан кейин китобимдан бош кўтариш осонлигини айтиб кўринг-чи.

Синчковларга эса баъзи нарсаларни тушунтиришни ўзим учун жойиз деб биламан. Кинематограф бутун дунёда кўнгил очишнинг энг оммавий формасига айлана боргани сайин жаҳон беллетристи-каси тўплаган фабула интригалар хазинаси тез тугай бошлади. Бит-та-яримта кинокомпаниянинг ўзи беш-ўнта режиссёр ёрдамида Шек-спир, Бальзак, Диккенс, Скотт, Золя, Толстой ва бошқа ўнлаб кам-маҳсул ёзувчиларнинг ҳамма адабий меросини экранлаштиришга қодирдир. Дунёда юзлаб кинокомпания борлигини ҳисобга ола-диган бўлсак, кинокартина яратиладиган хом ашё танқислигига на-қадар тез дуч келишларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маълум нашриётлар ва шахслар томонидан нашр қилинаётган ёки нашр қилинадиган барча романлар, ҳикоялар ва пьесаларни экранлаштириш ҳуқуқи аллақачон сотиб олинган ва шартномаларда қайд этиб қўйилган; агар вақт ўтиши билан шахсий мулклик ҳуқуқи ўтиб кетган бирор материал учраб қолса, у олтин қум тўла соҳил-га тушиб қолган денгизчилар олтин зарраларига қандай ташланса-лар, шундай тезликда экранлаштирилади. Минглаб сценарийчилар— уларни ўн минглаб дейиш жойизроқ бўлар эди, чунки ўзини сцена-рий езишга қодир эмасман деб ҳисоблайдиган бирор эркак, аёл еки гудак қолмади — шундай қилиб, ўн минглаб сценарийчилар ада-



биётни титкиляпти (авторлик ҳукуқи билан муҳофаза қилинадиганини ҳам, муҳофаза қилинмайдиганини ҳам), қаламкашлари томони-дан ўйлаб чиқарилган бирор янги кўриниш, фабула ёки воқеани ўлжа тушириш мақсадида журналларни машинада чиқиши биланоқ торткилаб кетишяпти.


Кези келганда, адолат юзасидан шуни айтиб ўтайлик, яқин-яқин вақтларда, сценарийчилар унча ҳурмат қилинмайдиган пайт-ларда улар ҳафтада ўн беш-йигирма доллар ишлаш учун тер тўкиб меҳнат қилишарди, шундай ҳам бўлардики, хасис директорлар уларга донабай; ҳар бир сценарийга ўн беш-йигирма доллардан ҳақ тўлашарди, бунинг устига ҳар юз сценарийчидан элликтаси ўз ҳақи-ни ололмай сарсон эди. Шундай ҳам бўлардики, сценарийчилар ўғирлеган товарни штатда ишлайдиган, виждонсизликда, уятсизликда улардан қолишмайдиган кишилар ўзлаштириб олишарди. Кечагина шундай эди, бугун эса иккитадан машинаси, учтадан шофери бўл-ган, болаларини энг қиммат мактабларда ўқитадиган ва умуман пулдор сценарийчиларни биламан.

Асосан фақат беллетристик хом ашё етишмагани учунгина сце-нарийчиларнинг қадрига етадиган, уларни ҳурмат қиладиган бўлиб қолишди. Уларга эҳтиёж пайдо бўлди, уларни тан олишди, уларга кўпроқ ҳақ тўлайдиган ва улардан сифатлироқ маҳсулот талаб қи-ладиган бўлиб қолишди. Янги материал қидириш бошланди ва бу, қисман, машҳур ёзувчиларни сценарийчи сифатида ишга ёллашга уринишларида ўз ифодасини топди. Лекин бир киши йигирмата роман ёзган бўлса ҳам, бу унинг яхши сценарий ёзишига гаров була олмайди. Аксинча: беллетристикадаги муваффақият экранда мағлу-биятга учрашнинг ишончли белгиси эканлиги тезда равшан бўлиб қолди.

Лекин ана шунда саҳнада кинокомпаниялар хўжайинлари пайдо бўлди. Энг аввало меҳнат тақсимооти керак, дейишди улар. Сўнг улар қудратли газета бирлашмалари билан ёки мазкур ҳолда бўл-гани каби — мен «Уч қалбни кўзда тутяпман — айрим шахслар билан алоқа боғлаб, малакали сценарийчиларга (ҳатто ўз ҳаётини га-ровга қўйганда ҳам, яхши роман ёза олмайдиган сценарийчиларга) сценарийга буюртма берадилар, бундай сценарийни кейинчалик ёзувчилар (ҳаётларини гаровга тикканда ҳам, яхши сценарий ёза олмайдиган ёзувчилар) романга айлантирадилар.

Шундай қилиб, мистер Чарльз Годдард Жек Лондон деган ки-шининг ҳузурига келиб, қуйидагича таклиф қилди! «Воқеа бўлиб ўтган давр, жойи, қатнашувчи шахслар аниқлаб қўйилган; киноком-пания, газеталар, маблағ бизнинг хизматимизга тайёр;

келинг, энди келишиб олайлик». Шу тариқа биз келишиб олдик. «Уч қалб» ана шу битим натижаси. Мистер Годдарднинг асарларини санаб ўтсам,





унинг маҳоратига, санъатига ҳеч кимда шубҳа қолмайди. Унинг ёзган асарлари қуйидагилар: «Полинанинг бошидан кечирганлари», «Илей-нинг саргузаштлари», «Маъбуда», «Уоллингфорд, бойийвер» ва бош-қалар. Бундан ташқари мазкур романнинг қаҳрамони Леонсиянинг номини ҳам у ўйлаб топган,


Дастлабки бир неча эпизодни у Ойдин водийдаги ўз ранҷосида ёзди. Лекин у мендан тезроқ ёзар экан, ўн беш эпизодни мендан бир неча ҳафта аввал ёзиб тугатди. «Эпизод» сўзини бошқача ту-шуниб юрманг. Биринчи эпизодга минг метрча плёнка кетди. Ке-йинги ўн тўрт эпизоднинг ҳар бирига олти юз метрдан плёнка кетди. Ҳар бир эпизодда тўқсонга яқин кўриниш бор, бинобарин, ҳам-маси бўлиб бир минг уч юз кўриниш мавжуд. Шундай қилиб, ҳар биримиз ўз қисмимиз устида параллел иш олиб бордик. Мен бирор бобни ёзаётганимда, табиийки, кейинги бобдан сўнг нима бўлишини ҳисобга ололмасдим, чунки буни билмасдим-да. Буни мистер Годдард ҳам билмасди. Сўзсиз оқибатларнинг сабаби шу, «Уч қалб»да воқеалар изчил ривожланди, деб бўлмайди, лекин у мантиқдан холи эмас.


Гавайяда туриб, Нью-Йоркдан, мистер Годдарддан почта орқа-ли келган ўн тўртинчи эпизод сценарийсини олиб (шу пайтда мен ўнинчи эпизодга бадиий ишлов бериш билан овора эдим), қаҳрамо-ним бутунлай бошқа аёлга уйланганини билиб хайрон қолганимни кўр-сангиз! Бу хатони тузатиш ва қаҳрамонимни у уйланиши мумкин бўл-ган ягона аёл билан қонуний никоҳдан ўтказиш учун ихтиёримизда фақат битта эпизод қолган эди. Бу қандай бажарилганини сўнги бобдан ёки ўн бешинчи эпизоддан қарашингизни сўрайман. Шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, буни қандай ўринлатишни менга мистер Годдард ўргатди.

Гап шундаки, мистер Годдард воқеаларни ривожлантиришда ус-таси фаранг, тезлик соҳасида тенгсиз. Воқеаларнинг ривожланиши уни ҳеч ташвишга солмайди. Автор ремаркасида киноактерга қа-> рэта: «Ифодалансин», деб хотиржам ё^иб қўя қолади. Чзмаси актёр «ифодалайди», чунчи мистер Годдард ўша замони воқеаларни бир-бирига қалаштириб ташлайди. «Ғам ифодалансин!» ёки «маъюслик», ёки «ғазаб», ёки «самимий ҳамдардлик», ёки «ўлдириш истаги» ифодалансин, деб буюради у. Шу холос. Шундай бўлиши ҳам керак, акс ҳолда уч юз кўринишни қачон ёзиб бўларди-ю, ишини қачон туга-тарди?

«Ифодалаш» деган сеҳрли сўз билан чегаралана

олмайдиган, балки мистер Годдард бир сўз билан белгилаб қўйган кайфият ва ҳолатларни тасвирлашга мажбур бўлган мен бечоранинг аҳволим-ни тасаввур қилиб кўрсангиз эди. Жин урсин! Ўз қаҳрамонларининг ғамгин кечинмаларини нафис тасвирлашга, минглаб сўз сарфлашни





Диккенс ўзига ортиқча деб билмаганди. Мистер Годдард эса: «Ифо-далансин», дейди, киноаппарат қуллари ҳаммасини бажо келтири-шади.


Воқеаларнинг ривожланиши-чи! Бир вақтлар мен бир неча сар-гузашт роман ёзганман, лекин уларнинг ҳаммасини бирга қўшсангиз «Уч қалб»даги каби воқеаларнинг тез ривожланишини топа олмай-сиз,

Бунинг эвазига мен энди кинематограф нега бу қадар оммавий эканлигини билиб олдим. «Нью-йорклик жаноб Барнеслар», «Техас-лик тувакчи» нега миллион нусхада тарқалганлигини энди билиб олдим. Давлат арбобининг энг гўзал ва жасурона ҳаракати ёки режа-сидан кўра бирор баландпарвоз агитацион нутқ нега кўпроқ овоз олишини энди билиб олдим. Мистер Годдард сценарийсини роман қилиб қайта ишлаш мен учун кизикарли тажриба — ғоят катта сабоқ бўлди. Бу асар мен аллақачон ўйлаб қўйган социалогик умумлаш-маларни янгича ,ёритди, уларни янги негиз билан мустаҳкамлади. Ёзувчи сифатида ўзим учун янги бўлган соҳада кучимни синаб кў-ришдек мана шу уриққшдан кейин халқ руҳини олдингидан яхшироқ тушунадиган бўлиб қолдим, омманинг коллектив қалбига қўл сола биладиган, шу қобилияти туфайли сайловчиларни ўз томонига оғди-риб оладиган сафсетабознинг қўл ҳаракатлари ва мимика маҳорати нақадар юқори бўлиши зарурлигини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ англаб олдим. Агар бу китоб кўп тарқалмаса, бундан бағоят ажаб-ланишим тайин («Ажабланиш ифодалансин», — деган бўларди мистеР Годдард; ёки «Кенг тарқалиши тасвирлансин»).

«Уч қалб» деб аталган бу авантюра ҳамкорлик ғоясига асос-ланган экан, мен бу ғояга қойилман. Лекин — афсус! — мистер Год-дарддай шерик ҳар миллион киши орасидан битта топилади. Биз бир-биримизга бир оғиз ҳам сўз айтганимиз йўқ, орамизда бирор жанжал, бирор мунозара бўлмади. Шундай экан, менинг ўзим ҳам қаламқаш шерик эмас, рисоладаги йигит эканман-да. Сценарийнинг 15 эпизоди, 1300 кўриниш ва 930 минг сантиметр плёнка, кейин эса романни ташкил этган 111.000 сўз давомида бирор оғиз шикоят ёки эътирозга ишора ҳам қилмай, кўнглига келганини «ифодалаш»га рухсат бериб қўйган мен эмасмидим, ахир? Шунга қарамай, мазкур асар ниҳоясига етказилган ҳозирги пайтда айтаманки, оддий бир са-баб туфайли уни бошламаганимда хурсанд бўлардим; китобни мен ўзим ўқишни ва унинг қандай ўқилишини кўргим келади. Бу мени жуда кизиктиради. Жуда ҳам.

**ЖЕК ЛОНДОН.**

**Уайкики, Гавайя ороплари, 1916 йил, 23 март.**



## ҚАДИМГИ ҚАРОКЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Олмоқ бўлсанг тақдир ва бахтни  
Ўз қўлингга жангу жадалла.  
Мавжли денгиз кўйнида  
эркин Қароқчилик йўлини  
танла.

### Н а қ а р о т:

Шамол увлар, денгиз жаҳлдор,  
Қироқчимиз, енгмас бундай ёв,  
Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

Тўппончага ханжар  
кўмакдош, Бу ажиб кун  
унутилмас ҳеч. Тўп  
ўқига беролмас бардош,  
Йўлни бизга тозалар  
қилич.


### Н а қ а р о т:

Шараф бўлсин шамолга ҳаргиз,  
Улжа, майга бўлсин  
шараф-шон. Шафқат тила  
биздан, хой матрос, Капитанни  
қилишган гумдон!

### Н а қ а р о т:

Жасурларнинг изига тушган  
Кемага ҳам шараф-шон  
бўлсин. Хотинларни, юкни  
оламиз, Қолганлари денгизга  
чўмсин!

Жорж СТИРЛИНГ.



## БИРИНЧИ БОБ

Бахорнинг ёз тафти сезилиб қолган сўшти кунлари тонгида Френсис Морган ҳаётидаги воқеалар ғоят тез ривожлана бошлади. Агар вақтни ҳатлаб ўтиб даҳшат-ли ва қонли драманинг — аниқроғи, содда кишилар фо-жиасининг ҳатнашчиси, шу билан бир вақтда Янги Дуне — Латин Америкаси аҳолисига хос юмшоқ кўнгил-лик ва жўшқин ҳиссиётга тўла ўрта аср мелодрама<sup>1</sup>-сининг шоҳиди бўлиш бирор кимсанинг пешанасига ёзил-ган бўлса, Тақдир бунга Френсис Морганни танла-ганди.

Бироқ, Френсис Морганнинг ўзи Тақдир унинг боши-га ташлаш учун нималар ҳозирлаётганидан хабарсиз бўлиб, яқинлашиб келаётган воқеаларга тайёр ҳам эмасди. У бридж<sup>2</sup> ўйинига берилиб кетганидан ҳаёти-нинг ҳар бир кунини кеч бошларди. Ёрнидан кеч турар, мева ва шовла билан нонушта қиларди; нонуштадан сўнг кутубхонага йўл оларди — кутубхона дид билан жиҳозланган бўлиб, отаси ҳаётининг сўнгги йилларида ўзининг қўламсиз ва хилма-хил ишларини шу ердан ту-риб бошқарарди.

— Паркер, — деб мурожаат қилди Френсис отасига ҳам хизмат қилиб келган маҳрамга, — ҳаётининг сўнгги йилларида Р. Ф. М. семириб кетмаганмиди?

— Йўқ, сэр, — жавоб берди маҳрам тажрибалИ' хиз-матчиларга хос эҳтиром билан ва беихтиёр йигитнинг келишган қоматига кўз ташлаб қўйди. — Сэр, отангиз-нинг қадди-қомати доим келишган эди. Қомати ҳеч қа-чон ўзгармаган: у елкадор, кенг яғринли, суяги йўғон-рок бўлса ҳам хипчабел, ҳа, доим хипчабел эди. Уни

<sup>1</sup> Мелодрама — таъсирли драматик асар.

<sup>2</sup> Бридж — карта ўйини.

ювиб-тараб, стол устига ётқизиб қўйишганда, сэр, шах-римиздаги кўп йигитлар ўз қоматларидан уялишлари мумкин эди. Сэр, у киши ўзларига яхши қарардилар, мен у кишининг ҳар куни эрталаб ўринларида ярим соат машқ қилишларини айтяпман. Бу машқни ҳеч тарк қил-масдилар. Бу менинг тоатим-ибодатим дер эдилар.

— Ҳа, отамнинг қомати бошқача эди, — деди йигит, отаси ўрнаттирган биржа<sup>1</sup> телеграфи ва бир неча телефон аппаратига ўйчан боқаркан.

— Мушлақо тўғри,— ишонч билан тасдиқлади Паркер. — Отангиз, суяги йўғон, яғриндор ва елкадор бў-лишига қарамай, оксуяқлардай келишган эдилар. Бу сизга ота мерос,- сэр; лекин сиз тагин ҳам хушбичим-роксиз.

Ўз отасидан хушқоматнигина эмас, миллионлаб маб-лағни мерос олган еш Френсис Моргай кенг чарм крес-лога осойишта ёнбошлаб, қафасга тушиб қолиб, ўз ку-чини қаёққа сиғдиришини билмаган қудратли шер қа-би оёқларини узатди. Тонгги газетани очар экан, Панама каналининг Кьюлебр участкасида қирғоқ ўпирилиб кетгани ҳақидаги хабарнинг сарлавҳасига кўзи тушди.

— Яхшиямки, биз, Морганлар семизликка мойил эмасмиз, — деди у эснаб, — бўлмаса бунақа яшашда тў-лишиб кетган бўлардим... Тўғрими, Паркер?

Кекса маҳрам унинг гапларини эшитолмай, хўжа-йинига хижолат бўлиб қараб турарди.

— Худди шундай, сэр, — деди у шоша-пиша. — Де-моқчийдимки, ундай эмас, сэр. Ҳозир сизнинг етилган пайтингиз.

— Ҳеч-да, — деди йигит ишонч билан. — Мен семир-ганим йўқ, лекин эгим бўшашиб қолгани тўғри... шун-дайми, Паркер?


— Ҳа, сэр... кечирсинлар, йўқ, сэр, мен ундай эмас, демокчийдим, сэр. Уч йил аввал колледждан келганин-гизда қандай бўлсангиз, ҳозир ҳам шундайсиз.

— Демак, бекорчилик менинг истеъдодим экан-да, Паркер! — Френсис кулиб юборди.

Паркер эҳтиром билан кулок, солди. Аммо хўжайини ғоят муҳим масалани ҳал қилаётгандай ўйга толди, қўл-лари эса яҳиндагина қўйган мўйловини ўйнади.

Б и р ж а — капиталистик мамлакатларда катта савдо ва мо-лиявий муомалаларни бошқарувчи воситачи муассаса.





— Паркер, мен балиқ овига бормоқчиман.

— Жуда соз, сэр.

— Бир нечта йиғма кармоқ юборишни сўрагандим. Мархамат, ўшаларни олиб келсанг, бир кўздан кечир-сам. Назаримда, мен учун энг фойдали нарса — бир-ик-ки хафтага ўрмонга жўнаш. Шундай қилмасам, сўзсиз семириб кетиб, аждодимиз шаънига доғ тушираман. Сэр Генри хақида эшитгандирсан? Қароқчи ва каллакесар Генри хақида?

— Ҳа, сэр. У ҳақда ўқиганман.

Паркер хўжайиннинг буйруғини бажаришга жўнаш учун унинг гапи тугашини кутиб эшик олдида турарди.

— Фахрланадиган жойи йўқ — қари кароқчи, шу ҳам иш бўптими?

— Учдай эмас, сэр. — Паркер эътироз билдирди. — У Ямайкада губернатор бўлган, ҳурмат-эҳтиромда яшаб ўлгач.

— Дорга осмаганларига шукур қилсин, — Френсис хохолаб юборди. — Очиғини айтганда, ўзи асос солган сулолага фақат ўзи доғ туширади. Лекин мен бошқа нарсани айтмоқчийдим: унга тааллуқли ҳамма нарсани синчиклаб ўргандим. У ўз қомати хақида кўп қайғурган, худога шукурки, ўлимига қадар хипчабеллигича қолган экан. Бу жиҳатдан бизга яхши мерос қолдирган. Хази-насини эса биз, Морганлар топа олмадик; айтмоқчи, у бизга васият қилиб қолдирган хушқоматлилик ҳар қан-дай гавҳардан қиммат. Профессорлар менга ўргатган биология тили билан айтганда — наслий белги бу.

Суханбозлик тинди, хўжайиннинг жим бўлишини узоқ кутган Паркер хонадан оҳиста чиқиб кетди, Френсис Морган эса Панама тўғрисидаги мақолани ўқий бошла-ди ва канал кема қатнови учун, чамаси, уч хафталар-дан йввал очилмаслигини билиб олди.

Телефон жиринглади ва отаси Риверсайд-драйвда курган кошона кутубхонасида ўтирган Френсис Морганга Такдир замонавий юксак цивилизациянинг электр асаблари ёрдамида қўл чўзишга уриниб курди.

— Лекин, азизим миссис Каррузерс, — дёб эътироз билдирди у телефон орқали гаплашаётган аёлга, — ниға бўлса ҳам бу вақтинчалик ажиотаж<sup>1</sup>. «Темпико Петроле-


<sup>1</sup> Капиталистик мамлакатларда акциялэр ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар нархининг сунъий равишда ортиши ёки камайиши.

ум»га ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бу чайқов ҳоғози эмас, пулни ишончли ишга сарфлашдир. Эҳтиёт қилинг. Қўл-дан чиқариб юборманг... Миннесотдан Нью-Йоркка кел-ган бирор фермер ишончли бўлгани учун бир-икки пакет акцияни сотиб олмоқчи бўлгандир-да, худдй шундай... нархи икки поғона кўтарилган бўлса нима қипти? Бари бир сотманг. «Темпико петролеум» лотерея ёки қимор эмас. Бу мустаҳкам саноат корхонаси. Мен, масалан, бу корхона унча катта бўлмаслигини хоҳлардим, у ҳолда бир ўзим маблағ билан таъминлай олардим... йўқ., йўқ., гапимга қулоқ солинг: ҳеч қандай сароб эмас! Циетер-наларнинг ўзига бир миллион долларлик буюртма бер-дик. Темир йўлимиз билан учта нефть к.увурининг узи беш миллиондан зиёд туради. Ишлаб турган нефть ку-дук/арининг ўзи юз миллион долларлик нефть беради, хуллас ҳозирги асосий вазифамиз — шунча нефтни ден-гиздаги танкерларга етказиш. Бир-икки йилдан кейин давлат қоғозлари қўлингиздаги акцияларга ниебатан ар-зимаган нарса бўлиб қолади...

... Ҳа, ҳа, мархамат. Биржа бозориға эътибор берманг. Шунга ҳам айтиб қўяйки, мен сизга бу акцияларни сотиб олинг, деб маслаҳат бермаганман. Дўстларимга ҳеч қачон бундай маслаҳат бермаганман. Башарти бу акцияларни сотиб олган экансиз, энди хўлдан чиқарманг. «Темпико» Англия банки каби ишончли корхона... Ҳа, кеча Дикки иккаламиз ўлжани бўлашиб олдик. Ажойиб компания бўлди-да. Дикки бридж ўйинида кизикқонлик қилса ҳам..., ҳа, биржавоз сингари омадимиз келди... Ха-ха-ха! *Мед* ҳизиххонманми? Ха-ха-ха... Шундайми?... Гаррига айтиб хўйинг, мен кетяпман, икки-уч хафтага... Хонбалиқ овига... Баҳор, биласизми, ирмоқлар шилдирайди, дарахтларга шира югуриб, куртаклар ёзил-япти, гуллар очилапти ва ҳоказо... Ҳа, яхши қолинг. «Темпико петролеум»ни қўлдан чихара кўрманг. Миннесотлик фермер ошир-ошир ўйнаб бўлгач, нархи бир оз пасайса, яна сотиб олинг. Мен ҳам шундай қилмоқчиман. Бу пул топиб олиш билан баравар... Ҳа... Ҳа, алб'атта. Бўлар-бўлмасга сотиб юбораверадиган қоғоз эмас, ахир нархи ҳеч қачон пасаймаслиги мумкин... Албатта, билиб, гапиряпман. Бугун саккиз соат'ухлаб турдим, ҳали оғзимга бир томчи ҳам олганим йўқ... Ҳа, ҳа... Хайр.

Френсис креслодан турмай, биржа билан боғланган аппарат лентасига хўл узатди ва эринчоқлик билан кўз





югуртириб чиқди; ундаги хабарлар қизиқиш туғдирмади.

Бир неча ингичка қармоқни кўтариб Паркер кириб келди, ҳар бир қармоқ санъат ва маҳорат билан сил-лиқланган ва безатилган эди. Френсис креслодан сакраб турди, телеграф лентасини четга улоқтириб, уни ўша заҳоти унутди ва, ёш боладай, гоҳ қармоқ ипи ҳавони қамчи каби визиллаб кесадиган даражада куч билан, гоҳ гўё хонанинг нариги четида кўзга кўринмас кўл бор-у, ўша ерга қармоқ ташлаётгандай, оҳиста, лекин аниқ ҳа-ракат қилиб, қармоқ дастасини шифтгача кўтариб таш-лаб кўрарди.

Телефон жиринглади. Ғаши келганидан Френсиснинг юзи буришиб кетди.

— Паркер, худо хайрингни берсин, ўзинг гаплаш, — буюрди у. — Яна биржавоз бирор аҳмоқ аёл бўлса мени ўлган ёки маст, терлама бўлиб ётибди ёки уйланыпти, деб айт, ишқилиб ваҳималироқ бир нарса ўйлаб топ.

Бу совуқ ва салобатли хонага мос равишда хотиржам-лик билан бўлган қисқа суҳбатдан сўнг Паркер трубка-га: «Бир дақиқа сабр қилинг, сэр», — деди-да, сўнг унй кўли билан беркитиб туриб:

— Бу мистер Бэском, сэр. У сизни сўраяпти, — деди.


— Мистер Бэскомга айт, тошини терсин, — деди Френсис, қаергадир қармоқ ташламоқчи бўлиб ҳаракат қиларкан; аслида унинг кўзлагани бўлганида, қармоқ деразадан ташқарига чиқиб, тиз чўкканча атнгул кўча-ти ўтказаетган боғбоннинг юрагини ёрган бўларди.

— Мистер Бэском биржадаги аҳвол тўғрисида гап-лашмоқчи экан, сэр, беш минутдан ортиқ вақтингизни олмасмиш, — Паркер ўжарлик қилиб туриб олди, лекин у арзимаган нарсани айтаётгандек юмшоқлик ва назо-кат билан гапирарди.

— Яхши. — Френсис қармоқни столга оҳиста тираб кўйди-да, трубкани олди.—Алло,—деди у трубкага.— Ҳа, бу мен, Морганман. Гапираверинг. Нима гап?

У бир дақиқа тинглаб турди-да, сўнг сўзлашаётган кишининг гапини тутатиб бўлди:

— Сотиш дейсизми? Асл.о! Ҳеч қачон... Албатта бунини эшитганимдак хурсандман. Лекин акция ўн поғона кўтарилганда ҳам, бундай бўлмайди-ку, албатта, — ўшанда ҳам кўлдан чиқарманг. Бу кўтарилиш қонуний бўлиб, кейин пасаймаслиги ҳам мумкин. Бу акциялар — ишончли нарса. Ҳозирги нархидан ҳам қимматроқ туради. Бу-



ни билмасликлари ҳам мумкин, аммо мен биламан. Агар Мексикадаги доимий революциялар тўхтаса, бир йилдан сўнг акцияларнинг нархи икки юз процентга етади... Агар нархи пасайса, мандан харид қилишга буйруқ ола-сиз... Бўлмаган гап. Контроль пакетни ким сотиб олар-ди? Қўйсангизчи, бу тасодифий, онда-сонда бўладиган воқеа... Нима? Кечирасиз. Вақтинчалик ҳодиса демоқчи эдим. Қулоқ солинг: икки ҳафтага балиқ овига кетяпман. Акция нархи беш поғона пасайса — сотиб олинг. Ким қанча таклиф қилса сотиб олаверинг. Ҳимм, кўлингда ишончли корхона бўлса-ю, унинг акциялари нархи оша бошласа, бу нархни пасайтириш ўйинидан баттар хавф-ли... Ҳа... Албатта... Ҳа... Хайр.

Френсис яна завқланиб, қармоқлари билан овора бўлиб кетди, шу вақтнинг ўзида шаҳарнинг нариги четида, ТомасФиганнинг кабинетида Тақдир тинимсиз ишларди. Томас Риган ўзининг даллоллар кўшинига «Тэмпико пет-ролеум» акцияларини сотиб олишни буюрди ва хилма-хил каналлар орқали концессия<sup>2</sup> масаласида «Тэмпико петролеум» Мексика ҳукумати билан чиқиша олмаётган-миш деган миш-миш таркатди-да, нефть бўйича эксперт-тининг<sup>3</sup> ҳисоботини ўқий бошлади. Эксперт икки ойгача Мексикада бўлиб, бу компаниянинг ҳақиқий истиқболи ва имкониятларини ўрганган эди.

Хизматкор кириб, ташрифнома узатди ва қандайдир муҳожир қабул қилишни сўраётганини маълум қилди. Риган қоғозга қаради.

— Уша мистерга, жаноб Алварес Торресга айтинг, уни қабул қилолмайман, — деди у.

Беш минутдан сўнг хизматкор яна ўша ташрифнома билан қайтиб кирди, энди унинг орқасига қалам билан нималардир ёзилган эди. Риган ўқиб чиқди-ю, юзида та-бассум лайдо бўлди:

«Қадрли ва ҳурматли мистер Риган, — деб ёзилган эди унда.—Сизга, сэр, шуни маълум қилиш шарафига муяссарманки, сэр Генри Морган қароқчилик қилиб юрган вақтида хазинасини қаерга яширганлиги менга маълум.

А л в а р е с Т о р р е с».

К о н т р о л ь п а к е т — капиталистик мамлакатларда бирор компания акцияларининг асосий қисми.

<sup>2</sup> И ж а р а.

<sup>3</sup> М у т а х а с с и с.



Риган бошини сарак-сарак қилди; хизматкор остона-га яқинлашганда хўжайин чақирди:

— Айт, дархол кирсин.

Риган ёлғиз қоларкан, миясига келган фикр ҳақида бош қотириб, унсиз кулди.

— Гўдак! Кучуквачча!~ деб тўнғиллади, сигара че-Киб тутун бурқситар экан. — Қари Р. Г. М. каби ўзини шер биледи-я. Уни яхшилаб савалаш керак, буёғини ўс-таси фаранг бўлиб кетган Ригандан кўрсин.

Сеньор Альварес Торреснинг инглизча талаффузи ҳам устидаги баҳорги костюм сингари бенуқсон экан; қора-чалигидан латин америкалик эканлиги кўриниб, қоп-қо-ра чакноқ кўзлари томирида испан ва ҳинди қони оқаят-ганини айтиб турса-да, у худди асил нью-йоркликнинг ўзгинаси эдики, Риган учун худди шундай одам керак эди.


— Кўп йиллик меҳнат ва излашлардан сўнг, — деб гап бошлади Торрес, — сэр Генри Морган ўз хазинасини қаерга яширганлигини аниқладим. Хазина Чивин соҳилига кўмилганига ишончим комил. Аниқроқ айтсам, Чириквидан хазина кўмилган жойгача бир минг милдан ор-тиқ эмас, энг яқин шаҳар зса ҳар жиҳатдан — Бокас-дель-Торо. Парижда ўқиган бўлсам ҳам, ўша ерда ту-ғилганман; у жойларни беш бармоғимдек биламан. Бундай экспедиция учун кичик бир шхуна қифоя қилган бўларди. Уни жиҳозлаш қимматга тушмайди, жуда ар-зон тушади, бунинг эвазига олинадиган фойдачи: бутун бир хазина.

Сеньор Торрес жим бўлиб қолди: у ўз фикрини ифо-далаш учун аниқроқ сўз тополмай қолган эди, аммо ўзи каби баджаҳл ва шафқатсиз кишилар билан муомала қилиб ўрганиб қолган Томас Риган сўроққа тутаётган ад-вокатдай қўшимча маълумотларни сўраб ола бошлади.

— Ҳа, — деб тан олди сеньор Торрес, — ҳозирги вақт-да бир оз қисилиб қолдим... нима десам экан?.. Камҳарж-рок....

— Сизга пул керакми? — дағаллик билан сўради биржачи. Торрес маъюслик билан таъзим қилди.

Альварес Торрес кетма-кет саволларга дуч келиб, бошқа нарсаларни ҳам тан олишга мажбур бўлди. Ҳа, у Бокас-дель-Тородан яқинда келди. У ерга яқин орада қайтиб бормаслигига умид қилади. Шунга қарамай, хо-зир бирор фикрга келишса, қайтиб боришга тайёр...



Аммо Риган оддий кишиларга буюриб ўрганиб қолган одамларга хос ишора билан сўзини бўлди: чек дафтар-часини олиб, Альварес Торрес номига чек ёзиб берди. Торрес қоғозга қараб, минг доллар рақами ёзилганини кўрди.

— Менинг фикрим мана бундай, — деди Риган. — Шахсан мен бу ёлғон-яшиқ гапларингизга ишонмайман. Лекин менинг ёш дўстим бор. Бу йигитчани жуда яхти кўраман, катта шаҳарнинг оҳанрабои — Бродвей ва унинг гўзаллари, шунга ўхшаш нарсалари уни ўзига тор-тиб кетаётганидан жуда ташвишланиб қолдим — хуллас гапимни тушунаётгандирсиз.

Сеньор Альварес Торрес таъзим қилди.

— Гап бундай, унинг саломатлиги, шунингдек уни гу-ноҳдан сақлаш учунгина эмас, мол-мулкани ҳам сақлаб қолиш учун энг яхши чора — хазина қидириб, жисмоний куч талаб қиладиган, саргузаштларга тўла саёҳатга чи-; кишдир, хуллас, гапимга тушуниб турибсиз, деб ўйлай-: ман.


Альварес Торрес яна таъзим қилди.

— Сизга пул керак, — деб давом этди Риган. — Уни қизиқтиришга урининг. Мана бу минг доллар меҳнатин-гиз учун. Уни Морган чолнинг олтинини қидиришга қй-зиқтира олсангиз яна икки минг оласиз. Агар уч ойга кетадиган қилиб қизиқтира олсангиз — яна икки минг кўшиб бераман; агар ярим йилга кетса — беш минг. Га пимга ишонаверинг: мен унинг отасини яхши билардим, ҳамсармоям, дўстим эди... ака-укадек бўлиб қолгандик десам ҳам бўлади. Дўстимнинг ўғлини тўғри йўлга со-лиш, уни одам қилиш учун пулимни аямайман. Бунга нима дейсиз? Мана, олдидан сизга минг доллар. Келиш-: дикми?

Сеньор Альварес Торрес қалтираб турган қўллари билан чекни думалоқлар, яна ёзарди.

— Мен... мен розиман, — деди тутилиб Торрес, у ҳая^-жонга тушганидан дудуқланиб қолди... — Мен, мен... ник ма десам экан?.. Мен бутунлай сизнинг ихтиёрингизда-: ман.

Беш минут ичида Торресга у ижро қилиши лозим булган роль ҳақида йўл-йўриқ берилди, унинг Морган хазинаси ҳақидаги ҳикоясига эса маккор ва тажрибали биржачи томонидан ҳақиқатга яқинроқ. бўлиши учун бир оз ўзгартиш киритилди; шундан сўнг испан ўрнидан



турди; жўнашдан олдин ҳазил қилиб, аммо маъюслик билан деди:


— Ғалати жойи шундаки, мистер Риган, хазина ҳақидаги гаплар мутлақо ҳақиқат. Сиз киритган ўзгартишлар билан ҳикоям хийла ҳақиқатга ўхшаб кетади, аммо шундоқ ҳам тўғри у. Менга пул керак. Сиз жуда сахийлик қилдингиз, айтганингизни қиламан... Мен... артистлик истеъдодим борлиги билан фахрланаман. Шунга қарамай, қасамёд қиламанки, Морган таловчилик қилиб тўплаган бойлигини қаерга қўйганини биламан. Мен бошқа одамларнинг кўришига рухсат берилмайдиган ҳужжатларни қараб чиқишга муваффақ бўлдим, бари бир бу ҳужжатларни бошқа ҳеч ким тушунмасди. Бу ҳужжатлар бизнинг оиламизда сақланади, кўп аждодларим уларнинг сирини очиш ҳақида бош қотирган-у, лекин удасидан чиколмаганлар. Аммо улар тутган йўл тўғри эди, уларга бир оз зеҳн етишмай қолган: улар фақат йигирма милга адашишган. Хазина кўмилган жой эса ҳужжат\* да аниқ кўрсатилган. Ҳамма нарса атайлаб чалкаштириб, бузиб, ребусга ўхшатиб жумбоқ тарзида ёзилгани учун улар хато қилганлар; буни фақат менгина -ҳал қила олдим. Илгари ҳамма денгизчилар ўз хариталарини чизаётганларида шундай жумбоқ ишлатганлар. Менинг испан аждодларим ҳам Гавай ороллари харитасини тузишганда беш градус узунликни ортиқча кўрсатиб, уни яширганлар.

Томас Риган учун бу гаплар хитой алифбоси каби жумбоқ эди; шунга қарамай: «Иши кўп кишини ишдан қолдириб, уни шунақа афсонани тинглашга мажбур қил-япти» дегандек, табассум билан тинглаб ўтирарди.

Сеньор Торрес чиқиши биланоқ кабинетга Френсис Морган кириб келди.

— Маслаҳатли иш билан бир минутга ҳузурингизга келдим, — деди у салом-алиқдан сўнг. — Сиз билан мас-лаҳатлашмасам ким билан маслаҳатлашаман — ахир сиз отам билан неча йиллар бирга ишлагансиз. Билишимча, улгуржи битимлар тузишда сиз унинг шериги эдингиз. У доим сизнинг гапларингизга қулоқ солишим зарурли- гини айтарди. Шунинг учун ҳам ҳузурингизга келдим. Аввал шуни айтишчи, «Темпико петролеум»га нима бўл-япти? Гап шундаки, мен балиқ овига кетмоқчиман.

— «Темпико петролеум»га нима бўляпти дейсанми?— гўё ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай, Риган саволга



савол билан жавоб қилди. Ҳолбуки ҳаммасига узи са-бабчи эди.

Френсис бош ирғади-да, креслога ўтириб, сигарета тутатди, Риган эса биржа телеграфи лентасини кўздак кечира бошлади.

— «Темпико.петролеум» акциялари нархи... икки поғона кўтарилибди... Хўш, сен нимадан ташвишланыпсан ўзи? — деб сўради у.

— Ҳеч нимадан, — жавоб қилди Френсис. — Деярли ҳеч нарсадан. Лекин бирор тўда «Темпико»ни ўз қўлига киритмоқчи бўлмаётганмикин, ахир корхонанинг кела-жақдаги қиммати жуда катта-да. Узингиз биласиз, бу гаплар орамизда қолади; яъни сир сифатида айтяп-ман.

Риган бош ирғади.

— Корхона жуда катта, — деб давом этди Френсис.— Ишлари жойида. Ҳар жиҳатдан баркамол корхона. Сохта жойи йўқ. Бирданига нархи кўтариляпти! Сиз бирор киши ёки бирор группа акцияларнинг контроль пакетини қўлга олмақчи деб ўйламайсизми?

Отасининг шериги оппоқ сочли бошини тебратди, аммо бу нуруний сочлар остидаги бошда қора фикрлар туғилган эди.

— Йўғ-э, — деди у, — менимча, тасодифий кўтари-лиш. Балки биржа ўйинларида қатнашувчи авом «Тем-пико петролеум» акциялари арзийдиган нарса эканлиги-ни сезиб қолгандир. Сен ўзинг нима дейсан?

— Ростдан ҳам арзигулик. — Қизикқонлик билан жавоб қилди Френсис. — Риган, мен шундай хушхабар ол-димки, хайратга тушганингиздан оғзингиз очилиб қолади. Мен ҳамма дўстларимга бу ишнинг сохта жойи йўқ, арзийдиган иш дейман. Бошқаларнинг капиталини жало этганим жуда алам дилади. Корхона шунчалик катта эдики, шундай қилишга мажбур бўлдим. Отамдан қолган ҳамма пулни бошқа корхоналарга сарфланганини эмас, бўш капитални айтяпман, ҳаммасини сарфлаганимда ҳам корхонани тиклашга етмаган бўларди.

— Нима, маблағдан танҳислик сезяпсанми? — сўради кекса Риган.

— Йўқ, қўлимда мўмай пул бор, уни ишга солишим мумкин. — йигит бепарволик билан жавоб қилди.

— Айтмоқчисанки...

— Албатта. Худди Идундай... «Тэмпико» акциялари 2-3389



нархи пасайиб кетса, ўзим сотиб оламан. Ахир бу кў-чадан пул топиб олгандек гап-ку.


— Қанчагача сотиб олмоқчисан? — деб сўради Риган, меҳмони сирини билиб олмоқчи бўлиб, аммо ўз манфа-атдорлигини бепарволик ва Френсиснинг ҳаракатларини маъқуллаш пардасига яшириб.

— Қўлимда борига, — деб жавоб берди Френсис ўй-ламай-нетмай. — Мен сизга айтяпман-ку, Риган, бу жу-да катта иш деб.

— Мен бу корхона билан чинакам қизиқиб кўрганам йўқ, Френсис, шунинг учун унинг қимматини аниқ бил-майман, аммо ўзимга маълум бўлган баъзи фактларга кўра, у жиддий корхонага ўхшайди.

— Ухшайди эмиш! Мен сизга айтдим-ку, Риган, бу тубсиз олтин конининг узи, ҳеч қандай сохта жойи йўқ. Унинг акцияларини сотиб юборганимдан ўзим пушаймон-ман. Лекин акция сотиб олганларнинг бирортаси ҳам хонавайрон бўлмайди. Ҳозир қанчалигини аниқ айтол-майман-у, бозорга бир неча юз миллион баррел нефть чиқариб, жаҳонга наф етказаман... Хаустек конида бир қудуғим борлигини биласизми, у етти ойдан бери кунига йигирма етти минг баррел нефть берапти. Нефть булоғи ҳали тугагани йўқ. Аммо бу биз бозорга чиқаришимиз мумкин бўлган нефтга нисбатан дарёдан бир томчи, хо-лос. Бу нефтнинг солиштирама оғирлиги йигирма икки, ундаги чўкинди эса бир процентнинг ўндан икки қисми-дан ҳам камроқ. Бундан ташқари яна бир нефть фонтани бор, унга олтмиш миль масофага қувур ётқизишгина қолган, кўрилган чораларга қарамай ҳамма ёқни нефть босиб кетяпти. Узингиз биласиз, буларни сизга сир си-фатида айтяпман. Ишларимиз ёмон эмас, шунга қарамай «Тэмпико петролеум» акциялари нархи осмонга чи-қиб кетишини истамайман.

— Бу ҳақда ташвишланмасанг ҳам бўлади, ўғлим. Яна шуниси ҳам керакки, нефть қувурдан оқсин, Мекси-када революциялар тўхтасин, ана шундагина «Тэмпико» акциялари нархи осмонга кўтарилади. Ҳозирча эса бу ташвишни унутиб, балиқ овига кетавер. — Ригай, жим қолди, сўнгра ўзини бирдан нимадир эсига тушган киши-дай кўрсатиб, стол устидан Альварес Торреснинг орқаси-га қалам билан хат битилган ташрифномасини олди. — Бунга қара, хузуримга ким келди? — Риган тўсатдан ту-ғилган фикрни ўйлаб пиштаётгандай жимиб қолди. —



Балиқ овига бориб нима қиласан? Ахир бу бефойда вақт ўтказиш эмасми? Мана бу ерда эса қизиқроқ ов бор — эркаклар боп ҳақиқий кўнгил очар иш. Бу Адирондак тоғидаги форс подшолари саройига ўхшаган, морожний ва хизматчилари бўлган хашамдор чорбоғ эмас. Отанг сулолангизни бошлаб берган бу қароқчи билан ғоят фахрланарди. У, қ.ароқчи отамга ўхшайман, дерди. Сен эса худди отангга ўхшайсан.

— Сэр Генрига ўхшайман, — деди Френсис кулиб, ташрифномага кўл узатар экан. — Мен ҳам бу кекс а қароқчи билан чакана фахрланмайман!

Ташрифномадаги хатни ўқиб чиқиб, Риганга савол назари билан ҳаради,

— Бу йигитнинг менга айтиб берган ҳикояси ҳақи-қатга ўхшайди, — Риган изоҳ берди. — У менга, Чивин Соҳилида туғилганман, хазина қаердалигини оиламизда сақланадиган ҳужжатлардан билиб олдим, деди. Аммо мен бирорта гапига ҳам ишонмайман. Уз ишимг-а алоқа-си бўлмаган нарсалар билан қизиқишга на вақтим, на истагим бор.

— Қизиқ, сэр Генри деярли қашшоқликда ўлиб кет-ди. — деди Френсис; унинг қошлари чимирилди, икки қоши ўртасида Морганларга хос қайсарлик чуқурчаси пайдо бўлди, — у яширган хазинани эса ҳеч ким топол-мади.

— Нима ҳам дердим, балиқ овида омадинг келсин, — Риган мулоийм кулиб кўйди.

— Ҳар холда ўша Альварес Торресни бир курсам, — деди йигит.

— Яшириб қўйилган олтин ҳақидаги гаплар қурук афсона, — деб давом этди Риган. — Лекин бу йигит айтиб берган воқеа менга ҳақиқатга яқиндек туюлганини тан оламан. Ҳимм, ёшроқ бўлганимда эди... Аммо бу ерда босим ўтириш пешанамга ёзилган экан.

— Бу одамни қаердан топсам бўлади? — деб сўради Френсис бир дақиқадан. сўнг, Томас Риган киёфасидаги Такдир уни илинтириш учун тайёрлаб қўйган сиртмоққа ишонч билан бошини суқиб.

Улар эртасига эрталаб Риганнинг кабинетида учра-шишди. Сеньор Альварес Торрес Френсисни кўриб сеска-виб кетди-ю, ўшазамони ўзини тутди. Буни Риган сез-май қолмади, у кулимсираб сўради:

— Қекса қароқчининг худди ўзи, шундайми?





— Ҳа, худди ўзи, — Торрес ёлғон гапирди ёки деярли ёлғон жавоб қилди, чунки у Френсиснинг сэр Генри Морганнинг портретига ўхшаб кетишини сезган бўлса ҳам, шу билан бир вақтда унинг кўз олдига сэр Генрига ҳам, Френсисга ҳам жуда ўхшаб кетадиган бошқа бир тирик одам қиёфаси келган эди.

Френсис ёш эди, ёшлик эса ғов нималигини билмай-ди. Замонавий атласу қадимий география хариталари, вақт ўтиши билан сарғайиб кетган қоғозга хира сиёҳ билан ёзилган ҳужжатлар ўртага қўйилди-да, ярим соат ўтар-ўтмасданок Френсис бундан буён фақат Буқа ва Бузоқ оролларидаги балиқ овинигина тан олишини эълон қилди. Торреснинг ишонтиришича, хазина Чирикви кўр-фазидаги ана шу икки оролдан бирида эди.

— Бугун кечқуруноқ поездга ўтириб, Янги Орлеанга жўнайман, — деди Френсис. — Шундай қилсам «Юнай-тед фрут компани»нинг Колонга жўнайдиган кемасига улгураман. О, кеча ётишдан олдин ҳаммасини ҳал қи-либ қўйганман.


— Фақат шхунани Колонда ижарага олакўрманг, — маслаҳат берди Торрес. — Беленгача отда боринг. Кема-ни ўша ерда ижарага олиш керак: матрослар оддий одамлар — ерликлар, умуман ҳаммаси жўнгина битади.

— Яхши маслаҳат, — Френсис унинг гапига қўшилди. — Анчадан буён ўша ўлкаларни кўрмоқчи бўлиб юрардим. Сиз ўша поездга улгурасизми, сеньор Торрес?.. Хазиначи<sup>1</sup> вазифасини ва йўл ҳаражатларини ўз зим-мамга оламан.

Лекин Альварес Торрес Риганга кўзи тушиб, ўзидан нима талаб қилинаётганини дарҳол тушунди-да, илҳом билан ёлғонни тўқий кетди:

— Афсуски, мистер Морган, мен бир оз кечроқ етиб бораман. Бу ерда зарур ишларим бор... Нима десам экан?... Арзимаган суд иши, уни охирига етказишим керак. Ундириладиган пул суммаси катта эмас-у, аммо оиламиз шаъни ўртага қўйилган. Шу сабабли, бу иш мен учун ғоят муҳим. Биз Торресларнинг ўзимизга яра-ша ғуруримиз бор. Биламан, бу сиз америкаликларга кулгили туюлади, аммо биз учун жиддий нарса.

— У сенга кейинроқ етиб олади, агар адашсанг, ёр-дам беради, — деб Риган Френсисни ишонтирди. — Айт-моқчи, эсларингдан чиқмай туриб ўлжани қандай бў-лашишни келишиб олсаларинг яхши бўлармиди... мабо-



до ўша хазинани бир кунмас-бир кун топиб олсалари-нғиз демокчиман-да.

— Сиз нима десангиз — шу, сизнингча қандай бўлиш-сак бўлади? — сўради Френсис.

— Тенг бўлиб олинглар. Қоқ ўртасидан, — деб так-лиф қилди Риган, ўз эътиқодича мутлако ўрни-таги йўқ хазинани уларга олижаноблик билан тенг тақсимлаб,

— Ишингиз битиши биланок етиб борасиз-а?— Френсис Торресдан сўради. — Риган, унинг ишига ўзингиз аралашиб, тезроқ бир ёхлик қилиб беринг. Бўптими?

— Албатта, болагинам,—деган жавоб эшитилди.— Агар унга пул керак бўлиб ҳолса-чи? Бериб турайми?

— Албатта беринг! — Френсис иккаласининг қўлини қаттиқ қисди. — Шундай қилсангиз мен ортиқча таш-вишдан қуғуламан. Хўп, мен кетдим: олдиндан тайин-лаб қўйилган учрашувларни бекор қилишим ва поездга улгуришим керак. Яхши қолинг, Риган. Сеньор Торрес, Бокас-дель-Торо яқинидаги бирор жойда ёки Буқа, ёки Бузоқ оролидаги бирор чуқурда учрашгунча хайр. Шундай қилиб, сизнингча, хазина Бузоқ оролидами? Хўп, майли, хайр. Ас!юзИ<sup>1</sup>

Сеньор Альварес Торрес эса яна бир қанча вақтгача Риган ҳузурида қолиб, ўзи ижро қиладиган роль ҳақида батафсил кўрсатма олди: у йўлга чиқишган кундан бош-лаб бутун сафар давомида Френсис экспедициясини бу-тун чоралар билан чўзиши, унга тўғанок бўлиши керак эди.


— Қисқасини айтганда,—деб яқунлади Риган, — ўз соғлиғини деб ўша ерда узоқ қолиб кетса, ғам емайман, умуман қайтиб келмаса, кўз ёши ҳам тўкмайман.

## ИККИНЧИ БОБ

Ёшлик каби пул ҳам ғов нималигини билмайди, шу сабабли ҳам ёшлик, ҳам пулнинг қонуний ва табиий зғаси бўлмиш Френсис Риган билан хайрлашгандан кейин уч ҳафта ўтгач ажойиб тонглардан бирида ўзи ижарага олган «Анжелика» шхунасининг бортида турарди. Шхуна эса соҳил яқинида штилга<sup>2</sup> тушиб ҳолган эди. Сув ши-шадаи тиниқ, шхуна сал тебранар эди. Бекорчилик жони-

Хайр *(испанча)*.

Елканли кемалар суза олмайдиган шамолсиз пайт.



га теккан ва худди ёшлик сингари ғов нималигини бил-майдиган ғайрат жўш уриб турган Френсис Морган ямайкалик негр ва ҳинди аёлнинг фарзанди бўлган метис капитандан кичик қайикни сувга туширишни сўради.

— Бу ерда тўти ёки маймунми, ёки шунга ўхшаш жо-ниворни отса бўладиганга ўхшайди, — деди • Френсис, дурбини билан ярим милча наридаги ўтиб бўлмас ўр-монга айланган соҳилни кузатиб туриб.

— Аниқроғи, маҳаллий захарли илон—лаббарига дуч келасиз, сэр, у чаққан одам омон қолмайди, — ямайкалик отасидан кўп тилларни билиш қобилиятини мерос олган капитан — «Анжелика»нинг эгаси шундай деб ку-либ қўйди.

Аммо Френсисни раъйдан қайтариб бўлмасди: шу пайт дурбинда оппоқ асьенда'ни, сўнг соҳилда оқ кийим-даги аёлни кўриб қолди: аёлнинг дурбин билан уни ва шхунани кузатаётганини ҳам-курди.


— Қайикни туширинг, капитан, — деб буюрди у. — У ерда кимлар яшайди? Оқ танлиларми?

— Энрико Соланонинг оиласи яшайди, сэр, — жавоб берди капитан. — Гапимга ишонаверинг, аслзода испан аристократлари. Чор атроф, денгиздан Кордильер тоғи-гача, яна Чирикви кўрфазининг ярми уларнинг мулки. Уларнинг ери купу пули кам. Утакетган такаббур, қизиқ-кон одамлар.

Френсис кичкина қайикда соҳил томон сузар экан, унинг тўти ёки маймун овлаш учун на милтиқ, на сочма милтиқ олганини курди капитан. Унинг ўткир кўзлари яна қоп-қора ўрмон фонида яққол билиниб турган оқ кўйлакли аёлга тушди.

Френсис ўша аёл жойида туриптими ёки йўқлигини билиш учун бурилиб қарашга ботинмай, тўгри оппоқ қум билан қопланган қирғоқ томон еузарди. Унинг ҳеч қандай қора нияти йўқ, йигитлар учун табиий бўлган бир истак — ёш кишлоқи аёл, чамаси ярим ваҳший, жу-да бўлмаганда содда кишлоқи аёл билан танишиш, ҳо-зиргача штиль «Анжелика»ни ўз сиртмоғида тутиб турган экан, вақт ўтказиш учун у қиз билан лақиллаш, шилқимлик қилиш истаги бор эди. Қайикнинг туби қум-га тегиши билан Френсис сакраб тушди-да, қайикнинг тумшугини кўтариб сувдан тортиб чиқарди, шундан сўнг-

А с ь е н д а — уй. Плантациялар билан туташган.



гана аёл томонга ўгирилди. Атрофда жон асари йўқ эди. Френсис тап тортмай олға юрди; «Ҳар қандай сайёҳ нгганиш қирғоққа келиб қолганда, йўл сўраш учун маҳаллий кишиларни кидиришга ҳақи бор», — деб қўйди ўзига.

Вақтинча эрмак топишни умид қилган Френсис шун-чалик эрмакка учрадики, бунақасини хаёлига ҳам кел-тирмас эди. Ҳали курган аёл худди фаришталардай тў-сатдан ўрмондан чиқиб келди-да, иккала қўли билан унинг қўлидан ушлаб олди. Бу қизнинг балоғат чўққиси-га етганлигини билиш учун бир назар ташлаш кифоя эди. Френсис бу қиз қўлини зўр куч, шу билан бирга на-зокат ва меҳр билан ушлаганини кўриб хайрон бўлди, Бўш қўли билан бошидан шляпасини олди-да, нотаниш қизга Нью-Йоркда тарбия курган, ҳеч нарсадан ажаб-ланмайдиган Морганча совуққонлик билан таъзим қил-ди-ю, хайратдан қотиб қолди. Қизнинг хусни-жамолидан-гина эмас, балки ўзига жиддий ва қатъийлик билан ти-килишдан хайратга тушди, Ҳатто бу қизни қаердадир учратгандай туюлди унга. Нотаниш кишилар бир-бирла-рига бундай тикилишларини у кўрмаган эди.

Қиз икки қўллаб унинг қўлидан тортиб, хаяжон билан шивирлади:

— Тезроқ оркамдан юринг!

Иигит бир дақиқагина иккиланиб турди. Қиз сабр-сизлик билан силтаб торти-да, эргаштириб кетди. Френсис, бу Марказий Америка соҳилидаги антиқа ўйинлар-дан бири бўлса керак, деб ўйлаб, табассум билан қиз буйруғига итоат этди-ю, аммо қиз орқасидан ўз ихтиёри билан кетяптими ёки қиз уни ўрмонга тортиб кетяпти-ми — буни ўзи ҳам билмасди. -

— Менинг қилганларимни такрорланг,— деди қиз ор-қасига қараб. Қиз энди Френсисни бир қўли билан уш лаб борарди.

Френсис табассум билан итоат қилди: қиз эмаклаган жойда у ҳам эмаклаб, энгашган вақтида эигашиб бо-раркан, ўзини Жон Смит билан Покахонтас'га ўхша-тарди.

Қиз тўсатдан тўхтади-ю, Френсисга ёнига ўтиришни ишора қилиб, ерга ўтирди; қўлини тортиб олди-да юраги устига босди.

Изқуварлар, Американинг биринчи тадқиқотчилари.





— Худога шукур! — деди у зўрға, нафаси қисилиб, — О, шафқатли биби Марям!

Афтидан ўйин қоидаси шундай бўлса керак, деб ўй-лаган ҳамда киз иродасига итоат этган йигит ҳам гарчи на тангри, на биби Марямга илтижо қилмаса-да, илжа-йиб, унга тақлидан қўлини кўксига қўйди.

— Наҳотки ҳеч қачон жиддийроқ бўлолмасангиз? — қизнинг кўзлари ғазаб билан чакнаб кетди.

Френсис дарҳол жиддий ва табиий киёфага кирди. . — Азизим леди... — деб гап бошламоқчи бўлди у.

Лекин киз кескин қўл силтаб, унинг гапини бўлди. Френсис тобора зўр ҳайратланиш билан қизнинг энга-шиб қулоқ солаётганига қараб турди, сўнг ўзи ҳам яқин-гинадаги сўқмоқдан келаётган одамларнинг оёқтовушини эшитди. Қиз жим турун деб буюргандек, юмшоқва ис-сиқ кафтини унинг кўлига қўйди-да, шартта ўрнидан турди, Френсис бу кескинлик унинг қонига сингиб кет-ганини тушунди. Қиз сўқмоқдан пастга томон югуриб кетди. Хайратдан хуштак чалиб юборишига сал қолди. Яқин жойдан қизнинг овозини эшитмаганда хуштак ча-либ юбориши турган гап эди: у испанчалаб ниманидир сўради, эркаклар овози хурмат билан бўлса-да, унинг илтимосини рад этди.

Сўнгра Френсис уларнинг ўзаро гаплашиб нари кет-ганларини эшитди. Беш минутча жимлик чўқди. Кейин яна қизнинг овози эшитилди, энди унга яширинган жойи-дан чиқишни буюраётган -эди.

«Ана холос! Қизик, бундай шароитда Риган ўзини қандай тугардийкин?»— буталар орасидан чиқиб келар-кан, хаёлидан шу фикр ўтди.


У киз орқасидан чангалзорни оралаб денгизга қараб борар, энди киз унинг қўлидан ушлаб олмаган эди. Қиз тўхтагач, Френсис хали ҳам ўйин давом этяпти деб ўйлаб, унга яқин келди.

— Тутиб олдим! — деб кулди у, қизнинг елкасига қўлини тегизиб. — Тутиб олдим! — такрорлади у. — Энди қувлаш сиздан!

Қизнинг чарос кўзлари ғазаб билан чакнади.

— Тентак!— деб хитоб қилди киз ва қўлини кўт'а-риб, Френсиснинг назарида қўполлик билан бармоғинн унинг мўйловига тегизди. — Наҳотки мўйлов қўйсам ме-ни танишмайди деб ўйлаган бўлсангиз?

— Азизим леди... — қизни биринчи марта кўриб тур-



ганини тушунтириш учун оғиз очган ҳам эдики, гапи бўғ. зида қолди.

Уни лабини тишлашга мажбур этган нарса^ҳам қиз ҳозиргача қилган ҳамма қилиқлар каби қутилмаган та-содифдай эди. Бу воқеа яшин тезлигида содир бўлдики, қорнига такаб турилган жажжи кумуш тўппончани қиз қаеридан олганини ҳам сезмай қолди.

— Азизим леди... — у яна гап очмоқчи бўлди.

— Мен сиз билан гаплашишни истамайман, — деб қиз унинг гапини бўлди. — Қемангизга чиқингу... — Френсиснинг назарида киз ўзини зўрға тутиб турарди. Бир дақиқа жимликдан сўнггина гапини тугатди: — ...бу-тунлай жўнанг.

У яна оғиз жуфтлаган эди, бикинига каттикроқ қа-далган тўппончадан жим бўлиб қолди.


— Яна бу ерга қайтиб келадиган бўлсангиз, мени худо ўзи кечирсин-у, отиб ташлайман сизни.

— Ундай бўлса, менинг бу ердан кетганим яхши-роҳ, — деди у ҳазиломуз ва орқасига бурилиб, қайик томон юрди; бу ғалати аҳволга тушиб қолганидан у ҳам уялар, ҳам кулгиси кистарди.

У қолган-қутган хамиятини сақлашга уринар ва нота-ниш киз орқасидан келаётганини сезмаганга оларди. Қа-йикни кум устидан сувга туширар экан, енгил шабада палма дарахлари баргини шитирлатаётганини сизди. Қирғоқ томондан эсан шабададан денгиз суви қорай-гандек бўлди; Чирикви кўрфазининг чиқаверишида, қоя-лар сароб каби кўриниб турган, узоқ уфқдаги ойнадай текис сув ҳам қорайиб кетди.

Френсис қайикқа ўтириш учун оёғини қўтарган ҳам эдики, тўсатдан йиғи овозини эшитиб қолди ва орқасига ўгирилиб қаради. Бу ғалати киз тўппончани пастга қи-либ, турган жойида йиғлаётган эди. Френсис бир сакраб киз олдида пайдо бўлди ва меҳрибончилик билан унинг елкасига қўлини қўйди. Унинг қўли тегишидан киз бир сесканди-да, ўзини четга олиб, кўз ёшларини артман, унга таъна билан қаради. Френсис қизнинг бундай тез ўзгарувчи кайфиятини тушунмаганини билдириш учун елкасини қисди, яна қайик томон бурилмоқчи бўлганда киз уни тўхтатди.

— Сиз... — деб бошлади-ю, тутилиб қолди ва оғир хўрсниб қўйди,— хайрлашаётиб бир ўпсангиз бўлмай-димми?



Шундай деб қиз кучоғини очди-да, ўзини йигитга ташлади, лекин у ҳамон ўнг қўлида тўппончасини ушлаб турар, тўппонча бу манзарага сира ёпишмас эди. Ҳечнар-сага тушунмаган Френсис бир дақиқа нима қиларини билмай турди-ю, сўнг кизни кучоқлади, лабларидан олин-ган эҳтиросли бўсадан донг қотиб қолди; нотаниш киз эса унинг елкасига бош қўйиб хўнграб йиғлаб юборди. Френсиснинг кўз олди қоронғилашиб кетди, аммо у ик-ки кураги ўртасига тўппонча қаттиқ ботаётганини сезиб турарди. Бир оз вақт ўтгач киз кўз ёшлари ювган юзини кўтарди-да, Френсисни бир неча бор ўпди, Френсис эса кизнинг бўсасига у каби эҳтиросли жавоб қилиб, ман-фурлик қилмаяпманмикин, деб ўйлади.


Узига-ўзи, бу ёқимли манзаранинг қанча давом эти-ши менга бари бир, дейиши биланок киз ўзини оркага ташлади, унинг юзи яна ғазаб ва нафратдан ловилла-ди, тўппонча ўқталиб, қайикни кўрсатди.

Френсис, гўзал кизнинг раъйини қайтариб бўларми-ди, дегандек елкасини қисди-да унинг амрига бўйсуниб, қайикқа ўтирди, эшакни олиб, кирғоқдан узоклаша бошлади.

— Биби Марям, мени ўз паноҳингда сақла, кўнглим бўшлигидан ҳалок бўлишимга йўл қўйма!— деб хитоб қилди-да, киз бўш қўли билан бўйнидаги медальонини узди. Олтин мунчоқлар ёмғир каби ёғди, медальон Френсис ва киз оралиғидаги сувга келиб тушди.

Худди шу пайт чангалзордан уч киши югуриб чиқиб, ҳолсизликдан қумга ўтириб қолган киз томон югурди. Улар келиб кизни турғазишди, шундан кейингина бор кучи билан эшак эшаётган Френсисни кўриб қолишди. Френсис, «Анжелика»га ҳали узокмикин деб ўгирилиб қараб, шхуна бурни билан сувни ёриб, сал қийшайганча ўзи томон келаётганини курди. Шу пайт кирғоқдаги уч эркакдан бири — кексароқ, соқоллиси кизнинг қўлидан дурбинни олиб Френсисга қаради. Уша заҳоти дурбинни ташлаб, милтикни тўғрилай бошлади.

Уқ қайикқа ярим метр етмай шалошлаб сувга тушди, аммо иккинчи ўқ отилмай туриб киз шошилиб ўрнидан турди-да, бир зарб билан чолнинг қўлидаги милтикни тушириб юборди. Френсис жон-жаҳди билан эшак эша-ётиб, ҳалиги чол киздан нари қочиб, яна уни нишонга олаётганини, аммо киз тўппонча ўқталиб, милтикни ту-ширишга мажбур қилганини курди.




Шамол эсишига қарама-қарши томонга бурилган «Анжелика» сувни кўпиклатиб тўхтади ва Френсис чак-қонлик билан палубага чиқиб олди; ўша замони капитан руль чамбарини айлантирди, елканларга шамол урилди ва шхуна денгиз томон сузиб кетди. Френсис ҳамон ор-қасидан қараб турган нотаниш кизга болаларга хос шўх-лик билан бўса ишора қилди ва киз бутунлай ҳолдан ке-тиб, серсоқол чолнинг бағрига йиқилганини курди.

— Оловнинг ўзи бу лаънати Соланолар! Утакетган кибрли кишилар, — дедй метис капитан Френсисга ва оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Чинакам жинни, қутурган одамлар экан!— Френсис кулиб юборди, борт яқинига келиб, эҳтиросли кизга яна бўса ишора қилди.

Қитъадан шамол эсиб тургани туфайли «Анжелика» Чирикви кўрфазини тўсиб турувчи қоя тошларга егиб олди ва қояларни ёқалаб яна эллик милча сузиб, ярим кечада Буқа ва Бузоқ оролларига етиб борди; капитан шу ерда тонг отишини кутишга қарор қилиб, лангар ташлади. Ноиуштадан сўнг Френсис эшак эшишга ямайкалик негр матросни ўтқазиб, қайикқа Бузоқ оро-лидан каттароқ бўлган ва, шкипернинг сўзларига кўра, йилнинг шу фаслида одам яшайдиган Буқа оролини кўз-дан кечириш учун жўнаб кетди. Йилнинг шу пайтида қитъадан ҳиндилар балиқ овлагани оролга келар экаи-лар.

Оролга етмай турибоқ, Френсис Нью-Йоркдан уни фа-қат ўттиз даража кенгликкина эмас, балки ўттиз асрлик тараккиёт босқичи ажратиб турганини, ўта замонавий маданий оламдан, айтиш мумкинки, ибтидоий ваҳший-лик шароитига тушиб қолганини тушунди. Белларига боғлаб олган лунгиларни ҳисобга олмаганда, кип-ялан-ғоч, оғир ва ғоят ўткир болта — мачете билан қуроллан-ган тошбақа овчилари ўта кетган сурбет эканликларини, кези келганда қотилликдан ҳам қайтмасликларини дар-ров кўрсатишди. «Буқа ороли бизнинг мулкимиз», де-йишди улар Френсисга, уни оролга олиб келган таржи-мон матрос орқали. Тошбақа овлаш пайтида уларнинг тасарруфида бўлган Бузоқ оролини эса ҳозир бир ку-



турган, қайсар гринго<sup>1</sup> эгаллаб олган эмиш. У одамлар-ни кўрkitиб, уларнинг хурматини қозонган. Бу—икки оёқли мавжудотнинг ўзидан дахшатлироқ ва кучлироқ кимсага хурмати эди.

Френсис бир. кумуш доллар бериб, ҳиндилардан би-рини ўша сирли гринго олдига бориб, ўзининг ташриф бугормоқчи бўлганлигини етказишга кўндирди. Буорада бошқалари қайикни ўраб олишиб, Френсисни қизиқиб томоша қила бошладилар. Улар Френсисдан пул сўра-шар, ҳатто оғзидан бир дақиқага олиб, ёнига қўйиб қўй-ган трубкани ҳам илиб кетишди. Френсис ўша замони ўғрининг кулоги тагига туширди, сўнгра ундан турбкани олган йқкинчисини ҳам шапалоқлаб, трубкани қайтариб олди. Бир дақиқада оломон мачетесини ўйната бошлади, уларнинг ўткир тиғлари куёш нурида ярқиради. Аммо Френсис автомат тўппончасини ўқталиб, уларнинг шаш-тини қайтарди. Ҳиндилар орқага тисарила бошладилар ва тўпланиб, шивирлаша кетишди. Шу пайт Френсис ягона ҳамроҳи ва таржимони кўрқоқлик қилганини сез-ди, у тошбақа овчилари ҳузурига бориб, ялингансимон гапира бошлади, унинг бу қилиғи Френсисга ёқмади.

Унгача хат олиб кетган киши қайтиб келди, Френсис ямайкалиқдан умиди пучга чиқиб, элчи билан ўзи гапла-шиши лозимлигини тушунди, унинг қўлидан қоғоз'ни олди. Қоғозга қалам билан: „Вапюз! — Йўқол!“ деган сўз-лар ёзилган эди.

— Узим боришимга тўғри келади, — деди Френсис негр матросни олдига чақириб.

— Мумкин қадар эҳтиёткор бўлинг, сэр, — деб огоҳ-лантирди негр. — Бу миясини еб қўйган хайвонлар ҳар қандай ишга қодир, сэр.

— Қайикқа ўтир, ..мени у ёққа олиб бор, — Френсис қиска буйруқ берди.

— Йўқ, сэр, минг афсуски, олиб боролмайман, сэр,— деб жавоб қилди қора таили матрос. — Сэр, мен капитан Трефзэнга ўз бошимни сиртмоққа тикқани эмас, матрое-ликка ёлланганман, нақ ўлим чангалига сиз билан бор-майман, сэр. Бу дўзахдан кетсак яхшироқ бўларди; бу ерда қоладиган бўлсак, сэр, адабимизни беришади ^ бу-ниси аниқ.

<sup>1</sup> Гринго — Марказий Америкада инглизларни ва Қўшма Штатларда яшоачиларни ана шундай деб атайдилар.



. Бутун вужудини ғазаб қамраб олган Френсис матрос-га таҳқир билан назар ташлади-да, тўппончасини чўн-тагига солиб, шартта бурилди-ю, пальмазорни оралаб йўлга тушди. Бир вақтлар зилзила отиб юборган катта оҳақтош ётган жойда денгизга чиқди. Кичик бўғознинг аариги томонида, Бузоқ ороли соҳилида боғлоғлиқ ^турган қайикни курди. Узи турган кирғоқдаэса ёғочданўйиб ясалган, афтидан тешик каноэ —қайик турарди. Унинг вчидаги сувни тўкиш учун Френсис- қайикни ағдарди-ю, ўша заҳоти тошбақа овчилари изма-из келиб, пальмазор четида ўзининг ҳаракатларини кузатиб туришганини се-зиб қолди; лекин кўрқоқ матрос уларнинг орасида йўқ эди.

: Френсис учун бўғозчадан утиш бир неча дақиқалик иш эди; аммо Бузоқ оролининг нариги соҳилида уни қу-чоқ очиб кутишмади; автомат туппонча ушлаган яланг оёқ йигит пальма орқасидан чиқиб бақирди:

— Ватоз! Йўқол бу ердан! Тезроқ!

— О, денгиз маъбудаси-ю, унинг балиқлари ва балиқ-чалари! — деб Френсис, ярим ҳазил, ярим чин хитоб қил-ди ва кулди. — Бу ерда одамнинг бир қадам босишига ҳам йўл қўйишмайди, дарров башарасига туппонча ўқта-лишади, Ҳаммаси: «Йўқол бу ердан, ргопЮ<sup>1</sup>!» деб ба-қаришади.

. Сизни бу ерга ҳеч ким чақиргани йўқ, — деб эъти-роз билдирди нотаниш йигит. — Сиз руҳсатсиз келдин-гиз. Менинг оролимдан жўнанг. Ярим минут муҳлат берам ан.

— Биласизми, дўстим, менинг жаҳлим чиқа бошла ди, — Френсис рўй-рост айтиб қўяқолди, ўзи эса яқин орадаги пальмага қараб, оралиқ қанчалигини мўлжал-лаб қўйди. — Бу ерда кимни учратсам — ҳаммаси қана-қадир тентак, бунинг устига нодон: одам деганни уял-май-нетмай ҳайдаб юборади. Буларни кўриб мен ҳам баджаҳл бўлиб қолдим. Бу орол меники деганингизга келсак, қуруқ сўз, исбот эмас...

Френсис гапини тугатмаёқ пальма орқасига яширин-ди. Дарахт орқасига ўтиши билан пальма танасига ўқ келиб тегди.

— Ҳали шунаками!—деб кичқирди у ва нотаниш йи гит панасига яширинган дарахтга қараб ўқ узди.

<sup>1</sup>Тез (испанча).



Отишма бир неча минут давом этди: ракиблар гоҳ устма-уст ўқ узишар, гоҳ кутиб, мўлжалга олиб отмоқ-чи бўлишарди. Ниҳоят Френсис саккизинчи ва охириги ўқни отди-ю, нотаниш йигит отган ўқ етгита эканлигини ўйлаб эти жимирлашиб кетди. Шундан сўнг пўкак шлём-ини қўлига олиб, дарахт панасидан охиста чиқарди,— ўша замони шлёмни ўқ тешиб ўтди.

— Тўппончангиз қанақа? — деб сўради у совуқ, аммо ҳурмат оҳангида.

— Кольт, — деган жавоб эшитилди.

Френсис яшириниб турган еридан дадил чиқди.

— Ундай бўлса ўқдониди ўқ қолмади. Мен санаб турган эдим, саккизта оддингиз. Энди гаплашишимиз мумкин.

Нотаниш йигит ҳам дарахт панасидан чиқди. Френсис йигитнинг қўпол матодан тикилган ифлос шими, йўл-йўл майка, соябони қийшайиб кетган сомбреро қийгани-га қарамай, келишган қадди-қоматини беихтиёр томоша қилиб қолди. Бунинг устига, Френсис ўзининг аксини кўриб турганини хаёлига келтирмай, бу одамни қаердадир кўргандек бўлди.

— Гаплашиш эмиш!—деб ижирғанди нотаниш йигит ва тўппончасини ташлаб, камари остидаги пичоқни олди.— Ҳозир қулоғингни кесаман, кейин балки бош терингни ҳам шилиб оларман.

— Сени қара-ю! Бу ўрмонларда қанақа ювош ва оқ кўнгил ҳайвонлар яшайди-я! — Френсис ғазаби қайнаб кетаётганини фахмлаб, унинг гапига мос жавоб қайтарди. У ҳам яп-янги, ялтироқ ов пичоғини чиқарди. — Қел, яхшиси, жиноятчилар ҳақидаги енгил-елпи романларда-гига ўхшаган пичоқбозликни йиғиштириб қўйиб, куч си-нашайлик.

— Менга сенинг қулоғинг керак,— эҳтиром билан эътироз билдирди нотаниш йигит ва Френсис томон охиста кела бошлади.

— Жуда яхши. Қимнинг кураги ерга тегса, ўша ўз қулоғини қолибга беради.

— Розиман! — йигит пичоқни қинига солиб қўйди.

— Бу манзарани суратга олиш учун киноаппарат йўқ-да,— деди Френсис жилмайиб, >'з навбатида пичоғини яшираркан. — Алвастидай дарғазабман! Энг бад-жаҳл хинди каби! Эҳтиёт бўл! Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам сени ерга ураман,



Бирор сўзни айтгандан кейин уни бажариш ҳам ке-рак. Аммо Френсиснинг ажойиб ҳужуми шармандали натижа билан тугади: афтидан ҳар қандай сиқикка бар-дош берадиган нотаниш йигит Френсис тўқнашиши би-ланоқ орқасига йиқилди. Бу муғамбирлик эди: оёғини кўтариб Френсиснинг қорнига шундай тепдики, бечора ҳавода думбалоқ ошиб, рақибининг устидан учи-б кетди.

Френсис қаттиқ йиқилганидан ҳушидан кетаёзди, бу-нинг устига рақибни дарров унга ташланиб, ерга шундай эздик, жони чиқиб кетишига сал қолди. Бир оғиз га-пиришга мадори қолмаган Френсис чалқанча ётар экан, устига миниб йигитнинг ўзига қизиқиш билан тикилаёт-ганини тўсатдан сезиб қолди.

— Бу мўйлов нимага керак?— деб сўради нотаниш,

— Бекорчи гапни қўй, қулоғимни кес, — деди Френсис ўзини сал енгил сезиши биланоқ.— Қулоғим сеникн, мўйлов Ъса меники. Биз мўйлов ҳақида шартлашгани-миз йўқ. Умуман, сен мени жиу-жицу<sup>1</sup> қоидасига муво-фиқ йиқитдинг.

— «Ҳар қандай усул билан елкангни ерга тегиза-ман», деб ўзинг айтдинг-ку, — деб нотаниш йигит унинг гапларини эслатиб қулди.— Гап бундай: қулоғинг ўзинг-га сийлов: қулоғингни кесмоқчи ҳам эмасдим, энди, яқин-дан кўрганимдан кейин мутлақо кесмайман, менга керак эмас. Ўрнингдад тур-да, бу ердан жўнаб қол! Мен сени йиқитдим. Ватоз! Иккинчи марта бу ерга келиб ис-кай-юрма! Йўқол бу ердан! Тез!

Олдингидан ҳам жаҳли чиққан, ўзининг енгилганини англаб таъби тирриқ бўлган Френсис қайиқ турган со-ҳилга қайтиб келди.

— Ҳой йигитча, ҳеч бўлмаса ўз ташрифномангни ташлаб кетарсан? — деб кичқирди унинг ортидан қолиб йигит.

— Каллакесарларга ташрифнома қолдирилмайди, — деди Френсис қайиққа чўкиб, уни эшқак билан итариб соҳилдан жилдираётди.—Менинг фамилиям эса Морган.

Нотаниш йигитнинг юзида ғоят ажабланиш аломат-лари кўринди: у нимадир демоқчи бўлиб оғиз очди-ю, кейин фикридан қайтди ва фақат ўзича: «Уруғимиз бир экан. Ухшашлигимиз сабаби шу», деб пўнғиллаб қўйди.

Жиу-жицу — японча кураш усули.



Френсис ҳамон аламидан куйиб-ёниб, Буқа оролига етиб борди, кайикни кирғоққа тортиб чиқарди, четига ўтириб, трубкасига тамаки жойлади-да, тутатиб маъюс ўйга чўмди. «Бу ердагиларнинг ҳаммаси жинни, барчгеи телба, — деб ўйларди у. — Бирортаси ҳам инсонга ўхшаб муомала қилмайди. Қизиқ, Риган чол бунақа одамлар билан қандай қилиб иш битирардийкин? Унинг кулоғини албатта кесиб олган бўлардилар».

Худди шу минутда Френсис парусин шим кийган, ўзига жуда ўхшаш ҳалиги йигитни кўра олганда эди, Латин Америкасида яшовчиларнинг ҳаммаси ҳақиқий телба, деган қатъий қарорга келган бўларди, чунки юқо-рида тилга олинган йигит оролдаги томи хашак билан ёгшлган кулбасида ўтирганча, ўз фикридан ўзи кулйб, овозини чиқариб бундай дерди:

— Бу Морганлар оиласи аъзосининг роса юрагини ёрганга ўхшайман. — Шундай деб девор олдига келди ва Морганлар аждоди асосчиси сэр Генрининг сурати нусхасига тикила бошлади. — Хўш, жаноб қароқчи, — у жилмайиб давом этди, — иккита авлодингиз автомат тўппонча билан бир-бирини отиб ўлдиришига сал қолди, бу тўппончалар олдида сизнинг алмисоқдан қолган куролингиз ўйинчокнинг ўзи.


У шалоғи чиққан ва қурт еб ташлаган эски денгиз-чилар сандиғига энгашиб, «М» ҳарфи ўйиб ёзилган коп-қокни кўтарди-да, яна суратга қараб гапирди:

— Ҳа, олижаноб аждодим, валлийлик қароқчи, менга кўп нарса қолдирмабсан: эски латта-путтаю икки томчи сувдай ўзингга ўхшаган башара. Аммо сени Порт-о-Пренсда ўққа тутганлари сингари мени ҳам отишса, ўзимни кўрсатардим.

Шундай деб у сандиқда ётавериб тутдай тўкилаёз-ган, қуя еган кийимларни кия бошлади.

— Мана, мен ясениб олдим — деди у бир минутдан сўнг.— Қани, азиз аждодим, рамкани ичидан бу ёққа чиқиб, иккаламиз икки томчи сувдай ўхшашлигимизни рад қилиб кўр-чи!

йигит сэр Генри Морганнинг эски кийимларини ки-йиб, белига қилич боғлаб, ўйма гул солиб безатилган иккита катта тўппончани энли камарига кистириб ол-гач, у билан аллақачон хоки йўқ бўлиб кетган кекса қароқчи ўртасидаги ўхшашлик ҳақиқатан ҳам танг қолар-ли даражада эди.



Шамол увлар, денгиз жаҳлдор, Қароқчимиз, енгмас бундай ёв, Ёнма-ёнмиз мачта ёнида, Мингларга ҳам қаршимиз икков!

йигит гитара торини чертиб, қадимги қароқчилар кў-> ширини куйлай бошлади. Аста-секин суратдан қараб турган сиймо хиралашди ва йигит кўз олдида бошқа бир манзара намоён бўлди.

;' Кекса қароқчи грот-мачтага суяниб, кўлида ялтироқ қиличяи ушлаган, жулдур кийинган каллакесар матрослар эса уни ярим қуршаб туришарди. Мачтанинг наригн ёғида худди шундай либос кийган бошқа киши мачтага суяниб турар, унинг олдини ҳам каллакесар матрослар ярим доира шаклида тўсиб олганди.

Йигит берилиб кетиб, гитара торини қаттиқ чертди-ю, торнинг узилишидан ҳалиги манзара тўсатдан ғойиб бўлди.

Гўё бу сукунатда кекса сэр Генри рамкадан чиқиб, унинг ёнига келиб, кулбадан чиқишни буюриб енгидан тортаётгандай, ўзи эса қатъият билан:

Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

деб шивирлаётгандай бўлди.

Шарпа даъватига қулоқ солиб, балки қалби нима-нидир сезганиданми, йигит кулбадан чиқди-да, денгиз бўйига тушди.'Тор бўғозча орқали қарши кирғоққа қараб, оҳақтош қоясига орқасини ўгириб олиб, мачетеларини ўқталиб келаётган ярим яланғоч хиндилар хужумини қайтараётган ҳалиги рақибини курди. Унинг кўлида катта таёқ бор эди, чамаси уни денгизда сузиб-келач ёғганда ушлаб олганди,

Шу пайт кимдир отган тош Френсиснинг бошига тегди ва кўз олди қоронғилашиб кетди; ҳушидан кетаётиб шундай манзарани кўрдикки, бу манзара уни деярли ўлгани ва арвоҳлар дунёсига тушиб қолганига ишонтирди^ээр Генри Морганнинг шахсан ўзи қўлига қилич ушлаб, унга ёрдамга келарди. Бунинг устига у хиндиларки қийратиб, ўнгу сўлига қилич солар ва: бўғик овоз билан куйларди:





Шамол увлар, денгиз жаҳлдор,  
Қароқчимиз, енгмас бундай ёв,  
Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

Френсиснинг оёқлари бўшашиб кетди-ю, оҳиста ерга чўкди; сўнги курган нарсаси сирли қароқчидан тум-та-рақай кочиб кетаётган ҳиндлар эди.

«Худо ўз паноҳингда асра»,— «Мома Ҳаво, ўзинг сақ-ла!»  
— «Бу Морган чолнинг арвоҳи-ку!» — деган кички-риқлар унинг қулоғига кирди.

Френсис Бузоқ оролининг қоқ ўртасидаги усти хашак билан ёпилган кулда ўзига келди. Ҳушига келиб би-ринчи кўзи тушган нарса девордан унга қараб турган сэр Генри Морганнинг сурати бўлди. Сўнг сэр Генрининг аниқ нухасини курди, бу нуха фақат ёшроқ ва жоили эди, ана шу сэр Генри ароқ тўла флягасини Френсиснинг лабига туғиб, бир қултум ичишни сўради. Френсис бир қултум ичиши биланоқ дарҳол қувватга кирганини сезди ва ирғиб ўрнидан турди; йигитлар бир хил фикр билан бир-бирига, сўнг суратга тикилишди-да, флягаларни уриштириб, аждодлари хотирасига ва бир-бирларининг соғлиғига ичишди.


— Сиз ўзингизнинг Морган эканлигингизни менга айтган эдингиз, — деди ноганиш йигит. — Мен ҳам Мор-ганман. Мана бу деворда сурати осиглиқ турган киши менинг бобо калоним бўлади. Сизнинг уруғ-аймоғингиз кимдан бошланган?

— Худди шу бобо калондан,— деб жавоб берди Френсис.  
— Менинг исмим Френсис. Сизники-чи?

— Менинг исмим бобо калонимизники каби Генри. Сиз билан биз амакиваччаларнинг болалари ёки шунга ўхшаш узок қариндош бўлсак керак. Мен бу ерда бир вақтлар мана бу муғомбир, қари хасис ўғрилиқ билан тўплаган хазинани қидирипман.

— Мен ҳам, — деб, Френсис унга қўл узатди. — Фақат хазинани бўлиш йўқ.

— Бу Морганларга хос гап, — деб маъқуллаб кулди Генри.  
— Биринчи бўлиб ким топса, ҳаммаси ўшаники. Ярим йил ичида мен оролни бутунлай қазиб ташладим, топган нарсам мана шу эски латталар, холос. Хазинани сендан олдин топишга ҳаракат қиламан, албатта, лекин



мен керак бўлиб қолсам, ёрдамга чақирсанг, албатта ёнингга келиб мачта остида елкама-елка тураман.

— Бу ажойиб кўшиқ,— деди Френсис. — Уни ёдлаб олмоқчиман. Яна бир ўша сатрини такрорла-чи.

Улар флягаларни уриштириб, куйлай бошлашди:

Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

### У Ч И Н Ч И    Б О Б

Лекин қаттиқ бош оғриғидан Френсис ашула айтиш-ни бас қилди. Генри уни сояга илиб қўйилган тур бе-ланчакка ётқизди. Сўнг Генри капитанга ўз меҳмони-нинг лангар ташлаб туриш, матросларни Бузоқ оролига ҳеч қандай баҳона билан туширмаслик ҳақидаги буй-руғини откашиш учун «Анжелика»га жўнади.

Френсис қотиб ухлаб, эртасига чошгоҳдагина ўрнидан турди ва бош оғриғидан халос бўлганлигини маълум қилди.


— Бу қанақа -бўлишини биламан: бир марта отдан йиқилиб тушганман, — деди унинг ғалати қариндоши ҳамдардлик билан, катта кружкага хушбўй қаҳва қуя-ётиб.— Мана буни ичиб юбор, дарров енгиллашасан. Но-нуштага тузланган гўшт, қотган нону тошбақа тухуми-дан қилинган қуймоқдан бошқа тузукроқ нарса тақлиф қилолмайман. Тухум эскимаганига кафилман: бугун эр-талаб, сен ухлаб ётганингда кавлаб олдим.

— Эрталаб қаҳванинг ўзи нонуштаннинг ўрнини бо-сади, — деди Френсис билимдонлик билан, янги топиш-ган қариндошига тикилиб, гоҳ-гоҳ суратга кўз ташлаб қўяр экан.

— Сен ҳам унга жуда ўхшайсан; ташқи томонданги-на эмас—Генри Френсиснинг қаёққа қараётганини кўриб кулиб юборди.— Қеча хазинани тақсимлашдан бош торт-ганингда шундай мулоҳазада эдингки, тирик бўлганида сэр 1 енри кам худди шундай деган бўларди. Унинг тақ-симлашм емон кўриши туғма эди, қароқчилик билан топган Ооиликни ҳатто ўз командасига ҳам бўлиб бер-маган. Ёшига тушган кулфатларнинг сабаби 'хам шун-да. Турган гапки, ўз авлодларига бир пенни'ни ҳам тақ-

П е н н и — пул бирлиги.





симлаб бермаган бўларди. Мен эса бошқачаман. Мен Бу-зоқ оролининг ярминигина эмас, ўз қисмимни ҳам' бутун жондор ва жонсиз нарсалари билан сенга беришга тай-ёрман: кулбанц ҳам, ажойиб жиҳозларни ҳам, бобомиз-дан қолган бойликни ҳам, ҳаммасинн, ҳатто қолган-қут-ган тошб'ақа тухумларигача олавер. Ана шу мулкларга қачон эгалик қилмоқчилар?

— Бу нима деганинг?.. — сўради Френсис.

— Гап шундай. Бу ерда ҳеч вако йўқ. Мен оролининг деярли ҳамма жойини қазиб ташладим, топган яккаю-ягона нарсам—латта-путта тўла сандиқ.

— Ахир бу сени қидирув ишла'рига илҳомлантормо-ғи керак-ку!

— Бўлмаса-чи! Мен хазина энди нақд бўлиб қолди деб ўйлаган эдим. Ҳар ҳолда, бу сандиқ мен тўғри йўл-дан бораётганимдан далолат эди.

— Нима учун ўз бахтимизни Бука оролида синаб кўрмаймиз? — деб сўради Френсис.

— Мен ҳам худди шу ҳақда ўйлаяпман, аммо хазина қитъанинг бирор жойига кўмилган, деб ўйлашга асо-сим бор. Илгари кенглик ва узунликни бир неча даража ўзгартириб кўрсатиш одати бор эди-да.

— Ҳа, харитада ўн даража шимолий кенглик ва тўқ-сон даража шарқий узунлик кўрсатилган бўлса, у ҳолда бу ўн икки даража шимолий кенглигу тўқсон икки даража шарқий узунликни билдириши мумкин,— деб тасдиқ-ла'ди Френсис .— Саккиз даража шимолий кенглигу сак-сон саккиз даража шарқий узунлик ҳам бўлиши мумкин. Денгиз қароқчйлари харитада белгиланган рақамларни мияларида сақлаганлар, агар улар тўсатдан ўлиб қо-лишса, бу эса одатдаги воқеа эди, сир ҳам улар билан бирга кетарди.

— Мен Бука оролига ўтиб, тошбақа овчиларийинг ҳаммасини у ердан қитъага қувласамми, деб турган-дим, — гапида давом этди Генри. — Кейин қитъадан бошлаганим яхшироққа ўхшаб қолди. Хазинани қиди-риш учун сенда ҳам бирор режа бордир?

— Албатта, бор,— Френсис бош ирғади. — Биласан-ми, бўлиш ҳақидаги гапимдан қайтсам деб турибман.

— Майли, қайтиб олавер, — Генри уни гиж-гижлади.

—' Қайтиб олдйм, бўлмаса!

Улар бу шартномани мустаҳкамлаш<sup>1</sup> учун бир-бйрларининг қўлл'арини'қисдйлар;



\_\_\_\_\_ «Морган ва Морган» — фақат икки кишилик компания,— деб Френсис кулиб юборди.

—'Компания активи: Кариб денгизининг ҳаммаси, қитъадаги испан мустамлакалари, Марказий Америка-'нинг катта қисми, ҳеч нарсага арзимайдиган латта-путта-га тўла сандиқ, оролда қавланган сон-саноксиз чуқур-лаp>\_ Генри унинг ҳазилини давом эттирди.— Пассив: илон чақиши, хинди таловчилари, безгак, сариқ безгак...

— Яна олдин мутлақо нотаниш кишини ўпиб, кейин унга чиройли кумуш тўппонча ўқталадиган гўзал қиз-лар,— деб илова қилди Френсис—Сенга ҳозир қизиқ бир воқеани айтиб бераман. Утган куни қайиққа чиқиб, қитъага жўнадим. Қирғоққа чиқишимга улгурмаёқ жа-хонда энг гўзал қиз қўлимдан тортиб, чангалзорга сур-гади. Мен бу қиз ё мени емоқчи, ё ўзига уйлантирмоқчи деб ўйладим. Иккаласидан қайси бирини қилмоқчили-гини тушунолмадим. Сўраб-суриштиришга улгурмаёқ, биласанми, у сулув нима қилди? Мўйловим ҳақида яраш-майдиган гап айтди, сўнг тўппонча ўқталиб, яна қайиқ томонга ҳайдади. У ерда менга дарҳол жўнаб кет, қайтиб кела кўрма ва шунга ўхшаш гапларни айтди.

— Қаерда бўлди бу воқеа?— деб сўради Генри, дик-кат билан тингларкан.

Френсис кўнгилсиз воқеа ҳақидаги хотираларига бе-рилиб кетиб, суҳбатдошининг жуда қизиқиб қолганини сезмади.


— Ҳов ана у ерда, Чирикви кўрфазининг нариги то-монида,—жавоб берди у.—Кейин у Соланоларнинг мулки эканлигини билдим. Шунақаям одамлар бўлади-ми, оловнинг ўзи! Сенга ҳали ҳаммасини айтганим йўқ. Қулоқсол. Нима деяётган эдим? Ҳа, хоним аввал-мсни чангалзорга судради ва мўйловим ҳақида ҳақоратли сўз-лар айтди, сўнг тўппонча ўқталиб, мени қайиқ томонга ҳайдади. Охирида мен уни нега ўпмаганимни билгиси келди. Ҳеч шунақа воқеани эшитганмисан?

\_\_ — Сен уни ўпдингми?— деб сўради Генри беихтиёр кулини мушт қилиб.

— Ёт мамлакатга келиб қолган бечора муҳожир бошқа нима ҳам қила оларди? Қиз жуда чиройли эди!..

Шу дақиқанинг ўзида Френсис оёққа турди ва қўли билан энгагини тўсиб, Генрининг оғир зарбини қайта-ришга зўрға улгурди.

— Мен... мен... мени кечнр,—деб тўнғиллади Генри»



эски сандиқ устига бўшашиб ўтирар экан. — Мен аҳмоқ-ман — биламан, лекин бу азобларга чидасам мени осиб ўлдиришин...

— Яна бошланди,— Френсис таъна билаи унинг га-пини бўлди.— йўқ, бу жиннилар мамлакатадаги ҳамма одамлар сингари сен ҳам жиннисан. Гоҳ бошимдаги яра-ни боғлайсан, гоҳ ўша бошимни танамдан жудо қилмоқ-чи бўласан. Сен ҳам олдин мени ўпиб, кейин қорнимга тўппончасини ботирган ўша қизга ўхшаб, тутяпсан ўзингни.

— Тўғри! Мени суқ, сўксанг арзийди,— маъюслик билан деди Генри ва ўша замони беихтиёр жаҳли чикиб кетди:— Эҳ, жин ургур, ахир Леонсия-ку'у!

— Леонсия бўлса нима қилипти? Ёки Мерседес? Ёки Долорес? Йигит чиройли қизни, бунинг устига тўппонча ўқталиб мажбур қилиб турганда ўпса, бу — орол деб аталадиган бир уюм ахлат ичида яшайдиган парусин иштонли безорига ўша йигитнинг калласини олиш ҳуқу-қини берадими?

— Уша чиройли қиз ифлос парусин иштонли йигитга унаштириб қўйилган бўлса-чи?..

— Бундай бўлиши мумкин эмас!.. — Френсис ҳая-жонланиб унинг гапини бўлди.

— Ҳа,— деб давом этди Генри,— қайлиғи қандай-дир шубҳали ямайкалик негрнинг кемасидан тушган, умрида кўрмаган ўткинчи билан ўпишганини эшитиш шу жулдурвакига жудаям кўнгилли эмас.


— Демак у мени сен деб ўйлабди, нега бундай бўл-ганига энди ақлим етди,— деди Френсис ўйчанлик билан.— Жаҳлинг чикиб кетгани учун сендан хафа бўл-ганим йўқ; аммо шуни айтиб қўяйки, феъл-атворинг ғо-ят ёмон. Масалан, кеча қулоғимни кесиб олмоқчи бўл-гандинг, шундайми?

— Азизим Френсис, ўзларининг феъллари ҳам мени-кидан қолишмайди. Курагингни ерга теккизганимдан кейин, қулоғимни кесиб оласан, деб қайсарлик қилган ўз-лари эдилар, ха-ха-ха!

Иккаласи қувиоқ ханда отишди.

— Бу кекса Морганшиг феъли,— деди Генри,— ри-воятларга қараганда у шайтондек уришқоқ экан.

— Сен қариндош бўлмоқчи бўлган Соланоларга ўхшаб уришқоқ бўлмагандир. Ушанда оиланинг ҳамма аъ-зоси соҳилга чикиб, кемага сузиб келаётганимда мени



итма-тешиқ қилиб юбормоқчи бўлишди.- Сенинг Леон-сиянг эса, менга ўқ отишни тўхтатмаса, нақ отиб ташлай-дигандек<sup>1</sup>серсоқол кишига, чамаси ўз отасига тўппонча ўқталиб пўписа қилди.

— Уша чол Леонсиянинг отаси кекса Энриконинг ўзи эканлигига гаров боғлашим мумкин! — деб хитоб қилди Генри.— Қолганлари унинг акалари.

— Чиройли маҳлуқлар!—деди Френсис—Менга айт-чи, сен уйланиб, бу тинч ва ювош оилага кирганингдан кейин ҳаётинг бир хил — зерикарли бўлиб қолишидан кўрқмайсанми?— Лекин ўша замони ўз гапини ўзи бўлди;— Қулоқ сол, Генри, мени сен деб ўйлашган бўлса, нима учун отиб ташламоқчи бўлишди? Бунга ҳам морганча жиззаки феълинг сабабдир? Бўлажак ра-фикангнинг қариндошларини нима қилиб жаҳлини чи-кардинг?

Генри айтсамми, айтмасамми, деб унга бир дақиқа қараб турди-да, ниҳоят жавоб қайтарди:

— Ҳа, майли, сенга айтиб беришим мумкин. Бу жуда жирканч воқеа, ҳамма айб менинг феълимда. Мен Леон сиянинг амакиси билан уришиб қолдим. У энг кичик ама-киси эди...


— Эди, дедингми?..— Френсис унинг гапини бўлди.

— Айтдим-ку, амакиси эди деб,— Генри ўз гапини бош ирғаб тасдиқлаб, яна давом этди.— У ўлиб кетган. Унинг оти Альфаро Солано эди. Табиати ҳам чакки эмасди. Улар ўзларини испан фотиҳларининг авлоди деб ҳисоблашади, шунинг учун куркадан ҳам баттар бу-рунлари осмонда. Альфаро қиммат баҳо ёғочларни сотиб бойлик орттирган, ўша вақтда соҳилда кампеш дарахти-ни ўстираётган эди. Бир куни мен у билан жанжаллашиб қолдим. Бу воқеа Сан-Антонио деган шаҳарчада бўлган эди. Балки тушунмовчилик бўлгандир, мен эса ҳозир ҳам у ноҳақ эди, деб ҳисоблайман. У доим мен билан жан-жаллашмоқчи бўлиб қилдан қийиқ ахтарарди: биласан-ми, у Леонсияға уйланишимни хоҳламасди!

Роса тўс-тўполон бўлди! Ҳаммаси пулькерияда<sup>1</sup> бошланди. Альфаро у ерда мескаль<sup>2</sup> ичиб ўтирарди, чамаси купроқ отиб қўйибди. У мени ҳазилакам ҳақорат қил-мади. Бизни ажратиб, қуролимизни олиб қўйишди, аммо

<sup>1</sup> у л ь к е р и я — майхона.

<sup>2</sup> м е с к а л ь — Мексика ароғи.



ажралиб кетишдан олдин бир-биримизни . ўлдиришга қасам ичдик. Ҳамма иллат шундаки, биз уришаёт-ган пайтимизда пулькерияда йигирматача одам бор эди, бир-биримизни ўлдирмоқчи бўлганимизни ҳамма эшитди.

Икки соатлардан кейин комиссар икки жандарм билан бирга авлоқ кўчадан ўтиб борарди. Худди шу пайт мен Альфаронинг мурдаси устида энгашиб турган эдим: кимдир унинг орқасидан пичоқ санчибди, қирғоқ томон кетаётиб унинг ўлигига қоқилиб кетдим. Мен нима ҳам дея олардим? Ҳеч нарса! Жанжаллашганимизни, бир-биримизга дўк қилганимизни ҳамма биларди. Икки соат ўтмаёқ мени ҳали совиб улгурмаган мурда устида қўлга туширишди. Ушандан буён Сан-Антониога бир марта ҳам борганим йўк: ўшанда вақтни бой бермай, дарров жуфтани ростлаб қолдим. Альфаро отнинг кашқасидек маълум одам, у жуда эпчил эди — кўпчилик бунақа одамларни ёктиради. Мени суд қилиб ўтирмай, ўша за-мони чавақлаб ташлашарди: хуллас, тезроқ ғойиб бў-лишни афзал кўрдим — ргопхо!

Кейин, мен Бокас-дель-Торога келганимда Леонсия юборган одам мени қидириб топиб, олмос кўзли узукни б'ерди: у менинг совғамни қайтариб юборган эди. Энди сен ҳаммасини биласан. Шу воқеадан кейин менга ёруғ жаҳон қоронғи бўлиб қолди. Соланолар оиласи, яна у ер-нинг ахолиси менинг қонимга ташна эканлигини билга-ним учун у ерларга қайтиб боришга ботинолмадим, шу тариқа, ёлғиз яшаш ва Морган хазинасини қидириш учун бу ерга келдим... Аммо Альфаронл ким пичоқлаганини жуда билгим келади. Агар ўша одамни тополсам Леонсия ва бошқа Соланолар олдида ўзимни оқлайман; ўшан-дан кейин тўй қилишимизга шубҳаланмасанг бўлади. Ҳозир сенга айтиб қўяй, Альфаро ўларча жиззаки бўл-са ҳам ёмон одам эмасди.

— Ҳаммаси ойдин бўлди-қўйди,— дея ғудранди Френсис.— Унинг отаси ва акалари нега мени ўлдирмоқчи бўлганлари энди тушунарли... Рост, сенга тикил-ганим санин, мўйловимни ҳисобга олмаганда, бир-бири-мизга худди бир олманинг икки палласидай ўхшашлиги-кизга тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиляпман...

— Мана бунга ҳам ҳисобга олмаганда,— Генри энги-ни шимарди, Френсис унинг чап қўлидаги оқариб турган узун чандиқни курди.— Бу ёшлигимдан шунақа: шамол



тегирмондан йиқилиб, ойна томни тешиб, тўғри гулхона-га тушганман...

— Энди менинг гапимга кулоқ сол,— дея гап бош-лади Френсис ва миясига келган фикрдан юзи ёришиб кетди.— Кимдир сени бу ифлос воқеадан кутқариши ке-рак. Бунга «Морган ва Морган» фирмасининг мулкдоши Френсисдан бошқа ҳеч ким қилмайди! Шу ерда қоли-шинг ёки Бука оролига бориб х'азина қидиришинг мум-кин, мен эса орқага қайтаман, бориб Леонсия ва унинг ота-оналарига, акаларига тушунтираман...

— Сен мен эмаслигингни уқтиришга улгурмасингда-ноқ отиб қўйишмаса,— деди Генри маъюслик билан.— Соланолар шунақа одамлар. Улар олдин отишади, сўнг гаплашишади. Улар рақиблари оламдан ўтгандан ке-йингина ақл кўзи билан қарайдилар.

— Шундай бўлсаям, бахтимизни бир синаб кўраман, қария,— деб ишонтирди Френсис, Генри билан унинг севгилиси ўртасидаги англашмовчиликни бартараф этиш фикри билан тўлиб-тошиб.


Бирок, ўша кизни қандай туйғулар билан эслатаётга-нидан ўзи хайрон эди. Бу гўзал киз ўзига ўхшаш киши-нинг қалбидан жой олганидан афсусланарди. Френсис у кизни ўша дақиқада соҳилда қандай бўлса — шундайли-гича, гоҳ меҳри жўш уриб унга интилган, гоҳ ғазаб ва нафрат билан унга ташланган, яъни бир-бирига зид туйғулар оғушида изтироб чекаётган ҳолда тасаввур қилди. У беихтиёр хўрсиниб қўйди.

-- Нега хўрсиняпсан?— кесатиб сўради Генри.

— Леонсия — камдан-кам учрайдиган гўзал кизлар-дан,— Френсис очикдан-очик тан олди.— Қандай бўл-масин, бари бир, у сеники, унинг сеники бўлиши учун ҳаракат қилишни менга қўйиб бер. Сенга қайтариб бер-ган узук қани? Бу узукни сенинг номингдан Леонсиянинг бармоғига тақиб, бир ҳафтадан сўнг хушхабар, билан қаитиб келмасам, қулоғимнигина эмас, мўйловимни ҳам кесишинг мумкин.

Бир соатдан сўнг қирғоқдан берилган сигналга жа-вооан капитан Трефэзен «Анжелика»дан юборган қайик ьузоқ ороли соҳилига етиб келди. Йигитлар бир-бири оилан хайрлашдилар.

— Яна икки тафсилотни эшитиб қўй, Френсис. Би-ринчидан сенга айтиш ёдимдан қўтарилибди, Леонсиянинг узи билмайди, у Солано авлодидан эмас. Бу ҳақда



менга Альфаронинг ўзи айтган. Уни асраб олишган. Ле-онсиянинг қони бошқа, ҳатто миллати ҳам бошқа бўл-са-да, Энрико чол уни жуда яхши кўради. Альфаро менга ҳеч қачон батафсил гапирмаган, Леонсия испан мил-латидан эмаслигини айтган, холос. У инглизми ёки аме-рикаликми — билмайман. Инглиз тилини монастирда ўқиган бўлса ҳам инглизча яхши гапиради. Гап шунда-ки, уни Энрико жуда ёшлигида қиз қилиб олган, отаси ўгайлигини билмайди ҳам.


— Мени шунчалик нафрат ва таҳқирлаш билан кутиб олгани ажабланарли эмас!— Френсис хахолаб юборди.— У мени сен деб ўйлаган-да; сени амакисига пичоқ санчган одам деб ўйлаган, ҳозир ҳам шундай фикрда.

Генри унинг гапини тасдиқлаб бош ирғади ва бўли-ниб қолган гапини давом эттирди:

— Иккинчидан, сенга бир муҳим нарсани эслатиб қўймоқчиман. Бу ердаги қонунлар, тўғрироғи бу ерда ҳеч қандай қонун йўқлигини айтяпман. Худо унутиб юборган бу ўлкада қонунни хоҳлаган томонларига бурадилар. Панаманинг ораси узоқ, бу штат ёки вилоятнинг губернатори эса — уйқучи Силен хазратлари Бунинг аксича, Сан-Антонио полицияси бошлиғи шунақа одам-ки, доим кулоғинг динг бўлиши керак.

У ўзини худо, подшо деб билади, ўтакетган мутта-ҳам одам — мен уни ҳаммадан кўра яхшироқ биламан, Порахўр дейиш унга нисбатан камлик қилади; бури янг-лиг шафқатсиз ва қонхўр. Одамни ўлдиришни лаззат деб билади; у осиб ўлдиришни яхши кўради. Ундан эҳтиёт бўлу кулоғингни динг тут... Хўп майли, хайр. Буқа оро-лида нимаики топсам, ярми сеники... Билиб қўй, узукни Леонсиянинг бармоғига тақишга ҳаракат қил.

Орадан икки кун ўтди. Метис капитаннинг ўзи раз-ведкага бориб, Соланолар оиласида эркакларнинг ҳам-маси қаёққадир кетганлигини маълум қилгач, Френсис Леонсия билан биринчи марта учрашган қирғоққа туш-ди. Бу сафар яқин орада кумуш тўппончали қизлар ҳам, милтиқли эркаклар ҳам кўринмасди. Атроф жимжит, фақат жулдур кийимли ҳинди бола сув бўйида ўтирарди; тангани кўриб, бола қатта асьендадаги ёш хонимга хат элтиб беришга жон деб рози бўлди. Френсис блокноти-дан бир варақ йиртиб олиб, ёза бошлади: «Мен, ўша Сиз



Генри Морган деб ўйлаган кишиман; ундан топшириқ олиб ҳузурингизга келдим...» Хатни ёзаётганда бошига бу ерга биринчи марта келгандагига нисбатан ҳам шид-датлироқ воқеалар тушишини хаёлига келтирмаганди.

Леонсияга бу хатни ёзаётиб ўзи суяниб ўтирган қоя орқасига қараш хаёлига келганда эди, ажойиб манза-рага кўзи тушган бўларди: Леонсиянинг ўзгинаси денгиз маликаси каби, чўмилиб бўлиб сувдан чиқиб келарди. Аммо Френсис хотиржам хат ёзар, ҳинди бола эса ундан кузини узмасди. Шу тариқа Леонсия қоя орқасидаи ўтиб, уларни олдин курди. Ҳайратдан қичқириб юбори-шига сал қолди, орқасига ўгирилиб, оёғининг остига қа-рамай кўм-кўк чангалзор томон югурди.

Қизнинг қўрққан овозини эшитиб, Леонсия шу ўрта-да эканлигини Френсис дархол сезди. Хат ва қаламни қум устига ташлаб, овоз келган томонга чопди ва чала кийинган қизга тўкнаш келиб қолди — Леонсия нима-дандир қочиб, орқасига қараб югуриб келаётган эди. Френсис унга ёрдамга югурганини тушунмаган Леонсия яна қичқириб юборди.

Қиз ўзини четга олди, ҳинди болани туртиб ўтиб, қум-локқа чиққандан кейингина тўхтади. Қўрқувдан унинг ранги докадек оқариб кетган эди. Шу ерга келгандагина олдида янги душман эмас, балки халоскор турганини курди.

— Сизга нима бўлди?— хаяжон билан сўради Френсис. — Лат едингизми? Нима бўлди?

Қиз яланғоч тиззасини кўрсатди, сезилар-сезилмас икки ярадан икки томчи қон силқиб турарди.

— Илон,— деди у.— Чакса ўлдирмай қўймайди. Беш минутдан сўнг мен ўламан, бундан хурсандман, ҳар ҳолда мени ортиқча изтиробга солмайсиз.

Леонсия таънаомуз бармоғи билан уни нукиб, бутун аламини тўкиб солмоқчи бўлди-ю, ҳолдан тойиб қум устига хушсиз йиқилди.

Френсис Марказий Америка илонлари ҳақида эшит-ган эди. Бу эшитганлари жуда даҳшатли: айтишларича, узунлиги ^атиғи ўттиз сантиметр келадиган илон чакса ҳам беш-ўн минутдан сўнг хатто ҳачир ва итлар ҳам даҳшатли азоб чекиб ўлади. «Хушдан кетганига ажаб-ланмаса ҳам бўлади,—ўйлади у,—заҳар тез таъсир қилади, чамаси у ўз ишини қияпти». Френсис илон чақ-қанда қандай ёрдам кўрсатилишини ҳам эшитган эди.





Оёқни илон чаққан жойдан юқорироқдан маҳкам боғ-лаш кераклигини, шундай қилса, қон юриши тўхтаб, за-ҳар юракка етиб бормаслигини дарҳол эслади.

У рўмолчасини чиқариб, Леонсиянинг оёғини тизза-сидан юқорироғидан боғлади, денгиз чиқариб ташлаган, қум устида ётган чўпни олиб рўмолча орасидан ўтказиб буради. Сўнг эшитганларига амал қилиб, қаламтароши-ни олиб, тигини тозалаш учун бир неча гугурт чақиб, алангасига тутди-да, илон тишлари изи тушган жойга оҳиста ва дадиллик билан тиг урди.

Френсис жуда кўрқиб кетган эди, олдида ётган сулув-да ўлим аломатлари пайдо булишидан кўрқиб, яшин тезлигида ҳаракат қиларди. Илон захридан бадан дўм-бира бўлиб шишиб кетишини эшитган эди. Тиг уришга улгурмаёқ бундан кейин нима қилишни ўйлаб қўйди. Ав-вало имкони борича ҳамма заҳарни сўриб олади, сўнг сигаретани тутатиб, чўғи билан ярани куйдиради.

Френсис кўндаланг кесим қилишга улгурмаёқ қиз, типирчилаб кимирлай бошлади.

— Жим ётинг! — буюрди у.

Лекин у заҳарни сўриб олмоқчи бўлиб энди энгашган эдики, Леонсия қаддини кўтариб ўтирди. Френсиснинг буйруғига жавобан юзига шапалоқ тушди, бу Леонсиянинг нозик кўли эди.

Худди шу пайтда ҳинди бола сакраб-сакраб ўлик илонни думидан ушлаганича силкитиб чангалзордан чи-қиб келди.

— Лабарри! Лабарри! —деб қичқирарди у қувончга тўлиб-тошиб.

Френсис боланинг сўзларини эшитиб, иш чатоқ деб ўйлади..

— Жим ётинг! — деб такрорлади у қатъий. — Бир да-қикани ҳам бекор ўтказиб бўлмайди. . .

Бироқ Леонсия ўлик илонга тикилиб, енгил нафас олди, лекин Френсис буни сезмади,— у қоидага мувофиқ даволашни давом эттириш мақсадида яна энгашди.

— Бундай қилишга қандай .ботиндингиз!.— деб қич-қирди киз унга.— Бу лабарри холос-ку, бунинг уегига катта эмас, боллси, унинг чақиши зарарсиз. Мен заҳар-ла илон деб'ўйлагандим. Лабаррининг боласи заҳарли илонга ўхшайди.

Леонсия оёғи уюшиб қолганини сезиб — маҳкам боғ-ланган рўмолча қон айланишинн деярли бутунлай тўх-



татиб қўйган эди — пастга қараб, тиззасидан юқорироқдан боғлабқўйилган Френсиснинг рўмолчасини курди.

— Бу нима қилганингиз?—унинг юзи ловиллаб кет-ди.—Ахир бу лабаррининг боласигина-ку,— деб таъна-омузтакрорлади у.

— Менга ўзингиз заҳарли илон дедингиз-ку!—Эътироз билдирди у.

Қиз қўллари билан юзларини беркитди, аммо уялиб кетганини яшира олмади: унинг кулоқларигача лоларанг бўлиб кетган эди. Агар бу асабийлик бўлмаса, қиз кула-ётганига Френсис амин эди. Шундан сўнггина ўз зимма-сига олган вазифа — Леонсиянинг бармоғига узукни та-қиш нақадар қийинлигини тушунди. Бироқ у қизнинг ҳусни-жамолига учмасликка аҳд қилди.

— Энди лабаррини заҳарли илондан фарқ қилолма-ганим учун қариндошларингиз мени илма-тешиқ қилиб ташласалар керак,— деди у маъюслик билан.— Бу ва-зифани бажариш учун экинзордаги ишчилардан бирор-тасини чақиришингиз мумкин. Балки мени ўз қўлйнгиз билан отиб ташлашни хоҳларсиз?

Лекин қиз эшитмаганга олди: қадди-қоматига яраша енгил ва латиф ҳаракат билан ўрнидан туриб, депсина бошлади.

— Оёғим увишиб қолди,— тушунтирди у кулиб, энди ундан нигоҳини яширмай.


— Сиз ўзингизни шармандаларча тутяпсиз,— деди Френсис қизнинг жаҳлини чиқариш учун.— Амакингиз-ни мени улдирган деб ҳисоблайсиз, шундайми?

Леонсия дарҳол кулгидан тўхтади, юзидан қон қочиб, оқариб кетди. У жавоб қилмади, энгашиб гўё оёғини чўғ-дай куйдираётган рўмолчани ғазабдан қалтираб турган бармоқлари билан ечйшга уринди.

— Келинг, мен ёрдам берай,— илтифот билан так-лиф қилди Френсис.

-^ Сиз ваҳшийсиз!—деб қичқирди у ғазаб билан.— Нарн туринг. Менга соянгиз тушяпти.

-\* Энди ғоят мафгункор, гўзал бўлиб кетдингиз,— Френсис киноясини давом эттирди, шу билан бир вақтда уни'бағрига босиш истагини зўрға қайтариб турарди.— Қирғоқда бйринчи кўрганймда қандай бўлсангиз, ҳозир ҳам худди шундайсиз: ўшанда гоҳ мени нег'а ўпмадинг деб таъна қилган, гоҳ ўзингиз мени ўпган эдингиз — ҳа, Ҳа, ўпгансиз! Уша'ЗймонИёқ кумуш.ўйинчоғин'гизни ўқ-



талиб, мени асфаласофилинга жўнатмоқчи бўлгансиз. Йўқ, сиз ўшандан буён зиғирча ҳам ўзгармабсиз. Сиз ҳамон Леонсия деб аталган вулқоннинг ўзисиз. Келинг, яхшиси рўмолчани мен ечиб қўяй. Қаттиқ туғулганини кўрмаяпсизми? Бу қўлчаларингиз билан ҳеч қачон ечол-майсиз.

Леонсия жаҳл билан депсинди.

— Менинг омадим бор экан: чўмилишга борганда тўппанчангизни олиб юрмас экансиз,— Френсис унинг жиғига тегишни давом эттирди,— бўлмаса сизга нисбатан муносабати олижанобликдан иборат бир йигитни шу ерда кўмишга тўғри келарди.

Шу пайт ҳинди бола Леонсиянинг халатини олиб кел-ди; у шоша-пиша халатини кийди, сўнг боланинг кўма-гида яна рўмолчани ечишга уринди. Ниҳоят рўмолча ечилгач, киз уни гўё захарли илондай узоққа ирғитди;

— Фу, қандай жирканч нарса! — деб хитоб қилди у, Френсисдан аламини олмоқчи бўлиб.

Лекин Френсис унинг латофатига берилмаслик учун ўзи билан ўзи курашиб, оҳиста бош чайқади.

— Бу гапларингиз бефойда, — деди у. — Сизга тамға босиб қўйдим, ҳеч қачон кетмайди, — у тиззаси устидаги тиг ўрнини кўрсатиб кулиб юборди.

— Ваҳшийнинг тамғаси, — деди киз тескари қараб ва кетмоқчи бўлиб бурилди. — Мистер Генри Морган, сиз-ни огоҳлантираман, иккинчи марта йўлиқа кўрманг йў-лимда.


Аммо Френсис бир қадам қўйиб, унинг йўлини тўсди.

— Мисе Солано, энди жиддий гаплашиб олайлик, — деди гап оҳангини ўзгартириб. — Сиз гапларимни эшит. май кетмайсиз. Кўзингизни хоҳлаганингизча олайтиришингиз мумкин, лекин ўтинаман, сўзимни бўлмаг.—У, энгашиб ёзиб тугатмаган хатни олди. — Сиз кичкириб юборганингизда шу хатни боладан бериб юбормоқчи бўлиб тургандим. Олинг, ўқиб кўринг. Сизни чақиб олмайди. Захарли илон эмас.

Леонсия хатни олишдан қатъий бош тортса ҳам, бе-ихтиёр биринчи сатрига кўз югуртирди.

«Мен ўша «Сиз Генри Морган деб ўйлаган киши-май...».

Киз суҳбатдошига қаради. Кўрқув акс этган кўзлари-дан кўп нарсани тушунмаётгани сезилса-да, кўп нарсага ақли етаётгани маълум эди.



— Рост айтяпман, — деди Френсис.

— Сиз... сиз... Генри эмасмисиз? — тутилиб сўради у,

— Йўқ, мен Генри эмасман. Балки хатни олиб, ўқиб чиқарсиз?

Қиз итоат билан хатни ўқий бошлади, у эса кизнинг тропик қуёши қорайтирган юзига тикилди. Тропик қуёши баданни куйдирибгина қолмай, кишини қизиққон қилиб қўяди, эҳтимол бунинг аксидир: қизиққонлик Леонсия-: нинг юзига олтинсимон тус бергандир.

Френсис гўё туш кўраётгандек эди; бирдан қизнинг кўрқиб кетган, илтижо билан боқиб турган қўй кўзла-: рига тикилиб турганини сезди.

— Бу хатнинг остида кимнинг имзоси бўлиши керак эди? — Леонсия ундан иккинчи марта сўради.

У ўзини тутиб, таъзим қилди.

— Исмингиз-чи? Исмингиз нима?

— Морган. Френсис Морган. Хатда ёзганимдек, биз Генри билан амакивачча ёки шунга ўхшаш узоқ қарин-: дошмиз.

Кизнинг кўзида бирдан ишончсизлик пайдо бўлиб, ға-: заби қайнаганини кўриб Френсис ҳайрон қолди.

„— Генри,— деди у таъна билан,— ахир бу алдамчи\*: лик, иблисларча муғамбирлик-ку! Мени лақиллатмоқчи бўляпсиз. Сиз, албатта, Генрисиз.

Френсис мўйловини кўрсатди.

' — Ушандан кейин мўйлов қўйгансиз, — киз бўш кел-\* мади.

Шундан кейин Френсис енгини шимариб, билagini кўрсатди. Лекин бу билан нимани исботламоқчи бўлаёт-: ганини тушунмай, киз Френсисга ажабланиб қараб ту\*. рарди.

— Чандиқ эсингиздами? — сўради у киздан. Қиз бош ирғади.

— Ундай бўлса топиб кўринг-чи.


Қиз бошини эгиб, йигитнинг билaгига кўз югуртириб: чикди ва оҳиста бош чайқади.

T ^eHm — Деди у тутилиб, — мени кечирингизни сўрайман. Бу даҳшатли хато. Сизга хунук муомала қи-< либ қўйдим...

„ Сиз менга илоҳий бўса ҳадя этдингиз,— деди иигит болаларга хос шўхлик билан.

Лекин киз ҳали-ҳозиргина нималар бўлгани ёдига





тушиб кетиб, тиззасига қаради ва сеҳрли кулгусини яширгандек бўлди.

— Генридан топшириқ билан келдим дедингизми? — сўради қиз, бирдан суҳбат мавзуини ўзгартириб. — Ни-ма, у айбдор эмасми?.. Шу тўғрими? Қани энди гапла-рингиз рост бўлса!

— Амакингизнинг ўлимида мен қанчалик айбдор бўл-"сам, Генри ҳам шунчалик айбдорлигига ишончим комил.

— Ундай бўлса, бошқа ҳеч нарса деманг, ақалли ҳо-зирча гапирмай туринг, — қиз унинг гапини бўлди қуво-"ниб. — Баъзи сўзларингиз ва қилиқларингиз чегарадан ташқарига чиққанлигини ўзингиз ҳам рад эта олмасан-гизда, аввало сиздан кечирим сўрашим керак. Мени ўпишга ҳаққингиз йўқ эди.

— Эсингизда бўлса, — деб эътироз билдирди у, — тўппонча ўқталиб, ўпишга мажбур қилгансиз. Сизни ўп-масам, мени отиб ташласангиз нима бўларди?

— Бўлди, жим бўлинг! — илтижо қилди у. — Энди мен билан уйга юринг, йўлда менга Генри ҳақида гапириб берасиз.

Қизнинг назари тасодифан бояги ўзи нафратланиб отиб юборган рўмолчага тушди. Югуриб бориб уни ер-дан олди.

— Вечора рўмолча, сени хафа қилишдимми? ->- деди у мулойимлик билан. — Сендан ҳам кечирим сўрайман. Сени ўзим ювиб...— у Френсисга қаради, — сэр, сизга, топ-тоза қилиб, қалбим миннатдорчилиги билан йўғриб қайтариб бераман...

— Ваҳшийга-я? — сўради у.

— Мени кечиринг, — деди қиз пушаймон бўлиб.

— Энди ўзларига соям тушиб туришига рухсат бера-диларми?

— Ҳа, албатта! — қувноқ хитоб қилди қиз. — Мана! Кўрдингизми: мен сизнинг соянгизга ўтдим. Энди юринг.

Френсис суюниб кетган ҳинди болага бир песо таш-лаб, кайфи чоғ бўлиб Леонсия орқасидан юрди. Сўкмоқ қалин тропик ўт-ўланларини оралаб оппоқ асьендага олиб борарди.

Альварес Торрес Солано асьендасининг кенг пешай-вонида ўтирарди; У қалин буталар орасидан ияон изи йўлқадан уйга яқинлашиб келаётган ёшларни курди. Унинг кўрганлари тИШини ғичирлатийШ'а ва хато хулоса



чиқаришга мажбур қилди. У ичида лаънатлар ўқиди, жаҳли чикқанидан қўлидаги сигаретаси ўчиб қолганини ҳам сезмади.

У бир-бири билан гўё бутун дунёни унутиб юборган-дек, самимий суҳбатлашиб келаётган Леонсия ва Френ-сисни курган эди. Френсиснинг ниманидир исботлаш учун қўлини силкитиб гапирётганини — йўлдошининг илтижо-ларидан эриб кетган Леонсия хатто тўхтаб қолганини курди. Френсис чўнтагидан узук чиқарганини, Леонсия, эса тескари қараб туриб чап қўлини узатганини ва бар-моғига — худди никоҳ узуг,и тақиладиган бармоғига узук тақишига рухсат этганини кўриб туриб, Торрес ўз кўз-ларига ишонмасди.

Аслида эса Френсис Генрининг совғасини Леонсия-нинг бармоғига тақиб қўйди. Леонсия, негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда бу совғани унча мамнун бўлмай қабул қилди.

Торрес ўчиб қолган сигаретани, улоктириб юборса енгил тортадигандек, жаҳл билан отиб юборди, мўйло-вини бураб, пешайвонга кўтарилишаётган ёшлар томон юрди. Қизнинг саломига алик ҳам олмай, ғаабдан юз-лари гезариб, Френсисга ташланди.

— Қотилдан ўз қилмишидан уялишини кутиш кийин, албатта, лекин у ҳеч бўлмаганда одоб-ахлоққа риоя қил-син!


Френсис киноя билан кулди.

— Мана, яна бошланди, — деди у. — Бу жиннилар ўлкасининг яна бир тентаги. Сўнгги бор, Леонсия, мен бу жентльменни Нью-Йоркда курган эдим. У ерда бир ишда мен билан бирга иштирок этишга тайёр эди. Энди эса уни бу ерда учратяпман-у, менга айтган биринчи сузи — пасткаш, беҳаё қотил эмишман.

— Сеньор Торрес, сиз кечирим сўрашингиз керак — гапга аралашди жаҳли чикқан қиз. — Соланолар уйвда меҳмонни ҳақорат қилиш одат эмас.

\* ~ У ҳолда, менинг тушунишимча, Соланолар уйида келгинди фирибгарлар уларнинг оила аъзоларини ўлди-риши одат экан-да,—деди у қизга /жавобан.-Албатта, ^еҳмондорчилик деб курбон бериш ярамайди. Би7\* ^зингизни -босинг, сеньор Торрес, — деб маслаҳат "Х<sup>ii</sup> Фр<sup>e</sup>нсис назокат билан.- Сиз ҳаддингиздан ошиб

сИИШскз.,Датонгиз нимада эканлигини айтиб бераман. ад«ени.Генри.Морган дебўйлаяпсиз. Мен эса Френсис



Морганман, сиз билан яқинда, Нью-Йоркда, Риганнинг кабинетига суҳбатлашганмиз. Мана сизга қўлимни уза-тяпман, қўлимни қисинг, ҳозир юз берган шароитда сиз-дан бошқача кечирим сўрашни талаб қилмайман.


Шунчалик адашганидан даставвал ўзини йўқотиб қўйган Торрес Френсиснинг қўлини қисиб, ундан ва Ле-онсиядан кечирим сўради.

— Энди, — деди қиз қувноқ кулиб ва хизматчи аёлни чақириш учун қарсак'чалиб, — мистер Морганга жой кўрсатишим, ўзим эса кийимимни алмаштириб олишим керак. Шундан кейин, сеньор Торрес, агар рухсат этсан-гиз, сизга Генри ҳақида гапириб берамиз.

Леонсия ўз хонасига кириб кетди. Френсис хушрўй-гина ёш метис хизматчи қиз орқасидан ўзи учун ажра-тилган хонага жўнади. Торрес эса бу вақтда ўзини бу-гунлай тутиб олди, шунга қарамай, у ҳамон ажабланар ва ғазаби қайнарди. Шундай қилиб, Леонсия бу келгин-ди, мутлақо нотаниш кишининг худди куёв каби қўлига узук тақиб қўйишига рухсат этибди-да. Торреснинг мия-си жадал ва тез ишлай бошлади. У хаёлида қалбим ҳукмдори деб юрган Леонсия бир дақиқадаёқ қандайдир муҳожир, нью-йорклик грингога кўнгил қўйса-я! Ишониб бўлмайди бунга!

У қарсак чалиб, Сан -Антониода ёллаган экипажни келтиришга фармон берди. Френсис у билан Морган чол-нинг хазинаси қаердалиги ҳақида батафсил гаплашиб олиш учун пешайвонга чиққанда Торрес экипажи дарво-задан чиқиб кетаётган эди.

Нонуштадан сўнг Френсис шамолнинг йўналиши ўз-гариб, энди қирғоқдан денгиз томон эса бошлаганини сизди — демак Чирикви кўрфазини тез кесиб ўтиб, соҳил бўйлаб Буқа ва Бузук оролларига етиб олиш мумкин. Генри берган узук Леонсиянинг қўлини яна безаб тур-ганлиги ҳақидаги хушхабарни унга тезроқ етказиш мақ- садида, Қизнинг бугун ётиб қолиш ва Энрико Солано ҳамда унинг фарзандлари билан танишиш ҳақидаги так-лифини рад этди. Фрейсиснинг тез жўнаб қолишига яна бир сабаб бор эди: У Леонсия билан ортиқча бирга бў-лолмасди. Қиз унинг учун кўнгилсиз бўлгани учун эмас, аксинча: қиз уни мафтун этган, уни ўзига шунчалик ром қилган эдики, парусин иштонли, ҳозир Буқа ороли-да хазина қидираётган кишига берган сўзининг устидан



чиқмоқчи бўлса, қизнинг мафтункор жозибаси таъсири-да ортиқча қолмаслиги, тезроқ жўнаши керак эди.

Шу тариқа Френсис Леонсиянинг Генрига ёзган хатини чўнтагига солиб, йўлга отланди. Хайрлашув узок чў-зилмади. У шу қадар дилхасталик билан хўрсиниб йўл-кадан жўнаб қолдики, Леонсия хат.то менга шундай ту-юлгандир, деб ўйлади. Қиз унинг қораси кўринмай кет-гунча орқасидан қараб турди, сўнг бармоғида ярқираб турган узукка ноаниқ бир ташвиш билан қаради.

Френсис қирғоққа етиб борғач, лангар ташлаб тур-ган «Анжелика»га қайиқ юбориш учун ишора қилди. Ле-кин матрослар қайиқни сувга туширишга улгурмай туриб ўрмондан тўппонча такқан, эгар қошига милтиқни кўн-даланг қўйган олти отлик чиқиб, Френсис томон от қўй-ди, Икки киши олдинда келарди. Улардан бири Торрес эканини Френсис дарров таниди. Қолган тўрт киши аф« ти-ангори ўтакетган қароқчиға ўхшаш метислар эди. ҳамма милтигини олиб, Френсисга ўқталди, қўлингни кўтар, деб бақирган нотаниш бошлиққа бўйсунишдан бошқа чора қолмади.

— Шунақасям бўларкан-а, — деди Френсис, — яқиндагина—ёки бундан миллион йил олдинмиди?— бир доллардан тикиб бридж ўйнашни энг яхши кўнгил очиш деб ҳисоблардим. Ҳозир эса, бирдан, жавоблар, сизлар келиб милтиқ ўқталапсиз. Балки нима гаплигини менга ҳам айтарсизлар? Наҳотки бу соҳилдан ҳар сафар ўқ садолари остида жўнасам? Сизларга нима керак: менинг қулоғимми ёки мўйловимнинг ўзи етадими?

— Бизга сен ўзинг кераксан, — деб жавоб қилди нотаниш бошлиқ, унинг мўйлови тик бўлиб кетди, беса-ранжом қора кўзлар эса ғазаб билан ялтирарди.

— Одам Атою Момо Ҳаво ва ҳамма гўзал махлуқлар ҳаққи-хурмати айтинг-чи, кимсизлар ўзи?

— Бу ҳурматли сеньор Мариано Веркара-и-Ихос, Сан-Антонио полициясининг бошлиғи, қисқаси — шеф,— деб жавоб берди Торрес.

— Тамом бўлдим! — Френсис бу нусхани Генри қан-дай тавсифлаб берганини эслаб кулиб юборди. — Чама-си, мени бу ерда лангар ташлаб, кемалар тўхташи ҳақи-даги қандайдир қонунни ёки санитария комиссияси қои-дасини бузган деб ўйлапсиз шекилли. Лекин бу ҳақда менинг капитаним — ҳурматли жентльмен капитан Трефэзен билан гаплашинг. Мен эса кемани ёллаган ки-



ши, оддий йўловчиман, холос. Капитан Трефэзеннинг денгизда сузиш ва кемаларнинг портда тўхташи ҳақида-ги қонунларни сув қилиб ичиб юборганига қаноат ҳосил қиласиз.

— Сиз Альфаро Соланони ўлдирганингиз учун жавоб берасиз, — деди Торрес. — Генри Морган, асьендада гўё мен бошқа одамман деган гапларингиз билан мени ал-дай олмадингиз. Мен ўша бошқа одамни танийман. Унинг номн Френсис Морган, шуни дадил айтишим мум-КИНКИ, у киши қотил эмас, жентльмен одам.

— 6, денгиз тубининг худоларию унинг балиқ ва ча-вақлари!—дея хитоб қилди Френсис. — Сеньор Торрес, яқинда қўлимни қисиб кечирим сўраган эдингиз-ку!

— Мен алданган эканман, — деди Торрес юзига қай-ғули тус бериб, — лекин бир неча дақиқа, холос. Хўш, яхшиликча таслим бўласизми?


— Мен шуни аниқ... — Френсис ўзига ўқталинган ол-тита милтиққа қаради-д'а, равшан қилиб елкасини қис-ди. —Менимча ргопш суд қилиб, сахарда мени дорга осарсиз?

— Панамада адолат суди куттириб ўтирмайди, — деб жавоб қилди полиция бошлиғи инглизчалаб; у инглизча анча тушунарли гапирар, фақат лаҳжаси ғалатироқ эди. -м- Хар ҳолда, бунчалик тез эмас. Сизни сахарда дорга осмаймиз, яхшиси эрталаб соат ўнда — шундай қилсак• хаммага қулай бўлади. Хўш, бунга нима дейсиз?

-2- Билганингизни қилинг, — жавоб берди Френсис. — Ун.бирда осасизми, ўн иккида осасизми— менга бари бир.

—, Орқамизда» юринг, сеньор,— деди Мариано Вер-кара-и-Йхос майин овоз билан, лекин унинг овози нияти қатъийлигини яшира олмади. — Хуан! Игнасио! — деб буюрди у испанчалаб, — отдан тушинглар! Унинг қуро-лини олинглар! Йўқ, қўлини боғламантлар. Грегорионинг орқасига мингаштириб қўйинглар.

Френсисни хом ғишдан урилган деворининг қалин-лиги бир- ярим метр келадиган, яхшилаб оқланган каме-рага ташлашди; олти пеон — махбус ерда турли алфоз-да ётарди. |френсискаердандир эшитилаётган болтанинг бўғиқ, товушидаг ҳозиргина тугаган судни эслади ва оҳиста, чўзиб^ хуштак чалиб қўйди. Кечқурун соат сак-киз-яримлар'Эди,;Суд соат саккизда;бошланг.анди: Ярнм



соатдан сўнг эса болталар тақиллапти — ҳозир дор қу-ришяпти; эртага эрталаб соат ўнда бўйнига сиртмоқ таш-лаб дорга осишади. Суд атиги ўттиз минут давом этди. Залга Леонсия ёриб кириб, судьялар эътиборини ўзига тортмаганда иш йигирма минутдаёқ тугарди. Леонсия обрўли Соланолар оиласидан бўлгани учун судьялар ун-га ўн минут вақтларини илтифот қилишди.

«Шеф тўғри айтибди,— деган хулосага келди Френсис ичида.— Чиндан ҳам Панамада судлов тез ўтаркан».

Чўнтагидан Леонсиянинг Генри Морган номига ёз-ган мактуби топилишининг ўзи уни ҳалокат ёқасига кел-тириб қўйган эди. Қолган ишлар осонгина кўчди. Беш-олти гувоҳ қотиллик юз бергани ҳақида қасам ичиб, Френсисни қотил деб айблашди. Полиция бошлиғи ҳам буни тасдиқлади. Қарилгидан қалтироқ бўлиб қолган Солано хола билан Леонсия тўсатдан пайдо бўлганда Френсиснинг кўнгли ёришди. Уни кўрганда, ҳар қандай уриниш фойдасизлигига қарамай, бу гўзал қиз унинг ҳаёти учун жон қуидириб кураш бошлаганини курди, Френсиснинг юраги орзиқиб кетди.

У биринчи навбатда Френсисга енгини шимариб чап билагини кўрсатишни буюрди, шу пайт Френсис полиция бошлиғи нафрат билан елкасини қисганини курди. Сўнг-ра Леонсия Торрес томонга бурилиб, ниманидир исбот-ламоқчи бўлиб, испанча тўлиб-тошиб гапира бошлади. У жуда тез гапираётганидан Френсис нима деяётганини тушунмади. Сўнгра Торрес сўз олгач зал тўла оломон қўлларини силкитиб, шовқин-сурон кўтарганини кўриб, эшитиб турди.

Бироқ Торрес гувоҳлар учун ажратилган жойга оломон орасидан ўтишдан олдин полиция бошлиғи билан ниманидир пичирлашиб олганини у кўрмай қолди. Торрес Ригандан маош олиб туришини, Френсисни Нью-Йоркдан узоқда мумкин қадар кўпроқ ушлаб туриш, агар иложи бўлса бир умр олиб қолишлари учун Риган пул тўлаётганини билмаганидек, бу манзарани ҳам кўрмай қолди. Торреснинг Леонсияни яхши кўришини ва у ҳар қандай ғаламисликларга итарувчи рашк ўтида ёна-ётганлигини ҳам Френсис билмас эди.

Шу сабабли Торрес Леонсиянинг саволларига жавоб берганда қандай мақсадни кўзлаганини Френсис тушунмади. Леонсия эса Торресни Френсис Морганнинг чап Қўлида чандик борлигини ҳеч қачон кўрмаганини **тан**



олишга мажбур қилди. Леонсия судья чолга ғолибона қаради, лекин полиция бошлиғи олдинга чиқиб, Торресга яқин келди ва гулдираган йўғон овоз билан:

— Генри Морганнинг қўлида чандиғи борлигини кўрганман, деб қасам ича оласизми?—деб сўради.

Уялиб кетган ва довдираб қолган Торрес судьяга гангиб қаради, сўнг Леонсияга ялингандек юзланди ва, ниҳоят, бу ҳақда қасам ича олмаслигини билдириб бош чайқади.

3-ални тўлдирган жулдирлар оломони тантанали кий-қирди. Судья ҳукми эълон қилди. Шовкин кучайди ва комиссар бир неча жандарм билан бирга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаган Френсисни залдан шошилинич олиб чиқиб, камерага қамади, гўё улар қотилнинг жазо-сини бериш учун эртасига соат ўн бўлишини кутишни ис-тамаётган оломондан Френсисни қутқариб қолишга ҳаракат қилишаётгандек эди.

«Генрининг чандиғи ҳақида сўрашганда, бечора Торрес довдираб қолди-я»— дўстона ўйлади Френсис; бир-дан қулф шикиллади, камера эшиги очилиб, остонада Леонсия кўринди.

Френсис унга пешвоз турди. Лекин у салом'га жавоб қилмай, орқасига ўгирилиб, кузатиб келган комиссарга қўл силтаб каттиқ-қаттиқ гапира бошлади. Комиссар унинг гапига кўнди чамаси, соқчига пеонларни бошқа камерага ўтказишни буюрди, ўзи эса қандайдир асабий-лик билан таъзим қилиб ташқари чиқди-да, эшикни ёпди.


Узини тутиб турган Леонсия шундан кейингина туй-ғуларга эрк берди: у Френсиснинг кучоғига ўзини таш-лаб, елкасига бошини қўйиб хўнграб юборди.

— Лаънати мамлакат! Лаънати мамлакат! Унда ҳақиқат йўк!

Френсис қизнинг кишини ҳаяжонга солувчи гўзал ва позик белидан кучоқлаб туриб яланг оёқ, парусин иштон ва соябони кийшайиб осилиб қолган сомбреро кийган, Бука оролида хазина кидириб, қумларни қайсарлик билан қовлаётган Генрини эслади.

' Леонсияга бутун қалби билан интилса-да, унинг оғу-шидан чиқишга уриниб кўрди-ю, бунинг уддасидан чиқа олмади. Ҳар ҳолда ўзини анча тутиб, юрак тили билан эмас, балки ақл тили билан гапира бошлади.

— Знди олдиндан келишиб олиш нималигини билиб



олдим, — деди у, қалби унга бутунлай бошқа сўзлашиши билан ҳаракат қилиш ўрнига хотиржам мулоҳаза қилишни билганларида эди, улар темир йўллар қуриб, ўз мамлакатларини ривожлантирган бўлардилар. Б\*<sup>7</sup> судга қаранг — ахир у эҳтирослар билан ўйнашиш ва фитначилик асосига қурилган. Суд қилган кишилар ме-ни олдиндан айбдор деб билишарди, уларнинг мени шу-нақаям жазолагилари келардики, ҳатто менинг айбдор-лигимни исботловчи далилларни қидириш ёки айбланув-чининг шахсини аниқлашни ҳам лозам топмадилар. Судни қолдиришдан нима фойда? Генри Морган Альфа-рога пичоқ урганини улар биладилар. Улар мени Генри Морган деб биладилар. Агар ҳаммасини билса, текши-риб овора бўлиб ўтирадимми одам деган?

Леонсия унинг гапларига қулоқ солмай, ҳамон йиғ-лар за уни кучоқлашга ҳаракат қиларди.

Френсис гапини тугатганда қиз уни яна бағрига бос-ди, бошини унинг елкасига қўйди, дудоклари лабларига интилди; Френсис нима бўлаётганини билмай, қизнинг лаъл лабларидан бўса оларди.

— Сизни севаман, сизни севаман! — деб шивирларди қиз йиғи аралаш.


— йўк, йўк! — деди у ўзи учун орзуга айланган қиз-ни нари суриб. — Мен Генрига жуда ўхшайман, холос. Сиз, ахир, Генрини сеvasиз, мен эса Генри эмасман.

Қиз Френсисни қўйиб юбориб, бармоғидан Генрининг узугини чиқариб ерга отди. Френсис гангиб қолди: шу пайт қўлда соатини ушлаб комиссар кириб қолмаган-да нималар бўлишини Френсиснинг ўзи ҳам билмасди, Комиссар бошини кўтармай соат милига тикилиб турар, гўё жаҳонда унинг учун шу соатдан бошқа нарса йўқдек эди.

Леонсия қаддини мағрурлик билан ростлади, бироқ Френсис Генрининг узугини яна бармоғига тақиб қўйиб, хайрлашаётиб қўлини ўпганда йиғлаб юборишига сал Қолди. Эшикнинг олдида борганда орқасига ўгирилиб, билинар-билимас: «Сизни севаман», деб шивирлади.

Соат ўнга сўнгги занг урганда Френсисни дор урна-, тилган турма ховлисита олиб чиқишди. Бу ерга Сан-Ан-тонио ва атрофдаги қишлоқлар аҳолиси тўпланган эди; оломон ҳаяжонланар, кайфи чоғ эди. Леонсия, Энрико





Солано ва унинг девкомат беш ўғли ҳам шу ерда. Леон-сиянинг дадаси ва акалари ғазоби тошиб, сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юришар, лекин комиссар бошчили-гидаги жандармлар даврасида турган полиция бошлиғи хотиржам эди. Леонсия Френсисни дор тагига олиб ке-лишганда, унинг олдига бориш учун одамларни ёриб ўтишга уринди-ю, кучи, етмади, қариндошларининг уни ҳовлидан чиқариб юборишга уринишлари ҳам бефойда кетди. Отаси ва акаларининг, Френсис адолат суди изла-ётган ўша одам эмас, деб норозилик билдиришлари ҳам фойда бермади. Полиция бошлиғи таҳқир қилгандай ир-шайди-да, бошлашни буюрди.

Френсис супачага кўтарилиб, дорга чиқиш учун қўйилган зинага кадам қўйганда, унинг ёнига руҳоний кел-ди; лекин Френсис ибодат қилишдан воз кечди: у испан-чалаб, бегуноҳ одамни осийса, у дуо-фотиҳасиз ҳам жан-натга тушади, яхшиси мени дорга осайтганлар ибодат қилишсин, деб жавоб берди.


Френсиснинг оёғини боғлаб бўлишиб, қўлини ҳам боғ-лаб, бошига қора қалпоқ кийдириб, бўйнига сиртмоқ сол-моқчи бўлиб туришган ҳам эдики, бирдан турма девори орқасидан яқинлашиб келайтган қўшиқчининг овози эшитилди:

Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

Ҳуши бошидан учган Леонсия бу овозни эшитиб ўзи-га келди ва ҳатто шу пайт йўлини тўсиб турган соқчи-ларни итариб, турма ҳовлисига кириб келайтган Генри Морганни кўриб, қувончдан қичкириб юборди.

Генри пайдо бўлганда биргина Торрес хафа бўлди, лекин хаяжонланаётган оломон буни сезмади. Полиция бошлиғи елкасини қисиб, бу икки кишидан қайси бири-ни осийш мен учун бари бир, оссам бўлди, деб эълон қил-ганда томошабинлар эътироз билдиришмади. Бунинг ўр-нига Солано оиласидаги ҳамма эркаклар Альфаронинг ўлдирилишида Генри Морган ҳам айбдор эмас, деб қиз-ғин норозилик билдиришлари ҳам бекорга кетди. Лекин ишни Френсис ҳал қилди: қўл-оёғи боғлиқ ҳолда дор та-гида тураркан, оломон шовқинини босиб бақирди:

— Сизлар мени суд қилгансизлар! Уни суд қилган-ларинг йўқ! Одамни суд қилмай туриб осолмайсиз! Ол-дин суд бўлиши керак!



Френсис дор супасидан тушиб, икки қўллаб Генри-нинг қўлидан ушлади, лекин қўлини қисийшга улгурмай туриб комиссар полиция бошлиғи билан бирга келиб, барча қоидаларга амал қилган ҳолда, Альфаро Солано-ни ўлдиришда айблаб, Генри Морганни қамокқа олди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

— Тез ҳаракат қилиш керак — энг муҳими шу,— де-ди Френсис Солано асьендаси пешайвонида тўпланган кичик оилавий кенгашга мурожаат қилиб.

— Энг муҳими! — таъна билан хитоб қилди Леонсия, пешайвонда хаяжон билан юришдан тўхтаб. — Энг муҳими — уни ҳутҳариш!

У ўз сўзларининг маъносини таъкидламоқчи бўлган-дек, Френсисга ҳўлларини жаҳл билан пахса қилди. Бу билан қаноатланмай, ҳамма қариндошлари — дадаси ва ҳар бир акасига ҳўлини пахса қилиб гапирди.


— Бунинг устига тез ҳаракат қилиш керак, — деб жўшҳинлик билан давом этди у. — Биз тез ҳаракат хи-лишимиз керак, акс ҳолда... — агар тез ҳаракат қилиш-маса Генрига нима бўлишини кўз олдига келтириб ву-жудини даҳшат қоплади ва овози бўғилиб ҳолди.

— Шеф учун гринголарнинг фарҳи йўқ^деди Френсис, ўзи эса ичида «бу ҳиз нақадар сулув!» деб ўйлади.— Шеф, албатта, Сан-Антониода ҳам подшо, ҳам худо, — деб давом этди у, — у ўйламай-нетмай иш қилишга ўрга-ниб ҳолган, Генрига менга берганидан кўпроқ, муддат бермайди. Бечорани бугуноқ турмадан қутҳаришимиз керак.

; — Қулоқ солинглар! — Леонсия яна гап бошлади.— Биз, Соланолар, бу... бу қотилликка йўл ҳўя олмаймиз. Гуруримиз... виждонимиз... Биз бунга йўл қўя олмаймиз. Гапирсаларинг-чи! Бирортангиз гапирсангиз-чи! Аҳалли сиз, бир нарса денг, дадажон...

Муҳокама давом этаркан, уларнинг гапини жимгина тинглаб ўтирган Френсис ғамга ботган эди. Леонсия тў-либ-тошиб гапирарди, лекин бу жўшҳинлик бошқа одам туфайли эдики, Френсисни бу қувонтирмасди. Уни сзод этиб, Генрини ҳамокқа олганларидан сўнг ҳам турма ҳовлисидаги воқеа унинг кўз олдидан кетмасди. Леонсия Генрининг қучоғига ташланганини, у эса узук жойидамикин деб қизнинг қўлини ушлаганини, қаноат





ҳосил қилгач кизни маҳкам кучоқлаб, узоқ бўса олгани-ни кўз олдига келтираркан, бу хотиралар унинг юраги-ни эзиб юборди.


«Бўлди, етар» деб ўйлади Френсис хўрсиниб. Ҳар ҳолда у қўлидан келганини қилди. Генрини олиб кет-ганларидан кейин у Леонсияга хотиржамлик ва ҳатто совуққонлик билан, Генри сизнинг қаллигингиз ва се-виклингиз, Соланонинг кизи бундан яхши куёв топол-майди, демабмиди?

У шундай деб тўғри қилганини англашидан бахтиёр бўлолмаганидек, хотиралар ҳам унга шодлик бағишла-масди. Ҳа, тўғри қилди. У тўғри иш тугганига ҳеч шуб-ҳақилмасди ва бу Леонсияга нисбатан қалбида жўш ураётган ҳисларни жиловлашга ёрдам берарди. Бироқ, ҳозир маълум бўлишича, ўзининг ҳақлигини сезиш ўзи-ни бахтиёр ҳис қилиш учун етарли эмас экан.

Лекин у нимадан умид қилиши мумкин? Унинг ома-ди келмади, холос: у Марказий \_ Америкага келганда кечиккан, бу вақтда гўзал аёл ундан олдин келган, Френсисдан қолишмайдиган, кўнгли айтиб турганидек, ундан ҳам яхшироқ кишига кўнгили қўйган эди. Виждони эса Генрига — ўзбошимча аждоднинг ўзбошимча авлоди Генри Аюрганга, парусин иштон, соябони кийшайиб кетган сомбреро кийган, нотанишиигитларнинг қулоғига ўч, қотган нон ва тошбақа тухуми билан тирикчилик диладиган ва қари қароқчининг хазинасини қидириб, икки орол — Буқа ва Бузоқ ороллари қазиб ташлаш-га тайёр турган кишига соф кўнгили билан муносабатда бўлишни талаб қиларди.

Энрико Солано ва унинг ўғиллари узун пешайвонда ўтириб, Генрини кутқариш режасини тузар эдилар, Френсис эса уларнинг гапини паришон тингларди; шу пайт хонадан хизматчи қиз чиқиб, Леонсиянинг қулоғига ниманидир шивирлади-да, уни уйнинг бурчаги томон, пешайвоннинг нариги четйга бошлади. У ердаги манза-рани кўргандами, Френсис қотиб-қотиб кулган, ғазаби қайнаб кетган бўларди.

Уйнинг нариги томонига ўтган Леонсия бой планта-торлар киядиган зарварақ тўн кийган Альварес Торрес -ни курди. Латин Америкасида бундай кийимларни ҳозир ҳам кийишади. Торрес бошидан сомбрерони олиб, қўли-да ушлаганча қиз олдида боши ерга теккудай бўлиб



таъзим қилди, сўнг кизни новдандан тўқилган диван ёни- га бошлаб бориб, унга ўтқазди. Леонсия ундан бирор яхши хабарни эшитишни умид қилгандек қизиқиш оҳан-гида, лекин маъюслик билан саломига алик олди.

— Суд тугади, Леонсия,— деди Торрес гўё мархум хақида гапираётгандек оҳиста ва ғамгин.— У ҳукм қилинди. Эртага эрталаб соат ўнда дорга осилади. Бу ниҳоят қайғули, ғоят қайғули, лекин...— елкасини қисди.— Йўқ, мен уни ёмон одам эди демайман. У муносиб киши эди. Унинг ягона камчилиги — феъли-атвори, у ҳаддан ташқари қизиққон, жуда жаҳли тез эди. Худди шу феъли-атвори туфайли, ўз виждонига қарши жиноят қилиб, ўз бошини еди. У ўша вақтда ўзини босиқроқ, хотиржамроқ тугганда, ҳеч қачон Альфарога пичоқ урмаган бўларди...

— Амакимни у ўлдирган эмас!—хитоб қилди Леон-, сия бошини кўтариб, унга тик қараб.

— Бу ғоят қайғули,— деб давом этди Торрес қизнинг гапини қайтаришдан қочиб.— Судья, халқ, полиция бош-лиғи, афсуски, бараварига у айбдор дейишяпти. Бу жуда қайғули, албатта. Аммо мен сиз билан бу ҳақда гап-лашгани келмаганман. Мен ўз хизматимни таклиф этиш учун келдим. Менга хоҳлаган ишингизни буюринг. Бутун ҳаётим, ор-номусим сизнинг ихтиёрингизда. Буюринг. Мен сизнинг кулингизман.

Торрес бирдан қиз олдида улуғворлик билан бир тиз-засига чўкди; унинг қўлини ушлаб, чамаси баландпар-зоз нутқини давом эттирмоқчи эди, аммо шу пайт Леонсиянинг бармоғидаги бриллиант кўзли узукни кўриб қолди. У қовоғини осиб бошини қуйи солди; сўнг юзига тезда одатдагича тус бериб, гапира кетди:

— Леонсия, мен сизни ёшлигингиздан, чиройли мит-, ти қизалоқлигингиздан биламан, сизни ўша вақтда се-, виб қолганман. Йўқ, гапимни тингланг! Илтимос қила-ман. Мен юрагимни очишим керак. Гапимни охиригача эшитинг. Мен сизни доимо севиб келдим. Чет элдан, ўзингиз ўқиган монастирдан улғайиб, Соланолар уйи-нинг олижаноб, гўзал бекаси бўлиб қайтганингиздан сўнг ҳусни-жамолингизга мафтун бўлиб қолдим. Мен сабр қилдим. Сизга ўз туйғуларим хақида гапирмадим. Лекин сиз буни сезишингиз мумкин эди. Сиз, албатта, сезгансиз буни. Ушандан буён сизни кўрмасам турол-майман. Гўзаллигингиз ва ҳусни-жамолингиздан ҳам




латифрок бўлган қалбингиз ёққан ўт мени ўртаб, вужу-димни қамраб олди.

Леонсия бу сўзамолни тўхтатиб бўлмаслигини билар, шу сабабли Торреснинг куйи эгилган бошига қараб, сабр билан тингларди ва бекорчиликдан нега унинг сочи хунук қирқилган, сўнгги марта у сочини қаерда олди-ганикин, Нью-Йоркдами ёки Сан-Антониодами, деб ўй-ларди.

— Чет-элдан қайтиб келганингиздан сўнг мен учун ким бўлганлигингизни биласизми?

Қиз жавоб бермади, Торрес қаттиқ қисиб турганидан Генри Морганнинг узуги суягига ботиб оғритаётган бўл-са ҳам қўлини тортиб олмади. Торреснинг гаплари қуло-ғига кирмас, хаёлан у олис-олисларда эди. Хаёлига кел-ган биринчи ўй шу бўлдики, Генри Морган ўз муҳабба-тини бундай баландпарвоз гапларсиз изхор этиб, қалби-да муҳаббат уйғотган. Нега бу испанлар ўз туйғуларини шу қадар баландпарвоз гаплар ва эзмалик билан тушун-тирадилар? Генри бутунлай бошқача қилган. У ҳатто ҳеч нарса демаган. У ҳаракат қилган. Унинг латофатига илиниб, қиз ҳам бефарқ эмаслигини сезиб, ҳеч қандай гап-сўзсиз, — йигит ўз севиклисини ҳайрон қолдирмасли-гига, • чўчитиб қўймаслигига шунчалик амин эди, — уни маҳкам кучоқлаб, лабларидан бўса олди. Уша биринчи бўсадан сўнггина Генри уни кучоқлаганча ўз муҳаббати ҳақида гапирган.

Пешайвоннинг нариги томонида ҳозир яқинлари ва Френсис Морган нима ҳақда гаплашишяпти, улар бирор нарса ўйлаб топишдимикан? Унинг хаёли янада узоқ-ларга олиб қочди — жазманининг илтижолари қулоғига кирмас эди. Френсис! Оҳ!.. У ҳатто уф тортди: Генрини севишига қарамай, бу ёт гринго унинг қалбини нега бунчалик ларзага солади? Наҳотки, шунчалик ахлоқсиз бўлса? Улардан қайси бири кўнглига яқинроқ? Буниси-ми ёки унисими? Ёки ҳар қандай йигитга учаверарми-кин? Йўқ! Йўқ! У энгилтак, хиёнатчи эмас. Хўш, кейин-чи?.. Френсис билан Генри жуда ўхшаш бўлгани учун муҳаббатга тўла бечора аёл қалби уларни бир-биридан ажратолмаётгандир? Илгари Генрининг орқасидан ўтга-сувга киришга, у билан қувонч ва аламларни баҳам кў-ришга тайёрдек эди; энди бўлса Френсисни деб ундан ҳам қийин йўлдан боришга тайёр сезарди ўзини. У Генрини, сўзсиз, севади — қалби шуни айтиб турибди. Ле-



кин у Френсисни ҳам севади, Френсис ҳам уни севишига шубҳа йўқ — у ерда, турмада қанчалик эҳтирос билан ўпишиганини унутмайди. Бу икки кишини турлича сев-са ҳам, бундай бўлиши аҳлига сиғмаса ҳам, баъзан Со-лано уруғидаги энг сўнгги аёл—яъни ўзини ахлоқсиз аёл деган хунук хулосага келарди.

Генрининг узуги бармоғига қаттиқ ботди, Торрес эҳтирос билан унинг қўлини хаттиқроқ қисиб юборган; эди, бу оғриқ уни хаёл дарёсидан олиб чиқиб, Торрес-нинг юрак сўзларини ноилож эшитишга мажбур қилди.

~ Сиз чиройли атиргулнинг юрагимга санчилган тиканисиз, қалбимни пора-пора қилаётган ханжарсиз, лекин булар муҳаббат яраси, азоб берувчи ва лаззат бахш этувчи яралар. Мен сизни... сизни деб ҳар қандай ишни бажаришни орзу этардим. Сиз учун ҳамма вақт қалбимда бир ном жой олган, у ҳам бўлса — орзуларим маликаси! Сиз менга турмушга чиқасиз, менинг Леон-сиям! Ҳозир мурда билан тенг бўлган ўша телба грин-гони унутиб юборамиз. Мен сизга меҳрибон, мулойим йўлдош бўламан. Сизни абадий севаман. Сиз ҳеч қачон бошқа одамни хаёлингизга келтирмайсиз. -Мен эса уни эслашни ўзимга эп билмайман. Сизни эса... сизни шун-чалик севаманки, сиз у одамни бутунлай унутиб юбо-расиз, унинг хотираси бир дақиқа ҳам^хаёлингизга соя солмайди.

Леонсия нима қилсам экан, деб ўйлаб жим турарди, бу эса Торреснинг умидларига умид қўшарди. Леонсия дархол жавоб бермай, вақтдан ютиш зарурлигини сизди. Генрини қутқариш учун шундай қилиши керак,;. Ахир Торрес ўз хизматини таклиф қияпти-ку! Бир одамининг тақдири Торресга боғлиқ бўлиб турганда, уни хайдаб юборишдан не фойда!

— Тапиринг! Сўзларингизни эшитишга ташнаман!..— деб Торрес овози титраб ялиларди.

— Керак эмас! Керакмас!— деди қиз мулойимлик билан.— Мен севган киши тирик турганда бошхаларнинг муҳаббат ҳақидаги гапларни хандай эшитай?

Севган!.. Бу сўзни ўтган замон шаклида айтиб юбориб, ўзи титраб кетди. Торрес ҳам титраб кетди ва умид учхунлари яна аланга олди. Энди у Леонсияни деярли ўзиники деб хисобларди. Ахир қиз «мен севган» деди-ку, демак, Генрини ҳозир севмайди. Қиз уни севар-ди, лекин'бу!севи ўтиб кетди. Албатта, қалби бу қадар



нозик ва латофатли қиз ўша, бошқаси тириклигида у билан севги ҳақида гаплаша олмайди. Унинг туйғулари қандай нозиг-а! Торрес ўз туйғуларининг ҳам нозиклиги ҳақида ғурурланиб ўйлади ва ҳатто Леонсиянинг яши-рин ўйларини тўғри топа олгани учун ўзини табриклади ҳам. Эртага соат ўнда дорга осилиши зарур бўлган кишининг афв этилмаслиги ёки турмадан қочиш кетмаслиги учун энди у қўлидан келганини ҳилади. Генри Моргай ханча тез ўлса, Леонсияни шунча тезроқ қўлга кири-тади.

— Бу ҳақда бошқа гапирмайлик... ҳозирча,— деди у сиподик билан, Леонсиянинг қўлини мулойим қисиб; сўнг ўрнидан туриб, қизга сукланиб узоқ тикилди.

Қизташаккурона *цўл* қиеиш билан жавоб бериб, қўлини бўшатди-ю, у ҳам ўрнидан турди.

— Юринг,— деди қиз,— кўрайлик-чи, бошқалар нима қилаётган экан. Улар ҳозир Генри Морганни қутқариш режасини тузишяпти, тўғрироғи режа тузишга уриниш-япти.

Улар пешайвонда ўтирганлар олдига яқинлашишлари билан суҳбат такқа тўхтади, гўё бу ердагилар Торресга ишонмайдигандек эди.

— Қалай, бирор йўлини ўйлаб топдиларингизми?— деб сўради Леонсия.

Кексалигига қарамай, ўз ўғиллари каби ҳомати тик, келишган, *чацон* кекса Энрико бош чайқаб қўйди.

— Агар рухсат этсаларингиз, мен бир режани так-лиф қиламан,— Торрес энди гап бошлаган эди ҳамки, Алесандронинг кўзи билан қилган ишорасини куриб жим қолди.

Иўлақда,, пешайвоннинг олдигинасида юпун кийин-ган икки бола пайдо бўлди. Бўйига Караганда уларнинг ёши ўндан ортик эмас, бироқ; юз-кўзларидаги муғом-бирликдан уларни каттароқ дейиш мумкин эди. Улар ғалати кийинишган: иштон билан кўйлакни бўлиб олиш-ган, бири иштонсиз, бири кўйлаксиз эди. Иштон-кўйлак бўлганда ҳам қанақаси денг! Улар парусиндан тикилган, эски, новча кишиники эди. Бола иштонни елкасигача тортиб, тушиб кетмаслиги учун бўйнига осиб олган, *цўяшт* эса ён чўнтаклари ўрнидаги тешиклардан чиқа-риб олган; почаси бўйига мослаб қирқилган эди. Иккин-чи бола кийган кўйлакнинг этаги эса ерга тегиб турарди. — Йўқолларинг бу ердан!— деб бақирди Алесандро.

Бироқ иштонли бола парво қилмай, бошига қўйиб кўтариб келган тошни ташлаб, остидаги хатни олди. Алесандро тўсиқдан энгашиб хатга *цўл* чўзди, конверт-га қараб уни Леонсияга узатди, болалар эса пул сўрай бошладилар. Френсис бу ғалати манзарага қараб кулиб юборди ва бир неча кумуш танга ташлади, кўйлак билан иштон ўша замони йўлкадан гизиллаб кетди.

Хат Генридан эди. Леонсия хатга кўз югуртиб чиқди. Бу хатни видолашув мактуби деб атаб бўлмасди, чунки уни, агар бирор тасодиф бўлмаса, ўлишни хаёлига ҳам келтирмаётган киши ёзган эди. Бироқ, шундай тасодиф юз бериши мумкинлиги учун Леонсия билан видолашиш-ни Генри ўз бурчи деб ҳисоблаган; шу ўринда ҳазил тариқасида ҳеч бўлмаганда Генрига жуда ўхшашлиги учун Френсис эътиборга лойиҳлигини айтганди.

Леонсия олдин хатни бошқаларга кўрсатмоқчи бўлди, лекин Френсис ҳақида ёзилган сатрлар уни ниятидан қайтарди.

— Генридан,— деди у хатни кўкрагига яшираётди:— Ҳеч ханақанги муҳимроқ гапни ёзмабди. Лекин бирор йўлини ҳилиб қутулиб қолишига бир минут ҳам шубҳа қилмайди.


— Қутулиб кетиши учун баз ҳаракат қиламиз,— деди Френсис катъият билан.

Леонсия унга миннатдорчилик билан табассум қилиб, Торресга юзидаги табассум-ла савол назари бил^н қа-раб деди:

— Сеньор Торрес, менинг бир режам бор деган эдингизми?

Торрес тишларини кўрсатиб тиржайди, мўйловини бураб гердайди.

— Қутқаришнинг-фаҳат бир йўли бор — бу англо-сакслар қўллайдиган, бевосита ва қўл келадиган гринго усулидир. Ҳа, туб маънода *цўл* келадиган ва бевосита йўл. Биз турмага бориб, гринголар қилганидек, очикдан-очих, кўпол ва сурбетларча бостириб кириб, Генрини олиб қочамиз. Бундай қилишимизни улар ҳеч қуттишмай-ди, шу сабабли бу режа албатта амалга ошади. Соҳил-Да дорга осилишга арзийдиган қароқчи-безориларни истаганча топиш мумкин, уларнинг ёрдамида турмага хVжум Цилич керак. Уларга яхши ҳақ ваъда қилинг, фаҳат пулнинг ҳаммасини олдиндан берманг, шундай қилсан-Шз олам гулистон.



Леонсия хурсанд бўлиб бош ирғади. Қария Энрико порох хиди димоғига ургандай кўзлари порлаб, бурун катаклари керилиб кетди. Френсиснинг фикри қандай, бу режага кўшилармикин, деб ҳамма унга қаради. У оҳиста бош чайқади, жажли чиққан Леонсия унинг шаъ-нига қатшқрок гапириб ҳам юборди. 1 — Бу режа барбод бўлади,— деди Френсис.— Амал-га ошмаслиги олдиндан маълум бўлган аҳмоқона аван-тюрани бошлаб, ҳаётимизни хавф остида қолдиришдан нима фойда?— Шундай деб, Леонсиянинг ёнидан туриб, айвон панжараси олдига келди ва Торрес билан бошқа-ларнинг ўртасига туриб олди; пайтини топиб, Энрико' ва унинг ўғилларига эҳтиёт бўлинглар деб ишора қил-ди.— Генрига келганда эса, унинг куни битганга ўх-шайди...

— Бошқача қилиб айтганда, сиз менга ишбнмайсиз, шундайми?—Торреснинг жажли чикди.


— Нима деяпсиз, худо асрасин!— Френсис эътироз билдирди.

Лекин Торрес унга эътибор бермай, гапини давом эттирди:

— Демак, сизнингча, менинг кадрдон ва энг хурмат-ли дўстларим Соланоларнинг оилавий кенгашида қат-нашмаслигим керак экан-да? Буни менга сиз, ҳали унча-лик таниш бўлмаган киши тақиқлаяпсизми?

Леонсиянинг юзлари ғазабдан қизариб кетганини курган қария Энрико уни огоҳлантиришга шошилди ва Торреснинг эзмалигини илтифотли.ишора билан тўхта-тиб деди:

— Сеньор Торрес, Соланоларнинг сиз киритилмай-диган оилавий кенгаши йўқ. Чунки сиз оиламизнинг эскидан кадрдон дўстисиз. Марҳум отангиз билан мен ўртоқ, биродарлардай инок эдик. Лекин булар, очиғини айтганим учун мен қари чолни кечиринг-у, сеньор Морганга режангизнинг амалга ошмайдиган режа эканли-гини айтишига монелик қилмайди. Турмага ҳужум қи-лиш аҳмоқлик бўлур эди. Деворларининг қалишшгини қаранг. У кўп ҳафталик қамалга бардош бериши мум-кин. Айтмоқчи, тан олишим керак, сизнинг фикрингиз олдин менга маъқул бўлган эди. Еш йигит эканлигимда, Кордильер тоғларида ҳиндилар билан жанг қилган вақ-тимда худди шундай воқеага дуч келган эдик. Қулайроқ, ўтирайлик, бу воқеани батафсил гапириб ббраман...



Лекин иши ошиб-тошиб ётган Торрес бу таклифни рад қилиб, хаммининг қўлини дўстона қисиб, Френсис-дан кечирим сўради-да, эгар-жабдуғи кумуш билан бе-затилган отига миниб, Сан-Антонио томонга чоптириб кетди. Унинг муҳим ишларидан бири: Томас Риганнинг Уолл-стритдаги идораси билан доимий телеграф алоқа-си эди. У Панаманинг Сан-Антониодаги ҳукумат радио-станциясига яширин кириш ҳуқуқига эга бўлиб, Вера-Крусдаги телеграфга хабар йўллаш оларди. Риган билан иттифок унга фойда келтирибгина қолмас, балки Леон-сия ва Морганларга нисбатан тузган режасига ҳам мос бўлиб тушарди.

— Сеньор Торресдан шубҳангиз борми? Нега унинг режасини рад қилиб, жажлини чиқардингиз?— деб сўра-ди Леонсия Фрейсисдан.

— Ҳеч қандай шубҳам йўқ,— деб жавоб берди у,— биз унга муҳтож эмасмиз, холос, у ҳам мени ёқтирмай-ди. У ғирт аҳмоқ, шу сабабли ҳар қандай режани бар-бод этиши мумкин. Судда менинг ишим юзасидан гувоҳ-лик бераётиб қандай ноқулай аҳволга тушиб қолганини эсланг. Балки, умуман унга ишониш керак эмасдир? Билмадим. Ҳар ҳолда у бизга керак эмас экан, ишониб нима қиламиз. Унинг режаси эса жуда тўғри. Шундай қиламиз: агар ҳамманглар рози бўлсанглар, тўппа-тўғри турмага борамиз-у, у ердан Генрини олиб қочамиз. Бу ишни дордан қочганларга топширишга ҳожат йўқ. Биз олти эркакмиз. Бу ишни ўз кучимиз билан бажара олма-сак, демак, унга хотима бериш керак.

\* — Лекин турма олдида доим ўнлаб соқчи туради,— Леонсиянинг ўн саккиз яшар укаси Рикардо эътироз билдирди.

Яна ҳаяжонга тушган Леонсия укасига таъна билан қараган эди, Френсис йигитнинг гапини қувватлади.

— Тўғри гап!— деб қўшилди у.— Биз соқчиларни бир ёқлик қиламиз.


— Бир ярим метр қалинликдаги девор-чи?—деб эс-латди эгизакларнинг бири Мартинес Солано.

— Деворни тешамиз,— деб жавоб берди Френсис.

— Қандай қилиб?— сўради Леонсия.

— Бу ёғини ҳозир айтаман. Айтинг-чи, сеньор Солано, салт отларингиз кўпми? Жуда яхши! Сиз, Алесандро, тасодифан, бирор плантацйадан бир неча динамит шаш-қаси тополмайсизми? Жуда соз! Маъқул! Хўш, сиз, Ле-





онсия, асьенда бекаси сифатида билишингиз керак, қаз-ноқда «Уч юлдуз» вискисидан кўпми?

— Аҳ-ҳа, фитна етилиб келяпти,— деб кулди у, Леон-сиядан «ҳа» деган жавоб олгач.— Энди бизда Рай дер Хаггард ёки Рекс Бич асарлари руҳидаги саргузаштли роман учун ҳамма нарса мавжуд. Қулоқ солинглар... Йўқ, шошманглар. Леонсия, бу томошанинг баъзи жи-ҳатлари борасида аввал сиз билан гаплашиб олишил керак...

## БЕШИНЧИ БОБ

Кун чошгоҳдан ошган; Г.ёни ўз камерасининг пан-жарали деразаси олдида кўчага қараб турарди. У қачон Чирикви кўрфази томондан шамол эсиб тандирдай дим ҳавони совутаркин, деб кутарди. Куча чанг ва ифлос эди — шунинг учун ифлос эдики, бир неча аср муқаддам шаҳарга асос солингандан буён дайди итлар-у бадбаша-ра ўлимтик кушлардан ташқари — бу кушлар ҳозир ҳам куча устида парвоз қилиб, ахлат устида сакраб юрар-ди — бу кўчаларни ҳеч ким тозаламаган. Тошдан ва пишиқ ғиштдан қурилиб, оҳак билан оқланган пастак уйлар офтобда қизиб кўчани чинакам дўзахга айлантди-риб юборарди.

Уйларнинг оппоқ рангидан ва чангдан Генрининг кў-зи камашиб кетди, у дераза олдида энди кетмоқчи бў-либ турганда рўпарадаги уйнинг дарвозаонасида муд-раб ўтирган бир неча жулдур бола кўзларини очиб, кўчанинг бошига қизиқиш билан қараётганини сезиб қолди. Генрига ҳеч нарса кўринмасди, лекин яқинлашиб келаётган арава овозини у ҳам эшитди. Кейин сувлиғтши чайнаётган от олиб қочиб келаётган кичик шалдироқ арава кўринди. Уриндикда ўтирган соч-соқоли кировдай оппоқ чол отни тўхтатишга уринарди.

Генри бу эски, шалдироқ араванинг тўкилиб кетма-ганига ҳайрон қолиб қулиб қўйди, арава чуқурчаларга тушиб сакрар, ғилдираклари ўқдан чиқиб кетай деб турарди. Арава сочилиб кетмаган экан, эски абзадлар узулиб кетмагани ажабланарли — Генрининг фикрича бу бир мўъжиза эди. Генри турган дераза рўпарасига келганда чол отни тўхтатаман деб яна бир бор, жон-жаҳди билан уриниб курди; у ўриндикдан туриб, тизгин-ни тортди. Тизгиннинг бири чирик эканми, ўша захоти узилиб кетди. Чол ўриндикка йиқилди, қўлидаги тизгин

таранг тортилди ва от ўнг томонга кескин бурилди. Кейин нима бўлганини — ғилдирак синдими ёки ўқдан чиқиб кетиб кейин синдими — Генри бидолмай қолди. Арава пачоқ бўлгани равшан эди. Чол йиқилиб тушди, қайсарлик билан қўлидаги тизгинни қўйиб юбормай, чанг йўлдан судралиб бориб, отни бурилишга мажбур қилди ва от пишкириб, унинг рўпарасига келди.

Чол ўрнидан турганда атрофини одамлар ўраб олган эди. Лекин турмадан югуриб чиққан жандармлар бу томошабинларни ўнг-сўлга итариб, ҳайдаб юборишди. Генри дераза олдида турар ва яна бир неча соат умри қолган кишига сира ёпишмайдиган хотиржамлик ва қизиқиш билан деразаси олдидаги манзарани томоша қилар, турмата етиб келаётган гапларга қулоқ соларди.

Чол жандармларга отнинг юганини тутқазиб, ҳатто эгнидаги чангни ҳам қокмай, шошилиб арава олдида келди ва бир неча катта ва кичик яшиқлардан иборат юкни кўздан кечира бошлади. У айниқса катта яшиқни эҳтиёт қиларди, уни кўтаришга ҳам уринди, кўтараётди, нимагадир қулоқ солди.


Шу пайт жандармлардан бири уни чақириб қолди: чол қаддини ростлаб, ҳозиржавоблик ва сергаклик билан жавоб бера бошлади:

— Менинг кимлигимни сўраяпсизми? Мен кекса одамман, сеньорлар, бу ердан олисда яшайман. Исминим Леопольдо Нарваэс. Жойи жаннатда бўлгур онам немис эди, Отамнинг исми эса Балтазар де Хесус-и-Серваль-ос-и-Нарваэс эди, унинг отаси — менинг бобом жасур генерал Нарваэс бўлган. У улуг Боливар<sup>1</sup> қўл остида жанг қилган. Мен — мен эса, шўрим курсин, энди уйим-га ҳам етолмайман.


Эҳтиром билан ҳамдардлик билдиришлар (энг бечо-рахол кишилар ҳам ҳамдардлик билдиришга уста бўла-Дилар) ва саволлардан у дадиллашиб, ўз ҳикоясини миннатдорчилик билан давом эттирди:

— Мен Бокас-дель-Тородан келдим. Беш кун йўл юрдим, бу ерга етиб келгунча ҳеч нарса сотганим йўқ. Узим Қолонда яшайман, у ердан чиқматанимда яхшироқ буларкан. Лекин олижаноб Нарваэс ҳам савдогарлик Қилиши мумкин, савдогар эса яшаши керак. Шундай

<sup>1</sup> Боливар — Америкада миллий-озодлик ҳаракати раҳбарла-Ридан бири.







эмасми, сеньорлар? Энди айтингларчи, гўзал Сан-Анто-ниода турадиган Томас Ромерони танитайсизларми?

— Панаманинг ҳар бир шаҳарида Томас Ромерони истаганча топиш мумкин,— турма бошлигининг ёрдамчиси Педро Зурита хоҳолаб юборди.— Қиёфасини ба-тафсил тавсифлаб бермасангиз бўлмайди.

—У иккинчи хотинининг амакиваччаси,— деди чол умид билан ва одамлар хоҳолаб кулиб юборганини кў-риб бағоят ажаблангандек бўлди.


— Сан-Антонио ва унинг атрофида яшайдиган То-мас Ромеролар ўндан ортиқ,— турма бошлигининг ёр-дамчиси эътироз билдирди.— Улардан ҳар бири иккин-чи хотинининг амакиваччаси бўлиши мумкин, сень-ор. Бу ерда Томас Ромеро деган арокхўр бор. Уғри Томас Ромеро ҳам бор. Яна бир Томас Ромеро... Йўқ, у қотиллик ва ўғирлик қилгани учун ўтган ойда осиб ўлдирилган. Томас Ромеро деган бой бор, тоғда пода-лари кўп. Яна...

Ҳар бир Ромеро тилга олинганда чол «бу эмас» де-гандек бош чайқарди, лекин чорвадор тилга олиниши билан юзи ёришиб кетди ва гапираётган кишини тўх-татди.

— Мени кечиринг, сеньор. Уша менинг қариндошим бўлса керак. Ҳар ҳолда бадавлат бўлиши керак. Уни қидириб топаман. Бу қимматбаҳо молларимни қўяди-ган бирор жой бўлганда эди, дарҳол уни қидиришга жўнар эдим. Яхшиямки фалокат худди шу ерда юз бер-ди. Юкимни сизга ишониб қолдиришим мумкин, сизнинг виждонли, ҳурматли одам эканлигинингизни билиш учун бир кўришнинг ўзи кифоя.— Чол шундай дер экан, чўн-тагини қовлаб иккита кумуш песо чиқариб турма бош-лиғи ёрдамчисига узатди.— Мана сизга. Сиз ва одам-ларингиз менга ёрдам курсатганларингиздан пушаймон бўлмасизлар деб ўйлайман.

Тангани қурган Педро Зурита ва жандармлар чолга ҳурмат билдираётганликларини пайқаган Генри жил-майиб қўйди. Улар томошабинларни синган арава ёни-дан ҳайдаб, яшиқларни турма биносига таший бошла-дилар.

— Эҳтиёт бўлинглар, сеньорлар, эҳтиёт бўлинглар,— деди чол, жандармлар катта яшиқни кўтараётганларида ҳаяжонланиб.— Авайлаб кўтаринглар. Бу қимматбаҳо, жуда нозик мол.,



Аравадаги молларни турмага - ташишаётганда чол абзалларни чиқариб, аравага ташлади.

Аммо Педро Зурита атрофда тўпланиб турган жул-дурларга ишора қилиб, жабдуқни ҳам турмага олиб киришни буюрди.

— Кўзинг шамғалат бўлди дегунча эгар-жабдуқнинг тасмаси ҳам қолмай ғойиб бўлади,— деб тушунтирди у.

Чол арава синиқлари усти.га чиқиб, Педро Зурита ва соқчилар ёрдамида отга минди.

— Жуда соз,— деди ва миннатдорчилик билан илова қилди.— Сизларга минг раҳмат, сеньорлар. Молларим ни сақлаб берадиган сиздай софдил кишиларни учрат-дим, демак омадим бор экан. Рости, моллар-ку ҳеч нарсага арзимади, дарбадар савдогарда қандай мол бўлиши равшан, лекин мен учун улар катта гап. Сизлар 'билан танишганимдан хурсандман. Эртага қариндошим билан бирга келаман, уни албатта топиб келаман, сиз-ларни арзимаган мулкимни қўриқлашдан халос қила-ман!—шундай деб у шляпасини қўлига олди.— АсИаз, сеньорлар, асИаз!


У фалокатга сабабчи бўлган отига бир оз ишонқира-май қараб-қараб қўйганча оҳиста йўлга тушди. Лекин Педро Зурита уни чақириб қолди. Чол тизгинни тортиб-, орқасига ўгирилди.

— Қабристондан қидиринг, сеньор Нарваэс,— деб маслаҳат берди турма бошлигининг ўринбосари.— У ерда юзлаб Томас Ромероларни топасиз.

— Сиз эса, сеньор, катта илтимос, катта яшиқни эҳтиёт қилинг,— деб жавоб берди савдогар.

Генрининг кўз олдйда қуча бўшаб қолди; жандармлар тарқалиб кетишди, томошаби'нлар ҳам — чунки қу-ёш аёвсиз қиздираётган эди. Кекса савдогарнинг овози танишга ўхшаб туюлди, лекин, бунинг ажабланидиган жойи йўқ, деб ўйлади Генри. Ахир савдогарнинг отаси испан, холос; онаси эса немис, шунга қарамай маҳаллий кишилардек гаплашди. «Турмада қолдириб кетган катта яшиқда бирор қимматли нарса бўлса, уни роса шилиб олишади», деган хулосага келди Генри ва бу воқеа ҳақи-Да ўйламай қўйди.

Шу пайтда Генри камерасидан ўн олти-ўн етти метр-ча наридаги қоровулхонада Леопольдо Нарваэсни хона-вайрон қилаётган эдилар. Бу ишни Педро Зурита катта



яшиқни диққат билан текшириб чиққач бошлаб берди. У яшиқнинг вазни қанча келишини аниқлаш учун<sup>1</sup>бир томонидан кўтариб кўрди-ю, яшиқнинг ёригини кўриб қолиб, ичида нима борлигини билиш учун този сингари хидлай бошлади.

— Яшикка тегма, Педро,—деди кулиб жандармлардан бири.— Омонатга хиёнат қилмаслигинг учун икки песо тўланган-ку, ахир.

Турма бошлигининг ёрдамчиси хўрсиниб, бир неча ка-дам чекинди, ўтириб, яна яшикка қараб хўрсинди. Гап ковушмади. Жандармлар тез-тез яшикка қараб- кўйи-шарди. Ҳатто чийлаб кўйилган қарта ҳам уларнинг эътиборини ўзига қарата олмади. Уйин қизимади. Пед-рога ҳазил қилган жандарм энди ўзи яшиқ олдига бо-риб, уни хидлаб курди.

— Ҳеч нарса сезмаяпман,— деди у.— Бу яшиқдан ҳеч қандай хид келмаяпти. Ичида нима бор экан-а? Кабальеро<sup>1</sup> қимматбаҳо мол деганди!

— Кабальеро эмиш!— бошқа жандарм қикирлаб<sup>2</sup>ку-либ юборди.— Бу чолнинг отаси тўғрироғи Колон кўча-ларида балик ковуриб сотган, балки бобоси ҳам шундай қилгандир. Бу ёлгончи гадолар ўзларини конкистадор<sup>2</sup>-ларнинг азлоди деб билишади.

— Нега авлоди бўлмас экан, Рафаэль?— Педро Зу-рита эътироз билдирди.— Узимиз ҳам уларнинг авлоди эмасмизми?

— Буниси-ку тўғри,— Рафаэль унинг гапига кўши-лишга шошилди,— Конкистадорлар анча-мунча одамни кириб юборганлар.


— Омон қолганларнинг аждоди бўлиб қолганлар,— унинг гапини Педро тугатди. Ҳамма хохолаб юборди.— Биласизларми нима, бу яшиқда нима борлигини билиш учун икки песодан биттасини беришга ҳам тайёрман.

— Ана, Игнасио келяпти!— деб хитоб қилди Рафаэль ва кириб келган жандарм билан саломлашди. Жан-дармнинг қовоқлари шишиб кетган, бу сиестада<sup>3</sup> энди турганининг далили эди.— Виждонли бўлиши учун унга ҳақ бермадилар-ку. Бу ёққа кел, Игнасио, мана бу яшиқда нима борлигини билиб бер, кўнглим тинчисин.

<sup>1</sup> Ка б а л ь е р о — испан дехқон зодагони.

<sup>2</sup> К о н к и с т а д о р л а р — испан фотиҳлари.

<sup>3</sup> С и е с т а — тушки жазирамада дам олиш пайти.



— Мен қаёқдан билайин,— деди Игнасио кўзларини йирпиратиб, хамманинг эътиборини ўзига тортган яшиқ-ка қараб.—Мен ҳозир уйқудан турдим.

— Демак, виждонли бўлиш учун сенга пул тўлашга-ни йўқ, шундайми?— деб сўради Рафаэль.

— Ё парвардигор, виждонли бўлиш учун ҳам пул тўланадими!— деб хитоб қилди нозир.

— Ундай бўлса ҳув анави болтани олиб, яшиқни оч,— Рафаэль ўз фикрини охиригача айтди.— Биз бун-дай қилолмаймиз: чунки Педро икки песодан бизга ўз улушимизни бериши керак, демак, виждонли бўлгани-миз учун бизга ҳам пул тўлашган. Яшиқни оч, Игнасио, бўлмаса юрагимиз ёрилиб кетади.

— Шундоқ бир кўз ташлаймиз, холос, фақат кўра-миз,— Игнасио яшиқнинг бир тахтасини болта билан кўчираётганда Педро ҳаяжон билан гўлдиради.— Кейин яшиқни яна беркитиб кўямиз.. Кўлингни тиксангчи, Игнасио! Хўш, нима бор экан?.. Нимага ўхшайди?

Игнасио урина-урина ниманидир тортди; ниҳоят картон гилофни ушлаган қўли кўринди.

— Уҳ-ў! Эҳтиёт қилиб ол: яна қайтиб жойига қўйиш керак бўлади,— деб огоҳлантирди уни Педро.

Гилоф ва яхшилаб ўралган қоғозлар очилгач, жан-дармлар гуручдан қилинган арақ тўла катта шишани кўрдилар.


— Мана бунга жойлаш деса бўлади!—деб пўнғилла-ди Педро хайрон қолиб.— Шундай авайлабдими, демак, яхши виски бўлиши керак.

— Американики!—деди бошқа жандарм хўрсиниб.— Америка вискисини Сантосда бир мартагина татиб кўр-ганман. Ажойиб нарса! Ичиб олганимдан кейин шуна-қаям ботир бўлиб кетдимки, хўкизлар сузишаётган пайт-да тўппа-тўғри майдонга чиқиб, жаҳди чиқиб турган буқага қуруқ қўл билан ташланибман. Рост, буқа мени отиб юборди, лекин майдонга тап тортмай чиққанимни айтинг!

Педро шишани олиб, оғзини очмоқчи бўлди.

— Тўхта!—деб хитоб қилди Рафаэль.— Виждонли бўлишинг учун сенга пул тўлашган-ку!

— Тўлашга-ку, тўлашди-я, лекин пул тўлаган одам-нинг ўзи виждонлими?— деб эътироз билдирди Педро.— Бу контрабанда. Чол бож тўламаган бўлса керак. Шун-Дай экан, келинглар, тақдиримизга шукрона айтиб, соф



виждон билан бу мулкни эгаллаймиз. Биз уни мусодара қилиб йўқотамиз.

Игнасио билан Рафаэль шиша даврани айланиб чиқишини кутиб ўтирмай, яна бир неча шишани олиб, бўғ-зидан синдиришди:

— «Уч юлдуз» — энг яхши виски! — деб эълон қилди Педро Зурита жимликни бузиб, маркасини кўрсатиб. — Биласизларми, гринголарда ёмон виски бўлмайди... Бир юлдуз — яхши виски, икки юлдуз ажойиб виски, уч юлдуз — аъло виски, бундан яхшиси бўлмайди, дегани. Буни яхши биламан. Гринго яхши ичкиликнинг кадрига етади. Бизнинг пулькамиз уларга ёкмайди.

— Тўрт юлдуз-чи? — деб сўради Игнасио; арақдан унинг овози хириллаб қолган, кўзлари қизариб кетган эди.

— Тўрт юлдузми? Дўстим Игнасио, тўрт юлдуз кўз юмиб-очгунча ўлим ёки абадий фароғат дегани.

Бир неча минут ўтмаёқ Рафаэль бошқа жандармни кучоқлаб, уни «биродар» деб, бу дунёда, ер юзида ин-соннинг бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас, дея валақлай бошлади.

— Чол — аҳмоқ, уч қарра аҳмоқ, яна уч қарра уч марта аҳмоқ, — бадқовоқ жандарм Аугустино биринчи марта оғиз очиб гапга аралашди.

— Яшасин Аугустино! — деб хитоб қилди Рафаэль. — Бу уч юлдуз кўрсатган мўъжизани қаранг! Аугустино-нинг оғзини очиб юборди.

— Яна уч қарра уч марта аҳмоқ ўша чол! — деб бақи-рарди Аугустино мастлик билан. — Бу илоҳий йчимлик ёнгинасида, бутунлай ўз ихтиёрида була туриб, Бокас-дель-Городан чнққанига беш кун бўлибди-ю, бирор марта, ҳам ичмабди] Мен сизга айтсам, бунақа аҳмоқларни яланғоч қилиб, чумоли уясига ўтказиб қўйиш керак!

— Чол — қаллоб, — деб мингиллади Педро, — эртага эрталаб «уч юлдуз»ларини олгани келганида уни контрабандист деб қамоққа оламан. Бу ҳаммамизнинг хизмати-миз бўлади.

— Далилларни мана... шундай гумдон қилсак унда кима бўлади? — деб сўради Аугустино яна бир шишани бўғ-зидан синдираётди.

— Биз мана бундай қилиб ашёвий далил қолдира-миз! — деб эътироз билдирди Педро, бўш шишани тошга уриб синдириб. — Қулоқ солинлар, дўстлар, келинлар,

гелишиб оламиз: яшиқ жуда оғир экан. Уни тушириб вобордик, шишалар синиб, виски оқиб кетди — шу тариқа контрабанда очилиб қолди, деймиз. Яшиқ ва синиқ шишалар етарли далил була олади.

Арақ камайган сари шовқин-сурон авжига чиқа бор-ди. Бир жандарм қачонлардир 'эсдан чиқиб кетган. ўн сентаво' қарзини эслаб, Игнасио билан жанжал бошлади. Иккитаси кучоқлашиб ўтирганча бахтсиз оилавий ҳаётларини эслаб йиғлашарди. Аугустино ўз фалсафий қарашларини дабдабали сўзлар билан баён қилардики, бу фалсафанинг мағзи — жим юриш олтин билан тенг деган ибора эди. Педро Зурита эса ҳамма одамлар — биродар деб исботлашга уринарди.

— Ҳатто маҳбусларни ҳам ўз биродарларимдай севаман, — дерди у тили чулдираб. — Ҳаёт жуда ғамгин нарса, — унинг кўзларидан ёш юмалади; у жим қолди ва вискидан яна бир қултум ичди. — Маҳбуслар мен учун ўз фарзандларимдек гап. Уларни кўриб юрагим қон бўлиб кетади. Қаранглар! Мен йиғлаяпман. Келинлар, улар билан баҳам кўрайлик. Улар ҳам ҳеч бўлмаса бир дақиқа бахт нималигини билишсин. Игнасио, сеvimли биродарим, менга бир илтифот қил, кўряпсанми, елкангга бошимни қўйиб йиғлаяпман. Бу шаробу антахур солинган шишани Гринго Морганга элтиб бер. Унга айт: мен ғамга ботдим, уни эрталаб дорга осилларидан қай-ғурияпман. Унга саломимни топшириб, ичишини илтимос қил, бугун бахтли бўлсин у.


Игнасио топшириқни бажаргани кетди, бир вақтлар Сантосда буқалар жанги вақтида майдонга тушган жандарм эса:


— Менга буқани олиб келинлар! Буқани! — деб ба-қирди.

— Бу ажойиб йигитча буқани кучоқлаб, уни қанча-лик севишини айтгиси келяпти, — деб тушунтирди Педро Зурита кўз ёшларини шашқатор қилиб. — Мен ҳам бу-қаларни яхши кўраман. Худо яратган махлуқларнинг ҳгммасини яхши кўраман. Мен ҳатто чивинларни ҳам яхши кўраман. Дуне жуда гўзал. Унда меҳр-муҳаббат ҳукмрон. Қани энди ўйнагани асрлоним бўлса...

Кўчада кимдир ҳуштакка солиб куйлаётган эски қа-роқчилар қўшиғи Генрининг эътиборини ўзига тортди.

С е н т а в о — пул бирлиги





У деразадан қарамоқчи бўлиб турганда эшик кулфи ша-рақлаганини эшитиб қолиб дарҳол ўрнига ётди-ю, ўзини ухлаётганга солди. Камерага маст Игнасио оёқлари ча-лишиб кириб келди ва Генрига шишани узатди.

— Сахий бошлиғимиз Педро Зурита энг яхши истак-лар билан бериб юборди,— деди жандарм,— У айтдики, сен ичиб, маст бўлиб, эртага дорга осилларшш\_унутар эмишсан.

— Сеньор Педро Зуритага ҳам менинг энг яхши ис-такларим бўлсин, менинг номимдан унга айтгинки, вис-киси билан қўшилиб жаҳаннамга кетсин.

Иозир қаддини ростлади, кайфи ёзилиб кетгандек тентирамай қўйди.

— Жуда яхши,. сеньор,—деди у ва камерадан чиқиб, эшикни беркитиб кулфлаб қўйди.

Генри дарҳол деразага ташланди ва Френсис билан юзма-юз келди. Френсис панжара орасидан тўппонча узатди.


— Салом, дўстим,— деди Френсис.— Сени кўз очиб-юмгунча бу ердан қутқарамиз.— Унинг қўлида портлат-гич ва капсулани иккита динамит шашкаси бор эди.— Нима олиб келганимни кур, бу ҳар қандай ломдан ях ши. Нариги бурчакка қоч — бу деворда ҳозир шунақа тешик ҳосил бўладики, ундан «Анжелика»миз ҳам ўтиб кета олади. Айтмоқчи, «Анжелика» яқин жойда, сохил-да, сени кутиб турибди. Қани, қоч-чи. Мен ҳозир шаш-кани ўрнатаман, шнури жуда қисқа.

Генри камеранинг нариги бурчагига боришга улгур-май, кулфга кимдир калит солди, эшик очилди, камерага овозлар шовқини бостириб кирди. Генри тартибсиз бақиришларни эшитди ва латин америкаликларнинг одатдаги: «Гринголарни ур!» деган жанговар хитобини аниқ эшитди.

Шунингдек, Генри Рафаэль билан Педронинг камерага қираётди айтган гапларини эшитди: «У умумий биродарликни тан олмаяпти», деб жаҳли чиқарди бири-нинг, иккинчиси эса: «у менга жаҳаннамга борсин деди-ми? Шундай дегани тўғрими, Игнасио?»— дер эди.

Жандармлар қўлида милтиқ; уларнинг орқасида эса қўлига тушган нарса — милтиқ, эски тўппонча, болта, шиша билан курулланган маст аскарлар турарди.

Генрининг қўлидаги тўппончани кўриб улар тўхташ-



ди, Педро қалтироқ қўллари билан милтигини ушлаб кўраётди деди:

— Сеньор Морган, сиз ҳозир ҳамма қоидаларга му-вофиқ равишда жаҳаннамга йўл оласиз.

Аммо Игнасио кутиб ўтирмади. Милтиқ кўндоғини биҳинига босиб ўқ узди — тегмади; ўқ камера девори-нинг ўртасига тегди-ю, ўша замони Генри отган ўқдан Игнасионинг ўзи ерга қулади. Қолганлар шошилиб йўл- акга чекинишди ва у ерда ўзларини панага олиб, каме-рани ўққа тута бошладилар.

«Худога шукур, девор жуда қалин, дайди ўқ тегмаса бўлгани»,— деб ўйлади Генри, бурчакда динамитнинг портлашини кутиб туриб.


Шу пайт динамит портлади. Дераза ўрнатилган деворда катта тешик ҳосил бўлди. Лекин шу дақиқада девордан учган кесак Генрининг бошига тегди, кўз олди қоронғилашди-ю, ерга гўладек гурсиллаб йиқилди. Порт-лаш ваҳтида кўтарилган чанг ва порох тутуни тархагач, Генри Френсисни элас-элас курди, у камерага сузиб кир-гандек туюлди. Френсис унинг хўлидан ушлаб тешикдан кўчага олиб чиқди. Генри кўчада ўзига келди. У Энрико Солано ва унинг кенжа ўғли Рикардони курди. Улар кўчанинг юқори томонида тўпланган оломонга милтиқ ўхталиб тўхтатиб туришар эди, бир кунда туғилган би-родарлар Альварадо билан Мартинес эса кўчанинг қуйи томонида оломонни тўсиб турарди.

Лекин аҳоли бу ерга қизиксиниб йиғилган, улардан ҳеч бири қуппа-кундуз куни деворни портлатиб, тур мага ҳужум қилган худратли кишиларнинг йўлини тўсиб, ўз ҳаётини хавф остида қолдирмоқчи эмасди. Шу сабабли кичик тўда кўчадан- қуйига қараб юрганда оламон эҳти-ром билан йўл бўшатди.

— Нариги кўчада отлар кутиб турибди,— деди Френсис, йўл-йўлақай Генрининг қўлини қисиб кўришаё-тиб.— Леонсия ҳам ўша ерда. Чорак соат ичида сохилга етиб борамиз, у ерда бизни кема кутиб турибди.

— Менга қара, сенга чакана қўшиқ ўргатмабман-ми-а!—деди Генри кулиб.— Ҳуштак билан шу қуйни чала бошлаганингда қулоғимга шунақаям яхши эшитил-дики. Бу итлар шундай шошилишдики, эртага тонг оти-шини.ҳам қутгилари келмади. Улар виски ичиб олиб, мени ўлдирмоқчи бўлишди.,Бу виски воқеаси ҳам жуда қизик. Савдога қўл урган қандайдир собиқ кабальеро





виски ортилган соябон аравада турма ёнидан ўтиб кета-ётганда, дарвоза олдида араваси синиб кетди...

— Шон-шуҳрати билан ўзига ёдгорлик қолдирган ге нерал Нарваэснинг фарзанди, Балтазар де Хесус-и-Сервальос-и-Нарваэснинг ўғли олижаноб Нарваэс ҳам савдогарлик қилиши мумкин, савдогар ҳам яшаши керак, шундай эмасми, сеньорлар?—деди Френсис бояги чолга ўхшаб.

Генри Френсисга шодон тикилиб, миннатдорчилик билан деди:

— Биласанми, Френсис, бир нарсдан мен жуда хур-сандман, жудаям хурсандман...

— Нимадан хурсандсан?— деб сўради Френсис, от-лар турган кўчага бурилаётганларида.

— Уша куни, Бузоқ оролида сени йиқитганимда, сен кесавер деб туриб олганимда қулоғингни кесиб олмаганимдан хурсандман.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Мариано Веркара-и-Ихос, Сан-Антонио полицияси-нинг бошлиғи суд залида креслога ястаниб ўтирди ва ўздан мамнун бўлиб; хотиржам илжаианча сигарета урай бошлади. Ҳаммаси ўзи ўйлаганидек бўлди. У судья чол бирор қултум мескаль ичиб қўймасин деб кун бўйи пойлади, мана энди бунинг эвазига судья полиция бош-лиғининг кўнглидаги ҳукми чиқарди. У ҳеч қандай хатога йўл қўймади. Олти қочоқ пеонга катта жарима солиниб, Сантосдаги плантацияга қайтариб юборилди. Улар учун оғир бўлган шартномани судья жаримани тў-лаш учун қанча вақт кетса — худди шунчага узайтирди. Шу туфайли полиция бошлиғининг чўнтагига яна икки юз Америка олтин долларлари тушди. «Сантосдаги гринго-лар тил топишса бўладиган одамлар,— деб ўйлади у ўзича.— Биринчидан, улар плантация барпо қилиб, шу тариха мамлакатнинг ривожланишига кўмаклашмоқда. Иккинчидан, энг муҳими — уларнинг пули ачиб-сасиб ётибди, менинг арзимас хизматларимга ҳам яхши х\_ақ тўлашади».

Шу пайт Альварес Торресни кўриб, оғзи қулоғига етди.

— Қулоқ солинг, — деди Альварес полиция бошлиғига энгашиб.— Биз иккала Морганни ҳам гумдон қили-

шимиз мумкин. Чўчка Генри эртага дорга осилади. Френсис чўчкани бугун аждодлари олдига юборолмай-мизми?

Полиция бошлиғи савол назари билан қошларини чимирди.

— Мен ўша грингога турмага хужум қил, деб масла-ҳат бердим. Соланолар унинг вайсашларига ишониб, оғиз-бурун ўпишишяпти.. Улар бугун кечкурун хужум қилишади. Бундан олдинроқ хужум бошлашга улгуриш-майди. Сизнинг ишингиз тайёргарлик қуриш ва тўқна-шувда Френсис Морганнинг албатта ўлдирилишини ку-затиб туриш, хол ос.

— Нимага, нима учун?— полиция бошлиғи шошил-май сўради.— Мен Генрини бир ёхлик қилишим керак. Френсис севимли Нью-Йоркига, ўз юртига қайтиб кета-версин.

— Френсис бугуноҳ аждодлари олдига л<ўнаши керак, нима учунлигини ҳозир тушуниб оласиз. Мен ҳуку-мат радиостанцияси^орқали юбораётган телеграммалар-дан маълумки, уларни ўзингиз ҳам ўқиб турасиз...

— Тўхтанг шартимиз шунака эди-ку, шу шарт билан сизга ҳукумат радиостанциясидан рухсат олиб берган-ман,— деб эслатди полиция бошлиғи.


— Мен шикоят қилаётганим йўх,— деб ишонтирди Торрес.— Хуллас, Нью-Йоркдаги Риганда ўта махфий ва ғоят муҳим ишим борлиги сизга маълум.— У қўлини кўкрак чўнтаги устига қўйди.— Мен ундан ҳозиргина янги телеграмма олдим. У чўчқа Френсисни бу ерда яна бир ой ушлаб туришни талаб қиляпти, агар у Нью-йорк-ка умуман қайтиб бормаса ҳам, сеньор Риганнинг гап-ларини тўғри тушунган бўлсам, ҳеч ким кўз ёши қил-майди. Хуллас, буни уддалай олсам, сизга ҳам чакки бўлмайди.

— Аммо сиз бунинг учун қанча пул олганингизни» яна қанча олишингизни айтганингиз йўқ,— деди полиция бошлиғи уни синамоқчи бўлиб.


— Бу жиҳатдан хусусий битимга келганмиз, пул сиз ўйлаганча кўп ҳам эмас. Бу сеньор Риган дегани ҳасис, ҳа, ўтакетган ҳасис одам. Шунга қарамай, режамиз амалга ошса, арра қиламиз.

Полиция бошлиғи қониқиш билан бош ирғаб:

— Олтин ҳисобида минг доллар оларсиз?—деб сўради.







~ Шунча олсам керак деб ўйлайман. Бу ирланд чўч-хаси бундан кам тўламаса йерак; ана унда, чўчка Френ-сис Сан-Антониода бошидан жудо бўлса албатта — беш юз доллар сизга тегади.

— Балки олтин ҳисобида юз минг оларсиз?— полидия бошлиғи сўрокни давом эттирди.

Торрес қизиқ латифани эшитгандек кулиб юборди.

— Ҳар ҳолда минг долларнинг ўзи бўлмаса керак,— суҳбатдоши тинчимай сўради.

— Балки саҳийлик килиб кўпроқ тўлар,— деб тас-диқлади Торрес— Яна беш юзларча кўшиб бериши ҳам эҳтимол, у ҳолда бу пулнинг ҳам ярми сизники.

— Мен ҳозироқ турмага жўнайман,— деди полиция бошлиғи.— Сеньор Торрес, мен сизга қанчалик ишонсам, сиз ҳам менга шунчалик ишонаверинг. Ҳозироқ борамиз, пайсалга солмай, Френсис Морганни кутиб олишга қандай тайёрланишимни ўз кўзингиз билан кўришингиз учун ҳозироқ бирга кетамиз. Бундан ташқари, учта жан-дармта фақат Френсисга қараб отишни тайинлаб қўя-ман. Демак, бу итвачча гринго турмага ҳужум қилмоқ-чи бўляптими? Қетдик. Тезроқ.

У ўрнидан туриб, сигаретани четга улоқтирди. Аммо у хонанинг ўртасига етмай туриб унга бир жулдур бола келиб урилди. Боланинг юзидан маржон-маржон тер оқарди. Бола унинг енгидан тортиб, нафаси тикилиб зўрға шивирлади:


— Сизга муҳим янгилик келтирдим. Ҳурматли сеньор, бу хабар учун ҳақ тўлайсизми? Сира тўхтамай, югу-риб келдим.

— Қузғунларга ем килиб Сан-Хуанга жўнатаман сени, лаънати. ўлакса!— дея жавоб қилди у.

Бола бундай пўписадан бўйнини қисди, аммо ўларча рч, ғоят кашшоқлиги ва яқинда бўладиган буқалар жан-Гига кириш ниятида бир неча тангага эга бўлиш учун ўзини дадилроқ тутиб такрорлади.

— Бу хабарни сизга биринчи бўлиб мен етказганим-ни унутманг, сеньор. Тўхтамай югуриб келдим, нафасим тикилиб ўлишимга оз қолди. Ҳаммасини айтиб бераман, фақат сиз, югуриб келганимни, биринчи бўлиб хабар қилганимни унутманг.

— Уҳ, хайвон! Майли, унутмайман. Лекин сен биринчи бўлиб айтганлигингни эслаб қолсам ўзингга қийин бўлади, билиб қўй. Қанақа янгилик! Балки бир



сентавога ҳам арзимайдиган янгиликдир. Агар арзимай-диган янгилик бўлсами — кунингни кўрасан. Шундай қиламанки, Сан-Хуан сенга жаннат бўлиб кўринади.

— Турма...— деб шивирлади бола кўрқувдан.— Қеча дорга осимокчи бўлган гринго турма деворини портлатиб юборди. Вой худойим! Тешик шунақаям каттаки, ибодатхонамиздаги кўнғироқдек келади. Бошқа гринго— олдингисига ўхшаган, эртага осиладигани — ўша тешикдан чиқиб, у билан бирга қочди. Уша гринго уни тешикдан олиб чиқди. Уз кўзим билан кўрдим, ўша замони бу ёққа югурдим, тўхтамай чопдим, хизматимни унутманг, сеньор... .

Аммо полиция бошлиғи унинг гапини тингламай, Торч рес томонга ўгирилиб, унга нафрат билан тикилди.


— Хўш, сизнингча ўша сеньор Риган бизга ваъда қилган катта пулни тўласа шоҳона саҳийлик қилган бў-: ладими? Йўқ, у беш баравар, ўн баравар кўп тўлаши ке-: рак — ахир бу йўлбарсдай гринго қонун ва тартиблари-: мизни, ҳатто турмамизнинг қалин деворларини бузаяпти...:

— Бу сохта шов-шув, холос, шамол қаёққа эсаётга-: нини, Френсис Морганнинг нияти қанақалигини кўрса-; тувчи тутун, холос,— деди Торрес аламли илжайиб.— \ Шунинг унутмангки, турмага ҳужум қилишни мен ўргат-: ганман.

— У ҳолда турмани тиклашга кетадиган чиқимларни сизу Риган тўлайдими?— деб сўради полиция бошлиғи ва бир оз жимликдан сўнг давом этди:— Лекин, ҳар, қалай, бундай қилишига ишонмайман. Бу мумкин эмас^ Бунақа ишга тентак гринго ҳам ботина олмайди.

Шу пайт эшик олдида жандарм Рафаэль пайдо бўл-« ди, унинг пешанасидаги ярадан қон оқарди, у полиция бошлиғи ва Торрес атрофида тўплана бошлаган одам-: ларни милтиқ билан итариб-туртиб шеф олдига келди.

— Биз тор-мор бўлдик!— деб бошлади у.— Турма: деярли вайрон бўлди. Динамит! Юз фут динамит, миғш фут динамит портлади! Биз турмани сақлаб қолиш учун мардларча отилдик. Аммо турманинг кули кўкка соврил-ди. Минг фут динамит ҳазилакам гап эмас-да! Мен хуш-сиз йиқилдим, аммо кўлимдаги милтиқни кўйиб юбормадим. Кейин ўзимга келиб атрофга қарадим. Теварагимда фақат мурдалар ётибди. Жасур Педро, жасур Игнасио, жасур Аугустино ҳаммаси ўлиб ётибди!— Ра-фаэль ўликдек маст бўлиб ётибди деганда тўғрироқ бў-.




ларди, лекин ҳамма Латин америкаликлар каби у ҳам фалокатни кўпиртириб, фожиали қилиб тасвирладики, унинг ўзи ва бошқа жандармлар қахрамон бўлиб кўринди, унинг тасавурида воқеа худди шундай бўлган эди.— Улар ўлиб ётишибди. Балки ўлмагандирлар, ҳушдан кетгандирлар. Мен эмаклар, ҳалиги гринг.о Морганнинг камерасига бордим. Ҳеч ким йўқ. Девор ҳангиллаб теши-либ ётибди. Тешиқдан кўчага чиқдим. Қарасам, оломон турибди. Аммо гринго Морганнинг изи ҳам кўринмайди. Воқеа қандай бўлганини ўз кўзи билан курган бир жулдурвақа билан гаплашдим. Уларни отлар кутиб турган экан. Соҳил томонга от чоптириб кетишибди. У ерда эса елканли кема кутаётган экан. Френсис Морганнинг оти эгариди бир халта олтин бор эмиш — жулдурвақа ўз кўзи билан кўрибди. Мана бундай каттакон халта...

— Тешиқ-чи, каттами?— деб сўради полиция бошлиғи.— Деворнинг тешиғи-чи?

— Халтадан каттароқ келади, анча каттароқ,— жа-воб қилди Рафаэль.— Грингонинг халтаси катта,— ўша жулдурвақа шундаки деди. Халта Моргай отининг эга-рига боғлоқлик экан.

— Менинг турмам!—деб хитоб қилди полиция бош-?Иғи, у ханжарни суғуриб, тиғидан ушлаб юқори кўтар-*\*рМ*, дастасига маҳорат билан ўйиб ишланган оёқ-қўли миҳланган Исо тасвири ҳақиқий хочга ўхшаб кетди.— Барча азизу авлиёлар ҳаққи қасамёд қиламанки, ўч олмай қўймайман. Оҳ турмагинам! Одил судимиз! Қо-нунларимиз!.. От келтиринлар! Тезроқ! Жандарм, дар-ҳол от келтир!— у шошилиб Торрес томонга бурилди ва у ҳеч нарса демаган бўлса ҳам ёпиша кетди,— сеньор Риганинг билан қўшмазор бўлларинг! .Уз ҳақимни қай-тариб олсам кифоя! Мени ҳақорат қилишди! Турмамни сайрон этишди! Менинг қонуним — бизнинг қонунимизни таҳқир этишди, азиз дўстлар! От! От келтир! Йўловчи-ларнинг отини тортиб олинг! Тезроқ бўл! Тезроқ!

«Анжелика»нинг эгаси, майя қабиласидан бўлган ҳинди аёл билан ямайкалик негрнинг фарзанди капитан Трефэзен одамлар тўла қайиқ йўлга чиққан Сан-Анто-нио томонга тикилганча кеманинг тор палубасида у ёқ-дан-бу ёққа юрар ва кемани ижарага олган бу телба америкаликдан қочиб кетсаммикин, деб ўйларди. Ёки шартномани йиртиб ташлаб, уч баравар қиммат ҳақ



сўраб янги шартнома тузсинми? Томирларида оқайган тентак қон уни бир-бирига зид ишларга ундарди, негр сифатида эҳтиёткорлик ва Панама қонунларига риоя қилишга мойил бўлса, ҳинду сифатида бошбошдоқлик ва тўқнашувга интиларди.

Ҳинди қони устун келди, капитан кливер'ни кўтариш-ни буюрди ва яқинлашаётган қайиқдаги одамларни ке-мага чиқариб олиш учун қирғоқ томонга бурди. Солано-лар ва Морганларнинг қуролланганлигини кўриб, уларни ўз ҳолига ташлаб қочишига сал қолди. Лекин қайиқда аёл киши борлигини кўргач, романтикага мойиллик ва очкўзлик кутиб туришга, одамларни кемага чиқариб олишга ундади. Чунки у агар эркаклар ишига хотинлар аралашса, хавф-хатар ва пул пайдо бўлишини биларди.

Шу тариқа кемада аёл киши, у билан бирга хавф-хатар ва даромад манбаи — Леонсия, қурол ва бир ҳам-ён пул пайдо бўлди. Қайиқдагилар қийналмай кемага чиқиб олишди — шамол секин . эсаётгани учун капитан шҳунани тўхтатиб ҳам ўтирмади.

— Сэр, сизни «Анжелика»да кўришдан хурсанд-ман,— капитан Трефэзен Френсис билан саломлашаётиб табассум қилди.— Бу ким?—деб сўради у Генрига ишо-ра қилиб.

— Капитан, бу менинг дўстим, меҳмоним ва хатто қариндошим.

— Сўрашга ижозат берсинлар, сэр, соҳилда шошиб-пишиб от чоптириб юрганткентльменлар кимлар?

Френсис қумлоқ соҳилда от чоптириб келаётган су-ворийларга қаради-да, капитаннинг қўлидан дурбинни сўрамай-нетмай тортиб олиб, соҳилга тикилди.

— Отлиқларнинг олдида шефнинг ўзи келяпти,— деди, Леонсия ва унинг уруғларига қараб,— орқасида жандармлар.— Тўсатдан у ғалати хитоб қилди-да, сўнг қирғоққа дурбин орқали узоқ тикилди ва ниҳоят бош чайқади:— уларнинг орасида дўстимиз Торресни кўрган-дек бўлдим.

— Қимни? Душманларимиз орасида-я?— Леонсия ўз Қулоқларига ишонмай қичкириб юборди. У бугун эрта-лаб пешайвонда Торрес ўз қалбини очиб, хизматга тайёр эканини айтганини эслади.

— Мен адашганга ўхшайман,— деди Френсис,— улар

К л и в е р — кема еяканларидан бири,  
5—3389



тўдалашиб олишди, куриш кийин бўляпти. Лекин отлик-лар олдида келаётган шефни аниқ кўрдим.

— Торрес ўзи қанақа одам?—деб сўради Ганри кес-кин оҳангда.— Биринчи бор кўрганимдаёқ менга ёкма-ган, сизларникида эса, Леонсия, уни доим хушнудлик билан кутиб олишади.

— Мени кечирсинлар, сэр, мени кечиринг,— капитан Трефэзен уларнинг гапини тилёғламалик билан бўлди,— саволимни итоатгўйлик ва эҳтиром билан такрорлашга рухсат этинг, сэр, қирғоқда от чоптириб юрган кишилар кимлар? Улар қанақа одамлар?

— Улар кеча мени дорга осилларига сал қолди,— Френсис хохолаб юборди,— зртага эса мана бу қарин-дошимни осилмоқчи эди. Биз уларни бошлаб кетдик. Кўриб турганингиздек, биз ёнингизда соппа-соғ туриб-миз. Энди эса, мистер шкипер, елканларимиз осилиб, шалошлаб қолганига эътибор беришингизни сўрайман, Биз жойимиздан кимирламаяпмиз. Бу ерда яна қанча ивирсимоқчисиз?

— Мистер Морган, сэр,— деган жавоб эшитилди,—сизга, кемамни ижарага олган кишига чуқур ҳурмат билан хизмат қиламан. Аммо мен Британия граждани эканлигимни айтиб қўяй. Қирол Георг — менинг киро-лим, мен аввало уига ва чет эл сувларида сузиш ҳақида у чиқарган қонунга бўйсунаман, сэр. Менга шу нарса равшан бўлдими, сиз мен соҳилига келтириб қўйган мамлакат қонунларини бузибсиз, акс ҳолда тартиб сақ-ловчилар сизни бунчалик изчил таъқиб этмаган бўлар-ди. Бундан ташқари, мендан денгизда сузиш қоидалари-ни бузиб, қочишда сизга ёрдам беришимни истаётганли-гингиз ҳам аён. Аммо виждоним мендан чамаси қирғоқда юз берган арзимаган бир англашмовчилик ҳамма манфаатдор томонлар фойдасига, сэр, яна қонуний киро-лим манфаати фойдасига ҳал бўлгунича шу ердан қи-мирламай туришимни тақозо қилади.

— Шкипер, елканларни кўтариб, денгизга чиқ!— Генри унинг гапини жаҳл билан бўлди.

— Умид қиламанки, сэр, сиз олижаноблик биланАГе-ни кечиргайсиз, бироқ афсус билан сизга икки нарсани айтиб қўяй. Биринчидан, кемамни ижарага олган шахс сиз эмассиз; иккинчидан, мен садоқат билан хизмат қилишга қасам ичган шонли қирол Георг сиз эмассиз.

— Сенинг кемангни ижарага мен олганман-ку, шкипер,— метис билан муомала қилиш йўлини билиб олган френсис мулоимлик билан гапга қўшилди.— Марҳамат қилиб,

штурвални ушлаб, бизни Чирикви кўрфазидан олиб чиқ, худо хайрингни берсин, тезроқ бўл, бўлмаса шамол тиняпти.

— Лекин, сэр, шартномада «Анжелика» Панама ва кирол Георг қонунларини бузсин деган модда йўқ.

— Мен яхши ҳақ тўлайман,— сабри тугаб бораё-тган Френсис ваъда қилди.— Ишни бошла.

— У ҳолда, сэр, мен билан уч барабар қимматига янги шартнома тузишга розимисиз?

Френсис рози бўлиб бош ирғади.

— Ундай бўлса бир дақиқа сабр қилинг, мен ҳозир қаютадан қоғоз-қалам олиб келаман, қужжатни расмий-лаштириб қўяйлик.

— Ё худо!— Френсис уф тортиб юборди.— Бундай бурилиб, ўрнингдан сал кимирласанг-чи. Бу қоғозни сузиб кетаётиб тўлдирсак ҳам бўлади, тўхтаб турганда ёзиш шарт эмас-ку. Қара, улар отишяпти!

Метис капитан барабар отилган ўқ овозини эшитиб, ёзилган елканга қаради ва грот-мачтанинг<sup>1</sup> энг юқори-сида ўқ тешиб ўтган жойни курди.

— Хўп бўлади, сэр,— деб рози бўлди у.— Сиз жентль-мен ва ваъдасининг устидан чиқадиган одамсиз. Мен сўзингизга ишонаман ва имконияти бўлиши билан ҳужжатга имзо чекамиз деб умид қиламан... Ҳой қора мўнди! Штурвални ушла! Рулни ушла! Тез бўлинглар, қора шайтонлар, катта елкан бўшатилин! Персиваль, сен ҳув анави ерда ёрдам бер.


Команда дарҳол бўйсунди. Доим кулиб турадиган кингстонлик негр Персиваль билан яна бири — танаси-нинг оч сариклигидан, бармоқлари қизларники каби ингичка ва нозиклигидан ярим ҳинди, ярим испан — метис эканлиги кўриниб турган Хуан деган йигит елканни бўшатишга шошилишди.


— Яна қўполлик қилса бу қора мўндининг бошига сол,— деб тўнғиллади Генри Френсиега қараб.— ЁКН менга қўйиб бер, уларни дарров мулла қилиб қўяман.

Лекин Френсис бош чайқади:

— У яхши йигит, фақат ямайкалик негрлардан, биласанми, улар қанақа одамлар. Бунинг устига унда ҳин-

Г р о т - м а ч т а — елканли кеманинг ўртадаги устунни — мачтаси.





ди кони ҳам аралаш. Яхшиси у билан тил топайлик. Кўнглида ҳеч қандай ёмонлик йўқ— кўпроқ пул ишлаб қолмоқчи бўляпти, холос: ахир у кемасини хавф остида қолдиряпти, шхунани мусодара қилишлари мумкин. Яна ўзини доно деб билади, турли донишмандона пуч гапларни. айтмаса ёрилиб ўлади.

Шу пайт уларга Энрико Солано яқинлашди, унинг бурун катаклари керилган, бармоқлари сабрсизлик билан милтиқни чертар, кўзлари эса бетартиб ўқ отилаётган қирғоққа тикилган эди.

— Сеньор\* Морган, сизнинг олдингизда гуноҳкор-ман,— деди у Генрига қўл узатиб.— Севимли укам Аль-фаронинг ўлимидан ўзимни шунчалик йўқотиб қўйдим-ки, бўйнимга оламан, дастлабки пайтда сизни қотил деб ўйяган эдим.— Кекса Энриконинг кўзларида ғазаб чак-нади.— Қайси бир кўрқоқ қоронғида орқасидан пичоқ санчиб ўлдирган. Нега дарров хаёлимга келмади-я! Мен шунчалик қайғуга ботган эдимки, бунинг устига ҳамма далиллар сизга қарши эди. Севимли, яккаю ягона қизим сиз билан фотиҳа қилиб қўйилганини ҳам унутиб юбор-дим; сиздай олижаноб — жасур, тўғри сўз, мард киши қоронғида орқасидан пичоқ санчишга қодир эмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Уз хатомдан афсусланаман. Мени кечиринг. Қизим Леонсиянинг бўлажак қаллиғи сифатида сизни ўз оиламизга фахрланиб қабул қилиш-дан бахтиёрман.

Генри Морганни Соланолар оиласига чин юракдан қабул қилаётганларида Леонсия ғаши келиб ўйларди: бир оғиз гай, қўлни маҳкам қисиш ва бир-бирига очиқ юз билан қараш кифоя қиладиган пайтда нега дадаси латин америкаликларнинг одатига узундан-узук, дабда-бали гапларни вайсайди? Отасининг ўрнида Генри ёки Френсис бўлганидами, улар худди шундай қилардилар. Нимага, нима учун унинг уруғлари анави ямайкалик негрға ўхшаб узундан-узук, тум-тароқли гапларни ёқти-ришади!

Френсис эса ўзини бу воқеалар ҳеч қизиқтирмаётган-дек тутарди; шунга қарамай, у Хуан деган юзи зафарон матрос бошқа матрослар билан нима ҳақдадир шивйр-лашиб, қўлларини силкитаётганини, елкасини маънодор қисганини курди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

— Ана холос, энди иккала гринго чўчқани қўлдан чиқариб юбордик!— деб хитоб қилди Альварес Торрес, «Анжелика»нинг елканларни тушириб, тез узоклашаётганини ва қуруқликдан отилган ўқ мўлжалга етмаслиги-ни кўргандан кейин.

— Уларни юз ярд яқинимда қуриш учун ибодатхона-га учта қўнғирокка етадиган пул худойи қилардим,— деди Мариано Веркара-и-Ихос.— Эҳ, менинг қўлимда бўлганидами, ҳамма грингони нариги дунёга шунақаям тез жўнатардимки, дўзахда шайтон инглизчани ўрга-нишга мажбур бўларди!


Альварес Торрес аламидан бўғилиб ва бефойда ғаза-бидан эгар қошига бир неча мушт тушурди.

— Воҳ, қалбим ҳукмдори!—деб хитоб қилди у йиғла-моқдан бери бўлиб.— Кетиб қолди-я, иккала Морган билан бирга ғойиб бўлди. Кемага чиқаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Энди Риганга нима дейман? Қема Чирик-ви кўрфазидан чиқиб олса, тўппа-тўғри Нью-Йоркка жў-наши мумкин. Ана унда чўчка Френсис бир ой ҳам юр-маган бўлади, сеньор Риган ҳақ тўламайди.


— Улар Чирик-ви кўрфазидан чиқишолмайди,— деди в'олиция бошлиғи қовоғини уйиб.— Нима, мен мияси йўқ эшакманми? Йўқ, мен одамман. Бу ердан чиқиб кета Ълмаслигини биламан. Умримнинг охиригача қасос олишга қасамёд қилган мен эмасми? Куннинг ботишига қараганда кечаси шамол тинади. Осмонга қараб дарров билиб олиш мумкин. Момик булутларни кўряпсизларми? Шамол кўтарилса ҳам унча кучли бўлмайди, шимоли-шарқдан эсади. Демак, шамол уларни тўғри Чорреро бўғозига хайдайди. Улар бўғоздан ўтишга ҳеч қачон ботина олмайдилар. Анави қора мўнди капитан бўғоз-ни беш қўлидек яхши билади. У айланиб, Бокас-дель-Торо ёки Қартахо бўғози орқали ўтишга уриниб кўради. •Бари бир уни алдаймиз. Менинг ҳам бирор нарсага ақлим етади. Ақлим етганда қандоқ! Қулоқ солинглр. Биз отда узок йўл босишимиз керак. Қирғоқ бўйлаб Лас-Пальмасгача борамиз. У ерда эса ҳозир капитан Розаро кемаси «Долорес» билан турибди.

— Зўрға буриладиган, шалағи чиққан эски шатакчи кемани айтяпсизми?—деб сўради Торрес.

— Шунақа-ю, лекин кечаси шамол эсмайди, эрта-







лаб ҳам. Уша шатакчи кемада «Анжелика»ни қўлга ту-ширамиз,— деб полиция бошлиғи унга таскин берди.— Олга, дўстлар! Кетдик! Капитан Розаро менинг дўстим. У нима десам ҳам қўнади.

Ниҳоят тонг пайтида чарчаган кишилар ҳолдан тон-ган отларда Лас-Пальмас деган ташландиқ кишлоқдан ўтиб, кўзланган манзилга етиб келишди. Бу ерда кўри-нишидан ташландиқ, шалоғи *чяцан* шатакчи кема турарди. Бу кема уларнинг кўзига дунёда энг яхши кема бўлиб кўринди. Шатакчи кеманинг йўлга чиқишга тай-ёрлиги мўрисидан тутун чиқаётганидан равшан эди; бу-ни кўриб, полиция бошлиғи қаттиқ чарчаганига қарамай хурсанд бўлиб кетди.

— Хайрли тонг, сеньор капитан Розаро! Сизни кўр-ганимдан хурсандман!— у арқон ўрами устида ёнбошлаб қаҳва ичётган кекса денгизчи испан — шкипер билан саломлашди. Капитан қаҳва ичиш учун хар сафар круж-кани лабига олиб келганда, қалтираганидан тиши круж-кага тегиб тикиллар эди.

— Бу лаънати безгак жонимни суғуриб оляпти-ю тонг қанақасига хайрли бўлсин,— капитан Розаро ково-ғини солиб тўнғиллади; унинг қўллари, танаси шунақа титрардики, қаҳва оғзига тушмай, даҳанидан оқиб, очиқ ёқасидан юнгдор кўкрагига тўкиларди.— Олсанг-чи бу-ни, хайвон!—деб бақирди у ва қўлидаги кружкани ичи-даги қаҳваси билан метис болага қараб отди. Чамасн унинг хизматчиси бўлган бу бола ўзини босишга қанча-лик уринмасин, кулгисини тутиб туролмасди.

— Куёш чиққандан кейин безгагингиз босилади,— эҳтиром билан деди полиция бошлиғи, ўзини капитан-нинг қўнгли хиралигини сезмаётганга солиб.— Бу ерда-ги ишларингиз тугаб, Бокас-дель-Торога кетяпсиз, шекил-ли, биз ҳам сиз билан бирга борамиз, қизиқ саргузашт-кк кутяпмиз. Штиль туфайли кечаси кўрфаздан чиқиб кетолмаган «Анжелика» шхунасини қўлга туширамиз, анчагина одамни қамоққа оламан, капитан, сизнинг жа-сурлигингиз, топқирлигингиз бутун Панаманинг оғзига тушади, хуллас, безгак азоби ҳам эсингиздан чиқис кетади.

— Қанча!— капитан Розаро лўнда қилиб сўради.

— Қанча дейсизми?— полиция бошлиғи унинг саво-лини ажабланиб такрорлади.— Қадрли дўстим, ахир, бу давлат иши-ку! Бари бир сиз Бокас-дель-Торога кетяп-

сиз. Биз кемага чиққанимиз билан бир курак ҳам ортиқ-ча кумир сарфланмайди-ку!

— МиспаспоРЯна қаҳва!—деб бақирди шкипер бола га қараб.

Орага жимлик чўкди. Торрес, полиция бошлиғи ва уларнинг ҳамма чарчаган ҳамроҳлари бола келтирган қайноқ қаҳвага очкўзлик билан тикилишди. Розаронинг тишлари ўйин қайроқ сингари кружкани такиллатарди, шунга қарамай, оғзи куйса ҳам қаҳвани тўкмаа хўп-лади.

«Механик» деган сўз ёзилган фуражка ва ифлос кор-жома кийган бир швед люкдан тепага чиқиб, трубкаси-ни тутатди-да, кема бортига ўтириб олиб, ўйга толди.

— Хўш, қанча?— капитан Розаро яна сўради.

— Қадрли дўстим, ҳозир йўлга чиқайлик,— деди полиция бошлиғи,— кейин, безгак тўхтагандан кейин ўзи-миз бафуржа гаплашиб оламиз;" ахир биз хайвон эмас, ақлли мавжудотмиз-ку.

— Қанча?—деб такрорлади капитан Розаро.— Кечи-ринг, мен хайвон эмасман. Куёш чиққанда ҳам, ботган-дан кейин ҳам, ҳатто бу лаънати безгак силкитаётганда ҳам эс-хушим жойида бўлади. Хўш, қанча?

— Майли, йўлга чиқаверинг. Узингиз қанча дей-сиз?— полиция бошлиғи таслим бўлиб, ҳорғинлик билан жавоб қилди.

— Олтин пулда эллик доллар!—деди ўша захоти капитан.

— Бари бир ўзингиз ўша томонга кетяпсиз, шундай эмасми, капитан?—деб сўради Торрес мулоимлик билан. ' -


— Айтдим-ку ахир, олтин пул билан эллик доллар Деб.

Полиция бошлиғи ўзини кетмоқчи бўлаётганга солиб орқасига ўгирилди.


— Аммо турмангизни вайрон этгани учун умрингиз-нинг охиригача қасос олишга қасам ичгансиз,— деб эс-латди Торрес.

— Енимдан эллик доллар тўлаб қасос оламан дега-ним йўқ,— полиция бошлиғи, инсофга келмасмикин, деб безгакдан қалтираётган капитанга кўз қири билан қа-Ради.

Бола (*испанча*).







— Эллик доллар, олтин пул билан,— деди капитан, қаҳвани ичиб бўлиб, калтироқ қўллари билан сигарета ўрашга уриниб. Сўнг швед томонга ишора қилиб деди:— Яна механигимга олтин пул билан беш доллар. Бизда одат шунақа.

Торрес полиция бошлиғига яқинроқ келиб шивир-лади:

— Кема учун мен тўлайман, гринго Ригандан эса қўшимча юз доллар оламан, қолганини иккаламиз арра қиламиз. Хуллас зиён қилмаймиз. Аксинча фойда қила-миз. Риган менга, чиқимидан қочма, деган.

Қуёш уфқдан кўтарилиб, оламни нурафшон этгач, жандармлардан бири ҳолдан тойган отларни етаклаб Лас-Пальмасга қайтиб кетди, қолганлар кемага чиқиш-ди; швед механик машина бўлимига тушиб кетди, қуёш нури тегиб, безгакдан халос бўлган капитан Розаро эса матросларга лангарни кўтаришни, бировига рубкага, компас олдига бориб туришни буюрди.

Тонг отганда «Анжелика» ҳамон қирғоқ яқинида эди; тун билан шамол эсмагани учун денгизга чиқиб олол-мади. Шунга қарамай, оқим билан сузиб, Сан-Антонио билан Бокас-дель-Торо ва Картахо кўрфазлари ўртасига бсриб қолган эди. Очиқ денгизга олиб чиқувчи бу йкки кўрфаз билан «Анжелика» оралиғида ҳам йигирма беш милча масофа бор, шхуна эса қўлтиқнинг ойнадек текис сувида тинч ухлаётгандек эди. Тропикнинг иссиқ, дим туни ҳаммани палубага чиқишга мажбур қилди, палуба-да одамлар ухлаб ётишарди, Леонсия капитан каютаси-нинг томида ётарди. Унинг отаси ва акалари каютанинг икки томонидаги тор йўлакка жойлашишган. Шхунанинг олд томонида, капитан каютаси билан бошқарувчи хуж-раси ўртасида иккала Морган ёнма-ён ётипти, Френ-сиснинг қўли Генрини кўриқлаётгандек унинг елкаснда. Штурвал олдида, унинг бир томонида метис капитан тиззаларини қучоқлаб, қўлига бошини қўйиб, ўтирган жойида ухлапти, штурвалнинг иккинчи томонида худди шу алфозда рульни бошқарувчи — кингстонлік қора тан-ли негр Персивалнинг ўзгинаси хуррак отяпти. Вахтада турган навбатчи шхунанинг олд томонида, кичкина полу-бак устида юзини пастга қилиб, бошини қўлига қўйиб ухлаётган бўлса, матрослар шкафутда тартибсиз ёти-шибди.

Биринчи бўлиб Леонсия уйғонди. Плаши барини қули



остига ташлаб, тирсагига таяниб кўтарилди-да, пастга қараб, палубада ёнма-ён ухлаб ётган Френсис билан Генрини курди. Қиз уларнинг иккаласига мойил эди, чунки улар жуда ўхшаш эдилар-да; у Генрини севади, Генри қандай ўпганини эслади, бу ҳақда ўйларкан бадани титраб кетди; у Френсисни ҳам севади, унинг бўса-сини эслаб, қизариб кетди. Қалбида бирданига икки киши муҳаббати жой олганидан ўзи ажабланарди. У ўз туйғулари қандайлигини яхши англаб олган, Генри ке-тидан етти иқлимга боришга, Френсис ортидан эса ундан ҳам нарига боришга тайёрлигини билади. У ўзининг ах-локсизлигидан, яъни бирданига икки кишига кўнгил қўйганидан қийналарди.

Леонсия ўзини кўрқитаётган фикрлардан чалғиш учун қўлини чўзиб, шарфининг учи билан Френсисни бурнини китиклай бошлади; йигит тўлғанди, пашша кў-ригандек қўлини кимирлат'ди-да, уйқу аралаш Генри-нинг кўкрагига бир мушт туширди. Шу тариха Генри аввал уйғониб кетди. У шартта туриб ўтираркан, Френсисни ҳам уйғотиб юборди.


— Хайрли тонг, қувноқ қариндошим,— Френсис у билан саломлашди.— Нега бунчалик уйноқлаяпсан?

— Хайрли тонг, дўстим,— деб жавоб қилди Генри,— ким ўзи шўхлик қилаётган? Ахир сен бир мушт уриб мени уйғотиб юбординг-ку. Уйқусираб, жаллод келиб қолдими дебман — бугун эрталаб мени дорга осиммоқ-чи эдилар-да.— У хомуза тортди, керишиб, мудраётган денгизга панжара орасидан қаради ва. Френсисни тур-тиб, ухлаётган капитан билан руль бошқарувчисини кўр-сатди.

«Бу Морганлар нақадар хушрўй»,— деб ўйлади Леонсия ва шу заҳоти бу гапни хаёлида испанча эмас, балки инглизча айтганидан ўзи хайрон қолди. Наҳотки шу иккаласи қалбини эгаллаб олгани учун ўз она тили-да эмас, уларнинг тилида ўйлаётган бўлса?

Бундай чалкаш фикрларни қувлаш учун у яна шарфи учи билан Френсисни бурнини китиклай бошлади-ю, аммо қўлга тушиб қолди: кўлиб, уларнинг тўсатдан уйғониб кетишларига сабабчи бўлганини айтиб бердк.

Леонсия уч соатдан сўнг, лимон ва қаҳва билан та-мадди қилиб олгач, руль олдига келди, Френсис кемани бошқаришни, йўлни компасга қараб қандай белгилашни кизга ўргата бошлади. «Анжелика» шимол томон эсаёт-




ган шамолга бўйсуниб, соатига олти узел<sup>1</sup> тезлик билан сузиб борарди. Генри шхунанинг шамол эсаётган томо-нида туриб, уфкни диққат билан кузатар, устоз ва шо-гирд нақадар берилиб кетишганига эътибор қилмаслик-ка уринар, ўзи эса Леонсияга руль ва компасдан фойда-ланишни ўргатиш аввал хаёлига келмаганидан қаттиқ ўқинарди. Шунга қарамай, у ўзини босиб, улар томонга угирилиш у ёқда турсин, кўз қирини ҳам ташлаб кўй-мади.

Аксинча ҳиндилар сингари шафқатсиз синчковлик, қирол Георгнинг фуқароси бўлмиш негрга хос андиша-сиз капитан Трефэзен Генри каби олижаноб эмас эди. У ёшларга тикилиб қараб турарди, шу сабабли ўз кема-сини ижарага олган америкалик билан гўзал испан қи-зининг бир-бирига меҳри унинг назаридан четда қолма-ди. Улар ёнма-ён туришарди, нактоузга қараш учун улар штурвал устидан энгашиганда Леонсия сочининг бир тутами Френсиснинг юзига тегиб кетди; шу заҳоти улар ўзларини ток ургандек хис этишди. Метис капитан ҳам буни сезди. Аммо улар метис капитан кўрмаган нарсани ҳам сезишди — иккаласи уялиб кетишди. Улар бир-бирига хайратланиб қарашди-ю, уялиб кўзларини олиб қочишди. Френсис компас ғалтаги қандай ишлашини палубанинг нариги четда эшитиладиган даражада қаттиқ-қиттиқ ва тез-тез тушунтира бошлади. Аммо капитан Трефэзен унинг гапларини эшитаркан, мийғи-да қулиб қўйди.

Шамол бирдан кучайиб, Френсис штурвални ушлаш-га мажбур бўлди. Штурвални Леонсия ушлаб турган эди, Френсисга унинг қўли устидан ушлашдан бошқа чора қолмаганди. Улар яна сесканиб кетишди, капитан яна кулимсираб қўйди.

Леонсия Френсисга қаради-ю, уялиб, шу замони ерга тикилди. У қўлини тортиб олиб, дарё тугади дегандек оҳиста узоклаша бошлади. Руль ва компасга қизиқиши тугаганини билдирмоқчи бўлгандек лоқайдлик билан кетарди. Френсис довдираганча қолаверди: бундай қи-Лиш виждондан эмаслигини, бу хоинлик эканлигини у тушунарди ва беихтиёр ён томонга тикилиб турган Ген-рига қараб, бўлган воқеани у кўрмай қолганидан хаёлан афсусланди. Бу вақтда Леонсия бармоғидаги Генри бер-

Узел — узунлик ўлчози, 1,87 километрга тенг.



ган узукни айлантириб, ҳеч нарса кўрмаса-да, дарахт билан қопланган соҳилга қараб турарди.

Бироқ Генри тасодифан ҳаммасини кўриб қолганди: у худди ўша пайтда уфқда қандайдир тутун пайдо бўл-ганини айтиш учун улар томонга ўгирилган эди. Буни метис капитан ҳам сезди. У Генрига яқинлашиб, ҳинди-ларга хос шафқатсизлик ва негрларга хос андишасиздик билан шивирлади:

— Дадил, бўлинг, сэр. Сеньоританинг кўнгли очиқ, иккалангиз учун ҳам жой топилади — ахир сизлар олижаноб жентльменларсиз-ку.

Уша замони қадимий ҳақиқат унга ўргатиб қўйилди: оқ танлилар ўз ишларига аралаш-анларни ёқтирмайди-лар; капитан ўзига келса чалқанча ётибди, палубага қаттиқ урилганидан орқа мияси оғрияпти, пешанаси эса Генрининг тошдек қаттиқ мушти текканидан зиркира-япти.

Шундан сўнг капитаннинг ҳинди қони қайнаб кетди: ғазаб билан ўрнидан турди, қўлида пичоқ тиғи ялтиради. Заъфар юзли метис Хуан унинг ёнига турди, унинг қўли: да ҳам пичоқ бор эди. Яна яқин-орадаги бир неча матрос югуриб келди ва ярим доира ясаб, Генрига яқинла-ша бошладилар; бироқ Генри чапдастлик билан кема четига сакради, қўли билан бир уриб панжара темирини жойидан кўчириб учуриб юборди-да, ерга туширмай ушлаб, ўзини ҳимоя қилишга ҳозирланди. Шу замони Френсис штурвални ташлаб, автомат-тўппончасини чиқа-риб Генри ёнига югуриб ўтди.

— Нима деди у?— деб сўради Френсис қариндо-шидан.

— Нима деганимни такрорлашим мумкин,— деди капитан пўписа қилиб, ҳозир унда негр қони устун ке-либ, иғво қилиб бўлса ҳам можарони бартараф қилмоқ-чи бўлди.— Мен унга..

— Тўхта, капитан!— Генри кичқирди.— Сени урга-нмдан ўзим пушаймонман. ЁПИҚЛИК қозон ёпиклигича қолаверсин. Тилингни тий. Унутиб юбор. Сени урганим-дан ўзим афсусланяпман. Мен...— Генри беихтиёр жим қолиб ютинди: у нима дейишини билмай қолди. Чунки Леонсия ёнгинасида, унинг гапларини эшитиб турарди:— Мен... мен кечирим сўрайман, капитан.

— Сиз мени ҳақорат қилдингиз,— деди капитан Тре-фэзен жаҳл билан.— Сиз мени майиб қилдингиз! Худо



ёрлакагур қирол Георгнинг фуқардесини майиб қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, албатта, эвазига пул тўламаса! Генри ифвогарнинг очикдан-очик талабини эшитиб, унга ташланмоқчи бўлди. Бирок Френсис унинг елкасига қўлини қўйиб, тўхтаб қолди. Генри ўзини босиб, мам-нун кулгига ўхшаш овоз чиқарди-да, чўнтагидан ҳар би-ри ўн долларлик иккита олтин танга олиб, гўё олтин қўлини куйдираётгандек шоша-пиша капитан Трефэзен-нинг қўлига тутқазди.

— Осон кутулдинг,— деб шивирлади Генри ўзини тут а олмай.

— Ҳечқиси йўқ. Баҳоси чакки эмас,— деб ишонтир-ди капитан.— Боши ёрилганига йигирма доллар — ар-зийдиган бахс. Менга буюраверинг: сэр, хизматингизга тайёрман. Сиз чинакам жентльменсиз. Шунча пул эвазига хоҳлаган вақтингизда қулоғим тагига туширишин-гиз мумкин.


— Мени ҳам, сэр, мени ҳам!—дея кингстонли-к негр Персиваль ёкимтой табассум билан гапга аралашди,— Бунақа пул эвазига мени хоҳлаган вақтингизда дўппослайверинг. Умуман, ортиқча пулингиз бўлса дўппослайверинг...

Шу билан воқеа тутади, чунки шу пайт кузатувчи матроснинг овози эшитилди:

— Тутун! Орқамиздан пароход келяпти!

Бир соатдан сўнг бу қанақа тутун-у, гап нимадалигини ҳамма билиб олди, чунки «Долорес»нинг яна штилга ту-шиб қолган «Анжелика»ни кувиб етиши ҳеч гап эмасди, энди шатакчи кемадан ярим милча масофада туриб, дурбин орқали пароходнинг қуролли кишилар тўла олд палубасини бемалол кузатса бўларди. Генри билан Френсис улар орасидаги полиция бошлиғи ва бир неча жандармни дарров танишди.

Кекса Энрико Соланонинг бурун катаклари керилиб кетди, у тўрт ўғлини шхуна қўйруғига саф қилиб, ўзи ҳам улар ёнига туриб, жангга шайланди. Генрига му-ҳаббати ва Френсисга севгиси ўтида қоврилаётган Леон-сия ўзи билан ўзи овора бўлса ҳам, билдирмаслик учун эски пароход устидан эл қатори кулди, бирдан шамол эса бошлаганидан ҳамма қатори қувонди. Тўсатдан кел-ган шамол эпкени «Анжелика»ни чап томонга шундай оғдириб юбордики, панжарасй сувга тегай-тегай деди ва қаддини ростлаб, тўққиз узел тезликда-сузиб кетди.



Лекин шу тонгда об-ҳаво ҳам, шамол ҳам тез-тез ўзгариб турганди. Сув сатҳи гоҳ шамолда ажин билан қопланар, гоҳ ойна каби текис бўлиб қоларди.

— Сэр, минг афсуски, улардан қочиб қутулолмай-миз,— деди капитан Трефэзен Френсисга,— Шамол эсиб турганда тез сузиб кетардиг-а. Аммо шамол йўналиши тез-тез ўзгариб, ҳатто тиниб қоляпти. Бизни тўғри сохилга олиб кетяпти. Сэр, биз қопқонга тушиб қолдик, энди чиқиб кетолмаймиз.

Сохилни кузатаётган Генри дурбинни қўзидан олди ва Френсисга қаради.

— Айтавер!— хитоб қилди Френсис— Бир нарсани ўйлаганинг кўриниб турибди. Режанг қанақа? Айтавер.

— Ҳув анави ерда йўлбарс номли иккита оролча бор,— Генри ўз режасини айта бошлади.— Улар Хучи-тан кўрфазини кўриқлаб туради. Менга ишонаверинг, бу йўлбарсларнинг тиши ҳақиқий йўлбарсникидан қо-лишмайди. Оролларнинг икки томони шундай саёзки, ҳатто қайиқ ҳам қумга ўтириб қолади. Фарватерни<sup>1</sup> ях-ши билган одамгина ўта олади, мен эса уни яхши била-ман. Тўғри, ороллар орасидаги бўғознинг. чуқурлиги етарли, аммо у шунчалик торки, бурилиб бўлмайди. Шамол орқа томондан ёки траверздан эсиб турсагина шхуна бўғоздан ўтиши мумкин. Ҳозир шамол биз учун қулай томонга эсяпти, биз бўғоздан ўтиб кетамиз. Лекин бу режамнинг ярми, холос...

— Агар шамол йўналиши ўзгарса ёки тўхтаб қолса, сэр, гўзал шхуна қояларга урилиб пачоқ бўлади, бу ерда сув сатҳининг кўтарилиши, пасайиши шунақаки, уй-дек тўлқинлар пайдо бўлади,— деб капитан Трефэзен норозилик билдирди.

— Агар шхуна ҳалокатга учраса, пулини мен тўлай-ман,— деб Френсис лўнда қилиб ишонтирди ва унга бошқа эътибор бермай, Генри томонга ўгирилди,— Хўш, режангнинг иккинчи ярми қандай?

— Сенга айтишга ҳам уяламан,— Генри қулиб юборди.— Лекин бу испанчасига шунча лаънатлар туғдира-дики, кекса Морган Сан-Антонио билан Бокас-дель-То-рони талагандан буён Чирикви кўрфази бунақа сўкиш-ларни эшитган эмас. Мана кўрарсан.

Денгиз, дарёларнинг кема ўта оладиган чуқур жойлари.



Леонсиянинг кўзлари порлаб кетди, қарсақ чалиб хитоб килди:

— Жуда ажойиб нарса ўйлаганга ўхшайсиз, Генри. Афтингиздан билиниб турибди. Ҳеч бўлмаса менга ай-тинг!

Генри Леонсияни бир четга бошлаб бориб ва палуба оғиб тургани учун унинг белидан ушлаб туриб, қулоғига нималарнидир шивирлади. Френсис эса буни кўриб, туй-гуларини яшириш учун дурбинни олиб, рақиб томонга тикилди. Капитан Трефэзен кулиб, заъфарон юзли матрос била» маънодор кўз уриштириб қўйди.

— Гап буидай, скипер,— деди Генри унинг олдига ке\*габ.— Ҳозир биз Йўлбарс бўғозига кираверишда ту-рибмиз. Штурвални ушлагин-у кемани тўғри кўрфазга хайда. Бундан ташқари — рпопо менга ярим дюймли эски юмшоҳ сим келтиришсин, кўпроқ арқон, елкан чилвири, омбордаги пиво турган яшиқни, қахва идиши, кеча ичидаги охириги томчи бензинни тўкиб ташлаган беш галлон'ли бидонни ҳам олиб келишсин.

— Лекин зўр қайғу билан айтаманки, сэр, арқон анча пул туради,— деди капитан Трефэзен, Генри олиб келинган нарсалардан нимадир ясаётганини кўриб.

— Ҳақини тўлаймиз,— деб Френсис уни тинчитди.

— Қахва идиши ҳам деярли янги.

— Унинг ҳам ҳақини тўлаймиз.


Капитан хўрсиниб таслим бўлди, аммо Генри пивовли шишаларнинг оғзини очиб, пивосини шпигатга<sup>2</sup> тўка' бошлаганда яна хўрсинди.

— Марҳамат, сэр,— деб ялинди Персиваль,— шу пивони тўкиш зарур бўлса, яхшиси менинг томоғимга қуйинт.

Матрослар дарров қимматли ичимликка ёпишдилар ва Генрининг олдига бўш шишаларни қўйдилар. У яна шишаларнинг оғзини беркитиб, арқонга оралиғини беш-олти фут қилиб боғлайверди. Кейин арқондан узунлиги икки саженча қилиб бир неча бўлак кесди ва шишалар оралиғига кўндаланг боғлади. Қахва идиши ва бошқа банкларни ҳам боғлади. Генри арқоннинг бир учига бензиндан бўшаган бидонни, иккинчи учига пиво яши-гини боғлади ва бу ишларни тугатиб, Френсисга қаради.

<sup>1</sup> Г а л л о н — суюқлик ўлчови, 3,7 литрга тенг,

<sup>2</sup> Палубадаги сув оқиб тушадиган тарнов.



— Нима қилмоқчи бўлганингни беш минут олдин тушунганман,— Френсис кулиб "юборди.— йўлбарс бўғози чиндан ҳам торга ўхшайди, акс ҳолда шатакчи ке-ма сиртмоғингни айланиб ўтиб кетарди.

— Бўғознинг кенлиги худди шунча,— деган 'жавоб эшитилди. —Шунақа жойлари ҳам борки, саёзликлар оралиғи кирқ фут ҳам келмайди. Капитан ўз кемасини қопқон ёнига бурса, қумга ўтириб қолади. У ҳолда бук-сирдаги одамлар сув кечиб ҳирғоққа чиқиб олишлари мумкин. Энди бу тузоқни қуйруҳха олиб бориб, сувга ташлашга тайёр туриш керак. Сен ўнг томонда тур, мен чап томонда тураман, уч дейишим билан яшиқни мумкин қадар узоқроққа итхит.

Шамол анча сусайган бўлса ҳам, «у'нжелика» ҳар ҳолда беш узел тезликда борарди, бироқ олти узел тез-ликда сузадиган «Долорес» аста-секин етиб ола бошла-ди. «Долорес»да милтиқлар тилга киргач, капитан Генри ва Френсис раҳбарлигида шхуна қуйруғида картош-ка, пиез тўла ҳоплар, эски елканлар ва арқон ўрамлари-дан баррикада ясади. Рулни бошқарувчи ана шу тўсиқ орқасида энгашиб олганча, шхунани бошқариб борарди. Леонсия пастга тушишдан бош тортди, аммо отишма зў-райгач, ҳариндошларининг кистови билан каюта орқа-сига беркинди. Матрослар бурчакларга, пана жойларга яширишб олишди, Солано чол ва унинг ўғиллари эса қуйруҳ томонда ётиб олиб, шатакчи кемага ўқ ёғдири-шарди.

Генри билан Френсис ўз жойларини эгаллаб, «Анже-лика»нинг энг тор ерга етишини кутиб, улар ҳам отиш-мада иштирок этишди.

— Табригимни қабул ҳилинг, сэр,— деди капитан Трефэзен Френсисга. Ундаги негр ҳони палубага қапи-шиб ётишни таҳозо қилса, хинди қони таъсирида баъзи-да бошини кўтариб қараб қўярди.— Кемани капитан Розаронинг ўзи бошқаряпти. Ҳозир у бир сакраб туш-ди-ю, ҳўлини ушлаганча қолди, қўлини илма-тешик қил-ганингизга шубҳа йўқ. Сэр, капитан Розаро ҳаддан зиёд ҳизиққон ЁотЪге<sup>1</sup>. Унинг сўкинаётганини шу ердан эшитаётгандайман.

— Тайёр бўлиб тур, Френсис, ҳозир сигнал бера-ман,— деди Генри, қуролини четга ҳўйиб, шхунанинг

Одам (*испанча*).





иккала томойдан паст кирғоқни кузатаркан.— Керакли жойга етай деб қолдик. Шошилма, сигналимни кут, «уч» дейишим билан ташла.

Генри сигнал берганда шатакчи пароход икки юз ярдча нарида бўлиб, шхунага тез етиб олмоқда эди. Генри билан Френсис қаддиларини ростлаб, «уч» дейи-лиши билан қўлларига арқонни сувга ирғитишди. Пиво яшиги ва керосин бидони, шишалар, банкалар боғ-ланган арқонни тортиб денгизга тушиб кетди.

Генри билан Френсис ўз ишларига берилиб кети б, кўпикланаётган сувда ўзлари қўйган қопкон қандай тор-тилаётганини томоша қилиб туришарди. «Долорес»дан бир варакайга отилган ўқлар уларни палубага ётишга мажбур қилди, улар бошларини кўтариб қарашганда, шатакчи кема қопконни ўз остига олиб кириб кетган эди. Бир минутдан кейин унинг тезлиги пасайиб, тўхтаб қолганини кўришди.

— Шатакчининг паррагини ўраб ташладик!—Френсис чапак чалиб юборди.— Яша, Генри!

— Энди шамол тўхтамасаёқ бўлгани ишқилиб...— деди Генри камтарлик билан.

«Анжелика» тўхтаб турган шатакчи кемани орқада қолдириб нари сузиб кетди; шатакчи кема тобора кич-райиб борарди, шунга қарамай шхунада туриб, унинг қумга ўтириб қолганини, одамларнинг пастга сакраб, сув кечиб кирғоққа жўнашганини кўришди.

— Қел, қўшиғимизни куйлаймиз!— деди Генри хурсанд бўлиб ва хиргойи қила кетди:

Ёнма-ёнмиз мачта ёнида...

— Буёғи жуда яхши бўлди, сэр,— Морганлар биринчи қўшиқнинг биринчи бандини айтиб бўлишлари билан капитан Трефэзен уларни тўхтатди, бунгача кўзлари порлаган капитан куй оҳангига мослаб елкасини учи-риб турган эди.—Лекин шамол пасайди, сэр. Биз яна штилга тушдик. Хучитан кўрфазидан қандай чиқамиз? «Долорес» ҳеч қандай лат егани йўқ. Биз уни бир оз тўхтатдик, холос. Бирорта негр сувга тушиб, парракни тозалайди. Шундан кейин бизни дарров қувиб етишади.

— Лекин бу ердан сохил узок эмас,—деди Генри, масофани мўлжаллаб кўриб ва Энрико томонга ўгири-либ> ундан сўради:— Сеньор Солано, бу ерда сохил қан-



дай? Ким яшайди бу ерда: Майя қабиласи хиндилари-ми ёки плантаторларми?

— Плантаторлар ҳам, хиндилар ҳам бор,— деб жавоб қилди Энрико.— Мен бу ерларни яхши биламан. Агар шхунада қолиш хавфли бўлса, менимча сохилда хавфсизроқ. У ерда от, эгар-жабдуқ, гўшт ва нон топишимиз мумкин. Кордильер тоғи узок эмас. Бизга бундан бошқа нима керак?

— Леонсия-чи?— ташвишланиб сўради Френсис.

— У туғма чавандоз, от минишда ҳар қандай амери-каликни орқада қолдириб кетади,— деб жавоб берди Энрико.— Сизга маслаҳатим шуки, агар рози бўлсангиз, албатта, «Долорес» яқинлаша бошлаши биланоқ катта қайиқни сувга туширамиз.

### САККИЗИКЧИ БОБ

— Ҳаммаси жойида, шкипер, ҳаммаси жойида,— деб Генри кирғоқда, ёнларида турган метис капитанни ишон-тирарди. Капитан улар билан хайрлашиб, Хучитан қўл-тиғида оқим ихтиёрида сузиб юрган «Анжелика»га қай-тишга ботина олмаётгандек эди.

— Бу денгизчилар тили билан айтганда, йўлдан чет-га оғиш,— деб тушунтирди Френсис.— «Оғиш» ёқимли сўз. Белгиланган режага мувофиқ оғиб кетсак янада ёқимлироқ бўларди у.

— Агар уддасидан чиқа олмасак,— деб эътироз бил-дирди капитан Трефэзен,— у холда бошқача, бугунлай ёқимсиз сўз — «фалокат» деган сўз билан кфодаланади.

— «Долорес»нинг винтини ўраб ташлаганимизда у худди шундай бўлди,— Генри қулиб юборди.— Лекин биз фалокат нималигини билмаймиз. Биз уни бошқача, «йўлдан четга оғиш» деб атаймиз. Ишимизнинг муваф-фақиятли бўлишига далил сифатида сеньор Соланонинг икки ўғлини ёнингизда қолдирамиз. Альварадо билан Мартинес фарватерни беш панжаларидек билишади. Шамол қулай томондан эсгач, улар сизни бу ердан чи-қариб қўйишади. Полиция бошлиғи сизни қувлаётгани йўқ-ку. У бизни таъқиб қияпти. Биз тоққа қараб юри-шимиз биланоқ отряди билан изимизга тушади.

— Нахотки тушунмасанг?— деб аралашди Френсис.— «Анжелика» тузоққа тушиб қолди. Биз кемада қолсак, шеф бизни ҳам, «Анжелика»ни ҳам қўлга олади.





Шу сабабли йўлдан четга оғиб, тоққа жўнашга қарор қилдик. Улар бизни қувишади, бундан фойдаланиб «Ан-желика» кўздан ғойиб бўлади. Бизни эса тута олмай-дилар.

— Шхунамдан ажралиб қолсам-чи?— қора танли шкипер бўш келмади.— Агар у қояга урилса, кемадан ажраб қоламан. Бу ердан утиш жуда хавфли, ахир!

— У ҳолда кема қимматини тўлашади, боядан буён қулоғингга жом чаляпманми!—деди Френсис яна жаҳли чиқиб.

— Бошқа чиқимларим-чи?..'

Френсис қоғоз ва қалам олиб, бир неча сўз ёзди ва капитанга узатди.

— Бокас-дель-Торога бориб сеньор Мельхиор Гонзалеснинг қўлига берасан,— деди у. — Ундан минг доллар оласан. Бу банкир м-енинг агентим — у сен билан ҳисоб-китоб қилади.

Капитан Грегфэзен қоғозга ишонқирамай қаради.

— Қўрқма, сенга тўлаш учун унинг пули етарли,— деб ишонтирди-Генри.

— Албатта, сёр, мистер Френсис Морганнинг машҳур ва бадавлат жентльменлигини биламан, сёр. Лекин унинг бойлиги қанча? Балки унинг бутун бойлиги менинг қамтарона давлатимча келмас? Мана бу «Анжелика» меники, мен ҳеч кимдан бир песо ҳам қарздор эмасман. Колонда қуриб битказилмаган иккита ҳовлим бор, яна Белен портида тўртта, «Юнайтед фрут компани» у ерда ўз омборларини кура бошлагач,- роса бойиб кетаман...

— Френсис, қани айт-чи, дадангдан сенга қанча ме-рос қолган?— Генри метиснинг жиғига тегиш учун атай-лаб сўради.— Лўндасини айтиб қўяқол.

Френсис елкасини қисиб, мужмал жавоб берди:

— Қўл-оёғимдаги бармоқларимдан кўпроқ.

— Шунча долларми, сэр?—деб сўради капитан.

Генри бош чайқади.


— Мингми, сэр?

Генри яна бош чайқади.

— Миллионми, сэр?

» — Энди топдинг,— деди Генри.— Жаноб Френсис Морган шунчалик бойки, канални ҳисобга олмаса, бутун Панама, республикасини сотиб олишга қурби етади.

Метис капитан ишонқирамай, Энрико Соланога қаради.



— Жаноб Морган энг ҳурматли жентльмен,— деб тасдиқлади у.— Буни мен яхши биламан. Уни жаноб Мельхиор Гонзалесга ёзган хатини олиб бориб, Бокас-дель-Торода минг песо олдим. Бу пуллар хув ана, халгачада турибди.

У ишора қилиб, юклар устида ўтирганча эрмак учун винчестерни ўқлаётган Леонсия томонга ишора қилди. Капитаннинг аллақачон кўзи тушган халта Леонсиянинг оёғи остида ётарди.

— Пулсиз сафар қилишга ҳеч тобим йўқ,— деб ту-шунтирди Френсис шерикларига.— Қачон пул керак бўлиб қолишини олдиндан билиб бўлмайди. Бир кунн машинам Нью-Йорк яқинида Смит-Ривер-Корнерсда бу-зилиб қолди. Ёнимда чек дафтарчасидан бошқа нарса йўқ, биласизми, ўшанда шаҳарда сигарет ҳам олол-мадим.


— Бир куни Барбадосда учар балиқ овлаш учун ке-мамни ижарага олган оқ танли жентльменнинг гапига ишонган эдим,— деб бошлади капитан, лекин Генри унинг гапини бўлди:

— Хўп, капитан, хайр. Яхшиси кемага чик, биз ҳозир йўлга тушамиз.

Энрико бошчилигидаги кичик отряд тоққа йўл олди, капитан Грегфэзеннинг бўйсунидан бошқа чораси қол-мади. У қайикни сувга туширишда матросларга ёрдам-лашди, ўзи ҳам қайикқа чиқиб, рулни ушлади-да, «Анжелика» томон сузишни буюрди. Йўловчилар юкларини орқалаб, қалин ўрмонга кириб ғойиб бўлгунларича тез-тез орқасига қараб-қараб борди.

Кўп ўтмай йўловчилар ялангликка етиб келишди. Бу ерда пеонлар тўда-тўда бўлиб шу чоққача қўл тегмаган тропик дарахтларини кесишар, тўнкаларни кўчиришар — каучук дарахти экиш учун жой тайерлашарди. Уша пайтда автомобиль машиналари учун жуда кўп каучук керак эди. Леонсия отряднинг олдида, дадаси билан ён-ма-ён борарди. Юк кўтариб олган акалари Рикардо билан Алесандро орқасидан келишарди. Френсис билан Генри ҳам юк кўтариб олган, улар энг орқада бори-шарди.

Афтидан испан'бойларига ўхшаган новча, озгин, кек-салигига қарамай от устида ғоз ўтирган чол йўловчи-



ларни кўриб. ағдарилган дараклар-у тўнка чуқурларига қарамай тўғри улар томон от солди.

У Энрикони таниб, отдан сакраб тушди, сомбреросини олиб Леонсияга таъзим қилди, Энрико билан эса эски кадронлардай қўл қисишиб кўришди. Унинг салом-алигдда, қарашларида Леонсиянинг хуснига қойил қолгани сезилиб турарди.

Сухбат испанча, пулемёт тезлигида бошланди, ўша замонидан билан ёрдам қилиш илтимоси айрилди ва лут-фан розилик билдирилди; кейин иккала Морган таниш-тирилди. Латин Америкасидаги одатга кўра плантатор ўша заҳоти отининг тизгинини Леонсияга тугқазди, узангини ўзи қисқартиб, қизни отга миндириб қўйди. Вабо плантациядаги ҳамма салт отларни қириб ташла-ганини тушунтириб, бош назоратчининг минишга ярқ-ли бир неча оти борлигини, уларни олиб келишлари биланок Энрико ихтиёрига берилишини айтди.


У Генри ва Френсис билан самимий, шу билан бирга ўз кадрини билган одамлардек кўришди, сўнгра дўстим-нинг дўстлари менинг ҳам дўстим деган маънода икки минутча баландпарвоз гап қилди.

Энрико плантатордан Кордильер тоғи йўллари сўради ва нефтни тилга олди. Френсис дарҳол қулоғини динг қилди.

— Сеньор, сиз Панамада нефть топилди, демокчимиз-сиз?—дея. га. пга қўшилди у.

— Албатта, ^— плантатор бош ирғаб гапини тасдиқ-лади.— Бу ерда нефть фонтанлари борлигини аждодла-римиз ҳам билишарди, Фақат «Эрмосильо» компанияси-гина чинакам иш бошлади: гринго инженерларини ху-фиёна юборди, қидирув олиб бориб, ерларни сотиб ола бошлади. Айтишларича, у ер катта бир нефть майдони эмиш. Мен ўзим нефть нималигини яхши билмайман. Шуни биламанки, улар озмунча қудуқ қазишяпти, ҳозир ҳам қазишяпти, нефть шунақа кўпки, атрофни босиб кетяпти. Шунақа босим билан чиқаётганмишки, ер ости-да сақлаб қолишнинг иложи йўқ эмиш. Нефтни океанга олиб бориш учун нефтепровод керак, уни кура бошлади-лар. Ҳозирча эса нефть пастликларга оқиб ётибди, бу чакана зарар эмас.

— Нефть омборларини қуриб бўлишганми?—деб сўради Френсис, ўзи эса ҳаяжон билан «Тэмпи́ко петро-леум»ни хотирлади. Бу корхона унинг бойлигининг асо-



сий қисмини ташкил этган бўлиб, Нью-йоркдан кетаёт-ганда биржада «Тэмпи́ко» акцияси кескин кўтарилган эди. Ушандан буён корхона ҳақида ҳеч нарса эшитгани йўқ.

Плантатор бош чайқади.

— Ҳамма гап транспортда,— деб тушунтирди у.— Денгиз сохилидан конгача ҳачирда юк ташиш имконияти йўқ. Аммо бу соҳада кўп иш қилиб қўйишди. Улар тоғ чуқурликларида тупроқ тўғон қилиб нефть омборлари, катта нефть қўллари барпо этишди, бари бир оқимни тўхтата олмаётирлар, қимматбаҳо суюқлик пастга оқиб кетяпти.

— Бу омборларнинг усти беркитилганми?— деб қизикди Френсис, «Тэмпи́ко петролеум»нинг дастлабки кунларида ёнғин катта талафот келтирганини эслар экан.

— йўқ, жаноб.

Френсис афсуслангандек бош чайқади.

— Уларни устини албатта ёпиш керак. Бирорта маст ёки қасоскор пеон гугурт ташлаб юборса— ҳаммаси ёниб кетади. Ишни яхши йўлга қўйишмапти. Жуда ёмон!

— Ахир мен «Эрмосильо»нинг эгаси эмасман-ку!— эътироз билдирди плантатор.

— Албатта, мен сизни эмас, балки «Эрмосильо» компаниясини кўзда тутяпман,— изох берди Френсис.— Мен ўзим маблағимни нефтьга сарфлаганман. Бундай тасодиф ёки жиноятдан юз минглаб зарар кўрдим. Қандай юз беришини ҳеч ким аниқ билмайди, лекин ёнғин чиқиб туришини ҳеч ким инкор этолмайди.

Нефть омборларини нодон ва ёвуз ниятли пеонлардан ҳимоя қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Френсиснинг яна нималар демокчилиги номаълум қола-верди, чунки шу пайт уларнинг олдига қўлига хивич уш-лаган плантация бош назоратчиси келганди. У янги келганларни қизикиш билан кузатар, шу билан бирга яқин жойда ишлаётган пеонлар отрядини ҳушёрлик билан кузатиб турарди.

— Сеньор Рамирес, марҳамат қилиб отдан тушсангиз,— плантатор-хўжайин унга ширинсуханлик билан мурожаат қилди, у отдан тушиши биланок мекмонларни таништирди.

— Мана шу от сизга, дўстим Энрико,— дедилланта-тор. — Агар ўлиб-нетиб қолса, марҳамат, пайти келган-



да эгар-жабдуғини менга бериб юборинг. Иложи бўлма-са, саломдан бошқа бирор нарса юбориш зарурлигини унутинг. Афсуски, ҳамроҳларингиз билан уйимга таклиф этсам, кўнмайсиз. Аммо шеф конхўр хайвон, бунисини биламан. Уни чалғитишга ҳаракат қиламиз.

Леонсия билан Энрико отга мингач в а. юклар қайиш-лар билан отга боғлангач, йўлга тушишди; Алесандро билан Рикардо отаси минган от эгари узангисини ушлаб чопиб боришарди. Шундай қилса югуриш осонроқ. Френ-сис билан Генри ҳам улардан ўрнак олиб, Леонсия эга-рининг узангисидан ушлашди, кумуш доллар тўла хал-тачани эса эгар қошига осиб кўйишди.

— Бирор англашилмовчилик юз берганга ўхшайди,— деди плантатор назоратчисига.— Энрико Солано олижа-ноб одам. Унинг ишлари ҳам олижаноб. У бирор кишига кафил бўлса—демак, у ҳам олижаноб одам. Шунга қарамай Мариано Веркара-и-Ихое уларни таъкиб қилиб келяпти. Агар у бу ерга келса, биз уларни чалғитиб юборамиз. .-2-

— Ана, келишди!— Назоратчи хитоб қилди.— Улар хали от топишолмапт'и.

Шундай деб у ҳеч нарса бўлмагандек сўкиниб, бу-лар куни билан ярим ишни ҳам қилишмайди деб пеон-ларга ташланди.

Плантатор кўз қири билан тез яқинлашиб келаётган Альварес Торрес бошлиқ тўдани кузатиб турар, ўзини уларни кўрмаганга олиб, пеонлар атрофида тер тўкаёт-ган тўнкани қандай қилиб тезроқ кўчириш тўғрисида назоратчи билан маслаҳатлашар эди.

Плантатор Торреснинг саломига эҳтиром билан жа-воб қайтарди ва киноя билан, отрядини қаёққа бошлаб кетаётганини, мабодо нефть қидиришга эмасми, деб сў-ради.

— йўк, сеньор,— Торрес жавоб қилди.— Биз сеньор Энрико Соланони, унинг қизини, ўғилларини ва улар билан бирга саёҳат қилиб юрган икки новча грингони қидиряпмиз. Ростини айтганда, бизга гринголарнинг ўзи керак. Улар бу ердан ўтишмадимми, сеньор?

— Ҳа, ўтишди. Улар шунчалик шошилишдики, хур-мат юзасидан бир оз дам олишга ҳам кўнишмади, қаёқ-қа кетишаётганини ҳам айтишмади — мен уларни ҳам нефть васвасаси тутибди, деб ўйлабман, Наҳотки улар бирор гуноҳ қилишган бўлса? Эҳ, нега сўраб-суришти-



риб ўтирибман. Сеньор Энрико Солано ғоят олижаноб одам...

— Қаёққа қараб кетишди? —деб сўради хансираб қолган полиция бошлиғи, энди етиб келиб жандармлар орасини ёриб ўтар экан.

Плантатор билан унинг назоратчиси вақтдан ютиш учун ноаниқ жавоб беришди, сўнгра бутунлай қарама-қарши томонни кўрсатишди. Бироқ Торрес бир пеоннинг белкуракка таяниб кулоқ солиб турганини кўриб қолди. Алданган полиция бошлиғи чалқаш йўлдан юришга фар-мойиш бераётганида Торрес кеч кимга билдирмай, пеон-га кумуш долларни кўрсатди. У эса имо қилиб, отлик-лар қаёққа кетганини кўрсатди ва тангани сездирмай илиб олди-да, катта илдизни казийверди.

Торрес ўша замони шефнинг буйруғини бекор қилди.

— Биз у ёққа бормаймиз,— деди у полиция бошли-ғига кўз қисиб.— Битта қушча менга ҳурматли дўстимиз адашаётганини, улар бошқа йўлдан кетишганини айтди.

Жандармлар отряди шундан сўнг тўғри изга тушди, плантатор билан назоратчининг тарвузи қўлтиғидан тушиб, ажабланиб, бир-бирига қараганча қолаверишди. Назоратчи лабини қимтиб, хўжайинига «сиз жим ту-ринг» деди-да, дарахт кесувчиларга кўз югуртирди. Сот-кин пеон бошини кўтармай жон-жаҳди билан ишларди, лекин ёнидаги пеон бошини билинар-билинемас қимирла-тиб назоратчига уни ишора қилиб кўрсатди.

— Мана ўша кичкина қушча!—деб хитоб қилди назоратчи ва соткиннинг олдига келиб, елкасидан сил-тай бошлади. Пеоннинг жулдур кийими орасидан кумуш доллар тушди.

— Ух-ў,— деди плантатор, воқеани тушуниб,— бу бой бўлиб кетганга ўхшайди. Қандай даҳшат, менинг пеоним бадавлат бўлиб кетибди. Демак у кимнидир ул-дирган ва тунаган. Бўйнига олмагунча калтаклансин.

Вечора пеон нозирнинг калтаги остида тиз чўкиб ўти-рар экан, ўша долларни қандай қилиб ишлаб олганини тан олди.

— Уринглар уни, аямай калтакланглар. Энг яхши дўстларимга коинлик қилгани учун уриб ўлдириб юбор-сангизлар ҳам майли,— деди плантатор бепарволик би лан.— Айтмоқчи, тўхтанглар. Уринглар-у, лекин ўлиб қолмасин. Ҳозир ишчи кучи кам, шунинг учун адолатли ғазабимизни тийишимиз керак. Шундай урингларки, бир



умр эсдан чикмайдиган бўлсин, лекин икки кундан СУНГ  
ишга чиқа олсин. \* Луи

Шу воқеадан сўнг пеоннинг не-не кулфатларни бо шидан кечиргани ҳақида бутун бир китоб ёзса була™ Лекин одамни уласи қилиб ураётганликларини куришся бу ҳақда езишнинг кўнгилли жойи йўқ. Фақат шуни ай-тиб утаилик: пеон ўзи учун аталган калтакнинг бив қисмини олгандан кейин бирдан сакраб ўрнидан тур чи да, жулдур кийимнинг бир қисмини нозирнинг қўлида қолдириб, девона каби ўзини ўрмонга урди. Отлиқ юриб урганиб қолган нозирнинг уни қувиб етишига йул бўлсин!

Оғрик азобидан ва нозирнинг таъкибидан кўрққан пеон шунчалик тез югурардики, Солано билан унинг ҳамроҳлари кичик ариқдан кечиб ўтишаётганида уларга етиб олди. Уларни кўриб пеон тиз чуқди-да, уларга хоинлик қилгани учун кечирим сўраб раҳм-шафқат тилади, Лекин улар буни билмасди. Френсис пеоннинг ночор ах-волини куриб тўхтади. Ароқ шишасининг металл коп-қоғини бураб очиб, бечорага куч бўлсин деб ичидагининг ярмини унинг оғзига қуйди; сўнг ҳамроҳларига егиб олишга шошилди. Вечора пеон эса ўзича гўлдираб мин-натдорчилик билдириб, халоскор ўрмон ичкарасига лекин бошқа томонга шўнғиди. Аммо очлик ва қаттиқ мех-натдан шу қадар мажолсиз эдики, ўша заҳоти бёқлари чалишиб, куюк дарахт соясига йиқилди

Тез орада таъкибчилар ариқ ёқасига етиб келишди Альварес Торрес този сингари олдинда, унинг оркасида жандармлар, полиция бошлиғи эса энгорқада ҳансираб келарди. Ариқ енидаги курук тошлар устидаги яланг оёқ пеоннинг ҳул излари Торреснинг эътиборини ўзига тортди. Бир минут ўтмаёқ пеонни топиб, қолган-қутган жулдурига епишиб, уни панадан судраб чиқишди Уша куни тиз чўкавериб шилинган тиззасига таяниб пеон яна раҳм-шафқат қилишни илтижо этди, лекин у жиддий суроқ қилинди. У Солано отрядини кўрмаганлигини айтди. Пеон уларга сотқинлик қилиб, бунинг эвазига кал-так еди; у хоинлик қилган кишилар эса пеонга ёрдам курсатишди, шунинг учун унда миннатдорчилик ва ях-шилик қилишга ўхшаш туйғу уйғонди: у кумуш доллар-гасотган майдондан жўнаб кетганларидан буён Сола-нони курмаганини айтди. Пеоннинг бошига энди Торрес нинг калтаги туша бошлади, беш, ўн таёқ - ҳақиқати

айтмаса бу азобнинг охири йўқдек эди. Пеон эса айтар-и бешиқдалик давриданок бошига туша бошлаган кал-таклардан продаси буқилган бир бечора, ожиз эди, бу-нинг устига ўлгунча уриш билан дўқ қилган (пеоннинг хўжайини плантатор ҳам бундай қилишга рози бўлмз-ган эди) Торреснинг зарби шундай кучли эдики, пеон таслим бўлиб, таъкибчиларга каёқка қараб юришни кўр-сатиб берди.

Лекин бу ўша куни пеоннинг бошига тушадиган кул-фатларнинг бошланиши эди. У тиз чўкиб Соланога нис-батан иккинчи марта хоинлик қилишга улгурмаёқ терга ботган отларда унинг хўжайини, ва у билан бир неча кўшниси, нозирлар дарахтлар орасидан чиқиб келишди.

— Бу менинг пеоним, сеньорлар,— деди қочоқни тез-рок тутишга шошилган плантатор.— Сизлар уни нега қийнапсизлар?

— Нега қийнамас эканмиз!— деди полиция бошлиғи.

— Чунки у меники, уни уришга фақат мен ҳақлиман.

Пеон илондай эшилиб, полиция бошлиғининг олдига эмақлаб келди ва хўжайинга топширмасликни илтижо қила бошлади. Аммо у ачиниш нималигини билмайдиган одамдан шафқат сўрарди.

— Шундай, сеньор,— деди полиция бошлиғи планта-торга.— Марҳамат, қайтариб олаверинг. Биз қонунга амал қилишимиз керак — бу одам эса сизнинг шахсий мулкингиз. Бунинг устига энди бизга кераги йўқ. Лекин бу, сеньор, ажойиб пеон. У Панама тарихида ҳеч бир кимса қилмаган ишни қилди: бир кун ичида икки марта ҳақиқатни айтди.

Пеоннинг қўлини олдига қилиб боғлаб, арқоннинг учини нозирнинг оти эгарига боғлашди-да, орқага суд-раб кетишди, энди у пешанасига битилган энг даҳшатли калтак ҳали олдинда эканига амин эди. Бундай ўйлаб у хато қилмаганди. Плантацияга қайтиб келишгач, уни сим тиканли тўсиқ устунига ҳайвонни боғлагандек боғлаб қўйишди, хўжайин эса қочоқни тутишда ёрдамлаш-ган дўстлари билан бирга асьендага овқатлангани жў-нади. Пеон ўзини нималар кутаётганини яхши биларди. Қўтонни, ўраб қўйилган тиканли симни ва яқин орада юрган чўлоқ қирчангини кўриб пеоннинг миясига бир фикр келди. Қўлларига тикан ботиб қаттиқ оғриганига қарамай арқонни ўткир симга ишқаб узди ва энди менга маъмурлардан бошқа ҳеч кимса хавфли эмас, деб ўйлаб,





сим девор остидан эмаклар ўтди, чўлок кирчанғини дар-возадан олиб чиқди, унга сакраб миниб, биқинига то-вони билан тепиб, халоскор Кордильер тоғи томон йўрт-тириб кетди.

## ТЎҚКИЗИНЧИ БОБ

Бу вақтда таъқибчилар Солано отрядига етиб қола-ёзган эдилар, Генри Френсиснинг жиғига тега бошлади:

— Бу ерда, ўрмонда доллар ҳеч нарсага арзимади. Пулга от сотиб олиб бўлмайди, ҳатто мана буларни ҳам даволата олмайсан, буларга ҳам ўлат текканга ўхшай-ди, плантаторнинг бошқа отлари ўлиб кетган-ку.

— Мен ҳали пул ожизлик қиладиган жойни курган эмасман,— Френсис эътироз билдирди.

— Сенинча, пул бўлса дўзахда ҳам ташналикин қондириш мумкин,— деди Генри.

Леонсия чапак чалиб юборди.

— Билмадим,— деб жавоб қилди Френсис,— дўзахга бориб кўрганим йўқ. m


Леонсия яна қарсак чалди.

— Ҳар ҳолда, долларим шу ўрмонда ҳам керак бўлиб қолар деб ўйлайман. Мен ҳатто ҳозироқ бахтимни синаб кўрмоқчиман,— деб давом этди Френсис, эгар қо-шидан пул солинган халтани ечиб олаётди.— Сизлар ке-таверинглар.

— Нима қилмоқчи бўлганингизни ҳеч бўлмаса менга айтарсиз!—деб талаб қилди Леонсия. У Френсис томон-га энгашиди, Френсис эса унинг қулоғига нималарнидир шивирлади; қиз кулб юборди, Энрико ва унинг ўғил-лари билан суҳбатлашаётган Генри кизнинг кулгисини эшитиб, ичида ўзини рапгкчи аҳмоқ деб атади.

Дарахтлар Френсисни яширишга улгурмай туриб, у ён дафтарчасини ва қалам олиб, нималарнидир ёзаёт-ганини кўришди. У ёзган нарса қисқа, лекин аниқ ва равшан —«50» радами эди. Френсис варақни йиртиб олиб, сўқмоқнинг ўртасига, битта кумуш долларни ус-тидан бостириб қўйди. Халтадан қирқ тўққиз доллар са-наб олиб, хат атрофига сочиб юборди ва хамроҳларига етиб олишга шошилди.

Хушёрлигида оғзини очмайдиган, ичиб олганда эса-жим бўлиш — олтин билан тенг деб исботлаш учун вай-сашга тушиб кетадиган Аугустино деган жандарм гўё



хайвон изини искаб келаётгандек бошини эгиб, атрофга олазarak бўлиб борарди. У бирдан бир варақ қоғоз ва устидаги кумуш долларни кўриб қолди. У долларни ўзи олиб, ёзувни полиция бошлиғига узатди. Торрес шеф-нинг елкаси оша бўйинини чўзиб қараб, сирли «50» рақа-мини курди. Полиция бошлиғи ҳеч қизиқарли нарса кўрмай, қоғозни ерга ташлади-ю, йўлга тушмоқчи бўлди. Лекин Аугустино қоғозни олиб: «50» рақами нима бўлди экан-а деб ўйлай кетди. У ўйга ботиб турганда Рафаэл-нинг қувончли хитоби эшитилди. Уша заҳоти Аугустино нима гаплигини тушунди: демак, Рафаэль яна бир долларни топибди; яхшилаб қидирс'а шу ердан бунақа тан-гадан элликта топиши мумкин. У қоғозни отиб юбориб, дарров эмаклар, қидира кетди. Қолган жандармлар ҳам унга қўшилишди. Отряднинг олға юришини талаб қилиб, лаънатлар ёғдираётган Торрес ва полиция бошлиғига бу ғала-ғовур, ур-сурда ҳеч ким эътибор бермасди.


Ҳеч ким бошқа тайга тополмаётгани маълум бўлгач, жандармлар қанча пул топганликларини санаб кўрмоқчи бўлишди. Қирқ етгитаси топилган экан.

— Шу ўртада яна уч доллар бўлиши керак!—деб хитоб қилди Рафаэль, шу замон ҳамма яна қидиришга тушиб кетди. Етмаётгани учта бир долларлик танга то-пилгунча орадан яна беш минут ўтиб кетди. Ҳар ким ўзи топган пулни чўнтагига урди ва ҳаммалари Торрес би-лан бошлиқ орқасидан итоаткорона йўлга тушишди.

Улар бир милча йўл юришгач, Торрес йўлда ётган ялтироқ долларни кўриб қолиб, уни босиб тупроққа қо-риб юбормоқчи бўлди. Лекин мушукдек ўткир кўзли Аугустино бунга кўриб қолиб, юмшоқ,-нам тупроқ ораси-дан пулни чиқариб олди. Энди унинг ўртоқлари қаерда бир доллар ётган бўлса, у ерда яна бўлишини ўз тажри-баларидан билар эдилар. Отряд тўхтаб қолди. Бошлиқ-ларнинг дўқ-пўписа қилишларига, ялиниб-ёлворишларига парво қилмай, жандармлар ўрмонга тарқалиб, сўқмоқ-нинг ўнгу сўлини титкилай кетдилар.

Майя ёки панамалик метисдан кўра кўпроқ мексика-лик хиндига ўхшайдиган товоқ юз Висенте биринчи бўлиб пул топди, қолган жандармлар итлар дарахтга қо" чиб чиққан олмахонни ўрагандек, уни қуршаб олишда. Висенте дарахт ёнида тургани учун бу ўхшашлик ҳад-дан зиёд эди. Дарахтнинг учи йўқ, чириган, йўғонлиги тахминан тўрт қулочча келарди. Уртасида ковак бўлиб.





устига олдин топишган қоғозга ўхшаш бир варақ қоғоз тнкан билан қадаб кўйилган, унга эса 100 рақама ёзил-"га'в эди.

Муштлашиш бошланиб, бир неча минут давом этди. Жандармлар дарахтга биринчи бўлиб чиқиб, ковакдаги пулни олишга интилишарди. Лекин ковак чуқур бўлиб. одамнинг кўли етмасди.

— Келинлар, дарахтни кесамиз,— деди Рафаэль ко вак қаерда тугашини билиш учун мачетесининг орқаси билан уриб кўраётди.— Дарахтни ҳаммамиз бир бўлиб қулатамиз, ичидаги пул қанчалигини санаб, тенг бўли- щиб оламиз.

Буни эшитиб бошлиқларнинг жони чиқиб кетди, шеф эса, Сан-Антониога боришларинг билан ҳаммангнинг йўштингни итларга ем қиламан, деб дўқ урди.

— Аммо биз, худога шукурки, ҳали Сан-Антониога қайтганимизча йўқ,— соғломлигида оғзига босилган мухрнй бузиб, Аугустино навбатдаги ақлли гапни айтди,


— Биз қашшоқ одамлармиз,— деди Рафаэль — тенг бўлишиб оламиз. Аугустино тўғри айтди: худога шукур, биз ҳозир Сан-Антониода эмасмиз. Бу б.адавлатгринго бир кунда сочиб юборган пулини биз бир йил хизмат қилиб ҳам тополмаймиз. Масалан, мен ҳамманинг пули куп бўлиши учун революция тарафдориман.

— Революцияга бой гринго раҳбар бўлса,— деб кў-шимча қилди Аугустино.— У бундан кейин ҳам бизни кумуш сочилган йўлдан бошласа, бир умр унинг орқаси-дан боришга тайёрман.

— Мен ҳам,— деб тасдиқлади Рафаэль,— агар ана-внлар,— у боши билан Торрес ва полиция бошлиғи то-монга ишора қилди,— худо ўз марҳамати билан бизга юборган пулларни териб олишимизга қаршилик қили-шадиган бўлса, жаҳаннамга кетаверишсин. Биз одам-миз, қул эмасмиз. Дуне бепоён. Олдимизда Қордильер тоғи турибди. Биз тоғда яшаймиз, ҳаммамиз бадавлат, эркин бўламиз. У ердаги ҳинди қизларнинг жононлиги-ни айтмайсизми!..

— Баҳонада хотинларимиздан ҳам кутуламиз, Сан-Антониода қолишаверсин!—деди Висенте.— Келинлар, қимматбаҳо дарахтни кесинглар.

Чириган, ғовак дарахт мачете зарбидан уқаланиб кетаверди. Дарахт қулагач, жандармлар юз эмас, балки бир юз қирқ етти кумуш долларни тенг бўлиб олишди.



— Бу гринго сахий йигит экан,— деб қақиллади Ви- сенте.— Ваъда қилганидан ҳам кўпроқ ташлаб кетибди. Балки яна бордир?

Пўкак ва пайрахалар орасидан яна бешта танга то-пишди, бунинг учун роса ўн минут вақт кетди. Торрес билан полиция бошлиғи уларни кутавериб жиғибийрон бўлиб кетишди.

— Бойлигини қаранг, санашга ҳам эринипти-я,— деди Рафаэль.— Халтасини ечиб, санамай тўкиб кетаёт- ганга ўхшайди. Бу турмамизни портлатиб, Сан-Антонио- дан олиб қочган ўша халта бўлса керак.

Таъқиб этиш яна бошланди. Улар то чангалзор бос-тириб кирган ташландиқ плантацияга етиб келгунларича ярим соат тўхтамай юришди. Томига сомон ёпилган ярим вайрона уй, кийшайиб кетган ишчилар кулбаси, устунлари томир чиқариб, барг ёзиб юборганга ўхшай-диган молхона, ниҳоят, чамаси яқиндагина сув олинган (ёғоч пақирга яп-янги қўлбола аркон боғланган эди) қудуқ — буларнинг ҳаммаси инсон ваҳший табиатни бўйсундира олмай чекинганидан далолат берарди. Қу- дук чиғирик ўқиға, кўринарли жойга таниш қоғоз ёпиш-тирилган бўлиб, унга «300» рақама ёзилган эди.

— Ё биби Марям! Ахир бу бутун бир хазина-ку,—• деб юборди Рафаэль.

— Илоҳим абадил абад дўзах ўтида коврилсин!— деб Торрес кўшимча қилди.

— У сизнинг Риган жанобингиздан кўра кўпроқ тў-ляапти,— тоқати тоқ бўлган полиция бошлиғи киноя қилди.

— Унинг кумуш солинган халтаси унча катта эмас,— деди Торрес.— Халтанинг эгасини қўлга туширишдан олдин ундаги бойликни териб оладиганга ўхшаймиз. Ҳаммасини териб олиб, халтача бўшаганда ўзини қўлга туширамиз.

— Юринглар, дўстлар,— полиция бошлиғи тилёгла-малик қила бошлади.— Бу ерга кейин қайтиб келиб, бўш вақтимизда кумуш пулларни териб оламиз.

Шу пайт Аугустино лабидаги жимлик мухрини яна бузди.

— Қайси йўлдан қайтишини, умуман қайтадим, йўқ- ми — буни ҳеч ким билмайди,— деди у ғамгинлик билан; сўнг ўз оғзидан чиққан бу доно гапдан ўзи рук- ланиб кетиб, дунёга яна бир нақл совға қилмоқчи бўл-



ди:— Кўлингдаги уч юз кудук тубидаги уч миллиондан афзалроқ.

т~ Кудукка кимдир тушиши керак,— деди Рафаэль ва ўрма арконга осилиб курди.— Кўрдингларми, аркон пишиқ, бировни кудук тубига туширамиз. Қани, кудук-ца тушадиган мард борми?

— Мен,— Висенте олдинга чиқди.— Уша мард мен бўламан, мен тушаман...

— Ҳа, сен тушасан-у, у ердаги пулнинг ярмини ўғир-лайсан,— Рафаэль дарҳол кўнглига келгангапни овозини чиқариб айтди.— Сен тушадиган бўлсанг, олдин ҳамма пулингни менга бериб қўй. Қайтиб чиққанингдан кейин тинтиб кўриб, қанча топганингни билиб оламиз. Кейин ҳаммасини теппа-тенг бўлиб оламиз-у, ўз пулингни ҳам қайтариб берамиз.

— Унда менга ишонмайдиган одамларни деб кудукка тушмайман,— деди Висенте қайсарлик билан. — Ҳозир ҳаммаларингга ўхшаб мен ҳам бойман, шундай экан, нега мен-тушишим керак? Одамлар кудук тубида ўлиб колганини кўп эшитганман.

— Худо ҳайрингни берсин, тушақол!—деди полиция бошлиғи.— Тезроҳ! Тезроҳ!

— Жуда семизман, бу аркон мени кўтаролмайди, тушмайман,— деди Висенте.

Ҳамма доим жим юрадиган, бугун эса бир ҳафтали-гини гапириб қўйган Аугуетинога қаради.

— Гиллермо — энг озгин, энг енгил,— деди Аугустино.


— Гиллермо тушади,— деди ҳамма баравар.

Лекин Гиллермо қудуқ тубига хўрқа-писа қаради-да, бош чайқаб, чўхинганча орқасига тисарилди.

— Сирли Майя шахрининг муқаддас хазинаси бўл-саям тушмайман,— деб тўнғиллади у.

Полиция бошлиғи тўппончасини чиқариб, жандарм-ларнинг маъқуллашини кутгандек уларга савол назари билан қаради. Улар бош ирғаб ва кўз хирлари билан жавоб қилишди.

— Барча азиз авлиёлар ҳаққи, қудуққа туш!—деб дўқ килди у кичкина жандармга.— Тезроҳ кимирла, бўлмаса, шундай мукофот оласанки, ҳеч қачон тушиб чиқолмайдиган бўлиб коласан, шу лаънати қудуқ ёнида суякларинг чириб кетади... У бош тортса, отиб ўлдира-май, шундай қилганим тўғрими, йигитлар?



— Тўғри,— жандармлар маъқуллашди.

Шундай қилиб, Гиллермо олдин топган тангаларини КВЛП қалтираб санади, сўнг қўрқувдан юзлари қийшай-г'анча, чўкина-чўкина яқин келди, ёғоч пакирга ўтириб, оёқлари билан қисиб олди, жандармлар уни пастга, зимистон қудуқ тубига шошилишча тушира бошладилар,

— Тўхтанглар!—қудуқ тубидан унинг овози эшитил-ди.— Тўхтанглар! Сув! Мен сувга тушдим!

Жандармлар чиғир ўқиға осилиб, уни тўхтатишди\*

— Мен ўз ҳақимдан ташқари яна ўн песо талаб қи-ламан,— яна Гиллермонинг овози келди.

— Тўхтаб тур, сенга ўн песони кўрсатиб қўямиз!—: деб қичқирди кимдир.

Ҳамма баравар чуғурлай кетди:

— Бугун тўйиб сув ичасан!

— Ҳозир арконни қўйиб юборамиз!

— Кесиб ташлаймиз, вассалом!

— Пул тақсимланганда бир киши камроқ бўлади!

— Сув жуда сассиқ экан,— қудуқ тубидан шарпа овози каби яна Гиллермонинг овози келди.— Чала ўлик калтакесаклару ўлик куш ётипти, сассиғига чидаб бўл-майди. Балки илон ҳам бордир. Рост, ошиқча ўн песо бунақа иш учун арзимаган ҳақ.

— Ҳозир сени чўктириб юборамиз!—деб бақирди Рафаэль.

— Отиб ташлайман сени!— деб ўкирди полиция бош-лиғи.

— Отиб ташлайсизми ёки чўктириб юборасизми,—I қудуқдан Гиллермонинг овози келди,— бундан сизлар-га ҳеч қандай фойда йўқ: пул қудуқ тубида қолавера-ди-да!

Орага жимлик чўқди: юқоридагилар, энди нима қила-: миз, дегандек бир-бирларига қарашди.

— Гринголар от чоптириб кетишяпти,— Торрес ғаза-бини яширолмади. — Жаноб Мариано Веркара-и-Ихос» шу ҳам интизомми! Жандармларингизга гапингиз ўтга-ни шуми!

— Сизга бу ер Сан-Антонио эмас,— деб тўнғиллади полиция бошлиғи.— Бу ер Хучитан ўрмони. Менинг ку-чукларим Сан-Антониода садоқат билан хизмат қилади, бу ерда эса улар билан эҳтиёткорона шуомала қилиш ке-рак. Акс ҳолда қугуриб кетишади — унда аҳволимиз нима бўлади?



- Ҳаммасй шу лаънати олтиннинг дастидан,— ғам-гинлик билан деди Торрес, шаштидан қайтиб.— Бу ерда социалист бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас, қандайдир бир гринго олтин билан одил суднинг оғзи-қўлини боғ-лаб қўйса-я.

— Кумуш билан,— деб тўғрилади полиция бошлиғи.

— Ҳе, боринг-э!—деди Торрес.— Бу ер Хучитан ўр-мони, Сан-Антонио эмас деб жуда тўғри айтдингиз, бу ерда сизга бемалол қаттиқ гапиравераман. Сизнинг қи-зикқонлигингизга ким айбдор? Бор-йўғимиз бирга бўли-шимизга боғлиқ бўлиб турган пайтда, арзимаган нарсга-га жанжаллашиб ўтираемизми?

— Ҳой одамлар,— яна Гиллермонинг овози эшитил-ди.— Сувнинг чуқурлиғи бйр газча экан, холос. Демак, мени чўктира олмайсизлар. Ҳозир сув тубига етдим, қў-лимда тўртта дум-думалоқ кумуш песони ушлаб туриб-ман. Қудукнинг туби кумушга'тўлиб кетибди. Нима дей-сизлар, арқонни ташлаб юборасизларми? Ёки ифлос иш-ни бажарганим учун қўшимча ўн песо оламанми? Сув оғзи очилган гўрдек сасиб кетяпти.

— Ҳа! Ҳа!—деб бақирдишди жандармлар, қудук ичи-га энгашиб.

— Нима ҳа? Арқонни ташлаб юборасизларми ёки қўшимча ўн песо берасизларми?

— Берамиз!—деб баравар жавоб қилишди.

— Азиз-авлиёлар ҳаққи-хурмати, тезроқ бўл, тез-роқ!— деб бақирди полиция бошлиғи.

Қудук тубидан сувнинг шалоплаши ва сўкиниш эши-тилди, арқоннинг бўшаганидан жандармлар Гиллермо пақирдан сувга тушиб, пул тераётганини тушунишди.

— Уларни пақирга солавер, азизим Гиллермо,— деб к.ичқирди Рафаэль.


— Мен чўнтагимга соляпман,— деган жавоб эши-тилди.— Пақирга солсам уни тортиб олиб, мени унутиб қўйишларинг мумкин.

— Юк оғирлик қилиб арқон узилиб кетиши мумкин,— Рафаэль уни огоҳлантирди.

— Арқон чидамаслиги мумкин-у, лекин менинг бар-дошим чидайди, ҳа, бўш келмайман,— деди Гиллермо.

— Арқон узилиб кетса-чи?..— Рафаэль яна гап бош-ламоқчи бўлди.

— Нима ҳам дердим, бунинг иложи бор,— деди Гил-лермо,— Сен ўзинг пастга туш. Ушанда олдин мени тор-



тиб чиқаришади, кейин пулни, энг охирида сени тортиб чиқаришади. Ана унда адолатдан бўлади. Рафаэль шо-шилиб қолди. Унинг оғзи очилиб, ҳеч нарса дея олмади.

— Нима дейсан, Рафаэль.пастга тушасанми?

— Йўқ,— деб жавоб қилди у.— Ҳамма кумушни чўн-тагингга солиб олиб чиқавер.

— Бу лаънати, унга қўшиб мени ҳам жин урсин,— деб бақирди полиция бошлиғи тоқати тоқ бўлиб.

— Мен боядан буён шундай деяпман,— деди Торрес.

— Ҳой, тортинглар!— деб бақирди Гиллермо!— Сас-сик хиддан бошқа нарсани қўймай териб олдим. Нафа-

'сим бўғилиб кетди. Тезроқ тортинглар, бўлмаса шу ерда нобуд бўламан, мен билан уч юз песо ҳам шу ерда қолиб кетади. Нималар деяпман-а: бу ерда уч юздан ҳам кўп-роқ. Гринго пул халтасини шу ерда ағдарганга ўхшайди. Бу вақтда анча ўзиб кетган қочоқлар оч қолган, оғир нафас олаётган отларга дам бериш учун сўкмоқ тоққа ирғайдиган жойда тўхташди; Френсис шу ерда уларга .етиб олди.

— Энди жарангдор тангасиз ҳеч саёҳат қилмай-ман,— деди у ва ташландиқ плантацияда яшириниб олиб «кўрганларини ҳикоя қила бошлади.— Биласанми, Генри, ўлсам, осмонга ҳам бир халта пул билан жўнайман. У ерда ҳам керак бўлиб қолади: ахир, осмонда бизни нималар қутаётганини худодан бошқа ҳеч ким билмайди-ку. Қулоқ солинглар! Жандармлар қудук ёнида ит-му-шукдек роса муштлашишди. Бир-бирига ишонишмай, ўз шерикларини ёнидаги пулни топширмагунича қудукқа туширишмади. Жандармлар буйрукка бўйсунмай қўйиш-ди. Бошлиқ энг кичик, паканасини қудукка туш, бўлмаса отиб ташлайман деб дўқ қилди. У эса қудук тубида туриб тихирлик қила кетди. Ҳамма унга ваъда берди-ю, қудукдан чиққандан кейин сазалашди. Мен буёққа кела-ётганимда ҳам уни калтаклашаётган эди.

— Энди халтанг бўшаб қолди,— деди Генри.


— Ҳа, бу бошимизга тушган қатта кулфат,— Френсис унинг гапига қўшилди.— Етарли пулим бўлгандами, ҳеч қачон бизга етиб олишолмасди. Чамаси ҳаддан ташқари сахийлик қилиб юборганга ўхшайман. Уларни бунчалик арзонга сотиб олиш мумкинлигини билмабман. Лекин ҳозир бир нарсани айтаман, оғзинглар очилиб қолади: Торрес, жаноб Торрес, жаноб Альварес Торрес, ўша келишгақ жентльмен ва Соланолар оиласининг со-



диқ дўсти полиция бошлиғи билан бирга таъқибчиларга бошчилик қияпти! Жандармлар тўхтаб қолишганидан жиғибийрон бўляпти. Бошлиқ ўз жандармларини гапга кўндирилмаганидан у билан жанжаллашиб кетишига сал қолди. Ҳа, азизларим, у бошлиқни жин ургир, деди. Уни сўкканини аниқ эшитдим!

Беш милча тўхтамай чопган отлар ҳолдан тойиб йи-қилди. Сўкмоқ бу ерда чуқур, кўримсиз дарага тушиб, яна тоққа ўриб борарди; Френсис ҳаммани йўлни давом эттиришга кўндириб, ўзи шу ерда қолди. У бир неча минут кутиб турди, ҳамроҳлари анча илгарилаб кетиш-гач, соқчидек уларнинг орқасидан жўнади. Бир оз вақт ўтгач қалин ўт билан қопланган ялангликка чикди-ю, от изини кўриб кўрқиб кетди — чим устида от изи «ма-наман» деб кўриниб турарди. Бу, чуқурларда қоп-қора мойсимон суюқлик тўпланиб қолган эди. Френсис бу суюқлик нефть эканини дарров билди. Бу нефтнинг дасг-лабки излари эди — у юқоридан оқаётган ариқчадан си-зиб келар; ариқ эса асосий оқимнинг бир тармоғи эди. Юз кадамча нарида Френсис оқимнинг ўзига дуч келди, у шундай тик ёнбағирликдан оқиб келардики, нефть ўр-нига сув оққандами, бу ерда шаршара вужудга келга\* бўларди. Аммо қотаётган мойга ўхшаган хом нефть тоғ-дан секин оқиб тушарди. Нефть дарёсидан ўтиб юрмас-лик учун Френсис шу ерда пистирма кўймоқчи бўлди; у тош устига ўтириб, бир томонига милтиқни, иккинчи то-монига автомат тўппончани қўйди, сигарета ўраб, тугат-ди ва яқинлашиб келаётган таъқибчилар овози ҳали-за-мон келиб қолишини кутиб кулоқ сола бошлади.

Шу вақтда ўласи қилиб калтакланган ва яна ундаи ҳам баттар калтакланишни кутаётган пеон унингиз ҳам қора терга ботиб кетган қирчяғисини қамчилаб, нақ Френсиснинг тепасидаги дара устидан ўтиб борарди. Нефть қудуғи ёнгинасида ҳолдан кетган хайвон йиқил-ди; пеон отни тепиб-тепиб туришга мажбур қилди ва шундай саваладики, бечора от калтакка чидамай оқсоқ-ланиб бўлса ҳам ўрмон томонга қочиб қолди. Аммо би-ринчи кун саргузаштлари ҳали тугамаган, бироқ буни у билмас эди. У нефтьга тегиб кетмаслик учун оёғини йи-ғиб тош устига ўтирди, сигарет тутатиб чекди ва қудуқ-дан чиқаётган нефтни томоша қила бошлагди. Бирдан кимнингдир овозини эшитиб қолиб яқиндаги бутазорга



ташланди; у ердан биқиниб. қараб икки нотавиш кишини курди. Улар тўғри қудуқ олдига келишиб, тақсимлагич клапаннинг темир ғилдирагини бурашди ва нефть оқи-мини озайтиришди.

— Бўлди!— деди, кўринишидан бошлиқ бўлган киши.— Қаттиқроқ буралса босимдан қувур ёрилиб кети-ши мумкин — бу ҳақда инженер-гринго менга тайин-лаган.

Энди кичик, аммо ҳали ҳам хавфли даражадаги оқим пастга оқиб борарди. Ҳали ги икки киши ишини тугатмай туриб ўрмондан отлиқлар чиқиб келди. яшириниб олган пеон ўз хўжайини, утшнг кўшнилари ва уларнинг нозир-ларини дарров таниди. Улар учун қочоқ ишчини ов қи-лиш инглизларга тулки ови каби роҳат бағишларди.

Йўқ, нефтчилар ҳеч кимни кўрганлари йўқ. Аммо от-ряд олдида келаётган плантатор от изига кўзи тушиб қолди, остидаги отни товони билан ниқталаб *ц* бўйлаб чоптириб кетди, қолганлар унинг кетидан от солишди.

Пеон уларнинг кетишларини кутарди, у сигарет че-киб, хаёл сурарди. Ҳамма кўздан ғойиб бўлгач, яширин-ган жойидан оҳиста чиқиб, нефть оқимини тартибга соладиган механизмни охиргача бураб қўйди. Ер ости газни босимининг зўрлигидан нефть фавворадек отилиб чиқиб, дарёдек пастга оқа бошлади. Пеон кулоқ солди: қу~ дукдан чиқаётган газнинг вошиллаши, пақиллаши эши< тилди. Бу ерда нима бўлаётганини у тушунмасди, ҳали сигарета чекаётиб охирги гугуртни сарфлаб қўйгани учунгина унинг ҳаёти кейинги саргузаштлар учун омон қолди. Увада кийимини, кулоқларини, сочларини титки-лаб гугурт тополмади.

Шундан сўнг у нефть дарёсига қаради, шунча бой-ликнинг нобуд бўлишидан қувониб кетди ва дара туби-даги қуруқ ўт-ўланларни эслаб пастга югурди, пеонни у ерда автомат-тўппонча ушлаган Френсис кутиб олди. Пеон дахшатдан, тирналиб кетган оёқларини букиб тиз чўкди-да, бир кунда ўзи икки марта сотган одамдан раҳм-шавқат тилай бошлади. Френсис уни танимади: пеоннинг юзи тирналган, қон оқиб қотиб қолган эди.

— Атшо, агГИ^о<sup>1</sup> — деб ялинаруди у.

Пастда, сўкмоқ томонда кимнингдир оёғи туртиб юборган тошларнинг думалагани эшитилди. Шу заҳоти

<sup>1</sup> Дўстим, дўстим (*испанча*).





Френсис бу одамга ўхшаш ночор банда ўша сувдонида-ги аракетинг нақ ярмини ичган пеон эканлигини таниди.

— Хўш, апи^о,— деди Френсис унга маҳаллий лаҳжада,— орқангдан қувлаб келишайтганга ўхшайди-ку?

— Улар мени ўлдиришади, ўлгунимча савалашади, уларнинг жуда жажли чиққан,— деб пичирлади бечо-ра.— Сиз менинг ягона дўстимсиз, ҳам отам, ҳам онам-сиз! Мени кутқаринг!

— Отишни биласанми?—деб сўради ундан Френсис.

— Узимни куликка сотгунимга қадар Кордильер тоғида овчилик цилардим, сеньор.

Френсис унинг кўлига автомат тўппончани тутқазди ва фақат ўқ хато кетмаслигига ишонч ҳосил қилганиш-дан кейин от, деб тайинлади. Френсис ичида эса «Терри-туанда ҳозир гольф<sup>1</sup> ўйнашяпти. Беллинхем ходим клуб пешайвонида ўтириб олиб ютқазиб кўйган пулини қан-дай тўлаш тўғрисида бош қотираётган ва менга ҳам бахт кулиб боқоин деб худога илтижо қилаётган бўлса керак. Мен эса бу ердан, вой худойим-эй, йўлимни нефть тўсиб турибди...» деб ўйлади.

Унинг хаёлини полиция бошлиғи, Торрес ва жандармларнинг тўсатдан пайдо бўлиши бузди. Френсис дарҳол ўқ узди ва ўша заҳоти улар ғойиб бўлишди. У, отган ўқи бирортасига тегдими ёки таъкибчилар фақат чекиндими — буни билмасди. Улар тўғридан-тўғри хужум қилишга богинишмади, дарахтларни пана қилиб, оҳиста олдинга ҳаракат қилмоқчи бўлишди. Френсис билан пеон ҳам уларга тақлид қилиб, буталар ораоидаги қоялар орқасига яширинишди ва жойларини тез-тез ўзгартиб туришди.

Бир соат ўтгандан кейин Френсиснинг милтиғида бит-та ўқ қолди. Френсиснинг ўгити ва дўқ-пўписалари ту-файли пеоннинг тўппончасида иккита ўқ қолган эди. Ле-кин улар Леонсия ва унинг ҳамроҳлари учун бир соат вақтдан ютишди, бунинг устига Френсиснинг ҳовдаган вақтида нефть дарёсидан ўтиб яшириниб олишига ишончи зўр эди. Иш унчалик чакки эмасди ва охири ба-хайр тугаши мумкин эди-ю, бироқ юқорида яна бир тў-да отликлар пайдо бўлди ва дарахтлар орқасидан ўқ узиб, пастга туша бошлади. Улар қочоқ пеонни излаб юрган плантатор ва унинг дўстлари эди, аммо Френсис

<sup>1</sup> Г о л ь ф — хоккейга ўхшаш сокка билан ўйналадиган ўйин.

яна бир полиция отряди изимизга тушганга ўхшайди, деб ўйлади; бунинг устига отликларнинг отишмасц френсиснинг тахминини та.сдиклар эди.

Пеон Френсиснинг ёнига эмаклаб келиб, ичида икки-та ўқ қолганини айтиб, тўппончани қайтариб берди ва ўрнига гугурт сўради. Сўнг дарадан ўтиб, нариги ёнба-ғирликка чиқиб олиб деб Френсисга ишора қилди. ф'ренсис пеоннинг ниятини англаб, унинг гапига кирд^I ва янги, қулайроқ жойдан туриб яқинлашиб келаётгач отрядга қарата милтиқдан сўнгги ўқни узиб,дара томон чекинишга мажбур қилди.

Кейинги дақиқада пеон гугурт чакиб ташлаган нефть дарёси олов дарёсига айланди. Яна бир минутдан сўнг тепалик устидаги нефть қудугидан отилиб чиқаётган газ ёниб осмонга кўтарилди. Яна бир минутдан сўнг олов оқими дарё бўйлаб пастга, тўғри Торрес ва жандармлар устига оқиб кетди.

## ЎНИНЧИ БОБ

Френсис билан поен эсон-омон қочиб кети:ааётганда, тубидан нефть оқаётган дара алангали дарёга айланиб кетди. Торрес ва жандармлар учун тик қияликдан юқо-рига қараб тармашиб чиқишдан бошқа чора қолмади. Плантатор билан унинг дўстлари ҳам дарада мавж ура-ётган оловдан қочиб, орқага қайтишга мажбур. бўлди-лар.

Тез-тез орқасига қараб бораётган пеон ниҳоят қув-ноқлик билан биринчи қудуқ ёнаётган жойдан сал ор-қароқда пайдо бўлган иккинчи оловни кўрсатди.

— Яна биттаси!—қувонди у.— У ерда яна қудуқ бор! Ҳаммаси ёнади. Бу аймоққа бу ҳам оз! Еган калтакларим учун бир жазоларини тортишсин. Биласизми, пастроқда бутун бир нефть кўли, ҳатто катталиги Хучитан-дек келадиган нефть денгизи бор.

Френсис плантатор камида беш миллион баррель нефть сақланаётган нефть кўли тўғрисида гапирганини. эслади. Бу нефтни кемаларга ортиш учун денгиз томон-га оқиз'иш имконияти йўқ бўлиб, тупроқ тўғон билан тў-силган табиий чуқурликда очиқ ҳолда сақланарди.

— Сен қанча турасан?—у пеонга ишга алоқаси йў^дек савол берди.

У тушунмади.





— Кийиминг, устингдаги нарсаларни нархи канча?  
— Ярим песо... йўқ, ярим песонинг ярми,— пеон  
ува-даларига қарар экан, маъюслик билан тан олди.

— Яна ниманг бор?

Вечора кип-кизил қашшоқ эканлигини билдириб қўл-ларини  
ёзди ва ғамгин жавоб қилди:

— Қарзимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Қарзим эса ик-  
ки юзу яна эллик песо. Бу қарздан ўлгунича ҳам ку-  
тула олмайман: бемор қилтомоқ касалидан ҳалос була  
олмаганидек, мен ҳам қарзимдан қутула олмайман. Шу-  
нинг учун ҳам плантаторнинг қулиман.

— Ҳм!—Френсис қулгисини яширолмади.— Демак  
сен икки юз эллик песо турасан, бари бир арзимаган пул,  
бу ҳатто рақам ҳам эмас, математика назаридагина  
мавжуд бўлган абстракт манфий бирлик. Ана шу нуль  
ҳозир миллион песо турадиган нефтга ўт қўйяпти. Агар  
бу ерда тупроқ зич бўлмаса, тез ювиладиган бўлса,  
нефть қувури тешик бўлса, унда бутун нефть майдонини  
ўт одади — бу эса миллиард доллар зарар дегани. Би-  
санми, нима, сен икки юз эллик доллар турадиган абс-  
тракт бирлик эмассан — сен ҳақиқий БотЪгесан!


Бу гапдан пеон БотЪге, деган сўздан бошқа-сини  
тушунмади.

— Мен одамман,— деди у мағрур, кўкрагини кериб ва  
қонга беланган бошини баланд қўтариб.— Ҳа, мен пстЪге , мен  
майяман.

— Наҳотки сен майя қабилаоидан бўлсанг?— Френсис  
шубҳа билдирди.

— Ярим,— пеон истар-истамас тан олди.— Отам ҳақиқий  
майя. У Кордильерда яшаган, аммо майя аёл-лари унга ёкмаган.  
Шу сабабли у Гегга саНегг^даги метис қизни яхши кўриб  
қолган. Ундан мен туғилган-ман; лекин у кейин барбадослик  
негр билан қочиб кет-ган, отам эса Кордильерга қайтиб келган.  
Отамга ўхшаб менинг пешанамга ҳам метис қизга ошиқ бўлиш  
ёзилган экан. У мендан пул талаб қилди, мен эса уни шунчалик  
севардимки, ақлимни йўқотиб қўйиб, ўзимни икки юз песога  
сотиб юбордим. Ушандан буён на уни кўрдим, на пулни. Беш  
йилдан бери пеонман. Беш йил қул бўлдим ва калтак едим.  
Энди-чи? Энди икки юз эмас, икки оз эллик песо қарздорман.

<sup>1</sup> И с с и қ ў л к а (испанча), — Бу ерда водий кўзда  
тутилади.



Френсис Морган билан майя қабиласининг жафокаш авлоди  
шерикларига етиб олиш учун Кордильер тоғи бағрига кириб  
боришаётган, Хучитаннинг нефтли дала-лари бурксаб ёнаётган  
бир пайтда — олдинда, анча узокда, Кордильер тоғининг нақ  
марказида шундай во-қеалар етилаётган эдики, бу воқеалар  
қочқинлар ва таъқибчиларни: бир томондан — Френсис, Генри,  
Леон-сия ҳамда унинг қариндошларини, иккинчи томондан —  
плантаторлар, полиция бошлиғи раҳбарлигидаги жан-дармлар  
отряди, Риган ваъда қилган пулни олишгина эмас, Леонсия  
Соланони ўзиники қилишга ошиқаётган Альварес Торресларни  
бир тақдир игги билан боғлаши лозим эди. Ғор ичида бир аёл ва  
эркак ўтиришарди. Метис аёл ёш ва келишган эди. У арзон баҳо  
керосин чи-роқ ёруғида овоз чиқариб мутолаа қиларди,  
қўлидаги бузоқ терисидан муқова қилинган китоб  
Блэкстоннинг<sup>1</sup> испанча китоби эди. Эркак ҳам, аёл ҳам оёқ  
яланг, қал-поғи қўшиб тикилган бўз қўйлақда, аёл қўйлагининг  
қалпоғи орқага ташланган, қалин қора сочлари елкаси билан  
битта бўлиб турарди. Чолнинг эса қалпоғи худди  
монахларникидек пешанасигача сурилган. Унинг зоҳи-дона,  
жиддий, ифодали, нуроний чеҳраси метин иродаси-дан далолат  
берарди. Бундай юз фақат испанларда бў-лади. Дон Кихотнинг  
юзи ҳам худди шундай бўлгандм-ров. Чолнинг кўзлари юмук,  
уни кўрлик зулмати абадий қуршаб олган эди. У шамол  
тегирмонни ҳеч қачон кўра олмас ва у билан жанг қилишни  
ихткёр қила олмасди.

У Роденнинг «Мутафаккир»и тарзида ўтириб, гўзал метис  
қизнинг ўқишига бепарвогина қулоқ соларди, ле-кин у  
хаёлпараст эмас, Дон Кихот сингари шамол тегир-мони билан  
жанг қилиш унинг табиатига ёт эди. Дунёни қалин қора парда  
билан ўраб олган ожизликка қарамай, у ғайратли эди. Унинг  
қалби кўр эмасди, нарсаларни ва ходисаларни чуқур идрок  
этар, одамлар қал-бини, яширин иллатлару соф, олижаноб  
ниятларни кўра оларди.

Қўл ҳаракати билан у кироатхонни тўхтатиб, ўқил-[Ганлар  
ҳақида овоз чиқариб мулоҳаза юрита бошлади.

— Одамлар яратган қонун,— деди оҳиста ва ишонч  
билан,—бизнинг кунларимизда ақл мусоҳабасига ўх-

<sup>1</sup> Блэкстон Уильям (1723—1780) — «Англия  
қонунлари шарҳлари» номли тўрт жилдли китоб ёзган инглиз  
профессори.




шайди. Улар ҳақиқатга эмас, балки софистикага асос-ланадилар. Қонунлар одамлар манфаати учун барпо этилган, аммо уларни шархлаш ва қўллашда одамлар сохта йўлдан боришади. Улар мақсад йўлини — мақсад, ҳаракат усулини эса оқибат натижа деб ўйлашади. Шунга қарамай, қонун қонунлигича қолади. Улар зарур ва фойдали. Лекин бизнинг замонамизда уларни пала-партиш қўллашаверади. Судьялар ва адвокатлар доно-лик қилмоқчи бўлишади,' муғомбирликда бир-бирлари билан беллашишади, олимпиклари . билан мақтаниша-ди-ю, ўзларига пул тўлайдиган ва улардан муғомбир-лик ҳамда доноликни эмас, ҳақиқат қилишни, холис-ликни кутаётган даъвогар ва жавобгарларни унутиб қўйишади.

Шунга қарамай, қария Блэкстон ҳақ. Адолат замирила бўлгани каби, қонунлар асосида ҳам соф виждон-ли кишиларнинг холис-лик ва ҳақиқатга қизғин инти-лишлари ётади. Устоз бу ҳақда нима дейди? «Судья ва адвокатлар жуда кашфиётчи чиқиб қолишди. Одамлар манфаати учун яратилган қонунлар шу қадар усталик билан буз'йлдики, эндиликда хўрланганга ҳа'к, хўрла-ганга ҳам ҳимоя вазифасини ўтай олмаяпти, фақат се-мириб кетган судьяларга ва уз рақибларидан, ҳатто ҳукм чиқарувчи судьялардан ақлироқ эканликларини исботлай олмасалар, шон-шухрат орттираётган ҳамда қорин солаётган мечкай адвокатларга хизмат қил-моқда».

У жим қолди ва ҳамон Роденнинг '«Мутафаккир»и янглиғ ўтирган қўйи ўйга толди, гўё у олам тақдирини мезонга солиб кўраётгандек эди, метис қиз эса ўқишни давом эттириш учун унинг одатдаги ишорасини кутарди. Ниҳоят чол чуқур ўйлардан халос бўлиб, яна гапира кетди:

— Аммо бизда, Кордильер тоғининг Панама қйси-да қонун ўз ҳолича — холкс, адолатли ва ҳамма учун тенг. У бирор кишининг фойдаси учун, бирор бадавлаг кимсанинг фойдаси учун хизмат қилмайди. Адолатли ва холис судьяга юпка мато эмас, бўз кўйлак яраглади. У ёғини ўқи, Мерседес. Агар тўғри ўқисанг Блэкстон доим ҳақ бўлиб чиқади. Давомини ўқи! Блэкстон — инсон адолатпарварлигининг асоси, илло — ё худо!— ақлли одамлар ўзлари қилаётган ёмонликларни Блэкстон но-ми билан пардалаш учун нималар қилишмаяпти'.



Кўр файласуф ўн минутчадан сўнг бошини кўтариб, ҳавони хидлаб турди-да, қўл ишораси билан қизни ўқишдан тўхтатди. Қиз ҳам унга ўхшаб ҳавони хидлаб

қурди-

— Эй Адолатпарвар, балки бу чироқ исидир!—деб тахмин қилди.


— Йўқ, нефть ёняпти,— кўр эътироз билдирди.— Чирокнинг бунга алоқаси йўқ. Бунинг устига узоқ жой-да ёняпти. Дарада отишма овозини ҳам эшитдим.

— Мен ҳеч нарса эшитмадим...— деб қиз гап бошла-ган эди, чол унинг гапини бўлди:

— Қизим, сен ёруғ дунёни кўрасан, шунинг учун сенга меникидек сезгир кулоқнинг хожати йўқ. Дарада ўқ отишди. Болаларимга айт, нима гаиллигини билиб келиб, менга айтишин.

Аёл чолга ҳурмат билан таъзим қилиб, эшикка ту-тиб қўйилган адёлни кўтариб гашқарига чикди. Чол кўр бўлса ҳам, аёлнинг ҳар бир ҳаракатини эшитиб, се-зиб олишга кўвикиб қолганидан унинг таъзим қилга-нини билди. Ғор оғзида икки пеон ўтирар — иккаласида ҳам милтиқ ва мачете, камарига эса пичоқ кистирилган. Қиз уларга буйруқни айтди; иккаласи ўрнидан туриб таъзим қилди, қизга эмас, буйруқ берган киши томон-га қараб таъзим қилишди. Улардан бири ҳозиргина ўзи ўтирган тошга мачете билан уриб тақиллатди ва куло-ғини тутиб тинглади. Тош бутун тоғ бўйлаб ўтиб, шу ерда ер юзига чикқан маъдан устини беркитиб турарди. Тоғнинг ортида, қарама-қарши ён бағрида, Кордильер тоғининг гўзал манзараси кўзга ташланиб турадиган бург'ут уясида бошқа бир пеон ўтирарди. У ҳам кварц тошига кулоқ тутиб туриб, сўнг мачете билан тошга уриб жавоб қилди. Кейин ярм« қуриб қолган баланд дарахт ёнига келди. Дарахт пеон ўтирган жойдан олти кадамча нарида эди. У ковакка қўлини тикиб, ичида осилиб турган арконни кўнғироқ чалгандай тортди.


Лекин ҳеч қандай товуш эшитилмади. Овоз ўрнига дарахт танасидан четга қочиб ўсган катта шохи семафор каби пастга ва баландга силкинди. Ундан икки милча наридаш қоя устидан худди шундай семафор-да-рахт ёрдамида жавоб қилишди. Ундан ҳам нарида кўз-гуда қуёш нуруни акс эттириб ғордаги кўрнинг буйруғи-ни маълум қилишди. Тез орада Кордильер тоғининг бу қисми жарангдор маъдан қатлами, кўзгу ва шохлар-



нинг кимирлаши каби шартли тилда жонланиб кетди. Энрико Солано ҳинд йигитларидай қаддини ғоз ту-тиб, от чоптириб борарди. У Френсиснинг орқада қолиб жанг қилиши туфайли ютилган вақтдан мумкин қадар фойдаланиб қолишга ҳаракат қиларди. Алесандро би-лан Рикардо унинг узангисидан ушлаб, икки ёнида чо-пиб боришарди, Леонсия -билан Генри эса унча шоши-лишмасди: Френсис келмаяптимикин деб гоҳ Леонсия, гоҳ Генри орқасига қарарди. Генри бир баҳона топиб орқаоига қайтди. Беш минутчадан кейин Генри каби Френсисдан ташвишланаётган Леонсия ҳам отнинг бо-шини орқага бурмоқчи бўлди. Лекин от Соланонинг оти-дан орқада қолишни истамай тик турди ва депсиниб, юрмай қўйди. Леонсия сакраб тушиб, тизгинни ерга ташлади-да, орқасига пнёда қайтди. Панамаликлар отни тушовлаб ёки боғлаб ўтирмайдилар. Генри Френсис билан пеонни учратганда қиз тез юриб унга ет.иб олай де-ган эди. Бир минутдан сўнг қилгаси. — Генри билан Френсис қизни ўйламай иш қилгани учун койиш-ди, лекин ҳар бирининг овозида муҳаббат ва мулойим-лик ифодаланар, бу эса рақиб бағрида рашк уйғотарди. Муҳаббат уларни шунчалик чулғаб олган эдики, бошқа ҳеч нарса тўғрисида ўйлашмасди. Шу сабабли ўрмондан бирданига плантаторлар отряди чиқиб келган-да, улар донг қотиб қолишди. Дарҳол бошига таёқ туша бошлаган қочок пеон улар ораидан топилганига қара-май, пеоннинг хўжайини, Соланолар оиласининг садо-қатли дўсти шу ерда бўлганда Леонсия билан иккала Морганга ҳеч ким тегмаган бўларди. Лекин ҳар икки кунни оралаб тутадиган безгак плантаторни енгиб қўй-ганди, у ҳозир ёнаётган нефть даласи яқинида титраб-қакшаб ётарди.

Шунга қарамай, пеонни калтаклаб, уни тиз чўкиб раҳм-шафқат сўрашга мажбур қилган плантаторлар Леонсияга олижанобларча мулойимлик билан муомала қилишди. Отлар қолдириб келинган ён бағирликка чи-қиш вақтида Генри билан Фрейсиснинг қўлини боғлаб қўйган бўлсалар-да, уларга нисбатан унча қўполлик қи-лишмади. Аксинча, Латин Америкасидагиларга хос шафқатсизлик билан аламларини пеондан олардилар.

Аммо кўзлаган манзилларига етиб олиш ва аoirлар-ни олиб бориш насиб этмаган экан. Қўққисдан ён ба-ғирда хурсанд қийқирганча, уз бошлиқлари ва Альва-



рес Торрес раҳбарлигида жандармлар пайдо бўлишди. Бирданига ҳамманинг тили чиқиб қолди: изоҳ беришни талаб қилганларнинг саволлари ҳам, ниманидир тушун-тиришга уринаётганларнинг жавоби ҳам бу ғала-ғовур-да эшитилмас эди. Ҳамма бир-бирига кулоқ солмай бақириб-чақириб, шовқин-сурон авжига минган бир пайтда Торрес Френсисга бош ирғади, Генрига ғолибо-на, захархандалик билан қараб қўйди, Леонсиянинг ол-дига келиб, ҳақиқий идальго'лардай унинг қаршисида ҳурмат билан бош эгди.

— Қулоқ солинг!— секин гапирди у, қизнинг нафрат тўла ишорасини сезиб.— Менинг ниятларим хусусида адашманг. Мени тўғри тушунинг. Сизни қутқариш ва ҳар қандай бало-қазодан ҳимоя қилиш учун бу ерда турибман. Сиз — орзуларим маликасисиз. Мен сизни деб ўлимга тайёрман, аммо сиз учун яшашга доим тайёр бўлсам-да, қувонч билан жонимни фидо қиламан.

— Гапингизни тушунмадим,— кескин жавоб қилди қиз.— Ҳозир гап бизнинг ҳаётимиз ёки ўлимимиз тўғри-сидами? Биз ҳеч кимга ёмонлик қилганимиз йўқ. На мен, на отам, на Френсис Морган, на Генри Моргай. Шунинг учун, сеньор, бизнинг ҳаётимизга ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ.

Шовқин-суронга қарамай, Генри билан Френсис Леонсия билан Торреснинг гапини эшитмай қолмаслик учун яқинроқ келиб, қизнинг ёнига туришди.

— Генри Морган албатта осиб ўлдирилади,— деб таъкидлади Торрес— Отангизнинг туғишган укаси, сиз-нинг амакингиз Альфаро Соланони Генри ўлдиргани ис-ботланган. Уни қутқарйшнинг иложи йўқ. Лекин Френсис Морганни қутқариб қолишим мумкин, агар...

— Нима агар?— сўради Леонсия, ўлжасини қўлга туширган йўлбарс каби тишларини ғичирлатиб.

— Агар... менга илтифот билан қараб, менга тур-мушга чиксангиз,— Торрес гапини хотиржамлик билан тугатди. Қўллари боғлиқ, ночор аҳволда ёнида турган иккала грингонинг кўзида Торресни шу ернинг ўзидаёқ ўлдириш истаги акс ётарди.

Торреснинг самимий эҳтироси жўш уриб Леонсиянинг қўлларини ушлади, аммо бундан олдин Морган-лар томонга тез назар ташлаб, улар ўзига ҳеч қандай

Испан зодагони.



зарар етказа олмасликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

— Леонсия,— деди ялинган оҳангда,— агар сизга эр бўлсам, Генрига ҳам бирор фойдам тегиши мумкин. Агар у Панамадан дарҳол чиқиб кетишга рози бўлса, балки унинг ҳаётини сақлаб қола оларман.

— Ҳа испан кўппаги!—деб хяриллади Генри, орқа-сига қилиб боғланган қўлларини бўшатишга бефойда уриниб.

- Сен ўзинг Америка итисан!—деб бақирди Торрес ва кулочкашлаб Генрининг чакагига туширди.

Уша зумдаёқ Генри Торреснинг биқинига шундай тепдики, у ўзини тута олмай Френсис томонга ганди-раклаб кетди; Френсис ҳам ҳаялламай, унинг иккинчи биқинига тепди. Улар Торресни копгоқдай бир-бирлари-га узатишарди. Жандармлар ниҳоят уларни ушлаб, қўл-лари боғлиқлигидан фойдаланиб ура бошлашди, Торрес жандармларни гиж-гижлабгина қолмай, узи ҳам пичо-ғкни чиқарди: латин америкаликнинг қони қайнаб кет-ганда қон тўкилмай қолмаганидек, бу гал ҳам яш қон-ли фожиа билан тугаши аниқ эди-ю, лекин шу пант йигирмага яқин суворийлар шовкин-суронсиз ўрмондан чқиб, оҳисталик билан ҳукронлякни ўз қўлларига ол-дилар. Бу сирли нотаниш кимсаларнинг баъзилари қў-пол матодан кийим кийган, бир хиллари бўз қўйлақда эди.

Жандармлар ва плантаторлар чўкиниб, дуо ўқишиб, даҳшат билан орқага чекинишди.


— Кўр қароқчи!—Қаттиқдўл Судья!—Булар ўшанинг одамлари.^- Ҳалок бўлдик!— деган овозлар келди ҳар тарафдан.

Фақат бир киши — жафокаш пеонгина олдинга таш-ланиб, афтидан, Кўр қароқчи одамларига бошчил«к қилаётган жиддий қиёфали киши олдида қонга белан-ган тиззаларини букиб тиз чўқди. Пеон шикоят қилиб, адолат ҳақида илтижо этди.

— Қандай адолатни сўраётганингни биласанми ўзинг?—Отряд бошлиғи бўғиқ овоз билан сўради.

— Ҳа, Қаттиққўл адолатини,—жавоб берди пеон.— Қаттиққўл адолатига мурожаат ққлиш нималигини би-ламан, шундай бўлса ҳам мурожаат қиламан, чунки адолатга ташнаман, менинг ишим эса — ҳақ.

— Мен ҳам қатъий адолатни талаб қиламан,— деб



хитоб қилди Леонсия кўзлари порлаб. Сўнг Френсис би-дан Генрига қараб охоста илова қилди:— Бу қатъий ёдолат қандай бўлишидан қатъий назар.

— Торрес билан полиция бошлиғидан кутадиг^н адолатдан ёмон бўлмаса керак,— деб шивирлади Генри унга ва олдинга дадил қадам қўйиб, отряд раҳбарига 'мурожаат қилди:—Мен ҳам қатъий адолатни талаб қиламан.

Бошлиқ бош ирғади.

— Мен ҳам,— ©лдин шивирлаб, кейин қаттиқ овоз билан деди Френсис.

• Чамаси, жандармларга бари бир эди, плантаторлар эса, Кўр қароқчи қандай ҳукм чиқарса, унга бўйсунуш-ларини маълум қилишди. Фақат полиция бошлиғигина норозилик билдирди.

— Балки менинг кимлигимни бил'массиз?— деб сўради у кеккайиб.— Мен Мариано Веркара-и-Ихос бўламан, қадимий зодагонлар авлодидан, аждодларим доим атта амалдор бўлишган. Мен Сан'-Антонио полицияси-Винг бошлиғи, губернаторнинг қалин дўсти, Панама республикаси ҳукуматининг ишончли одамиман. Менинг ўзим қонунман. Ўмуман, мамлакатимизда бутун Панама учун, Кордильер учун ҳам битта қонун бор. Бу тоғда ўзларингиз ўрнатган ва сизлар қатъий адолатдеб ата-ётган қонунга қаршилиқ билдираман. Кўр қароқчингиз-:Ни қамоққа олиш учун аскар юбораман, уни Сан-Хуан қамоғига ташлаб, гўштларини қушларга ем қиламан.

— Сиз ҳозир Сан-Антониода эмас, Хучитан бағрида эканлигингизни унутмаслигингизни маслаҳат бераман,— Торрес жиғибийрон бўлаётган полиция бошлиғини истехзо билан огоҳлантирди.— Бу ерда ҳеч қандай армия-нгиз ҳам йўқ.

— Мана бу икки киши ҳозир қатъий адолат талаб Қилаётган кишилардан бирортасини хафа қилганми?— қатъий оҳангда сўради сардор.

— Ҳа,— деди пеон.— Улар мени уришди. Ҳамма мени урди. Ҳеч қандай сабабсиз манавилар ҳам урди. Қўлларимнинг гўшти чиқиб кетган, бутун баданим мў-маталок бўлиб кетган. Мен яна ҳимоя қилишларингизни сўрайман ва манави иккаласини адолатсизликда айб-лайман.

Сардор бош ирғаб, ишор.а билан ўз кишиларига асир-ларни қуролсизлантириб, йўлга чиқишви буюрди.





— Адолат!.. Мен ҳам ҳамма учун барабар адолат қилишларингни сўрайман!—деб қичқирди Генри.— Менинг қўлим орқамга хилиб боғлаб қўйилган. Ёки ҳам-манинг қўли боғлансин, ёки бизни ечиб юборишсин. Боғланган кишининг юриши оғир-ку ахир!

Сардорнинг юзида табассум шарпаси пайдо бўлди ва у ўз одамларига қайишни қирқишни-буюрди— бу Ген-рининг шикоятни тўғрилигидан далил эди.

— Уф!— Френсис Леонсия билан Генрига муғомби-рона қараб қўйди,— Агар хотирамдан қўтарилмаган бўлса, бундан бир миллион йил илгари Нью-Йорк деб аталган пастқам бир шаҳарда яшардим, гольф ўйнардик, Таммани-холл<sup>1</sup> билан жанг қилардик, бир куни по-лиция инспекторини электр стулга ўтказгандик, роса қартабозлик қилардик. Шунинг учун ҳам ўзимизни ўтакетган чапанлар деб ҳисоблардик.

— Эҳ-хе!— деб ётиб қилди Генри ярим соат ўтгач, улар тоғ чўққилари яққол кўринадиган довон устига чиқишганда.— Оббо шайтонлар-эй! Бу узун жуббали милтиқли йигитлар унақа ваҳшийлардан эмас экан-ку. Уни қара, Френсис! Бутун бошли сигнал бериш систе-маси-ку! Ҳов анави дарахтни кўряпсанми? Ҳов нариги катта дарахтни-чи, дарахтнинг нариги томонидагисини, шохлари силкинаётганини қара.


Сўнги бир неча километр йўлни асирларнинг кузини боғлаб олиб боришди, сўнгра уларнинг кўзларини ечмай, даҳшатли ҳақиқат ҳукмрон бўлган ғорга кири-тишди. Кўзлари ечилгач, асирлар баланд ва кенг ғор ичига кириб қолганларини кўришди. Ғорни жуда кўп машғалалар ёритиб турар, олдиларида эса тошдан ўйиб ясалган тахт устида кўр чол ўтирарди; оёғи остида чиройли метис киз унинг тиззасига елкасини қўйиб ўтирарди.

Кўр гапира бошлади, унинг овози соф, кумуш қўн-ғирок янглиғ жарангдор, нутқи эса йиллар ва оғир ҳаёт тажрибасини орттирган заковатли кишиларникидай са-лобатли эди.

— Сизлар адолатталаб бўлибсизлар. Мен эшитаман. Холис ва адолатли қарорни ким талаб қиляпти?

Ҳамма беихтиёр ўзини орқага ташлади, ҳатто поли-

<sup>1</sup> Демократик партиянинг Нью-Йоркдаги ташкилоти.



ция бошлиғи ҳам Кордильер конунларига қарғай аоро-зилик билдиришга ботинолмади.

— Ораларингизда аёл киши бор,— деб давом этди Кўр қароқчи.— Биринчи навбатда ўша аёл гапирсин. Ҳамма тирик жон — эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам бирор айби бўлади ёки жуда бўлмаса атрофидагилар шундай деб ўйлашади,

Генри билан Френсис Леонсияни тўхтатмоқчи бў-лишди-ю, аммо у ҳар иккаласига табассум ҳада этиб, одил ҳакамга қаради ва жарангдор овоз билан дона-до-на қилиб гапирди:

— Менинг айбим шуки, қайлиғимни қилмаган қотил-лиги учун қатл этилишдан қутулишига ёрдамлашдим.

— Гапингни эшитдим,—деди Кўр қароқчи.— Яқин-роқ кел.

Узун жубба кийган кишилар Леонсияни кўрнинг олдига олиб келиб, тиз чўкишга мажбур қилишди; унга ошиқ бўлган иккала Морган кизнинг ҳар бир ҳарака-тини ҳаяжон билан кузатишарди. Метис киз чолнинг қўлини Леонсиянинг бошига қўйди. Бир минут ғорга тантанали сукунат чўқди. Чолнинг қўли чакка томирла-рининг уришини пайпаслаб, Леонсиянинг пешанасида турарди. Сўнг у қўлини олди, гавдасини орқага ташлаб, ўз қарорини ўйлай кетди.

— Тур, сеньорита,— деди у.— Қалбингда адоват йўқ. Сен озодсан... Яна ким адолаг талаб? Уша замони Френсис олға қадам қўйди.

— Мен ҳам адолатсиз ҳукм билан ўлимга маҳкум этилган ўша одамнинг қутулишига ёрдамлашдим. Биз узоқ қариндошмиз, фамилиямиз ҳам бир хил.

У ҳам тиз чўқди ва юмшоқ бармоқлар қошлари, чак-калари устидан охиста сирғанганини, сўнг билагидан тутиб, томи'р уришини кўрганини сезиб турди.

— Менга ҳаммаси равшан эмас,—деди кўр.—Қал бингда хотиржамлик, тинчлик йўқ. Нимадир сени қий-напти.

Шу дақиқа пеон бирдан олдинга чиқиб, рухсат ол-май гапира кетди. Унинг овозини эшитиб, гўё у худога. тил теккизгандек, атрофдаги кишилар сесканиб ке-тишди.

— О, Адалотпаноҳ, бу одамни қўйиб юбор,—деб ялинди пеон.— Бугуннинг ўзида мен ожизлик қилиб, уни икки марта душманларига сотдим, у эса бугуннинг





Ўзида мени икки марта ҳимоя қилиб, душманларимдан қутқариб қолди.

Шундай деб пеон яна (нечанчи марта), лекин адо-латли қонун юритувчи олдида биринчи марта тиз чўқди ва илоҳий кучга ишонгандай даҳшатдан қалтираб ва мажолсизланиб, қаршисида инсон боласи тиз чўккан ҳакамлардан энг ғалатисининг бармоқлари манглайини енгилгина ва дадил пайпаслаётганини сезиб турди. Бу бармоқлар пеонинг терисидаги, ҳатто елкаси ва орқа-сидаги ҳамма чандиқлар ва захмларни текшириб чиқди.

— Ҳалиги одам ҳам озод бўлиши мумкин!— деб эълон қилди адолатпарвар судья.— Ҳар ҳолда уни нимадир эзиб қийнапти. Гап нимадалигини биладиган, бизга айтиб берадиган одам йўқми бу ерда?

Кўр қалбида нималарчи сезганлигини Френсис дар-ҳол тушунди: Леонсияга муҳаббати уни қийнар, бу му-ҳаббат Генрига содиқлигига раҳна солмаса, деб кўрқар-ди. Буни Леонсия ҳам шу қадар тез тушундики, ёшлар бир-бирлари билан тушундим дегандек маънодор кўз уриштириб олганларини, икковларининг уялиб кўзлари-ни олиб қочганларини кўр пайқаганда эди, Френсиснинг хаяжони сабабини беҳато билиб олган бўларди. Метис қиз буни ва бу гап аёл кишига бориб тақалишини тушунди. Бу ҳол Генрининг эътиборидан ҳам четда қол-мади. У беихтиёр қоворйни солди.

Шу пайт Адолатпаноҳ яна тилга кирди.

— Бу севги билан боғлиқ бўлса керак,— деди у.— Хотин киши эркаклар қалбига абадий берадиган азоб бу. Шундай бўлса ҳам бу одамни озод этаман. У бир кунда ўзини икки марта сотган одамга икки марта ёрдам қўлини чўзган. Уни ғам-ғусса эзаяпти — шунга қарамай у ўлимга ноҳақ ҳукм қилинган кишига "ёрдам берган. Уша одамни ҳам синаб қуриш керак. Бундан ташқари, олдимда тиз чўкиб турган, ўзини қутқаряб қолиш учун бугуннинг ўзида икки марта иродаси ожизлик қилган, ҳозир эса ўзи ҳақидаги ҳар қандай ниятидан кечиб мардлик ва матонат кўрсатган, бешафқат қалтакланган пеонни нима қилишни ҳам ҳал этиш зарур.

У энгашиб, пеоннинг қошлари ва юзларини пайпас-лай бошлади,

— Сен ўлимдан кўрқасанми?— тўсатдан сўради у,

— О улуғ ва муқаддас ичсон, жуда ҳам кўрқаман!— деб жавоб берди пеон.



— Ундай бўлса бу одам ҳақида ёлғон гапирдим деб айт, унинг икки марта ёрдам қўлини чўзгани ёлғон де-, санг, омон қоласан.

Пеон букчайиб, кўрнинг бармоқлари остида жим қолди.

— Яхшилаб ўйлаб кўр,— чол уни қатъий огоҳландирди.— Улим—даҳшатли, абадий мурдага айланиш, тупроқ ёки тошдай қотиб қолиш даҳшатли эмасми, ахир! Ёлғон гапирдим, десанг, ҳаётигини сақлаб қола сан. Қани, гапир!

Пеоннинг овозидан кўрқув сезилиб турса ҳам,кўнг-•ли кенг, мард кишилардай иш тутишга ўзида куч топди.

— О, муқаддас инсон, мен бу одамни бугун икки марта сотдим. Аммо мен Пётр эмасман, унга нисбатан учинчи марта сотқинлик қилмайман. Мен ўлимдан жуда кўрқаман, аммо учинчи марта сотқинлик қилолмайман,

Кўр судья гавдасини орқага ташлади, юзи ички бир ёғду билан нурашфон бўлгандек ўзгариб кетди.

— Яхши айтдинг!— деди у.— Қалбинг — чин инсон қалби.Энди менинг ҳумкимга кулоқсол: Шу дақиқадан эътиборан умрингнинг охиригача ҳамиша инсончасига ўйлайсан ва инсончасига иш тутасан. Ҳайвон янглиғ абадий яшагандан истаган дамда инсон тарзида ўлгаи афзалроқ. Экклезиаст ноҳақ эди. Шернинг ўлиги-ю итнинг тириги! Бор, қайта туғилган ўғлим, сен озодсан!

Лекин метис қизнинг ишораси билан пеон ўрнидан тураётганда Кўр ҳакам бирдан уни гўхтатиб қолди:

— Бугунгина инсонга айланган одам, менга айт-чи, ҳамма кулфату жафоларингнинг бош сабаби нима эди?

— О, Адолатпаноҳ, менинг ожиз қалбимПеггасаНепГе қони аралашган аёлнинг муҳаббатига ташна эди. Уша-ни деб плантатордан икки юз песо қарздор бўлдам. У бўлса пулни олиб, бошқаси билан қочиб кетди. Мен эса плантаторга қул бўлиб қолдим. ЁМОН одам эмас, лекин плантатор-да. Мен меҳнат қилдим, қалтакларга чида-дим ва беш йил азоб чекдим, қарзим эса ҳозир икки юзу эллик песога етди; менинг суягиму теримдан бош-қа ҳеч нарсам йўқ, кийимларим ҳам жулдур.

— Уша аёл жуда чиройли эдимми?— Кўр судья юм-шоқлик билан сўради.

— Эй улуғ зот, уни деб ақлдан озаёздим. Ҳозир эс-ласам, айтарли чиройли эмас экан. Лекин ўша вақтда жуда гўзал туюлган эди. Унга бўлган муҳаббатим қал-



бим ва миямни безгак каби қовуриб, ўзимни кулга ай-лантирди. У, эса биринчи кечадаёқ мени ташлаб қочиб кетди, ўшандан буён уни сира кўрмадим.

Пеон тиз чўкканича бошини куйи солиб кутиб турди, Кўр қароқчи эса ҳаммани ажаблантириб, чуқур хўрсин-ди-да, ҳамма нарсани унутиб юборгандек бўлди. Кейин қўлини беихтиёр метис қизнинг бошига қўйиб, ярқираб турган қоп-қора сочларини силади,

— Аёл...— шу қадар секин гапирдики, унинг соф, вўнғирек каби жарангдор овози ҳозир шивирлашдай эшитилди.— Ҳамиша аёл, гўзал аёл! Ҳамма аёллар гўзал... эркаклар учун гўзал. Улар оталаримизни севишган; улар бизга ҳаёт бағишлаганлар; биз уларни сева-миз; қизларини севсин ва уларни гўзалим деб атасин учун бизга ўғил туғиб берадилар — доимо шундай бўлган, ер юзида инсон ва инсоний муҳаббат мавжуд экан, доимо шундай бўлади.

Форга чуқур сукунат чўкди, Адолатпаноҳ ҳакам эса уз хаёллари огушига шўнғиди. Ниҳоят, гўзал метис қиз мулойимлик билан уни туртди ва ҳамон олдида тиз чўкиб турган пеонни эслашга мажбур қилди.

— Хукмим бундай,— деди кўр,— сен озмунча кал-так емагансан. Баданингга тушган ҳар бир калтак план-таторга қарзинг учун етарли тўлов бўлган. Сен озод-сан. Боравер. Аммо тоғда қол. Хотинларни севишинг ке-рак экан, умуман аёлларсиз эркаклар ҳаёти ҳаёт эмас экан, бу гал тоғлик аёлни сев. Бор, сен озодсан. Сен ярим майясан, шундайми?


— Ҳа, ярим майяман,— деди пеон.— Отам—майя.

— Урнингдан тур, кетавер. Майя отанг билан тоғда қол, тегге саНепе—Кордильерда туғилган кишининг жойи эмас. Сенинг плантаторинг бу ерда йўқ, бино-барин, уни суд қила олмаймиз. Плантатор плантаторли-гича қолади. Уннг дўстлари ўзларини озод билавер-синлар.

Адолатли судья ниманидир кутарди, Генри ҳам ку-тарди, сўнгра таклиф этилмай туриб олдинга юрди.

— Қотилликда айбланиб, ўлимга ҳукм этилган киши менман,— деди у дадил,— аммо мен одам ўлдирган эмасман. Улдирилган одам мен севган қизнинг амакиси эди, агар шу Кордильерда, шу ғорда ҳақиқатан ҳам адолат ҳукмрон бўлса, мен шу қизга уйланаман.

Аммо полиция бошлиғи унинг гапини бўлди:



— Бу сеньоранинг амакисига сени ўлдираман деб дўк қилганини йигирма киши қурган, эшитган. Бир со-атдан кейин эса бу грингони ҳали совиб улгурмаган мурда тепасида кўрдик.

— У тўғри гапиряпти,— деб тасдиқлади Генри.— Мен чиндан ҳам у кишига дўк қилган эдим. Иккаламиз ҳам қизикқонмиз, бунинг устига вино ичиб олган эдик. Ҳали совимаган мурда тепасида турганимда жандармлар етиб келишган. Лекин уни мен ўлдирган эмасман. Тун қоронғисидан фойдаланиб орқасига қайси бир кўрқоқ пичоқ санчганини билмайман, тасаввур ҳам қилол-майман.

— Сўроқ қилишим учун иккалангиз ҳам тиз чў-кинг,— деб буюрди Кўр қароқчи.

У сезгир ва синчков бармоқлари билан узоқ сўроқ қилди. Бу бармоқлар иккала эркакнинг юзларини узоқ пайпаслади; кўр томир уришини ҳам қурди — шунга қарамай бирор хулосага келолмади.

— Бу ишда хотин киши аралашганми?—деб тўғри-сини сўради у Генри Моргандан.

— Ҳа, гўзал бир аёл. Мен уни севаман.

— Муҳаббат қалбингга чанг солгани жуда яхши, чунки аёл кишини севаган эркак чинакам эркак эмас,— такаббуруна деди Кўр ҳакам. Сўнг полиция бошлиғига мурожаат қилиб қўшиб қўйди:—'Мана, сенинг юрагингни аёл киши жароҳатлаган эмас, шунга қарамай, сени ҳам нимадир эзяпти. Бу одам тўғрисида эса,—Генрини кўрсатди,— унинг қалбини фақат аёл кишига бўлган туйғу жароҳатламаган бўлса керак. Балки бунга қисман ўзинг айбдордирсан, балки қисман унинг сенга қарши қора ниятидан ғазабланаётганинг сабабчи-дир. Иккалангиз ҳам туринг. Мен сизларга ҳакамлик қилолмайман. Аммо бехато жавоб берадиган бир усул бор: бу'Қуш ва Илон синовидир. Худо қанчалик гуноҳ-дан холи бўлса, бу усул ҳам шунақа, чунки у адолатни тиклайди. Блэкстон ҳам, илоҳий суд билан синаш ҳақи-қатни аниқлашга ёрдам беради, дейди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

Кўр қароқчи мулкининг қоқ ўртасида чуқурлиги ўн газ, эни ўттиз газ келадиган, буқалар жанги учун кичик майдончага ярайдиган чуқурлик бор эди. Туби текис,



шевори тик бу чуқур табиий равишда ҳосил бўлган ва табиатнинг мукамал асари эдики, уни поёнига етказиш учун инсон қўл ҳам урмаган эди. Қароқчилар, планта-торлар ва жандармлар — Адолатпаноҳ ҳакам билан метис қиздан бошқа ҳамма шу ерда эди; ҳаммалари буқа-лар жанги ёки гладиаторлар жангига тўпланган томо-шабинлар сингари чуқур чеккасида турардилар.

Уларни асир олган кекса сардорнинг ишораси билан Генри ва полиция бошлиғи энсизгина нарвондан чуқур-га тушишди. Уларнинг орқасидан сардор ва бир неча қароқчи тушишди.

— Ҳозир нима бўлишини худонинг ўзи билади,— ку-либ деди Генри, тепада қолган Леонсия билан Френ-сига инглизчалаб.— Лекин бу ҳаёт-мамот кураши булса, чалиш, тишлаш ва мармиз Куинсбери ёки Лондонда-ги соврин жанглари қоидаси бўйича бокс қилишга рух-сат этишса мистер мешкорин шеф менинг ўлжам бўлади. Дарвоқе, чол ақлли, бу олишувда имкониятларимиз тенг бўлишининг чорасини кўрар албатта. Бундай қи-лағимиз: агар шеф мендан устун келеа, сизлар менинг та-рафдорларим бўлганингиз учун бош бармоғингизни кў-тариб, овозингизнинг борича бақиринглар. Шубҳа қил-масаларингиз ҳам бўлади: агар мен уни енгсам, унинг тўдаси бошбармоғини тик қилади.

Чуқур ёмон таассурот қолдирган полиция бошлиғи отряд сардорига испан тилида мурожаат қилди.

— Мен бу одам билан олишмайман,— деди Мариано Верхара-и-Ихос.— У мендан ёш, бакуватроқ. Ундан ке-йин, бу адолатдан эмас. Панама республикаси қонунига мувофиқ бундай суд қилмайдилар. Мен эса Кордильер-нинг Панамадан мустақиллигини ва бундай қонунга хи-лоф ишларини тан олмайман.

— Бу Илон ва Қуш синови,— деб унинг гапини бўл-Ди сардор.— Сен Илон бўласан. Қўлингга манави мил-тикни тутқизишади. Бу киши Қуш бўлади. Унга қўнғи-роқ бериб қўямиз. Қара! Синов қанақа бўлишини хо-эир тушуниб оласан.

Унинг буйруғи билан қароқчилардан бирига милтик бериб кузини боғлаб қўйишди. Кўзи боғланмаган бош-қа қароқчига қўнғироқ тутқизишди.

— Милтикчи киши — Илон,— деди сардор,— У Қуш-га — қўнғироқчи кишига қарата бир марта ўқ узишга ҳақли.



Унинг ишораси билан иккинчи қароқчи қўнғироқ уш-лаган қўлини чўзди, жиринглатди ва дарҳол ўзини бош-қа жойга олди. Биринчи қароқчи қўнғироқ овозига қу-лоқ солиб туриб, тахминан нишонга олди ва отаётган-дек ҳаракат қилди.

— Тушунарлими?— деб сўради отряд сардори Генри билан унинг рақибидан.

Генри бунга жавобан бош ирғаб қўяқолди, полиция бошлиғи эса мамнунлигидан овози бўғилиб «итоб қилди:

— Мен Илон бўламанми?

— Ҳа,— деб тасдиқлади сардор.

Полиция бошлиғи эндиликда Кордильернинг муста-қиллиги ва бундай суднинг қонунсизлигига қарши но-розилик билдириб ўтирмай, шошилиб милтикни олди.

— Хўш, мени ўлдиришга ҳаракат қиларканлар-да, а?— деди Генри дўқ уриб.

— Иўк, сеньор Морган. Ҳаракат қишайман, тўппа-тўғри ер тишлатиб қўяқоламан. Панамада иккита ях-ши мерган бор, шулардан бири менман. Мерганлигим учун қирқдан зиёд медаль олганман. Мен кўзимни юмиб туриб отишим мумкин. Мен қоронғида ҳам кўп отардим, отгандаям ўқим хато кетмасди. Хуллас, ўзингизни нариги дунёда деяверинг.

Милтик ўқдонига битта ўқ жойлашди, сўнгра полиция бошлиғининг кузини боғлаб, қўлига милтикни тут- қизишди ва ҳозирча девор томонга қараб туришни бу-юришди. Генрига унинг турган жойини хоинона билди-радиган қўнғироқни бериб, карама-қарши томонга қў-йишди. Сўнг қароқчилар чуқурдан чиқишиб, нарвонни ҳам тортиб олишди, уларнинг сардори юқорига чиққач, огоҳлантирди:

— Диккат билан кулоқ солинглар, сеньор Илон, га-пимни эшитиб бўлмагунча жойингиздан жилманг. Илон-нинг битта ўқи бор. Унинг кўзи боғланган латтани жил-диришга ҳаққи йўқ. Агар жилдирадиган бўлса, уни дарҳол ўлдиришга мажбуримиз. Лекин Илоннинг ихтиё-рида вақт кўп. У битта ўқини узгунча бугун кечгача, тун билан, умуман хоҳлаганича пойлаши мумкин. Қуш-га келганда эса — қўнғироқнинг жиринглашини тўхта-тиш учун унинг тилига тегмаслиги керак. Агар қуш бу қоидани бажармаса ўша заҳоти ўлдирилади. Биз тепа-да, устиларингизда турибмиз, сеньорлар, қўлимизда




милтик, кимки коидани бузса, ўша ондаёқ ўлдирилади. Ана энди бошланглар! Худо бегуноҳга ёр бўлсин!

Полиция бошлиғи оҳиста ўгирилиб, кулоқ солди: Генри бўшашиб четга бир қадам қўйган эди, кўнғироқ. жиринглаб кетди. Милтикнинг учи дарҳол кўтарилиб, нишонга ола бошлади. Генри чуқурда у ёқдан-бу ёққа югурди, милтикнинг оғзи уни таъкиб қиларди. Генри кўнғироқни бир қўлидан йккинчисига олди-ю, ўзи четга ташланди — милтикнинг оғзи ҳам бурилиб, яна унга тўғриланди. Амма полиция бошлиғи бир ўкни тасоди-фан отиб сарфлаб қўядиган соддалардан эмасди, у оҳиста ва эҳтиётлик билан чуқурни кесиб ўта бошлади. Генри қимирламай қолди, кўнғироқ ҳам жим бўлди. Полиция бошлиғининг тийрак қулоғи кумушдек жиринглаш сўнгги марта эшитилган жойни шу қадар аниқ белгилаб олға эдики, кўзи боғлиқ бўлишига қарамай, тўғри Генри томонга юрди ва унинг ёнгинаси-га, худди кўнғироқ чўзиб ушлаб турган қўли остига келиб қолди. Генри ғоят эҳтиёткорлик билан, бирор шарпа чиқармасликка тиришиб, қўлини сал юқори кўтарди ва рақибни унинг қўли остидан кўнғироққа тегай-тегай деб ўтиб кетди.

Полиция бошлиғи милтикни ўқталганча девордан ярим газ берида иккиланиб тўхтаб қолди, бир дақиқа кулоқ солди, сўнг яна бир қадам қўйган эди, милтикнинг учи деворга такалди. Дарҳол орқасига ўгирилиб, кўрлардай рақибини кидириб, милтик билан ҳавони пайпаслай бошлади. Генри шошилиб четга сакраб, кўн-ғироқни тўхтовсиз жиринглади, ўзини ҳар томонга таш-ламаганда милтикнинг учи Генрига албатта такалган бўларди.

Генри чуқурнинг ўртасида тўхтаб, қимирламай турди. Унинг рақибни бир метрча ёнидан ўтиб, қарши деворга бориб такалди. Шундан сўнг у мушук каби оҳиста қадам ташлаб, милтик билан икки ёнини тинимсиз пай-паслаб, девор бўйлаб юра бошлади. Кейин чуқурни у томонидан-бу томонига бир неча бор кесиб ўтиб, Генри-ни топа олмади. Кўнғироқ жим турарди. Шундан сўнг полиция бошлиғи мугомбирона бир усулни қўллади. Қи-диришни қаердан бошлаганини белгилаб қўйиш учун шляпасини ерга ташлади ва энг яқин масофадан чуқурни кесиб ўтди, девор бўйлаб уч қадам ташлагач, чуқурнинг кенгрок жойидан кесиб ўта бошлади. Девор бўй-



лаб яна уч қадам ташлади-ю, олдинги ўтган икки чизи-ғи бир-бирига параллеллигини шляпасининг қаердалиги-га қиёслаб текшириб, сўнг шляпадан девор бўйлаб яна уч қадам ўлчада-да, чуқурни учинчи жойидан кесиб ўта бошлади.

Генри у жанг майдонини қандай текшираётганини кўриб, ишлар пачава, душман билан тўкнашувдан қу-тулиб бўлмади, деб ўйлади. У душман топиб олгунча кутиб ўтирмади. Кўнғироқни жиринглади, уни бир қў-лидан иккинчисига олиб, чуқур ичида у ёқдан-бу ёққа юрди, сўнг бошқа бир жойда қимирламай қолди.

Полиция бошлиғи душманини топиш учун машақ-катли кидирувни бошлади, лекин Генри асаб торларини ларзага солувчи бу ўйинни чўзиш ниятида эмасди. У полиция бошлиғи сўнгги чизиқдан ўтиб, унга юзма-юз келгунча кутиб турди. Милтикнинг оғзи нақ юрагидан бир неча қарич олдинда кўкраги баравар кўтарилиши-ни кутиб турди-да, милтик ўзидан юқорида қолиши учун дарҳол ўтириб, овозининг борича бақирди:

— Ут оч!

Бу шу қадар тўсатдан бўлдики, полиция бошлиғи беихтиёр тепкини босди ва ўқ Генрининг боши устидан визиллаб ўтиб кетди. Юқорида қарсақлар янгради, қароқчилар олқишлашаётган эди. Полиция бошлиғи кўзидаги рўмолни олиб ташлаб, рўпарасида кулиб турган Генрини курди.

— Жуда соз, худо ўз хохишини билдирди,— деб эълон қилди қароқчилар саркардаси, чуқурга тушаётди.

— Уқ тегмаган одам бегуноҳ. Энди бошқасини синаш қолди.

—Меними?—деб чинқириб юборди кўрқувдан ва бундай бўлишни кутмаганидан саросимага тушиб қолган полиция бошлиғи.

— Табриклайман, шеф,— деди Генри истехзо билан.

— Сиз чиндан ҳам мени ўлдиришга ҳаракат қил-дингиз.

Энди менинг навбатим. Милтикни бу ёққа бе-ринг.

Иши ўнгидан келмаганидан ва ғазабдан кўзьяга қон қуйилган полиция бошлиғи фақат битта ўқ солинганини унутиб, сўкинганча милтикни Генрининг кўкрагига қадаб тепкини босди. Милтик тепкисининг чиқиллагани эшитилди.

— Жуда соз,— деди сардор ундан милтикни тортиб



олиб, ўқлар экан.— Сенинг бу қилигинг ҳақида хабар қилинади. Синов давом этади: фақат худо ёрлакаган одам сен эмаслигинг кўриниб турибди.

Полиция бошлиғи майдонда қаерга яширинишини билмай, ночор амфитеатрдаги шафқатсиз кишиларга кўз олайтираётган ярадор буқа сингари юқорига қаради ва қароқчиларнинг милтиқларини, Леонсия билан Френсиснинг тантанали қиёфасини, жандармларнинг қи-зиқ.иш билан қараб турган башараларини ва буқалар жангини томоша қилаётган томошабинлар янглиғ кўз-ларига қон қуйилган плантаторларни курди.

Сардор милтиқни Генрига бериб, қузини боғлаётган-да, унинг жиддий юмилган лабларида хиёл табассум пайдо бўлди.

— Мен тайёрланиб бўлгунча нега уни деворга қа-ратиб қўймайсиз?— деб сўради полиция бошлиғи ва ғазабдан титраётган кўлида кумуш қўнғироқ жиринг-лади.

— Чунки у худога манзур одам,— деган жавоб эши-тилди.— У синовдан ўтди. Демак у хиёнаткорона иш тутмайди. Илоҳий суд синовидан утиш навбати энди сенга келди. Агар сен ҳаққоний, софдил одам бўлсанг, Илон сенга ҳеч қандай зарар етказолмайди. Худонинг иродаси шундай.

Полиция бошлиғи ўлжа ролидагига нисбатан овчи ролида чакқанроқ эди. У Генрининг рўпарасида қимирла-масликка ҳаракат қилиб турарди, лекин милтиқнинг оғзи унга яқинлаша бошлаши билан асаби дош бер-май кўли қалтираб, қўнғироқ жиринглаб кетди. Мил-тиқ деярли қимирламай .к<sup>ол</sup>Д<sup>и</sup> — милтиқ, оғзигина қўнғироқ товуши йўналишини аниқлаб, даҳшатли қимирлаб турарди. Полиция бошлиғи қўнғироқ жиринг-ламаслиги учун қалтироғини босишга беҳуда уринарди. Шундан сўнг шеф қўнғироқни четга отиб юбориб, ўзини муккасидан ерга ташладй. Аммо Генри гавдаси гурс этиб тушганини эшитиб, милтиқ оғзиня пасайтирди-да, тепкини босди. Полиция бошлиғи оғриқдан инграб юборди — ўк елкасини тешиб ўтган эди; у ўрнидан тўр-моқчи бўлганди, сўкинганча яна гуппа қулади ва лаъ-натлар ёғдирганча қолаверди.

Ҳаммалари яна оёғи остида метис қиз ўтирган Кўр қ-ароқчи суд қилган ғорга киришди.

— Яраланган, Иегга саНепге қонуни ҳақида кўп вайса-га"н мана бу одам Кордильер қонуни қанақа эканлигини энди билади. Унинг ҳаёти олтин ҳисобида ўнг минг доллар баҳоланади; агар бу пул келтириб берилмаса, у ху до берган умрининг охиригача шу ерда дарахт кесйб, сув ташиб юради. Менинг гапим тамом. Агар пул тўлан-маса, худо унинг умрини қирқиши турган гап.

Орага узоқ жимлик чўқди, шу вақтда жаҳл устида душманни ўлдиришдан қайтмайдиган Генри ҳам инсон-ни йўқ қилишнинг бу бадкор режасидан нафратланаёт-ганини яширолмади.

— Қонун шафқатсиз,— деди Адолатпарвар судья ва яна жимлик чўқди.

— Хун тўланмай ўлиб кетсин,— деди плантаторлар-дан бири.— У ит ва соткин эканлигини кўрсатди. Итга ит ўлими.

— Сен нима дейсан?— деб сўради Кур қароқчи пе-ондан.— Шунча калтак еган пеон, бугун қайта туғил-ган одам, гўзал аёллар ихлосманди, сен нима дейсан? Унга хун тўлашни истамаётганликлари учун ит азобида ўлиб кетиши керакми?

— У шафқатсиз одам,— деди пеон.— Лекин мен бугун нима учундир кўнгишчан бўлиб қолдим. Агар ўн минг доллар пулим бўлганда, унинг учун ўзим хун тўлаган бўлардим. Эй улуг зот, адолатпаноҳ, агар икки юз эллик песо пулим бўлганда эди, ҳозир мени плантатордан озод қилган бўлсалар ҳам, унга қарзимни тўлаган бўлардим. Сўкирнинг юзи ички бир нур билан ёришгандек бўлди.

— Бугун сен гапираётган гапларни худонинг ўзи кў-нглинга солган, эй дунёга қайта келган одам, деб маъқуллади у.

Аммо шу дақиқада Френсис чек дафтарига нималар-ни'дир ёзиб, ҳали сиёҳи қуримаган чекни метис қизга узатди.

— Менга ҳам сўзлашга ижозат этинг,— деди у.— Бу одам аблаҳ, ит азобида ўлишга лойиқ бўлса ҳам — май-ли, у ўлмасин, кунини кўрсин.

Метис қиз чекка нималар ёзилганини овоз чиқариб ўкиди.

— Изоҳ бермай қўяқол,— Кўр қароқчи Френсис ни-мадир демоқчи бўлганини сезиб, уни тўхтатди.— Мен унчалик нодон эмасман, Кордильердан бошқа жойлар-'





ни ҳам кўрганман. Мен Барселона шаҳрида савдо маъ-лумоти олганман. Нью-Йоркдаги «Кемикл нейшнл» бан-кини биламан, бир вақтлар ўз вакилларим орқали шу банк билан алоқа қилганман. Бу ўн минг долларга ёзилган чек. Бунни ёзган одам бугун ҳақ гапирди. Чек-нинг хатоси йўқ. Бунинг устига у банкка мана шу чекка пул берилмасин: деб хабар қилмаслигига ишонаман. Уз душмани учун хун тўлайдиган киши жуда сахий ёки I жуда аҳмоқ, ёки бўлмаса, жуда бадавлат бўлиши ке-рак — учаласидан бири. Ҳой инсон, менга айт-чи, бунга гўзал аёл айбдор эмасми?

Френсис ўннга ҳам, сўлга ҳам — на Леонсияга, на Генрига — қарашга ботинолмай, тўғри Кўр қароқчининг юзига тикилганча жавоб берди, чунки бошқача жавоб бера олмасди:

— Ҳа, Адолатпарвар судья, бунга гўзал аёл айбдор.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ


Токка кетаётганларида қароқчилар бандиларнинг кузини боғлаган жойда ҳамма тўхтади. Бу тўда хачирга минган ва кўзи боғланган Леонсия, Генри ва Френсисни, кўзи боғланган, аммо пиёда бораётган пеонни кўриқлаб кетаётган" бир неча қароқчидаи иборат эди. Улардан ярим соат олдин шундай соқчилар билан плантаторлар, Торрес, полиция бошлиғи ва унинг жандармларидан иборат бошқа тўда ўтиб кетди.

Қароқчилар кекса сардорининг ижозати билан ҳозир озод қилиниши лозим бўлган асирлар кўзбоғичларини ечишди.

— Мен бу ерда бўлганга ўхшайман,— олдин курган жойини дарров таниган Генри шундай деб кулиб юборди.

— Нефть ҳалиям ёнаётганга ўхшайди,— деди Френсис ярми қора- тутун билан қопланган уфқни кўрсатиб.— Пеон, қилган ишингга бир қараб кўй! Чўнтагида бир қақаои йўқ қашшоқлар ичида сен мен курган энг катта исрофгарсан. Айтишларича, нефть қироллари маст бўлиб қолганларида минг долларлик пулга тамаки ўраб чекар эканлар, сен эса ҳар минутда бор миллион долларни ён-дирыпсан.

— Мен қашшоқ эмасман,— оирли қиёфада мағрур-лик билан деди пеон.



— Дулдур кийиб олган миллионер!— ҳазиллашди Генри.

— Пулларингни қаерда сақлайсан?—деб гапга кўшилди Леонсия.—«Кемикл нейшнл» банкида эмасми?

Пеон бу ҳазилларни тушунмади, лекин ўзи устидан кулаётганликларини фаҳмлаб, хафа бўлгандек қаддини ростлади-да, жим бўлиб қолди.

Шу пайт қароқчилар сардори гап бошлади.

— Бу ердан ҳар ким хоҳлаган томонига кетиши мумкин. Адолатпаноҳ шундай деган. Сеньорлар, сизлардан эгардан тушиб, хачирларни қайтариб беришингизни сўрайман. Сеньорйта эса хачирдан тушмасинлар, бу Адолатпаноҳнинг хонимга совғаси. У киши гўзал аёлнинг пиёда кетишига йўл қўймайдилар. Сиз иккалангизга эса, сеньорлар, пиёда юриш фойдали. Адолатпаноҳ айникса бадавлат сеньорга кўпроқ пиёда юришни тавсия галди. Бойлик шунга олиб келадики, деди у, одам пиёда юрмайдиган бўлиб қолади. Камдан-кам пиёда юриш эса семиришга олиб келади, аёллар эса семизларни унча хуш кўрмайдилар. Адолатпаноҳнинг доно сўзлари бу.

Пеонга эса у тоғда қолишни қатъий маслаҳат бера-ди. Бу ерда у гўзал аёлни топади, агар у хотин кишига меҳр қўймоқчй экан, яхшиси уз қабиласидаги аёллардан бирини севгани маъкул. Водийдаги аёллар водийдаги эркакларга, Қордильер аёллари эса Кордильер эркакларига аталган. Худо қон аралашувини ёқтирмайди. Ха-чир дунёдаги энг хунук ҳайвон эканлиги бежиз эмас. Еруғ дуне қабилаларнинг аралашиб кетиши учун яра-тилган эмас — буларнинг ҳаммаси одамларнинг уйдир-маси. Ирк нақадар тоза бўлмасин, улар аралашганидан кейин софликдан асар қолмайди. Сув билан нефть кў-шилмайди. Табиатнинг ўз қонунлари бор. Адолатпаноҳ худди шундай деди, мен унинг гапларини такрорладим, холос. Менга яна шуни айтишни буюрди: нима деганини яхши билади, чунки ўзи ҳам бир вақтлар гуноҳ қилган экан.

Бу сўзлардан англо-сакслар — Генри билан Френсис ҳаяжонланиб саросимага тушиб қолишди. Латин Аме-рикаси фарзанди Леонсия ҳам чакана ҳаяжонланмадя. Албатта, Леонсия ўзи севган йигитларнинг ҳар бирига, агар улар ёнма-ён турмаганларида, нигоҳи билан Адолатпаноҳнинг бу гапига қўшилмасликни айтган бўлар-ди; ҳар қайсиси қиз билан ёлғиз бўлганда, иккаласи



хам бу фикрга қўшилмаслигини баралла айтган бўлар-ди. Шунга қарамай, иккалаои ҳам кўнглида Кур қарок-чи ҳақ эканлигини тан оларди. Бундан уларнинг кўнгли хира тортиди.

Утлар орасидан эшитилган шитирлаш уларнинг фик-рини чалғитди: касалдан турган плантатор бир неча суворий ҳамроҳлигида тоғ ёнбағридан отлари қоқиниб, сирганиб, тушиб келишарди. Плантатор ҳақиқий идаль-голардай Соланонинг кизига эгилиб таъзим қилди, сўнг Генри билан Френсиснинг Энрико Соланонинг меҳмони эканлигини ёдида тутиб, улар билан ҳам қўл учида бўлса-да, анча эҳтиром билан сўрашди.

— Олижаноб отангиз қаердалар?—деб сўради у Ле-онсиядан.— Унга хушхабар келтирдим... Сиз билан сўнги марта учрашганимиздан сўнг — бунга ҳам бир ҳафта бўлди — безгагим тутиб, бир неча кун кимирла-май ётдим. Лекин Бокас-дель-Торога чопар юбордим; шамол қулай томондан эсиб тургани туфайли чопар Чи-рикви кўрфазидан тез ўтиб, белгиланган жойга етди, Бо-кас-дель-Торо полицияси бошлиғи менинг яқин дўстим. Шу туфайли ҳукумат радиоси орқали Панама президенти билан алоқа боғлади. Президент ҳам менинг эски дўстим, Колондаги мактабда бирга ўқиганмиз, битта хонада бирга яшаганмиз, ўшанда бир-биримизнинг бур-нимизни неча марталаб лойга тикқанмиз. Президентдан жавоб келди, ҳамма иш жойида; одил суд Сан-Антонио полицияси бошлиғининг ҳаддан ташқари, шу билан бирга мақтовга лойиқ ғайрати сабабли чалғитилган, Эн-ди ҳаммаси унутилди ва кечирилди, олижаноб Солано оиласи америкалик олижаноб дўстлари билан бирга қо-нуний асосда сиёсий таъқиб этилишдан қўрқмай уйга қайтишлари мумкин...

Плантатор ўз нутқини тасдиқлаш учун Генри билан Френсисга таъзим қилди. Лекин шу пайт тасодифан Леонсия орқасига яшириниб олган пеонни кўриб қолиб, кўзларида тантана учқуни порлади.

— Эй худо, минг марта шукур сенга, мени унутмаб-сан!—деб хитоб қилди плантатор ва ҳамроҳ бўлиб келган дўстларига қараб илова қилди:—Қарзини тўламай қочиб кетган виждонсиз, миясиз ҳайвон ана. Ушланглар уни! Уни шундай савалайки, бир ойгача ўрнидан турол-:ай ёгсин!

Плантатор от жиловини бир тортиб сакратиб, Лёон-

сийЯнинг хачири орқасига ўтиб олди, лекин пеон ҳам эпчиллик билан от тумшуги тагидан шўнғиди ва бошқа плантатор от суриб йўлини тўсиб чиқиб йикитиб юбор-маганда сўзсиз ўрмонга қочиб кетган бўларди. Бундай йшларга ўрг'аниб қолган плантаторлар дарров бечора-ни бир силтаб оёққа турғизишди-да, қўлларини орқаси-га қайириб боғлаб, арконни.нг бир учи билан бўйнини боғлашди.

Френсис билан Генри бараварига қаршылик кўрса-тишди.

— Сеньорлар,— деб жавоб берди плантатор,— менинг Соланоларнинг олижаноб оиласига ҳурматим шун-чаликки, бу оила ҳомийлигида бўлган сизларга ҳам ҳар қанча хизмат бўлса бажаришга тайёрман. Сизларнинг соғ-саломатлигингиз ва тинчлигингиз мен учун муқад-дас. Сизларни ҳар қандай офатлардан ҳимоя қилиш учун кўксимни қалқон қилишга тайёрман. Буюринг — хизматингизга тайёрман. Менинг уйим, мол-мулким ҳам сизнинг ихтиёрингизда. Лекин пеонга келганда — бу бошқа масала. У сизники эмас. У менинг пеоним, план-тациядан қочиб кетган қарздор пеон бу. Сиз мени тушу-насиз ва кечирасиз, деб умид қиламан. Бу хусусий мулк масаласи. У эса менинг шахсий мулким.

Генри билан Френсис саросимага тушиб, ҳайрон бў-либ бир-бирига қарашди. Мамлакатнинг қонуни шунақа эканлигини улар яхши билишарди.

— Адолатпарвар судья менинг қарзимни кечди — шу ердагиларнинг ҳаммаси бунга гувоҳ,— деди пеон эши-тилар-эшитилмас.

— Тўғри гапиряпти. Адолатли судья унинг қарзини кечди,— деб тасдиқлади Леонсия.

Плантатор киноя билан таъзим қилди.

— Лекин пеон мен билан шартнома тузган,— деди ўша истехзо билан.— Ким экан ўша Кўр қарокчи, менинг плантациямда аҳмоқона қонун ўрнатадиган, мени ўзимга тегишли икки юз эллик песодан маҳрум қила-диган?

— Бу гап ҳам тўғ\*ри, Леонсия,— деб тасдиқлади Генри.

— Ундай бўлса мен Кордильерга қайтиб кетаман,— деди пеон.— Ҳой Адолатли судья жангчилари, мени Кордильерга бирга олиб кетинглар!

Лекин саркарда бош чайқади.



— Биз шу ерда сени қўйиб юбордик. Шу билан биз-нинг ваколатимиз тугади. Энди бизнинг ҳеч қандай ҳуқуқимиз йўқ. Ҳамма билан хайрлашиб, қайтиб кети-шимиз қолди, холос.

— Тўхтанглар!—деб хитоб қилди Френсис, чек даф-тарини олиб нимадир ёзар' экан.— Бир минут сабр қи-линг. Ҳозир мен пеон учун қарзини тўлайман. Лекин ке-тишингиздан олдин сизлардан бир илтимос қилмоқчи-ман.— У плантаторга чекни узатар экан, илова қилиб қўйди:—Валюта алмаштиришга ўн песо қўшиб қўйдим.

Плантатор чекка қаради, уни чўнтагига яширди ва бечора пеон бўйнига боғланган арқоннинг учини Френ-сисга тутқазди.

— Энди пеон сизники бўлди,— деди у.

Френсис арқонга қараб хахолаб кулиб юборди.

— Буни қаранглар! Мен қулдор бўлиб қолдим. Эй қул, сен меникисан, менинг шахсий мулкимсан, тушу-нарлими?

— Ҳа, сеньор,— эҳтиром билан деди пеон.— Уша хо-тинга муҳаббатим туфайли аклимни йўқотиб, ўшани деб озодлигимдан кечганимда, худо ўшандан буён пе-шанамга кимнингдир шахсий мулки бўлишни ёзиб қўй-ган экан. Бошқа қабиладан бўлган аёлни севиб қолга-ним учун худо мени жазолади.

— Сен дунёда хамиша гўзал ҳисоблаб келишган аёл-лар туфайли қулга айлангансан,— деди Френсис пеон-нинг қўли боғланган арқонни кесаётиб.— Энди сенга ўзингни совға қилдим,— шундай деб бўйнига чирмаш-ган арқоннинг учини пеоннинг қўлига тутқазди.— Энди ўзингга ўзинг хўжайинсан. Эсингда тут: бу арқонни ҳеч қачон ҳеч кимга бера кўрма.

Шу воқеалар бўлаётган паллада баланд бўйли, ориқ чол қаердандир пайдо бўлиб қолди. Унинг қуриб-қовжи-раган териси остидаги қовурғалари саналиб турарди. У ҳақиқий майя қабиласидан бўлган хинди эди. Агар бе-лидаги лунгини ҳисобга олмаса, у кип-яланғоч эди. Та-ралмаган сочлари мумиё каби қуриб қолган ва суякдор юзига патила-патила бўлиб тушиб турарди. Оёқ-қўлла-ридаги мушаклари халта бўлиб осилиб қолганди. Қий-шиқ оғзида бир неча синган тиши кўринар, чакаклари ичига кириб кетган, кўзлари эса ичига тортган, аммо икки қора мунчоқдек кўзлари безгак бўлган кишининг кўзларидай олов бўлиб порларди.

у тўпланиб турган одамлар орасидан илондай сир-ганиб ўтиб, қоқ суяк қўллари билан пеонни қучоқлади.

— Бу менинг отам,— деди пеон фахрланиб.— Унга бир қаранглар. У ҳақиқий майя, қабиланинг ҳамма сир-ларини билади.

Топишган ота-бола бири қўйиб-бири янгиликлардан гаплашиб турганда Френсис қароқчилар сардоридан тоғ орасида адашиб юрган Энрико Солано билан ўғиллари-ни топиб, уларга энди қонун уларни таъқиб этмаслиги-нн, уйларига қайтишлари мумкинлигини айтиб қўйишни илтимос қилди.

— Улар ҳеч қандай ёмонлик қилишмаганми?— деб сўради^сардор.

— Йўқ, ҳеч қандай,— дея ишонтирди Френсис.

— Яхши. Уларни дарҳол топишга ваъда бераман, чунки уларнинг қаёққа қараб кетганлари бизга маълум. Уларни орқангиздан соҳилга юборамиз.

— Ҳозирча меникига марҳамат қилинлар,— плантатор хурсандчилик билан таклиф қилди. — Шантанним яқинидаги Хучитан қўрфазида юк кемаси лангар ташлаб турибди, яқин орада Сан-Антониога жўнаши керак. Олижаноб Энрико билан ўғиллари Кордильердан тушгунларича кемани тўхтатиб туришим мумкин.

— Френсис эса кеманинг бекор турган вақти учун ҳақини тўлайди,— деб кесатиб ўтди Генри, буни Леои-сия сезди-ю, лекин Френсиснинг ўзи сезмади.

— Албатта тўлайман,— деди у хурсандчилик би--лан,— чек дафтары ҳар қандай жойда асқотишининг яна бир далили бу!

Ҳамма қароқчилар билан хайрлашгандан кейин, пеон билан унинг отаси- атрофилжиларни ҳайратга солиб, Морганларнинг орқасидан қолишмади, ҳамма билан биргаликда ёнаётган нефть майдонлари орқали пастга тушиб, плантацияга — пеон неча йиллар қуллик азобини чеккан жойга келишди. Ота-бола ҳар қадамда Френсис, Леонсия ва Генрига садоқатларини изҳор қилишар-: ди. Шу вақт ичида улар кўп марта ўзаро узоқ ва куйноб\* пишиб гаплашишди. Энрико ва унинг ўғиллари планта-цияга етиб келиб, ҳамма кутиб турган кема томонга, қирғоққа қараб юрганда пеон билан отаси уларга эр-гашишди. Френсис хиндлар билан хайрлашмоқчи бўл-ган эди, лекин пеон улар ҳам кемага чиқишларини айтди.



— Мен кашшоқ эмаслйгимни айтган эдим,— деди пеон матрослар эшитмаслмги учун Морганлар билан Соланоларни бир четга тортиб.— Гапим тўғри. Конкнс-гадорлар ҳам, инквизация монахлари ҳам тополмаган майя қабиласи хазинаси қаердалигини биламан. Мен унинг хазиначисиман. Тўғриси— менинг отам хазиначи, У майянинг сўнгги бош қоҳини. Отам билан кўп гаплаш-дик ва бойлик ҳаётдаги энг муҳим нарса эмас, деган қарорга келдик. Сиз мени икки юз эллик песога сотиб олдингиз, лекин мени озод қилдингиз, ўзимни ўзимга совға қилдингиз. Сиз бир инсонга ҳаёт бахш этдингиз, энди мен ўзимга ўзим хўжайинман. Мен шундай фикр-даман, отам ҳам шундай деб ўйлапти. Гринго билан испанлар учун энг асосий нарса бойлик экан, отам ва мен сизларни майя қабиласи хазинасига олиб борамиз: отам йўлни яхши билади. Токка Хучитандан эмас, Сан-Антониодан жўнаш керак.

— Отанг ҳақиқатан ҳам хазина қаердалигини биладими? Аниқ биладими?—деб сўради Генри ва Френсисга шу хазина туфайли кекса Морганнинг Бузоқ оролидаги хазинасини излашни ташлаб, қитъага ўтганлигини шипшиди.


Пеон бош чайқади.

— Отам ҳеч қачон у ерда бўлган эмас, унга нима кераги бор — унга бойлик даркор эмас. Ота, қадимги тилимизда нима ёзилганини бир кўрсат, уни тирик майялар орасида фақат сен ўқий оласан.

Чол лунгиси орасидан ифлос бўз халтани олди. Ун-дан чигал бўлиб кетган, ҳамма ёғи тугун қилинган ин-пичка чилвирга ўхшаш нарсани чиқарди. Лекин бу ҳа-қиқий чилвир эмас, ёғоч пўстлоғидан қилинган толалар бўлиб, шу қадар чириган эдики, қ.ўл тегиши биланоқ титилиб кетадигандек эди; ҳақиқатан ҳам чолнинг қўли тегиши биланоқ чиринди тўкила бошлади. Ҳинди қадимги майя тилида дуо ўқиб, тугунчаларни очишдан олдин уни баланд кўтариб, эҳтиром ила таъзим қилди.

— Тугун хат — қадим замондаги майялар ёзуви бу, лекин ҳозир уларнинг тилига ҳеч ким билмайди,— деди Генри оҳиста,— агар чол ўқишни унутмаган бўлса, бунта ишонса бўлади.

Тугунчалар Френсиснинг қўлига тутқазилди ва ҳамма уни қизиқиб томогаа қила бошлади. У катта ва ки-чик тугунчалар билан қопланган толалардан укувсиз-



ларча ясалган мўйқаламга ўхшарди. Толалар ҳам бир хил эмас, бири ингичка, бири йўғон, яна бири узун, бош-қаси қисқа эди. Чол эшитилар-эшитилмас қилиб тушу-ниб бўлмайдиган сўзларни айтиб, тугунчаларга қўл югуртириб чиқди.

— У ўқияпти!—деб хитоб қилди пеон тантана билан.— Тугунчалар бизнинг қадимги ёзувимиз, уни отам китоб ўқигандек ўқияпти.

Френсис билан Леонсия яхшироқ куриш учун энга-шиб, тасодифан сочлари бир-бирига тегиб кетди — икка-ласи ҳам сесканиб ўзини орқага олди, аммо кўзлари тўқнашди ва улар орасидан яна чакмоқ ўтгандек бўлди. Ҳиндининг гапларини берилиб тинглаётган Генри кеч нарса сезмади, у сирли тугундан кўз узмасди.

— Сен нима дейсан, Френсис?—шивирлаб сўради у.— Бу жуда катта бойлик! Бебаҳо бойлик!

— Мени Нью-Йорқда кутишяпти,— Френсис иккила-ниб қолди,— бирорта одам ёки ўйин-кулги эмас, иш қут-япти, — шошилиб қўшиб қўйди у, Леонсиянинг индамай таъна қилаётганини, унинг хафа бўлганини сезиб.— Менинг «Темпико петролеум» ва биржа бозори билан боғ-лиқ эканлигимни унутманглар; уларга қанча миллион ҳиссамни қўшганимни ўйлашнинг ўзи даҳшат.

— Ҳе, жин урсин сени!— деб хитоб қилди Генри.— Майя хазинаси одамлар оғзида юрганидан ўн баравар кам бўлгандаям сен, мен, Энрико — ҳар бпримизнинг улушимиз сенинг ҳозирги ҳамма бойлигингдан ҳам кўп бўлади.

Френсис ҳамон иккиланибтурарди. Энрико майя хазинаси ҳақиқатан ҳам бор деб ишонтира кетди. Леонсия эса пайт пойлаб туриб Френсиснинг қулоғига шивирлади:

— Нақотки, шунчалик тез жонингизга теккан бўлса... хазина излаш?

Френсис қизга синовчан назар ташлади, сўнг унинг қўлидаги қаллиғи берган совғага қаради-да, у ҳам секин жавоб берди.

— Мен сизни севсам, сиз эса Генрини севсангиз, бу ерда қандай қилиб қолишам мумкин?

У ўз севгисини биринчи марта очик изҳор қилди, Леонсия эса қалбида бирдан шодлик жўш урганганини сизди, сўнг бир вақтнинг ўзида икки кишини севган қиз ўзини ориятли ҳисоблай оладими деб ўйлади-да, қалбидаги





халиги шодликдан номус устун чиқиб қизариб кетди. Қиз ўз туйғусини синамоқчи бўлгандек, Генрига караган эди, қалби «ҳа» деб жавоб берди. У Генрини ҳам Френ-сисни севгандек чин муҳаббат билан севар, уларнинг ўхшаш томонлари қизга бир хил ёқимли бўлиб, ўхша-майдиган томонлари уни турлича ҳаяжонга соларди.

— Бокас-дель-Торога бориб, «Анжелика»га чиқиб жўнаб кетсам керак,— деди Френсис қизнинг қайлиғига.— Сизлар Энрико билан хазинани изланглар, топиб олёангизлар тенг бўлашиб оласизлар.

Пеон бу вапни эшитиб отаси билан ўз тилида тез-тез гаплашди-да, сўнг Генрига мурожаат қилди.

— Эшитдингми унинг нима деганини, Френсис,— де ди Генри муқаддас чилвирга қараб.— Биз билан бирга бормасанг бўлмайди. Чол ўғливи кутқариб қолганинг учун фақат сени рози қилмоқчи. Хазинани у бизга эмас, сёнга берапти. Агар сен бормасанг, биз учун ақалли битта тугунчани ҳам ўқимайди.


Лекин Френоисни қарорини ўзгартиришга Леонсия кўндирди — у йигитга индамай, маънос тикиларкан, ни-гоҳи: «Марҳамат, мен учун хўп денг!» деб турарди.

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

Бир ҳафтадан сўнг, бир куннинг ўзида Сан-Антонио-дан Кордильер тоғига учта экспедиция йўл олди. Би-ринчиси — хачирларга минган бўлиб, Генри, Френсис, пеон, унинг кекса отаси ва яна Солано плантациясидан олинган бир неча пеондан иборат эди. Ҳар бир пеон озик-овқат ва анжомлар ортилган хачирни етаклаб бо-рарди. Қекса Энрико Солано ёшлигида, еон-саноксиз ре-волюциялардан бирида қатнашганда теккан ўқнинг урни очилиб қолиб, сўнгги дақиқада сафарга чиқишдан воз кечишга мажбур бўлди.

Тўда Сан-Антонионинг асосий кўчасидан юриб, дево-рини Френсис портлатиб юборган ва маҳбуслар янги де-вор ураётган турма ёнидан ўтди. Экспедиция кўчада шошилмай келаётган Торресга дуч келиб қолди; у хо-зиргина Ригандан яна бир телеграмма олган эди. Бир тўда одамни бошлаб кетаётган иккала Морганни кўриб, уларга ҳайрат билан тикилди.

— Қаёққа кетяпсизлар, сеньорлар?— деб қичқир-ди у.



Ҳаммалари гўё қандай жавоб беришни олдиндан ке-лишиб олгандек, Френсис осмонни, Генри ерни, пеон ўнг томонни, унинг отаси чай томонни кўрсатди. Бундай ҳурматсизлик Торреснинг жаҳлини чиқарди, у ачитиб сў-кинди, аммо унинг сўқиниши ҳаммани кулдириб юбор-ди — хатто хачирларни етаклаб келаётган пеонлар ҳам кулишарди.

Торресни яна бир воқеа қутарди. Анча кейин, ҳамма уйкуга кетган пайтда у хачир миниб кетаётган Леонсия билан акаси Рикардони кўриб қолди. Улар ҳам юк ор-тилган бир хачирни етаклаб боришарди.

Учинчи экспедиция Торреснинг экспедицияси бўлиб, унда Леонсия экспедициясида қанча одам бўлса, худди шунча бўлиб, Торреснинг ўзи-ю, шу жойларда қотил деб ном чиқарган Хосе Манчено деган кишидан иборат эди. Торрес уни қандайдир бир ният билан Сан-Хуанда даҳ-шатли ўлимдан қутқариб қолган эди. Лекин Торрес бу экспедицияга чиққанида режалари чакана эмасди. Нақ Кордильер тоғининг этагида қару деган ғалати қабила яшарди. Бу қабила Африкадан қочган негр куллар ва Чивин Соҳилидан қочиб к'елиб, бу ерда ўрнашиб қолган қараиб кулларида бошланган бўлиб, улар водийдан қиз ўғирлаб келиб ҳамда ўзларига ўхшаган қочоқ кул аёл-ларга уйланар эдилар. Ҳиндлар яшайдиган юқори Кордильер билан водийдаги Панама давлати ўртасида жойлашиб олган бу ягона ўзига хос колония мустақил-лигини деярли тўла сақлаб қолган эди. Кейинчалик бу колонияга қочоқ испан маҳбуслари келиб қўшилгач, ирқ ва қабила бутунлай қурама бўлиб кетди ва қару халқи чор атрофга шундай ёмон ном чиқардики, ўша вақтдаги ҳукумат турли сиёсий найранглар билан банд бўлмаганда, бу қасофат уярини тугатиш учун қўшин юборган бўларди. Хосе Манчено худди шу қасофат уя-сида қотилликни ўзига касби-қор қилиб олган испан ота ва худди шундай қасб билан шуғулланувчи метис онадан дунёга келган эди. Альварес Торрес Томас Рига-ганнинг Уолл-стритдаги идорасидан келган буйруқни бажариши учун Хосе Манчено уни худди шу ерга бош-, лаб келаётган эди.

— Улар билан учрашиб зап омадимиз келдими,— де-ди Френсис Генрига олдинда бораётган майя қабиласи-нинг сўнгги қохинини кўрсатиб.





— Ҳа, лекин у жуда мункиллаб қолган,— деди Генри.— Узинг бир қарагин-а унга.

Олдинда бораётган чол муқаддас толаларни тасбеҳ каби ўгириб, тўхтовсиз пичирларди.

— Чол уни уқалаб юбормас деб умид қиламиз,— деди Генри чин кўнгилдан.— Толаларни ҳадеб титкилай-вермай, кўрсатгани бир марта ўқиб, эсда сақлаб қолса ҳам бўларди.

Улар, ўт-ўлану бутазорлар орасидан ялангликка чиқишди, чамаси кимдир бу ердаги дарахтларни кесиб, ўрмонни чекинишга мажбур қилган эди. Қуёш нуридан зарафшон осмонда яққол билиниб турган узоқ Бланко Ровало тоғи манзараси бу ердан кўринарди. Кекса ҳин-дихачирини тўхтатиб, бармоқлари билан муқаддас толаларни пайпаслади-да, тоғни кўрсатиб, испан тилини бузиб тушунтира бошлади:

— Бу ерда: «Худонинг товони изи тушган жойда Чиа кўзлари порлагунга қадар кутиб тур», дейилган.

У шундай деб битта толадаги ўзи ўқиган тугунчаларни кўрсатди.

— Уша из қани ўзи, чол?— сўради Генри оёқ тегмаган ўтларни кўздан кечираётди.

Чол ҳеч нарса демай, хачирни яланг оёқ товонлария билан никталаб, йўрғалатиб ялангликни кесиб ўтди-да, нариги томондаги чангалзорга кириб кетди.


— Худди из топган тозидек кетяпти,— деди Френсис буни кўриб.

Шу тарика улар ярим чақиримча юришди; чангалзор тугаб, суворийлар ён бағирлари қалин ўт билан қоп-ланган тоққа етиб келишди. Чол чуқурлиги бир газча келадиган, шакли улкан товон изига жуда ўхшаб кета-диган чуқурликка келгунча хачирни никталаб, тўхтат-май чоптириб бораверди. Бу чуқурга ўн икки киши бе-малол сиғарди.

— Худо товонининг изи,— тантанавор эълон қилди чол ва хачпрдан тушиб, ерга чўзилиб дуо ўқий бошлади, «Худонинг товони изи тушган жойда Чиа кўзлари порлагунга қадар кутиб тур»,— муқаддас тугунчалар шундай демокда.

— Жуда нонушта қиладиган жой экан!— деди Генри.— Ҳар хил мўъжиза олдидан овқатланиб олсак чак-ки бўлмасди.

— Агар Чиа монелик қилмаса,— кулди Френсис.



Чиа монелик қилмади, ҳар ҳолда кекса қоҳин ўз ту-гунчалари орасидан ҳеч қандай монелик топа олмади.

Ўрмон чеккаоиди хачирларни тушовлаб, яқиндаги ариқдан сув келтиришди. Товон изи ўртасида гулхан ёқишди. Кекса майя ҳеч нарса кўрмаган ва эшитмаган-дек, ўз тугунчаларини қайта-қайта ўгириб, тўхтовсиз дуо ўқирди.

— Фақат ақлдан озмаса бўлгани,— деди Френсис.

— Хучитандалигимиздаёқ менга кўзлари бежодек кўринган эди,— тан олди Генри,—Ана, ўзинг бир кара, кўзлари қанақалигини.

Аммо шу пайт инглизча ҳеч нарсани тушунмаса ҳам, гап отаси тўғрисида бораётганини фаҳмлаб, пеон гапга аралашди.

— Майяларнинг қадимий муқаддас жойларига кириш ҳам гуноҳ, ҳам хатарли. Бу ўлимга олиб борадиган йўл. Буни ҳеч ким билмаса ҳам отам яхши билади. Бу ерда кўп одамлар ўлиб кетган. Ҳаммаси тўсатдан даҳшатли ўлимга йўлиққан. Уларнинг орасида майя қоҳинлари ҳам бўлган. Отамнинг отаси ҳам шу тарика ўлган. У ҳам водийда яшайдиган аёлни яхши кўриб қолган. Шу муҳаббати туфайли майя сирини олтин эвазига сотган: хазина қаердалигини муқаддас тугунчалардан ўқиб билиб олиб, водийдаги кишиларни бошлаб борган. У ўлиб кетди. Уларнинг ҳаммаси ўлиб кетди. Отам қариб қолган, энди у водийдаги аёлларни севмайди. Ешлигида уларни жуда севарди, ҳатто гуноҳ ҳам қилган. Сизларви хазинага олиб бориш хавфли эканлигини у яхши билади. Майялар хазинани яширганлардан буён бир неча аср ўтган. Шу вақт ичида кўп одамлар уни топишга уриниб кўрганлар. Хазина яширинган жойга етиб борганларнинг б<sup>а</sup>рортаси ҳам қайтиб келмаган. Айтишларича, конкистадорлар ва инглиз Морганнинг қароқчилари хазинага етиб борган-у, суяқлари ўша ерда қолган.

— Отанг ўлгандан кейин ворислик қилиб сен ҳам майяларнинг бош қоҳини бўласанми?— сўради Френсис.

— Йўқ, сеньор,— пеон бош чайқади.— Мен тоза қон-ли.майя эмасман. Тугунчаларга қараб ўқишни ҳам бил-майман. Соф майя бўлмаганим учун отам менга ўқишни ўргатмади.

— Агар у ҳозир ўлиб қолса, майялар орасида тугунларга қараб ўқий оладиган бирор киши борми?



— Йўқ, сеньор. Отам — бу қадимги ёзувни билади-ганларнинг сўнггиси.

Леонсия билан Рикардо етиб келиб гап бўлиниб қол-ди. Улар хач-ирларини тушовлаб", ўтлаб юртан бошқа хачирларга қўшиб юбориб, ўзлари чуқур ёнига яқинла-шиб пастга чўчиб қарашди. Леонсияни кўриб, қувонга-нидан Генри билан Френсис яшнаб кетишди. Лекин у ви иккаласи ҳам таъна билан қаршилаб, бошлаб койиб бер-ди: улар Леонсиянинг Рикардо билан уйга қайтиб ке-тишиви талаб қилишди.

— Лекин овқат ҳам бермай қайтариб юбормассиз-лар!—хитоб қилди қиз ва жавобини кутмай, аёлларга хос ҳийлакорлик қилиб суҳбатни самимийроқ шароитда давом этдириш учун пастга сирғаниб тушди.


Уларнинг қаттиқ-қаттиқ гапиришлари кекса коҳинни дуо ўқишдан чалғитди ва у Леонсияга норозилик билан қаради-да, яна кучлироқ норозилик билан, майя тили-даги ғазабли нутқига испанча сўзлар ва жумлаларни аралаштириб унга ташланди.

— У, аёллар — мусибат, деяпти,— коҳин бир дақиқа тўхташи билан ўғли унинг сўзларини таржима қилди.— У айтяптики, аёллар туфайли эркаклар жанжал чиқа-раркан, пичоқ'кўтариб, бир-бирини ўлдираркан. Қаерда аёл бўлса — мусибат ва худонинг қаҳри ўша ерда экан. Улар худо йўлидан тойиб, одамни ҳалокатга олиб бо-раркан. У айтяптики — хотинлар худонинг ва эркаклар-нинг азалий душмани, у ҳамиша худо билан эркаклар ўртасини тўсиб тураркан. У айтяптики, хотинлар доимо худонинг амрини сусайтираркан, эркакларнинг илоҳият-га яқинлашувига тўсқинлик қиларкан, шу сабабли бу аёл кетсин, деяпти.

Френсис ичида котиб кулса ҳам, бу ғазабли нутқни маъқуллаб ҳуштак чалиб қўйди, Генри эса уни қайтиб кетишга қўндирмоқчи бўлди:

— Уйлаб иш қилинг, Леонсия! Гўзаллар ҳақида хин-дилар нима деяётганини эшитдингиз. Демак, бу ердан кетишингиз керак. Сизнинг жойингиз Калифорнияда. У ерда аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи бор.

— Ҳамма айб шундаки, чол ёшлигида бошига шунча мусибат солган хотинни ҳанузгача унутмаган,— деди Френсис ва пеон томонга бурилиб илова қилди:—Отанг-дан тугунчаларни ўқишни сўра-чи, унда худо товони изига хотинлар тушиши мумкин эмас дейилмаганмикин?



Мункайиб қолган коҳин ҳар қанча уринмаси, якспедицияда хотин кишининг қатнашишини тақиқлай-днган ҳеч нарса топмади.

— Мияси ачиб қолган,— тантанавор қиёфада кулди Френсис,— бошидан кечирганларини ривоятларга ара-лаштириб юборяпти. Менимча, ҳаммаси жойида, Леон-сия, биз билан қолиб, бирга овқатланишингиз мумкин. Кейин эса...

Лекин кейин юз берйши мумкин бўлган нарса ҳози-рок содир бўлди. Улар ерга ўтириб, энди овқатланиш-моқчи бўлишганда, Леонсияга тортильи<sup>1</sup> узатаётиб Френсис сал кўтарилган эдики, бошидаги шляпасини ўқ уш-риб кетди.

— Эҳ-хе!— деди у тез ўтириб олиб.— Манавини сов-ға деса бўлади! Қани, Генри, кара-чи, мени ким отмоқ-чи бўлдийкин.

Шу дақиқа қари хиндидан ташқари ҳамма чуқур-лик четига бориб, юқорига қаради. Улар тўрт тарафдан ғалати кийинган кишилар эмаклаб келаётганини кўриш-ди; юзларига ва танасининг рангига қараганда, улар маълум бир ирққа мансуб бўлмай,- ҳамма ирқлар қура-маси эди. Уларнинг юз тузилиши ва таналари рангини ясашда бутун инсоният оиласи иштирок этгандек эди.

— Махлуқнинг ўзи! Умрим бино бўлиб бунақасини кўрмагандим!— деб хитоб қилди Френсис.

— Булар қарулар,— кўркувдан қалтираётган пеон-нинг овози зўрға эшитилди.

— Кимлар улар, шайтон...— деб бошлади-ю, дарҳол ўзини тутиб олди Френсис:— Кечирасизлар мени, худо ҳақи айт, қарулар ўзи қанақа одамлар?

— Улар шайтонни.нт фарзандлари,— жавоб берди пеон.— Улар испанлардан баджаҳлроқ, майялардан даҳшатлироқ. Уларда эркаклар хотин олмайди, қизлар эрга тегмайди. Уларнинг ҳатто коҳини ҳам йўқ. Улар иблиснинг ўзи.'шайтонга даре беришади.

Шу пайт кекса майя ўрнидан туриб: «Мана, боши-мизга тушган мусибатнинг сабабчиси» дегандек айбни Леонсияга қўймоқчи бўлиб, унга ишора қилди. Уша за-мони елкасига ўқ тегиб ағдарилиб тушди.

— Уни энгаштир!—Генри Френсисга бакирди.— Ту-гунлар тилини ундан бошқа ҳеч ким билмайди. Чиа-

<sup>1</sup> Т о р т и л ь и — қуймоқ.



нинг кўзи — у нимаики бўлмасин, хали порлагани йўқ.

Френсис итоат этди: у чолнинг оёғидан ушлаб паст-га тортди, у суяк тўла копдек пастга қулади.

Генри елкасидан милтикни олиб, ота бошлади, бунга жавобан ўқ дўлдек ёға кетди. Бир минутдан кейин Ри-кардо, Френсис ва пеон Генрига қўшилиб ўқ узишди. Чол эса тугунчаларни ўлириб, чуқурликдан тепага, тоғ-нинг қояли ён бағри томонга мижжа қоқмай қараб ту-рарди.

— Тўхтанглар!—деб бақирди Френсис, аммо унинг овози отишма гулдуриси орасида эшитилмай кетди.

У ҳамроҳларининг ўт очишларини тўхтатиш учун эмаклаб, олдиларига боришга мажбур бўлди. У ўқ-до-риллар хачирларда эканини, шунинг учун ўқдонда қол-ганларини эҳтиётланг кераклигини ҳар кимга алоҳида-алоҳида тушунтирди.

— Эҳтиёт бўлинглар, ўқ тегмасин,— Генри ҳаммани огоҳлантирди.— Уларники эски пилталли милтик, ўқи тегадиган бўлса калладек тешик очиб қўяди.

Френсиснинг автомат тўппончасидаги бир неча ўқни ҳисобга олмаганда, бир соат ўтгач, сўнгги ўқ отиб бў-линди; шундан кейин улар қарулар пала-партиш ўқ узи-шаётган бўлса ҳам отишни тўхтатишди. Отишма нега тўхтаганини Хосе Манчено биринчи бўлиб сизди. У ўз тахминининг тўғри ёки нотўғрилигини билиш учун чуқур бўйига охиста эмаклаб келди ва камалдагиларнинг ўқи қолмади, энди уларни осонгина қўлга тушириш мумкин деб, шерикларига ишора қилди.

— Боплаб қўлга туширдикми, жаноблар,— заҳар-ханда билан деди у ўзларини муҳофаза қилаётганларга; бунга жавобан чуқурни ўраб олган қарулар хаҳолаши атрофни ларзага солди.

Лекин шундан кейинги воқеа театрларда парда очил-ганда бўладигани каби тасодифан юз берди. Қарулар бирдан орқаларига ўгирилиб, даҳшат билан бақирганла-рича қочиб қолишди. Улар ваҳимага тушиб, саросима билан қочганларидан милтиқларини ва мачетеларини ташлаб кетишарди.

— Бари бир сени ўлдираман, жаноб кузғун,— деб қичқирди Френсис, Манченони нишонга олаётди.

У тепкини босмоқчи бўлди-ю, ўйлаиб, шаштидан қайтди.

— Бор-йўғи учта ўқим қолди,— кечирим сўрагандек Генрига изоҳ берди у.— Бу мамлакатда учта ўқ қачон кўпроқ зарур бўлишини олдиндан билиб бўлмайди: «Мен буни сездим равшан, равшан», куйлади у.

— Қаранглар!—бақирди пеон отасини, сўнг узоқда-ги тоғни кўрсатиб.— Мана нега қочишган экан улар. Майяларнинг муқаддас жойлари ўлим билан таҳдид қилаётганини тушунишибди.

Кекса қоҳин оғзидан кўпик чиқиб, муқаддас тугун-чаларни ўғирар ва узоқдаги тоққа тикилиб турарди. Тоғ ён бағрида эса бир-бирининг ёнида икки ёрқин олов порларди.

— Бу Чианинг кўзлари, Чианинг кўзлари,— тақроп-лади пеон.— Отамнинг нима деганини эшитдиларинг-ку. У тугунчалардан: «Худонинг товони изи тушган жойда Чиа кўзлари порлагунга қадар кутиб тур», деган сўз-ларни ўқиганди.

Чол ўрнидан туриб, бошқача бир овоз билан ба-кирди:

— «Хазинани топиш учун кўзларни топиш керак».

— Жуда яхти, қария,— деди Генри уни тинчланти-риб ва кичик чўнтак компаси билан икки олов йўнали-шини белгилаб олди.

— Эҳ-хе, унинг бошида компас борга ўхшайди,— деди бир соатдан сўнг Генри, олдинда хачирда кетаётган кекса қоҳинни кўрсатиб.— Унинг йўлини компасга қа-раб кузатиб турибман, бирор табиий тўсикка дуч келиб, йўлини ўзгартса ҳам, кейин яна, худди магнит милидек, ўз йўлига тушиб оляпти.

Сайёҳатчилар худо товони изидан кетишлари биланоқ олов кўздан йўқолди. Афтидан, жой баланд-паст бўлга-ни учун олов ўша ердангина кўринарди. Бу ер чиндан ҳам нотекис: қуриб қолган сойлар ўзанидан кейин қоя-лар келар, ўрмондан ўтишгач, қум барханлари ва вул-қон кули излари қолган тошлоқ ерларга дуч кели-шарди.

Нихоят улар отлик юриб бўлмайдиган жойга етиш-ди; ҳайдовчиларни хачирлар билан бирга Рикардо му-тасаддилигида қолдириб, унга шу ерда кўнишни бую-ришди. Қолганлар буталар билан қопланган тик ён ба-ғирликдан бир-бирини тортиб, ердан чиқиб турган илДйзларга тирмашиб, тепаГа чиқа бошладилар. Қари



хинди ҳамон олдинда борар, у Леонсиянинг бирга бора-ётганини унутиб юборгандек эди.

Улар яна бир чақиримча юришгач, бирдан чол тақ-қа тўхтади-ю, худди илон чакиб олгандек, ўзини орқага ташлади. Воқеа бундай бўлган эди; Френсис хахолаб юборди, уни мазах қилаётгандек, қоялардан баланд-паст, бўғиқ акс-садо янгради. Майя қабиласининг сўнг-ги қоҳини шоша-пиша бармоқлари билан тугунчаларни пайпаслади, бир толани танлаб олди ва унинг тугунча-ларини икки қарра ўгириб чиқди-да:

«Худолар кулганда эҳтиёт бўл!»—тугунлар шундай демоқда,— деб изоҳ берди.

Генри билан Френсис бу акс-садо эканлигига кекса қоҳинни ишонтириш учун ярим соатча хахолаб кулиш-ди, бақирди.

Ярим соатдан сўнг йўловчилар қум барханларига етиб боришди. Чол яна ўзини орқага ташлади. Қумга қўйилган ҳар бир кадамдан хилма-хил овоз чиқарди. Одамлар юришдан тўхтаса, овозлар ҳам тинарди. Бир кадам қўйилса борми, қум яна куйлай бошларди.


— «Худолар кулганда эҳтиёт бўл!»— огоҳлантириб хитоб қилди чол.

У қумга бармоғи билан доира чизиб—у чизаётган-да қум увиллар, чийиллар эди — тиз чўқди, қум уввос солиб юборди. Пеон отасига қараб у ҳам гулдирётган доира ичига кирди, чол кўрсаткич бармоғи билан афсо-навий шакллар, белгилар чизар, қум эса ғижиллар, увиллар эди.

Бу ходисадан ўтақаси ёрилаётган Леонсия Генри билан Френсиснинг пинжиги бикинди. Ҳатто Френсис ҳам ваҳимага тушган эди.

— Акс-садо бўғиқ бўлади,— деди у.— Лекин бу ерда акс-садонинг ўзи эмас. Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Ростини айтсам, бу асабимга тегяпти.

— Бўлмаган гай!— Генри эътироз билдирди ва оёғи билан қумни титқилади: шовқин эшитилди.— Бу куйловчи қум. Бунақа қумни Гавай оролларида бири — Кауайида кўргандим, сизларни ишонтириб айтаманки, сайёҳлар учун ажойиб жой. Фақат бу ердаги қум тоза-роқ, овози дам кучлироқ экан. Олимлар бу ходисани изоҳлаш учун ўнлаб ғалати назарияларни тўқишган. Бу нақа ходиса ер қуррасининг бошқа жойларида ҳам бўлишини эшитганман. Бундай вазиятда қўлга компасни



олиб, қумни кесиб утиш керак. Бу ҳум вовилласа ҳам, бахтимизга, қопмайди.

Бироқ қоҳинни ўзи чизган доира ичидан чиқишга қўндириб бўлмади; ҳамма уринишларнинг натижаси шу бўлдики, дуо ўқишдан тўхтаб, майя тилида тушуниб бўлмайдиган сўзларни айтиб тўнғиллаб, уларга ғазаб билан дўқ қилди.

— У айтяптики,— деб таржима қилди ўғли,— биз гу-ноҳ иш қилибмиз, ҳатто қум ҳам ғазабланиб уввос сол-япти. У энди нари юрмайди. Чианинг даҳшатли мақо-нига боришдан кўрқяпти. Мен ҳам бормайман — бобом ўша ерда ҳалок бўлган, буни майяларнинг ҳаммаси би-лади. Отам, у ерда ўлиб кетишни хоҳламайман, деяпти, У: «Улиш учун ҳали ёшман», деяпти.

— Албатта, бор-йўғи саксонга кирган!— Френсис хахолаб кулиб юборди ва шу заҳоти қум барханларига урилиб, тарқалиб-сочилиб кетган акс-садонинг жоду каби гумбурашидан чўчиб, сесканиб кетди.

— Улиш учун ҳали Жуда ёш эмиш! Сиз вима дей-сиз, Леонсия? Улим тилашга ҳали сизга ҳам эрта бўлса керак?

— Қани, мен учун жавоб бер,— ҳазил билан жавоб қилди қиз ва оёғи билан қумга сал тегди, ундан таъна қилиб тин олганга ўхшаш овоз чиқди.— Бутунлай ак-синча, қояларнинг кулиши-ю қум уюмларининг вовил-лашидан юраги ёрилиб ўладиган даражада ёш эмасман. Яхшиси олдинга юрайлик. Ҳалиги оловларга жуда яқин келиб қолдик. Чол доира ичида қайтиб келишимизни кутиб ўтираверсин.

Қиз уларнинг қўлини қўйиб юбориб, йўл бошлади, Френсис билан Генри қиз кетидан юришди. Улар кадам қўйишлари биланоқ барханлар ўқирди, яқинроқдагиси пастга қуйилиб, уввос солиб, шиғиллаб кетди. Уларнинг бахтига Френсис ингичка пишиқ чилвир олволган экан.

Улар қумлар орасидан ўтиб, акс-садо янада кучли-роқ жойга етишди. Уларнинг қичқирғи олти ва ҳатто етти марта аниқ эшитиларди.

— Уҳ, жин ургур!—хитоб қилди Генри,— ерли халқ, бунақа жойдан кўрқини ажабланарли эмас!

— Эсингиздами, Марк Твенда акс-садо коллекцияси-ни тўплаган одам тасвирланган?— сўради Френсис.

— Биринчи марта эшитишим. Лекин майялар бу ерда яхшигина коллекция тўплаган бўлишарди. Хазинани



қаерга яширишни ўйлаб топишганини қаранг! Бу жой-лар қадим замонлардан бери, испанлар бу ерга келмай туриб, муқаддас ҳисобланган бўлса керак. Қадимги ко-ҳинлар бу ҳодисалар сирини билишган-у, оддий одам-ларга, буюк сир, ғайри табиий ходиса деб уқтиришган, Бир неча минутдан сўнг улар текис, очиқ жойга чи-қишди. Ерилган қоятош бу яланглик узра деярли оси-либ турарди; у ёғига бирин-кетин эмас, ёнма-ён кетиш-ди. Чор атрофда ер шунақа қаттиқ қобиқ билан қоп-ланган эдики, қаердадир дарахтлар ўсишини, ўт-ўланлар кўм-кўк бўлиб турганини тасаввур қилиш қийин эди. Ҳа-яжонланган ва қувноқ Леонсия эркакларнинг кўнглини ранжитишни истамай, иккаласининг ҳам кўлидан ушлаб борарди. Улар беш кадам юрмаёқ қобиқ ёрилиб, икка-ласи—Генри билан Френсис бараварига тиззасигача қумга ботиб кетди, улардан кейин Леонсия ҳам ботиб қолди.

— Ҳа, жин ургур!—тўнғиллади Генри.—Бу ер чиндан ҳам иблиснинг макони экан!

Шивирлаб айтилган бу сўзларни атрофдаги қоялар олиб олиб, улар ҳам шивирлаб, тўхтовсиз такрорлай бошлади.

Леонсия билан унинг ҳамроҳлари аҳволлари нақа-дар хавфли эканлигини, дарров тушуна олмадилар. Қумдан чиқишга уриниб, белигача қумга кириб кетган-ларидан кейингина эркаклар қандай тузоққа илинган-ларини тушунишди. Леонсия эса, қизиқ саргузаштга уч-рагандек, ҳамон кулар эди.

— Ютма кум!—дахшат билан шивирлади Френсис.

— Ютма кум!—барханлар қандайдир шум янгилик-ни заҳарханда билан маълум қилаётгандек, тобора сў-ниб борувчи ваҳимали шивирлаш билан жавоб қай-тарди;

— Бу жой ютувчи қум билан тўлган чуқурлик,— деб хитоб қилди Генри.

— Чол куйловчи қум олдида қолиб тўғри қилган экан,— деди-Френсис.

Ваҳимали шивирлаш яна бошланди ва узоқ-узоқлар-да сўнар экан, анчагача давом этди.

Бунгача учовлон кўкрагигача қумга кўмилган, аста-секин чуқурроқ ботиб боришарди.

— Бу тузоқдан кимдир тирик чўқиши керак-ку!— хитоб қилди Генри.

Йигитлар, маслаҳатлашиб ўтирмай, Леонсияни юқо-рига кўтара бошлашди, аммо бу ҳаракатдан ва қизнинг вазнидан улар тезроқ чўқа бошлашди. Леонсия улар-нинг елкасига чиқиб олгач, Френсис айтган гапларни акс-садо эрмак қилгандек такрорлади:

— Энди, Леонсия, сизни бу ердан иткитиб юбора-миз. «Олға!» дейишим билан сакранг-у, қатқалоқ усти-га ётиб олинг,— фақат зарб билан урилмасликка ҳара-кат қилинг. Сиз ўша заҳоти сирғана бошлайсиз. Бу жу-да яхши, фақат тўхтаманг. Олдинга эмакланг. Қаттиқ ерга чиқиб олмагунча эмаклайверинг. Ним а бўлсаям қаттиқ жойга чиқиб олмагунча ўрнингиздан турманг. Генри, бошлаймизми?

Улар ҳар ҳаракат қилганларида қумга чуқурроқ бо-тиб бораётганларига қарамай, қизни иткитиш учун бар-дор-бардор қилишди; Френсис учинчи марта силкитаёт-ганларида «олға», деб бақирди ва улар қизни қаттиқ тупроққа бориб тушишини мўлжаллаб отиб юборишди.

Леонсия уларнинг кўрсатмасини аниқ бажариб, қо-ягача эмаклаб борди.


— Энди арқонни ташланглар!—деб кичқирди қиз уларга.

Лекин Френсис қумга шунчалик чуқур ботиб кетган эдики, калава қилиб ўраб, елкасига ташлаб, бир қўлини орасидан ўтказиб олган чилвирни олиб берадиган аҳ-волда эмасди. Бу ишни Генри бажарди ва чилвирнинг бир учини чакқонлик билан Леонсияга иргитди, аммо узи ҳам Френсис каби чуқур ботиб кетди.

Леонсия чилвирни ушлаб олиб, ўзига тортди ва учини катталиги автомашинадек келаДитан тошга ўраб боғ-лаб қўйиб, Генрига арқонга осил^б чиқинг деб кичқирди. Лекин бундан ҳеч иш чиқмадй: Генри қумга баттар ботиб кетди; Генрини томоғигача қум ютган пайтда бир-дан Леонсия атрофни ларзага солиб кичқириб юборди:

— Тўхтанглар! Тортмай туринглар! Мен бир нарса ўйлаб топдим! Арқонни менга ташланглар! Узларингиз-га қўлтиқдан боғлаш учун етадигани қолса бас.

Шундай деб, арқонни судраб қоя устига ўрмалаб чи-қа бошлади. Йигирма метрча баландликдаги қоя ёриғи-да битта сершоҳ пакана дарахт ўсарди, ўша ерга бор-ганда Леонсия тўхтади. Арқонни дарахт танаси орқаси-дан ўтказиб, учини жарга осилиб турган катта оғир тошга боғлади.







— Ақлли киз! Тўғрими, Генри?— хитоб қилди Френ-сис. Унинг нима қилмоқчи бўлганини иккаласи дарҳол тушунди: энди ҳамма гап киз жар ёқасида турган кат-та тошни ўрнидан силжитиб, пастга думалатиб юбора оладими, йўқми, ана шунда эди. Леонсия тошни кўзга-тиш учун тиргакбоп ёғоч топгунча қимматли беш минут ўтди. У охиста, бор кучини сарфлаб, тошни орқасидан итара бошлади, киз севган икки йигит эса тобора кум ичига чуқурроқ кириб борарди. Ниқоят киз тошни пастга кулатишга муваффақ бўлди.

Тош пастга думалаб тушаётди арқонни шундай куч билан тортдики, Генрининг сиртмоқ бирданига бўғиб ташлаган кўкрагидан инграш отилиб чиқди. У ночор кўйиб юбораётган кум кучоғидан охиста чиқа бошлади, ер бетига чиққач ҳавога учиб кетди ва мўрт қатқалокни оша қаттиқ ерга, нақ дарахт остига келиб тушди, тош эса думалаб келиб, унинг ёнида тўхтади.

Арқоннинг учи Френсисга ташланганда кум уни бўй-иигача ютиб юборган эди. Қаттиқ ерга, Леонсия билан Генри олдига чиқиб олгач, у ўзи зўрға кутулган кумга мушгини кўрсатиб, уни масхара қила бошлади. Генри билан Леонсия унга қўшилишди. Бунга жавобан сон-са-ноқсиз арвоҳлар уларни масхара қилар, ҳаво нафратли таҳқирлаш каби янграётган шитирлаш овозларига тў-либ кетди.

### ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

— Худонинг товони изи бояги икки оловдан милли-он миль узоқда эмасдир,— деди Генри, учовлон осилиб турган тик қоя остида дам олгани ўтиришгач.— Олов узоқда бўлганда, биз кўрмаган бўлардик: бу катта қоя уни тўсиб турган бўларди. Лекин бу қоянинг устига чиқиб бўлмайди, айланиб утиш учун эса кўп вақт кетади. Шунинг учун, келинлар, олдин бу ерни текшириб кў-райлик. Менимча, олов шу яқин орада ловиллаганди.

— Бирортаси кўзгу ёрдамида шундай қилмаганми-кин?— тахмин қилди Леонсия.

— Йўқ, бу табиатнинг бирор ҳодисаси бўлса ке-рак,— жавоб қилди Френсис.— Анови вовиллайдиган кумдан кейин табиат мўъжизаларига ишонадиган бў-либ қолдим.

Леонсия тасодифан юқорига, қояга қаради-ю шу кў-йи қотиб қолди.

— Қаранглар!— деб кичкирди у.

Генри билан Френсис ҳам бошини кўтарди. Улар «ўрган нарса оловнинг бир ловиллаб ўчиши эмас, балки липилламайдиган ёруғлик бўлиб, куёш каби кўзни ка-маштирарди. Эркаклар ўша заҳоти қоя тагига қараб юришди. Ут-ўлан қалинлигидан бу ерга кўп йиллардан буён инсон қадами етмагани билиниб турарди. Улар оғир нафас олиб, кейинги вақтда тошлар кулаши нати-жасида ўсимликлар эзиб-янчилиб ҳосил бўлган яланг-яякка чиқишди.

Леонсия чапак чалиб юбррди. Энди нур манбаи ҳам-мага кўриниб турарди. Қояда, ўн метрча юқорида ҳар бири икки газча келадиган, қандайдир ярқирок оқ мод-да билан қопланган икки кўз порлаб турарди.

— Чианинг кўзи!—деб хитоб қилди Леонсия.

Генри ниманидир э.слашга уриниб бошини қашлади.

— Чамамда, бу кўзлар нимадан ясалганини топган-га ўхшайман,— деди у.— Мен уни ҳеч қачон кўрмаган-ман, лекин қарияларнинг ҳикоясини эшитганман. Бу майя қабиласи хиндиларининг қадимий найранги, Френсис, бу қанақа моддалигини айтиб беролмасам, ҳазина-дан тегадиган улушимни ўн центлик тешик чақага ал-машганим бўлсин.

— Шартингни қабул қилдим!— деб жавоб берди Френсис.— Баҳс кўпайтирув жадвали ҳақида борганда ҳам бундай шарт билан гаров боғлашдан бош тортиш аҳмоқдик бўларди. Ахир миллионлаб пулни ютиш мум-кин, мен тикадиганим эса ўн цент, холос! Бундай шарт билан мен икки карра икки беш бўлади деб бахслаши-шим мумкин, эҳтимол бирор мўъжиза юз бериб, икки карра икки беш бўлишини исботлаб берарман! Қани, айт-чи, нима бу? Гаров боғладик.

— Шиллик қурт,— деб қулди Генри.—Шиллик қурт-нинг чиғаноғи. Мен садафдай ялтироқ чиғанокларни айғ-япман. Бу мозаика тарзида моҳирлик билан ўрнатил-ган садаф, куёш нуруни тўла акс эттиради. Менинг ноҳақ эканимни исботламоқчи бўлсанг, юқорига чиқиб, ўз кўзинг билан қур.

Кўзлар ўртасида, сал пастроқда улкан бурунга ўх-шаш уч бурчак қабариклик кўриниб турарди. У қоя гозидеги ўзига хос ўсимтага ўхшарди. Тош нотекис эди, бунинг устига Френсис мушук каби чакқонлиги туфайли қоя тагидан 5'симтагача бўлган ўн метрлик масофани



тезгина босиб ўтди. Ундан у ёғига қияликдан юриш осон бўлди. Аммо саккиз-ўн метр баландликдан йиқи-либ, бу кимсасиз жойда қўл ёки оёғини синдирнш қўн-гилсиз нарса эмасми, Леонсия Генрининг кўзларида бе-ихтиёр рашк учқунлари ўйнатиб кичқирди:

— Худо ҳақки, Френсис, эҳтиёт бўлинг!

Френсис уч бурчакнинг чўккисиди тўхтаб, олдин бит-та кўзни, кейин иккинчи кўзни текширди. Сўнг ов пичо-ғии олиб, ўнг кўзни кавлай бошлади.

— Қари жентльмен шу ерда бўлгандами, бу Шак-кокликни кўриб шайтонлаб қоларди,— дедн Генри.

— Сен ўн цент ютдинг!— деб кичқирди Френсис, Генрининг қўлига кўчириб олинган кўзни ташлар экан.

Бу мозаиканинг бир қисми — япалоқ садаф эди.

— Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди,— деди Генри.— Майялар бекордан-бекорга бу кимсаоиз жойни танлаб, қояга Чиа кузини солишмаган.

— Қари жентльменни муқаддас тугунлари билан у ерда қолдириб хато қилганга ўхшаймиз,— деди Френсис.— Тугунлар буёғига нима қилишимиз кераклигини айтиб берарди.

— Кўз бор жойда бурун ҳам бўлади,— деб кўйдя Леонсия.

— Мана ку бурун!— хитоб қилди Френсис,— ё худо, ҳозир ўша буруннинг устида турибман-ку. Биз жуда яқин турибмиз, унга узоқдан қараш керак. Юз метрча наридан бу одамнинг юзига ўхшаб кўринса керак.

Леонсия қоя яқинига бориб, бу ерга чамаси тропик бўрон учуриб келган шохлар ва хазонга оёғини ботирди.

— Ундай бўлса, оғиз ҳам ўз жойида — бурун тагида бўлиши керак,— деди у ғоят жиддий кифёда.

Генри билан Френсис бир дақиқанинг ўзида хазонни оёғлари билан титиб, қоядаги тешикни топишди. Лекин тешик одам сиғмайдиган даражада кичик эди. Тош кўч-ганда тешикнинг бир қисми бекилиб қолган бўлса /керак. Френсис бир неча тошя четга думалатиб, тешлқка боши ва елкасиви тикиб, гугурт чақиб қаради.

— Илондан эҳтиёт бўлинг,— деб Леонсия уни огоҳ-лантирди.

Френсис миннатдорчилик билдириб ғўлдиради ва маълум қилди:

— Сунъий ғор бу. Қояни ўйиб ясалган, бунинг устига, назаримда, зўр маҳорат билан ясалган. Хох, қуриб

„с..( \_\_ Сўнги сўзлар унинг бармо-ғини куйдирган гу-т-т>т шаънига айтилган эди.— Эҳ-ха, бу ерда гугурт-нинг кераги ҳам йўқ!— ажабланиб хитоб қилди у.— Бу ғорга табиий ёруғ тушиб тураркан... Еруғ қаердандир тепадан тушяпти... Куёш нури. Қадимги майялар аза-мат одамлар экан. Бу ерда лифт, иссиқ ва совуқ сув, буғ билан иситиш-у швейцарни кўрсак ҳам ажабланмас

эдим. Хайр энди!

Френсис ковак ичига кириб ғойиб бўлди. Тез орада ғордан унинг овози эшитилди.

— Бу ёққа келинлар! Жуда ажойиб жой экан!

— Яна мени бирга олиб келмоқчи эмасдинглар!— деди Леонсия таънаомуз, ғорнинг силлиқ тубига тушгач-ғорга тушаётган ғира-шира сирли ёруғликда ҳамма нар-са жуда яхши кўриниб турарди.— Мен сизга олдин кўз-ни, сўнг оғизни топишда ёрдамлашдим. Мен бўлмага-нимда ҳозир қояни айланиб ўтиб, кўзланган жойдан то-бора узоқлашиб кетаётган бўлардинглар.

— Аммо бу ерда ҳеч нарса йўқ, копток ўйнаса ҳам бўлади!— деб илова қилди у бир минутдан сўнг.

— Тушунарли,— деди Генри.— Ахир бу даҳлиз хо-лос! Конкистадорлар изига тушган хазинани шу ерга яшириб, нима, майялар аҳмоқмиди! Мен гаров боғлаш-га тайёрман: Сан-Антониода хазинадан қанча узоқда бўлсак, ҳозир ҳам шунчалик йироқдамиз,

Шу пайт улар кенглипи бир ярим метрча келадиган йўлкани кўриб қолишди; унинг баландлигини аниқлаш қийин эди. Учовлон, Генрининг тахминича, қирқ кадамча юришди. Йўлка бирдан торайиб кетди, кескин ўнгга бурилиб, сўнг чапга бурилди ва улар бошқа кенг ғордан чиқиб қолишди.

; Юкоридан, қаердандир тушаётган сирли ёруғлик •уларнинг йўлини ёритиб турарди. Олдинда бораётган Френсис бирданига тўхтаб қолдики, Леонсия билан Генри унга урилиб кетишди. Учаласи қатор туриб қолишди, Леонсия ўртада эди. Улар олдинда аллақачонлар ўлиб кетган, аммо чиримаган кишилар сафини кўришди.

— Мисрликларга ўхшаб майя хиндилари ҳам мумиё-лаш сирларини билишган бўлса керак,— деди Генри, дафн этилмаган мурдалар сафи олдида овозини пасай-тириб шивирлаб. Мурдалар тириклар сингари саф бў-либ, уларга қараб турарди.

Уларнинг ҳаммаси европача кийинган, ҳаммасининг



юзиди европаликларга хос бепарволик акс этарди. Улар-нинг устида конкистадорлар ва инглиз қароқчилари кийими бўлиб, бу кийимлар бутунлай чириб кетганди. Иккитаси эса юзи очик темир совут кийганди. Баъзи-ларининг белига қилч осилган, баъзилари қилчлари-ни куриб қолган қўлларида ушлаб турарди; ҳаммаси-нинг камарига қадимги пилтали катта тўппонча қисти-риғлиқ эди.

— Қари майя ҳақ экан,— деб шивирлади Френсис.— Хазина яширилган жойга кирмоқчи бўлганларнинг ҳам-маси ўз мурдаси билан хазина дахлизини беаб, бу ерга келганларни огоҳлантириб турибди. Уни қаранглар! Ҳа-кикий испан эмасми бу! Ота-бобосига ўхшаб у ҳам ги-тара тингиллатгандир.

— Манави худди девонширликнинг ўзи,— деди Ген-ри ҳам шивирлаб.— Гаров боғлашим мумкин: у ов таъ-қиқланган ўрмонда кийик отиб, қирол ғазабидан кўрқиб дуч келган биринчи кемага чиқиб Испанияга қочиб ку-тулган браконьер бўлган.


— Бр-р-р!—Леонсия сесканиб Френсис билан Ген-рига суянди.— Булардан ўлим билан яна нима балолар-нинг иси келяпти. Классик қасос! Хазинани ўғирламоқчи бўлган одамлар энди абадий соқчиликда туришга, чири-мас танаси билан шу хазинани кўриқлашга маҳқум этилганлар.

Ҳеч ким йўлни давом эттиришни истамасди. Марҳум-ларнинг қадимги кийимлардаги киёфаси ҳаммани сеҳр-лаб қўйгандек эди. Генри маъюс бўлиб қолди.

— Қаранглар, Америка босиб олинган биринчи кун-данок бойлик кетидан қувиш одамларни қандай ёввойи, дахшатли жойга олиб келган!— деди у.— Улар хазинани олиб кетолмаган бўлсалар ҳам, сезги уларни тўғри хазина остонасига олиб келган. Қароқчилар ва конкистадорлар, қаршингизда таъзим қиламан. Жасур дар-бадарлар, қароқчилар, ассалом! Сизлар жуда оёзгир эдингиз; олтин қаердалигини сезардингиз ва олтин учун жанг қилишга етарли жасур эдингиз!

— Уҳ!—деди Френсис, Генри билан Леонсияни қадимги саргузашт ишқибозлари сафи орасидан етаклаб ўтаётди.— Қари сэр Генри ҳам шу ўртада — сафнинг бошида бўлса керак.

Улар ўтгиз қадамча юрвшдв. Йўлак яна бир марта бурилди. Икки қатор саф бўлиб турган мумиёлар охи-



рида Генри бирдан ҳамроҳларини тўхтатиб, мурдалардан бирини кўрсатиб хитоб қилди:

— Сэр Генрининг бор-йўқлигини билмадим-у, лекин Альварес Торрес олдингизда турибди!

Чиндан ҳам ярим чириган ўрта аср испан костюми кийган, куриб қолган қўнғир қўлида катта испан қилчи ушлаб турган, испанча дубулға остидаги кичик ва қо-рамтир юзли мурда Альварес Торресга жудаям ўхшаб кетарди. Торреснинг юзи ҳам шунақа кичик ва қора эди. Буни кўриб Леонсия додлаб юборди ва ўзини орқага ташлаб, чўкинди.

Френсис Леонсияни Генрининг қўлига топшириб, ўзи мурда олдига келди ва унинг пешанаси, юзи ва лаб-ларини ушлаб кўриб, хотиржам бўлгандек кулиб юборди:

— Қани энди Альварес Торрес шу рицарнинг ўрнида бўлиб қолса. Биласизларми нима, бу ерда, майялар хазинаси олдида фахрий қоровулдан жой олмасдан олдин у Торреснинг бобоси бўлганлигига заррача шубҳам йўқ.

Леонсия бутун аъзойи бадани қалтираб, дахшатли мумиё олдидан ўтди. Тор йўлак бутунлай қоронғи бўлиб қолди ва олдидан бораётган Генри гугурт чақди.

— Уҳ-хў!—Деб юборди у яна икки юз қадамча юришгач.—Мана бу ишга қаранглар! Тошни роса силлик кесишибдими!

Бу ерда йўлакка юқоридан ғира-шира ёруғ тушиб турар, гугурт чакмаса ҳам ҳамма нарсани куриш мум-кин эди. Саёҳатчилар олдида тешик пайдо бўлди. Унда йўлак катталигига баравар қилиб кесилган тош қопқоқ-нинг ярми чиқиб турарди. Чамаси уни йўлакни берки-тиш учун олиб келишганди. То'цТггухталаб силлиқланган, четлари, ва бурчаклари йўлакни қуйиб қўйгандек бер-китган бўларди.

— Гаров ўйнашим мумкин, майя чолнинг отаси худ-ди шу ерда ҳалок бўлган!— деб хитоб қилди Френсис.— У тошни айлантирадиган механизм сирини билган, кўриб турибсизки, тош ўз жойидан ярмигача қўзғолган...

— Вой жин ургур-эй!—деб сўкинди Генри унинг га-пини бўлиб ва одам суяклари ётган ерни кўрсатиб.— Мана нималар қолибди ундан! Бу ановилардан анча кейин ўлган — акс ҳолда уни ҳам мумиёлаб қўйган бў-лишарди. Тахминимга кўра, бу биздан олдин келганлар-нинг сўнггиси.



— Кекса коҳин отаси бу . ерга Негго саНепЕе лари-; ни, бошлаб келганини айтувди,—деб эслатди Леонсия.

— Яна, у,— деб. ялова қилди Френсис,— улардан бирортаси ҳам қайтиб келмаганини айтган.

Генри бош суягини кўриб қолиб кўлига олди; бирдан у нимадир деб хитоб қил-иб, гугурт чақди, энди ҳамроҳ-лари унинг кўлидаги нарсани кўришди. Бош суяги қилич ёки мачете билан иккига бўлинибгина қолмай, орқа то-; монидан отиб ўлдирил.ганлигини кўрсатувчи ўқизихам бор эди. Генри бош суягини силкитган эди, ичида нимадир шарақлади; уни яна силкитди— бош суяги ичидан ялпайиб қолган ўқ тушди. Френсис уни диққат билан : кўздан кечирди.

— Катта тўппончадан отилган,—хулоса чиқарди у.—


Чоғимда порох ёмон ёки нам тортган экан—яқин жойдан отишган бўлса ҳам, бу ерда узоқдан отиб бўлмайди, ўқ тешиб чиқиб кетмабди. Бош чаноғи эса ҳиндиники эканлиги равшан.

Йўлак яна ўнг томонга бурилди — улар кичиккина, лекин хийла ёруғ ғорга ўтишди... Жуда баландликда жойлашган туйнукдан ғорга ғира-шира ёруғ тушиб I .турарди. Ерда одам суяклари сочилиб ётарди. Бош чанокларига хараганда улар европаликлар эди. Милтиқ-лар, тўппончалар, баъзи жойларда мачетелар ётарди.

• — Улар хазина остонасигача кедишибди,— деди  
• ; Френсис,— шу ерга келганда ўлмаган айикнинг териси-  
I ни талаштишганга ўхшайди. Афсуски, ёнимизда дари  
ҳинди'йўқ, бўлмаса отасининг ҳоли нима кечганини ўз кўзи билан  
кўрарди.

• : — Бирортаси тирик қолиб, хазинани ўмариб кетган  
. бўлса-чи?—деб тахмин қилди Генри, лекин қайғули  
манзарадан —ерда ётган суяклардан кузини узиб, ғорга бир  
назар солиб чиққач, ўз савшн«^ ўзи жавоб бер-ди: ^— Бундай  
бўлиши мумкин эмаа Сиз мана бу маъбу-данинг кўзидаги  
қимматбаҳо тошга қаранг. Мабодо би-рор нарсага ақлим етса,  
бу ёқутнинг ўзи.

Френсис билан Леонсия у қараб турган томонга бу-рилиб, оғзи очиқ аёл хайкалини кўришди. Аёл чордона қуриб ўтирганча қип-қизил кўзлари билан уларга тики-ларди. Унинг оғзи шу қадар катта эдики, натижада ба-шараси жуда хунук кўринарди. Унинг ёнида тагин ҳам хунукроқ маъбуд—эркак киши хайкали турарди. У қахрамонлик услубида ясалганди. Лекин маъбуданинг



оғзи қанчалик катта бўлса, эркакнинг бир қулоғи ҳам ўшанчалик шалпанг эди.

— Бу гўзал Чианинг ўзи бўлса керак,— дея кулди Генри.— Унинг кўк кўзли шалпанг қулоқ хуштори ким бўлди экан?

— Худо ҳақки, билмайман!— Френсис хахолаб кулди.— Аммо бу шалпангқулоқ жентльменнинг кўзи мен ўнгу-тушимда курган зумрадларнинг энг каттаси экан-лигини биламан. Улардан ҳар бири шунчалик каттаки, ўлчашга қарат етмайди. Бундай тошларни подшоҳлар тожидагина қуриш мумкин ёки бу оддий шиша.

— Лекин минг катта бўлгандаям иккита зумрад билан иккита ёкут— майяларининг бутун хазинаеи шу бўл-маса керак,— деди Генри.— Биз хазинахона остонасига келдиг-у, уни очишга қалитимиз йўқ.

— Куйловчи қумда қолган майя муқаддас тугунла- рига қараб қалитни тошдан бўларди,— деди Леонсия.— Бу ерда шу иккала хайкал билан суяклардан бошқа кеч нарса йўқ.

Шундай деб у эркак киши хайкали олдига келиб, унинг катта қулоғини томоша қила бошлади.

— Қал'ит қаердалигини билмадим-у,— деди у,— лекин қулф тешиги кўриниб турибди...— Леонсия қулоқдаги тешикни кўрсатди.

Чиндан ҳам, одатда қулоқ тешиги бўладиган жой ях-лит тошдан бўлиб, унда қулф тешигига ўхшаш кичик ко-вак бор эди. Леонсия, Френсис ва Генри девор ва ерни дукиллашиб яширин йўл ёки хазинага борадиган бирор яширин йўлакни қидириб, горни беҳуда кезиб чи-қишди.

— « иегго саНепЕе »дан келганлар суяги, иккита хайкал, иккита катта зумрад, иккита шундай ёкут ва бизнинг ўзимиз бу ерда бор нарсаларнинг ҳаммаси шу,— деб яқун ясади Френсис.— Фақат қиладиган ишимиз куйидагича: биринчидан, орқага қайтиб, Рикардони хачирлар билан бу ерга олиб келиш ва ғор оғзига кў-ниш; иккинчидан, кўтариб олиб келишга тўғри келсаям қари жентльменни муқаддас тугунлари билан бирга бу ерга келтириш.

— Сен Леонсия билан шу еря кутиб тур, мен тез қайтиб келаман, уларни ҳам олиб келаман,— таклиф қилди Генри, улар узун йўлакдан юриб мурдалар сафи орасидан ўтиб, ниҳоят ғордан ёруғликка чиқишгач.






Шу пайтда пеон билан унинг отаси чол чизган доирэ ичида ўтиришарди. Тропик ёмғир шивалаб ёғарди, пеон совуқдан дир-дир титрар, чол эса хорғин танаси бундай ёмғир ва шамолга бардош бера олмаслиги тўғрисида заррача ҳам ўйламай, ҳеч нарса бўлмагандек, ҳамон дуо ўқирди. Пеон со,вқотиб, ташвишланыб тургани учун ҳам отасининг назари тушмаган нарсани курди. Аввал у ўрмон ичидан чиқиб, кумдан писиб-бикиниб ўтиб кета-ётган Альварес Торрес билан Хосе Манченони кўриб қолди. Улардан кейин мўъжизани курди. Бу мўъжиза шундан иборат эдики, Торрес билан Манчено ҳеч нарса бўлмагандек кум остида ўтиб боришар, кум эса жим эди. Улар кўздан ғойиб бўлишгач, пеон кўрқув билан бармоғиви кумга теккизди, лекин ҳеч қандай даҳшатли овоз чиқмади. У бармоғини чуқурроқ тикди, кум ҳамон аввалгидек жим эди; кумни шапатилаб урганда ҳам овоз чиқмади: ёмғир кумнинг овозини ўчирган эди. Пеон отасини силкитиб, уни дуо ўқишдан тўхтатди. — Кум энди бақирмаяпти,— деди у.— У тошдек тил-сиз бўлиб қолди. Бой грингонинг душмани кумдан ўтиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим. Ахир у одам — Альварес Торрес жуда гуноҳкор одам, шундай бўлсаям кум индамади. Кум ўлди. Энди унинг овози ўчди. Гу-ноҳкорлар ўтган жойдан, қария, сиз билан мен ҳам ўта оламиз.

Қари хинди калтираб турган кўрсаткич бармоғи билан доира ичига сеҳрли чизиклар чизди — кум ҳеч қандай овоз чиқармади; чол доира ташқарисига чизганда ҳам кум индамади. Кум ҳўл бўлиб қолганди. Кум эса куёш нурида қизигандагана куйлай бошларди. Чолнинг бармоқлари муқаддас китоб тугунларини пайпаслай бошлади.

— Бу ерда кум гапиришдан тўхтагач, олдинга бема-лол юриш мумкин дейилган,— маълум қилди у.— Ҳозир-га қадар,..\_худо амрига итоат қилиб келдим, бундан кейин ҳам итоат қиламиз; шунинг учун, кетдик, ўғлим.

Улар тез юриб, кўп ўтмай кумликдан ўтиб Торрес билан Манченога етиб олай дейишди, бу-блр-бирига мос тушган жуфт эса уларни кўриб, буталар орасига яши-ринишга шошилишди. Улар чол билан ўғлини олдинга ўтказиб юбориб, орқаларидан маълум масофада изма-из юришди. Қисқароқ йўлни танлаган Генри эса, улар-нинг ҳеч бирини учратмай, бошқа йўлдан ўтиб, кетди.



## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

— Ҳар ҳолда Панамада қолиб бекор қилдим, бу ме-нинг хатоим ва ожизлигим бўлди,— деди Френсис Ле-онсияга. Улар гор оғзида Генрининг қайтиб келишиня кутиб, тош устида ёнма-ён ўтиришарди.

— Наҳотки Нью-Йорк биржаси сиз учун шунчалик қимматли бўлса?—деб сўради Леонсия, ноз билан унинг гашига тегиб. Лекин бу сўзлар қисмангина ноз неъматни бўлиб, муҳими Леонсия вақтдан ютмоқчи эди. У ўзи га-лати ва юракка ваҳима солувчи муҳаббат-ла севган бу киши билан ёлғиз қолишдан кўрқарди.

Лекин Френсис кутишни истамасди.

— Мен очиқ гапирадиган одамман, Леонсия. Дилим-даги гап тилимда — қисқа, лўнда..

— Биз, испанлардан шу билан фарк қиласиз,— деб унинг гапини бўлди Леонсия.— Бизда оддий бир фикрни ҳам баландпарвоз сўзлар билан ифодалаш одат бўлиб қолган.

Френсис, гўё Леонсия унинг гапини бўлмагандек, қатъият билан давом этди:

— Мана сиз, Леонсия, худди ана шундай муғомбир-лар тоифасидансиз. Мен эркаклар одатича тўғриси, очиғини айтяпман. Сиз эса тўрга чап бераётган қапа-лакдек ўзингизни ҳар томонга ташлаб муғомбирлик қил-япсиз — бу одат, ҳамма аёлларга хос, шундай бўлиши-ни кутишим керак эди. Ҳар ҳолда, менга нисбатан бу... адолатдан эмас. Ахир мен қалбимни сизга очиб соляп-ман, сиз ҳаммасини яхши тушуниб турибсиз. Сиз муғомбирлик қилиб гапни чалғитяпсиз. Нега бундай қила-ётганингизни тушунолмайдирдим. Демак, мени ноқулай аҳволга солиб қўйяпсиз. Сизни севишимни биласиз. Сиз га очиғини айтганман. Сиз эса бирор жавоб қилдин-гизми?

Леонсия бошини кўтармай, қизариб ўтирар ва нима дейишини билмасди.

— Мана, ҳозир ҳам шундай қияпсиз,— деб тинчи-мади Френсис.— Сиз менга жавоб бермаяпсиз! Менга илиқроқ муомала қияпсиз, шунинг учун ҳам ҳар қачон-гидан ҳам латиф ва жозибаторсиз, шунга қарамай, муғомбирлик қилиб ўз туйғуларингиз ҳамда ниятларингиз ҳақида ҳеч нарса демаяпсиз. Нега? Аёл киши ёки испан қизи бўлганингиз учунми?





Унинг гаплари Леонсиянинг қалбига ҳаяжон солди. У ўзини зўрға тутиб, аммо тўла бепарво қиёфада унга хотиржам қаради-да, шундай хотиржамлик билан:

— Мен инглиз, америкалик ёки бошқа биров бўлишим мумкин-у, лекин, айни вақтда, ҳамма нарсани тўғ-ри тушуниб, тўғриси гапира оламан ҳам,— деди. Сўнг нималар дейишни совуққонлик билан ўйлаб жим қолди-да, худди ўшандай совуққонлик билан давом этди:

— Сиз менга ўз муҳаббатингизни баён қилганингиз, мен 3-са индамаганимдан зорланыпсиз. Ҳозир сизга ҳам-масини тушунтириб бераман, очиқчасига айтаман. Мен сизни севаман...

Френсис қўл узатди, лекин киз нари итарди.

— Шошманг!—деди у амирона оҳангда.— Иккал'а-миздан қайси биримиз ўзини аёл киши... ёки испан аёлидай тутяпти? Ахир мен гашшни тугатганим йўқ. Мен сизни севаман. Сизни севганим билан фахрланаман ҳам. Сиз мендан ўз туйғуларим ва ниятларимни сўрадингиз. Севги ҳақидаги саволингизга жавоб бердим. Ниятларимга келганда эса, сизга жавобим шуки, мен Генрига турмушга чиқмоқчиман.

Англо-саксларга хос бундай очиқ гапириш Френсис-ни шошилтириб қўйдик, у:

— Худо ҳаққи, тушунтириб беринг, нима учун?—деб зўрға сўради.

— Чунки мен Генрини севаман,— деди у Френсисга дадил қараб.

— Аммо сиз... сиз мени севаман дедингиз-ку?— деди у қалтироқ овоз билан.

— Сизни ҳам севаман. Мен иккалангизни севаман. Аммо унақа ёмон аёл эмасман, ҳар ҳолда, ўзим доим шундай фикрда эдим. Ақлим менга яхши аёл бир вақт-нинг ўзида икки эркакни севмайди, деяётган бўлса ҳам, мен ҳамон ўзимни яхши аёл деб ҳисоблайман. Ҳа, май-ли. Демак, мен ёмонман — шундай туғилган эканман. иложим қанча.

У жим қолди, лекин Френсиснинг гапнрадиган ҳоли йўқ эди.

— Хўш, қайси биримиз ўзимизни англо-саксдай тут-япмиз?—дўб сўради Леонсия, ё унинг саросимада қол-ганидан қулиб, ё унинг гашига тегмоқчи бўлиб, хиёл та-бассум билан.

— Бу ақлга сиғмайди!— кизгин норозилик изҳор

қилди йигит.— Мени севатуриб Генрига турмушга чиқа олмайсиз-ку!

— Мени тушунмаганга ўхшайсиз,— деди Леонсия таъна билан.— Мен Генрига тегмоқчиман. Сизни сева-ман. Генрини ҳам севаман. Лекин иккалангизга турмушга чиқа олмайман-ку! Бунга қонун ҳам рухсат этмайди. Шунинг учун ҳам биттангизга тегаман. Мен эса Генрини танладим.

— Ундай бўлса нега... нега мени қолишга кўндир-дингиз?— деб сўради у.

— Чунки сизни севаман. Ахир айтдим-ку сизга!

— Шу гапингизни такрорлайверсангиз, жинни бўлиб қоламан!—хитоб қилди Френсис.

— Узимга ҳам ақлдан озаётгандек бўлиб туюла-ман,— деди киз.— Агар мени англо-саксларга хос са-

, ботли бўлишимни осон тутаётган бўлсаншз хато қила-сиз. Аммо, қалбида бирор шармандали туйғуси бор, деб мени ҳеч бир англо-сакс, ҳатто мен севган одам—сиз ҳам таҳқир эта олмайсиз. Менимча, бу ҳақда сизга очиғини айтиш уят бўлмаса керак. Агар сизнингча бу англо-саксларнинг фазилати бўлса, майли, шундай деб ҳисоб-лайверинг. Балки бу испанларга хос. ёки шахсан мен-га — Солано оиласи вакилига хос фазилатдир — қандай деб ўйласангиз ўйлайверинг, менга бари бир, чунки мен испанман, аёл кишиман... Гапираётганимда қўлимни силқитмасам ҳам, бари бир испан хонадони — Солано-лар оиласи аъзосиман, бир оз жим қолгандан кейин Леонсия гапини ҳазил билан тугатди.

Френсис' яна нимадир демоқчи эди, Леонсия унга жим, деди ва иккаласи қулоқ солишди: буталар ораси-дан шитирлаш эшитиядгг-^- кимдир уларга яқинлаша-ётган эди.

— Қулоқ солинг!— деди киз тез шивирлаб ва ялин-гандек тирсагидан ушлади.— Сўнгги марта англо-сакс бўлиб, ҳаммасини сизга айтаман. Сўнг сизнинг назарин-гизда испан қизларига, жумладан менга ҳам хос фази-лат билан муғомбирлик қиламан, гапни чалғитаман. Қулоқ солинг: мен Генрини севаман, бу гапим тўғри, мут-лақо тўғри. Аммо сизни кўпроқ, ундан кўра кўпроқ севаман. Мен Генрига тегаман... Чунки уни севаман, қа-сам ичганман. Шунга қарамай, сизни доим севаман... Френсис бирор сўз айтиб эътироз билдиришга улгур-май туриб буталар орасидан қари майя қоҳини ва унинг



ўғли чикиб келди. Френсис билан Леонсияни кўрмай турибок кохин тиз чўкиб, испан тилида ' хитоб қилди:

— Биринчи марта кўзларим Чианинг кўзларини кўрапти!

У бармоқлари билан муқаддас китоб тугунларини-пайпаслаб, майя тилида дуо ўқий бошлади. Агар ёни-дагилар унинг тилини тушунишса, куйидагиларни эшитган бўлардилар:

— О ўлим нималигини билмайдиган Чи, йўқдан ҳамма нарсани бор қилган худо Хцатцлнинг улуғ заифаси! О Хцатцлнинг умри боқий хотини! Ҳамма дон ўсимликларининг онаси, унадиган уруғнинг илохий мағзи, ёмғир ва яратувчи куёш нури маъбудаси сен! Инсон ҳаёти учун зарур бўлган уруғ, илдиз ва меваларни сақловчи сен! Хцатцлнинг қулоғига буйруқ берадиган эй шарафли Чи! Қоҳининг оёғинга бош уриб сени дуо қиляпти. Марҳаматингдан дариг тутма мени. Оғзингдаги Хцатцл қулоғини очадиган калитни бер! Содик кохинингга Хцатцл хазинасига киришга рухсат эт... Ё, маъбуда, ўзим учун эмас, гринго ўлимдан кутқариб қолган ўғлим учун сўраяпман. Сенинг фарзандларинг— майя қабиласи ер юзида қолмаяпти. Уларга энди хазинанинг кераги йўқ. Мен сўнгги кохинингман. Менинг ўлимим билан сен ҳақингда ва номини ер ўпиб туриб шивирлаб айтадиганим эринг тўғрисида одамларнинг билганлари ҳам ғойиб бўлади. Зоримни эшит, эй Чи, эшит! Олдингда ҳоксор бўлиб тиз чўкиб турибман.

Кекса кохин тутқаноқ касалдек беш минут тош устида қалтираб, тиришиб ётди. Леонсия билан Френоис эса дуони тушунмаган бўлсалар ҳам унинг тантанали киро-ати таъсирига берилиб, кохинга индамай қараб туришарди. /

Френсис Генрининг қайтиб келишини кутмай яна ғорга кирди. У ва Леонсия кекса кохинга йўл кўрсатиб олдинда боришарди. Чол эса тугунларни тасбеҳ каби ўгириб, нималарнидир тўхтовсиз шивирлаб, уларнинг изидан борарди, пеон ғор оғзида соқчилик қилиб қол-ганди. Улар мурдалар олдида келишганда чол мурдаларни кўриб эмас, тугун туфайли тўхтади.

— Бу ерда мана бундай дейилган,— ифтихор билан деди у, тугунлар тўла толани титкнлаб туриб:— Булар

ё Ion ниятли одамлар, қароқчилар эди. Уларнинг қисма-,а— майя қабиласи хазинаси яширилган жой олдида абадий кутишдир.

Френсис чолни унинг отаси суякларя олдида тез олиб ўтди ва иккинчи ғорга киришлари билан кекса майя иккала ҳайкал олдида дарров юз тубан йиқилиб, узоқ ва эхтиросли дуо ўқиди. Сўнг у муқаддас китобни тугунларини диққат билан кузатаб чиққач, Френсис билан Леонсияга ўқиганларини майя тилида айтиб берди. Френсис ишора қилиб, ҳеч нарса тушунмаганини бил-дирди. Шундан сўнг чол испан тилини бузиб, ҳалиги гапни такрорлади.

— «Чианинг оғзидан Хцатцлнинг қулоғига»— тугунда шундай дейилган.

Френсис бу жумбоқ жумлани эшитиб маъбуда оғзининг қаронғи тубига қаради, ов пичоғининг учини худо-нинг шалпанг қулоғидаги тешикка тикиб курди, пичоқ дастаси билан тошни тақиллатиб кўрди-да, ҳайкалнинг ичи бўшлигини айтди. Кейин у Чи ҳайкали олдида. ке-либ, уни пичоқ билан дукиллатиб кўриб, унинг ҳам ичи коваклигини аниқлади. Лекин шу пайт кекса майя тўн-ғиллади:

— «Чианинг оёқлари бўшлиқ устида турибди».

Френсис қизиқиб қолиб, чолни ўқиганларини такрорлашга мажбур қилди.

' — Унинг оёқлари ҳақиқатан ҳам жуда катта,— Ле-онсия кулди,— лекин таги қаттиқ тош, муғлақо бўшлиқ эмас.

У Френсис маъбудани кўли билан итарган эди, осон-гина силжиди. Шундан сўнг уни кучоқлаб, бир неча бор зўр бериб ўрнидан силкитди.

— «Ким кучли ва жасур бўлса, Чианинг оёғи жойидан жилади»,— деб ўқиди кохин.— Лекин бундан кейинги уч тугунча: «Эхтиёт бўл! Эхтиёт бўл! Эхтиёт бўл!» деяпти.

— Нима бўлсаям бу бўшлиқ мени чақиб олмас, деб умид қиламан,— деб кулди Френсис, кучоқлаб анчагина нари сурган маъбудави қўйиб юбораркан.—Шундай қилиб, кампиршо, шу ерда туратур бир оз ёки дам олиб ўтиратур. Оёқларинг чарчагандир ахир: шунча йилдан бери бўшлиққа таяниб туришнинг ўзи бўладими!

Леонсиянинг ташвишли овози Френсисни ҳозир Чи турган жойга қарашга мажбур этди. У орқага бир қа-



дам ташлаб, ҳозиргина Чианинг оёғи беркитиб турган чуқурга тушиб кетаёзди. Қояда диаметри ярим газ ке-ладиган қудуқ қазилган экан. Френсис қудуқ чуқурли-гини аниқламоқчи бўлиб беҳуда уринди. Ендириб таш-ланган гугурт тубига етиб бормай туриб ўчиб қо-ларди.

— Ростдан ҳам бу ер тубсиз чуқурга ўхшайди,— деди Френсис пастга тош ташлаётди.

Тош бир нарсага текканини эшитгунларича бир не-ча дақиқа ўтиб кетди.

— Тош тубига етиб бормаган бўлиши ҳам мумкин,— деди Леонсия.— Тош қудуқ четидаги бирор тошга те-гиб, балки ўша ерда тўхтаб қолгандир.

— Мана бу нарса бизга аниқ жавоб беради,— дедч Френсис ва суяклар орасида ётган эски пилталли мил-тиқни олиб, уни пастга ташламоқчи бўлди.

Аммо чол уни тўхтатиб қолди:


— Муқаддас тугунчалар «Кимки Чиа оёғи остидаги муқаддас бўшлиққа қўл кўтарса тез орада дахшатли ўлимга учрайди», демоқда.

— Мен муқаддас бўшлиққа қўл кўтармоқчи эмас-*ми*,— деди Френсис, милтиқни бир четга ташлар экан.— Лекин энди нйма қиламиз, қария? «Чиа оғзидан Хцатцл қулоғига» дейиш осон, буни қандай бажариб бўлади? Муқаддас тугунчаларингни бармоқларинг билан пайпас-лаб кўриб, нима қилиш кераклигини аниқла.

Кохиннинг тиззалари яра-чака ўғли—пеоннинг ажал соати яқинлашган эди. Узи билмаган ҳолда у қуёш чи-қишини сўнгги марта курди. Шу кун қандай воқеа юз бермасин, уз тақдирдан қочиб қутулиш учун нимаики қилса ҳам, унинг ҳаётидаги сўнгги кун эди. Ғор оғзида қолганда изадан келишаётган Торрес билан Манчено уни ўлдиришг^н бўларди.

Леян соқчиликда туриш ўрнига кўрқоқ ва эҳтиёт-кор пеон ташқарига чиқиб, яқин орада душман бор-йўқ-лигидан хабар олмоқчи бўлди. Шундай қилиб очик жой-да ўлимини топишдан қутулиб қолди. Лекин унинг ҳаёт мили тақдир белгилаб қўйган жойга яқинлашиб қол-ган эди.

У атрофни текшириб юрганда Альварес Торрес билан Хосе Манчено ғор оғзига етиб келишди. Қоянинг тош



юзидаги садаф қадаб ясалган Чианинг катта кўзи хў-' рофотга йшонўвчи Манчено учун катта синов бўлди. —>- У ёққа бор,— деди у Торресга.— Мен ҳеч ким кир-маслиги учун шу ерда пойлаб тураман.

Томирида мурдалар сафида юз йиллаб кимирламай турган бобоси кони оқаётган Торрес майялар ғорига бйр вақт аждоди киргандек дадиллик билан кириб кетди. У кўздан ғойиб бўлиши биланоқ ҳар қандай одамни хоинларча ўлдиришдан кўрқмайдиган Хосе Манчено ўзи тушунмаган воқеалар пардаси ортидаги кўзга кў-ринмас дунёдан дахшатга тушиб, ўзининг қоровуллик ва шахсий соқчилик бурчини унутиб, шошилганча буга-лар орасига кириб кетди. Пеон эса атрофда ҳеч қандай ёвуз ниятли кишилар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб ва отасидан майялар сирларини билиб олишга оши-қиб, олдинги жойига қайтиб келди. Бу ерда ҳам ҳеч кимни топмай, Торрес билан изма-из бораётганини билмаган ҳолда ғор ичкарасига қараб юрди.

Торрес эса ўзи пойлаб келаётган кишилар пайқаб қолмасликлари учун шовқин чиқармай, оҳиста қадам ташларди. Яна у мурдалар сафига кўзи тушиб, ҳайрат-дан тўхтаб қолди. Тарихга қадам қўйган ва улар учун тарих шу майялар хазинаси остонасида тўхтаб қолган кишиларни қизиқиб томоша қилди. Айниқса сафнинг охирида турган мурда уни қизиқтириб қолди. Унинг ўзи-га ўхшашлиги жуда аниқ кўзга ташланарди, У мурда ўзининг аждоди экайлигини англади.

Мурдага ҳаёдд^н тикилар экан, оёқ товушини эши-тиб, қаёрга яширинсам экан, дёб атрофга аЛанглади. Шу пайт миясйга макрли бир фикр келди. Аждоди бо-шидаги дўбу'лгани олиб бошига кийди, сўнг унинг чи-рйган плашига ўралди, узун қилични тақиб олди ва қайтарМа кўнжли этикни кияётиб уни йиртиб юборай деди. Кейин яланғоч мурдани оҳиста бошқа мурдалар орқасига — қоронги жойга олиб ' қўйди. Бу ишларни бажаргач, сафнинг охирига — аждоди ўрнига турди, қўлини қилич дастасига қўйиб, аждоди қандай қиёфада турган бўлса, шу алфозда қотиб турди.

Унинг кўзига қимирлаб турар ва мурдалар сафи орасидан оҳиста ва кўрка-писа ўтиб бораётган пеонни кузатарди. Пеон Торреснинг рўпарасига келганда бир-дан тўхтаб қолди ва дахшатли кўзлари олайиб, бирин-кетин майялар дуосини ўқий бошлади. Торрес учун эса



кўзларини юмиб кулоқ солишданва нималар бўлаётгани-ни тахмин қилишдан бошқа чора қолмаганди. Пеон нари юрганини эшитиб, Торрес кўз қири билан у томон-га фаради: пеон тор йўлакка бурилишга ботинмай тўх-таб қолди. Торрес кулай пайдан фойдаланиб, унинг бошини мажақлаб ташлаш учун қилични кўтарди.

Лекин тақдир белгилаган соат ва кун келган бўл-са-да, ҳаётининг сўнгги минуллари ҳали тугамаган эди. Унинг пешанасига шу ерда, икки қатор мурдалар сафи орасида Торреснинг цўлида ўлиш ёзилмаган эди, чунки Торрес қилични оҳиста пастга туширди, пеон эса олға қараб юриб, бурилишда кўздан ғойиб бўлди. Тез орада отасига, Леонсия ва Френсисга етиб олди. Френсис ко-ҳиндан тугунчаларга яна бир карра мурожаат этиб, Хататл кулоғни нима билан очишни аниқлашни сўра-ётган эди.

— Қўлингни Чианинг оғзига тикиб қалитни ол, — деб буюрди чол қ.ўрқок. ўғлига ва у истар-истамас бўй-сунди.

— Қўркма, сени тишлаб олмайди, у тошдан ясал-ган! — деди Френсис кулиб испанчалаб.

Майя худолари ҳеч қачон тош бўлган эмас, — киноя билан деди чол. — Улар тошга ўхшаса ҳам доим жонли, ҳамиша жонли бўлган, тош остида ва тош қаърида уз иродасини абадий ўтказиб келган.

Леонсия сесканиб, коҳиндан четланди ва Френсис-нинг қўлидан ушлаб ҳимоя истаётгандек унга ёпишди. — Сезиб турибман, ҳозир бирор даҳшат юз бера-ди, — деди қиз. — Тоғ қаърида, мурдалар орасидаги бу жой менга ёқмаяпти. Мен кўм-кўк осмон, нурлари билан эркаловчи куёш ва бепоён денгизни яхши кўра-ман. Бу ерда бошимизга даҳнатли фалокат тушиши мумкин. Нимадир бўлишини сезиб турибман.

Френсис *уца* далда бера бошлади, пеоннинг ҳаёт .роатй эса /ўнгги дақиқаларни санаётган эди. У юрак ютиб қўлини маъбуда оғзига тикканда ҳаётининг сўнгги дақиқалари тугаб, ўлим соати келган эди. У даҳшат билан бакирганча қўлини тортиб олди-да, бир томчи қон чиқиб турган билагига тикилиб қолди. Маъбуда оғзи-дан мазах қилиб тилини чиқаргандай илоннинг чағир боши кўринди-ю, яна ғойиб бўлди.

— Захарли илон!— деб бақирди Леонсия, илонни таниб.

Қанақа илон чакқанини ва ўзини ўлим қутаётгани-ни билган пеон қўрқиб орқага тисарилди ва неча аср-лардан буён Чиа оёғи беркитиб турган чуқурга йиқи-либ, пастга учиб кетди.

Ҳамма даҳшатдан жим бўлиб қолди, сўнг кекса ко-ҳин:

— Мен Чианинг қаҳрини келтирдим, у ўғлимни ўл-дирди, — деб шивирлади.

— Сиз бу гапга ишонманг, — деди Френсис, Леон-сияга тасалли бериб. — Бу табиий воқеа, изоҳлаш мум-кин бўлган воқеа. Илон тош ёригини ин қилиб олган экан, бунинг нимаси ажабланарли? Кўпинча шунақа бўлади. Илон чақиб олган ўзини орқага ташласа, бунинг нимаси ажабланарли? Ниҳоят, тисарилиб, орқаси-даги чуқурга тушиб кетса бунинг ажабланадиган жойи борми?..

— У ҳолда мана бунинг ҳам ажабланадиган жойи йўқми? — деб хитоб қилди Леонсия, чуқурдан чиқа бош-лаган, сўнгра фаввора бўлиб отила бошлаган тиниқ сувни кўрсатиб, — Чол ҳақ. Ҳатто тош ҳам худо продаси йўлида қурол бўлиб хизмат қилади. Коҳин бизни огоҳлантирган эди. Муқаддас тугунчаларини ўқиб огоҳ-лантирган эди.

— Бўлмаган гап! — деди Френсис. — Бу ҳеч қандай худонинг продаси эмас, балки қадимги майя коҳинла-рининг продаси, худоларниям, мана бу нарсаларниям ўшалар ўйлаб топишган. Чуқурликда пеоннинг танаси мурувватга урилиб, тош дарвозани очиб юборган бўл-: са керак. Шундап қилиб, ер ости булоғи очилиб кетди. Сув ўша ердан чиқяпти. Оғзи бунақа ғалати маъбуда-лар бўлмайди, уни одамлар яшашган. Ҳақиқий маъбуда гўзал бўлиши керак, чунки гўзаллик ва маъбудани бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Бу қадар хунук иблислар-ни инсонгина ўйлаб чиқара олади.

Чуқурдан сув шунчалик кўп отилиб чиқардики, бир-пасда сув тўпикка чиқди.

Кўрқадиган жойи йўқ,— деди Френсис— Йў-лақда ҳам, ғорларда ҳам ернинг нишаб эканини сезган-дим. Қадимги хиндилар яхши инженерлар эди, улар сув оқиб чиқишини мўлжаллаб шундай қилишган. Сув йўлақдан ташқари чиқадиган томонга шариллаб оди-шини кўрмаяпсизми? Қани, қария, тугунчаларингни ўқи-чи, хазина қаердайкин?





— Қани менинг ўғлим?— деб сўради чол жавоб бериш ўрнига ғам тўла бўғиқ овоз билан. — Елғиз фарзандимни Чиа ўлдирди. Унинг онасини деб мен майя қонунини бузиб, соф майя қонига Цегга саНегнелик аёлининг ифлос қонини аралаштирганман. Фарзанд куриш учун шу гуноҳни қилганман, шунинг учун у менга жуда азиз эди. Энди хазина билан менинг нима ишим бор? Энди менинг ўғлим йўқ. Майя худолари менга қахр қилдилар,

Пастда босим кучлилигидан варақлаётган сув ҳамон фавворадек отилиб чиқарди. Ғорда сув сатҳи кўтарилганлигини биринчи бўлиб Леонсия сезди.

— Сув тиззамгача кўтарилди, — деди у Френсисга.


— Энди бу ердан чиқиш керак, — деб кўшилди у аҳволнинг жиддийлигини тушуниб. — Оқим йўли яхши ҳисоблаб чиқилган бўлса ҳам, кўчки сув йўлини тўсиб қўйганга ўхшайди. Пастга қиялаб кетган йўлақларда сув бундан ҳам кўпроқ. Лекин бу ерда ҳам сув сатҳи паст эмас. Ташқарига чиқадиган бошқа йўл йўқ. Кетдик.

У Леонсияни олдинга ўтказиб юбориб, ғамга чўккан кохиннинг қўлидан етаклади. йўлак бирданига бурилади-диган жойда сув тиззага чиқарди. Мурдалар ғорида эса сув уларнинг белигача чиққанди.

Шу пайт қотиб қолган Леонсия рўпарасида сувдан дубулғали бош ва қадимий плашга ўралган гавда кўтарилди. Шариллаб оқаётган сув бошқа мурдаларни ҳам йиқитиб юборган эди, шу сабабли Леонсия бундан ажабланмаган бўларди. Аммо бу мумиё оғир нафас олиб ҳаракат қилар, жонли кўзлари билан Леонсияга қарарди.

Оддий бир одам учун бу ғоят ғайри табиий манзара эди: Леонсия олдида тўрт юз йил аввал ўлиб кетган жангчи иккинчи марта чўкиб ўлмоқда эди! Леонсия бақириб юборди ва олдинга ташланди-ю, дарҳол орқа-га қайтиб, жонҳолатда ғорга қараб югурди. Худди Леонсияга ўхшаб бу манзарадан ҳайратда қолган Френ-сис орқага чекинди ва автомат-тўппончани қўлига олди. Лекин шу пайт мурда ниҳоят қаттиқ ерни топиб, оқим-дан чиқиб, оёққа турди-да бақирди:

— Отманг! Бу мен, Торресман! Мен ҳозир ғор оғзи-да эдим. Нимадир бўлибди. У ердан ўтиб бўлмайди. Сув кўмиб кетади, ҳатто ғорнинг оғзи кўринмайди, тошларнинг сувга қулаётгани эшитилапти.



— Бу ёққа ҳам ўтолмайсан, — деди Френсис тўппон-чани унга тўғрилаб.

— Ҳозир жанжаллашиб ўтирадиган вақт эмас, — эътироз билдирди Торрес. — Аввал бу ердан қутулиб чиқиш керак, агар баҳслашиш зарур бўлса, кейин ҳам вақт топилаверади.

Френсис иккиланиб қолди.

— Леонсияга нима бўлди? — деб сўради доғули Торрес. — Мен унинг орқасига қараб қочганини кўрдим. Унга ҳеч нарса бўлмадимикин?

Френсис Торресга шафқат қилиб, чолни судраганча орқасига, маъбудалар ғорига қайтди. Торрес уларнинг орқасидан эргашди. Леонсия яна кўрқиб бақириб юборди.

— Кўркманг, бу Торрес, — Френсис қизни тинчлан-тирди.— Уни кўриб менинг ҳам ўтакам ёрилиб кетди. Лекин у сизу бизга ўхшаган тирик одам. Унга пичоқ санчсангиз қони чиқади. Қани, қария! Биз бу ерда ка-ламушдай чўкиб ўлишни хоҳламаймиз. Ҳали майялар-нинг ҳамма сирлари очилгани йўқ. Тугунчаларингни ўқиб, бизни бу ердан олиб чиқ.

— Йўл ташқарига эмас, ичкарига боради, — деди кохин титроқ овоз билан.

— Бизга бари бир, ишқилиб шу ердан чиқиб олсак бўлгани. Лекин тоғ қаърига қандай қирилади?

— «Чианинг оғзидан Хцатци қулоғига»,— деб жа-воб қилди чол.

Бирдан Френсиснинг хаёлига дахшатли бир фикр келди.

У

— Торрес.—гЖди у,— мана бу тош хонимнинг оғзида калитмиёки шунга ўхшаш нарса бор. Сиз яқинроқ\* турибсиз. Қўлингизни тикиб, уни олинг.


Френсис қандай қасос олмакчи бўлганини сезиб Леонсиянинг кичкириб юборишига сал қолди. Лекин Торрес буни сезмай, хурсанд бўлиб, бажо келтиришга интилди:

— Сизларга фойдам текканидан хурсандман. Бироқ ўйланган ишни охирига етказишга Френсиснинг виждони йўл қўймади.

— Тўхта! — деб буюрди у ва ўзи маъбуда томон шошилди.

Аввал унга ҳайрон бўлиб қараб қолган Торрес, қандай фалокатдан қутулиб қолганлигини кейин ту-





шунди. Френсис тўппончадан маъбуданинг тош оғзига бир неча ўқ узди, кохин эса: «Шаккоклик! Шаккоклик!» деб инграрди. Сўнг Френсис кўлини камзули билан қўл-тиғигача ўраб маъбуданинг оғзига тикиб, ярадор бўл-ган илоннинг думидан ушлаб чиқарди. Тош маъбуданинг биқинига бир неча бор айлантриб уриб илоннинг бошини мажақлади.

У ерда яна бирорта илон бўлмасин деб, Френсис яна кўлини камзули билан ўраб, иккинчи марта маъбуданинг оғзига тикиб, у ердан шакли ва катталиги жиҳа-тидан Хцатцлнинг қулоғидаги тешикка тўғри келади-ган, яхшилаб силлиқланган олтин калитни чиқарди, Чол қулоқни кўрсатди, Френсис калитни тешикка тик-ди.

— Худди автоматнинг ўзи, деди у «калит» тешик-дан тушиб кетгач. — Энди нима бўлади? Сувни кузатиб туринглар — дарров камайса керак.

Лекин сув ҳамон фаввора бўлиб отилиб чиқарди. Бирдан Торрес кичкириб, деворни кўрсатди, катта хар-санг девордан ажралиб, юқорига оҳиста кўтарилаётган эди.

— Мана, у — чиқиладиган йўл! — деб кичкирди Торрес.

— Чол айтганча, кириладиган йўл, — деб унинг га-пини тўғрилади Френсис.— Нима бўлсаям юраверинг-лар. — Улар девордан ўтиб, тор йўлақдан анча юриш-ганда бирданига майя чол: «Уғлим!»—дея бақириб, орқасига ташланди.


Деворнинг кўтарилган қисми ўз жойига тушаётган эди. Кохин қолган тешиқдан зўрға эмаклаб ўтиб олди. Яна бир дақиқадан сўнг харсанг ўз жойини эгаллади. Бу харсанг тешикка шу қадар мосланган эдики, маъ-будала- {қоридан оқиб ўтаётган сув дарров тўхтади.

Ташқа^ида эса, тошлар орқасидан сув чиқаётгани-ни ҳисобга олмаса, ғор ичида нималар бўлаётганини би-либ бўлмасди. Генри билан Рикардо ғор оғзига келиб, у ердан сув чиқаётганини кўришди.

— Буниси янгилик бўлди. Бу ердан кетганимда ҳа-ли сув йўқ эди, — деди Генри.

Бир минутдан сўнг улар тепадан тош қулаб тушга-нини кўришди.

— Бу ерда ғорнинг оғзи бор эди, — деди у. — Энди эса йўқ. Қизик, қаёққа гумдон бўлдийкин?



Унинг саволига жавоб бергандек, сув тоғ қаъридан одам танасини оқизиб чикди. Генри билан Рикардо югуриб бориб, танани тортиб олишди. Генри кекса ко-ҳинни таниб, уни юз тубан ётқизди, ўзи ёнига чўккалаб, чўкканларнинг ичидаги сувни чиқаргандек корнини бо-сиб, ютган сувини чиқара бошлади.

Чолнинг юзига қон югургунча ўн минутча ўтиб кет-ди, яна ўн минутчадан сўнг кузини очиб, атрофга аланг-лаб қаради.

— Улар қаерда? — деб сўради Генри.

Кекса кохин майя тилида нималардир деб ғўлдира-ди, лекин Генри уни силкитиб, хушига келтирди.

— Йўқ, ҳеч ким йўқ... — деб тушунтирди чол испан-чалаб.

— Ким йўқ? — деб сўради Генри, уни хушига кел-тириш учуй яна бир марта силкитиб.—Ким йўқ?

— Менинг ўғлим йўқ. Чиа уни ўлдирди. Чиа ўғлим-ни ўлдирди, уларнинг ҳаммасини ўлдирди.


— Кимларнинг ҳаммасини?

Яна чолни силкитиб, саволни такрорлашга тўғри келди.

— Уғлимнинг дўсти бадавлат ёш грингони, бадав-лат грингонинг Торрес деган душманини, Солано оила-сидан бўлган қизни, ҳамм,аси ўша қиз туфайли бўлди. Мен сизни огоҳлантирган эдим. У биз билан бирга кел-маслиги керак эди. Хотинлар доим эркакларга фало-кат келтиради. У худонинг ғазабини келтирди, ахир Чиа ҳам аёл кишида. Чианинг тили — заҳарли илон. Чиа ўз тили билан ўғлимни ўлдирди. Тоғ эса устимизга тў-фон ёғдирди. Ҳамма /қалок бўлди. Ҳаммасини Чиа ўл дирди. Мен худоларнинг қаҳрини келтирдим. Шўр пе-шо нам! Шўр пешо'нам! Майя худоларининг муқаддас хазинасини ўғирламоқчи бўлганларнинг аҳволига вой!

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Генри билан Рикардо қоядан отилиб чиқаётган оқим билан қулаб тушган тошлар уюми оралиғида туриб нима бўлганини аниқламоқчи бўлардилар. Уларнинг ёнида эса майяларнинг сўнги кохини ерни кучоклаган-ча бўғилиб дуо ўқир эди. Генри чолнинг хушини бир оз ўзига келтириш учун унга ёпишиб, силкитиб кўрди-ю,



ғорда юз берган воқеа ҳақида пала-партиш шивирлаш-дан бошқа н'ар'сани эшитолмади.

— Илон фақат унинг ўғлини чақибди, бу чуқурга ўшанинг ўзи йиқилган, — деди Генри қандайдир умид билан.'

'— Жуда тўғри, — тасдиқлади Рикардо. — Қолган-лар шалоббо бўлишган, холос. Унинг гапига қараганда ҳеч нарса бўлгани йўқ.

" — Эҳтимол улар ҳозир сув етиб бормайдиган бирбр жойда ўтиришгандир.— Генри ўз фикрини давом эт-тирди. — Ғор оғзини тозалаб, сув оқиб чиқиб кетиши-га йўл очолсак эди! Улар тирик бўлишса, яна бир неча кун чидай оладилар, чунки одам ташналикдан тезроқ ўлиши мумкин, улар эса сувга сероб. Овқатсиз узоқ яшаш мумкин. Лекин мени бир нарса хайрон қиляпти. Торрес у ерга қаёқдан бориб қолди?

— Қизиқ, қару бизга ўша зотнинг илтифоти туфайли хужум қилмадимикин? — деди Рикардо.

Лекин Генри бу гапга унча эътибор бермади.

— Балки шундайдир, лекин ҳозир бу ҳақда ўйлаб ўтирадиган вақт эмас. Аввало, улар тирик бўлишса, қутқариш учун ғор ичига қандай киришни ўйлашимиз керак. Шунча тошни сен билан биз бир ойда ҳам олиб ташлаёлмаймиз. Агар эл'лик киши бўлганимизда кечаю кундуз ишлаб, икки кунда ғор оғзини оча олардик. Де-мак, биз учун энг муҳими — ҳозир одам топиш. Аввало шу йш билан шуғулланишимиз керак. Мен ҳозир ҳачир-га миниб қару олдига жўнайман, бизга ёрдам бериш учун бу ерга келишса Френсиснинг чек дафтарини ваъ-да қиламан. Агар бундан бир иш чиқмаса, Сан-Антонио-га бориб одам б'ошлаб кёламан. Бу иш билан, шу тари-қа.'мен шуғулланаман. Унгача сен сўқмоқни тозалаб, ҳамма пеонларни ҳачирлару бошқа анжомлар билан арга бу ерга олиб кел. Менга қара, сен, тоғдан тақил-ган овоз келмасмикин, қулоқ солиб тур: улар тақил-латиб ўзлари ҳақида 'хабар беришлари мумкин.

Шундай қилиб, Генри ҳачирининг норозилигига қа-рамай, Қару қишлоғига йўл олди. Қару душманларини, тўғрироғи яқинда ўзлари ўлдирмоқчи бўлган душман-ларидан бирини ўз қишлоқларида кўриб хайрон бўлиб қолишди. Улар уйлари олдида ялқовлик билан офтобда

исиниб ўтиришар, игна санчиб, ўринларидан сакра-б туришга ундаётган ажабланишни уйқучан лоқайдлик билан яширмоқчи бўлишарди. Оқ танли кишининг жа-сорати бу гал ҳам метисларни хайратга солиб, уларни ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум этиб қўйганди. Улар фаросатларини оҳиста ишга солиб, бошқалардаи бир қарич юқори турадиган, жасур ва улар тушида ҳам кўрмаган мард одамгина ҳорғин ҳамда қайсар ха-чирда душманлари тўпланган қишлоққа кела олади, деган хулосага келишди.

Улар бузилган испан тилида гаплашар эдилар, шу туфайли Генри уларнинг гапини тушунарди, улар ҳам Генрининг испанча гапини тушунардилар, лекин муқад-дас тоғда юз берган бахтсизлик ҳақидаги хабар уларга ҳеч қандай таъсир қилмади. Генрининг фалокатга уч-раганларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимоси ва ях-шигина ҳақ тўлаш ҳақидаги вв-ъдасини лоқайдлик билан тингладилар-да, бепарвогина елка қисдилар.

— Гринголарингизни тоғ ютиб юборган бўлса, де-мак худонинг продаси шундай экан. Худонинг иродаси-га қарши чиқишга биз ким бўлмиз? — жавоб беришди улар. — Биз қашшоқ одамлармиз, лекин биров учун меҳнат қиладиганлардан эмасмиз. Нимаики бўлган экан, ҳаммасига грингонинг ўзи айбдор. Бу уларнинг юрти эмас. Худонинг ғазабига учраган экан, ўз ёғига ўзи ковурилаверсин, бизнинг эса унингсиз ҳам ишимиз ошиб-тошиб ётибди — қайсар хотинларимизнинг ўзиям чакана иш эмас.

Генри иккита ҳачирни алмаштириб, учинчиси — энг қайсарида кимсасиз Сан-Антониога кириб келганда тушки дам олиш вақти аллақачон тугаган эди. Асосий кўчанинг ярмига бо'рганда, суд билан турманинг ўрта-сида полиция бошлиғи билан қичкина, семиз судьяни курди. Уларнинг орқасида ўнга яқин соқчи жандарм Сантосдаги плантациядан қочган иккита бечора пеонни ҳайдаб келарди. Генри ҳачирни тўхтатиб,, судья билан полиция бошлиғига ёрдам сўраб илтимос қилди. У га-пираётганда полиция бошлиғи судьяга — ўз судьясига, садоқат билан хизмат қилувчи судьясига кўз қисди.

— Ҳа, албатта, ёрдам берамиз, — деди полиция бошлиғи керишиб эснар экан.

— Қачон менга одам бера оласиз? — сабрсизлик билан сўради Генри.



— Одам беришга келганда, ҳозир. биз жуда банд-миз, — полиция бошлиғи безбетлик билан жавоб қилди.

Шундай эмасми, ҳурматли судья?

— Ҳа, биз жуда бандмиз, — тасдиқлади у Генрининг афтига қараб эснар экан.

— Яна бирмунча вақт банд бўламиз, — давом этди полиция бошлиғи. — Ғоятда афсусланамиз, лекин эртага ҳам, индинга ҳам ёрдам бериш тўғрисида ўйлашга ҳам вақтимиз йўқ. Бир оз кейинроқ эса...

— Айтилик, рождество байрамида, — деди судья.

— Ҳа, ҳа, рождество байрамида, — деб тасдиқлади полиция бошлиғи, тавозе билан таъзим қилиб. —

Рождествога яқинроқ ҳузуримизга кириш, унча ишимиз камайиб қолса, балки экспедиция тузиш ҳақида ўйлашиб кўрармиз. Ҳозирча хайр, жаноб Морган.

— Ҳазиллашаётганингиз йўқми? — сўради Генри ғазабдан афти буришиб.

— Сеньор Альфаро Соланонинг орқасидан келиб унга пичок урганда ҳам афтини шундай буриштирган бўлса керак, — деди полиция бошлиғи нафрат билан.

Генри бу ҳақоратга парво қилмади, у бошқа нарса ҳақида ўйларди.

— Сизларнинг кимлигингизни башарангизга айтман, — деди у ғазабдан қизишиб.

— Эҳтиёт бўлинг! — деб огохлантирди судья.

— Туфурдим сизларга! — Генрининг жаҳли чиқди. —» Мени ҳеч нарса қила олмайсиз. Мени Панама президен-тининг ўзи афв этган. Сизлар эса омихталарсиз, одам-лигингизни ҳам билиб бўлмайди, чўчкалигингизни ҳам...

— Илтимос қиламан, давом этинг, жаноб, — деди полиция бошлиғи, қаҳр-ғазабини назокатли эҳтиром билан никоблаб.

\ — Сиадарда испанлар ёки караибларнинг бирорта дам фазилити йўқ, аксинча, ҳар икки элатнинг иллатла-ри сизларда тўлиб-тошиб ётибди. Сизлар одам эмас — чўчкасизлар, билдингизми!

— Ҳамма гапларини айтиб бўлдиларми, сеньор? — полиция бошлиғи муғомбирона суриштирди ва жан-дармларга имо қилди, улар орқадан Генрига ташланиб, қуролсизлантиришди.

— Ҳали жиноят қилмаган жинотчини ҳатто Панама

резиденти ҳам афв этолмайди. Тўғрими, судья? — сўради полиция бошлиғи.

— Бу бутунлай янги жиноят! — полиция бошлиғи-нинг шамасини дарҳол тушунган судья ҳозиржавоблик қилди. — Бу ит — гринго конунни ҳақорат қилди.

— У ҳолда биз уни суд қиламиз, ҳозирнинг ўзидаёқ жойимиздан кимирламай туриб суд қиламиз. Судга қай-тиб бориб, қайтадан мажлис қилиб ўтирмаймиз. Ўзимиз-ни қийнаб нима қиламиз. Уни шу ернинг ўзида суд қилиб ҳукм чиқарамизу йўлимизда давом этаверамиз. Уйимда бир шиша яхши вино бор...

— Мен винони ёқтирмайман, — судья бу таклифни рад этишга ошиқди. — Менга яхшиси мескал бўлса. Ҳозирча эса мен ҳам гувоҳ ва жабрланувчи бўлганим учун, қўлимдаги далиллардан бошқасига эҳтиёж бўл-магани учун айбланувчини айбдор деб ҳисоблайман. Жаноб Мариано Веркара-и-Ихос, сиз қандай жазони таклиф этасиз?

— Бу кизикқон грингони шаштидан тушириш учун бир кеча-кундуз исканжага олинсин.

— Биз худди шундай ҳукм чиқарамиз, — эълон қилди судья. — Ҳукм дарҳол кучга киради. Жандармлар, маҳбусни олиб кетинглар, бўйнига исканжа солинглар.

Тонг отганда Генри роса ўн икки соатни исканжада ўтказган эди. У чалқанча ётиб ухларди. Лекин тушида босинкираб, тоғ қаърида қамалиб қолган дустларини курди, ғам-ташвишдан эзилди, баданини эса сон-санок-сиз чивинлар чақарди. Шу тариха тўлғаниб, қанотли азобкорларни қўли билан ҳайдаб, ниҳоят уйғонди. Уй-ғониб бошига қандай фалокат тушганини эслади ва ўзи-ни болохонадор қилиб сука кетди. Минглаб заҳарли чивинлар чақишидан жаҳли чиққан Генри шундай сў-кинардики, -ҳатто асбоб-ускуналари солинган кутучаси-ни кўтариб кетаётган йўловчининг эътиборини ўзига тортди. Бу Қўшма Штатлар учувчиси формасини кийган қадди-комати келишган, қирра бурун ёш йигит эди. У Генрининг олдида келиб кулоқ солди ва кизикиш билан, қойил бўлиб унга тикилди.

— Дўстим, — деди у, Генри нафасини ростлаб олиш учун бир дақиқа тўхтаганда. — Утган тунда палатка жи-ҳозларининг ярми қирғоқда, ўзим эса бу ерда қолиб



кетганимда, мен ҳам роса сўкинганидим, аммо менинг сўкинишим сизники олдида энди тили чикқан боланинг тўнғиллашидек бир гап экан. Мен сизга қойил қолдим, сэр. Сиз ҳар қандай аскарни йўлда қолдириб кетаркан-сиз. Агар эътироз билдирмасангиз, сўкинишларингизни бошидан қайтара олмайсизми, мен ҳам ўрганиб олиб, кези келганда фойдаланиб юрардим.

— Узингиз кимсиз, жин ургир? — сўради Генри. — Нега бу ерда дайдиб юрибсиз?

— Сиздан хафа бўлишни ўзимга эп кўрмайман, сэр, кулиб деди учувчи.— Юзи бунақа шишиб кетган одамнинг кўполлик қилишга тўла ҳақи бор. Ким сиз-ни бунчалик безаб кўйди? Менинг ўзим ҳақимда гапир-сам, ҳали жин-пинга ишим тушгани йўқ, бу ерда, ер юзида эса Парсонс, лейтенант Парсонс номи билан машҳурман. Ҳозирча дўзахга ҳам бирор иш билан туш-ганим йўқ. Панамага эса, бугун Атлантик океанидан Тинч океанга учиб утиш учун келганман. Йўлга чики-шимдан олдин сизга бирор ёрдамим зарур эмасми?

— Албатта зарур!— хитоб қилди. Генри. — Қути-чангиздан бирор асбобни олиб, исканжанинг қулфини бузинг. Бу ерда яна ўтирадиган бўлсам бод касалига учрашим аниқ. Менинг фамилиям Морган, мени ҳеч ким калтаклагани ҳам йўқ,— ҳаммаси чивин чаққанидан.

Лейтенант Парсонс мурват бурайдиган ключи билан бир неча марта уриб, исканжанинг эски қулфини синдирди ва Генрига ўрнидан туришга ёрдамлашди. Генри Леонсия билан Френсис бошига қандай фалокат тушгани ва бу улар учун қанчалик фожиали бўлиши мумкинлиги ҳақида қисқача гапириб берди.

— Мен ўша Френсисни севаман, — деди сўзининг охирида у. — У худди менга ўхшайди. Биз бир-биримизга эгизакдай ўхшаймиз, — чамаси биз узоқ қариндошмиз. Сеньоритани эса севибгина қолмай, унга уйланмоқчиман. Хўш, бизга ёрдам беришга тайёрмисиз? Аэропланингиз қаерда? Майя тоғига пиёда ёки ҳачирда бориш учун узоқлик қилади, лекин сиз ўз машинангизда ташлаб ўтсангиз, ҳеч қанча вақт кетмайди. Бунинг устига юзтача динамит шашкаси топиб берсангиз, тор босиб қолган жойни портлатиб, ғордаги сувни чиқариб юбораман.

Лейтенант Парсонс иккиланиб қолди.

— «Хўп» денг! Айтинг! — Генри унга ялинди.



Маъбудлар ғори эшигини бекитган тош ўз жойини Ёгаллаши биланоқ муқаддас тоғ қаърида қолиб кетган уч асир зим-зиё қоронғуда қолди. Френсис билан Леон-сия пайпаслаб бир-бирини топиб олиб қўл ушлашди. Яна бир дақиқадан сўнг у кизни кучоқлади ва букучоқлаш лаззати қалбларни қамраб олган даҳшатни бир оз су-сайтирди. Улар ёнларида Торрес оғир нафас олаётгани-ни сезиб туришарди. Ниҳоят у гапиришга ботинди:

— Ё худо, манавини ўлим билан юзма-юз келиш де-са бўлади. Зўрға қочиб қутулдик. Бу ёғи нима бўларкин?

— Бу ёғида шу ғордан чиқиб олгунимизча яна кўп даҳшатларни бошдан кечирамиз,—ишонтирди Френсис— Бу ердан чиқишимиз керак, қанча тез бўлса, шунча яхши.

Юриш тартиби тезда белгиланди, Френсис чап қўли билан деворни пайпаслаб йўл бошлади; унинг орқаси-дан Леонсия юриди. Френсис унга камзулидан маҳкам ушлаб олишни буюрди. Торрес эса ўнг деворни пайпаслаб Френсиснинг ёнида борарди. Улар бир-биридан ор-қада қолиб ёки ўзиб кетмаслик, муҳими — ён йўлакга бурилиб, ажралиб кетмаслик учун тўхтовсиз гаплашиб боришарди. Уларнинг бахтига тоннель (чунки бу чина-кам тоннель эди) таги текис бўлганидан пайпаслаб юришса ҳам қоқинишмади. Френсис ғоят зарурат ту-ғилмагунча гугурт ёқмасликка қарор қилди ва бирор қудук ёки чуқурга тушиб кетмаслик учун олдин бир оёғини оҳиста олдинга босар, қаттиқ ерга оёқ қўйга-нига ишонч ҳосил қилгач, иккинчи оёғини кўтарарди. Шу тарика улар соатига бир километрча йўл босиб се-кин боришарди.

Бутун йўл давомида бир мартагина тоннель икки ёққа кетадиган бир жойга дуч келинди. Шу ерга кел-ганда Френсис сув ўтказмайдиган қутичадан қадри ошиб кетган гугуртни олиб чакди ва шўнда ҳар иккала йўл бир-бирига ўхшашлигини кўришди. Улардан қайси бирини танлада қайсинисидан юриш керак?

— Бундай қйламиз, — дедй Френсис. — Мана бу йўлдан борамиз. Агар бу йўл ҳеч қаерга олиб чиқмаса, орқага қайтиб, бошқасидан юрамиз. Бир нарсага тўла ишониш мумкин: бу йўллар бирор жойга олиб боради, бўлмаса майялар йўл очиб ўзларини кийнамаган бўлишарди.

Ун минутдан сўнг Френсис бирдан тўхтади: оёқ қўй-



моқчи бўлган жойи бўшлиқ эди. «Тўхтанг!» деб огоҳ-лантирди у ва иккинчи гугурт донасини ёндирди. Маъ-лум бўлишича, улар табиий ғор оғзига келиб қолишган экан, гугурт ёруғида ғорнинг ёнлари ҳам, тепаси ҳам, туби ҳам кўринмас эди. Шунга қарамай, пастга олиб тушадиган зинага ўхшаш нарсани кўришди. Бу зина табиий бўлиб, инсон ҳўли салгина пардоз бериб, ҳақи-қий зинага айлантирган эди. Зина қоронғи чуқурликка олиб тушарди.

Бир соат кейин, дадил саёҳатчилар зинадан пастга тушиб, ғор ичида анчагина масофани босиб ўтишгач, бирдан ёруғликни кўриб қолишди. Улар олға юришган сайин тобора ёруғроқ бўлиб борарди. Ёруғ тушиб турган жой улар ўйлаганидан яқинроқ экан, тез орада Френсис ёввойи ток ва қалин бута шохларини четга су-риб, ғарбга оғган куёш нур сочиб турган очикликка чиқди. Шу даҳихада Леонсия билан Торрес унинг ёнида пайдо бўлишди; пастда водий ястаниб ётар, бу баланд чўққидан яхши кўриниб турарди. Водий деярли доира шаклида бўлиб, диаметри бир тошча келар — баланд тоғлар ва тик қоялар девор каби ўраб олган эди.

— Бу Адашган Жонлар Водийси, — тантанавор оҳангда деди Торрес. — Мен бу ҳақда кўп эшитганман, лекин мавжудлигига ҳеч ишонмаган эдим.

— Мен ҳам эшитгандиму ишонмагандим — деди Леонсия.


— Нима бўпти?— дея гапга қўшилди Френсис.— Биз адашган арвоҳлар эмас, тирик одамлармиз. Биз нима-дан кўрқамиз?

— Биласизми, Френсис, — деди Леонсия, — ёшли-гимда эшитган ҳикояларга қараганда, бу ерга бир мар-та тушиб қолган одам ҳеч ҳачон чиқиб кета ол-майди.

— Шундай деб ҳам ўйлайлик, — деди Френсис та-бассум билан,— у ҳолда бу ҳақда гапирганлар қандай чиқиб кетган экан? Бу ердан ҳеч ким қайтиб кета олма-ган бўлса, бу ерни ҳаёқдан билишади?

— Билмадим,—тан олди Леонсия.—Эшитганимни гапирдим, холос. Бунинг устига мен ҳеч қачон ишонма-ганман. Лекин бу ер сирли водий тасвирига жуда ўх-шаяпти.

— Бу ердан ҳеч ким ҳеч ҳачон чиқиб кета олма-ган, — яна тантанавор оҳангда таъкидлади Торрес.



— Ундай бўлса, бу ерга кимдир келганини сиз қаёқдан биласиз? — қайсарлик билан сўради Френсис.

— Бу ерда Адашган Жонлар яшайди — жавоб қил-ди Торрес— Шунинг учун уларни ҳеч қачон кўрмаган-миз. Бу ердан ҳеч ким чиқиб кета олмаган. Жаноб Френсис Морган, шуни билиб қўйингки, мен сиз ўйла-танча аҳмоқ эмасман. Мен маълумот олганман. Мен Ев-ропада ўқиганман. Сизнинг Нью-Йоркингизда ишлаган-ман. Мен ҳар хил фанларни, философияни ўрганган-ман. Шунга қарамай, бу водийга тушиб қолган одам ҳеч қачон чиқиб кета олмаслигига ишонман.

— Лекин биз ҳали водийга тушганимиз йўқ, — Френсиснинг сабри тугай бошлади.— Бизнинг водийга тушишимиз шарт эмас, тўғрими? — У эътиборини жалб этган қандайдир бир нарсани яхшироқ куриш учун тошлар ва кесаклар уюлиб турган макдонча четига келди. — Гаров боғлашим мумкин, бу томи похол билан ёпилган уй...

Шу замони у ушлаб турган дўнглик укаланиб кетиб, улар турган майдонча пастга сурилди. Френсис, Торрес ва Леонсия тош, шағал, тупроққа аралашиб тик қия-ликдан думалаб кетишди.

Эркаклар ўзларини тўхтатиб қолган қалин буталар ёнида биринчи бўлиб оёққа туришди. Улар Леонсияга ёрдамга шошилишган эдики, қизнинг ўзи туриб, кулиб юборди.

— Водийга тушишимиз шарт эмас, деб юрибсиз-а!— деди у Френсисга хахолаб. — Энди нима дейсиз?

Лекин Френсис бошқа нарса билан овора эди. У қўлини чўзиб, ёнгиндсида думалаб келган таниш нарсани олди. Бу Торрес мурдалар ғоридан ўғирлаган ду-булга эди; Френсис уни Торресга узатди.


— Ташланг уни, — деди Леонсия.

— Бу куёшдаи ягона соябоним, — эътироз билдирди Торрес, дубулгани айлантириб кўриб. Бирдан ичидаги ёзувга кўзи тушда-да, уни ҳамроҳларига кўрсатиб овоз чиқариб ўқшда.: «Да Васко».

— Мен бу одам ҳақида эшитганман, — деди Леонсия.

— Тўғри, эшитган бўлишингиз керак, — тасдиқладн Торрес. — Да Васко менинг бобом бўлган. Онамнинг қизлик фамилияси да Васко эди, у испан мустамлакаси-га Қортес билан бирга келган.





— Бу ерга келиб исён кўтарган ва кўзғолон бошла-ган, — давом эттирди Леонсия Торреснинг ҳикоясини.— Яхши эсимда: бу ҳақда менга отам билан Альфаро ама-ким гапириб берганиди. У ўн иккита шериги билан май-ялар хазинасини излаб кетади. Уларнинг орқасидан со-ҳилдаги қараибларнинг бутун бир қабиласи — юзтача эркак ва шунча хотин йўлга чиқади. Кортес эса Мендо-за деган одам бошчилигидаги отрядни уларнинг изидан юборади; унинг архивда сақланаётган ахборотида ай-тилишича,— Альфаро амаким худди шундай ҳикоя қилиб берган эди, — уларни Адашган Жонлар водийсига қуллаб киритиб, ит азобида ўлимга маҳкум этиб кетган-лар.

— Да Васко, чоғимда, бу ердан биз келган йўл ор-қали кутулмоқчи бўлган, — тугаллади Торрес, — майя-лар эса уни ушлаб олиб ўлдирганлар ва мумиёлаб қўй-ганлар.

У қадимги дубилгани пешонасига тушириб деди:

— Куёш оғиб қолган бўлсаям миямни қайнатиб юборди.

— Мени эса очликдан ичим тўкилиб кетганига- ўх-шайди, — тан олди Френсис. — Бу водийда кимдир яшар?

— Тўғриси, билмайман, сеньор. — жавоб берди Торрес. — Мендозанинг ахборотидан бир нарса маълум: улар Васко ва унинг отрядини шу ерда ўлим кучоғи-га ташлаб кетганлар, шундан кейин уни ҳам, ҳам-роҳларини ҳам ҳеч ким кўрмаган. Менинг билган-ларим шу.

— Бу ерда тамадди қиладиган нарса топиладиганга ўхшайди,— деб гап бошлади Френсис ва Леонсия буга-дан қандайдир меваларни узиб олаётганини кўриб, га-пини бошқа ёққа бурди: — Менга қаранг, Леонсия! Ҳозирок тўхтатинг бу ишингизни! Бусиз ҳам ташвиши-мизкўп, захарланган гўзал билан овора бўлишимиз қолганди-да ўзиям.

— Бу мевалар зарарсиз,— деди қиз хотиржамлик билан оғзига солаётиб. Қушлар чўкилаганини кўриб ту-рибсиз-ку.

— Ундай бўлса кечиринг, мен ҳам сизга шерик бў-ламан, — хитоб қилди Френсис, оғзини тўлдириб шира-ли мева тикаркан. — Шу меваларни чўқиган қушларни ушлаб олсам, уларни ҳам еган бўлардим.

' Улар очликни алдагунларича куёш анча пастлаб қол-ган эди. Торрес бошйдандубулгани олди.

— Шу ерда тўнашга тўғри келади,—деди у. — Бо-тинкамни мурдалар ғорида қолдирган эдим, да Васко-нийг эски этигини сувда сузиб юрганымда йўқотдим. Оёқларим чақа бўлиб кетди, бу ерда қуруқ ўт кўп экан, ул'ардан чипта тўқиб олишим мумкин.

Торрес ўзига чипта тўқийётганда Френсис гулхан ёқ-ди ва олов ўчиб қолмаслиги учун анча ўтин ғамлаб қўй-дй, чунки экваторга яқин бўлишига қарамай, бундай баланд тоғда тун совуқ бўлади. Френсис ўтин ғамлаб улгурмаёк Леонсия ғужанак бўлиб, бошини тирсагига қўйганча қотиб ухлаб қолган эди. Френсис хазон ва мохларни тўплаб Леонсиянинг гулхан иссиғи тегмайди-ган томонини ўраб қўйди.


## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Адашган Жонлар Водийси. Тонг отмоқда. Адашган Жонлар қабиласи қишлоғи ўртасидаги катта уй. ҳақи-қатан ҳам катта: узунлиги саксон фут, эни қирқ, ба-ландлиги ўттиз фут келадиган гувала уй. Уйдан зўрға оёқда турган кекса киши — Куёш қохини зўрға чиқиб келди; устида дағал бўздан тикилган узун қўйлақ, оёғи-да қавуш; бу хиндининг бужмайган, қари юзи қадимги конкистадорларнинг башарасини эслатади. Бошида эса устига ярим доира шаклида халланган, олтин куёшга ўхшаб нўр таратиб турган тож қўндирилган антиқа олтин қалпоқ. Чамаси тож — чиқиб келаётган куёшнинг тасвйри:

Қария яланглиқдан ўтиб, икки устун учига қўнда-ланг қўйилган ичи бўш, ҳайвонлар сурати ва турли бел-гилар туширилган катта холадаги яқинлашди. Тонг ша-фағидан ёришган шарқ томонга қараб, кечикмаганига қаноат ҳосил қилди-да, юмшоқ соққача ўрнатилган та-ёқни олиб, гўлани урди. Қария жуда нимжон ва зарби юмшоқ бўлишига қарамай, ичи ковак гўла узокдаги момақалдиқдек гулдурраган овоз чиқарди.

Қохин—гўлани чалишни давом эттирар, катта уй ат-рофидаги кулбалардан Адашган Жонлар унинг олдида шошилишарди. Эркаклар ва аёллар, кексалар ва ёш-лар, болаларни етаклаб, эмизикли чақалоқларни опи-чиб— ҳамма тўпланиб Куёш қохинини қуршаб олди.






Йигирманчи асрда бундан ҳам қадимий манзарани та-саввур қилиш кийин. Улар ҳиндилар бўлса ҳам, кўп-ларининг юзидан испан қони аралашлиги сезилиб ту-рарди. Баъзилар нақ испаннинг ўзи, бошқалар — шу ик-ки ирдан дунёга келган. Лекин уларнинг юзларидан ҳам кийимлари ғалатироқ—аёллар кийими содда, қўл-бола бўздан тикилган узун кўйлак, эркакларники эса шу матодан тикилган бўлса ҳам, бошқачарок, Қолумб-нинг биринчи саёҳати давридаги испанлар кийимига укувеизларча ўхшатиб тикилган эди. Қариндошлар ўзаро никоҳдан ўтадиган қабилада гўё янги қон қў-шилмаслиги уларни қувноқликдан маҳрум этгандек, булар бадқовоқ, хунук кишилар эди. Икки киши—Адаш-ган Жонларнинг меров башаралари орасида чиройли гулдай ажралиб турган ўн ёшлардаги қиз ва қиёфаси-дан муғомбир, маккор ва ақлли эканлиги билиниб турган кекса Қуёш қохинидан бошқа ҳаммалари — йигит ва қизлар, болалар ва ҳатто гўдакларгача бадбашара эдилар.

Қохин ғовак гўлани уриб чалаётганда қабила шарқ-қа қараб, ярим доира шаклида саф тортди. Уфқда қуёш кўриниши биланок қохин уни ўзига хос қадимий испан тилида табриклади ва уч марта таъзим хилди, қолганлар ҳам хуёшга сажда қилдилар. Қуёш тўла чи-ҳиб бўлгач қабила қохиннинг ишораси билан ўрнидан туриб, қувноқ гимни куйлай бошлади. Маросим тугаб, халқ тарқалмоқчи бўлиб турганда бирдан қохин водий-нинг нариги томонида тутун чиқаётганини кўриб қол-ди. У бир неча йигитга тутунни кўрсатди.

— Бу тутун қабиламыздан ҳеч кимнинг оёқ босиши-га рухсат этилмайдиган Тақиқланган Даҳшатли Жой-дан чиқяпти. Бир неча асрлардан буён биз яширинган жойни беҳуда қидираётган душманларимиз юборган бирор иблис бўлса керак. Уни тирик қолдириб бўлмай-дй, бизни сотиб қўяди. Душманларимиз эса жуда куч-ли, бизни йўқ қилиб юборадилар. Кейин бизни ўлдир-масликлари учун уни ҳозир бориб ўлдириб келингллар!

Туни билан шох-шабба ташлаб турилган гулхан ёни-да Леонсия, Френсис ва Торрес ухларди. Торрес ўт-дан тўкилган янги шиппагини кийиб олган, да Васко дубулғасини шудрингдан шамоллаб қолмаслик учун



бостириб кийиб олган эди. Леонсия биринчи уйғонди; кўз олдидаги манзара шу қадар ғалати эдики, у кўз қири билан яхшилаб кўриб олмоқчи бўлди. Адашган Жонлар қабиласидан уч киши камонни таранг тортиб турарди: улар Леонсия ва ҳамроҳларига ўқ узишга тай-ёр турардилар, лекин ухлаб ётган Торреснинг қиёфаси уларни шунчалик ҳайратга солдики, ёйни тортган жой-ларида қотиб қолишди, бир-бирларига қараб, камонни пастга туширишди ва- уни ўлдиришдан бош тортгандек бош. чайқашди. Кейин эмақлаб Торресга яқинроқ ке-лишди, чўққайиб ўтириб унинг юзини, айниқса, ни-маси биландир уларни қизиқтирган дубулғасини томо-ша қила бошладилар.

Леонсия ётган жойида оёғи билан Френсиснинг елка-сини оҳиста туртди. У уйғониб, секин ўтирди, аммо бу ҳаракат нотанишлар диққатини тортди, улар нияти хо-лислиги далили сифатида камонларини унинг оёғи ости-га ташлаб, қуролларимизни ташладик дегандек қафтла-рини кўрсатишди.

— Хайрли тонг, қувноқ нотанишлар! — Френсис улар билан инглизча саломлашди, аммо улар бош чай-қаб қўйишди, холос.

Френсиснинг гапидан Торрес уйғониб кетди.

— Адашган Жонлар шулар бўлса керак, — деб ши-вирлади Леонсия Френсисга.

— Ёки ер участкалари сотиш бўйича маҳаллий агентлар,— Френсис кулиб, шивирлаб жавоб қилди.— Нима бўлсаям водийда одамлар яшаркан. Торрес, бу дўстларингиз қанақа одамлар? Сизга тикилишларидан қариндошларингизга ўхшайдилар.

Адашган Жонлар четга чиқиб, оҳиста шивирлаб нима ҳақдадир гаплаша бошлашди.

— Уларнинг тили испанчага . ўхшайди, фақат сал ғалатироқ, — деди Френсис.

— Бу ўрта асрдаги испан тилининг ўзи,— деб тас-диқлади Леонсия.

— Конкистадёрлар шу тилда гапирардилар, ҳозир ҳеч ким билмайди, — деб илова қилди Торрес. — Кўр-дингизми, мен ҳақ эканман. Ушандан буён Адашган Жонлар водийдан ташқари чиқмаганлар.

— Лекин ҳамма одамларга ўхшаб уйланишган, эрга тегишган, бўлмаси манави учта саватбош қаёқдан келарди?— ҳазил қилди Френсис.



Унгача учала саватбош бир фикрга келиб, имо-ишо-ра билан нотаниш кимсаларни орқаларидан эргашиб, водий ичкарисига юришга даъват этишди.

— Башаралари маънос бўлса ҳам оққўнгил, умуман яхши йигитларга ўхшашади, — деди Френсис улар ор-тидан юрмоқчи бўлиб. — Эҳ, шунақаям ғамгин одамлар бўладими! Чамаси улар ой тутилган пайтда туғилган, ёки дугоналари битта қолмай ўлиб кетган, ёки бўлмаса ундан ҳам қайғули бирор воқеа бўлган.

— Менимча, Адашган Жонлар худди шундай бў-лишлари керак, — деди Леонсия.

— Ҳа, агар бу ердан кутулиб чиқиш пешанамизга ёзилмаган бўлса, афтимиз булардан ҳам қайғулироқ бўлиб қолади,—деди Френсис.—Нима бўлсаям, улар биз-ни нонуштага таклиф қилишяпти деб умид қиламан. Албатта, иложи бўлмагач мева билан тамадди қилса ҳам бўлади-ю, аммо қорин тўйғазмайди-да у.

Улар йўл бошловчиларга эргашиб, ярим соатдан сўнг қабила уйлари ва Катта уй жойлашган ялангликка келишди.

— Булар да Васко экспедицияси аъзоларининг қараиблар билан аралашиб кетган авлодлари,— ишонч билан деди Террос, тўпланганларнинг юзларига назар солгач, — бунга ишонч ҳосил қилиш учун бир қарашнинг ўзи кифоя.

— Улар да Васконинг христиан динидан қадимий мажусий урф-одатларга қайтишган, — деб қўшиб қўй-ди Френсис. — Мехробга қаранг: у тошдан ясалган, пиширилган қўй гўшти ҳиди келаётган бўлса ҳам, бу биз учун нонушта эмас, худо йўлига қурбонлик.

— Худога шукурки, қурбонликка қўй сўйишибди!— Леонсия енгил тортди.—Илгари қуёшпарастлародамларни қурбонлик қилишарди. Бу ердагилар ҳам ашаддин қуёшпарастлар. Ҳув анови узун қўйлақ, қуёш нури тасвирланган олтин қалпоқ кийган чолга қаранг. У Қуёш қохини. Альфаро амаким бу дин ҳақида менга кўп гапириб берган эди.

Мехроб орқасида, сал нарироқда қуёшнинг металл-дан ясалган катта тасвири турарди.

— Олтин, соф олтин! — деб шивирлади Френсис.— Ҳеч қандай аралашмаси йўқ. Нурларига қаранг: жуда катта соф олтиндан. Қасам ичиб айтишим мумкинки, уни ёш бола ҳам эгиб-буклай олади.



— Е Раззок, анави томонга бир қаранг! —деб хи-тоб қилди Леонсия мехробнинг бошқа томонидаги қўпол тош ҳайкални кўрсатиб,— Торреснинг ўзи-ку! Майялар ғоридаги биз қурган мўмиё башаранинг ўзи-ку.

— Езуви ҳам бор.. — Френсис ўқиш учун яқинроқ бормоқчи бўлди-ю, қохиннинг амирона ишорасига бўй-суниб чекинди.— «Да Васко» деб ёзилган. Эътибор бе-ринг-а, ҳайкалда ҳам Торреснинг бошидагидақа дубул-ға... Менга қаранглар! Манави қохинга бир назар со-линглар-а! У Торресга туғишган акасидек ўхшаб кета-ди. Бунақа ўхшашлик бўлишини хаёлимга ҳам келтир-магандим.

Қохиннинг жаҳли чиқиб, ғазабнок бир ишора билан Френсисни гапдан тўхтатди ва пишаётган қурбонлик устига энгашди. Шу пайт гўё илоҳий мўъжиза бўлган-дек шамол қўй гўшти устидаги алангани ўчирди.


— Илоҳий Қуёшнинг ғазаби келмоқда, — деди қохин қовоғини уйиб; унинг ўзига хос испанча тили, қадимийлигига қарамай келгиндиларга тушунарли эди. — Орамизда бегоналар пайдо бўлди, улар ҳалиям тирик. Шунинг учун Илоҳий Қуёшнинг қаҳри келяпти. Бегоналарни эҳромимизга бошлаб келган ёшлар, жавоб беринг: сизларга уларни ўлдиринглар деб буюрмаганмидим? Менинг лафзим билан доимо Илоҳий Қуёшнинг ўзи гапиради.

Уч йигитдан бири қалтираб олдинга чиқди ва яна қалтираганча бармоғи билан олдин Торресни, сўнг ҳайкални кўрсатди.

— Биз уни таниб қолиб, ўлдиришга ботинолмадик,— кўрқиб, тортиниб гапирди у. — Чунки буюк аждодимизнинг қайтиб келиши ҳақидаги ривоят ёдимизда. Балки бу бегона одам ўшадир. Биз билмаймиз. Билишга ҳам, тасдиқлашга ҳам ботинмаймиз. Билиш ва тасдиқлаш сенинг ишинг, эй қохин. Бу ўшами?

Қохин Торресга диққат билан тикилиб, нималарнидир деб тўнғиллади Сўнг кескин ўгирилиб, мехроб олдидаги идишда турган-чуғ билан муқаддас оловни ёндирди. Аланга бир ловуллаб, ҳилпиради-ю яна ўчди.

— Илоҳий Қуёшнинг жаҳли чиқяпти, — тақрорлади қохин; буни эшитиб, Адашган Жонлар уввос тортиб йиғлаб, кўкракларига ура бошладилар.— Қурбонлигимиз худога мақбул бўлмаяпти, шу сабабли олов ёнма-



япти. Энди ҳар қанақа фалокатни кутиш мумкин. Фа-қат менга аён бўладиган буюк сир бу. Бегона юртдан келганларни ҳозир қурбон қилмаймиз. Илоҳий Қуёп, иродаси қандайлигини билиш учун менга вақт керак.— Шундай деб у маросим тугамай туриб, ишора билан қабилани тарқатиб юборди ва уч асирни Катта уйга олиб боришни буюрди.

— Унинг нима қилмоқчи бўлаётганини ҳеч тушунол-мадим, — Френсис-Леонсиянинг қулоғига шивирлади.— Лекин у ерда бизни тўйгазишади деган умиддаман.

— Уни қаранглар, қандай гўзал!—деди Леонсия, кўз қири билан чиройли юзидан ақл-идрок барқ уриб турган қизчани кўрсатиб.

— Торрес уни кўз остига олиб қўйди. — шивирлаб жавоб берди Френсис. — Қизчага кўз қисганини кўриб қолдим. Коҳиннинг нияти қанақалигини, шамол қаёқ-қа қараб эсишини у, ҳам билмайди, лекин дуст ортти-риш учун имкониятни қўлдан чиқармайди. Уни кузатиб юриш керак: у ўз жонини сақлаб қолишга ёрдам бер-са, бизни хоҳлаган вақтида сотиб юбориши мумкин, шу-нақа маккор, ёмон одам у.

Катта уйга етиб келиб, ўт-ўланлардан қўпол қилиб тўқилган бўйрага<sup>1</sup> ўтиришлари биланоқ овқат келтириш-ди — ғалати сопол идишда қайнатиб пиширилган гўшт сабзавотга аралаштириб солинган, тоза сув, ҳар икки-си, ҳам мўл-қўл эди. Яна уларнинг олдига маккажўхори зоғорасини қўйишди.

Улар овқатланиб бўлишгач, овқат келтирган аёллар чиқиб кетишди, асирларни бошлаб келган ва уйда буй-руқ бериб турган қизчагина қолди. Торрес унга яна кўз қиса бошлади, қиз эса эҳтиром билан четлашиб, фақат Леонсияга, унинг ҳуснига мафтун бўлиб тики-ларди.

— Бу қиз уй бекасига ўхшайди, — деб тушунтирди Френсис. — Самоа кишлоқларида ҳам шунақа: ҳизлар ҳанчалик олий насаб бўлмасинлар, ҳамма саёҳатчиларни кутиб олишлари, уларни зериктирмасликлари керак, ҳамма расмий маросимлар ва тантаналарни ҳам деярли ҳизлар бошқариб боради. Ҳусни, олижаноблиги ва фаҳм-фаросатига қараб уларни қабила бошлиғи тайинлайди. Бу қиз ҳам менга ўшаларни эслатди, лекин бу қиз жуда ёш, деярли гўдакнинг ўзи.

Қиз Леонсияга яқинроқ келди, у нотаниш аёлнинг



ҳуснига лол қолган бўлса-да, унинг хатти-харакатлари-да тилёғламалик ёки ўзини камситиб кўрсатишдан асар ҳам йўқ эди.

— Айт-чи, — деди у маҳаллий эски испан лаҳжаси-да, — бу одам ростдан ҳам Қуёшдаги уйдан қайтиб келган капитан да Васкоми?

Торрес мағрур табассум-ла таъзим қилиб, кибр билан жавоб қилди:

— Ҳа, мен да Васко авлодиданман.

— Да Васко авлодидан эмас, ўзим да Васкоман денг! — Леонсия инглизчалаб унга гап ўргатди.

— Бу ишончли ўйин, шу гапдан қайтманг, — Френсис ҳам инглизчалаб унга маслаҳат берди. — Да Васко туфайли бу ердан чиқиб кета оламиз. Негадир коҳинни жиним ёқтирмайпти, у эса Адашган Жонларнинг худоси ва ҳоконига ўхшайди.

— Ҳа, мен қуёшдан ерга қайтиб келдим, — деди Торрес қизга қараб, итоаткорлик билан ўз ролини ижро этиб.

Қиз унга узоқ тикилиб қолди: қиз Торреснинг жаво-бини ўйлаётгани, уни баҳолаётгани сезилиб турарди. Сўнгра у ҳурмат билан, бепарво таъзим қилди, френ-сисга бир назар солди ва Леонсияга бурилиб, табассум қилди.

— Худонинг сендай чиройли аёлларни яратишини билмас эканман, — деди қиз майин товуш билан ва эшик томон юрди. Эшик олдига боргач тўхтаб, илова қилди: — Хаёлчан Аёл ҳам чиройли, лекин у сенга сира ўхшамайди.

Қиз чиқиб кетиши биланоқ Қуёш коҳини кирди, бир неча йигит унга ҳамроҳ бўлиб келди, чамаси идишлар-ни йиғиштириб олиш учун киришганди. Йигитлардан, икки ёки учтаси идишларни олмоқчи бўлиб энгашди, қолганлари коҳиннинг ишораси билан бегоналарга таш-ланиб, қўлларини орқасига қилиб боғлашди ва бутун қабила тўпланиб турган Илоҳий Қуёш эҳроми томон олиб кетишди. Асирлар кўз олдига учоёққа осилган қо-зон намоён бўлди. Қозон остида олов ёниб турарди. Унинг ёнида эса учта устун ерга қўмилган бўлиб, асирларни бу устунларга боғлаб қўйишди, қўпчилик эса уларнинг оёқлари остига шоҳ-шаббаларни тизза бара-вар қилиб уйиб ташлашди.

— Узинг<sup>ни</sup> тутинг, ҳеч бўлмаса ҳақиқий испанлар





каби мағрур бўлинг!— Френсис бир вақтнинг ўзида ҳам Торресга ўргатар, ҳам уни мазах қиларди.— Ахир сиз да Васкосиз, юз йиллар аввал худди шу башаралар-нинг аждодлари билан бирга ерда, шу водийда бўлган-сиз.

— Сизлар ўлишингиз керак, — деди уларга Куёш коҳини, Адашган Жонлар баравар бош ирғаб маъқул-лашди. — Тўрт юз йилдан буён шу водийда яшаймиз, ҳузуримизга келганларни ҳаминиша ўлдирганмиз. Сизларни ўлдирмаган эдик, эсингиздами, бунинг учун Илохий Куёш дарғазаб бўлди: эҳромдаги олов ўчиб қолди.

— Гап шу ерга келганда Адашган Жонлар яна инг-раб, уввос тортиб, кўкракларига ура бошладилар.— Шу сабабли Илохий Куёшнинг шафхат хилиши учун сизлар ҳозир ўласизлар.

— Қўлингизга эрк берманг! — бақирди Торрес, Френсис билан Леонсия унга нима дейишни шипшиб туришарди.— Мен да Васкоман. Ҳузурингизга мен Қу-ёшдан келдим. — Унинг хўллари боғлиқ эди, шунинг учун боши билан ҳайкалга ишора қилди.— Анави да Васко мен бўламан. Бундан тўрт юз йил аввал бобола-рингизни бу ерга мен бошлаб келиб, қайтиб келгуним-ча шу ерда яшашни буюрганман.

— Куёш коҳини иккиланиб қолди.


— Хўш, коҳин, гапир! Илохий да Васкога жавоб бер! — деб ўшқирди Френсис.

— Унинг илохийлигини мен ҳаердан билай?—чол тез эътироз билдирди. —Мен ўзим ҳам унга ўхшайман, ахир мен илохий эмасман-ку? Мен да Васкоманми? Ёки у да Васкоми? Балки да Васко ҳозир ҳам Куёшдадир? Мени аёл киши тукқанини яхши биламан, бу уч марта йигирма ва яна ўн саккиз йил аввал эди, демак мен да Васко эмасман.

— Улуғ да Васкога шундай жавоб берадимиз? — дўх била\*деди Френсис ва хбкисорлик билан Торресга таъзим қилди, ўзи эса тишини ғижирлатиб, инглизчалаб шивирлади;— Гердайиброк турсангиз-чи, жин ургур! Сал мағруррок!

Қоҳин бир оз жим қолди, сўнг Торресга гапирди:

— ЛШен Куёшнинг содиқ коҳиниман. Уз эътиқодимдан осонликча воз кечолмайман. Агар сен илохий да Васко бўлсанг, бир саволимга жавоб бер.



Торрес тақлид қилиб бўлмайдиган даражада мағ-рурлик билан бош ирғаб қўйди.

— Сен олтинни яхши кўрасанми?

— Олтинни дейсанми? — Торрес кулди. — Мен улуғ куёш капитаниман, куёшнинг ўзи эса соф олтин. Ол-тин мен учун оёғим остидаги лой, ёки атрофимиздаги баланд тоғлардаги тошдай бир нарса.

— Қойил! — деб шивирлади Леонсия маъқуллаб.

— Ундай бўлса, эи илохий да Васко, — деди коҳин итоаткорлик билан, аммо овозидаги тантанани яшира олмай, — сен одатимизга кўра қадимий синов усулидан ўтишга лойиксан. Олтин ичимликни ичиб, аввалгидек «мен да Васкоман» дея олсанг, мен ва ҳаммамиз қар-шингда тиз чўкамиз, сенга сигинамиз. Бизнинг водийга бегоналар кўп марта келишган. Уларнинг олтинга таш-налигини билардик. Биз уларнинг ташналигини қонди-рардик, шундан қайин ташналиқдан бутунлай қутули-шарди, чунки ўлиб қолишарди.

У гапирар., Адашган Жонлар унга диққат билан қа-раб туришарди; бегоналар ҳам унга диққат билан қараб туришарди, лекин хавфсираб қарашарди.

Қоҳин чарм халтага қўл тиқиб, ҳовучлаб олтин ём-билар чиқарди ва учоёқ устидаги қизиқ турган қозонга ташлади. Френсис, Леонсия ва Торрес қозонга шунча-лик яқин туришардики, олтин эриб суюкликка, тўғриро-ғи коҳин Торресга ичирмоқчи бўлган ичимликка айла-наётганини яхши кўриб туришарди.

Шу пайт қизча қабилдаги нуфузли мавқеидан фой-даланиб, чолнинг олдида дадил келди-да, ҳаммага эшит-тириб:

— Бу да Васко-ку! Капитан да Васко, бир вақтлар аждодларимизни бу ерга олиб келган илохий капитан да Васко! — деди.

Қоҳин жим бўл дегандек унга ғазабкор тикилди, лекин қиз гох тош ҳайкалга, гох Торресга, гох яна ҳай-калга ишора қилиб, гапларини такрорлади. Қоҳин ға-лабани бой бериб қўяётганини сезиб, шу қизнинг онаси билан боғлаган ва уни отага айлантирган муҳаббатни ичида лаънатлади.

— Жим бўл! — жаҳл билан буюрди у. — Сен ҳали ҳеч нарсани тушунмайсан. Агар у капитан да Васко бўлса, олтин ичимликни ичиб, илохий мавжудот бўлгани учун омон қолади.





У эриган олтинни узунчоқ сопол кўзачага қуйди. Унинг ишораси билан бир неча йигит найзаларини ерга қўйиб, Леонсиянинг оғзини очиб туриш учун унинг ол-дига юришди.

— Тўхта кохин!— Френсис гулдираган овоз билан бахирди.— Бу хиз да Баско сингари илоҳий эмас!

Олтин ичимлигингни олдин да Васкога бериб синаб кўр.

Бу гапларни эшитган Торрес Френсисга ошкора наф-рат билан қаради.

— Такаббур ва мағрур тураверинг,— деб ўргатди унга Френсис. — Ичишдан бош тортинг. Уларга дубул-ғангиз ичидаги ёзувни кўрсатинг.

— Мен ичмайман! — деб бақирди Торрес, кохин у томонга ўгириларкан:

— йўқ, ичасан! Бу билан ҳақиқий да Баско, Қуёш-дан қайтиб тушган илоҳий капитан эканлигингни исбот-лайсан. Ана шундан кейин олдингда тиз чўкиб, сенга сиғинамиз.

Торрес илтижо билан Френсисга қаради, кохининг қисик кўзлари буни кўрмай қолмади.

— Ичишдан бошқа чора йўққа ўхшайди, — деди Френсис бағритошлик билан.— Нима ҳам қила олардик! Аёл киши шарафи учун қадахни бўшатиш— қаҳ-рамоқларча ҳалок бўлинг.

Торрес тўсатдан кескин ҳаракат қилиб қўлини бў-шатиб олди ва дубулғасининг ичидаги ёзувни кохинга кўрсатиб узатди.

— Бу ерда нима ёзилганига қара!— кичқирди у.

Кохин «Да Баско» деган ёзувни кўриб хайратда қолганидан қўлидаги идиш тушиб кетди. Эриган олтин ерга ёйилиб, атрофда ётган шохларни ёндириб юборди, соқчилардан бири оёғига бир неча томчи металл тушиб, оғриқдан чинқириб юборди-да, бир оёқлаб сакраганча ғойиб бўлди. Лекин Қуёш кохини тезда ўзини тутиб олди: чўғ солинган идишни олиб, уч қурбон оёғи ости-га уйилган шохларни ёндирмоқчи бўлди. Аммо қиз яна аралашди:

— Илоҳий Қуёш буюк капитаннинг ичимлик йчиши-ни истамади, — деди у. — Илоҳий Қуёш қўлингни қал-тиратиб, ичимликни тўкиб юборди.

Адашган Жонлар тўдасида ғала-ғовур бошланди: бу ҳазилакам эмаслигини ҳамма тушунди. Кохин ўз ния-тидан ҳайтишга мажбур бўлди. Лекин у келгиндиларни



ўлдириб юборишга қатъий қарор берганди. Шу сабабли бутун маккорлигини ишга солиб, яна бир ҳийла чи-қарди:

— Юқоридан башорат бўлишини кутамиз, — деди у тўпланганларга. — Мой олиб келинглар. Қуёшнинг ўзи бизга ишора берсин. Шам олиб келинглар.

Бир коса мойни ўтин яхши ёнсин учун шабба усти-га қуйиб, ўртасига шамни ўрнатди ва:

— Шу шам ёниб бўлгунча бирор мўъжиза рўй бе-ришини кутамиз. Эй қавмим, шундай қилсак тўғри бў-ладими? — деди.

— Тўғри! — Адашган Жонлар шивирлаб жавоб ки-лишди.

Торрес Френсисга ёлвориб қаради, лекин у эътибор бермай:

— Қари муттаҳам шамни қалта қилиб кесиб қўй-ди, — деди. — Куп деганда беш минут ёнади, балки уч минутдан сўнг ўзимиз ёниб кетармиз. <sup>4</sup>

— Энди нима қиламиз? — деб сўради Торрес кўр-қувдан ўзини йўқотиб. Леонсия эса ҳеч нарсадан кўрк-май, Френсиснинг кўзларига м<sup>4</sup>аънос, муҳаббат тўла та-бассум билан тикилди.

— Ёмғир тилаб, дуо ўқинг, — жавоб берди Френ-сис. — Осмонда эса бир парча ҳам булут йўқ. Вақти-соати келганда мардларча ўлинг. Қаттиқ чинқир-мадг.

Унинг назари Леонсияга тушди ва қалбида жўш ураётган чексиз муҳаббат туйғусини акс эттирди. Улар-нинг орасини ўзлари боғлаб қўйилган устунгина ажра-тйб турган бўлса ҳам, ўртада алоҳида, илгари сезилма-ган яқинлик пайдо бўлди, назарлари эса уларни бир-лаштириб, боғлаб турган ип эди.

Башоратни биринчи бўлиб осмонга тикилиб турган қиз курди. Ёниб тугаётган шамдан кузини узмай турган Торрес қизнинг овозини эшитиб юқорига қаради. Шу дақиқада у осмонда улкан ҳашарот учаётганга ўх-шаш овозни эшитди. Бу овоз бошқаларнинг ҳам қуло-ғига чалинди.

— Аэроплан, — деди Френсис. — Торрес, уларга мана шу худонинг башорати денг.

Лекин бу гапни такрорлашга ҳожат қолмади. Улар-нинг боши устида юз метрча баландликда аэроплан айланиб, аста пасая бошлади. Бу Адашган Жонлар



курган биринчи аэроплан эди. Ундан эса, таниш сўзлар янгради:

Ёйма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

Аэроплан бир айланиб, сўнг беш юз метрча тик кў-тарилди, ундан юз килоча нарса ажралиб чиқиб, тош-дек туша бошлади, тўпланганлар тепасида катта парашют очилди, унинг остида кимдир тўрига осилиб олган ўргимчақдай силкинарди. Парашют ерга яқинлашганда яна кўшиқ эшитилди:

Ёйма-ёнмиз мачта ёнида...  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!


Шу пайт воқеалар бир-бирига яшин тезлигида қа-лашиб кетди. Шам ёниб тамом бўлди, пилиги остидаги мой устига кулади, мой ёниб кетиб, ёғ тўкилган шабба-ни аланга олди. Лекин Адашган Жонлар тўдасининг қоқ ўртасига, улардан ярмининг устига кўрпа ёпгандек парашют билан ёпиб тушган Генри икки сакраб, дўстлари ёнида пайдо бўлди ва ёнаётган шохларни тепа кетди. Қуёш коҳини халақит бермоқчи бўлганда бир дақиқа-гина чалғиди. Энгагига мўлжаллаб урилган мушт чол-ни орқасига кулатди, у хушига келиб ўрнидан тургунча Леонсия, Френсис ва Торрес боғланган арконларни ечишга улгурди. У Леонсияни кучоқламоқчи бўлиб кў-лини ёзди, лекин киз уни итариб юборди.

— Тез! Тушунтиришга вақт йўқ! Торрес олдида тиз чўкиб, ўзингизни унинг қулидек қилиб кўрсатинг... инг-лизча гапирманг, — деди киз.

Генри ҳеч нарсага тушунмади, аммо Леонсия қараш-лари билан гапини яна тасдиқлади, бунинг устига Френсиснинг умумий душманлари олдида тиз чўккани-ни курди.

— Ана холос! — деб тўнғиллади у Френсисга кў-шилиб тиз чўқар экан.— Роса қизиқ бўлди-ку. Бу сич-қон доридан ҳам баттарроқ.

Леонсия ҳам тиз чўқди, ундан кейин Адашган Жон-ларнинг ҳаммаси капитан да Васко оёғи остига йиқил-ди: унинг хузурига ҳамманинг кўзи олдида осмондан худонинг элчиси учиб келган эди-да. Қоҳиндан бошқа ҳамма юз тубан ётарди: коҳин эса юз берган воқеадан ҳайратга тушиб, бу бегона одамнинг илоҳийлигини мен



ҳам тан олсаммикин, деб ўйларди. Лекин шу пайт Тор-рес қалбидаги қора ният ҳамма ишнинг пачавасини чиқарди.

Торрес Френсис ўргатган такаббурлик билан ўнг оёғини кўтариб, Генрининг бўйнига қўйди ва қулоғини босиб оғритиб юборди.

Генри бир сакраб тушди.

— Бундай қилишга қандай ботиндинг! — деб ўқир-ди у ва ҳали коҳинни қандай қул'атган бўлса, Торресни ҳам шу тариқа улоқтириб юборди.

— Ана холос, энди ҳамма иш пачава бўлди, — Френсис умидсизланиб уф тортди.— Илоҳий комедиямиз тамом бўлди.

Ҳақиқатан ҳам коҳин нима гаплигини пайқаб қолиб, соқчиларини чақириб қўл силтади. Аммо Генри автомат тўппончани кекса коҳиннинг қорнига такади, коҳин бирдан «порох» деб аталган сирли нарса солинадиган ўлим келтирувчи ўқлар ҳақидаги афсонани эслаб, тас-лим бўлгандек табассум қилиб, соқчиларга орқага че-кинишга ишора қилди.

— Бу воқеаларга фэҳм-фаросатим, ақл-заковатим етмайди, — деди у қабилага мурожаат қилиб, Генри нинг қўлидаги тўппончага тез-тез назар ташлаб ту-риб. — Мен охирги воситани ишга солишга мажбурман: Хаёлчан Аёлни уйғотиш учуй чопар юборамиз. Бориб унга, осмондан, балки Қуёшдан тушган бегоналар во-дийга келишганини, унинг доно хаёлигина мен тушун-маган нарсани бизга изоҳлаб беришга қодир, деб айт-син.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Соқчилар Леонсия, Морганлар ва Торресни қуршаб олиб, қадимийчасига бўлсаям яхши ишланган, экинлар кўм-кўк ўсиб турган далалар орқали, тез оқар анҳорлар ва кичик дарахтзорлар, ўти тиззага уриб турган ўтлоқ-лар орқали ҳайдаб кетишди. Утлоқда пастак-пастак си-гирлар ўтлаб юрар, уларнинг катталиги бузоқдек \*ке-ларди.

— Булар сут берадиган ҳақиқий сигирлар, — деди Генри.— Чиройлилигини қаранг! Бунақа митти сигир-ларни кўрганмисизлар сира? Кучлироқ одам энг катта-синиям елкасига қўйиб кўтариб кета олади.



— Менимча, сен адашяпсан, — Френсис эътироз билдирди. Хув анави қорасига қара. Гаров боғлашиб айтаманки, камида уч юз кадоқ келади.

— Қанча тикасан? — сўради Генри.

— Узинг айтақол.

— Юз доллардан. Елкамга қўйиб кўтара олсам, юз доллар тўлайсан.

— Кўлингни бер.

Лекин уларнинг қайсиниси ҳақлиги аниқланмай қолди, чунки Генри четга бир қадам қўйиш биланоқ соқчи-лар ишора билан уни орқасига қайтариб, ҳамма қатори юришга мажбур этишди.

Қора қоя остидан ўтишаётганда юқорида эчкилар подасини кўришди.

— Хонаки эчкилар, — деди Френсис. — Кўряписизми, олдида подачи болалар турибди.

— Ҳали беришган овқатини эчки гўшти деганингиз бежиз эмас экан,— деди Генри.— Мен эчкини яхши кў-раман. Агар, ҳалиги, оти нимаиди, Хаёлчан қоҳиннинг ҳукмини бекор қилиб, бизни тирик қолдирса, умримиз-нинг охиригача шу ерда — Адашган Жонлар орасида яшайдиган бўлсак, мени қиролликнинг бош эчки боқа-ри қилиб тайинлашларини сўрайман. Ана ўшанда, Ле-онсия, сизга шинам уй қуриб бераман, сиз шоҳ саройи-га пишлоқ етказиб берувчи бўласиз.

Лекин у хаёлий орзуларини давом эттира олмади, чунки шу пайт тасвирлаб бўлмайдиган даражада гўзал кўл олдидан чиқиб қолишдики, уни кўриб Френсис ҳуш-так чалиб, Леонсия эса қарс уриб юборди, Торрес эса кўл маъқул тушиб, нималарнидир тўнғиллаб кўйди. Кўл-нинг узунлиги бир милча, эни ярим милча бўлиб, узун-чоқ доира шаклида эди. Унинг атрофи дарахтзор, бам-букзор ва бутазор билан қуршалган, ҳатто қоя этаги-ни ҳам қоплаб ётарди, бу ерда фақат биттагина уй бўлиб, бу яшил ҳошияга қадалган садафдек кўринарди. Кўл сатҳида атрофдаги тоғлар шу қадар аниқ акс ётар-дики, ҳақиқий тоғ қаерда-ю, унинг акси қаердан бошла-нишини ажратиш бўлмасди.

Леонсия кўл ҳуснига боқиб узоқ суқланолмади; бир неча дақиқадан сўнг кўл суви мусаффо эмаслигини се-зиб ҳафсаласи пир бўлди.

— Афсус, суви ифлос экан!

— Чунки, водийнинг тупроғи унумдор, — деб изоҳ



берди Генри. — Қора тупроқ қатлами бир неча юз метр келади.

— Водий бир вахтлар кўл туби бўлганга ўхшай-ди, — дея Френсис гапга аралашди. — Қояга ҳаранг-лар, сув олдин қаергача чиққанини ундан билса бўла-ди. Қизик, сув нимага камайганикин?

— Зилзила туфайли камайган: сув учун йўл очилиб, қозирги даражага тушиб қолган, кўл суви ҳозир ҳам камайяпти. Сувнинг бўтана туси кўлга лойқа сув қуйи-лаётганидан дарак беради, тиниб улгурмаяпти. Чамаси бу кўл чор атрофдан сув қуйилиб турадиган ўзига хос омбор.

— Мана, ниҳоят уйга ҳам келдик!— деди Леонсия беш минутдан кейин, бўртиб чиқиб турган қоя орқаси-дан ўтиб, нақ кўл бўйида қояга ёпиштириб солинган пастак уй олдига етиб келишгач.

Дарахтларнинг йўғон ходалари қозик қилиб қоқи-либ, устига уй қурилган, деворлари бамбукдан, томи похол билан ёпилган эди. Уй шундай жойда эдики, унга ё қайиқда сузиб, ё йигирма футча келадиган, икки киши зўрға сиғадиган тор кўприкдан ўтишги-на мумкин эди. Кўприкнинг иккала томонида ик-китадан йигит соқчиликда турарди. Улар олдинда бо-раётган Қуёш қоҳинининг имосига биноан четлашиб, одамларни ўтказиб юборишди. Катта уйдан соқчилик қилиб келган найзабардорлар кўприкнинг нароти томонида қолганини иккала Морган ҳам сезди.

Кўприкдан ўтгач уйга кириб, кенг хонага ўтишди. Бу хона содда бўлса ҳам Адашган Жонлар Водийсида кутиш мумкин бўлганидан яхшироқ безатилган эди. Қа-миш бўйра майда, чиройли қилиб тўқилган, дераза те-шиқларини беркитиб турган бамбук парда ҳатто моҳир-лик билан ясалганди. Хонанинг тўрида худди Катта уй олдидаги меҳробга ўрнатилганга ўхшаш уфқдан кўта-рилаётган қуёшнинг қатта олтин тасвири кўзга яққол ташланади. Лекин бу ғалати жойда келгиндиларни улар қирганларида ҳатто қимирлаб ҳам қўймаган икки ти-рик мавжудот айникса ҳайратга солди. Қуёш гардиши остидаги супачада устига талайгина ёстик қўйилган ҳам диванга, ҳам тахтага ўхшаб кетадиган ўриндиқ турарди. Шу ўриндиқдаги ёстиклар устида бир аёл ётар-ди. Эғнидаги кўйлаги ним қоронғиликда ярқираб, буна-қа матони ҳеч қачон кўришмаган эди. Унинг кўкраги



оҳиста кўтарилиб-тушиб турарди. У Адашган Жонлар қабиласига, караибларнинг испанлар кўшилиши оқи-батыда муллақо айниб кетган наслга мансуб эмаслиги равшан эди. Унинг бошида кимматбахо тошлар ўрна-тилган олтин пешанабоғ бўлиб, у шундай катта эдики, пешанабоғдан кўра кўпроқ тожга ўхшаб кетарди.

Аёл олдида, ерда иккита олтин учоёқ турарди; бири-нинг-остида олов милтиллаб ёнар, иккинчисига катта олтин қозон осиглиқ эди. Иккала учоёқ орасида қордай оппоқ, рус бўрибосарига ўхшаган катта ит оёқларини чўзиб, хайкалдай кимир этмай ётарди. Уйга кирганлар-ни кўриб, ит уларга тикилиб қараб турарди.

— Бу хотин чинакам хоним, у маликага ўхшайди; унинг хаёллари ҳам маликаларга хос бўлса керак, — деб шивирлади Генри. Коҳин унга ғазабланиб қараб кўйди.


Леонсия нафасини ютиб қараб турарди; Торрес эса сесканиб кетди ва чўкиниб:

— Адашган Жонлар Водийсида бунақа ажойибот борлигини эшитмаган эдим, — деди. — Бу аёл ҳақиқий испан кизи. Бунинг устига, олижаноб кастильяликлар авлодидан. Унинг кўзлари мовий бўлиши керак. Менинг шу ерда турганим қанчалик тўғри бўлса, кўзларининг мовийлиги ҳам шунчалик тўғри. Лекин бечора жуда рангпар! — у яна сесканиб кетди. — Уйқуси табиийга ўхшамайди. Унга нимадир ичиришганга ўхшайди, кўп-дан буён ичиришади.

— Жуда тўғри! — унинг гапини бўлди Френсис хая-жон билан шивирлаб.— Хаёлчан Аёл афюн уйқусида. Чамаси унга ҳамма вақт афюн бериб туришади. У олий коҳин ёки олий башоратчи бўлса керак... Сен хая-жонланма, қария,— у испанчалаб коҳинга мурожаат қилди.— Уйғотиб юборсак нимаси ёмон? Ахир бизни у билан таништиргани олиб келдинглар-ку, ухлаб ётган одам билан таништириб бўладими, ахир.

Бу шивирлаш гўзалнинг уйқусини бузгандек, у аста кимирлади; ит ҳам биринчи марта кимирлади: бошини бекасига ўгирди, аёл эса эркалаб унинг бошини силади. Коҳин афтини буриштириб, тинчлик сақланглар, деб ишора қилди. Ҳамма аёлнинг уйғонишини кутиб жим қолди.

У оҳиста ўтирди, қувониб кетган бўрибосарни яна силади, ит эса ўткир тишларини иржайтириб қувноқ



вовиллади. Бу манзара қалбларни ёқимли ларзага со-ларди, ammo аёл тўғри асирларга қараганда улар бат-тароқ ларзага келишди. Улар бунақа кўзларни ҳеч қа-чон кўришмаган, бу кўзларда икки олам ёғдуси акс этаётгандек эди. Леонсия чўкинмокчи бўлгандек беих-тиёр қўлини кўтарди, Торрес эса аёлнинг назаридан лол қолиб, чўкинибгина қўймай, биби Марям шаънига се-вимли дуосини шивирлаб ўқий бошлади. Ҳатто Френсис билан Генри ҳам узун, қора киприklar соясида куюқ-роқ кўринган мовий бу кўзлардан кўз узолмай қо-лишди.

— Мовий кўзли гўзал! — деб шивирлади Френсис.

Накадар чиройли кўзлар! Чўзинчоқдан кўра дума-лоқроқ. Тўрт бурчакми? йўқ, ҳар қалай думалоқроқ. Узун киприklar кўзга соя ташлаб турибди, бундан кўзлар тубсиздек туюлади. Нотанишларни кўргач бу кўзларда на таажжуб пайдо бўлди, на кўрқиш, фақат хаё-лий бефарқлик акс этди. Лекин шундай бепарволикка қарамай, қурган нарсаларининг ҳаммаси гўзалнинг он-гига етиб борарди. Бирданига, келгиндиларни ажаб-лантириб, унинг кўзларида хилма-хил туйғулар ифода-ланди. Қаердадир, кўз ичида яширин азоб тобора кучая борди. Баҳор ёмғири мовий денгиз уфқини ёки тонгги туман тоғларни қоплагандек, бу азоб кўзларни нам парда билан қоплади. Унинг мудроқ бепарволигида ҳам ҳамон ўша азоб акс ётарди. Бу кўзларда ҳозир мислсиз мардлик олови ирода ва ғайратнинг электр учқуни қа-би порлаб кетадигандек эди. Лекин уйқу пардаси юпқа гулдор парда янглиғ пастга тушиб, уйқудаги аёлни ҳар қандай изтироб ва туйғулардан ажратиб қўйгудек эди. Бироқ буларнинг ҳаммаси нотаниш аёлнинг бутун қиё-фасида акс этиб турган ақл-заковат олдида ҳеч гап эмасди. Унинг зоҳидларча ҳаёт кечиршидан далолат берувчи ботиқ юзлари бу таассуротни кучайтирарди. Бу юзларда ё касаллик, ё косметик кизиллик ёниб турарди.

Аёл ўрнидан турди, унинг фариштадай нозик ва хип-ча эканлиги маълум бўлди. Унинг суяги ингичка ва оз-гин, лекин орикка ўхшамасди. Агар Генри билан Френ-сисдан бу аёл ҳақидаги фикрларини сўрашса, улар, дунёдаги озгин аёлларнинг энг меҳтари деган бўлар-дилар.

Мункиллаб қолган кекса Қуёш коҳини ерга чўзилиб,



пешанасини бўйрага тегизди. Қолганлар тик туришавер-ди, Торреснинг эса тиззаси қалтирар, агар ҳамроҳлари-да коҳинга таклид қилишга мойилликни сезганда эди, у ҳам юз тубан йиқилиб, сажда қилган бўларди. Ростини айтганда, у энди тиз чўқаётганда ғоз турган Леонсия билан Морганларни кўриб қаддини ростлаб олди.

Хаёлчан Аёл аввал фақат Леонсияга тикилди; қизга диққат билан разм солиб чиққач, амирона ишора билан яқинроқ келишди буюрди. Леонсиянинг фикрича, бу ишора нозик ва латофатли гўзал учун ҳаддан ташқари амирона эди. Шу сабабли коҳин ғижинганча шивирлаб бўйсунгани буюрмагунча ўрнидан қимирламади. Шундан кейин Леонсия юнгдор улкан итга парво қилмай, гўзал томон юрди. У учоёқлар орасидан, итнинг олди-дан ўтди ва боягиндай амирона ишорадан сўнг тўхтади. Иккала аёл бир минутча бир-бирига тикилди ва шу пайт Леонсия кўнглида, қаршисидаги аёл кузини олиб қочганини кўриб, беихтиёр тантана туйғуси пайдо бўлди. Лекин унинг хурсандчилиги узокқа бормади: Хаёлчан Аёл кузини олиб қочмаган, балки такаббуруна қи-зиқиш билан унинг кўйлагини томоша қилаётган эди. У ҳатто ингичка, рангпар кўлини чўзиб аёлларга хос равишда ушлаб ҳам курди.

— Коҳин! — деди у кескин оҳангда. — Бугун Манго Уйида учинчи куёш куни. Мен сенга аллақачондан буён шу куни бир нарса юз беради, деган эдим. Нима деганимни ёдимга сол.


Куёш коҳини унинг олдида лаганбардорлик билан эгилиб:

— Шу куни фавкулудда ҳодиса юз беради деган эдингиз, — деб жавоб қилди. — Худди айтганингиз бўлди, маликам!

Лекин малика нимани сўраганини унутиб қўйди. Леонсиянинг кўйлаги матосини силаб туриб, кўйлак эгасининг ўзини диққат билан кузатарди.

— Сен жуда бахтлисан, — деди малика, шерикларининг ёнига боришинг мумкин, деб ишора қилар экан. — Сени эркаклар севишади. Ҳозирча менга ҳамма нарса равшан эмас, ... лекин сени эркаклар ҳаддан ташқари севишларини сезиб турибман.

Унинг овози юмшоқ, майин бўлиб, мусикадай эши-тиларди. Лекин Леонсия бу овознинг ёқимли, ёқимсиз-



лигини ўйлаб ўтирмади. Ғазаби қайнаганидан юзлари ловиллаб, юраги тез-тез урабошлаганини сезди.

— Сени олдин ҳам кўрганман, кўп марта, — давом этди малика.

— Ҳеч ҳам-да! — хитоб қилди Леон-еия.

— Жим! — ўшқирди Куёш коҳини.

— У ерда, деди малика. Катта олтин қозонни кўрса-тиб, — сени у ерда кўп марта кўрганман.

— Сени ҳам, — деди малика Генрига қараб.

— Сени ҳам, — деди Френсисга, унинг катта кўзла-ри янада катталашди ва у Френсисга шунчалик узок ти-килдими, Леонсия қалбини рашк ханжар каби тилиб юборганини сезди.

Малика Френсисдан нигоҳини узиб Торресга Караганда кўзлари чақнаб кетди.

— Сен кимсан, эй муҳожир? Жуда ғалати кийиниб-сан: бошингда жаҳонгирлар дубулғаси-ю, оёғингда қул-лар шиппаги!

— Мен да Васкоман, — дадил жавоб қилди у.

— Бу жуда қадимий ном, — жилмайди малика.

— Худди шундай, қадимий да Васкоман, — деди у ва чақирмаган бўлса ҳам, маликанинг олдида борди: унинг дағаллигини кўриб малика заҳарханда жилмайди, лекин тўхтатмади. — Бундан тўрт юз йил олдин Адашган Жонлар аجدодларини Ўйу водийга бошлаб келганимда шу дубулға бошимда эди.

Малика ишонқирамай қулди ва оҳиста сўради:

— Демак, сен тўрт юз йил олдин туғилганмисан?

— Ҳа десам ҳам бўлади, йўқ, десам ҳам. Мен ҳеч қачон туғилган эмасман. Мен да Васкоман. Мен аба-дийман. Менинг уйим — Куёш.

Маликанинг чиройли қалам қошлари «ширилди-ю, лекин ўзи ҳеч нарса демади, ингичка, оппоқ бармоқла-ри билан ёнидаги ўриндикда турган олтин қутичадан бир чимдим қандайдир кукунни олди-да, учоёққа осиг-лиқ катта қозонга бепарвогина ташлаб юборди, шу да-қиқада унинг чиройли юпка лаблари заҳарханда табас-сум билан буришди. Қозондан қуюқ тутун кўтарилиб, ўша замони тарқаб ғойиб бўлди.

— Қара! — буюрди у.

Торрес қозонга яқинлашиб, ичига қаради. У нима-ларни кўрганини ҳамроҳлари ҳеч қачон била олмади-лар. Лекин малика ҳам қозон устига знгашиди, Торрес





кўрганларни у ҳам курди; шунда маликанинг юзида нафрат ва ачиниш аралаш захарханда пайдо бўлди. Торрес эса -Бокас-дель-Тородаги меросга теккан уйи-нинг иккинчи каватидаги ётоқхонанн ва у ердаги чақа-лоқ ётган бешикни курди. Бу ачинарли манзара унинг туғилиш сирини очиб қўйди. — маликанинг юзидаги та-бассум ҳам ачинарли эди. Сеҳр туфайли Торреснинг кўз олдида пайдо бўлган манзара у аллақачондан буён тахмин ва гумон қилиб юрган нарсани равшанлаш-тирди.

— Яна баъзи нарсаларни кўрасан,— табассум билан деди малика. — Мен сенга ҳаётнинг бошланишини кўрсатдим. Энди унинг поёнига қара.


Лекин унингсиз ҳам кўрганларидан лол бўлиб қолган Торрес сесканиб, қозондан узоқлашди.

— Кечир мени, гўзал малика! — ялинди у.— Кети-шимга рухсат бер. Кўрганларингни унут, мен ҳам уну-тиб юборарман деб умид қиламан.

— Энди у ерда ҳеч нарса йўқ, — деди у қозон усти-га қўл силтаб. — Лекин мен унутолмайман. Кўрган нарсаларим абадий эсимда қолади. Узи ёш, дубулға-сига қараганда кекса эй киши, сени ҳам Ойнаи жаҳо-нимда илгари кўрганман. Сен ўз хулқинг билан жаҳ-лимни кўп чиқаргансан. Аммо шу дубулғани кийиб юр-ганинг учун эмас, албатта, — у хотиржам ва доноларча табассум қилди.— Бир вақтлар ўлиб кетган жаҳонгир-лар мурдалар ғорида ўз динларига, ўз ирқларига ёт бўлган сирни кўриқлаб ғўдайиб туришларини бир умр кўриб тургандайман. Шу ўликлар орасида сенинг қади-мий дубулғангни кийиб турган киши ҳам борлиги эсимда... Бу ёғини ҳам гапираверайми?

— Йўқ, йўқ, — деб илтижо қилди Торрес. ,  
Хаёлчан Аёл бошини эгди ва бу билан Торресга нари кетиши кераклигини билдирди. Сўнг унинг назари Френсисда тўхтади ва ишора билан олдига чақирди. Шу пайт ўзи супачада тургани, йигитга юқоридан тикилаётганини билиб қолиб, хижолат бўлиб пастга тушди-да, энди унга пастдан юқорига қараб, қўлини узатди. Френсис нима қилишини билмай, унинг қўлини икки-ланиброк қисди. Малика^ унинг фикрини ўқиган-дек:

— Шундай қил! -----деб хитоб қилди.—Шу вақтгача ҳеч ким ҳеч қачон қўлимни ўпмаган. Қандай қилишля-



рини кўрмаганман ҳам, Ойнаи Жаҳон кўрсатган сурат-лардагина кўзим тушган.

Френсис энгашиб, унинг қўлидан ўпди. Малика кў-лини тортиб олишга заррача ихтиёр билдирмагач, Френсис бу қўлни ушлаб тураверди, кафтлари билан бар-моқларда томир уришини сизди. Шу тариқа иккаласи индамай " туриб қолишди. Френсис хижолатда, малика эса енгил тин оларди. Леонсиянинг қалбида аёлларга хос рашк жўш урди. Бирдан Генри қувноқлик билан:

— Френсис, қўлини яна ўп! Унга ёқиб қолди,— деди.

Қуёш қоҳини жим бўл деб дўқ қилди. Аммо малика қизларга хос уятчанлик билан чўчинқираб тортиб ола-ёзган қўлини яна Френсиснинг кафтига қўйди.

— Мен ҳам сен гапирган тилда гаплашаман,— деди у Генрига. — Мен эркак киши нималигини билмаган бўлсам ҳам, қўлимдан ўпгани менга ёққанлигини айтишдан уялмайман. Бу ҳаётимдаги биринчи бўса.

Френсис — дўстинг сени шундай деб атади-ку? — унинг гапига кир. Менга ёқиб қолди. Ҳа, жуда ёқиб қолди. Қўлимни яна бир марта ўп.

Френсис рози бўлди; у маликанинг қўлини ҳамон ушлаб турарди, малика эса дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, сеҳрланган кишидек, унинг кўзига тикилиб турарди. Ниҳоят у бутун иродасини қўлга олиб, ўзини тутди, қўлини дарров тортиб олди, ишора билан Френ-сисга нари боришни буюрди ва Қуёш қоҳинига муро-жаат қилди:

— Шундай қилиб, қоҳин, — деб бошлади у, овози-да кескинлик акс этди. — Асирларни нима учун бу ерга олиб келганинг менга аён. Шунга қарамай, ўз оғзингдан эшитишни истардим.

— О, маликам! Бурчимиз о'датимизга кўра бу кел-гиндиларни ўлдиришни такозо қилмайдими? Халқ лар-зага келди. У менинг мулоҳазамга қўшилмаяпти, ўзинг хал этишингни сўраяпти.

— Нима, сен уларни ўлдириш керак дейсанми?

— Ҳа, менинг фикрим шундай. Лекин мен сенинг фикрингни билмоқчиман, фикримиз бир бўлишини истайман.

Малика тўрт асирни яна бир қарра кўздан ўтказди. Торресга ачиниш билан, Генрига шубҳа билан, Леон-сияга қовоғини солиб қаради; Френсисга эса бир ми-



нутча муҳаббат тўла кўзлари билан тикилди — ҳар ҳолда, рашк қилиб жаҳли чиққан Леонсияга шундай туюлди.

— Орангизда хотини йўқлар борми? — тўсатдан сўради малика. — Йўқ, айтманглар, — давом этди у, жавоб беришларини кутмай.— Ҳеч қайсингиз уйланмаганлигингизни биламан,— у Леонсия томонга тез ўғирилди: — Бир аёлнинг икки эри бўлиши тўғрими? — сўради у.

Бу қадар ўринсиз ва ғалати саволни эшитиб Генри ҳам, Френсис ҳам қулмай тўра олмадилар. Аммо бу са-вол Леонсияга ғалати ҳам, ўринсиз ҳам туюлмади, унинг юзлари яна ғазабдан кизариб кетди. У қаршиси-да ўзига нисбатан аёлларча муносабатда бўладиган ҳа-қиқий аёл турганини тушунди.

— Йўқ, нотўғри, — Леонсия қаттиқ ва тугилмай жавоб берди.

— Бу жуда ғалати,— малика овоз чиқариб муло-ҳаза қила бошлади.— Ғалати ва нотўғри. Дунёда эр-каклар ва хотинлар барабар экан, бир аёлнинг икки эри бўлиши адолатдан эмас, чунки бу адолатдан бўлса бошқа бир аёл эрсиз қолади.

У бир чимдим кукун олиб, олтин қозонга ташлади. Қозондан аввалгидек тутун кўтарилиб, дарров тарқаб кетди.

— Коҳин, асирларни нима қилишни менга Ойнаи Жаҳон айтиб беради.


У қозон устига энгашмоқчи бўлди-ю, тўсатдан мия-сига бир фикр келди. Ҳаммани ўз бағрига чорлаётган-дай икки қўли билан ишора қилиб асирларни ёнига ча-қирди.

— Келинлар, ҳаммамиз бирга қараймиз! — деди у.— Ҳаммамиз ҳам бир нарсани кўрамиз, дея олмайман. Кимнинг нимани кўришини ҳам билмайман. Ҳар ким ўзига тааллуқли манзарани кўради. Сен ҳам келишинг мумкин, коҳин.

Айланаси олти фут келадиган қозоннинг ярмигача номаълум суяқ металл қуйилган эди.

— Симобга ўхшайди-ю, лекин симоб эмас, — деб шивирлади Генри Френсисга. — Бунақа металлни ҳеч қачон кўрмаганман. Менимча у эритилган металлга ўхшайди.

— Йўқ, у бутунлай совук,— малика инглизчалаб



эътироз билдирди.— Шунга қарамай у олов... Френсис, қозонни сиртидан ушлаб кўр-чи.

Френсис итоаткорлик билан қозон четини ушлаб курди.

— Уй хавосидан совуқроқ, — деб эълон қилди у.

— Энди қараб турунглари!—хитоб қилди малика ва қозонга яна бир чимдим кукун ташлади. — Совук бўл-са ҳам, бу — олов.

— Кукун ўз-ўзидан ёниб кетадиган модда, ундан тутун чиқади, — деди Торрес, костюми чўнтагини титиб: у бир сиқим майдаланган тамаки чиқарди, орасида бир неча синик гугурт донаси ва латта парчаси ҳам бор эди. — Манави ёнмайди! — у қўлидагини қозонга ташламоқчи бўлди.

Малика руҳсат бергандай ишора қилди, Торрес ҳам-манинг кўз олдида қўлидагини қозонга ташлади. Уша захоти қуюқ тутун кўтарилиб, тарқаб кетди. Металл-нинг совуқ юзида ҳатто кул ҳам қолмади.

— Бари бир у совуқ, — Торрес қайсарлик қилиб, Френсисга ўхшаб қозонни ушлаб курди.


— Бармоғингни тикиб кўр-чи,— таклиф қилди малика.

— Йўқ, — деди у.

— Тўғри қиласан! — унинг жавобига қўшилди малика.— Мен айтганимни қилганимда, ҳозир бармоқ-ларинг туғилган вақтингдагидан битта қамайиб қолар-ди. — У қозонга яна бир чимдим кукун ташлади. — Энди қаранглари, ҳар ким ўз пешанасига ёзилганини кўради.

Худди шундай бўлди.

Леонсия ўзини Френсисдан ажратиб, турган океан-ни курди. Генри Френсис билан маликани курди, улар-ни ғалати тарзда никоҳлашарди, бу қандай маросим эканлигини охиридагина тушунди. Малика эса ўзини қандайдир катта уй ичида турганини курди: у тепадан . пастдаги ҳашаматли меҳмонхонага қараб турибди, Френсис бу жойни кўрса отасининг уйидаги меҳмонхо-нани таниган бўларди. Малика ёнида Френсисни курди, у белидан қучиб турарди. Френсис кўзи ўнгида эса кўнглига ғулгула солувчи манзара намоён бўлди: мур-дадек қотиб қолган Леонсиянинг юзи кўринди, пешана-сида, икки қоши ўртасида ўткир ханжар дастасигача санчилиб турарди. Лекин чуқур ярадан бир томчи ҳам



кон чиқмаганди. Торреснинг кўз олдида пайдо бўлган нарсани у ҳаёти поёнининг бошланмиши эканлигини ту-шунди; у чўкиниб, у ёғини кўришни истамай, томоша қилаётганлар орасида бир ўзи орқага тисарилди. Куёш коҳини эса ўзининг махфий ғуноҳини курди: муҳаббат туфайли куёш коҳини бурчини унутишга мажбур этган аёлнинг юзини ва Катта уйдаги киз юзини курди.

Бу кўринишлар хиралашиб ғойиб бўлгач, ҳамма баравар қозондан узоклашди, Леонсия кўзлари чакнаб маликага шер каби ҳамла қилди.

— Сенинг Ойнаи Жаҳонинг ёлғон кўрсатяпти! Ойнаи Жаҳонинг ёлғончи!

Ҳозир кўрганларининг таъсирида бўлган Генри би-лан Фценсис Леонсиянинг ғазаби қайнаганидан ҳайрат-ланиб, сесканиб кетишди. Аммо малика мулойим эъти-роз билдирди.

— Ойнаи Жаҳоним ҳеч қачон ёлғон кўрсатмайди. У сенга нима кўрсатганини билмайман. Лекин шуни била-манки, кўрганларининг ҳаммаси — ҳақиқат.

— Сен мараз, ёлғончи жодугарсан! — хитоб қилди Леонсия.

1 — Биз иккаламиз ҳам аёл кишимиз, — мулойимгина, таъна аралаш жавоб берди малика унга, — биз аёл киши бўлганимиз учун, баъзан нима қилаётганимизни, нима деяётганимизни ўзимиз ҳам билмаймиз. Менинг кимли-гимни — ёлғончи жодугарманми ёки аёлларга хос му-ҳаббатга тўла қалбли аёлманми — буни эркаклар ҳал қилсин. Биз иккаламиз аёл киши, бинобарин заифа экан-миз, ҳозирча бир-биримизга нисбатан саховатли бўлай-лик.

Куёш коҳини, энди ўз қароримиз тўғрисида гапла-шайлик. Сен илоҳий Куёш коҳини бўлганинг учун қа-димий урф-одатларимизни мендан кўра яхшироқ била-сан. Менга тааллуқли бўлган нарсаларни, менинг бу ерда қандай пайдо бўлиб қолганимни ҳам мендан кўра яхшироқ биласан. Хаёлчан Аёл яшайдиган шу уй сирими қабиламиз оналари ўз кизларига қолдириб келганли-гини биласан. Бизнинг ҳам келажак авлод ҳақида ўй-лайдиган вақтимиз келди. Ҳузуримизга бегоналар ке-лишди, уларнинг ҳаммаси ҳам бўйдоқ. Қабиламизда келажакда ҳам Хаёлчан Аёл бўлишини истасанг, тўй кунини эълон қилиш керак. Шундай бўлиши лозим — вақт етди, эҳтиёж туғилди, жойи ҳам маълум. Мен инс-



жинслардан сўраган эдим, улар нима целишни айтиб беришди. Менинг ҳарорим шу: шу учала йигитдан қайси бири олам пайдо бўлмасдан олдин менинг тақдиримга битилган бўлса, ўшанга тегаман. Шундай бўлсин: улар-дан ҳеч бири менга уйланишни истамаса, уларнинг ҳам-маси ўлади ва сен уларнинг иссиқ қонини илоҳий Куёш эҳромида қурбонликка қўясан. Агар улардан бирортаси менга уйланса, ҳаммаси тирик қолади, кейинги тақди-римизни вақт кўрсатади.

Куёш коҳини ғазабдан қалтираб эътироз билдирмоҳ-чи бўлди-ю, малика унга оғиз очирмади.

— Жим бўл, коҳин! Сен бу халққа мен. туфайлигина ҳукмронлик қиляпсан. Бир оғиз сўз айтсам борми... се ни нима кутишини ўзинг биласан. Бу осонгина ўлим бўлмайди. — У уч йигит томонга ўгирилди. — Хўш, қай си бирингиз менга уйланасиз?

Улар уялиб, ўзларини йўқотиб, бир-бирларига қараб туришарди, ҳеч биридан садо чиқмади.

— Ахир мен аёлман, — деди малика уларга далда бериб. — Наҳотки бирорта эркак мени истамаса? Нима, мен ёш эмасманми? Чиройли эмасманми? Эркаклар шу қадар ғалатими, наҳотки ҳеч бирига мен чиройли туюл-масам, ҳеч бири мени бағрига босиб, олижаноб Френсис кўлимни ўпгандек, бўса олишни истамаса?

У Леонсияга қаради.

— Сен ҳакам бўл! Сен кўп эркакларнинг кўнглида муҳаббат ўтини ёқдан аёлсан. Наҳотки мен сенга ўхша-масам, наҳотки мен сен каби севимли була олмасам?

— Сен доимо хотинларга нисбатан эркакларга хуш-кўнглроҳсан, — деб жавоб қилди Леонсия, унинг сўз-ларидаги ҳар уч эркак учун жумбок. бўлган маъно малика учун тушунарли эди. — Сен аёл киши сифатида жуда чиройли ва мафтункорсан; сени бағрига босиш учун бор-будини беришга тайёр эркаклар дунёда кўп топилади. Лекин, малика, сени огоҳлантириб қўяй, эркаклар орасида ҳар қанақаси учрайди.

Малика Леонсиянинг сўзларини эшитиб, ўйлаб тур-гач, коҳин томонга кескин бурилди.

— Сен ҳаммасини эшитдинг; коҳин. Бугун мен эрга тегишим керак. Келгиндилардан бирортаси менга уй-ланмаса, ҳаммаси худо йўлига қурбон қилинади. Бу аёл ҳам. У мени шарманда қилиш, ерга уришни хоҳла-ётганга ўхшайди, — малика бу сўзларни коҳинга айтаёт-



ган эди-ю, лекин ҳаммага қаратилгани аниғиди.— Бу ерда уч йигит бор, улардан бири туғилмасидан олдин менинг тақдиримга битилган. Гапларимга кулоқ сол: асирларни бошқа бирор жойга олиб бор, қайси бирлари менга уйланишини ўзлари ҳал қилишсин.

— Агар тақдирингга азалдан ёзиб қўйилган бўлса,— деб юборди Леонсия,— ҳал этишни нега уларнинг ўзла-рига ҳавола қиляпсан? Ўзингга ким ёқишини биласан! Фол очиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Унинг номини айт, малика, ҳозироқ айт!

— У қандай танланишини айтиб бўлдим!—этироз билдирди малика, олтин қозонга бир чимдим кукунни паришонлик билан ташлаб, ўшандай паришонлик билан унга тикилганча.— Энди боринглар, тақирда ёзилгани бўлсин! Йўқ, тўхтанглар!— асирлар хонадан чиқиша-ётганда бирдан бақирди у.— Френсис, бу ёққа кел. Мен сенга тааллуқли нарсани кўряпман. Бу ёққа келиб, мен билан бирга Ойнаи Жаҳонга қара.

Ҳамма кутиб тўхтаб қолди, Френсис эса қозон ёнига бориб, малика билан бирга қозондаги номаълум металл юзасига тикилди. У ўзини Нью-Йоркдаги уйининг ку-тубхонасида курди, ёнидаги Хаёлчан Аёлни белидан кучоқлаб-турарди. Қиз эса биржа телеграфний қизиқиш билан томоша қиларди. Френсис телеграф қандай ишла-шини унга тушунтира бошлади, лекин лентага қараб, шу қадар кўнгилсиз хабарни кўрдик, ўз маклерига кўнғироқ қилиш учун телефонга юГурди—шу пайт ҳамма нарса ғойиб бўлди.


— Нималарни кўрдиларинг,— деб сўради Леонсия улар ташқарига чиқишгач.

Френсис ёлғон гапирди. Хаёлчан Аёлни Нью-Йоркда-ги уйининг кутубхонасида кургани ҳақида оғиз ҳам оч-май, жавоб қилди:

— Биржа телеграфний кўрдим, акциялар Уолл-стритни ваҳимага соладиган даражада пасайиб кетганини хабар қилди. Аммо Уолл-стрит ва биржа телеграфига алоқам борлигини у қаёқдан билдийкин?

## ЎН ТЎККИЗИНЧИ БОБ

— Бу телбага кимдир уйланиши керак,— деб бош лади Леонсия, тўрталаси кохин бошлаб келган уйга кириб, бўйра устига ўтиришгач.— Бу қахрамонона иши



билан у ҳаммамизнинг, жумладан ўзининг ҳам ҳаётини сақлаб қолади.

— Бе-е!— Торрес сесканиб кетди.— Ун миллион доллар берганларида ҳам унга уйланмайман. У ҳаддан ташқари ақлли. Уни курсам вужудимни даҳшат босади:—У, нима десам экан?—у, сизларнинг таъбирингиз билан айтганда, асабимни кўзгайди. Мен жасур одамман. Лекин уни курсам ботирлигимдан асар қолмайди. Кўрққанмидан ҳатто ҳора терга ботиб кетдим. Йўқ, ўн миллиондан камига кўрқувимни енгишга ҳаракат ҳам қилмайман. Генри билан Френсис мендан ботирроқ. Улардан бирортаси уйланаверсин.

— Лекин мен Леонсия билан унаштириб қўйилган-ман,— Генри дарров этироз билдирди.— Мен маликага қандай қилиб уйланаман?

Ҳамма Френсисга қаради, бироқ Леонсия унинг жавоб қилишига ҳалақит берди.

— Бу адолатдан эмас,— деди у.— Ҳеч бирингиз унга уйланишни хоҳламаяпсиз! Шу сабабли ягона адолатли йўл — чек ташлаш,— шундай деб у бўйрадан учта чўп суғуриб олди-да, бирини синдирди.— Кимки калта чўпни олса, ўша одам уйланади,— деди у.— Жаноб Торрес, олдин сиз олинг.

— Кимки калта чўпни суғурса, марҳамат ҳилиб ни-коҳ ўқитсин,— Генри кулди.

Торрес бутун вужуди ҳалтираб, чўқинди-да, чўпнинг бирини тортди. Чўп узун экан, у севинганидан гир ай-ланиб, кўших айтиб юборди:

Уйланмайман мен ҳеч ҳам  
Омади бор зўр одам...

Қейин Френсис чўпни тортди, унинг улушига ҳам узун чўп тушди. Шундай қилиб, Генрининг бошқа чора-си қолмади. Леонсиянинг кўлида қолган калта чўп унинг қисматини ҳал этарди. У Леонсияга қаради, юзларида етти қават дўзахнинг ҳамма азоблари акс этди. Қиз буни кўриб, унга жуда ачиниб кетди, бу ачинишни Френсис сезиб дарров бир қарорга келди. Иўли бор. Дарҳол ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Леонсияга муҳабба-ти нақадар чуқур бўлмасин, Генрига садоқати ундан ҳам кучлироқ. Иккиланадиган вақт эмас, Френсис қувноқ-лик билан Генрининг елкасига қоқиб хитоб қилди:

- Олдингизда боши очик бўйдоқ турибди, у турмуш



хуржунини елкасига осидан кўрқмайди. Мен унга уй-ланаман.

Генри гўё ўзини ўлимдан сақлаб қолингандек энгил нафас олди. У Френсиснинг кўлини ушлади, улар бир-бирининг кўзига тик қараб туриб, кўл қисишди. Фақат соф виждонли, пок кишиларгина бир-бирининг кўзига шундай тик қарай олади. Масаланинг кутилмаган тарз-да ҳал бўлишини кўриб, Леонсиянинг юзида қандай эсанкираш акс этганлигини иккаласи ҳам сезмади. Хаёл-чан Аёл ҳақиқатни айтган эди: Леонсия хотин киши си-фатида адолатсиз, у икки эркакни севар ва бу билан Хаёлчан Аёлни қонуний бахт улушидан маҳрум этарди.

Қатта уйдаги қизнинг пайдо бўлиши бу мавзуну му-ҳокама қилишни давом эттиришга хотима берди. Қиз бошқа аёллар билан бирга асирларга овқат келтирган эди. Торреснинг ўтқир кўзлари қизнинг бўйнидаги қим-матбаҳо тошлардан чизилган маржонга қадалди: мар-жон ёқутдан, қатта-қатта ёқутдан эди.

— Хаёлчан Аёл менга совға қилди бунди,— деди қиз, унинг янги беага муҳожирларга ёқаётганидан мамнун бўлиб.


— Унда бунақа тошлардан яна борми?—сўради Торрес.

— Албатта!—деган жавоб эшитилди.— У ҳозиргина менга шунақа тошлар тўла сандиқни кўрсатди. Унда ҳар қанақаси бор, ҳатто булардан қаттаси ҳам бор, лекин улар ипга ўтказилмаган. Улар маккажўхори до-нидек сандиқда уйилиб ётибди.

Ҳамма овқат еб, суҳбатлашиб ўтирганда Торрес аса-бийлашиб папирос чекди, кейин ўрнидан туриб, овқат емаслигини, ўзини ёмон сезаётганлигини айтди.

— Гап бундай,— деди у салобат билан.— Мен испанчани иккалангиздан ҳам яхшироқ биламан. Бундан ташқари, аминманки, испан аёллари табиатини сизлардан кўра яхшироқ биламан. Сизларга дуст эканлигимни исботлаш учун мен ҳозир, ўша хонимнинг олдида бориб, уни турмушга чиқишдан'воз кечишга ишонтиришга уриниб кўраман.

Соқчилардан бири Торреснинг йўлини тўсди ва у ҳақда хабар қилгани кетди, тез орада қайтиб келиб, киришга ишора қилди. Малика ёнбошлаб ётарди, Тор-



ресга илтифот кўрсатиб, олдига яқинроқ келишга рухсат этди.

— Сен ҳеч нарса емадингми?— деб сўради у ғам-хўрлик билан, Торрес иштаҳам йўқ, дёғач, таклиф қилди.— Ичишни истамайсанми?

Торреснинг кўзлари порлаб кетди. У дадилроқ бўлиш учун бир оз ичиб олиш зарурлигини сизди: сўнгги кун-ларда у кўп ҳаяжонланди, бунинг устига ҳозир қалтис иш олдида турибди, бу ишда нима бўлса ҳам муваффа-қият қозонмоқчи. Малика қарсақ чалди ва кириб кел-ган хизматчига буйруқ берди. Хизматкор ўша заҳоти кичик ёғоч бочкани олиб кириб, оғзини очди.

— Бу жуда қадимий вино, бир неча асрдан буён сақланыпти,— деди малика.— Айтмоқчи, да Васко, бу сенга маълум-ку, ахир уни бундан тўрт юз йил илгари бу ерга ўзинг олиб келгансан.

Бочканинг қадимийлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ ^И эди, Торрес машаққатли ташналиқдан томоғи дарҳол қакраб кетганини сизди: бу бочка Атлантик океанидан олиб ўтилгандан буён ўн икки авлод туғилиб, ўлиб ке-тибди. Хизматчи аёл қатта идишга қуйди, Торрес бир кўтаришда бўшатиб, ичимликнинг майинлигига тан берди. Аммо тез орада бутун вужуди ва мияси тўрт юз йил-лик винонинг жодудай таъсирини сизди.

Малика унга ўриндикнинг оёқ томонига ўтиришга рухсат этди, шундай қилганда уни кузатиб туриш осонроқ эди.

— Сен ҳузуримга чақирмасам ҳам келдинг. Менга бир нима демоқчимисан ёки бирор нарса сўрамоқчимисан?

— Мен чеки тушган одамман,— жавоб берди у, мўйловини бураб ва муҳаббат авантюрасига қадам қўйган ҳақиқий эркакларга хос дадил қиёфага кириш учун.

— Қизик,— деди у.— Ойнаи Жаҳонда сени кўрмаган эдим. Бу ерда... балки қандайдир хатолик юз бергандир?

— Жуда тўғри, хатолик,— Торрес уни алдаб бўлмадлигини тушуниб, дарров унинг гапига қўшилди.— Бу винонинг таъсири. Унинг қандайдир сирли кучи бор, у сенга қалбимни очиб солишга мажбур этипти,— ахир мен сенга интиламан!

Малика мийиғида жилмайиб қўйиб, хизматчи аёлни чақирди ва сопол қадахни яна тўлғазишни буюрди.





— Энди иккинчи хато бўлар-а?!—дея жигига тегди малика у иккинчи қадахни бўшатгач.

— Иўк, маликам!—жавоб берди Торрес.— Ҳозир эс-хушим жойида, қалбимни қўлга олишга қурбим ета-ди. Чек Френсис Морганга — қўлингни ўпган йигитга тушди; у сенинг эринг бўлади.

— Бу гапинг тўғри,— деди у тантана билан.— Ой-наи Жаҳонда худди ўшанинг юзини кўрганман, у мени-ки эканлигини дарров сезганман.

Унинг сўзларидан дадиллашган Торрес давом этди.

— Мен унинг дўстиман, энг яқин дўстиман. Сен ҳамма нарсани биласан, келинга қўшиб қалин тўлашларини ҳам билсанг керак. У мени, энг яқин дўстини қаллиғида қанча қалин борлигини кўриб келишга юборди. Унинг ўз мамлакатадаги энг бадавлат одамлардан эканлиги сенга маълум бўлса керак.

Малика шунчалик шиддат билан ўрнидан турдики, Торрес ҳозир кўкрагимга ханжар санчилади, деб кўр-қиб ғужанак бўлиб кетди. Аммо малика эшиқдан тез чиқиб кетди, тўғрироғи, ичкари хонага сузиб кириб кетди.

— Бу ёққа кел!— буюрди у.

Торрес остонадан ўтибоқ, бу хона малика ётоқхона-си эканлигини тушунди. Лекин малика дарҳол мис билан қопланган оғир сандикнинг қопқоғини кўтариб ча-қиргани учун хонани кўздан кечиришга вақт бўлмади. Ҳа, киз ҳақиқатни айтганди! Сандиқ қимматбаҳо тошлар— забаржад, ёқут, зумрадларга тўла бўлиб, макка-жўхори донидек қалалиб ётарди.

— Қўлингни сандиқ тубигача ботир,— деди малика,— булар оддий шиша эмаслигига, хаёлий ёки туш эмас, балки ҳақиқий қимматбаҳо тошлар эканлигига ўзинг ишонч ҳосил қил. Шундай қилсанггина менга уйланадиган бадавлат дўстингга аниқ жавоб бера оласан.


Ёски вино таъсир қилган Торрес унинг айтганини қилди.

— Наҳотки шу шишачалар сенга ажойиб бўлиб кў-ринса?— деди малика унинг ғашини келтириб.— Олдинг-да мўъжиза тургандек тикилиб қолдинг.

— Дунёнинг бирор жойида шунақа хазина борлиги тушимга ҳам қирмаган эди,— деб тўнғиллади у, ўзини бутунлай йўқотиб қўйиб.

— Улар бебаҳоми?

— Ҳа, бебаҳо.



— Булар жасорат, муҳаббат ва номусдан ҳам қим-матми?

— Булар ҳамма нарсадан ҳам қиммат. Улар ақлдан [оздириши мумкин.

— Шулар эвазига хотинлар ёки эркакларнинг чин муҳаббатини сотиб олиш мумкинми?

— Буларга бугун дунёни сотиб олиш мумкин!

— Нималар деяпсан!—деди малика.— Мана, сен эркак кишисан, аёлларни қучоқлагансан. Наҳотки шу тошларга аёлни сотиб олиш мумкин бўлса?

— Дуне яратилгандан буён хотинларни шунақа тошларга сотишган ва сотиб олишган. Бундай тошларни деб хотинлар ҳам ўзларини сотганлар.

— Шу тошлар билан дўстинг Френсиснинг қалбини сотиб олишим мумкинми?

Шундагина Торрес биринчи марта унинг юзига қара-ди ва бош ирғаб, тўнғиллади; ичилган винодан ва шу қадар кўп қимматбаҳо тошларни кўрганидан унинг кўз-лари ола-кула бўлиб кетган эди.

— Сенингча дўстинг Френсис ҳам уларни сендек қадрлайдими?

Торрес яна индамай бош ирғади.

Маликанинг овози кулгидан жаранглаб кетди, бу кулгида нафратланиш акс этди. У энгашиб, танламай, бебаҳо тошлардан бир ҳовуч олди.

— Юр,— деб буюрди у.— Булар мен учун қанчалик қимматли эканлигини кўрсатаман. У Торресни хонадан сув устига қурилган айвонга олиб чиқди. Бундай айвон уйнинг уч томонини айлантриб қурилган бўлиб, тўртинчи девор қояга бориб тақаларди. Қоя остида гирдоб жўш урарди. Торрес, Морганлар тахмин қилган кўл оқаваси шу ерда бўлса керак, деб кўнглидан ўтказди.

Малика эса кўнғироқдек кулгуси билан масҳара қи-либ; кўлини ёзди ва бебаҳо тошларни гирдобнинг ўрта-сига ташлади.

— Мен учун қадр-қиммати мана шунақа,— деди у.

Торрес хайратда қолган эди, бундай исрофгарчиликни кўриб дарров ўзига келди, винонинг кайфидан асар ҳам қолмади.

— Булар ҳеч қачон кўлимга қайтиб келмайди!— кулги билан давом этди малика.— У ердан ҳеч нарса қайтиб келмайди. Қара!



У сувга гулдаста ташлади, гулдаста гирдоб чукур-часида гир айланди-да, ғойиб бўлди.

— Агар у ердан ҳеч нарса қайтиб келмаса, ҳаммаси қаёққа кетади?— хириллаб сўради Торрес.

Малика елкасини қисди, лекин Торрес сувнинг сирини унга аёнлигини тушунди.


— Бу йўлдан кўп одамлар кетган,— деди малика ўйчанлик билан.— Улардан бирортаси ҳам қайтиб келмади. Менинг ойимҳам шу йўлдан кетган — уўлгандан кейин шу ерга ташлаб юборишган. Мен у вақтда жуда ёш эдим.— Бирдан у сесканиб хушёр тортди.— Энди, дубулға кийган одам, жўна! Ҳаммасини хўжайинингга бориб айт, мен дўстингга бориб айт демоқчийдим. Менинг сепим қанақалигини унга айт. Агар у шу тошларга сеникининг ярмича ихлоси бўлса, унинг қўллари белимдан кучади. Мен эса шу ерда қолиб, у келгунча орзу-хаёллар оғушида бўламан. Мен сувнинг оқишини узоқ томоша қилишим мумкин.

Торрес жўнаш ҳақида буйруқ олгач, ётоқхонага ўт-ди, лекин маликанинг нима қилаётганини куриш учун ўша замони оёқ учида орқага қайтди. У айвонда қошига қўлини тираганча гирдобга тикилиб ўтирарди. Буни кўриб Торрес сандикка ташланди, қопқоғини очиб, бир ҳовуч тошни чўнтагига урди. Лекин иккинчи ҳовучни олаётганда орқасида маликанинг захарли кулгиси эшитилди.

Кўркув ва даҳшат уни шу қадар қамраб олдики, у маликага ташланди; малика айвонга қочди, у орқасидан қувди, лекин энди ушлаб оламан деганда, малика хан-жар ўқталди.

— Уғри,— деди малика хотиржамлик билан.— Ин-софсиз ўғри. Водиймизда ҳамма ўғриларнинг қисмати — ўлим. Ҳозир соқчиларимни чақираман-у, сени гирдобга ташлашни буюраман.

Воқеанинг кутилмаганда чаппасига кетиши Торрес-ни бутун маккорлигини ишга солишга мажбур қилди. Малика ташлаб юбориш билан таҳдид қилган кўпикла-наётган сувга қаради-да, у ерда даҳшатли нарсани кўр-гандай бақариб юборди, бир оёғига тиз чўкиб, қўллари билан ясама кўркувдан буришиб кетган башарасини яширди. Малика бошини ўгириб, Торрес қараган томон-га назар ташлади. Торресга худди шунинг ўзи керак эди. У маликага шердай ташланиб, қўлидан ушлади ва ханжарни тортиб олди.



У юзидаги терни артди, ҳали ўзини бутунлай тутиб олмаганидан қисқа-қисқа нафас оларди. Малика эса унга қизиқиб, лекин заррача ҳам кўркмай қараб турарди.

— Сен иблисининг фарзандисан,— деди у нафрат билан, ҳамон ғазабдан титраб,— зулмат кучлари ва инс-жинслар билан ошналик қилувчи жодугарсан! Лекин аёл кишидан туғилган хотинсан, демак, ўлдириш мумкин сени. Сен ҳам'ма жондорлар, ҳамма хотинлар каби ожизсан, шунинг учун сенга танлаш ҳуқуқини бераман: Е сен гирдобга ташланиб ҳалок бўласан, ёки...

— Ёки нима?— қайта сўради малика.

— Ёки...— у жим қолди, қақраб кетган лабларини ялади:— йўк! Биби Марям ҳаққи қасам ичиб айтаман-ки, мен кўркмайман! Ёки бугунок менга тегасан! Танла!

— Сен менга ўзимни деб уйланмоқчимисан ёки хазинани дебми?

— Хазинани деб,— тан олди у сурбетлик билан.

— Лекин Ҳаёт Китобида Френеисга турмушга чиқишим ёзиб қўйилган,— эътироз билдирди у.

— Нима кипти, Ҳаёт Китобининг шу саҳифасини қайта ёзамиз.

— Бундай қилиш гўё мумкиндек!— малика кулиб юборди.

— Ундай бўлса, сен ўлишинг мумкинлигини исботлайман, гидробга гул ташлаганингдек, сени ҳам ўша ерга ташлаб юбораман.

Шу дақиқада Торрес ҳақиқатан ҳам ботир эди — эски, кучли вино қонини қайнатиб юборганидан, яна маликанинг қўлидан ханжарни тортиб олиб, ўзи ҳал қилувчи куч бўлиб турганидан ботир бўлиб кетган эди. Бунинг устига у ҳақиқий латин америкалик бўлгани учун ўзини кўрсатиш ва сўзамоллигига эрк бериш им-конияти бўлган саҳнадан лаззатланмай қололмасди.

Тўсатдан маликанинг хуштак чалганини эшитиб сесканиб кетди,— латин америкаликлар одатда хизматчи-ларини шундай чақаришади. У маликага шубҳаланиб қаради, сўнг ётоқхона эшигига, кейин яна маликага қаради.

Остонада шарпа каби — Торрес кўз қири билан рй-ра-шира кўриб қолди — катта оқ ит кўринди. Торрес даҳшатга тушиб орқасига чекинди. Лекин оёқ қўядиган жой тополмай, гирдобга тушиб кетди. Торрес жонҳо-



латда бақирди ва сув ичида тур-иб, орқасидан ит ҳам сувга сакраганини курди.

Торрес сузишни яхши билса ҳам, гирдобда ўзини хасдай сездди. Хаёлчан Аёл айвон тўсигидан энгашиб, сеҳрланган кишидек пастга тикилиб тураркан, гирдоб аввал Торресни, сўнг итни қаърига тортиб кетганини курди.

## Й И Г И Р М А Н Ч И Б О Б

Хаёлчан Аёл қайнаб-қўпираётган сувга яна анчага-ча қараб турди. Сўнг хўрсиниб: «Вечора итим!»—деди-да, қаддини ростлади. Торреснинг ўлими уни заррача қайғуга солмади. У қирилиб бораётган ярим ёввойи қа-биласи ҳаёти ва ўлими ҳақида ёшлигидан ҳукм чиқа-риб ўрганиб қолган, инсон ҳаёти унга қандайдир бирор муқаддас нарсага ўхшамасди. Инсон ҳаёти яхши, чи-ройли була бошласа, унга умрининг охиригача яшаш имконини бериш керак. Агар у ёмон, ахлоқсиз йўлга кирган, бошқалар учун хавфли бўлса — бундай одамга ачиниб бўлмайди: ўлиб кетаверсин, уни ўлдириб юбо-риш ҳам мумкин. Маликанинг тасавури ана шундай эди. Шу тариқа Торреснинг ўлими унинг учун кўнгил-сиз, тез ўтиб кетган бир воқеагина эди. Фақат итигаги-на ачинарди.

У ўз ётоғига қайтиб кирди ва хизматчини чақириб, қаттиқ қарс урди, қимматбаҳо тошлар солинган сандиқ қопқоғи ҳамон очик турарди. Хизматчига фармойиш бериб, айвонга қайтди, у ердан хонада нималар бўлаёт-ганини билдирмай кузатиш мумкин эди.

Бир неча дақиқадан сўнг хизматчи хонага Френсис-ни бошлаб кирди-ю, ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. Йи-гит маъюс эди. Леонсиядан воз кечиши нақадар оли-жанобликбўлмасин, унга енгиллик келтирмади. Адашган Жонларга ҳукмронлик қилиб, қўл бўйидаги бу сир-ли уйда яшаидиган ғалати аёл билан бўлажак никоҳ ҳам уни хурсанд этмади. Тўғри, уни кўрганда Торрес каби қўрқмас, даҳшатга тушмасди, аксинча Френсис унга ачинарди. Ун гулидан бир гули очилмаган бу гўзал аёлнинг фожиали ахволи унинг қалбини жизиллатарди. Вечора аёл хулҳи-атвори амирона, мағрур бўлишига карамай, муҳаббат, ҳаёт йўлдошини кидиришга жон-жаҳди билан уринарди.

Френсис бир қарашдаёқ қаердалигини тушунди ва беихтиёр: малика ортиқча гап-сўзсиз, менинг розили-гимсиз, ҳеч қандай маросимсиз, мени ўз куёви ҳисобла-маяптимикин, деб хаёлидан ўтказди. Шу тариқа қайғу-ли ўйларга ботиб, сандиққа эътибор ҳам бермади. Йигитни кузатиб турган малика у хонанинг ўртасида ўзини кутиб турганини курди; шу тарзда бир неча минут тургач, йигит сандиқнинг олДига келди, бир қисм қим-матбаҳо тошни олди, сўнг буларни оддий шишадек битта-битталаб жойига ташлади; кейин ўгирилиб малика ўриндиғи ёнига борди-да, у ердаги қоплон терисини кўздан кечира бошлади. Сўнг хазинага ҳам, қоплон те-рисига ҳам парво қилмай ўриндиққа ўтирди. Буни кў-риб малика шунақаям хурсанд бўлиб кетдики, энди ортиқ кузатувчи бўлиб қололмасди.

Хонага қираётиб "кулги билан:

— Нима, жаноб Торрес ёлғон гапиришни севарми-ди?—деб сўради.

— Севармиди?— Френсис бирор нарса дейиши ке-рак бўлгани туфайли қайта сўради ва пешвоз чиқиш учун ўрнидан турди.

— Ҳа, энди у ҳеч нарсани севмайди. Гапларимни тушунмаяпсанми? У йўқ энди,— тушунтирди у.— Ҳеч қаерда йўқ.— Бу хабарга Френсис қизиқиб қолганини кўриб қўшиб қўйди:— У ғойиб бўлди — бу жуда яхши, энди у ҳеч қачон қайтиб келмайди. Лекин у ёлғон гапиришни яхши кўрармиди?

— Сўзсиз, яхши кўрарди,— жавоб қилди Френсис.—•

У ўтакетган ёлғончи.

Торреснинг ёлғончилигини тан олганда маликанинг юзи ўзгариб кетганини Френсис сездди.

— У сенга нима деди?— сўради Френсис.

— Менга уйланиш унинг чекига тушганини айтди.


— Ёлғончи,— қуруққина деди Френсис.

— Кейин у чек сенга тушганлигини айтди. Бу гапи ҳам ёлғон эди,— деди у бўшашиб.

Френсис бош чайқади.

Малика қувончдан беихтиёр қичқириб юборди. Буни кўриб Френсис қалбида меҳр ва ачиниш пайдо бўлди, ҳатто уни кучоқлаб, юпатиш истаги туғилди. Малика унинг гапиришини кутарди.

— Сенга уйланадиган одам менман,— деди қатъият билан у.— Сен гўзал кизсан. Тўй қачон бўлади?





Маликанинг юзида шунақанги хурсандчилик акс этдики, Френсис, агар ўзига боғлиқ бўлса, бу юзга ҳеч қачон қайғу кўндирмасликка қасам ичди.

У Адашган Жонлар ҳукмдори бўлса-да, бебаҳо хази-наси ва келажакни олдиндан айтиб берадиган ғайри-табиий фазилати бўлса ҳам, унинг учун малика қалби муҳаббатга тўла, лекин бу хусусда тажрибасиз, ёлғиз, содда хотин.

— Уша ит Торрес яна нималар деганини айтиб бераман,— қувноқлик билан бошлади у.— У менга айтдики, сен жуда бадавлат эмишсан, менга уйланишдан олдин менинг сепим қанчалигини билмоқчи бўлганмишсан. Сен уни бойлигимни кўриб кел«шга юборган эмишсан. Бу гаплар ёлғонлигини биламан. Ахир сен менга бойлигим ни деб уйланаётганинг йўқ-ку!— У қимматбаҳо тошлар тўла сандиққа нафрат билан қаради.

Френсис ғазабланиб, бош чайқади.

— Сенга мен ўзим керакман, манавилар эмас!—де-ди у тантана билан.


— Ҳа, сен ўзинг,— Френсис ёлғон гапиришга мажбур бўлди.

Шу пайт курган нарсаси ҳайратга солди уни. Малика— ҳукмдорларнинг энг золими, ўз халқи тақдири ус-тидан ҳукмронлик қилиб келган, Торреснинг тақдирини ўлим билан ҳал этган ва бу ҳақда шунчаки айтиб ўтиш-ни лозим курган, унинг розилигини сўрамай, ўзига эр-ликка танлаб олган малика бирдан қизариб кетди. Қиз-ларга хос уятчанлик унинг юзлари ва кулоқларигача қизартириб юборди. Маликанинг довдираши Френсисга ҳам ўтди. У нима қилишини билмай қолди: юзига қон уриб, офтобда тобланган терисини қизартириб юборди. Инсоният тарихида эркак билан аёл ўртасида ҳеч қачон бу қадар ғалати муносабат юз бермаган бўлса керак, деб ўйлади у. Иккаласи ҳам шунчалик уялган эдики, Френсис бу кескинликни юмшатиш, ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳеч нарса ўйлаб тополмасди. Малика бирин-чи бўлиб гап бошлашга мажбур бўлди.

— Энди,— деди у яна баттар қизариб,— ўз муҳаббатингни менга намоён қилишинг керак.

Френсис гапирмоқчи бўлди-ю, лаблари қақраб кет-ганидан яланиб, нималарнидир пичирлади.

— Мени ҳеч қачон ҳеч ким севмаган,— дадил давом этди малика.— Менинг халқим севишни билмайди.



Улар одам эмас, ҳайвон, улар фикр юритиш, мулоҳаза қилишга қодир эмас. Лекин сен билан биз ҳақиқий эркак ва аёлмиз! Дунёда эркаланиш, меҳрибонлик деган гаплар бор — буларни Ойнаи Жаҳонимдан билиб олганман. Лекин мен тажрибасизман. Бу қанақа қилинишини бил-майман. Сен эса катта дунёдан келгансан, муҳаббат нималигини биласан, албатта. Мен кутиб турибман.

Мени сев!

У ўриндиққа ўтириб, ёнига Френсисни ўтказди ва ўз сўзига амал қилиб, кута бошлади. Буйруққа мувофиқ севиши лозим бўлган Френсиснинг эса қўл-оёғи қотиб қолгандек эди: у кимирлашга мадори йўқлигини сизди.

— Мен чиройли эмасманми?— сўради малика бир оз жимликдан сўнг.— Наҳотки кучоғингга киришни орзу қилаётганимдек, сенинг ҳам кучоқлагинг келмаса? Эркак киши лаби ҳеч қачон менинг лабимга теккан эмас. Бундай бўса — лабидан ўпиш қандай бўлади? Лабла-ринг қўлимга текканда ҳузур қилганимни сездим. Ушан-да қўлимнигина эмас, қалбимни ҳам ўпдинг. Менинг қалбим сенинг қафтингда ураётгандек эди. Буни сен сезмадингми?

— Мана шундай,— деди малика ярим соатдан сўнг; улар ўриндиқда қўл ушлашиб ўтиришарди.— Сенга ўзим ҳақимда билганларимни айтиб бердим. Утмишим ҳақида бошқалардан эшитганимнигина биламан. Ҳозир-ги воқеаларни Ойнаи Жаҳонда аниқ кўриб тураман. Келажакни ҳам кўришим мумкин, лекин хирароқ, ҳамма вақт ҳам кўрганларимни тушуивермайман. Ойим, бу-вим каби мен ҳам шу ерда туғилганман. Ҳар маликанинг ҳаётида эртами-кеч севиклиси пайдо бўлган. Баъзан улар сенга ўхшаб бу ерга бошқа жойдан келишган. Онам меъга онаси севиклисини қидириб водийдан чиқиб, узоқ вақт йўқ бўлиб кетганини айтиб берган эди. Менинг онам ҳам шундай қилган. Мен яширин йўлни биламан, бу йўлда аллақачон ўлиб кетган конкистадорлар майя-лар сирини кўриқлаб турибди, да Васко ҳам ўша ерда, Торрес деган ит унинг дубулғасини ўғирлаб ўзиники қилиб" олган. Сен ўзинг келмаганингда, сени қидириб бо-ришга мажбур бўлардим — чунки сен менинг севиклим-, сан, тақдир сени менга атага'н.

Хизматчи аёл, унинг орқасидан соқчи кирди. Улар



ўзларишиг ғалати эски испанча тилларида нималар деганини Френсис зўрға тушунди. Малика жаҳли чиқиб ва шу билан бир вақтда хурсанд бўлиб, уларнингсухба-ти мазмунини айтиб берди.

— Биз ҳозирок Катта уйга боришимиз керак. У ерда тўй маросими бўлади. Қуёш коҳини қайсарлик қияп-ти, нимағалигини билмадим, балки эҳромда сизларнинг қонингизни тўкишга йўл бермаганим учундир. У жуда қонхўр. У Қуёш коҳини бўлса ҳам, унча ақли эмас. У бизнинг никоҳ ўқитишимизга қарши халқни гиж-гиж-латаётганини айтишди. Сассиқ ит!— у қўлларини қисди, юзларида кескинлик акс этди, кўзлари шохона ғазаб билан порлади.— Мен уни бизни Катта уй олдида, Илохий Қуёш эҳроми олдида қадимий одатимиз бўйича нйкоҳ-лашга мажбур қиламан!

— Қулоқ сол, Френсис, ҳалиям фикрингдан қайтиш-га вақт бор,— деди Генри унга.— Ростини айтганда бу адолатдан эмас! Ахир калта чўп менга чиққан! Тўғри-ми, Леонсия?

Леонсия бир оғиз ҳам гапиролмади. Улар эҳром олдида, орқаларида эса Адашган Жонлар тўпланиб ту-ришарди. Малика билан Қуёш коҳини эса Катта уйга кириб олишган эди.

—Лекин Генрининг унга уйланишини истамайсиз, шундай эмасми, Леонсия?— сўради Френсис.

— Сизнинг ҳам унга уйланишингизни истамай-ман,— эътироз билдирди Леонсия.— Унга эрликка Тор-ресни икки қўллаб топширган бўлардим. Бу хотин менга ёкмайди. Дўстларимдан бирортасига ҳам уни раво кўр-масдим.

— Сиз рашк қилаётганга ўхшайсиз,— деди Генри.— Френсис эса ўз тақдирдан унча хафа эмас.

— Ахир малика махлуқ эмас-ку,— деди Френсис,— ўз тақдиримни обрўмни туширмай ва ҳатто хафа бўл-май кутиб олмоқчиман. Бундан ташқари, Генри, ўзинг гап очиб қолдинг, айтиб қўй, ялинсанг ҳам у сенга тегмасди.

— Унисини билмадим-у...— дея гап бошлади Генри.

— Ундай бўлса, ўзидан сўраб кўр. Ана келяпти. Кўзлари қанақа бўлиб қолганини қара. Ҳозир бир бало бўлади. Коҳиннинг эса ковоғи осилиб кетибди. Мен бу

ердалигимда унга, менга тег, дегин-чи, қандай жавоб беришини кўрасан.

Генри қайсарлик билан бош ирғади.

— Яхши... айтаман, аёллар қалбини қандай мафтун қилишимни сенга кўрсатиш учун эмас, адолат учун шундай қиламан. Сенинг олижаноблигингни қабул этиб яхши қилмадим, энди ҳалол бўламан.

Улар халақит беришга улгурмай туриб Генри одам-лар орасини ёриб ўтиб, маликанинг олдида борди, ко-хинни четга итариб, ниманидир куйиб-пишиб гапира бошлади, малика эса унинг гапларини эшитиб, куларди. Лекин бу кулги Генрига қаратилган эмасди: у Леонсия устидан ғолибона кулаётган эди.

Генрига рад жавоб қилиш учун малика кўп вақт сарфламади, сўнгра Леонсия билан Френсиснинг олдида келди; унинг орқасидан изма-из коҳин, унинг кетидан Генри келди. Генри малика рад этганидан хурсанд экан-лигини яширишга беҳуда уринарди.

— Буни қара,— деди малика Леонсияга,—олижаноб Генри ҳозир ўзига турмушга чиқишимни таклиф қилди. Бугуннинг ўзида бу тўртинчиси. Демак. мени ҳам севар эканлар! Хотин кишига унинг тўйи куня тўрт киши му-хаббат изҳор қилганини ҳеч эшитганмисан?

— Қанақасига тўрт киши?— Френсис ҳайрон бўлди.

Малика унга меҳр билан назар солди.

— Сен ўзинг, ҳозиргина мен рад этган Генри. Сиз-лардан аввал анави суллоҳ Торрес. Ҳозиргина Катта уйда — манави коҳин.— Унинг кўзларида ғазаб чақна-ди, юзлари қизариб кетди.— Уз қасамдан аллақачон воз кечган шу коҳин, шу хезалак менга эр бўлишни хоҳ-лаб қопти! Ит! Ярамас! Мен рад этгач, Френсисга тег-майсан, деди! Юринглар! Ҳозир унинг адабини бера-ман.

У соқчиларига ўзини ва муҳожирларни ўраб олишни буюрди. Икки соқчига эса коҳиннинг орқасига ўтишни буюрди. Буни кўриб оломон ғувиллаб қолди.

— Бошла, коҳин!—кескин буюрди малика.— Бўлма-са одамларим сени ўлдиришади.

Коҳин чамаси одамларга ваъз айтмоқчи бўлиб шарт-га орқасига ўгирилди, лекин кўкрагига қадаб турилган найзани кўриб, тилини тишлаб қолиб, бўйсунди. У Френсис билан маликани эҳром олдида бошлаб келиб, ўзига қаратиб турғазди, эҳром олдидаги супага чиқди, келин-





куёвга ва уларнинг орқасида тўпланиб турган оломон-га қараб гапира бошлади:

— Мен Қуёш коҳиниман. Менинг қасамим муқаддас. Қасам ичган коҳин сифатида бу хотинни — Хаёлчан Аёлни манави келгиндига, эҳромда унинг қонини тўкиш ўрнига, бу муҳожирга никоҳлашим керак. Менинг қа-самларим муқаддас. Мен уларни бузолмайман. Мен бу хотинни бу эркакка никоҳлашдан воз кечаман...

— Ундай бўлса ҳозирок ўласан, коҳин!— малика ға-заб билан шивирлади ва яқинидаги соқчиларга боши билан ишора' қил'иб, унга найзани тўғрилашни буюрди, қолганларни эса тўнғиллаб, бўйсунмай қўйишга тайёр турган Адашган Жонларга қарши қўйди.

Қайғули жимлик чўкди. У бир минутча давом этди. Ҳеч ким оғиз очмади, ҳеч ким қимир этмади. Ҳамма қотиб қолгандек, кўкрагига найза тақалган коҳинга қараб турарди.

Қони ва жони қил устида турган одам жимликни би-ринчи бўлиб бузди: у таслим бўлди. Найза тақаб таҳ-дид қилиб турганларга хотиржам орқа ўгириб, тиз чўкди ва эски испан тилида Илоҳий Қуёшга сажда қилиб хосилдорлик ҳақидаги дуони ўқиди. Сўнг малика билан Френсисга ўгирилиб, ишора билан уларни таъзим қи-лишга, деярли тиз чўкишга мажбур қилди. Чолнинг қўллари уларнинг чамбарчас қўлларига текканда афти буришиб кетди.

Коҳиннинг имоси билан келин ва куёв ўрнидан тур-ди, коҳин зоғора нонни икки бўлиб, ҳар қайсисига ярим-тадан берди.

— Аралашув,— деб шивирлади Генри Леонсияга, Френсис билан малика ҳар бири ўз улушидан тишла-гач.

— Чамаси да Васко бу ерга олиб келган Рим-като-лик маросими аста-секин тўй маросимига айланган,— деб шивирлади Леонсия унга жавобан. Френсисдан абадий жудо бўлаётганини англаш Леонсия учун ғоят изтиробли эди. У ўзини зўрға тутиб турарди: лаблари қисилган ва оқариб кетган, тирноқларини эса кафтини оғритгудек бртириб турарди.

Коҳин меҳробдан жажжи ханжар ва жажжи олтин пиёгани олиб, маликага узатди. У эса Френсисга нима-. дир деди. Френсис чап қўли энгини шимариб унга узат-

ди. Малика унинг қўлини тилиб қон чиқаришга тайёр-ланди-ю, бирдан тўхтаб қолди, ўйланиб туриб, кесиш ўрнига тилининг учи билан ханжарни охиста ялаб курди.

Шу замонок ғазаби қайнаб кетди. Тигни ялаб кўриб, ханжарни отиб юборди, соқчиларига коҳинни ўлдириш-ни буюришга тайёр эди. У ўзини тутишга уринарди-ю, уддасидан чика олмас, бугун бадани титрар эди. Малика ханжар қаерга бориб тушганини, унинг заҳарланган тиғи ҳеч кимга зарар етказмаганини кўргандан кейин кўкрагидан, қўйлаги орасидан бошқа жажжи ханжар чиқарди. Уни ҳам олдин тили билан ялаб курди, сўнг-гина Френсиснинг қўлини тилиб, қон чиқарди ва бир неча томчисини олтин пиёлага томизди. Сўнгра Френсис унинг қўлини шундай қилди. Кейин коҳин малика-нинг ғазабли назари'остида аралаш қон солинган пиёгани олди, уни меҳробга қуйиб қурбонлик қилиш маро-симини ўтказди.

Орага жимлик чўкди. Малика жаҳли чиқиб, ковоғи-ни солиб турарди.

— Бугун эҳромда кимнингдир қони тўкилиши шарт бўлса...— деб бошлади, у таҳдид билан.

Шу пайт коҳин кўнгилсиз бурчи ёдига тушиб қолгандек, халққа ўгирилиб, ҳозирдан бошлаб Френсис билан малика эр-хотин эканлигини тантана билан эълон қилди. Малика Френсисга юзлари порлаб, бугун вужу-ди билан уни ўзини кучоқлашга даъват этиб ўгирилди. Френсис уни кучоқлаб ўпди. Леонсия буни кўриб оҳ деб юборди ва йиқилиб тушмаслик учун Генрининг қўли-га суяниб қолди. Лекин бу манзара Френсиснинг наза-ридан четда қолмади — у сезиб, сабабини ҳам тушунди. Яшнаб кетган малика бир минутдан сўнг ўз рақибасига хурсанд бўлиб қараганда, мағрур Леонсия бепарволик тимсолининг ўзгинаси эди.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Торрес ўзини гирдоб тортиб кетаётганини сезганда хаёлига ярқ этиб икки нарса келди. Биринчиси — орқа-сидан сакраган катта оқ ит, иккинчиси — Ойнаи Жаҳон алдаган деган фикр келди. Торрес умри тугаганига шубҳа қилмасди, аммо Ойнаи Жаҳонга кўз қирини





ташлаб, унда кўрганлари сув ичида ҳалок бўлишга сира ўхшамасди.


У сузишга жуда уста эди, шу сабабли сув тортиб чуқурга олиб кетаётганда бошини тошга ёки тоннель шипига уриб олишда кўрқарди, холос. Лекин тақдирни қарангки, боши бир марта ҳам тошга тегмади. Баъзан оқим тепага итараётганини сезарди: бинобарин ё девор, ё тошга яқин келиб қолса, у ўша замони акулани кўрган-да бошини қалқони ичига тортиб оладиган денгиз тош-бақаси каби ғужанак бўлиб, пастга шўнғирди.

Бир минутча ўтиши билан — вақт ўтишини у қанча муддат нафас олмаганига қараб белгиларди — оқим тезлиги пасайганини сезарди. Шундай пайтда бошини сувдан кўтариб, муздек ҳаводан тўйиб нафас оларди. У энди сузмас, фақат сув юзасида бўлишга ҳаракат қилар ва итга нима бўлди экан, ер ости дарёсида сузиш яна қандай тасодифлар келтираркин, деб ўйлар эди.

Тез орада Торрес олдинда ёруғликни қурди, бу хира, лекин, сўзсиз, кун ёруғи эди. Аста-секин атроф ёри-ша бошлади. Торрес орқасига ўгирилиб, ўзини бор кучи билан сузишга мажбур қилган нарсани қурди. У бошини баланд кўтариб, ўтқир тишларини кўрсатиб сузиб келаётган итни қурган эди. Тепадан ёруғ тушиб турган жойда Торрес қояни қуриб қолиб, унинг устига чиқиб олди. Аввало маликадан ўғирлаб олган гавҳарлар йў--қолмадимикан, деб қўлини чўнтагига солди. Лекин ер остида момақалдирокдай гумбурлаган итнинг вовилла-ши Торресга ўз таъқибчисининг ўтқир тишларини эс-латди ва у қимматбаҳо тош ўрнига ханжарини чиқарди.

Яна Торресни шубҳа қамраб олди. Бу дахднатли итни сувдалигида ўлдирсинми ёки оқим уни нарига оқизиб кетишига умид қилиб юқорига, ёруғ тушиб турган то-монга тирмашсинми? У иккинчи йўлни танлаб, бўртиб турган тор қоя устидан юқорига шоша-пиша чиқа бош-лади. Бироқ ит сувдан чиқиб, тўрт оёқли ҳайвонларга хос тезлик билан чопиб, унга етиб олди. Торрес оёғи зўрға сиғадиган тор майдончада орқасига ўгирилди ва ханжарини шайлаб, зарба беришга ҳозирланиб турди.

Лекин ит унга ташланмади. Оғзини катта " очиб, ўтирди-да, худди саломлашаётгандек олдинги оёғини унга узатди. Торрес итнинг оёғини ушлаб, саломлаш-гандек силқитди — хавфдан қутулганидан ҳушидан кетишига сал қолган эди. Асабий қа.ҳқаҳа отиб, итнинг




олдинги оёғини силқитар, ит эса тилини чиқариб, унга қараб турар ва унсиз қуларди.

Орқасидан эргашиб, гоҳ-гоҳ болдирига тумшуғи те-гиб келаётган ит билан бирга тор йўлкадан юқорига тирмашар экан, Торрес дарё устидаги тор йўл сал юқо-ри' кўтарилиб, яна пастга тушаётганини сизди. Шу пайт Торрес икки нарсани кашф этди; биринчиси уни қалти-раб, тўхташга мажбур қилса, иккинчиси умид бағиш-лади. Бу кашфиётнинг биринчиси ер ости дарёси эди. Дарё тош деворга шиддат билан келиб урилар, тўлқин ва кўпикларни қайнатиб ер остига кириб кетарди — сувнинг шалошлаб урилиши, тўлқиннинг баланд кўтари-лиши оқимнинг жуда тезлигини кўрсатарди. Иккинчи кашфиёт, ғор ичидаги тешик бўлиб, у ердан ёруғ тушиб турарди. Диаметри ўн беш футча келадиган бу тешикни ҳатто телбалар тасаввуридагидан ҳам даҳшатлироқ ўр-гимчак ини қоплаб олган эди. Атрофда сочилиб ётган суяклар эса ундан ҳам даҳшатли эди. Ургимчак ини йўғонлиги қаламдек келадиган кумуш ипдан тўқилган-дек эди. Торрес-бу иплардан бирига қўли тегиб, қалти-раб кетди. Ип елим сингари унинг бармоғига ёпишиб қолди, бор кучи билан тортиб, ипни силқитиб, қўлини зўрға бўшатиб олди. У қўлига ёпишиб қолган сирачси-мон ипни кийимига ва ит жунига артиб тозалашга уринди.

Улкан ургимчак инининг пастки қисмидаги икки ип-нинг ораси анча очиқ бўлиб, уларнинг орасидан ўтиб, ёруғликка чиқиш мумкин эди; аммо эҳтиёткор Торрес у ёққа олдин итни ўтказишга қарор қилди. Оқ кўппак эмақлаб ўтди-да, тез орада кўздан йўқолди. Торрес эн-ди унинг орқасидан бормоқчи бўлиб турганда бирдан ит қайтиб келди. У нимадандир каттиқ кўрққан ва шу сабабли шунчалик тез келардики, ўзини тўхтатолмай, Торресга урилиб кетди, иккаласи ҳам йиқилди. Одам қўллари билан тошларга тирмашиб омон қолди, унинг тўрт оёқли йўлдоши эса ўмбалок ошганча тўғри мавж ураётган ўпконга тушиб кетди. Торрес итни қутқармоқ-чи бўлди-ю, аммо сув итни қоя остига тортиб кетди.

Торрес анчагача иккиланиб турди. Яна ер ости дарё-сига тушиш ҳақида ўйлашнинг ўзи даҳшатли эди. Юқо-рида эса ёруғ дунёга йўл очикдек туюларди, гул қуёш-га интилгандек, Торрес ҳам бутун вужуди билан шу ёруғликка интиларди. Лекин ит у ерда нимани кўрдий-




кин, нима уни орқасига қочишга мажбур қилдйкин? Уйга толган Торрес қўли қандай думалоқ нарсага те-гиб турганини дарров сеза қолмади. У ўша нарсани қў-лига олиб, одам бош суяги эканини курди. Қўрқиб к'ет-ган Торрес оёғи остида одам суяклари пояндоздек тў-шалиб ётганини курди. Қобирға, умуртка суяклари аниқ кўриниб турарди. Бу манзарани кўриб, ўзини сувга ташламоқчи бўлди. Бироқ сувнинг шиддат билан ури-либ, кўпикланиб, қоя остидаги тешикка кириб кетаёт-ганини кўриб ўзини орқага тортди.

Бу вақтда эса маликанинг қўл бўйидаги уйида ун-дан ҳам муҳим воқеалар жуда тез ривожланарди. Меҳ-монлар ва келин-куёв катта уйда ўтган никоҳ мароси-мидан ҳозиргина қайтиб келиб, ясатилган дастурхон атрофига энди ўтиришган эди ҳамки, девор ёриғидан учиб кирган бамбук ўқ Френсис билан малика ўртаси-дан визиллаб ўтди-ю, рўпарадаги деворга шунчалик зарб билан санчилдики, унинг патли қисми ҳамон сил-киниб турарди. Генри билан Френсис тор куприк томон-га қараган кичик дераза олдига югуриб боришди ва хавфли вазият вужудга келганини кўришди. Уларнинг кўз олдида маликанинг кўприкни кўриқлаб турган соқ-чиси уй томон қочди ва куприк ўртасига келганда ўқ тегиб сувга кулади, унинг орқасида ҳам деворга сан-чилгандақа ўқ кўринди. Адашган Жонлар Водийсининг ҳамма эркаклари қоҳин бошчилигида кирғокда, куприк олдида тўпланиб олишиб уй томонга патли ўқ ёғдири-шарди. Аёллар ва болалар уларнинг орқасида тури-шарди.

Маликанинг соқчиларидан бири хонага гандираклаб кириб келди: у йиқилиб тушмаслик учун оёқларини ке-риб тўхтади, кўзлари косасидан чиқиб кетар даражада олайган, лаблари эса унсиз шивирларди — у нимадир демоқчи бўлди, оёқлари букилиб, муккасига йиқилди, унинг орқасида жайра игнассисмон ўқ санчилиб турарди. Генри куприк томондаги эшикка отилди ва тўппончаси-дан ўқ узиб, йўлни ҳужумга ўтган Адашган Жонлардан тозалади, улар тор кўприкдан тизилишиб келишарди, тўппонча ўқига учиб, бирин-кетин кулай бошлашди.

Бинони қамал қилиш узоққа чўзилмади. Френсис Генри автомат тўппончадан отиб турганда кўприкни бу-



зиб ташлаган бўлса ҳам, қамалдагилар қоҳиннинг буи-руғи билан ёғдирилган ўқлардан йигирма жойи ёна бошлаган бинони ўчиришга қодир эмасдилар.

— Қутулишнинг фақат бир йўли бор,— деди малика тутундан нафаси қайтиб; у қўл устига қурилган айвон-да Френсиснинг қўлини маҳкам ушлаб турар, гўё^унинг кучоғига ўзини отишга, ундан ҳимоя кутишга тайёрдек эди.— Бу йўл бизни кенг дунёга олиб чиқади.— Малика гирдобни кўрсатди.— У ёқдан ҳеч ким қайтиб келган эмас. Ойнаи Жаҳонга қараб ўликлар шу дарёдан оқиб бориб кенг дунёга чиққанини кўрганман. Торресни ҳи-собга олмаганда, у ёққа тирик жон чиққанини кўрма-ганман. Улар фақат мурдалар эди. Улар ҳеч қачон қай-тиб келишмаган. Айтмоқчи, Торрес ҳам қайтиб кел-майди.

Ҳамма ўзини кутаётган даҳшатдан чўчиб бир-бирига қаради.

— Бошқа йўл йўқми?— деб сўради Генри, Леонсия-ни бағрига босар экан.


Малика бош чайқади. Шифтнинг ловиллаб ёнаётган ёғочлагзи тап-тап ёнларига туша бошлади, қулоқлари эса қонсираган Адашган Жонларнинг шовқинидан қо-матга келарди. Малика, чамаси, ўз ётоқхонасига кир-моқчи бўлиб, қўлини Френсиснинг қўлидан чиқарди, лекин дарров яна унинг қўлидан ушлаб, ётоқхонага бошлади. У ҳеч нарсага ақли етмай, малика билан бир-га қимматбаҳо тошларга тўла сандиқ олдида тўхтади: малика шошилиб сандиқ қопқоғини ёпиб кулфлади. Сўнг бўйрани суриб, полдаги тешикни очди, у ерда сув кўринди. Унинг амрига мувофиқ Френсис сандиқни те-шик олдида судраб келиб, сувга ташлади.

— Бу жойни Қуёш қоҳини ҳам билмайди,— деб ши-вирлади малика, сўнг унинг қўлидан ушлаб, Генри билан Леонсия қолган айвонга югуриб чиқди.

— Қочадиган пайт келди, Френсис, ҳурматли эрим, мени қаттиқроқ кучоқла, мен билан бирга ўзингни сувга ташла!— деб буюрди у.— Бошқаларга биз йўл кўр-сатамиз.

Улар сувга сакрашди. Уша замони том учқун сач-ратиб кулаб тушди. Шундан сўнг Генри ҳам Леонсияни кучоқлади-да, ўзини ҳозиргина Френсис билан малика ғойиб бўлган гирдобга отди.

Торрес сингари тўрт қочоқ ҳам қояга бирор марта



урилмай ёруғ тушиб турган ва чиқиш жойида улкан ўргимчак ўлжа пойлаб ётган унгулга эсон-омон чиқиб олишди. Френсисга нисбатан Генрининг сузиши осонроқ эди, чунки Леонсия сузишни биларди. Рост, Френсис сузишга жуда уста бўлиб, маликани бемалол олиб чиқа оларди. Малика унинг қўлини ушлаб, даре тубига торт-мас, Френсиснинг амрини бажону дил бажо келтирарди. Қояга етишгач, улар сувдан чиқиб, дам олишга аҳд қи-лишди. Иккала аёл ҳўл бўлиб, ёйилиб кетган сочини сиқа бошлади.

— Сизлар билан тоғнинг ичига биринчи марта кира-ётганим йўқ,— деди кулиб Леонсия, иккала Морганга қараб; унинг сўзлари улардан кўра кўпроқ маликага ҳаратилган эди.

— Мен эса эрим билан бунаҳа жойга биринчи марта тушим,— дарҳол жавоб ҳилди Малика, унинг ис-техзо тиги Леонсиянинг ҳалбига ханжардек санчилди.

— Френсис, хотининг менинг бўлажак рафиқам билан чиқишолмайдиганга ўхшайди,— деди Генри, эркак-лар аёлларнинг андишасиз гапидан ўнғайсизликка туш-ганларини яширмоқчи бўлганда вужудга келади да-ғал соддалик билан,


Бирок Генри ишга бундай соф эркакча ёндошиб, ҳамма учун олдингидан ҳам оғирроқ бўлган сукунатни вужудга келтирди. Бу ҳол эса иккала аёлга маъхулдек эди. Френсис бу ўнғайсизликни тугатиш учун нима ҳақ-да гапиришни ўйлаб бош котирди, Генри эса умидсиз-ликка тушиб, бирдан ўрнидан турди ва разведкага бор-моқчи эканлигини айтиб, маликага ўзига ҳамроҳ бў-лишни таклиф ҳилди. У қўлини узатиб, маликашг ту-ришига ёрдамлашди. Френсис билан Леонсия эса ҳа-мон оғзига толқон солгандек жим ўтиришарди. Жим-ликни биринчи бўлиб Френсис бузди.

— Биласизми, Леонсия, мен сизни бошлаб адаби-нгизни берсам дейман.

— Нима ёмонлик қилдим?—деб сўради у Френсиснинг жигига тегиб.

— Узингизни билмаганга соласиз-а?! Узингизни ях-ши тутмадингиз.

— Узингизни сиз яхши тутмадингиз!— аёлларга хос кўнгилянчилигини билдирмасликка қатъий қарор берган бўлса ҳам, овози титраб кетди.— Сизни ким унга уй-лансин деди? Қуръа ташлаганда қалта чўп сизга чиқ-



маган эди-ку. Бунақа ишга фаришта ҳам ботина олмай-ди-ю, сиз нима учун қўл-оёғингизни боғлаб бердингиз? Мен сиздан шуни сўраганимиз? Сиз унга уйланмоқчи бўлганингизни Генрига айтганингизда юрагим ёрилиб кетай деди. Хушимдан кетишимга сал қолди. Сиз мен билан маслаҳатлашишни ҳам раво кўрмадингиз. Ахир сизни ундан сақлаб ҳолиш учун ҳуръа ташлашни мен таклиф ҳилган эдим-ку — мен билан бўлишингиз учун шундай қилганимни тан олишдан уялмайман. Генри мени сизга нисбатан бошқачароқ севади. Мен ҳам Ген-рини ҳеч қачон сизни севганчалик севмаганман, ҳозир ҳам севаман, худо, ўзинг кечир мени!

Френсис ўзини туголмади. Қизни кучоҳлаб, маҳкам бағрига босди.

— Тўй кунингизда шундай қиялсизми!— деб юбор-ди Леонсия.

Френсиснинг қўллари бўшади.

— Нима деяпсиз, Леонсия, яна шундай дақиҳада-я!— деди у маъослик билан.

— Нега айтмас эканман?— у тутоқиб кетди.— Сиз мени севардингиз. Буни нигоҳингиз билан шунчалик равшан айтдингизки, севишингизга заррача шубҳам қолмади. Кейин бўлса, дабдурустдан оппоқ танаси билан сизни мафтун этган биринчи дуч келган аёлга хур-сандчилик билан уйландингиз.

— Сиз рашк қиялсиз,— деди у таъна билан ва Леонсия бош ирғаб тасдиқлагач, қувончдан юраги гурсил-лаб ура бошлаганини сизди.— Сиз рашк қилаётгани-нгизга кафил бўлишим мумкин, шу билан бир вақтда ҳамма аёлларга ўхшаб ёлғон гапиряпсиз. Мен уйланган эканман, қувонч ва шодлик билан уйланганим йўқ. Сизни ва ўзимни Деб шундай қилдим. Тўғрироғи, Генрини деб. Худога шукурки, эркак киши шаъни нима эканли-гини ҳали унутганимча йўқ!

— Эркак кишининг шаъни ҳамма вақт ҳам аёллар-ни хурсанд қилавермайди,—эътироз билдирди у.

— Сиз менинг виладонсиз бўлишимни афзал кўрар-мидингиз?— сўради у.

— Мен муҳаббат кучоғидаги аёлман, холос!— деб ялинди у.

— Сиз аёл эмас, найзаси ўткир арисиз,— деди йигит' қизишиб.—Менга нисбатан адолатли муносабатда бўл-маяпсиз.





— Севадиган аёл адолатли була оладими?— деб сў-ради Леонсия, шу билан дунёдаги энг улуғвор ҳақиқат-ни тан олиб.— Эркаклар учун уларнинг ўзлари тўқиб чиқарган шаън, виждон муҳимроқдир балки, аёллар учун эса энг муҳими севги тўла қалб даъватидир; мен аёл киши сифатида буни итоатгүйлик билан тан олишга мажбурман.

— Балки сиз ҳақдирсиз. Виждонли бўлишнинг математика сингари ўз қоидалари бор. Бинобарин, аёллар учун ҳеч қандай ахлоқий қоида йўқ, факат...

— Фақат кайфият бор,— деб унинг гапини тугатди Леонсия.

Шу пайт Генри билан малика уларни чақириб, суҳ-батни бўлишди. Френсис билан Леонсия уларнинг ёнига шошилишди ва биргаликда улкан ўргимчак инини то-моша қилишди.

— Бунақа баҳайбат ўргимчак инини кўрганмисиз-лар?— хитоб қилди Леонсия.

— Шу инни тўқиган ўргимчакнинг ўзи қандай ба-ҳайбатыкин?— деди Генри.

— Ҳа, ўргимчакка ўхшаш бўлгандан кўра уни то-моша қилган яхшироқ,— деди Френсис.

— Бахтимизга биз бу йўлдан кетмаймиз,— деди-малика.

Ҳамма унга савол назари билан қаради.


— Бизнинг йўлимиз мана,— у қўли билан оқимни кўрсатди.— Мен бу йўлни яхши биламан. Ойнаи Жа-ҳонда уни тез-тез кўрардим. Онам вафот этгач, уни дафн этиш сифатида гирдобга ташлашганда мурданинг қаёққа оқиб кетишини Ойнаи Жаҳонда кузатиб турган-ман, мурда шу ерга келганини, оқим уни нарига олиб кетганини кўрганман.

— У жонсиз тана — мурда эди-да,— эътироз бил-дирди Леонсия.

Уларнинг ўртасидаги рақобат яна авж олиб кетди.

— Соқчиларимдан бири, чиройли йигит,— деб давом этди малика,— менга муҳаббат кўзи билан қарашга бо-тинди. У тириклайин гирдобга ташланди. Ойнаи Жаҳонда уни ҳам кузатиб турдим. У шу ергача сузиб келиб сувдан чиқди. Ўргимчак ини орасидан нарёққа, ёруғлик тушаётган томонга эмакляб ўганини кўрдим. Утди-ю, дарҳол орқага қайтиб, ўзини сувга ташлади.

— Яна бир мурда,— деди Генри ғамгин.



— Йўқ, мен уни Ойнаи Жаҳонда кузатиб турдим, анчагача қоп-қоронғи бўлиб ҳеч нима кўринмади, сўнг у катта дарё суви юзасида пайдо бўлди. Куёш атрофни нурафшон қилиб турарди. Яхши эсимда, у чап қирғоққа сузиб чиқиб, катта дарахтлар орасига кириб ғойиб бўлди. Адашган Жонлар Водийеида бундай дарахтлар ўсмайди.

Бироқ қоя остида ғойиб бўладиган бу дарёга ўзини ташлаш, Торрес каби, уларни ҳам даҳшатга солди. Аммо малика сўзидан қайтмади.

— Дарёдан кўркиб, бошқа йўлдан ёруғликка чиқ-моқчи бўлган ҳайвонлар ва одамларнинг суякларини кўрмайпсизми? Тушунсангиз-чи, улар ҳам бир вақтлар тирик мавжудот бўлган. Мана, улардан нима қолибди. Тез орада бу суяклар ҳам қолмайди.

— Шундай бўлсаям,— деди Френсис,— куёшни шун-дай кўргим келяптики! Мен разведкага бориб келгунча шу ерда туринглар.

Сув ўтмайдиган ўқ солинганидан заррача ҳам' зарар кўрмаган автомат тўппончасини қўлига олиб, Френсис ўргимчак тури орасидан эмакляб ўтиб кетди. У кўздан йўқолиши биланоқ Леонсия, малика ва Генри ўқ тову-шини эшитишди. Уша заҳоти Френсис яна кўринди: у ўқ отиб, орқасига чекинар, ин эгаси — юнгдор оёқлари-нинг ораси икки ярдча келадиган баҳайбат ўргимчак унга ҳужум қиларди. Қалқон билан қопланган танаси қоғоз ташланадиган саватдек келарди. Френсис отган ўқлар илма-тешик қилиб ташлаган бўлса ҳам у ҳамон ўлим билан олишарди. Қулаётиб ўргимчак Френсис-нинг елкаси ва орқасига тегиб кетди ва юнгдор оёқла-рини бефойда қимирлатганча қайнаб турган сувга ту-шиб кетди.


— Битта ўргимчак бор жойда иккинчиси ҳам бўла-ди,— деди Генри, ёруғ тушиб турган тешикка шубҳа билан қараб.

— 'Ягона йўл шу ерда, худди шу, ерда,'— деди малика дарёни кўрсатиб.— Юринг, хўжам, бир-биримизни кучоқлаганча зулматни ёриб куёшли оламга чиқамиз. Эсингизда бўлсин, мен бу оламни ҳеч қачон кўрмаган-ман, сиз туфайли тез орада кўраман.

У қўлларини ёзди, Френсис унинг таклифини рад ʻХ& олмасди.

— Бу тик қоядаги бир тешик, холос, остида минг





фут келадиган чукурлик бор,— Френсис ўргимчак ини орасидан ўтиб, у ёқда кўрганларини ҳамроҳларига ай-тиб берди. Сўнг маликани кучоқлаб, биргаликда сувга сакради.

Генри ҳам Леонсияни кучоқлаб, у билан бирга сувга сакрамоқчи бўлган эди, бироқ, киз уни тўхтатди.

— Френсиснинг ўзини маликага топширишига нега рози бўлдингиз?—деб сўради у.

— Чунки...— у жим бўлиб қолди ва қизга ажабла-ниб тикилди.— Чунки мен сиз билан бўлишни иста-дим,— гапини тугатди у.— Бунинг устига биз унашиб кўйилганмиз, Френсис бўйдоқ эди. Бундан ташқари, агар мен хато қилмасам, Френсис ўз тақдиридан хафа эмас.

— йўқ,— деди ишонч билан Леонсия.—У табиатан олижаноб одам, маликанинг туйғусини таҳқир этмаслик учун ўзини унга яраша тутяпти.

— Билмадим. Эсингиздами, Қатта уй ёнидаги меҳ-роб олдида ҳозир маликанинг олдига бориб унинг кў-лини сўрайман деганимда, Френсис ялинсам ҳам мали-ка менга тегмаслигини айтиб кулиб юборган эди. Бундан маликага ўзи уйланмоқчи бўлган деб хулоса чиқа-риш мумкин. Хўш, нега уйланмасин? У бўйдоқ. Малика эса чиройли.

Аммо Леонсия унинг гапларини эшитмаётгандек эди. У тўсатдан ўзини шартга орқага ташлади ва унинг кў-зига тикилиб туриб сўради:


— Мени қандай севасиз? Эҳтирос билан севасизми? Сиз менинг жонимсиз, сизсиз яшай олмайман, дея ола-сизми?

Генри Леонсияга ажабланиб қараб турарди.

— Айта оласизми, йўқми?

— Албатта айта оламан,— деди у хижжалаб,— бироқ, сизга шу тариқа севги изҳор қилиш ҳеч хаёлимга келмаган. Худо шоҳид, сиз мен учун яккаю ягона се-вимли аёлсиз! Уз туйғум ҳақида гапирадиган бўлсам сизга муҳаббатим жўшқин, чуқур ва самимий. Сизга шундай ўрганиб қолганманки, сизни бир умр танийди-гандекман. Биринчи танишганимиздаёқ ўзимни шундай сезганман.

— У жирканч хотин!— деб Леонсия ўринсиз хитоб қилди.— Биринчи кўрганимиздаёқ унга нисбатан нафрат туғилганди қалбимда,



— Ё тангри, нақадар баджаҳлси.з-а! Унга Френсия эмас, мен уйлансам, ундан қанчалик нафратланишингиз\* нк ўйлашнинг ўзи дахшатли.

— Яхшиси уларнинг орқасидан жўнайлик,— деди киз гапни тугатиб.

Боши қотган Генри уни мақкам кучоқлади-да, кўч пикланиб турган оқимга сакради.

Гузлака дарёси қирғоғида икки ҳинд кизи қармоқ билан балиқ овлаб ўтирарди. Уларнинг қаршисида, оқим бўйлаб сал юқорирокда сувдан тик қоя чиқиб ту-, рарди. Бу баланд тоғнинг давоми эди. Даре суви бўта-. на бўлиб шитоб билан, лекин қизлар олдида секин оқар-ди, Сув тинч жойда балиқ ҳам ҳадеганда илинавермай-ди. Қармоқ иплари сув устида кимираммай турарди; қармоқ учидаги хўрак балиқларни кизиктирмасди. Қиз-лардан бири — Никойя дегани эснади, қўлидаги банан-ни еб бўлиб ҳомуза тортди, банан пўстлоғини узокқа отмоқчи бўлиб қўлига олди.

— Иккаламиз анчадан бери жим ўтирган бўлсак ҳам, Конкорди»,— деди 'у дугонасига,— биттаям балиқ тутмабмиз-а. Қараб тур, ҳозир шовқин солиб, сувни ша-лоплатаман. «Осмонга нима отсанг ерга тушади», де-йишади. Нега бунинг аксича бўлмайди? Ҳозир бирор нарсани сувга ташлайман, кўрамиз, бирор нарса юқорига чиқармикин. Қани, бир уриниб кўрай-чи! Қара!

Қиз банан пўчоғини сувга отиб, пўчоқ тушган жой«! га тикилди.

— Агар сувдан бирор нарса чиқадиган бўлса, чиқ-қанга яраша ка\*ттароқ нарса чиксин,— деди Конкордия ҳам эринчоқлик билан.

Тўсатдан уларнинг хайратдан чақчайган кўзлари сув тубидан чиқиб келган каттақон оқ итга тушди. Қиз лар қармоқларини шартта сувдан тортиб олиб қирғоққа ташлашди-ю, бир-бирларининг пинжиги кирганча, итни кузата бошлашди. Ит эса қирғоқ пастрок жойгача су-: зиб борди-да, сувдан чиқиб силкинди ва дарахтлар орасига кириб ғойиб бўлди.

Никойя билан Конкордия завқланиб қичкириб юбо--ришди.

— Яна ташла-чи,—деди Конкордия.



— Йўқ, энди сенинг навбатинг! Кўрайлик-чи, нима чикаркин.

Конкордия олдинги мўъжиза такрорланишига ишон-май, дарёга кесак ташлади. Уша замони сув устида дубулға кийган бош кўринди. Қизлар бир-бирининг пинжига суқулганча, дубулғали кишининг ит чиққан жойгача сузиб борганини, унинг ҳам ўрмонга кириб ғойиб бўлганини кўриб туришди.

Қизлар завқдан яна кичкириб юборишди, лекин энди улар бир-бирини қанча қистамасинлар, сувга бирор нарса ташлашга ботинолмадилар.

Бир оз вақт ўтгач, улар ҳамон кулиб, чийиллашаёт-ганларида, қирғоққа яқинлаб қайиқда сузиб кетаётган икки ҳинди йигит кўриб қолди.

— Нимага куляпсизлар?—деб сўради улардан бири.

— Биз бу ерда шундоқ ажойиботни кўрдикки!— Никойя хахолаб юборди.

— Пулька ичиб олган бўлсаларингиз керак-да,— деб таҳмин қилди йигитлардан бири.

Иккала қиз бош чайқади, Конкордия эса:

— Ғаройиб мўъжизаларни куриш учун пулька ичи-шимизнинг ҳожати йўқ,— деди.— Олдин Никойя сувга банан пўстини ташлаган эди, сувдан ит чиқди; каттали-ги йўлбарсдек келадиган оқ ит...

— Конкордия кесак ташлаган эди, сувдан темир бошли одам чиқди,— давом этди дугонаси.— Бу мўъжиза эмасми? Демак, Конкордия иккаламиз сеҳргар-миз!


— Хосе,— деди йигитлардан бири иккинчисига,— сеҳргарлар саломатлиги учун ичиш керак.

Улар навбатма-навбат, бири эшак билан қайиқни бир жойда ушлаб туриб, иккинчиси, ярмигача пулька тўлдирилган голланд ароғидан бўшаган тўрт киррали катта шишадан хўплашди.

— Йўқ,— деди Хосе, қизлар ҳам ичкилик сўрашган-да.— Пулькадан бир култумдан ичиб олсангиз яна кў-зингизга катталиги йўлбарсдек оқ иту темир бошли одам кўринади.

— Яхши,— деди Никойя.— Ундай бўлса шишангни ичидаги пулькаси билан ташла — нима бўлишини кўра-сан. Биз ташлаганимизда сувдан ит билан одам чиқди, сен ташласанг балки ажина чиқар.

— Қани энди ўша ажинани бир курсам,— деди Хо-



се, яна шишадан ичиб.— Бу пулькадан шунақаям ботир бўлиб кетдимки, тоғни урсам талқон қиламан. Ҳозироқ ажинага рўпара бўлгим келяпти.

Ичиб тугатиб қўй, деб у шишани дўстига узатди.

— Энди сувга ташла!— буюрди Хосе.

Бўш шиша шалолаб сувга тушди. Уша замони ўлик ўргимчакнинг тукдор танаси сув юзига сузиб чиқди. Бу оддий хиндилар учун даҳшатнинг ўзи эди. Йигитлар ўзларини шиддат билан четга ташлаганларидан қайиқ ағдарилиб кетди. Бошлари сув устида кўринганда тез оқим уларни анча нарига олиб кетган, орқаларидан ағ-дарилган қайиқ эса секин оқиб борарди.

Энди қизлар кулишмади. Улар бир-бирига ёпишиб, сеҳрли сувга қарашар, айнаи вақтда кўз кири билан ўта-каси ёрилган йигитларни кузатишарди. Йигитлар ниҳо-ят қайиқни ушлаб, қирғоққа олиб келишди, қуруқлик-ка чиқиб, ўрмонга қараб жуфтакни ростлаб қолишди.

Қизлар сеҳрли дарёга яна тош отишга ботинганла-рида қуёш ғарбга анча оғиб қолган эди. Узоқ муҳокамадан сўнг улар дарёга бараварига кесак ташлашга аҳд қилишди. Уша заҳоти сув юзига эркак ва аёл киши — Френсис билан малика сузиб чиқишди. Қизлар дарров буталар орасига яшириниб, маликага ёрдамла-шиб қирғоқ томон сузаётган Френсисни кузатиб туришди.


— Балки тасодифан шундай бўлгандир... Худди сувга кесак ташлаган пайтимизда улар тасодифан сувдан чиққан бўлишлари мумкин-ку,— деб шивирлади орадан беш минўт ўтгач Никойя Конкордиянинг қулоғига.

— Сувга битта нарса ташлаганимизда, сувдан бит-та нарса чиқарди,— эътироз билдирди Конкордия.— Иккита кесак ташлаган эдик, иккитаси чиқди.

— Яхши,— деди Никойя,— кел, яна бир марта синаб кўраимиз. Иккаламиз баравар ташлаймиз. Агар ҳеч нарса чиқмаса, бизда ҳеч қандай сеҳрли куч йўқ.

Улар яна дарёга биттадан кесак ташлашди, сувдан яна бир эркак ва бир аёл чиқди. Лекин бу жуфт — Ген-ри ва Леонсия иккаласи ҳам сузишни билгани учун сувдан чиқиш осонроқ жойга ёнма-ён сузиб боришди-да, ўзларидан олдин чиққанлар каби ўрмон ичкарасига кириб кўздан ғойиб бўлишди.

Икки ҳинди қизи қирғоқда яна узоқ ўтиришди. Улар су^га ҳеч нарса ташламай, кутишга қарор қилишди:



сувдан бирор нарса чикса, демак, кўрганларининг ҳам-маси тасодифан тўғри келиб қолган, агар ҳеч нарса кў-ринмаса, демак, чиндан ҳам улар сеҳргар кизлар. Улар коронги тушиб, сув кўринмай қолгунча буталар орасига яшириниб, дарёни кузатишди. Шундан кейин илохий мурувват бўлди деб, ўз қишлоқларига мағрурланиб қай-тишди.

## Й И Г М Р М А И К К И Н Ч И Б О Б

Торрес ер ости дарёсидан чиққанининг эртаси куни Сан-Антониога етиб келди. У усти-боши йиртилган, иф-лос ҳолда шаҳарга кириб келди. Унинг кетидан хинди бола да Васконинг дубулғасини кўтариб келарди. Торрес полиция бошлиғи ва судьяга ғаройиб саргузаштла-ри ҳақида ҳикоя қилиб беришга ошиқар, бу саргузашт-ларнинг ҳаққонийлигига ашъвий далил сифатида ду-булғани кўрсатмоқчи эди.

Катта кўчада биринчи бўлиб учратгани — полиция бошлиғи уни кўриб ажабланганидан кичқириб юборди.

— Наҳотки бу сиз бўлсангиз, сеньор Торрес?— полиция бошлиғи кўришишдан олдин жиддий қиёфада чў-қинди.

Сеньор Веркара-и-Ихос унинг кир қўлларини кўриб олдида арвоҳ эмас, жонли Торрес турганига ишонди.


Ана шунда полиция бошлиғининг фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Мен сизни ўлди деб ўйловдим!— хитоб қилди у.— Бу Хосе Манчено қанақа ит ўзи! У олдимга келиб, сизни ўлди деб айтди! Улди, қиёматгача Майя тоғи қаъри-га кўмилди деди.

— У аҳмоқ, мен эса, энди Панамадаги энг бой одам бўлсам керак,— деди Торрес ғурурланиб.— Ҳар ҳолда, қадимги қахрамонлар — конкистадорлардан кам жасо-рат кўрсатганим йўқ, ҳамма хавф-хатарлардан ўтиб, хазинага етиб бордим. Мен уни кўрдим. Мана...

Торрес хаёлчан Аёлдан ўғирлаб олган ёкут ва гав-харларни олиш учун қўлини шими чўнтагига тикмоқчи бўлди-ю, вақтида ўзини тутиб қолди. Чунки унинг ночор кўринишидан ҳайратланиб, одамлар қараб туришган эди.

— Сизга кўп нарсани гапириб беришим керак,— деб давом этди Торрес.— Лекин бу ер суҳбат қиладиган



жон эмас. Мен мурдалар эшигини тақиллатдим, мар-ҳумлар кийимини кийиб юрдим; бундан тўрт юз йил аввал ўлган, лекин хокка айланмаган одамларни кўрдим — улар кўз олдимда сувга чўкиб, иккинчи марта ўлдилар; мен тоғ устида ва унинг қаърида юрдим; Мен Адашган Жонлар билан нон-туз бўлдим ва Ойнаи Жа-ҳонни томоша қилдим. Энг яқин дўстим, сизга ва марха-матли судьяга вақти келганда буларни ҳикоя қилиб бераман, чунки ўзимнигина ўйлаётганим йўқ, сизларни ҳам бадавлат қилмоқчиман.

— Мабодо ачиган пулька, ичганингиз йўқми?— деб сўради полиция бошлиғи ишонқирамай.

— Сан-Антониодан чиққанимдан буён сувдан бош-қа нарса ичганим йўқ,— деб жавоб берди у.— Бунинг эвазига энди уйга бориб роса ичаман, кейин чўмилиб, кийимларимни алмаштираман.

Лекин Торрес уйига даррав етиб бора олмади. Кўчада унга йиртиқ кийимли кичкина бола дуч келиб, конверт узатди. Торрес бундай конвертларни кўп олган эди. Шу сабабли бу мақаллий ҳукумат радиостанция-сидан, Ригандан эканлигини дарҳол тушунди.


«Муваффақиятларингиздан мамнунман. Нью-Йоркка қайтишини яна уч ҳафтага кечиктириш зарур. Муваф-фақият бўлса — эллик минг доллар».

Торрес боланинг қўлидан қаламни олиб, конвертнинг орқасига жавоб ёзди:

«Пулни юборинг. У шаҳе ҳеч қачон қайтмайди. Тоғ-да ҳалок бўлди».

Яна иккита воқеа Торреснинг мириқиб ичиши ва ваннага тушиб чўмилишига ҳалал берди. Родригес Фер-нандес деган чолнинг заргарлик дўконига кирмоқчи бўлиб турганида остонада уни майяларнинг қадимги ко-ҳини тўхтатди. Торрес уни сўнгги марта муқаддас тоғ қаърида қурган эди. Испан арвоҳни кўргандек ўзини орқага ташлади, уни кўриб шундай кўрқиб кетдики, полиция бошлиғи Торреснинг ўзини кўрганда бунчалик кўрқмаган эди.

— Йўқол!— деб кичқирди Торрес.— Ғойиб бўл, тиниб-тинчимас чол! Ахир сен арвоҳсан. Сенинг мурданг тоғ орасида, сувда ишшиб, чириб ётибди. Сен арвоҳсан, шйрпасан! Дарҳол ғойиб бўл! Сен тирик одам бўлга-



нингда эди, адабингни бериб кўярдим. Лекин сен ар-воҳсан — арвоҳ билан муштлашгим келмаяпти.

Аммо арвоҳ унинг қўлига ёпишиб, шунақаям тирма-шиб олдики, Торрес унинг тириклигига ишо'нди.

— Пул!—деб шивирлади чол.—Менга пул бер! Қарзга пул бер! Ахир мен қайтариб бераман — мен майялар хазинаси сирини биламан. Уғлим шу хазина яшириб қўйилган тоғда адашиб қолди. Иккала гринго ҳам ўша ерда. Менга ёрдам бер, ўғлимни қутқарай! Уғлимни қайтиб бер — хазинани бутунлай сенга бераман. Лекин бизга кўп одам, оқларда бўладиган ажойиб кукундан кўпроқ керак. Бу кукун билан қояни тешиб, сувни чиқариб юборамиз. Уғлим чўкиб кетгани йўқ. Кўзлари қимматбаҳо тошдан ясалган Чиа билан Хцатцл турган жойдан уни сув чиқармай турибди. Шу кўк ва қизил тошларнинг ўзига бутун дунёдаги ажойиб кукунни сотиб олса бўлади. Ажойиб кукундан сотиб олишим учун менга пул бер.

Аммо Альварес Торрес ғалати одам эди. Унинг та-биатида бир хусусият бор эди: арзимаган пул чиқим бўлса, шу чиқимга ҳам ўзини кўндиролмасди. У бадав-лат бўлган сайин бу хусусияти ҳам кучайиб борарди.

— Ҳа, пул дегин!—деди у дағаллик билан ва қоҳинни четга итариб, Фернандес дўкони эшигини очди.— Пул менда қаёқдан бўлсин? Кийимларим титилиб кетган, ўзим гадодан баттарман. Вой чол-э, сенга беришга у ёқда турсин, ўзим учун ҳам пулим йўқ. Бунинг устига ўғлингни Майя тоғига ўзинг олиб боргансан, менинг ишим йўқ. Уғлингни хуни менинг бошимга эмас, ўз бошингга тушади, ўғлинг тушиб кетган Чиа оёғи остидаги чоҳни менинг ота-боболарим эмас, ўз аждодларинг қазишган.

Бирок чол ниятидан қайтмас, динамит сотиб олиш учун пул сўрарди. Бу гал Торрес шундай тепдики, чол ўзини тута олмай,, тош йўлга шалоплаб йиқилди.

Родригес Фернандеснинг дўкони кичкина, ифлос бўлиб, дўконнинг яккаю ягона пештахтаси ҳам кичкина ва ифлос, гўё бир асрдан буён супуриб-сидирилмаган, ар-тиб-тозаланмагандек эди. Деворларда калтакесаклар ва сувараклар ўрмалашиб юрар, ўргимчаклар ҳамма бурчакларга тур тўкиб ташлаган, шифтда қандайдир ҳашарот ўрмалаб борарди. Торрес уни кўриб, бошимга тушмаса гўрга эди деб, шошилиб ўзини четга олди.

•Қандайдир вайрона кулбадан катта ўргимчакка ўхшаб Фернандес чихиб келди, у хиролича Елизавета даврида ^-лаган актёрлар тасвирлаган Шейлокка жуда ўхшаб кетарди. Аммо бунақа ифлос Шейлокни Елизавета саҳ-насига чиқармаган ҳам бўлардилар.

Заргар Торресга эгилиб таъзим қилди ва чор-ночор аҳволдаги дўкони туфайли ўзини камтар тутишга маж-бур бўлса-да, ҳокисорлик билан саломлашди. Торрес маликадан ўғирлаб олган қи-мматбаҳо тошлардан ўн-тачасини чўнтагидан чиқариб, танламай биттасини олиб, заргарга узатди ва ҳолганини чўнтагига солиб қўйди.

— Мен кашшок одамман,— деб қ.ақиллади Фернандес, аммо Торрес унинг тонши синчиклаб текшираётганини сезиб қолди.

Ниҳоят заргар тошни арзимаган нарсадек пештахта-га ташлади ва Торресга савол назари билан қаради. Торрес сергап чолни гапиртиришнинг энг осон йўли жим туриш эканлигини билиб, индамай тураверди.

— Мен тўғри тушундиммикин, ҳурматли сеньор Торрес тошнинг сифати ҳақидаги фикримни билмоқчиларми?— деб сўради кекса заргар.

Торрес индамай бош ирғади.

— Бу ҳақиқий тош. Кичикроқ. Узингиз кўриб туриб-сизки, нуқсонлардан ҳоли эмас. Пардозланганда яна кичрайиши ўз-ўзидан равшан.


— Қанча туради?—Торрес бетокат бўлаётганини яшира олмай сўради.

— Мен кашшок одамман,— деб такрорлади Фернандес.

— Мен сенга сотиб ол деяётганим йўқ-ку, мияси ай-ниган чол. Лекин бу ҳақда ўзинг гап очдинг, айт-чи, қанча тўлайсан?

— Ҳурматли жаноб, сабр-қаноатингизга ишониб, хали айтганимдек, сизга маълум қилиш шарафига му-яссар бўлдимки, мен кашшок одамман. Шундай кунлар ҳам бўладики, ўзим учун бир парча сасиган балиқ сотиб олишга ўн сентаво сарфлашга ҳам қурбим етмайди; шундай кунлар ҳам бўладики, ўзим учун арзон қизил винони ҳам раво кўрмайман, ваҳоланки қизил вино соғ-лигим учун жуда фойдали. Мен буни ёшлигимда, Ита-лияда, Барсельондан узоқ жойда шогирд бўлиб юрга-нимдаёҳ билиб олганман. Мен жуда кашшокман, қим-матбаҳо тошларни сотиб олмайман...





— Кейин фойдасига сотиш учун ҳам олмайсанми?— Торрес унинг гапине бўлди.

— Фойда чиқишига ишонсамгина оламан,— деб мингирлади чол.— Ҳа, ундай бўлса сотиб оламан, аммо қашшоқлигимдан кўп пул тўлолмайман.— У тошни кў-лига олиб, диққат билан узоқ текширди.— Бу тош учун мен,— деди у иккиланиб,— мен бунга... Илтимос қила-ман, ҳурматли сеньор, мени тушунинг, мен жуда қаш-шоқ одамман. Бугун бир қошиқ қора шўрва-ю, қаҳва билан бир бурда нон тамадди қилдим, холос.

— Ё худо, эй қари аҳмоқ, қанча тўлайсан, ахир?— Торрес овозининг борича бақириб юборди.

— Беш юз доллар — шундаям зарар қилмасмикин-ман, деб чўчиб турибман.

— Олтин биланми?


— Иўқ, Мексика доллари билан,— деб жавоб берди заргар; бу қоқ ярмига тенг эди. Чолнинг муғомбирлик қилаётганини Торрес тушунди.— Албатта, Мексика доллари билан, фақат Мексика доллари билан! Бизнинг ҳамма муомалаларимиз Мексика доллари билан бўлади.

Торрес шунчалик кичкина тош учун шунча пул тўла-нишини билиб севиниб кетди, лекин ўзини ғазабланган-га солиб, тошни қайтариб олмоқчи бўлиб қўл узатди. Аммо чол фойдали тижоратдан маҳрум бўлиб қолишни истамай, тошни ушлаб турган қўлини дарров тортиб олди.

— Биз эски дўстлармиз.— Чолнинг овози хириллаб қолди.— Ёш болагингизда Бокас-дель-Тородан Сан-Антониога келганингизда сизни биринчи бўлиб мен кўрганман. Майли, дўстлигимизни ҳисобга олиб, сизга пулини олтин билан тўлайман.

Тошнинг ҳақиқий қимматини ҳали ҳам билмаган бўлса-да, шундан кейингина Торрес малика хазинаси-нинг— қадимги замонларда Адашган, Жонлар Майя ғоридан ўғирлаб кетган хазинанинг қиммати нақадар катта эканлигини тўла ишонч билан тасаввур қилди.

— Жуда соз,— деди Торрес ва эпчиллик билан заргарнинг қўлидан тошни тортиб олди.— Бу тош бир дўстимники. Гаровга қўйиб, мандан пул қарз олмоқчи эди. Энди сиз туфайли дўстимга олтин ҳисобида беш юз долларгача қарэ беришим мумкинлигини билиб олдим. Келаси сафар ковоқхонада учрашсак, сизга бир стакан, нималар деяпман-а, бир стакан эмас, неча стакан хоҳ-



дасангиз шунча соғлигингиз учун зарур бўлган қизил вино қуйиб берсам, ўзимни бахтли деб ҳисоблайман.

Шундай деб, Торрес дўқондан чиқиб кетди, ўз танганасини ҳам, аҳмоқ бўлиб қолган заргарга нисбатан кафратини ҳам яширмади; шу билан бир вақтда у, бу ари испан тулкиси Фернандес тошнинг ҳақиқий баҳосининг ярмини айтди, деб ўйлаб, ич-ичидан хувонди.

Шу пайтда Леонсия, малика ва иккала Морган Гуаака дарёсида ҳайиқда сузиб боришарди. Улар ҳирғока Торресга нисбатан тезроҳ етиб боришди. Улар Соано хўрасига етиб келишларидан олдин бир воқеа юз бердики, ўша пайтда бу воқеага эътибор берилмади. Қўрага борадиган илон изи сўқмоқдан бу ерда асло бўлмаган ғалати одам юҳорига ўрмаларди; ёнида қари бир кампир ҳам бор эди. Кампирнинг ҳора рўмоли остидан ажин босган, озғин юзи кўриниб турар, чамаси у ёшлигида чиройли бўлган.

Бу одам семиз ва товоҳ юзли ўрта ёшлардаги хитой бўлиб, лўппи юзларидан семиз кишиларга хос кўнгил-чанлик сезилиб турарди. Унинг номи И Пин бўлиб, ҳаракатлари майин, номи каби юмшоқ эди. Қўлига оси-либ ёнида келаётган кампирга тинимсиз меҳрибонлик қиларди. Мадорсизлик ёки хорғинликдан кампир қоҳи-либ кетса хитой тўхтаб, унинг дам олишини кутиб турарди. Юҳорига кўтарилаётганда чўнтакка солиб юра-диган шишасидан қошиқда уч марта француз виноси-дан берди.

И Пин кампирни ҳовлининг салқин бир бурчагига ўтқазиб ҳўйиб, катта эшикни дадил тақиллатди. Бирор жойга иш билан борса одатда орқа эшикдан киргучи эди. Аммо катта эшикдан қачон киришни тажрибадан биларди.

Унинг тақиллатишини эшитиб эшикни очган оқсоч ҳинди қиз Энрико Солано ўғиллари билан ғамга ботиб ўтирган меҳмонхонага кириб, хитой келганини маълум қилди. Рикардо Леонсия Майя ғорида ҳалок бўлгани ҳақида хабар келтиргач, Солано ғамга ботган эди. Оқсоч қиз ташқарига чиқиб, жаноб Соланонинг ўзини бе-ҳузур ҳис этаётганини ва ҳеч кимни қабул қилмаслиги-ни айтди. Олдидаги одам оддий бир хитой бўлса ҳам -оқсоч бу гапларни эҳтиром билан маълум қилди.





— Ҳм,— деди И Пин оксоч киз қаршисида эътиборли кўриниш ва уни хўжайини хузурига иккинчи марта киришга кўндириш, ундан хат киритиб юбориш учун мактанишга тушди.— Мен бирорта қул эмасман. Мен бообрў хитойман. Мактабда кўп ўқиганман. Испанча гаплашганман. Инглизча гаплашганман. Мен испанча ёзаман. Инглизча ҳам ёзаман. Кўряпсанми: ҳозир жаноб Соланога испанча хат ёзаман. Сен ёзишни билмайсан, менинг ёзганимни ўқий олмайсан ҳам. Мана, мен— И Пинман, Қолонда тураман. Бу ерга жаноб Соланони куриш учун келдим. Унда муҳим ишим бор. Жуда муҳим ва жуда махфий иш. Шуларнинг ҳаммасини мана бу қоғозга ёзиб қўйдим, лекин сен ўқий олмайсан.

Аммо у хати: «Солано хоним, мен катта сирни била-ман», деган сўзлар билан тугаганлигини оксочга айт-мади.

Чамаси бу хатни Соланонинг тўнғич ўғли Алесандро олди, чунки у оксоч қизни орқада қолдириб, эшикка би-ринчи бўлиб етиб келди.

— Гапир, нима гап!—деярли бақариб, семиз хитой-га ёпишди.— Нима гап? Гапир! Тезроқ!

— Жуда яхши иш,— И Пин Алесандронинг ҳая-жонланаётганини кўриб мамнун бўлди.— Мен катта пул топаман. Мен... Нимаиди? Ҳа, сир сотиб оламан. Мен сир сотаман. Жуда ажойиб иш.

— Солано хоним ҳақида нима биласан?—деб ба-қирди у хитойнинг елкасидан ушлаб.

— Кўп нарсани. Жуда муҳим маълумот...

Аммо Алесандро ортиқ чидай олмади. У хитойни уй-га, Энрико ўтирган меҳмонхонага судраб кирди.

— У Леонсия ҳақида хабар келтирипти!—деб қич-қирди Алесандро.

— Қаерда у?— Энрико билан ўғиллари баравар са-вол беришди.

«Уҳ-хў!»— деб ўйлади И Пин ичида. Бундай умумий ҳаяжон унинг ниятига мос тушса-да, бундан ўзи ҳам ҳаяжонланиб кетди.

Хитойнинг ўйланиб қолганини кўрқувга йўйган Энрико, ўғилларига жим бўлинглар дегандек қўлини кў-тарди ва хотиржамлик билан меҳмонга савол берди.

— Қаерда у?

И Пин яна: «Уҳ-хў!»—деб қўйди ичида. Демак, хоним йўқолиб қолибди-да. Бу янги сир. Бу сирнинг ҳозир



бўлмаса кейинчалик И Пинга фойдаси тегиб қолади. Шундай нуфузли ва бон оиланинг чиройли кизи беда-рак йўқолипти — Латин Америкасидаги мамлакатлар-дан бирида бундан хабардор бўлиш чакки иш эмас. Бир кунмас, бир кун у турмушга чиқади — Колонда шунақа миш-миш юрибди-ку! Кейинчалик эри билан ёки Зри у билан жанжаллашиб қолиши мумкин, ана ўшанда у ёки эри, ким бўлса ҳам бари бир, бу сирни билиш учун анча-мунча пулни жон-жон деб тўлайди.

— Бу Леонсия хоним,— деди у ниҳоят муғомбирона тилёғламалик билан,— сизнинг қизингиз эмас. Унинг ота-онаси бошқа.

Леонсияга мотам тутаётган Энриконинг ғам-ғуссаси шунчалик кучли эдики, хитой оиланинг бу сирини айт-ганидан сесканиб ҳам қўймади.

— Тўғри,— деб тасдиқлади Энрико.— Мен уни бо-лалигида киз қилиб олганман. Бу сирни оиламиздан ташқарида ҳеч ким билмайди. Буни билишингиз ғала-ти. Лекин буни сизсиз ҳам биламан, менга кизиғи йўқ. Ҳозир мени бошқа нарса қизиқтиради: у қаерда?

И Пин жиддий ва ҳамдардлик билан бош чайқади.

— Бу бутунлай бошқа сир,— деди у.— Балки бу сирни ҳам билиб оларман. Ана ўшанда сирни сизга сота ман. Ҳозирча менда эски сир бор. Леонсия хонимнинг ота-онаси кимлигини сиз билмайсиз. Мен эса биламан.

Бу жалб этувчи хабарга Энрико қизиқиб қолганини яшира олмади.

— Гапир,— деб буюрди у.— Исmlарини айт, ҳақиқа-тан шундай эканлигини исботлаб бер, шундагина мен-дан мукофот оласан.

— йўқ,— И Пин бош чайқади.— Бунақа иш ки-либ бўлмайди. Мен ўз ишимни бошқача олиб бораман. Олдин менга пул тўланг — кейин айтаман. Менинг сир-ларим — яхши сирлар. Мен ўз сирларимни доим исботлаб бераман. Сиз менга беш юз песо берасиз, Колондан Сан-Антониога, бу ердан Колонгача йўл харажатларини тўлайсиз, ана шундан кейин ота-онасининг кимлигини айтаман.

Энрико Солано рози бўлиб бош ирғади ва энди Алесандрога пул келтиришни буюрмоқчи бўлган эди ҳамки, бирдан оксоч хинди кизи хонага бўрондек оти-либ кирди. Энрико Солано олдига тез югуриб келиб, кўзларидан ёш оқиб, қўлларини қисганча нималарнидир



деди, лекин ғамдан эмас, қувончдан кўз ёши тўкаётгани аниқ эди.

— Хоним!..— деди у ниҳоят шивирлаб, бошини қи-мирлатиб ва кўли билан ҳовлини кўрсатиб.— Хоним!..

Шундан кейин ҳамма И Пин ва унинг сирини унут-ди-қўйди. Энрико ўғиллари билан айвонга чиқиб, бош-дан-оёқ чангта ботган ва шу дақиқада хачирдан туши-шаётган Леонсия, малика ва иккала Морганни курди. Улар хачирларни Гуалака дарёси мансабида ижарага олишган бўлса керак. Шу пайтда оқсоч киз ёрдамга чақирган икки хинди хизматчи семиз хитой билан унинг қари ҳамроҳини уйдан чиқариб юборишди.


— Бошқа куни келинлар,— дейишди улар.— Ҳозир жаноб Солано муҳим иш билан банд.

— Албатта, бошқа куни келаман.— И Пин пул қў-лига кирай деб турганида савдо бузилганидан хафа бўл-ганини яшириб, илтифот билан ишонтирди.

Аммо у истар-истамас йўлга тушди. Бу ерда унинг фаолияти учун имкониятлар катта эди. Ҳатто ҳавода ҳам сир ғиж-биждек эди. У дарё ёқасига бориб сув ичолмаган кишидек ҳис этди ўзини. Агар хизматчилар бунчалик жон куйдириб ҳайдаб чиқаришмагандами, И Пин бирор бурчакка яшириниб олиб, келган киши-ларга ҳеч бўлмаса кўз қирини ташлаган бўларди. Лекин чор-ночор бўйсуниб, кетишга мажбур бўлди; ярим йўлга борганда кампир унга деярли осилиб олганини сезиб тўхтади ва ҳамроҳини бардамроқ қилиш учун оғзига анча вино куйди.

Леонсия хачирдан сакраб тушишга улгурмаёк, Энрико уни кўтариб тушириб қўйди — у қизини бағрига босишга шунчалик ошиқарди. Бир неча минутгача ба-ғир-буғур саломлашган овозлар эшитилиб турди: ака-лари Леонеияни ўраб олиб, қувончлари ва меҳр-муҳаб-батларини изҳор қилаётган эдилар. Бир оз хотиржам бўлишгач, Френсис бошқа аёлга хачирдан тушишга ёр-дамлашиб, аёлнинг қўлидан ушлаганча ўзларига навбат келишини кутиб турганини кўришди.

— Бу менинг хотиним,— деб Френсис нотаниш аёлни таништирди.— Мен Кордильерга хазина излаб бориб, мана буни топиб келдим. Ҳеч қачон менчалик омади юришган кишини кўрганмисизлар?



— Лекин у ҳам катта хазинасини қурбон қилди,— деб Леонсия дадил гапга қўшилди.

— У кичкина қиролликда қиролича эди,— деб ту-шунтирди Френсис, Леонсияга миннатдорона ва ҳайра-томуз назарини ташлаб.

У ҳам изоҳ беришга шошилди:

— У ҳаммамизнинг ҳаётимизни. саклаб қолди ва ки-чик қироллигини қурбон қилди.


Леонсияда олижаноблик туйғуси жўш уриб, малика-нинг белидан кучоқлади, уни Френсисдан ажратиб олиб, уйга бошлади.

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Янги Дуне дидини ҳисобга олиб, Урта аср испан мо-даси бўйича тикилган костюм (бундай костюмни Пана-манинг бадавлат плантаторлари ҳали ҳам кийиб юри-шади) кийиб олган Торрес қирғоқ бўйлаб Солано уйи томон келарди. Унинг ёнида ўша ер ости дарёсидан бирга сузиб чиққан катта оқ ит сакраб-сакраб чошиб борарди. Зарур бўлса ит Торреснинг энг чопқ\_ир отидан ҳам ўзиб кетиши аниқ эди. Торрес Соланолар уйига борадиган йўлга бурилиши билан И Пинга дуч келди. Хитой қари ҳамроҳига бир оз дам бериш учун чорраҳада тўхтаган эди. Лекин Торрес бу ғалати ҳамроҳларга зар-рача парво қилмади. Эғнидаги важоҳатли костюми билан юзидаги виқор ва кеккайиш уларга эътибор бериш-га йўл қўймасди, шунинг учун бепарвогина кўз ташлаб қўйди.

Аксинча, И Пин *циссиц* кўзлари билан унга синчик-лаб тикилиб, заррача нарсани ҳам эътиборидан четда қолдирмади ва: «Бу жуда бой бўлса керак. У Солано-ларнинг дўсти. Ҳозир уларнинг уйига кетяпти. Балки у Леонсия хонимнинг севган ёри ёки у рад этган жазман-дир. Нима бўлса ҳам у хонимнинг туғилиш сирини со-тиб олишдан бош тортмайди. Ҳа, кўринишидан у жуда бой, жуда бадавлат», деб кўнглидан ўтказди.

Шу вақтда уйнинг меҳмонхонасида хазина излашда қатнашганларнинг ҳаммаси ва Солано оиласининг ҳам-ма аъзолари тўпланган эди. Малика уларнинг саргу-заштлари ҳақидаги қиссага улуш қўшиш учун кўзлари порлаб, Торрес унинг қимматбаҳо тошларини ўғирлага-



ни, итдан қўриқиб, ўпконга тушиб кетганини тасвирлаётган эди. Генри билан дераза олдида турган Леонсия бирдан қичқириб юборди.

— Шайтоннинг ўзи, қаерда йўқласанг ҳозир,— деди Генри.— Уни қаранглар, жаноб Торреснинг ўзлари қа-дам ранжида қиялтилар.

— Аввал мен!— деб бақирди Френсис мушт тугиб.

— Йўқ,— деди Леонсия.— У ўтакетган ёлғончи. Унинг бақрайиб туриб ёлғон гапиришини биламиз. Ке-линглар, бир ҳазил қиламиз. Ана, у отдан тушяпти. Тўртовимиз яшириниб оламиз. Сизлар эса,— у отаси ва акаларига ишора қилди,— гўё менга мотам тутаёт-ган бўлиб ўтиринглар. Лаънати ҳозир бу ерга қиради. Бизга нима бўлганини ундан билмоқчи бўласиз. У ёлғон-яшиқни тахлаб ташлайди. Биз эса анави парда орқасига яширинамиз... Қани, юринглар!

У маликанинг қўлидан ушлаб, парда орқасига суд-ради, Френсис билан Генрига орқамиздан юринглар деб ишора қилди.

Торрес хонага кириб, қайғули манзарани курди. Эн-рико билан ўғиллари ҳозиргина қайғуга ботиб ўтириш-ганди, яна ўзларини хафақон қилиб кўрсатиш уларга қийин эмасди. Меҳмонни кўриб, у билан сўрашиш учун Энрико ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, шу замони ўрнига холсиз йиқилди. Торрес икки қўллаб унинг қўлидан ушлаб, юзида ғоят ҳамдардикни ифодалади ва ҳаяжон-дан гапиришга ожиз қилиб кўрсатди ўзини.

—| Ҳайҳот!—деди у ниҳоят ғамгин овозда.— Улар ҳалок бўлишди. Гўзал қизингиз Леонсия ҳам ҳалок бўл-ди. Иккала Морган ҳам. Улар Майя тоғи қаърида ҳалок бўлганларини сизга Рикардо айтиб бергандир. У қандай-дир сеҳрланган жой,— деб давом этди у, Энриконинг сал ўзига келишини кутиб тургач,— Улар кўз юмаётган-ларида мен бирга эдим. Менинг гапимга киришганда тирик қолишарди. Лекин Леонсия ҳам эски дўстининг гапига кирмади! Йўқ! У иккала грингога кулоқ солишни афзал курди. Мен мислсиз хавф-хатарлардан ўтиб ғор-дан чиқдим. Пастга — Адашган Жонлар Водийсига қа-радим, қайтиб келсам, улар жон талвасасида эканлар...

Шу пайт хонага оқ бўрибосар кириб келди, унинг орқасидан ҳинди хизматчи югуриб келарди. Ит ҳаяжон-дан қалтираб, инграб, ўз бекасининг исини сезиб, хона-ни ҳидларди. Лекин ит малика яширинган парда олдида



боришга улгурмади: Торрес бўйнидан ушлаб, тутиб ту-ринглар деб икки ҳинди хизматчига берди.

— Ит шу ерда тура турсин,— деди Торрес.— Бу ит ҳақида кейин гапириб бераман. Аввал мана бунга қа-ранглар.— У чўнтагидан бир кафт қимматбаҳо тошлар-ни олди.— Мен мурдалар манзилгоҳи эшигини тақил-латдим — кўринглар: Майя хазинаси меники бўлди. Энди мен Панамагина эмас, иккала Америкадаги энг бой одамман. Мен қудратли бўламан.

— Қизим жон бераётганда сиз у билан бирга эди-нгиз-ку.— Энрико йиғлаб унинг гапини бўлди.—Наҳотки у менга бирор нарса айтмаган бўлса?

— Ҳа,— йиғлаб жавоб қилди Торрес, ўзи тасаввур қилган Леонсиянинг ўлими манзарасидан ҳаяжонла-ниб,— исмингизни тилидан туширмай кўз юмди. Унинг сўнгги сўзлари...


Шу ерга келганда унинг кўзлари ола-кула бўлиб, гапини тугатмай тўхтаб қолди: шу пайтда Генри билан Леонсия ҳеч нарса бўлмагандек, гаплашиб хонадан ўтишди. Улар Торресни кўрмай дераза ёнига ке-лишди.

— Сиз менга Леонсия ўлими олдидан айтган...—I деб эслатди Энрико.

— Мен... мен алдадим,— деди тутилиб Торрес, бу ноқулай аҳволдан қандай қутулишни ўйлаб, вақтни ўт-казиш учун.— Улар бари бир ўлиб кетишади, ғордан ҳеч қачон қайтиб чиқишолмайди деб ишонган эдим, қизи-нгиз ўлганда у сўзсиз айтадиган гапларни айтиб сизни юпатмоқчи эдим. Яна, сиз яхши кўриб қолган Френсис... Уша грингонинг қандай кўрқок одам эканлигини би-лишдан ўлган деб ҳисоблаганингиз маъқулроқ деб ўй-лагандим.

Ит қувноқ вовиллаб, парда томон интилди, хизматчи-лар итни зўрға ушлаб туришарди. Торрес эса ҳақиқат-дан беҳабар, ҳикоясини давом эттирди:

— Адашган Жонлар Водийсида, гўё ҳар хил нарсалар ёрдамида келажакни билиб оламиз дейдиган ҳафтафаҳм, аҳмоқ одам бор. У даҳшатли, қонхўр хотин. Инкор этмайман, ўзи жуда келишган, чиройли. Лекин бу мингоёқнинг чиройи, мингоёқни ёқтирадиганларгина униёқтириши мумкин. Ушанда нималар бўлганини энди тушундим: У Генри билан Леонсияга яширин йўлни кўрсатган-у, улар шу йўл орқали Водийдан чиқиб олиш-



ган, Френсис эса у билан қолиб, гуноҳга ботиб яшашни афзал курган — Водийда никоҳ ўқийдиган католик ру-ҳонийси бўлмагандан кейин уларнинг алоқаси гуноҳдан бошқа нарса эмас. Йўқ, Френсис ўша даҳшатли хотин-ни яхши кўриб қолган деб ўйламанг, асло ундай эмас. Хотиннинг бойликларини яхши кўриб қолган у! Кўрди-нгизми, гринго Френсис қанақа одам экан! Уз бағрингиз-да илонни асраган экансиз! У муҳаббат назари билан гўзал Леонсияни ҳам ҳақорат қилди. Мен нима деяётга-нимни яхши биламан. Мен ўзим кўрдим...

Итнинг қувноқ вовиллаши унинг гапини эшиттирмай қўйди. Шу заҳоти Торрес Френсис билан маликани курди: олдинги жуфт каби улар ҳам парда орқасидан чи-киб, нима ҳақдадир ўзаро суҳбатлашиб хонадан ўтиш-ди. Малика тўхтаб, итни эркалатди; ит шу қадар катта эдики, у олдинги оёқларини маликанинг елкасига қўй-ганда, боши бекасининг бошидан баландда эди. Торрес эса қуриб қолган лабларини ялаб, бу аянчли аҳволдан қандай қутулсам экан деб ўйларди.

Энрико Солано биринчи бўлиб кулиб юборди, ўғил-лари унга қўшилишди; шундай хахолашдики, кўзлари-дан ёш чикиб кетди.

— Унга мен ўзим уйланишим мумкин эди,— деди Торрес заҳарханда билан,— бу хотин олдимда тиз чў-киб ялинган.

— Бўлди, етар,— деди Френсис.— Мен ҳаммалари-нгизни ифлос ишдан озод қилиб, бу лаънати эшикдан ўзим улоқтириб юбораман,

Лекин Генри тез унинг ёнига келди:

— Мен ҳам баъзан ифлос ишларни яхши кўраман, бу ишни эса жон деб бажараман.

Иккала Морган Торресга ташланай деганларида малика уларни тўхтатиб қолди.

— Олдин,— деди у,— белбоғидан чикиб турган хан-жарни менга берсин. Уни мендан ўғирлаб олган.

— Айтмоқчи,— деди Энрико, ханжар тортиб олин-гач,— тўзал маликам, сиздан ўғирлаб олган қимматли тошларни қайтариб бериши керак эмасмикин?

Торрес кутдириб ўтирмай, бир ҳовуч тошни чўнтаги-дан чиқариб, стол устига қўйди. Энрико маликага қара-ди, лекин у ҳеч нарса демай тик турарди — кутаётган эди.

— Яна!— деди Энрико.

Торрес стол устига яна учта ишлов берилмаган чи-ройли тошни қўйди.

— Нима, мени оддий ўғрини тинтигандек тинтиб чиқасизларми?— шимининг чўнтақларини ағдариб кўр-сатаркан, кўрқув ва ғазаб билан деди.

— Хўп, энди мен иш бошлайман,— деди Френсис.

— йўқ, мен!— деди Генри.

— Майли, яхшиси, кел, иккаламиз,— Френсис кўн-ди.— Шундай қилсак узоқроққа бориб тушади.

Улар икковлашиб Торресни ёқасидан ва оёғидан ушлаб эшик томон судрашди.

Торреснинг қандай улоқтирилишини куриш учун ҳаммалари дераза ёнига югуришди; Энрико ҳаммадан чаккон чикиб қолди — у дераза олдида биринчи бўлиб етиб келди. Қизиқарли томошадан қаноат ҳосил қилиб, хонанинг ўртасига келишганда, малика, стол устига со-чиб ташланган қимматбаҳо тошларни йиғиб бир ҳовучи-ни Леонсияга узатаётди:

— Френсис билан мендан Сиз билан Генрига тўё-на,— деди.


И Пин кампирни қирғоқда қолдириб, биқиниб уй олдида қайтиб келди ва буталар орасига яшириниб, уйда нималар бўлаётганини кузата бошлади. Бой кабльеро-ни зинадан пастга улоқтириб юборганларини, у қумга тушиб чўзилиб қолганини кўриб, И Пин кониқиш билан хиринглади. Аммо у ўзи яширинган жойдан чикиб, ҳам-масини кўрганини сездириш аҳмоқлик эканини тушунар-ди. Шунинг учун тепалиқдан пастга югурди ва отлик Торрес унга дуч келганда қирғоққа яқинлашиб қолган эди.

Хитой сиполик билан унга мурожаат қилди, аммо жаҳли чиққан Торрес унинг юзига қамчи урмоқчи бўлиб қўл кўтарди. Аммо И Пин ўзини йўқотмади.

— Леонсия хоним...— деди у дарров, Торреснинг кў-лидаги қамчи кўтарилганча қолди.— Мен катта бир сирни биламан.— Торрес қамчини туширмай кутиб ту-рарди.— Гўзал Леонсия хонимга бошқа бировнинг уй-ланишини истамасангиз кераг-а?

Торрес қўлини туширди.

— Қани, гапир,— катъий буюрди у.— Қанақа сирни биласан?





— Леонсия хонимга бошқа кишининг уйланишини хоҳламайсизми?

— ШуВДай ҳам дейлик. Хўш, нима бўпти?

— Уйлаб кўринг-а, бир сир бор, шу сир маълум бўлса, Леонсия хонимга бошқа киши уйлана олмай-ди.

— Қанақа сир у? Тезроқ гапир!

— Олдин менга олтин ҳисобида олти юз доллар тў-лайсиз,— деди И Пин бош чайкаб,— кейин сирни айта-ман.

— Яхши, тўлайман,—дарров рози бўлди Торрес, лекин сўзининг устидан чиқишни хаёлига ҳам келтир-маган эди.— Олдин нима гаплигини айт, агар ёлғон гапирмаётган бўлсанг, бунга ишонсам, пулни тўлайман. Мана, қара!

У ич чўнтагидан пул тўла катмонни чиқариб кўрсат-ди. И Пин истар-истамас рози бўлиб, уни қирғоқда ку-тиб турган кампирнинг олдига бошлади.


— Бу кампир ҳеч қачон ёлғон гапирмайди,— деди у.— У касал. Тез орада оламдан ўтади. У қўрқяпти. Ко-лондаги поп билан гаплашди. Поп, сирни очишинг керак, бўлмаса ўлганингдан кейин тўғри дўзахга борасан, деди. Кампир ёлғон гапирмайди.

— У ёлғон гапирмайди ҳам дейлик. У менга нимани айтиши мумкин?

— Ҳақини тўлайсизми?

— Албатта. Олтин ҳисобида олти юз доллар.

— Гап бундай. У Испанияда, Қадиксда туғилган. У садоқатли хизматчи ва меҳрибон энага эди. Ниҳоят у мамлакат бўйлаб сафар қилиб юрган инглиз оиласига ишга ёлланади. Шу оилада узоқ яшайди. Ҳатто улар билан Англияга кетади. Кейин,— биласиз-ку, испанлар жуда кизикқон бўлади,— улардан жаҳли чиқади. Шу оилада бир кизалоқ бўлган. У кизалокни ўғирлаб қочади ва Панамага олиб келади. Уша кизалокни жаноб Сола-но киз қилиб олган. Лекин кампир унга кизнинг фами-лиясини айтмаган. Қиз эса энг нуфузли, бадавлат оила-дан. Уларни бутун Англия. билади. Уларнинг фамилия-си — Морган. "Сиз бу фамилияни эшитганмисиз? Колон-га Сан-Антониодан одамлар боришган эди, улар жаноб Соланонинг қизи Морган деган инглизга турмушга чиқ-япти, дейишди. Уша гринго Морган Леонсия хонимнинг" акаси бўлади.



— Аҳ-ҳа!—деб хитоб қилди Торрес, нафратомуз қу-вониб.

— Энди менга олтин ҳисобида олти юз доллар тў-ланг,— деди И' Пин.

— Бунчалик аҳмоқлигинг учун сендан ғоят миннат-дорман,— деди Торрес уни мазах қилиб.— Вақти келиб ўз сирларингни оқилона сотишни ўрганиб оларсан. Сир — бу туфли ёки соат эмас. Айтдингми — тамом, шамолнинг ўзи. Кўрдингми, шамол эсяпти, аммо у кў-ринмайди. Шарпанинг ўзи. Уни ким курган? Туфли ёки соатни қайтариб бер деб талаб қилишинг мумкин. Лекин сирни айтганингдан кейин'щ уни қайтариб бер, .деб талаб қилолмайсан.

— ' Биз шарпа тўғрисида гаплашяпмиз,— деди И Пин хотиржамлик билан.— Чиндан ҳам шарпа ғойиб бўлади. Мен сизга ҳеч қандай сир айтганим йўқ. Буни сиз ту-шингизда кўргансиз. Сиз бу ҳақда гапирсангиз, сизга ким айтди, деб сўрашади. Сиз «И Пин» дейсиз. И Пин эса «йўк» дейди. Ана унда ҳамма «тушингизда кўргансиз» дейди, устингиздан кулишади.

Бу мантиқдан суҳбатдоши таслим бўлаётганини се-зиб, И Пин маънодор тин олди.

— Биз ўзаро гаплашдик, гапларимиз ҳавога учиб кетди,— деб давом этди у бир оздан кейин.— Сиз сўз шарпанинг ўзи деб жуда тўғри айтдингиз. Мен эса сир сотаётганимда шарпа сотмайман. Мен туфли сотаман. Соат сотаман. Исбот-далил сотаман. Ишончли далил-лар. Уларнинг вазни оғир. Уларни қонуний қилиб қоғоз-га ёзса — қоғозни йиртиб юбориш мумкин. Аммо факт-лар қоғоз эмас, уларни тишлаб тишингизни синдириб олишингиз мумкин. Сўзлар эрталабки тумандек тарқаб кетди. Менинг қўлимда эса далил-исботлар қолди. Шу далил-исботлар учун менга олти юз доллар тўлайсиз, акс ҳолда шарпаларга кулоқ солиб юрганингиз учун ҳамма сиздан кулади.

И ПиннНкг далилларига тан берган Торрес рози бўлди:


— Бўпти, исботларингни кўрсат, бир хилларини қоғоз сингари йиртиб, бошқаларини тишлаб кўрай-чи.

— Олдин олтин ҳисобида олти юз доллар тўланг.

— Уз далил-ис'ботларингни кўрсатганингдан кейин.

— Олдин олти юз доллар тўланг, кейин далил-исботлар сизники бўлади: хоҳласангиз қоғоздай йир,тасиз,





хоҳласангиз тишлаб кўрасиз. Сиз тўлайман деб ваъда бергансиз. Лекин ваъда — шарпа, шамол, менга эса шар-па эмас, ҳақиқий пул керак. Йиртиб ташласа ёки тишлаб кўрса бўладиган ҳақиқий пул тўланг.

Нихоят Торрес таслим бўлиб, ҳужжатлар — эски хатлар, болалар медальони ва бир неча болалар буюми учун олдиидан пул тўлашга мажбур бўлди. Далил-ис-ботларни кўргач, улардан кўнгли тўлди. Шу тариқа Торрес савдодан мамнун бўлганига И Пинни ишонтирди, хатто И Пинга бир топширикни бажариши учун яна юз доллар пул ҳам берди.


Шу вақтда Генри билан Френсис ўз ётоқхоналари ўртасидаги ваннахонада янги кийим кийиб, сокол оли-шар ва хиргойи ҳилишарди:

Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингл'арга ҳам қаршимиз  
икков!

Леонсия ўзининг чиройли жиҳозланган хонасида ик-ки чевар ҳинди қиз ёрдамида маликага маданий олам кийиниш сирларини ўргатарди, бу эса унга ҳам кулгили, ҳам қайғули эди. Малика ҳам аёл бўлганлиги учун Леон-сиянинг бисотидаги бежирим кийимлар, ич кийим ва та-кинчоқларни кўриб, ҳавасини-яшира олмас эди. Икка-ласи латта-путталарни титишдан ғоят мамнун эди, мохир чеварлар эса у ерини сўқиб, бу ерига чок солиб, Леон-сиянинг бир неча кўйлагини маликанинг хипчароқ гав-дасига мослаштирардилар.

— Сизга корсетнинг ҳожати йўқ,—деди Леонсия, маликанинг ҳоматига назар ташлаб.— Сизнинг қоматингиз ҳар юз аёлдан биттасидагина бўлади. Шунчалик хипча, аммо келишган хотинни бириччи марта кўришим. Сиз...— Леонсия жим қолди ва пардоз столи устидаги тўғнағич-ни олмоқчи бўлгандек орҳасига ўгирилди — аслида ҳая-жонини босиш учун бурилган эди; ўзини тутиб олгандан сўнггина гапини давом эттирди;:—Сиз гўзал ҳаллиқсиз, Френсис сиз билан фаҳрланиши мумкин.

Френсис ваннахонада хиргойисини давом эттириб, энди сокол олиб бўлган эди ҳамки, эшик тақиллаб, кў-шиҳни бўлишга мажбур қилди; у бориб эшикни очди ва Солаионинг кичик ўғилларидан бири Фернандони курди.



У қўлида телеграмна ушлаб турарди. Френсис телеграм-мани олиб ўқиди:

*«Дарҳол қайтинг. Кенгроқ ваколат зарур. Биржада баҳолар ўзгаряпти — козир ҳам юксак даражада турган «Темпико петролеум»дан бошқа ацияларингизга қаттиқ ҳужуғ цилинмоқда. Қачон келишингизни телеграф орқали хабар қилинг. Аҳвол жиддий. Дарҳол йўлга чиқсангиз, бардош бериб турарман деган умиддаман. Шошилинч жавоб беришингизни кутаман.*

*Б э ском».*

Иккала Морган меҳмонхонага чиқиб, Энрико ва унинг ўғиллари шампан виноси очишаётганини кўришди.

— Қизимни қайтариб олишга улгурмай,—деди Энрико,— уни яна кўлдан чиқаряпман. Лекин бу сафар, Генри, уни йўқотганимдан унчалик изтироб чекмайман. Тўй эртага белгиланган. Қанча тез бўлса шунча яхши. Ахир, анави лаънати Торрес Леонсия сиз билан бирга тоққа боргани ҳақида бутун Сан-Антониога жар солгандир.

Аммо Генри ўз миннатдорчилигини айтишга улгурмай туриб хонага-Леонсия билан малика кнриб келишди. Эрико қадахни кўлига олди:

— Келиннинг соғлиги учун!.. \*

Леонсия тушунмай, стол устидан қадахни кўлига олиб маликага қаради.

— Йўқ, йўқ,— деди Генри, унинг кўлидан қадахни олиб маликага узатар экан.

— Гап бундай,<sup>5</sup>—деди Энрико,— қадах сўзи тўла ай-тилмай туриб, номаълум истак учун ичиб бўлмайди. Ях-шиси, мен охиригача гапирай. Шундай қилиб, қаллиқ-ларнинг соғлиғи учун!

— Генри икковинглар эртага никоҳ ўқитасиз,— деб тушунтирди Алесандро Леонсияга.

Бу Леонсия учун нақадар тасодифан, қутилмаган хабар бўлишига қарамай, у ўзини тутиб олди ва зўраки хурсандчилик билан Френсиснинг кўзига қаради.

— Яна бир қадах сўзи!—деди у.— Куёвларнинг са-ломатлиги учун!

Френсисга малика билан никоҳ ўқитишга рози бўлиш ва бу пайтда тишдан ўзини хотиржам кўрсатиш осон бўлмаган эди, энди эса Леонсиянинг никоҳдан ўтишини эшитиб хотиржам тура олмади. Узини тутиб туриши на-



қадар қийин бўлаётганини Леонсия ҳам сизди. Унинг қийналаётгани Леонсияга яширин қувонч бағишлади, Френсиснинг ниманидир баҳона қилиб хонадан чиқиб кетганини хатто тантанавор туйғу билан кўриб турди.

Бунга қадар Френсис телеграммани ҳаммага кўрсатган эди. Дарҳол жавоб беришим керак, бутун бойлигим қшиорга тикилган деган эди у. Ва Фернадодан Сан-Ан-тониодаги ҳукумат радиостанциясига телеграмма олиб бориш учун чопар ҳозирлашни сўраган эди.

Леонсия узоқ кутиб турмай, Френсиснинг орқасидан чиқди. Уни кутубхонадан топди; у стол ёнида олдига оқ қоғоз қўйиб ўтирар, пастак китоб жавонида турган Ле-онсиянинг катта суратини олиб, унга хаёлчан тикиларди. Бу манзарани курган Леонсия ўзини тута олмади — бе-ихтиёр кўзларидан ёш оқиб, гандирақлаб кетди. Френсис дарҳол ўрнидан туриб, киз йиқилиб тушмаслиги учун белидан қучоқлаб қолди. Нима бўлаётганининг фаҳмига етман туриб лаблари эҳтиросли бўса билан ту-ташди.

Тўсатдан Леонсия Френсиснинг қучоғидан чиқиб, унга ваҳима ва даҳшат билан қаради.

— Етар, Френсис, бунга чек қўйиш керак!— хитоб қилди у.— Яна, бунинг устига сиз менинг тўйимда бўл-маслигингиз керак. Агар сиз қоладиган бўлсангиз, мен ўзим учун жавоб беролмайман. Бутун Сан-Антониодан Колонга кема жўнайди. Хотинингиз билан шу кемада жўнаб. кетишингиз керак. У ердан бирорта мева компа-ниясининг кемасида Янги Орлеанга етиб оласиз, кейин поездга чиқиб Нью-Йоркка жўнайсиз. Мен сизни сева-ман, буни биласиз.

— Аммо биз малика билан никоҳ ўқитганимиз йўқ!— деб хитоб қилди Френсис ўзини тута олмай.— Қуёш ху-доси эҳроми олдидаги ўша маросимни никоҳ деб бўл-майди-ку, ахир. Биз эр-хотин эмасмиз — на маросим бўйича, на ҳақиқатан ҳам. Ишонинг, Леонсия. Ҳали ҳам кеч эмас...

— Лекин Қуёш худоси эҳроми олдидаги ўша маросим ҳозиргача сизларни бирлаштириб келди,— қиз унинг гапини хотиржам ва қатъий бўлди.— Нью-Йоркка, ҳеч бўлмаса... Колонга етиб боргунларингча шу маросим сизларни боғлаб турсин.

— Малика бизнинг одатимизга кўра никоҳ ўқитишни хохламаяпти,— деди Френсис.— У ўз авлодидаги ҳамма

аёллар худди шундай никоҳдан ўтишган, Илоҳий Қуёш эҳроми олдидаги маросим муқаддас иплар билан боғлай-ди деб ҳисобляпти.

Леонсия елкасини қисди, аммо юзидан қатъий қа-рорга келгани сезилиб турарди.

— Сиз уйланганмисиз ёки йўқми,— деди у,— бундан қатъи назар, иккалангиз бугуноқ кетишингиз керак. Акс ҳолда мен жинни бўлиб қоламан. Сизни огоҳлантириб қўяй: сиз шу ерда бўлсангиз мен ўзимни тута олмайман. Сизнинг кўз олдингизда Генри билан никоҳ ўқита ол-маслигимни, никоҳдан кейин сизни яна кўришга бардо-шим етмаслигини сезиб турибман. Марҳамат, сиздан илтимос, мени нотўғри тушунмаиғ. Мен ҳақиқатан ҳам Генрини севаман, лекин... лекин, сизни севгандек эмас. Мен... бу ҳақда сизга очиқ айтишдан уяламан — мен Генрини тахминан сиз маликани севгандек яхши кўра-ман, сизни эса Генрини қанчалик севишим лозим бўлган-дидек, сиз маликани севишингиз лозим бўлганидек ва сиз мени севгандек севаман.

Қиз унинг қўлини ушлаб кўкрагига босди.


— Мана, сўнгги марта! Энди кетинг!

Бирок унинг қўллари қизни қучоқлаган эди, Леонсия унинг бўсасига жавоб берди. Лекин қиз ўша замон унинг қучоғидан чиқиб, эшикка отилди. Френсис унинг қаро-рига тан бериб, қизнинг суратини олди.

— Эсдалик учун шу суратингизни оламан,— деди у.

— Бундай қилмаслигингиз керак,— деди Леонсия ва мулойим видолашув табассуми унинг юзини ёритди.— Майли, олаверинг!—деб қўшиб қўйди у ва ўгирилиб, ғо-йиб бўлди.

Шундай қилиб, И Пин Торрес олдиндан тўлаган юз доллар эвазига яна бир топширикни бажариши керак эди. Эртасига эрталаб, Френсис билан малика Колонга жўнагандан кейин бир неча соат ўтгач, И Пин яна Сола-нолар уйига келди. Энрико ўзидан ва бутун дунёдан, шунингдек, бу дунёда ишлар ўнгидан келаётганидан мамнун бўлиб, пешайвонда сигарета чекиб ўтирарди. И Пинни кўриб, кеча келган одамни таниди-да, у билан суҳбатни бошлашдан олдин кеча келишиб олинганидек, Алесандрога беш юз песо олиб келишни буюрди. Шу тарика сирлар савдоси билан шугулланувчи И Пин ўз



молини мамнуният билан иккинчи марта пуллади. Лекин у Торреснинг кўрсатмасига амал қилиб, сирни Леонсия билан Генри олдида айтаман, деб туриб олди.

— Бу сир ип билан боғлоғлик,— деди И Пин, Генри билан Леонсия келишгач, далил-исбот солинган халта-чани ечар экан.— Бу буюмларни Леонсия хоним билан унинг қайлиғи биринчи бўлиб кўришлари керак. Кейин қолганлар ҳам кўраверди.

— Бу сир аввало иккаласига тааллуқли экан, уларнинг олдин кўришлари адолатдан,— олижаноблик билан рози бўлди Энрико, холбуки, қизи билан Генрини стол ёнига чақиришидан халтачадаги нарсаларни кўриш-га ошиқаётгани сезилиб турарди.

У ўзини бепарво кўрсатишга уринар, лекин ўзи ёш-ларни яширинча кузатиб турарди. Леонсиянинг Генри икковлари биргаликда ўқиган бир парча қоғозни ерга ташлаб, ҳеч нарсадан уялмай, қаллиғини чин юракдан қучоқлаганини, кейин ҳеч уялмай лабларидан самимий ўпганини кўриб Энрико ҳайрон бўлиб қолди. Генри эса орқага чекиниб, нима қилишини билмай ва маъюслик билан хитоб қилди:

— Ё худо, Леонсия, ахир бу ҳаммаси тамом бўлди деган гап-ку! Биз ҳеч қачон.эр-хотин бўлолмаймиз!

— Нима, нима?—Энрико жаҳли чиқиб кетди.— Ҳам-ма нарса тўйга тахт бўлганда яна қандай гап бўлиши мумкин? Бу нима деганингиз, жаноб? Бу ҳақорат! Сиз никоҳ ўқитасиз, бугуноқ никоҳ ўқитасиз!

Нима қиларини билмай қотиб қолган Генри гўё Леон-сияга сўз бераётгандек унга қаради.

— Тангри ва инсон қонунларига кўра ҳеч ким ўз инглисига уйлана олмайди. Генрига нисбатан кўнглим-даги бу галати тўйғунинг сабабини энди тушундим. У менинг акам. Агар бу ҳужжатлар алдамаётган бўлса, биз туғишган ака-сингиллармиз.

Шундан сўнг И Пин Торресга қувончли хабар етка-зиши мумкинлигини тушунди: бугун ҳам, умуман ҳам тўй бўлмайди.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Соҳил бўйлаб қатнайдиган кичик кемада Қолонга етиб олган малика билан Френсис чорак соатдан кейин-ноқ «Юнайтед фрут компани»га қарашли кемага чиқди-




лар. Ишлари ўнгидан келиб, Нью-Йорккача бўлган масофани тез босиб ўтишди. Янги Орлеанда Френсис портда такси ёллади, такси уларни бир зумда вокзалга эл-тиб қўйди, у ерда чакқон ҳаммоллар қўлларидagi юкла-рини олиб, поезд перрондан энди жўнаётганда поездга чиқишга ёрдамлашиб юборишди. Нью-Йоркда Френсис-ни Бэском кутиб олди ва куёв билан келин Риверсайд-драйвдаги ҳашаматли, ҳатто ҳаддан зиёд ҳашаматли са-ройга ўз машиналарида келишди. Бу саройни Френсис-нинг отаси, Р. Г. М.нинг ўзи миллионлаб пул сарфлаб қурган эди.

Шундай бўлдики, малика ер ости дунёсига ўзини ташлаб саёхатиини бошлаган вақтда дунёни қанча билса, Нью-Йоркка етиб келганда ундан ортиқча тасаввурга эга эмасди. У оддий одам бўлганда атрофдаги маданият-ни кўриб лол қолган бўларди. У эса ҳамма нарсани ша-ханшоҳ эрининг совғаси сифатида маликаларга хос бе-парволик билан қабул қиларди. Френсиснинг подшоли-гига эса шубҳа қилмасди: шунча қуллаар унга хизмат қиляпти-ку ахир! Кемада, поездда шуни гувоҳи бўлмади-ми? Бу ерда, унинг саройига келганда ҳам кўпдан-кўп хизматчилар уларни кутиб олиш учун саф тортиб тур-ганларини қонуний бир хол деб тушунди. Шофер авто-мобиль эшигини очди. Бошқа хизматчилар чамадонлар-ни уйга олиб киришди. Машинадан тушаётганларида унга ёрдамлашганини ҳисобга олмаса, Френсис ҳеч бир ишга қўл ургани йўқ. Унинг фахмлашича, хизматчилар тоифасига кирмайдиган Бэском ҳам Френсисга хизмат қиларди. Саройга кираётганларида, Френсиснинг буй-руғи билан Бэском автомобилга ўтириб, шошилинч қа-ёққадир кетгани ҳам назаридан четда қолмади.

У ўз ўлкасида, бутун дунёдан ажралиб қолган во-дийда бир тўда ваҳшийлар устидан ҳукмрон эди. Эри эса бу ерда, шу қудратли мамлакатда шоҳлар устидан ҳукмронлик қиляпти. Буларнинг ҳаммаси шу қадар ажойиб эдики, у Френсис билан турмуш қуриб маликалик шаънига ҳеч доғ туширмаганини ўз-ўзига қувонч билан таъкидлар эди.

Саройнинг ички безакларини кўриб болаларга хос соддалик билан завқланиб кетди. Хизматчилар борли-гини ҳам унутиб, ёки тўғрироғи, қўл бўйидаги ўз уйида хизматчилар ва соқчиларга эътибор бермагандек, уларга парво қилмай, улуғвор кенг даҳлизни ва мрамар зинани



кўриб қарсак чалиб юборди, тез юқорига чиқиб, энг яқин-даги хонани кўздан кечирди. Бу Френсис билан биринчи марта учрашган куни Ойнаи Жаҳонда курган ўша кутуб-хона эди. Уша кўринган нарсалар ҳозир ҳақиқатга айлан-ди. Френсис унинг белидан кучоқлаб, бирга китоб тўла хонага кирди — ҳа»мма нарса у олтин қозондаги суюқ металл юзасида кўргандек эди. У яна Ойнаи Жаҳонда курган телефон ва биржа телеграфний эслади — ўшан-даги каби бу қанақа мўъжизалигкни билиш учун теле-графга яқинрқ келди; Френсис унинг белидан қўлини олмай, орқасидан эргашди.


У аппарат қандай ишлашини маликага тушутирмоқ-чи'бўлган эди, шу замони бир неча дақиқа ичида биржа операцияларининг ҳамма мураккаб томонларини тушун-тиришнинг имконияти йўқлигига ақли етди. Тўсатдан лентадаги «Фриско консолидэйтед» акциялари йигирма поғона пастлаганини кўрсатувчи рақамларга кўзи туш-ди, Р.Т. М. пул билан таъминлаган ва курган Айовада-ги қичик темир йўл акциялари билан ҳеч қачон бундай ҳодиса юз бермаган эди. Р. Г. М. бу темир йўл акциялари ҳар қандай бўронларга бардош беради, ҳатто Уолл-стритнинг ҳаммаси, банкларнинг ярми асфаласофилин-га кетганда ҳам бу акция сақланиб қолади, деб умрининг охиригача ишонган эди.

. Ҳаяжонга тушган малика Френсиснинг ўзидан ҳам баттар ҳаяжонланаётганини сезди.

..; -у Бу нарса ҳам менинг Ойнаи Жаҳоним сингари с«ҳр,ли...—ҳам тасдиқ, ҳам савол оҳангида деди у. .. Френсис бош ирғади.

— Тушунаман: менинг олтин қозоним сингари бу ҳдм сенга сирларни очиб беради,—деб давом этди малька.—Бу оламда нималар бўлаётганини шуерда, шу хонада кўрсатиб туради. Ҳозир кўраётганинг сени таш-вишга соляп.ти. Буни кўриб турибман. Бу оламда сен улуг подшолардан бўлсанг, сени нима ташвишга солиши мумкин?

Френсис жавоб бериш учун огиз жуфтлади-ю, лекин ҳеч нарса, демади: буларнинг ҳаммасини қандай тушун-тириш, шудақиқада унинг хаёлида намоён бўлган ман-зарани — узокларга кетган темир йўл ва катта кема при,етанларини; гавжум вокзаллар ва сершовқин док-ларни, Аляска, Монтана ва Улим Водийси. конларида ишлаётган кончиларни; куприк кўриб эгарланган дарё-



лару бўйсундирилган шаршараларни; водийлар, паст-ликлар, ботқоқлар устида олтмиш метр тепаликдан ўт-ган юксак кучланишли симларни — хуллас, XX аср ша-роитидаги бутун техника, экономика ва молияни қандай тасвирласин.

— Сени нимадир ташвишлантиряпти,— малика қатъ-ий такрорлади.— Мен эса, афсус, ёрдам бера олмайман. Менинг олдинги олтин қозоним йўқ. Энди дунёда нима лар бўлаётганини кўра олмайман. Энди келажак устидан ҳукм юритолмайман. Энди мен сен олиб келган бу улкан ёт дунёда оддий бир аёлман. Мен оддий хотинман, се-нинг хотининг, Френсис, сен билан фахрлакадиган хоти-нингман, холос.

Шу дақиқада Френсис уни севадигандек ҳис этди ўзини. Биржа телеграфининг қоғоз тасмасини ташлаб юбориб, уни бағрига босди, кейин, телефон устида саф тортиб турган телефонлар батареяси ёнига келди.

«Жуда ажойиб аёл,— деб ўйлади у.— На муғомбир-ликни билади ва на маккорликни, у фақат аёл холос, бошдан-оёқ аёл, севадиган ва севилишга лойиқ аёл. Аф-суски, Леонсияга абадий орамизга соя ташлаб туриш насиб этган экан».

— Яна бир сеҳргарлик! — деди малика, Френсис Бэском идорасини чақириб, телефон орқали гаплаша бошлаганда.

— Мистер Бэском ярим соатдан кейин идорасига етиб бориши керак. Мен Морганман, Френсис Моргай. Мистер Бэском бундан беш минут олдин идорасига кет-ди. Уни кўришингиз билан айтинг: мен ҳам йўлга чиқ-дим, ҳозир етиб бораман. Унда зарур ишим бор. Менинг ҳозироқ йўлга чиққанамни айтинг. Раҳмат. Хайр.


Табиийки, ажойиботларга тўла бу катта уйга келиб қолган малика Френсис ҳамма нарсани кўрсатади деб ўйлаган эди, унинг Уолл-стрит деган жойга дарҳол ке-тиши зарурлигини эшитиб хафа бўлди.

— Мени ташлаб кетишга сени нима мажбур қияпти, ким сени кул каби қаёққадир ҳайдаяпти?— норози оҳанг-да сўради у.

— Бизнес. Бу мен учун жуда му^им,— деди у табас-сум билан ва маликани ўпди.

— Бизнес узи ким, нега у сендек қудратли подшога





хўкмронлик қилади? Менинг халқим Илоҳий Қуёшга тошшганидек, сизлар сиғинадиган худо ўшамми?

Френсис унинг ўринли такқослашига қойил бўлиб қулди ва:

— Ҳа, бу улуғ америка худоси. Жуда даҳшатли худо: агар у жазо берса — тез ва даҳшатли жазолайди,— деди.

— Нима, сен уни-норози қилдингми?

— Афсуски, шундай, нега норози бўдганини билма-сам ҳам. Мен ҳозир Уолл-стритга боришим керак.

— Бизнесга қурбонлик қилинадиган меҳроб ўша ер-дами?— савол билан унинг гапini бўлди малика.


— Ҳа, унинг меҳроби ўша ерда,— тасдиқлади у.— Нима билан унинг ғазабини келтирганимни, гуноҳимни ювиш учун нима билан уни рози қилишимни ўша ерга бориб биламан.

Френсис Колонда турибоқ уй ходимаси ёллаш ҳақи-да телеграмма берган эди. Ҳозир уй ходимасининг иш-дари нимадан иборатлигини тушунтирмақчи эди, келин-чак бунга мутлақо қизиқмай, эрининг гапini бўлиб, уй ходимаси Адашган Жонлар Водийсида унга хизмат қил-ган хинди қизлари каби бўлса керак, деди ва болалик чоғидан, онаси унга инглизча ва испанчани ўргата бош-лаган даврдан уларнинг хизматига қўниқиб қолганини қўшиб қўйди.

Аммо Френсис шляпасини қўлига олиб, хайрлашиб маликани ўпганда, у бирмунча юмшаб, Френсисга худо-нинг қурбонлик меҳробида бахт ёр бўлсин деб қолди.

Уй ходимаси — испанчани яхши биладиган француз аёл маликага саройнинг хотинларга ажратилган қисми-ни кўрсатди, сўнгра бир семиз аёл, чамаси у ҳам малика (лекин унга ва Френсисга хизмат қилиш учун ёлланган) икки ёрдамчи қиз билан бирга уни ҳар томондан ўлчаш-ди ва қоматидан анчагача завқланишди. Шу тариқа бир неча соат вақт қизиқарли ўтгандан сўнг, янги бека қу-тубхонани, ундаги сеҳрли телефонлар ва биржа телеграфний яхшироқ кўриб олиш учун мрамар зинадан пастга тушди.

У биржа телеграфининг бўлиб-бўлиб чиқирлашига қулоқ солиб, унга узоқ қараб турди. Қизик: у инглизча, испанча ўқишни билади-ю, бу тасмадаги сирли белгилар



нималигини билолмайди. Сўнг у телефонна текшира бошлади. У Френсис қандай қилганини кўрганиди, шундай қилиб микрофонни қулоғига тутди. Бирдан қулоғи остида нақ аёл кишининг овози шунчалик яқиндан эши-тилдики, малика қутилмаган бу овоздан чўчиб кетди ва аппарат олдидан орқасига тисарилди. Шу дақиқада Френсиснинг кекса камердинери — Паркер хонага ту-, сатдан кириб қолди. Малика уни олдин хизматчилар ора-сида кўрмаган эди, камердинернинг костюми келишган, қомати шунчалик ғоз эдики, малика уни хизматчи эмас, Френсиснинг дўсти — уларни вокзалда Френсиснинг ма-шинасида кутиб олган ва тенг мавқели одамдай улар билан бирга келиб, сўнг ҳеч қандай мулоҳаза қилиб ўтирмай, эрининг буйруғини бажаришга шошил-ган Бэском каби ишончли одам бўлса керак деб уклади.

Паркернинг жиддий қиёфасини кўриб хижолат чек-ди, у қулиб юборди ва бу нима дегандек телефонга ишо-ра қилди. Камердинер ўша жиддий қиёфада трубкани кўтариб, секинроқ «хато бўлибди» деди-да, жойига илиб қўйди. Шу бир неча дақиқа ичида малика онгида бутун бир революция бўлиб ўтди. У эшитган овоз худонинг ёки арвоҳнинг эмас, нақ аёл кишининг овози эди.

— Қаерда у аёл?— сўради у.

Паркер қаддини янаям ростлади, янада жиддий қиё-фага кирди ва таъзим қилди.

— Бу ерга, уйга аёл яшириб қўйилган,— малика хаяжон билан гап бошлади.— Манави нарсдан унинг овозини эшитдим. У шу ўртада, қўшни хонада бўлса керак...


— У телефончи аёл,— деди Паркер, унинг гапini бўлмоқчи бўлиб.

— Унинг оти нималиги менга бари бир!— Малика Паркернинг гапini бўлди.— Бу уйда мендан бошқа аёл киши бўлишига тоқат қилолмайман. Айтинг, у чиқиб кетсин. Менинг жаҳлим чиқяпти.

Аммо Паркер қаддини янаям ғоз қилиб, янада жиддий тус олди. Шунда маликанинг миясига бошқа бир фикр келди: балки ҳурматли жентльмен кичик подшо-лар орасида у ўйлагандан кўра обрўлироқдир? Балки у Френсисга тенгдир? У эса бу одамга эридан паст, анча паст киши сифатида муомала қияпти.

Малика Паркернинг қўлидан ушлаб, унинг қарши-





лик кўрсатишига қарамай, диван олдида етаклаб бориб, ёнига ўтказди. Кекса камердинерни бутунлай уялтириб, қутичадан бир неча конфет олди-да, ҳар гал у гапир-моқчи бўлганда оғзига шоколад тика бошлади.

— Айтинг-чи,— деб илтимос қилди у, Паркернинг оғзини шоколадга тўлдириб бўлиб,— мамлакатингизда кўп хотинлилик одатми?

Бунчалик очиқ ва аниқ саволни эшитиб Паркернинг кўзлари олайиб кетди, шоколад тикилиб қолаёзди.

— О, бу нималигини мен яхши биламан,— деб ишон-тирди малика.—Сиздан яна бир бор сўраяпман: мамлакатингизда кўп хотин олиш одатми?

— Бу уйда, хизматчи аёлларни ҳисобга олмаса, сиздан бошқа хотин киши йўқ,— деди ниҳоят Паркер.— Сиз эшитган овоз эса бу ерда эмас, бир неча миль узоқдаги аёлнинг овози, у сизнинг хизматингизга тайёр, ким теле-фонда гаплашмоқчи бўлса, унинг хизматига тайёр ту-ради

— У сирнинг қулими?— деб сўради малика, гап ни-мадалигини бир оз тушуна бошлаб.

— Ҳа,— деб тасдиқлади эрининг камердинери.—У телефоннинг қули.

— Учар сўзларнинг-а?


— Ҳа, хоним, сизга мақбул бўлса — учар сўзларнинг қули.— Унинг қандай қутулишни билмай жони халқуми-га келган эди: ўз хизмати давомида бунақа ахволга ҳеч қачон тушмаган эди.— Хохласангиз, телефон аппарати-дан қандай фойдаланишни кўрсатиб қўяман. Учар сўз-лар қули туну кун хизматингизга тайёр туради. Хохласангиз у сизнй эрингиз жаноб Морган билан боғлайди, сиз у билан гаплаша оласиз.

— Ҳозир ҳамми?

Паркер бош ирғади, дивандан туриб, маликани телефон ёнига бошлаб келди.

— Олдин,— деб ўргатди Паркер,— сиз қул аёл билан гаплашасиз. Мана бу нарсани илмоқдан олиб қуло-ғингизга тутишингиз биланок, у доим сиздан бир нарса ни сўрайди: «рақамлар?»—дейди.

Баъзан эса: «Рақамлар?, Рақамлар?»— дейди. Баъ-зан жуда жахлдор бўлади. У: «Рақамлар?»— деб сўра-ганда, сиз: «Эддистоун, ўн икки-тўқсон икки», дейсиз. Қул аёл: «Эддистоун, ўн икки-тўқсон иккими?»—деб такрорлайди. Сиз эса: «Марҳамат...»—дейсиз.



— Мен қул аёлга «марҳамат» дейишим керакми?— унинг гапини бўлди малика.

— Ҳа, хоним. Учар сўзларнинг қуллари жуда бошқа-ча одамлар, уларни ҳеч ким кўрмайди. Мен ёши анчага бориб қолган одамман, лекин умримда бир марта ҳам телефончи аёлни кўрганам йўқ... Шундай қилиб, бир не-ча дақиқадан сўнг иккинчи қул, у ҳам аёл киши, лекин биринчисидан талайгина миль узоқда туради, ўша аёл сизга: «Эддистоун, ўн икки-тўқсон икки», дейди. Сиз унга: «Мен миссис Морганман. Мистер Морган билан гаплашмоқчи эдим, у киши, билишимча, мистер Бэском-нинг кабинетидалар», дейсиз. Кейин бир оз — ярим ми-нут ёки бир минутча кутиб турасиз — ва мистер Морган сиз билан гаплаша бошлайди.

— Бир неча миль узоқдан туриб-а? . — Ҳа, хоним, унинг овози қўшни хонадан келгандек эшитилиб туради. Мистер Морган: «Кўришгунча», деса, сиз ҳам: «Кўришгунча», деб, худди мен қилганимдек, трубкани илиб қўясиз.


Малика Паркернинг айтганларини қилиб курди. Икки қул аёл у айтган сирли рақамга бўйсуниб жавоб берди. Мана энди Френсис у билан гаплашяпти, куляп-ти, зерикиб қолмасин деб соат бешдан кечикмай уйга . боришга ваъда беряпти.

Френсис учун шу кун иш ва ҳаяжонга тўла кун бўлди.

— Қанақа яширин душманингиз бор?—деб қайта-қайта сўрарди Бэском, аммо Френсис ҳар сафар кимли-гини била олмай, елка қисарди.

— Узингиз кўриб турибсиз-ку, сизнинг алоқангиз йўқ жойда биржадаги ахвол барқарор. Сизнинг акция-ларингизга нима бўляпти? «Фриско Консолидэйтед»дан бошлайлик. Бу компаниянинг акциялари нега пастлаб кетаётганини ҳеч қандай сабаб ёки тахмин билан изоҳ-лаб бўлмайди. Шуни назарда тутингки, фақат сизнинг корхоналарингиз акциялари пасайяпти. «Нью-Йорк Вермонт энд Коннектикут» компанияси сўнгги тўрт квар-талда ўн беш процент дивидент<sup>1</sup> тақсимлаган, унинг ак-

<sup>1</sup> Акциялк жамиятнинг ҳисобот даврида олинган ва акцияларга цераб акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойдаси.



циялари Гибралтар қояларидек мустаҳкам кўринарди. Шунга қарамай, улар ҳам пастлаб кетди, пастлаганда ҳам унча-мунча пасаймади. «Монтано Лоуд», Улим Во-дийсидаги мис конялари, «Империзл Тангстен» ва «Норс-Уэстерн электрик» акциялари ҳам шундай бўляпти. «Аляска Тродуэлл» акцияларини олиб кўринг. Улар қоядан ҳам мустаҳкам эди. Уларга ҳужум кеча кечку-рунгина бошланди. Биржа ёпилгунга қадар саккиз по-ғона, бугун эса ўн олти поғона пасайди. Буларнинг ҳам-маси сизнинг пулингиз сарфланган корхоналарнинг акциялари. Бошқа ҳеч қандай қоғозга путур етга-ни йўқ. Бошқа ҳамма соҳада биржадаги аҳвол барқа-рор.


— Лекин «Тэмпико петролеум» акциялари ҳам бар-қарор-ку!— Френсис эътироз билдирди.— Энг кўп пулиМ шу корхонага сарфланган.

Бэском ноумид елка қисди.

— Кимнинг шундай мунофиқлик қилишга қодирли-гини билмайсизми? Душманингиз кимлиги нахотки хаё-лингизга келмаса?

— Худо ҳақи йўқ, Бэском! Ҳеч кимдан гумон қилол-майман. Менинг ҳеч қандай душманим йўқ, чунки отам ўлгандан кейин иш билан мутлақо шуғулланганим йўқ. «Тэмпико петролеум» мени қизиқтирган ягона корхона, лекин унинг акциялари ҳозирча барқарор,— у шошилмай биржа телеграфи олдиға келди.— Мана кўрдингизми, яна беш юз акция ҳозиргидан ярим поғона қимматга сотилибди.

— Нима бўлгандаям, кимдир сизнинг пайингизга тушган. Бу кундек равшан. Мен сизга номини айтган корхоналарнинг ҳисоботини кўриб чиқяпман. Уларда фактлар сохталаштирилган, мумкин қадар кўнгилсиз таассурот қолдирадиган қилиб жуда усталик билан пух-та сохталаштирилган. Мисол учун, «Норс-Уэстерн» нега дивиденд тўламади? Малэнининг «Монтана Лоуд» кор-хоналари ҳақидаги ҳисоботи нега бу қадар тушқунлик руҳида ёзилган. Майли, бу ҳисоботларни бир четга қў-йиб турайлик. Лекин нега бозорга шу қадар кўп акция чиқариляпти? Ҳамма иш равшан: кимдир сизга ҳужум қиляпти, ишонаверинг, бу ҳужум тасодифий эмас, бу ху-жумга оҳиста ва изчил тайёргарлик кўрилган. Уруш, катта иш ташлаш ёки молиявий саросима ҳақида бирин-чи миш-миш тарқалиши биланок — хуллас, биржа бозо-



рийга зарба берадиган биринчи воқеа юз бериши биланок фалокат юз беради.

Ҳозир аҳволингиз қанақалигига ҳаранг: сиз маблағ билан таъминлаган корхоналардан ташқари ҳамма кор-хоналарнинг акциялари барқарор турибди. Мен шу вақтгача акцияларнинг нархи билан харид баҳоси ўр-таеидаги тафовутни қоплаб келдим ва ҳозиргача бунинг уддасидан чиқдим. Лекин қўшимча гаров сифатидаги бойликларингизнинг катта қисми сарфлаб қўйилди, акцияларнинг таннархи билан харид баҳоси ўртасидаги тафовут эса тобора камайиб кетяпти. Бу ҳазил иш эмас. Бу сизни хонавайрон қилиши мумкин. Аҳвол жуда НОЗИК.

— Лекин бизда «Тэмпико петролеум» бор — бу ёқда бахт ҳали бизга қулиб боқяпти: бу акциялар бошқалари-ни таъминлашга сарфланиши мумкин,— деди Френ-сис.— Тўғри, мен уларга тегмасам дейман,— илова қилди у.

Бэском бош чайҳади. , — Биз Мексикада революция бўлиши имкониятини ҳам, ҳукуматимиз ўтакетган ланжлигини ҳам ҳисобга олишимиз керак. «Тэмпико петролеум» акцияларини ўйинга киритадиган бўлсак, у ёқда бирор жиддий тўс-тўполон бошланиб ҳолгудек бўлса — ҳолингиз хароб, хонавайрон бўласиз. Шундай бўлса ҳам,— деди Бэском охирида,— «Тэмпико петролеум» акцияларидан фойда-ланишдан ўзга чорани кўрмайпман. Менга ҳолдириб кетган ресурсларингизнинг деярли ҳаммасини тугатиб қўйдим. Бизнинг бошимизга тушган иш тўсатдан юз берган нарса эмас. Бу — оҳиста ва ҳатъият билан қили-наётган ҳужум. Бу ҳужум менга тоғдан пастга оҳиста сирғалиб тушаётган музликни эслатяпти. Биржада сиз-нинг ишларингизни неча йилдан буён олиб бораётган бўлсам, бундай қийин аҳволга биринчи марта тушиши-миз. Энди умумий молиявий аҳволингиз тўғрисида гап-лашайлик. Молиявий ишларингизни Қоллинз олиб бора-ди, ҳамма нарса унга маълум бўлса керак. Лекин сиз ҳамма ишдан воҳиф бўлишингиз зарур. Гаров сифатида менга қандай қоғозларни беришингиз мумкин? Қайси-ларини ҳозир бера оласизу ҳайсиларини эртага? Келгу-си ҳафтада ханчаю, ундан кейинги уч ҳафтада қанча?

. — Сизга қанча керак?— Френсис ҳам ўз иавбаотида ундан сўради.



— Бугун, биржа ёпилгунга қадар бир миллион доллар,— Бэском биржа телеграфига маънодор ишора қилди.— Яқин уч ҳафта ичида яна камида йигирма миллион, агар, шу «агарни» яхшилаб эсда сақлаб қолишни маслаҳат бераман,— агар дуне тинч бўлиб, биржадага аҳвол сўнгги ярим йилдаги каби ўзгармай турса.

Френсис шарт ўрнидан туриб, шляпасига қўл узатди.

— Мен ҳозироқ Коллинзнинг олдига бораман. Иш-ларимдан мендан кўра у яхшироқ хабардор. Биржа ёпилгунга қадар сизга камида бир миллион доллар кел-тириб бераман; яқин ҳафталарда қолганларини ҳам то-пиб беришимга деярли ишончим комил.


— Эсингизда бўлсин,— деб огоҳлантирди Бэском қўл бериб хайрлашар экан,— сизга қарши қаратилган бу ҳужумнинг энг ёмон томони — ҳужумнинг оҳиста, режа билан ривожланиб бораётгани. Бу — маскарал ҳазили эмас, пухта ўйлаб бошланган кампания, уни дасти узунлардан бири бошлаганга ўхшайди.

Шу куни ва кечкурун учар сўзлар қули маликани бир неча бор аппаратга чақириб, эри билан улади. Ма-лика ўз ётоқхонасида, каравот ёнида ҳам телефон бор-лигини кўриб қувониб кетди, шу телефон орқали Кол-линз кабинетига кўнгироқ қилиб, Френсисга тунининг хайрли ўтишини тилади ва ҳатто ўпмоқчи *law* бўлди, бунга жавобан ноаниқ ғалати товуш — жавоб бўсасини эшитди.

Қанча ухлаганини маликанинг ўзи ҳам билмасди. Уйғониб кетиб, киприклари орасидан Френсиснинг осто-нада унга қараб турганини, сўнг ётоқхонадан оҳиста чиққанини курди. У дарров ўрнидан туриб эшикка отил-ди, лекин Френсис зинадан пастга тушаётган эди.

«Яна америка худоси унга қаҳр қилганга ўхшайди»,— деб ўйлади малика, Френсиснинг чиқиллаётган аппарат тасмасидан баджаҳл худонинг дўқлари ва огоҳланти-ришларини ўқиш учун ўша ажойиб хонага — кутубхона-га кетаётганлигини сезиб. Малика ойнага қаради, соч-ларини турмаклади ва мамнун табассум билан Френсиснинг эътибори ва ғамхўрлигининг яна бир гувоҳи бўлган қалпоқ,ни кийди.

Кутубхонага кираверишда, эшик орқасида ёт киши-нинг овозини эшитиб тўхтади. Аввал бу секрли телефон



бўлса керак деб ўйлади, йўқ, ундай эмас, овоз жуда яқиндан ва қаттиқ эшитилипти. Тирқишдан қараб чарм креслода бир-бирига қараб икки киши ўтирганини курди. Куни билан боши ташвишдан чиқмай кўзлари ичига тортиб қолган Френсис кундузги костюмида, суҳбатдоши эса фрак кийган эди. Малика ҳалиги киши эрини «Френсис» деб атагашши, унинг эса «Жонни» деганини эшитди. Ана шундан ва улар бамайлихотир суҳбатлашаётган-ларидан малика уларнинг қалин дуст эканликларини туш у йди.

— Ишониб бўлман сенга, Френсис,— деди ҳалиги киши,— наҳотки Панамада сўфилардек яшаган бўлсанг! Гўзал хонимларга қалбингни ўн марта ҳада этгандир-сан!

— Фақат бир хонимга,—Френсис бир оз жим тур-гач, маликанинг сезишича, дўстининг кўзига тик боқиб деди.— Бунинг устига,— деб давом этди у яна бир оз жим қолгач,— ҳақиқатан ҳам қалбимни ҳада этдим... Лекин бошимни эмас. Жонни Пасмор, эҳ Жонни Пас-мор, сен "оддий хотинбозсан, ҳаёт нималигини билмайсан. Эшит: Панамада дунёдаги энг ажойиб бир қизни учрат-Дита\* уни кўргангидан бахтлиман, унинг учун жонимни Чўрбон қилишга тайёрман. У эҳтиросли, мулойим, оли\* -канбб к'имса — маликанинг ўзи.


Унинг сўзларини эшитиб, завқ-шавқ тўла юзини кўрьб турган малика эри ўзини нақадар севишини ўйлаб мағрур ва мулойим жилмайиб қўйди.

— Хўш, хонимчи... хмм... У ҳам сени севадими?— деб сўради Пасмор.

Фреҗтсис маънодор бош ирғаганини малика курди.

— М^н уии қандай севсам, у ҳам мени шундай сева-дй,—жиддий жавоб берди у.— Буни аниқ биламан.—У бирдан ўрнидан турди.— Тўхта, ҳозир уни сенга кўрса-таман.

Френсис эши« томонга юрди, малика эса, эрининг ўз муҳаббатини тан адганидан беҳад қувониб, бир зумда яхши жиҳозланган ^ўшни хонага яширинди. Бу ернинг қандай хоналигини малика билмас, уй ходимаси «меҳ-монхона» деган эди. Френсиснинг ётоқхонага кириб уни тополмаи хайрон бўлишишг болаларча завқ билан кўз олдига келтириб орқасидан муғомбирона қараб тўрарди. Френсис эса кенг мрамар зинадан-юқорига чиқиб, беш ми'нўтдан сўнг қайтиб келди. Узининг /ринда йўқлиги-



дан Френсис ҳеч қанча ташвишланмаганини кўриб ма-ликанинг юраги увишиб кетди. Френсис қарнай қилиб ўралган юпка картон қоғозни олиб келарди, у атрофга қарамай, тўғри кутубхонага ўтиб кетди.

Малика эшик тиркишидан қараб, Френсиснинг қоғозни ёзиб, Жонни Пасморнинг олдига қўйганини курди.


— Узинг баҳо бер, мана у.

— Нега бўлмаса мотамсаросан?— сўради Жонни Пасмор, фотосуратни синчиклаб кўргандан кейин.

— Чунки биз жуда кеч учрашдик. Мен бошқа қизга уйланишга мажбур бўямим. У менинг дўстим билан ни-коҳдан ўтишидан бир неча соат олдин жўнаб кетдим. Бу никоҳ биз бир-биримизни кўрмасдан олдин тайин қилиб қўйилган эди. Мен уйланганим ҳам, шунга билиб қўйди, яхши, ажойиб аёл. Мен бир умр унга содиқ бўлиб қоламан. Лекин, бахтга қарши, у ҳеч қачон қалбимни эгаллаб олмайди.

Бу сўзлар маликага бутун ачиқ ҳақиқатни очиб бер-ди. У ўзини ёмон ҳис этди ва ҳушидан кетай деб, юра-гини ушлаб қолди. Кутубхонада суҳбат давом этаётган бўлса ҳам у бу гапларнинг бирортасини эшитмасди. У аста-секин, бутун иродасини ишга солиб ўзини тутди. Ниҳоят бир неча минут олдингина ажойиб гўзал аёл ва мағрур хотин бўлган малика ҳозир бир соядай букчайиб, тебранганча даҳлиздан ўтди ва секин, гўё ҳар бир оёғи-га тош осиб қўйилгандек, зинадан кўтарилди бошлади. Френсиснинг узугини ғазаб билан бармоғидан олиб таш-лаб, уни оёқлари билан топтай бошлади. Сўнгра малика йиғидан ларзага келиб ва нималардир деб тўнғиллаб ўзини қаравотга ташлади, у худди безгак тутаётгандек қалтирарди; лекин Френсис ўз хонасига ўтиб кетаётди, ётиш олдида унинг ётоқхонасига қараганда, у ўзини ухлаётган қилиб кўрсатиш ва ғам-ғуссасини ошкор эт-маслик учун куч топа билди.

Френсиснинг ухлашини кутиб ўтказган бир соати унга ўн соатдек туюлди. Шундан сўнггина ўрнидан туриб, ўзи Адашган Жонлар Водийсидан олиб келган, қиммат-баҳо тошлар билан безатилган ханжарни олди ва оёқ учида охиста юриб унинг хонасига кирди. У ерда, стол устида картон қоғоз — Леонсиянинг қатта фотосурати турарди. Малика иккилаб туриб қолди, у ханжарни шундай қаттиқ қисиб гурардики, дастасидаги қиммат-баҳо тошлар қўлига ботиб кетди. Ханжарни қимга ур-



син: эригами ёки Леонсиягами? У қаравот ёнига бориб, ханжар уриш учун қўлини кўтарди, лекин шу пайт хо-зиргача ёш келмаган кўзлари намланди ва ёшлари кўз олдини туман янглиғ тўсиб қўйди. У йиғлаганча ханжар ушлаган қўлини дастга туширди.

Шундан кейин у бошқа қарорга келди ва тез стол ёнига борди. Стол устидаги қалам ҳамда блокнот унинг эътиборини ўзига тортди. У икки сўз ёзиб, бир варақни "":ртди, Леонсиянинг суратини столнинг ялтироқ юзаси-га қўйиб, устидан ҳалиги қоғоз билан бекитди-да, ханжар урди — зарб рақибининг қоҳ қаншари— икки кўзи ўртасига санчилганди; ханжарнинг учи ёғочга санчилиб, дастаси бир силкинди-ю, тўхтади.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Ҳозирча Нью-Йоркда ҳар хил воқеалар юз берар ва Риган Френсиснинг ҳамма акцияларига улкан ҳужумини давом эттирар, Френсис билан Бэском эса бу иш билан ким шугулланаётганини билишга уринишар экан, Пана\* мада ҳам муҳим воқеалар юз берардики, бу воқеалар Леонсия ва Солано оиласини Торрес ҳамда полиция бош-лиғи билан тўқнаштирди. Бу воқеаларда юзи товоқдек Хитой И Пиннинг роли қатта бўлди.

Полиция бошлиғининг ишончли одами — чуваккина қари судья Сан-Антониода суд мажлисида мудраб ўти\* рарди. Шу тариқа у икки соатча бемалол ухлаб олди, гоҳ-гоҳ бошини кўтариб, уйқусида нимадир деб гўлди-рар, ваҳоланки кўриб чиқилаётган иш жуда жиддий, айбланувчини йигирма йилга Сан-Хуанга ҳукм қилиш қутарди. Сан-Хуанда эса энг қучли одам ҳам ўн йилдан ортиқ яшамасди. Лекин судьянинг гувоҳларнинг далил<sup>1\*</sup> ларига ёки томонларнинг мунозарасига қулоқ солишга эҳтиёжи йўқ эди; ишни кўришдан аввал у полиция бошлиғининг истагини ҳисобга олиб, олдиндан ҳукм чиқариб қўйган эди. Ниҳоят химоячи узундан-узук нутқини ту-гатди, суд қотиби акса уриб юборди ва судья уйғониб кетди. У шошиб-пишиб атрофга аланглади-да:


— Айбдор,— деди.

Ҳеч ким, ҳатто судланувчи ҳам ажабланмади.

— Эртага эрталаб, ҳукми эшитиш учун судга келингллар! Навбатдаги иш кўрилсин!

Шундай фармон бериб, судья яна уйқуга кетмоқчи





эди, бирдан залга кириб келаётган Торрес билан поли- • ций бошлиғини кўриб қолди. Бошлиқнинг кўзлари чақ-наетганидан судья нима қилиш кераклигини тушуниб, суд мажлисини ёпдн.

Беш минутдан сўнг, зал бўшаб қолгач, полиция бош-лиғи тилга кирди:


— Мен Родригес Фернандеснинг олдига борган эдим. У ҳақиқий тош деяпти, пардоз бериш пайтида анча кич-райса ҳам, шу тош учун олтин ҳисобида беш юз доллар бермоқчи бўлди. Сеньор Торрес, судьяга тошлардан кўр-сатйнг, бир йўла қолганларини ҳам — каттароғидан кўрсатинг.

Торрес эса ёлғон гапира бошлади. У ёлғон гапириш-га мажбур эди. Солано билан Морганлар тошларни тор-тиб олиб ўзини уйдан ҳайдаб чиқарганларини айтиб бў-ладими! У шунақаям усталик билан ёлғон гапирдики, ҳатто полиция бошлиғини ҳам ишонтирди, судья эса, спйртли ичимликлар соҳасидагина мустақил фикр юри-тар, қолган ишларда шеф нимаики талаб қилса, ҳамма-сини тўғри деб ҳисобларди. Баландпарвоз тафсилотлаг рини'олиб ташласа, Торреснинг ҳикояси қисқача бўндай эди: заргар тошнинг баҳосйни камайтириб айтганига унинг, Торреснинг ишончи комил эмиш, шунинг учун тошларни баҳолаш, имкони бўлса сотиш учун Нью-Йорк-даги «Тиффани» фирмасига юбориш ҳақида буйруқ би лан Колондаги агентига юборганмиш.

Улар суд залидан чиқиб, бўлиб ўтган ҳамма револк> циядан нишона тарзида сон-саноксиз ўқ излари қолган пахса устунлар ўртасидаги зинадан пастга тушишаёт-, ганда полиция бошлиғи яна оғиз очди.

— Гап бундай, шу хазинага боришимиз учун бизни қонун муҳофаза қилиши зарур, энг муҳими — азиз дўс-тимиз судьяни иккаламиз ҳам севамиз, шунинг учун унга ҳам топганимиздан бир оз улуш ажратамиз. Сан-Анто-ниода йўқ вақтимизда у бизнинг ўрнимизни босади, за рур бўлса қонун билан бизга мададберади,

Худди шу пайт устунларнинг бири тагида шляпаси-ии бостириб кийиб олган И Пин ўтирарди. Бу ерда ўти-риши тасодифий эмасди. Одамлар қалбида ташвиш ва ҳаяжон уйғотадиган қимматли сирлар одатда шухая-Жонлар тўлкини чўққисига чиқиб ошқора бўладиган суд бинолари ёнида бўлишини у аллақачон тушуниб етгаи эди. Қачон сирга дуч келишни ёки эшитишни ҳеч ким



билмайди. И Пин эса денгизга тур ташлаган балиқчи-декдаъвогар ва жавобгарларни, ҳар икки томоннинг гувоҳларини кузатар, ҳатто суд мажлислари ишқибоз-лари-ю тасодифан келиб қолганларни ҳам кўздан қочир-масдн.

Шу куни эрталаб И Пинда ғира-шира умид туғдирган ягона киши жулдур кийимли пеон чол эди. Пеон афти-данумр бўйи ичкилик ичиб келган, эндиликда эса унга бир стакан ичкилик беришмаса тезда оламдан ўтадиган кишидек кўринарди. Унинг кўзлари хира, кўз жиякларн қизариб кетган, аммо хорғин юзида қатъийлик акс этар-ди. Суд зали бўшаб қолгач, у ташқари чиқиб, устун ёни-да, зинада тўхтаб қолди.

«Бу ерда нима қилиб турибди?—деб қайрон бўлди И Пин.— Судда Сан-Антонионинг уч корчалони — шеф, Торрес. ва судья қолди, холос-ку!» Улар ёки улардан би-рортаси билан тушки жазирама қуёш нурида ҳам совук-да қолгандай қалтираётган бу ночор пиёниста ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин. И Пин ҳеч нарса билма-са, ҳам, кутиш кераклигини беихтиёр тушунди: эҳ.тимол-дан узок бўлса ҳам, балки тўрға бирдан бирор сир или-илб: колар! Шу тарика устун ёнидаги куйдирувчи ва узи нафратланадиган қуёш иуридан тангадек соя ҳимоя қи-лолмайдиган тош устига чўзилди. Кекса пеон бир қадам кўйди-ю тебраниб, йиқилиб тушишига сал қолди. Ле-кин, ҳар холда Торреснинг эътиборини ўзига тортиб, уни уз х,амроҳларидан орқада қолишга мажбур этди. Ҳам-роқлари эса уни кутиб тўхтаб қолишди. Улар оғирлик-ларини у оёғидан-бу оёғига ташлар, шу пайтда ўзаро кизғин суҳбатлашаётган бўлсалар ҳам, чўғ устида тур-гандек, бетоқат бўлишарди.

И Пин эса сервиқор Торрес билан ночор пеон ўрта-сидаги суҳбатни кузатар, на бирор сўз ва на бирор қўл ишорасини эътибордан четда қолдирарди.

— Хўш, яна нима дейсан?—қўполлик билан сўради Торрес.

— Пул, озгина пул! Худо ярлақасин, сеньор, озгина пул беринг!—деб ялинди чол.

• — Ҳақингни олдинг-ку!—деб ўшқирди Торрес— Кетаётганимда сенга одатдагидек икки ^афта эмас, бир ой яшашинг учун керак бўладиганидан икки баравар кўп пул берганман. Демак, яна икки ҳафтагача бир чақа кам ололмайсан.





— ' Мен ҳаммадан қарздорман,— деб ғиншиди чол, яқинда арақ ичиб роҳат қилган бўлса ҳам, ичкиликка ташналигидан калтираб туриб.

— «Петр ва Павел ҳузурида» қовоқхонасининг хў-жайинидан қарздормисан?— ҳақоратомуз истехзо билан бехато топди Торрес.

— «Петр ва Павел ҳузурида» хўжайинидан,— очиқ тан олди у.— У қарзларимни ёзадиган тахтача тўлиб кетди. Энди менга қарзга бир томчи ҳам беришмайди. Мен бир бечора, бахтсиз одамман: пулька ичмасам ичим-ни мингта шайтон таталайди.

— Миясиз чўчкасан, кимлигингни билдингми энди!

Чол бирдан ўз кадр-қимматиний ажойиб тарзда ҳис этиб, қаддини ростлади, ҳатто қалтираши ҳам босилди.

— Мен кекса одамман,— тантанали оҳангда деди у.— Менинг томирларимда, юрагимда қоним совуб қол-япти. Ёшлик орзу-истаклари сўнди. Меҳнат энгилик келтириб, ғам-ғуссани унуттиришини яхши билсам ҳам ожиз баданим ишлашимга имкон бермайди. Мен эса на ишлай оламан, на ўзимни унута оламан. Овқатни кур сам кўнглим айнайди, қорним оғрийди. Аёллар мен учун вабонинг ўзи; бир вақтлар аёлларга кўз олайтирганимдан ҳозир ўзим нафратланаман. Болалар-чи? Сўнгги фарзандимни ўн икки йил аввал кўмганман. Дин мени кўрқитади. Улим-чи? Улим ҳақида уйкумда ҳам даҳшат билан ўйлайман. Пулька — о, худойим!—бу менинг ягона қувончим, ҳаётимда ундан бошқа нарса қолмади.

Кўп ичсам нима бўпти? Шунинг учун кўп ичаманки, мен кўп нарсани унутишим керак, бунинг устига зулмат қуёшни хирий кўзларимдан абадий яширгунча, шу қуёш нурида исинишим учун жуда оз вақтим қолди.

Торрес кетмоқчи бўлиб бетоқат ҳаракат қилди, чол-нинг вайсаши унинг ғашини келтирарди.

— Бир неча песо, бор-йўғи бир неча песо!—деб ялин-ди пеон чол.

— Бир сентаво ҳам бермайман!— қатъият билан унинг гапини бўлди Торрес.

— Жуда яхши!—ўшандай қатъият билан деди пеон.

— Бу нима деганинг?— ғаш келиб сўради Торрес, чолнинг нияти ёмонлигидан хавфсираб.

— Нима, унутиб қўйдингми?— чол шу қадар маъно-дер жавоб бердики, И Пин, нима сабабдан Торрес чолга нафақа тўлаб келади, деб қулоғини динг қилди.



— Шартлашганимиздек, унутишинг учун сенга пул тўлаяпман-ку,— деди Торрес.


— Мен кекса кўзларим қурган нарсани ҳеч қачон унутолмайман; бу кўзлар эса сеньор Альфаро Солано-нинг орқасидан келиб пичоқ санчганингни қурган,— деб жавоб қилди чол.

И Пин ўзини қуёш нурида исиниб ётган киши қилиб кўрсатса ҳам, хаёлан «ирғиб ўрнидан турди». Солано-лар машҳур ва бадавлат кишилар. Торрес улардан би-рини ўлдирган экан, бу шундай сирки, унинг эвазига катта пул олиш мумкин.

— Ҳайвон! Миясиз чўчка! Ифлос махлук!— Торрес ғазаб билан муштини тугди.— Мен ҳаддан зиёд кўнгилянчанман, шунинг учун ҳам мен билан бундай гаплашяпсан. Оғзингдан яна бир гап чиқадиган бўлса, ўша замони сени Сан-Хуанга тикаман. Бу нималигини биласан. Сени уйқингдагина эмас, ўнгида ҳам ўлим даҳшати таъқиб этади. Улаксахўрларга қарашинг билан кўрқувдан қалтирайсан, чунки тез орада улар суякларингни талашиб-тортқилашини биласан. Сан-Хуанда пульканинг уруғини ҳам тополмайсан. Мен у ёққа тиқиб қўйган одамлар пульканинг мазасини ҳам унутиб қўйишади. Хўш, ёқадими? А? Мана, буниси яхшироқ. Яна икки ҳафта сабр қиласан, шундан кейин сенга яна пул бераман. Агар кутмасанг — то ўлгунингча ҳам бир томчи пулька кўрмайсан. Сан-Хуан ўлаксахўрлари сен билан шуғулланишлари учун ҳаракат қиламан.

Торрес шартта бурилиб, нари кетди. И Пин Торрес икки ҳамроҳи билан кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб турди; сўнг устун ортидан чиқиб, чол бош оғриғи-га бир оз ичиш умидидан ажралиб, оҳ тортиб, инграб, ғингишиб ўзини ерга ташлаганини курди. Улаётган ҳай-вондай талвасаланиб, бутун танаси ларзага келган эди; у баданига ёпишиб олган мисканаларни юлиб ташлаёт-гандек, бармоқлари билан беихтиёр жулдур кийимига қўшиб терисини чимчилаб узарди. И Пин унинг ёнига ўтириб томоша кўрсата бошлади, у бундай ҳазилларни ўйлаб топишга жуда уста, мохир эди. Чўнтагидан бир неча олтин ва қумуш танга чиқариб, жиринглади, санай бошлади; бу ёқимли ва жарангли товуш ташналикдан ақлдан озган пеон қулоғига пулька фаввораларининг шилдирашидек эшитилди.

— Сен билан биз доно одамлармиз,— деди унга



И Пи№, баландпарвоз ислан стилида, пиёниста яна инг-раб, бир стакан пулька учун бир неча сентаво беришни еўраганда тангаларни жиринглатишда давомэтди.— Биз доно одамлармиз, қария. Кел, шу ерда ўтириб, аёл-лар ва эркаклар ҳақида, ҳаёт ва муҳаббат тўғрисида, ғазаб ва фавкулудда ўлим ҳақида, қалбни куйдирувчи жаҳл ва биқинга санчиладиган совуқ пўлат тиг тўғри-сида бир-биримизга сўзлаб берамиз; менга бирор қизик воқеани гапириб берсанг, сенга шунча, пулька берайки, оғзи-бурнингдан тошиб чиқсин. Оулькани яхши кўра-еан-а? Ҳозир, хозирнинг ўзида бир стаканини ичишни истайсанми?

Полиция; бошлиғи билан Торрес қоронғилик пардаси остида экспедиция тайёрлаган ўша тун Соланолар уйида яшайдиган одамларнинг ҳаммаси қалбида абадий қола-ди. Воқеа ҳали тун кирмай туриб бошланди. Қатта пеш-айвонда энди овқатланиб бўлишган, ҳамма эркак Соланолар ва улар қатори Леонсия билан. қариндошлиғи туфайли эндиликда Соланолар оиласига кирган Генри ҳам қаҳва ичиб, сигарет чекиб ўтиришарди. Тўсатдан ой нури ёритиб турган зинада қандайдир ғалати шарпа

КўРИНДН. •”;

!— Худди шарпанинг ўзи,— деди Альварадо Солано.

— Лекин шарпа жонлига ўхшайди,— деб илова қилди эгизак укаси Мартинес.

;^-Бу ҳеч қандай шарпа эмас, оддий бир хитой,— деб кулиб юборди Рикардо.

—>Бу Леонсия. билан бизни уйланишдан кутқариб қолган одамнинг ўзи-ку,-^ деди Генри Морган меҳмонни таниб.

— Сирфуруш!— деди кулги билан Леонсия.— У бирор янгилик олиб келмаган бўлса ҳафсалам пир бўлади.


"- Сенга нима керак, хитой?:-- дағаллик билан сўра-ди Алесандро.

— Жуда ажойиб янги сир, жудаям антика янги сир. Балки сотиб олареиз?— деди суюниб И Пин.

—Сенинг сирларинг жуда қиммат туради!— деди Энрико унинг шаштини қайтариб.

!"—• Ҳа,бу ажойиб янги сир ҳам жуда қиммат,— деб тасдиқлади И Пин.

— Йўқол бу ердан!-- кекса Энрико бақариб берди.—



Менинг узоқ яшаш умидим бор, аммо умримнинг охири-гача сенинг сирларингга кулоқ солмайман.

Аммо И Пин итоатгўйлик билан гапирса қам, ўзини жуда дадил тутарди.

— Сизнинг ажойиб уқангиз бор эди, сеньор Альфаро Солано, бир куни орқасига санчилган пичокдан ўлди.

ЖуДа яхши. Қизик сир-а?

Энрико қалтираб, ўрнидан турди-да, сабрсизликдан бўғик овоз билан бақирди:

~ Сен бу ҳақда нимани биласан?

— Қанча тўлайсиз?— деб сўради И Пин.

— Бор нарсамнинг ҳаммасини бераман,— деб кич-қирди Энрико ва Алесандро томонга ўгирилиб кўшиб қўйди:— Сен у билан келишиб ол, ўғлим. У ўз сўзлари-ни қурган кишининг гувоқлиги билан исботлаб берса, унга яхшилаб ҳақ тўла.

— Хотиржам бўлинг,— деди И Пин ўз кадр-қимма-тини билган одамлардек.— Гувоҳим бор. У ҳаммасини ўз кўзи билан қурган. У қоронғида сеньор Альфаронинг орқасига ким пичок урганини қурган. Унинг исми...

— Хўш, хўш?— нафаси оғзига тикилиб деди Энрико.


— Унинг номи учун минг доллар,— деди И Пин, бу пулни қайси валютада талаб қилишни ўйлар экан.— Олтин ҳисобида минг доллар,— деди у нихрят.

Энрико пул хусусида музокара олиб боришни ўғлига топширганини унутиб қўйди.

— Гувоҳинг қаерда?— деб ўшқирди у.

И Пин кимнидир бҳиста чақирди, пешайвон ёнида ўсган буталар орасидан кекса пиёниста чиқиб келди, у чинакам шарпа каби аста-секин зинага яқинлашди ва каловланиб зинадан кўтарила бошлади.

Шу орада шаҳар четида йигирма чавандоз — улар орасида жандармлар Рафаэль, Игнасио, Аугустино ва Висентелар ҳам бор эди — Қордильерга қилинажак хуфия экспедицияга чиқиш учун бошлиқнинг буйруғини кутиб, йигирмадан ортиқ хачирдан иборат қарвонни кў-риқлаб туришарди. Улар бошқа хайвонлардан алоқида турган энг катта хачир устига икки юз эллик фунт дина-мит ортилтанлигинигина билишарди. Яна улар кўрфаз бўйлаб, қару қабиласидан чиққан ўша дахшатли қотил—; Хосе Манчено ортидан от чоптириб кетган сеньор Тор-



рес туфайли тўхтаб туришганини билар эдилар. Хосе Манченони аллақачондан буён дор сиртмоғи кутаётган бўлса ҳам, худонинг лутфи-карами-ю бошлиқнинг марҳа-мати туфайли бир неча йилдан бери сиртмоқдан қуту-либ юарди.

Торрес эса шу пайтда соҳилда Хосе Манченонинг оти билан яна бир ҳар эҳтимолга қарши етаклаб олинган отни тизгинидан ушлаб турар, Хосе эса қинғир-қийшиқ йўлдан тепалик устига, Соланолар уйига чиқиб борарди. йигирма футча нарида, соҳилгача чўзилган ўтлар ора-сида ғирт маст чол ухлаб ётганини, унинг ёнида яқинда-гина олган минг долларини белбоғига тугиб олган хи-той, уйкуси келмай, сергак турганини Торрес хаёлига ҳам келтирмаган эди. Торрес қумлоқ кирғоққа келиб, ёнгинасида тўхтаганда хитой пеонни йўлдан зўрға четга олиб, яширинишга аранг улгурди.

Юқорида, асьендада эса Соланолар оиласининг ҳам-ма аъзолари уйқуга кетишганди. Леонсия энди сочини тарамоқчи бўлиб турган эди, ойнага майда тош урилга-нини эшитиб дераза ёнига келди. Хосе Манчено қизга шовкин солманг, ҳеч кимни чақирманг, деб шивирлаб огоҳлантирди-да, ғижимланган ҳоғозни — Торреснинг хатини узатди ва сирли овоз билан деди:

— Бу сизни пастда, буталар орқасида кутиб турган хитойдан.


Леонсия дағал испан тилида ёзилган қуйидаги сатр-ларни ўқиди:

«Биринчи марта мен сизга Генри Морган ҳақидаги сирий айтдим. Бу сафар Френсис ҳақидаги сирни била-ман. Менинг олдимга чикинг, гаплашиб оламиз».

Френсиснинг номини ўқиётганда Леонсиянинг юраги уриб кетди ва устига мантилья'сини ташлаб, И Пин ку-' таётганига заррача шубҳаланмай, кару орқасидан юрди.

Кирғоқда Торресни кузатиб турган, йўлда сеньорита Соланони бир қоп ундай орқалаб келаётган қотил Хосе

' М а н т и л ь я — аёлларнинг елкага ташлаб юрадиган енгсиз калта кийими.



Манчено кўринганда И Пиннинг нмалар бўлаётганига асло шубҳаси қолмади. Хосе Манчено қизнинг қўл-оёғи-ни боғлаб, оғзига латта тикиб қўйган эди. Бундан кейин нималар бўлишига ҳам И Пин шубҳа қилмасди. Хосе билан Торрес Леонсияни эҳтиёт отнинг эгарига боғлаб, соҳил бўйлаб от чоптириб кетишди. Семиз хитой маст пеонни буталар орасида, ухлаб ётган жойида қолдириб, йўлга чиқди ва кучи борича тепаликка қараб югурди. Асьендага етиб бориб, нафаси оғзига тикилиб, зинадан юқори кўтарилди-да, бундай ошиқиш сабабини айтишга улгурмай туриб кутурган Соланолардан бири отиб қўй-маса эди деб худога илтижо қилиб, эшикни уриб, тепиб тақиллата бошлади.

— Е тангрим, йўқол-э бу ердан!— деди Алесандра эшикни очиб, шам ёруғида нашшахўрда меҳмоннинг юзи-, ни кўргач.

— Менда қатта сир бор,— деди И Пин нафаси оғзига тикилиб.— Жуда қатта, жуда янги сир.

— Эртага одамлар иш билан шуғулланадиган вақт-да кел,— деди Алесандро хитойни тепмоққа шайланиб.

— Бу сирни сотмайман,— деб вайсади И Пин.— Мен уни сизга ҳадя қиламан. Қулоқ солинг: сеньорита, синг-лингиз... уни ўғирлашди! Эгарга боғлаб, кирғоқ бўйлаб от чоптириб кетишди.

Лекин ҳали, ярим соатча аввал Леонсияга яхши ух-ла, деб истак билдирган Алесандр.о хитойнинг гапига ишонмай кулиб юборди ва сирфурушни бир тепиб эшик-дан чиқариб юбормоқчи бўлди. И Пин нима қилишини билмай қолди. У белбоғи орасидан ҳамённи чиқариб, уни Алесандронинг қўлига тутказди-да:

— Тезроҳ бориб қаранг,— деди.— Сеньорита ҳозир уйда бўлса бу минг доллар сизники. Агар сеньорита уйда бўлмаса, пулни менга қайтариб берасиз...

Бу Алесандрони ишонтирди. Бир дақиқадан сўнг у уйдагиларнинг ҳаммасини уйғотаётган эди. Яна беш минутдан сўнг Соланолар устки кийимларини кийиб, қуролларини тақишаётганда отбоқарлар ва пеонлар қаттиқ уйқудан кўзларини йириб-ёртиб от ва хачирларни эгарлаб, юк ортишарди.

Солано отряди тим қора зулматда ўғрилар изини қи-дириб, кирғоқнинг ўнг ва чап томонида, Кордильерга олиб борадиган сон-саноксиз сўқмоқларга бўлиниб кетди. Тақдир тақозаси билан ўттиз соат ўтгач фақ.ат Ген-




ригина тўданинг изини тоиди ва кекеа майя коҳини Ху-донинг товони изи деб атаган ва у ердан биринчи марта маъбуда Чианинг кузини курган ўша чуқурликда етиб олди уларга. Генри каззобларнинг ҳаммасини ва ўғир-ланган Леонсияни ўша ердан топди.

Уғрилар э'ндигина нонушта тайёрлаб, иштаха билан еяётган эдилар. Генри англо-саксларга хос ақл билан иш тутарди: йигирма кишига қарши бир ўзи хужум қи-либ, адолат тантанасига эришиш унинг хаёлига ҳам кел-мади. Бундай қилиш телбаликнинг ўзи бўлар эди. Бунинг ўрнига унинг миясига қолган қирқ хачирдан аж-ратиб тушовлаб қўйилган, устидаги хавфли юки енгил-таклик билан олиб қўйилмаган динамит ортилган хачир-ни кўздан кечириш фикри келди. Генри бўлмайдиган ишга қўл уриб Леонсияни қутқарнишга уриниш ўрнига, ўйлаб кўриб, бундай кўпчилик орасида аёллар шаънига ҳеч нарса хавф солмайди деган қарорга келди-да, динамит юкланган хачирни олиб кетди.

Лекин уни узокқа олиб бормади. Генри пастак да-•рахтлар орасига яшириниб, юкни ечди ва чўнтақларини динамит шашкаларига тўлдирди, сўнг бир кути детонатор билан кичикроқ бир ўрам пилик олди. Қолган динамитни жон деб портлатиб юборарди-ю, лекин бундай қи-лишга богинмай, унга нафрат билан қараб қўйди-да, Леонсияни ўғрилар қўлидан қутқара олса, орқага чеки-ниладиган йўл билан шуғуллана бошлади. Хучитанда Френсис чекиниш йўлига кумуш доллар сочгани синга ри, ҳозир Генри ўзи чекинадиган йўлга динамит шашка-лари экди; у пилик детонатордан узун бўлмаслигига, детонатор ҳар бир шашкага мустаҳкам ўрнатилишига эътибор бериб, ҳар жой-ҳар жойга бир нечтадан шашка ўрнатди.

Леонсияга ўзининг шу ердалигини маълум қила ол-гунча Худонинг товони изидаги лагерь атрофида Генри уч соатча айланиб юрди; Леонсия ҳеч кимга сездирмай унинг олдига келгунча яна қимматли икки соат. вақт ўтиб; кетди. Лекин жандармлар ва Торрес экспедицияси-нинг қатнашчилари кизнинг қочганлигини дарҳол билиб и.олмаганларида ва^тнинг бекор кетгани ҳеч гап эмасди. Ҳамма бирдан отга миниб, қочқинларга тезда етиб олди.



**Генри Леонсияни энгаштириб, уни** осилиб турган **қоя** тагига олиб кириб милтикни ўқлаганда Леонсия қарши-лик кўрсатди.

— Қутулишга ҳеч қандай умидимиз йўқ, Генри!— деди у.— Улар кўпчилик. Отишма бошланса, сени ўлди-ришади. Ундан кейин менинг ҳолим нима кечади? Яхши-си, қоч, бир ўзинг қоч-у, бу ерга ёрдам олиб кел, ҳозир-ча, майли, мени яна асир олишаверсин: шундай қилсак яхшироқ бўлади — сенинг ўлиминг мени қутқариб қо-лолмайди!

Аммо Генри кўнмай бош чайқади.

~ Азиз сингилчам, улар бизни асир олишолмайди. Менга ишонавер-у, кўз-қулоқ бўлиб тур. Ана, келишяп-ти. Энди қараб тур!

Туёқ товуши эшитилди ва йўлда Торрес, полиция бошлиғи ва от, хачир минган жандармлар кўринди, Генри уларни эмас, биринчи динамит шашкасини қумган дўнгликни нишонга олди. У тепкини босди — атрофни тутун ва чанг булути қоплади. Бу булут охиста тарқал-гач, Генри билан Леонсия одамлар ва хайвонларнинг ярми ерда ётганини, қолганлари эса бу портлашдан хай-ратланиб, донг қотиб турганларини кўришди.

Генри Леонсиянинг қўлидан ушлаб, бир тортиб ўр-нидан турғизди, улар яна қочишди. Генри иккинчи пар-тия динамитни қумган жойдан ўтишгач қочоқлар дам олгани ўтиришди.

— Бу сафар бизга тез ета олмайдилар!— деди Генри тантана билан.— Бизни қанча кўп таъқиб қилишса, шунча секин юрадиган бўлиб қолишади.

Чиндан ҳам яна таъқиб этувчилар кораси кўринган-да Генри билан сингиси улар жуда секин ва жуда эҳ-тиёт бўлиб келишаётганини кўрдилар.

— Ҳаммасини кириб ташлаш керак эди,— деди Генри.— Лекин уларнинг омади бор экан, уларни ўлдириш-га юрагим бетламаяпти. Лекин, бунинг ўрнига уларни роса боплайман, албатта.

У яна кўмиб қўйилган динамитни мўлжаллаб ўқ узди ва яна рақибларнинг саросимага тушганидан фойдала-ниб, Леонсия билан бирга учинчи динамит партияси кўмилган жойга қочди.

Учинчи заряд ҳам портлагач, қочоқлар тушовлаб қў-йилган от томон югуришди. Генри қизни отга миндириб, ўзи узангини ушлаганча от билан ёнма-ён югура кетди.





## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Френсис Паркерга ўзини эрталаб соат саккизда уй-ғотишни буюрган эди, Паркер оҳиста қадам ташлаб, белгиланган вақтда хўжайини олдига кирганда у ҳали қаттиқ ухлаб ётарди. Камердинер ваннага сув очиб, со-қол олиш учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйиб, ётоқхонага кирди. Паркер хўжайинининг яна бир неча минут ором олиши учун овоз чиқармай хона ичида юраркан, бирданига пардоз столининг қопқоғига санчилган х'ан-жарга кўзи тушди — ханжар хат ва унинг остидаги су-ратга санчилган эди. Паркер буни кўриб ҳайрон бўлди ва Морган хоним ётоқхонасини оҳиста очиб, ичкарига қаради, тезда хўжайини томон қайтиб, унинг елкасидан ушлаб силкита бошлади.

Френсис кузини очиб, қаттиқ уйқудан турган киши-ларда бўлгани каби бир дақиқа ҳеч нарсага тушунмай, бақрайиб қараб турди, лекин кечқурун берган буйруғи,-ни дарҳол эслади.

— Турадиган вақт бўлди, сэр,— деди камердинер секингина.

— Бу мен учун доим кўнгилсиз вақт,— деди Френсис кулиб ва эснаб, яна кузини юмди:— Яна бир минут ётай, Паркер. Ухлаб қолсам, уйғотиб юбор.

Лекин Паркер ўша замони уни силкита бошлади.

— Тезроқ турунг, сэр. Менимча миссис Морганга бир нарса бўлганга ўхшайди: ётоқхонасида йўқ, бу ердан эса ғалати хат билан пичоқ топдим. Балки сизнинг ақлингиз етар бирор нарсага. Мен эса, билмадим, сэр...

Френсис сакраб ўрнидан турди; бир дақиқа ханжар-га тикилиб қолди, сўнг уни суғуриб олди-да, хатни ўқиди ва: «Абадий хайр» деган икки оддий сўзнинг маъносини тушунмай яна ўқиб чиқди.

Аммо хатдан ҳам кўра Леонсиянинг икки кўзи ораси-га ханжар санчилгани кўпроқ таажжубга солди; Френсис юпка картон қоғозда ханжар қолдирган' тешикка тикилиб туриб буни қачондир кўрганини аниқ эслади — дарҳол унинг хотирасида маликанинг кўл қирғоғидаги уйи гавдаланди: мана, ҳаммалари олтин қозон ёнида туришибди, унга қараб, ҳар ким ўз келажagini кўряпти. Ушанда Френсис Леонсияни курган, унинг қаншарига ханжар санчилган эди. Френсис хатто ханжарни яна су-ратга санчиб, яна унга қаради.

Ўз-ўзидан изоҳ келиб чиқди. Малика бошиданок Леонсиядан рашк қиларди, бу ерда, Нью-Йоркда ҳам эрийнинг пардоз столи устида унинг суратини кўриб, пў-лат тиг жонсиз суратга қанчалик тўғри санчилган бўл-са, шунчалик тўғри хулосага келди. Узи қаерда экан? Қаерга кетдийкин? Бу катта шаҳардаги ҳамма нарса ўзига етти-ёт бегона, телефонни сеҳргарлик, Уолл-стрит-ни — эҳром, бизнесни эса Нью-Йоркнинг худоси деб би-ладиган софдил аёл бу ерда ўзини Марсдан ерга тушиб қолган одамдек сезаётгандир. Тунни қандай, қаерда ўт-казган экан? Қаерда у хозир? Тирикмикин ўзи?

Френсис кимлиги аниқланмаган мурдалар қатор қи-либ қўйилган мурдахонани, кейин тўлқинлар чўкиб ўл-ганларни чиқариб ташлаган океан қирғоғини аниқ кўз олдига келтирди. Паркернинг гапидан ўзига келди.


— Менинг бирор фойдам тегмайдами, сэр? Балки қидирув агентлигига телефон қилиш керакдир? Сизнинг отангиз доим...

— Ҳа, ҳа.— Френсис шошилиб унинг гапини бўлди.— Бир одам бор эди, отам жон деб унинг хизматидан фой-даланарди — ёшгина, Пинкертоннинг қўлида ишларми-ди... Фамилияси нима эди, эсингда йўқми?

— Бэрчмен, сэр,— тез жавоб берди Паркер, эшик томон кетаётди.— Ҳозир унга одам юбораман.

Шундай қилиб, Френсис хотинини қидириб янги сар-гузаштлар йўлига кирди. Бу йўл ҳақиқий нью-йорклик-ка катта шаҳар ҳаётининг шунақа томонлари ва бурчак-ларини намён Қилдики, улар ҳақида шу вақтгача ҳеч қандай тасаввурга эга эмасди. Маликани Бэрчменнинг "ёлғиз ўзи қидирмади —у билан бирга ўнлаб изкуварлар бутун шаҳарни кезиб чиқишди. Чикаго билан Бостонда эса унинг раҳбарлигида бошқа изкуварлар ишлашди.

Френсиснинг ўша даврдаги ҳаётини бир хил, зерикар-ли деб бўлмайди: у Уолл-стритда номаълум душманга қарши курашарди, уйда эса, хозиргина топилган қандай-дир аёл мурдасини қуриш учун ҳали у ёққа, ҳали бу ёқ-қа, яна бошқа жойга келишни талаб қилувчи изкувар-ларга жавоб қиларди. Маълум соатда ётиб ухлаш нима-лигини Френсис унутиб юборди ва ўзини хоҳлаган вақтларида стол ёнидан ёки уйқудан уйғотиб чакириб, янги-янги мурдаларни бориб қуриш учун номаълум томонларга олиб кетишларига кўникиб қолди. Бэрч-меннинг маълумотларига кўра, маликага ўхшайдиган







бирорта аёл на поёздда, на ке'мада Нью-Йоркдан чиқиб кетмаган, унинг шу ердалигига имони комил ҳолда/ ҳа-мон шаҳар ичида қидирарди.

Шу тарика Френсис Мэттенуэнда ҳам, Блэкуэллда ҳам, «Тобут» деб аталган турмада ҳам, тунги полиция судида ҳам бўлди. Бир вақт ҳатто эндигина қўлга тушган, полицияда сурати бўлмаган магазин ўғрисини унинг кимлигини аниқлаш учун Френсисга кўрсатишди. У Бэрчменнинг ёрдамчилари шубҳали меҳмонхоналарнинг орқа хоналаридан топилган сирли аёлларга бир неча марта дуч келди, Вест-Сайднинг элликта кўчасидан қай-си биридадир иккита нисбатан айб ҳисобланмайдиган севги манзарасига дуч келиб, жуфтларни уялтириб юборди, ўзи ҳам кизариб кетди.

Аммо кумир кироли Филипп Жэнуерининг хашамат-ли уйида кургани энг қизиғи ва энг фожиалиси эди. Бу уй Филипп Жэнуерига ўн миллион долларга тушган эди. Қандайдир номаълум бир аёл — баланд бўйли, сарвко-мат, гўзал хотин бир ҳафта олдин Жэнуери уйига келиб қолган экан, Френсисни уни кўришга чақирди. Бир ҳафта давомида аёл қандай бўлса, Френсис келганда ҳам шундай телба эди, У қўлларини кирсиллатиб, дув-дув кўз ёши тўкиб эҳтирос билан шивирларди:


— Отто, сен ноҳақсан. Сени тиз чўкиб ишонтираман: сен ноҳақсан. Отто, мен сени, фақат сени севаман. Отто, мен учун сендан бошқа тирик жон йўқ. Сендан бошқа ҳеч ким, ҳеч қачон бўлмаган. Ҳаммаси даҳшатли хато. Менга ишон, Отто, ишон, акс ҳолда ўламан,

Шу даврда Уолл-стритда Френсис билан Бэскомнинг умўмий фикрига кўра, ёш магнатнинг бойликларига кескин ҳужум — Френсисни йўқ қилиб ташлаш мақсади-да ҳужум бошлаган ва ҳамон кимлиги аниқланмаган қудратли рақибга қарши кураш давом этарди.

— «Тэмпико петролеум»ни ишга солмай бардош бера олсак эди!—Бэском чин кўнгилдан истак билди-рарди.

— Ҳамма умидим «Тэмпико петролеум»да, — жавоб берарди Френсис.— Бозорга чиқаришим мумкин бўлган ҳамма қимматбаҳо қоғозлар гумдон бўлиб кетгач, «Тэмпико петролеум»ни жангга киритаман, бу деярли бой берилган жангга янги армияни киритиш билан баравар.

— Бир тасаввур қилиб кўринг, бизга номаълум бўлган душман'шу охирги ажойиб луқмани ҳам ютишга



қодир бўлиб ва ҳатто яна бер деб талаб қиладиган даражада кучли бўлса-чи?

Френсис елкасини қисди.

— Нима ҳам дердим, у ҳолда хонавайрон бўламан. Лекин, отам оёққа туриб олгунча беш марта хонавайрон бўлган, у хонавайрон бўлган ойлада туғилган эди, хул-лас бундай арзимас нарса тўғриеида ташвишланмасам ҳам бўлади.

. Бирмунча вақдгача Солано асьендасида воқеалар жуда секин ривожланди. Умуман олганда Генри динамит ёрдамида Леонсияни қутқариб қолгандан сўнг бош-қа ҳеч қандай воқеа юз бермади. Ҳатто И Пин ҳам би-рорта янги ва мутлақо янги сир сотиш учун бирор марта ҳам пайдо бўлмади. Леонсия бўшашиб, зерикиб юриши-ни ва на Энрико, на уз акаси Генри, на бошқа олти акаси—улар аслида энди қизнинг акаси эмас эдилар— уни овуға олмаганликларини ҳисобга олмаса, ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандек эди.

Деоносия инжиқлик қилиб юрганда Генрига ва Энри-крнинг ўғилларига хоз.ир Торрес динамит билан йўл очаётган Адашган Жонлар Водийси хазинаси ҳақидаги фикр тинчлик бермасди. Уларга фақат бир нарса, бу ҳам. бўлса Торрес Аугустино билан Висентени яна икки хачирда динамит олиб келиш учун Сан-Антониога юбор-гани маълум эди.

Генри Энрико билан гаплашиб, ундан рухсат олгач, ўз режаси+ш Леонсияга гапириб берди.

,— Азиз синглим,—деб бошлади у,—биз тоққа бо-риб, лаънати Торрес шайкаси билан нима қиладиганини кўрмоқчимиз. Сен туфайли уларнинг мақсадидан хабар-дормиз. Улар тоғнинг бир қисмини динзмиг билан порт, латиб водийга тушишмоқчи. Хаёлчан Аёлнинг уйи ёниб кетганда ўз тошларини қаерга яширганини биламиз, Торрес эса билмайди. Майя ғоридаги сувни қуритиш: ганда уларнинг изидан водийга тушиб, хазина солинган сандикни эгаллашга ҳаракат қилиб кўрмоқчимиз. Ме-нимча, улардан кўра бизнинг ишончимиз кўпроқ бунта. Бу.гапларни сенга шунинг учун айтяпманки, биз сени ўзимиз билан бирга олиб кетишни жуда истаймиз. Ме. нимча, хазинани қўлга кирита олсак, ер ости дарёсидаги саёҳатни такрорлашга қарши бўлмасанг керак.



Лекин Леонсия ҳорғинлик билан бош чайқади.

— Йўқ,— деди у Генрининг илтимосига жавобан.— Адашган Жонлар Водийсини куриш у ёқда турсин, но-мини ҳам эшитишни истамайман. Ахир ўша ерда Френ-сисни анави хотинга бериб қўйганман.

— Хато бўлди, сингилгинам. Буни у вақтда ким би-либ ўтирибди дейсан. Мен билмас эдим, сен билмасдинг, Френсис ҳам билмасди. У эркакларга хос мардлик ва олижаноблик қилди. Бизнинг ака-сингил эканлигимиз-ни у хаёлига ҳам келтирмаган, бизни унашиб қўйилган деб ҳисобларди,— ўша вақтда худди шундай эдида,— сени мендан тортиб олишга ҳаракат қилмади ва йўлдан озмаслик, ҳаммамизнинг ҳаётимизни сақлаб қолиш учун маликага уйланди.

— Уша кунларда Френсис билан сизлар айтган: «Ёнма-ёнмиз мачта ёнида!..» қўшиғи ёдимга тушаверади ҳадеб,— Леонсия ғамгин ва олдинги гапга алоқасиз жа-воб қилди. Кўзларида ёш пайдо бўлиб, кипригидан тома бошлади.

Қиз орқасига ўгирилиб, пешайвондан тушди ва ўт-локни кесиб ўтиб, бемақсад тепалиқдан туша бошлади. Френсис кетганидан буён қиз ҳамма нарса уни эслатиб турган йўлдан йигирма мартача ўтгандир. Мана бу ерда уни биринчи марта курган. Ушанда у «Анжелика»-дан қирғоққа қайиқда сузиб келаётган эди; жаҳли чиқ-қан отаси ва акаларидан кутқариб қолиш учун уни мана бу ерга, буталар орасига судраб кирган, сўнг тўп-понча билан пўписа қилиб ўзини ўпишга, қайиққа чи-киб, қайтиб кетишга мажбур қилган. Бу унинг биринчи келиши эди.

Сўнг Леонсия унинг иккинчи марта келиши билан боғлиқ бўлган тафсилотларни майда-чуйдасигача эслай бошлади: кўрфазда чўмилиб бўлиб, қоя ортидан чиққан-да уни кўриб қолганди: йигит қояга суяниб унга биринчи хатини ёзаётган эди. Уша унутилмас кундаги воқеалар қизнинг кўз олдидан-ўтди: у кўрқиб кетиб чангал-зорга югурди, мана, оёғини лабарри чакиб олди (ўшанда лабаррини захарли илон деб ўйлаган эди), мана, қо-чиб бораётиб Френсисга урилди ва хушидан кетиб, кум устига йиқилди.

Леонсия шамсиясини ёзиб, соясида ўтирди: у ўзига келиб, Френсис илон чаққан жойни кесиб, ярадан конни сўрмоқчи бўлиб турганини кўрганини эслади. Худди ўша

яра огриғи уни хушига келтирганини яна яхши би-лади.

Леонсия қалбига ором берувчи хотираларга шўнғиб кетди: Френсиснинг лаблари тиззасига яқинлашганда уни бир шاپалоқ урганини, уялганидан кизариб кетиб, го'зини қўллари билан бекитиб олганини, жутни қаттиқ тортиб боғлашдан оёғи уюшиб қолганини сезиб кулиб юборганини эслади; Френсис уни асоссиз амакисининг қотили деб ҳисоблаётганини айтганда жаҳли чиқиб кет-ганини ва ниҳоят йигитнинг жутни ечишга ёрдамлашиб юбориш ҳақидаги таклифини рад этганини хотирлади. Буларнинг ҳаммаси кечагина бўлгандек эди — шу билан бирга ўшандан буён ярим аср ўтгандек туюларди. Шу вақт ичида қизнинг улушига қанчадан-қанча аж-ойиб саргузаштлар, ҳаяжонга солувчи воқеалар, лирик манзаралар тушмади дейсиз!

Леонсия бу кўнгилли хотираларга шу қадар берилиб етдики, йўлда Сан-Антониода ёлланган экипаж кўрин-ганини сезмади. Экипаждан Нью-йоркнинг мода жур-налидаги суратга ўхшаган бир аёл тушиб, тўғри олдига келаётганини ҳам сезмади. Бу Френсиснинг хотини — маликанинг ўзгинаси эди. У ҳам тропик қуёши нуридан сақланиш учун шамсия тутиб келарди.

Леонсиянинг орқасига келиб тўхтаган малика шу да-қиқада қиз ўзи учун энг қимматли нарсадан умидини узаётганидан беҳабар эди. У фақат Леонсия корсажидан кичик сурат чиқариб, диққат билан қараётганини курди. Малика қизнинг елкаси оша қараб, бу Френсиснинг су-рати эканини таниди ва унда фаросатсиз рашк янги куч билан тўлқинланди. У кўкрагига яшириб қўйган хан-жарни чиқариб қўлини кўтармоқчи бўлган эдиямки, бу ҳаракат қанчалик тез бўлмасин Леонсия сезди ва орқа-сида ким турганини билиш учун шамсияни бир оз олдин-га энгаштириб орқасига қаради. Фироқ азобидан ажаб-ланиш ҳиссини ҳам йўқотиб қўйган Леонсия Френсис Мррганнинг хотини билан гўё улар бир соат олдин аж-ралган кишилардек саломлашди. Ҳатто ханжар ҳам унда на қизиқиш, на кўркув ҳиссини уйғотди. Балки ана шу туйғулардан бирортаси намоён бўлганда ракиби ханжарни унинг юрагига санчган бўлармиди. Шу тариқа малика фақат:

— Сен пасткаш аёлсан! Пасткаш, пасткаш!—дея хитоб қила олди, холос.



Бунга жавобан Леонсия елкасини кисди-да:

— Яхшиси, офтоб тушмасин десангиз шамсияни туғри ушланг,— деди.

Малика Леонсиянинг орқасидан рўпарасига ўтк) рақибасига бошдан оёқ разм солди. Ғазаб ва рашк алангасида куяётган малика бирор сўз айтишга ожиз эди.

— Нега мен ёмон экакман?— узок жимликдан сўнг Леонсия биринчи бўлиб гап очди.

— Чунки сен ўғрисан!— нафрат билан деди малика.— Чунки сен ўз эринг була туриб бошқа эркаларни ўғирлайсан. Чунки сен ҳеч бўлмаганда кўнглингда эринг-га содиқ эмассан: бундан ортиқроқ хиёнат қилишга им-кониятинг бўлмаган.

— Менинг эрим йўқ,— Леонсия хотиржам эътироз билдирди.

— Эринг бўлмаса қаллигинг бор... Ахир биз кетгач^ эртасига никоҳ, ўқитмоқчи эдиларинг-ку!

— Қаллигим ҳам йўқ,— деб дазом этди Леонсия ўша хотиржамлик билан.

Малика шу қадар ғужанак бўлиб, юзида шундуи кескинлик акс этдики, Леонсия уни беихтиёр шерга ў:-шатди.

— Генри Морган-чи?—деб бақирди малика.

— У менинг биродарим.

— Бу сўз, Леонсия Солано, жуда куп маънода иш-латилади. Энди мен буни биламан. Нью-Йоркда қандайдир тушуниб бўлмайдиган маъбудаларга сажда қилади-ган, дунёдаги ҳамма эркаларни «биродарлар», ҳамма аёлларни «опа-сингиллар.» деб атайдиган кишилар бор.

— Генрининг отаси менинг отам,— Леонсия унга сабр-тоқат билан тушунтирди.— Унинг онаси менинг, ҳам онам эди. Биз туғишган ака-сингилмиз.

— Френсис-чи? деб сўради малика кўнглида бир-дан қизиқиш пайдо бўлиб.— Унинг ҳам сингисимисаи?

Леонсия бош чайкади.

— Демак сен Френсисни севар экансан-да?—хитоб қилди малика аччиқ умидсизлик билан.

— Ахир у сизники-ку,— деди Леонсия.

— Йўқ, сен уни менадан тортиб олдики.

Леонсия оҳиста ва ғамгин бош чайқаркан, шундай маъюслик билан узок-узокларга — куёш нурида куяётган Чиркиви кўрфазига тикилди.



Узоқ жимликдан сўнг у ҳорғинлик билан гапирди:

— Хоҳласангиз бунга ишонинг. Хоҳлаган нарсан-гизга ишонаверинг.

— Сенинг қанақалигингни дарров билиб олгандим,— деб хитоб қилди малика. — Сенинг эркаларни ром қи-ла оладиган хусусиятинг бор. Мен ҳам аёлман, ҳам чи-ройлиман: бу ерда, катта дунёда эркалар менга ҳам суқланиб боқишади, мен буни сездим. Севимли бўлишим мумкинлигини биламан. Ҳатто Адашган, Жонлар Водий-сидаги доим ерга қараб турадиган ночор эркалар кў-зида ҳам ўзимга муҳаббат борлигини сезганман. Улар-дан бири бу ҳақда айтишга ботинган эди — мени деб, тўғрироғи менинг дастимдан ўлиб кетди: у гирдобга ташлаб юборилди. Аммо сен Френсисни ўзинга шунча-лик мафтун этгансанки, менинг кучоғимда бўлса ҳам хаёли сенда. Мен буни биламан. Ҳа, ўшанда ҳам сени ўйлашини биламан!

Бу сўнги сўзлар эҳтирос чулғаб олган ва ғам-ғус-сага тўла қалб хайқириги эди. Шундан кейинги дақиқа-да малика ўтакетган лоқайдлиги туфайли таажжубла-ниш қобилиятини йўхотган Леонсияни хайратга солол-май, ханжари қўлидан тушиб, қумга ўтириб қолди ва юзини хўллари билан беркитганча, хўнграб юборди. Леонсия ланжлик ва мутлаҳо беихтиёр равишда унинг елкасидан қучиб юпата •бошлади. Малика хотиржам бўлгунча анча вақт ўтди.


— Френсис сени севишини билган захотим уникадан чиқиб кетдим,— деди ҳатъий оҳангда.—Унинг ётоҳхонасида турган суратингга ханжар санчдим у сенинг ўзингни ҳам ўлдириш учун бу ерга келдим. Лекин мен ноҳақ эканман. Ахир бунда сенинг ҳам, Френсиснинг ҳам гуноҳи йўқ. Унинг муҳаббатини ҳозонолмаган эканман, бунга мен ўзим айбдорман. Сен эмас, мен ўлишим керак. Аммо мен аввал ўз водийимга бориб, тошларимни олиб келишим керак. Френсис ҳозир катта ташвиш билан юрипти, чунки Уолл-стрит дегац эҳромда турадиган худо унга ғазаб Ёкиляпти. У Френсиснинг ҳамма бойлигини тортиб олмоқчи, ўз бойлигини сақлаб ҳолиши учун Френсисга яна бошқа бойлик керак. Менда эса бундай бойлик бор. Ваҳт бекорга ўтмасин. Сен ва қариндошларинг менга ёрдам берасизларми? Узим учун эмас, Френсис учун!



## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Шундай қилиб, Адашган Жонлар Водийсига хазина изловчиларнинг икки группаси тоғлар оша ..икки томон-дан кириб кела бошлади. Бир томондан малика, Леон-сия, Генри Морган ва бутун Соланолар оиласи тез келмоқда. Олдин йўлга чиққан бўлса ҳам уларга нис-батан секи'нроқ ҳаракат қилиб Торрес ва полиция бош-лиғи группаси келяпти. Торрес тоққа етиб келгач, ундан утиш осон бўлмаслигини тушунди. Ғорга кириладиган жойни гюртлатиш учун у тахмин қилганидан кўпроқ ди-намит кетар экан: қоялар жуда мустаҳкам эди. Ниҳоят ул-ар қоянинг -бир қисмини портлатишди, тешик пайдо бўлди-го, лекин сув сатҳидан баланд бўлганлиги учун сув оқиб чиқиб кетолмасди. Қояни яна портлатишга тўғри . келди. Улар конкистадорларнинг мумиёланган жасаdlари сувда сузиб юрган ғорга киришиб, сўнг тор йўлакдан худо ва маъбуда турган залга ўтишгач, яна бир марта портлатишга тўғри келди. Аммо яна'олга бориш — тоғ қаърига киришдан олдин Торрес Чианинг ёхут кўзи билан Хцатцлнинг зумрад кўзларини ўғир-лади.

Бунгача малика билан унинг ҳамроҳлари водийга қа-рама-қарши томондан тўсиб турган тоғ оша, деярли қийинчиликсиз ўтиб олишди. Улар водийдан чиқиб кет-ган йўлдан бошқа бир йўлдан боришаётган эди. Кўп йиллар давомида Ойнаи Жаҳонни қурган малика ҳар бир қарич йўлни биларди. Ер ости дарёси қоя' тагида ер тагига кириб, сўнг Гуалака дарёсига қуйиладиган жойда қайиқларни қолдиришга тўғри келди. Эркаклар малика билан бирга атрофни кўздан кечириб, деярли тик қоя ғорга кириладиган, буталар яшириб турган тор йўлакни топишди; бу йўлакни унинг қаердалигини бил-ган кишигина топа олиши мумкин эди. Саёхатчилар қа-йиқларни арқон билан боғлаб; ғорга тортиб киритишди, сўнгра уни қинғир-қийшиқ йўлакдан елкаларида кута-, риб бориб, ер ости дарёси анча кенгайиб тинч оқадиган жойда сувга туширишди, бу ерда оқимга қарши сузиш мумкин эди. Оқим жуда тезлашган баъзи жойларда улар қирғоққа чиқиб, қайиқни арқон билан тортишар-ди: Даре тоғ қаърига шўнғиган жойларда эса, малика, чамаси қадим замонларда инсон қўли билан қазилган йўлакни кўрсатарди. Бу йўлаклардан улар енгил қайиқни қийналмай олиб ўтишди.



— Бу ерда қайиқларни ташлаб кетамиз, — деди малика; эркаклар эса машъалларнинг лопиллаб турган шуъласида қайиқларни сув четигаги тошларга боғлаб қўйишди.— Озги'на йўл қолди. Бу қолган йўлак бизни тик қоядаги кичик тешикка олиб боради. Тешик-ни қирққулоқ ва ёввойи ток кўмиб ташлаган. Уша ер-дан бир вақтлар қўл бўйида турган уйимнинг ўрнини кўрамиз. Кейин арқонга осилиб пастга тушамиз, унча баланд эмас, эллик футча, кўп эмас.

Электр фонарь кўтариб олган Генри олдинда, ёнида малика, чол Энрико эса Леонсия билан энг орқада бо-ришарди. Улар бирор қўрқоқ пеон ёки қайиқчи хинд қочиб қолмасин учун орқада хушёр боришарди. Аммо улар тешик бўлиши мўлжалланган жойга етиб борган-ларида у ерда тешикдан нишон кам йўқ эди. Йўл пастдан юқоригача катталиги муштдек келадиганидан тортиб, қиндилар уйидек келадиган тошлар билан кў-милиб қолган эди.

— Буни ким қилдйкин? — деб ғазабланди малика.

Лекин Генри- тезда у ёқ-бу ёқни қараб, уни тинч-лантирди:

— Буни ҳеч ким қилмаган, бу кўчки,— деди у.—

Юқоридаги қатлам тушиб кетган. Динамит ёрдамида бу тўсиқни тезда олиб ташлаймиз. Яхшиям динамит олган эканмиз.

Бирод йўл очишга озмунча вақт кетмади. Шу куни кечгача ва туни билан ишлашга тўғри келди. Генри бошқа қатламларнинг кўчиб тушишидан қўрқиб, порт-ловчи моддани оз-оздан кўярди" Эрталаб соат саккизда навбатдаги динамит шашкасини портлатишганда ёриқ пайдо бўлди.ва улар олдинда кундузги ёруғни кўришди. Шундан кейин улар янаям эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. Ниқоят йўлни бекитиб турган вазни ўн тонна-ча келадиган битта тош қолди. Тошнинг икки томонида очиқ оралиқ бўлиб, унга қўл тикиб ва ҳатто қуёш таш-қарида қанчалик қиздираётганини сезиш мумкин эди-ю, лекин ташқарига чиқишнинг иложи йўқ эди. Тошни сил-житишга уринишлар беҳуда кетди — тош қимирларди-ю ўрнидан силжимасди. Шундан кейин Генри портлаш тўлқини тошни водийга кулатиб юборади деган умидда яна динамит қўймоқчи бўлди.

— Меҳмонлар келаётганини Адашган Жонлар сезган бўлсалар керак: орқа йўлакдан ўн беш соатдан буён





эшик қоқапмиз-да,  
ахир,-диришга  
тайёрланаётиб.

деб кулди Генри пиликни ён-

Катта уй рўпарасидаги Илоҳий Қуёш эҳроми олдида тўпланган Адашган Жонлар Водийсининг барча аҳоли-си чиндан ҳам чакирилмаган меҳмонларнинг яқинлаша-ётганини даҳшат билан сезиб турарди Уларнинг кел-гиндилар билан сўнгги учрашуви — кўл\* бўйидаги уй ёниб кетгани, маликанинг ҳалок бўлгани шунақаям кўнгилсиз эдики, ҳозир улар Илоҳий Қуёшдан бошқа меҳмон юбормасликни илтижо қилишарди. Шу билан бир вақтда коҳиннинг эҳтиросли даъватларига учиб, бу сафар водийга кимки келса, гап-сўзсиз дарҳол ўл-диришга қарор қилишди.

— Ҳа'тто да Васконинг ўзи бўлса ҳам! — деб хитоб қилди коҳин.


— Ҳатто да Васконинг ўзи бўлса ҳам! — дея хитоб билан такрорлашди Адашган Жонлар.

Уларнинг ҳаммаси найза, чўкмор, ўқ-ёй билан ку-ролланган ва келгиндиларни кутиб, эҳром олдида сид-қидилдан ибодат қилишарди. Деярли ҳар дақиқада кўл бўйидан чопарлар, тоғ гулдураяпти, аммо ҳеч ким кў-рингани йўқ, деган бир хабарни олиб келарди.

Утган сафар Леонсияни кутиб олган, Катта уйда яшайдиган қизалоқ келгиндиларни биринчи бўлиб курди. Бутун қабиланинг эътибори кўл устидаги тоққа қа-ратилган бўлиб, келгиндиларнинг қарама-қарши томон-да пайдо бўлишини ҳеч ким кутмаган эди

— Да Васко! — деб кичқирди қиз. — Да Васко!

Ҳамма қиз кўрсатган томонга қаради: Торрес, поли-  
ция бошлиғи ва уларнинг тўдаси энди ялангликка чи-қишган бўлиб, эҳромга эллик метрча масофа қолганди. Торрес мумиёлар ғорида қуриб қотиб қолган бобока-лонининг бошидан олган дубулгани кийиб олганди. Меҳмонларни ўқ ёмғири билан шодиёна кутиб олишди, бу ўқлар икки кишини кулатди. Дарҳол Адашган Жонлар— эркаклар ва аёллар ҳужумга ўтишди. Аммо шу пайт полициячилар ва Торреснинг милтиқлари сайрай кетди. Босқинчилар яқин масофадан бундай ҳужумни кутишмаган эди, кўп Адашган Жонлар ўқ еб кулаган бўлса ҳам, кўпчилик душманга етиб олди ва кескин Қўл жанги бошланди. Бу дақиқада милтиқнинг афзаллиги



қолмади деярли ва адашган Жонларнинг найзаси оз-мунча жандарм ва бошқа экспедиция қатнашчиларини тешиб ўтмади, уларнинг чўкморлари эса ўнгу сўлдаги душманлар бошини пачақлар эди

Шунга қарамай, Адашган Жонлар улоқтириб таш-ланди —тўппончадан яқин масофада ҳам отиш мум-кии-да-^тирик қолганлар қочиб Қолишди. Аммо кел-гиндилар ҳам оз курбн беришмади: уларнинг ярми ерда ётар, қабила аёллари эса улар узоқ қийналмас-ликлари учун кўлларида келганини қилишган эди.

Полиция бошлиғи қўлига санчилган ўқни суғуриб олишга ур'иниб, оғрих зўридан инграрди. Лекин унинг ҳаракат-лари бефойда эди, Висенте ўқнинг ўткир учини кесиб ташлагандан кейингина ун,и суғуриб олиш мумкин бўл-ди. Торрес эса, чўкмор теккан қўли зирқираб оғриётга-нини ҳисобга олмаса, умуман бир оз кўрхув билан ку-гулиб қолган эди; у ерда чўзилиб ётган коҳинни кўриб, қувончдан сакраб юборай деди: чол ҳизининг оёғига бош қўйганча жон берарди.

Ярадорлар медицина ёрдамига муҳтож, эмасликла-рини курган Торрес билан полиция бошлиғи отряд қол-диғини.кўл томонга бошлади ва кирғоқ бўйлаб малика уйининг харобасига етиб боришди. Фанат сувдан чиқиб турган куйган козиқларгина илгари уй бўлган жойни кўрсатиб турарди. Буни кўриб Торрес саросимага тушиб қолди, полиция бошлиғининг эса ғазаби қайнаб кетди.

— Ахир хазина солинган сандиқ мана шу ердаги уйда эди-да!—деб тўнғиллади Торрес дудуқланиб.

— Сомон ичида игна қидир энди!—деб тўнғиллади полиция бошлиғи.— Сеньор Торрес, олдин ҳам гумон қилиб юрардим, сиз аҳмоқсиз!

— Уй ёниб кетганини мен қаёқдан билай?

— Билишингиз керак эди! Ҳамма нарсани биламан деб мақтанасиз-ку! — Полиция бошлиғи заптига олди.— Лекин мени аҳмоқ қила олмайсиз. Сизни анчадан буён кузатиб юрибман. Маъбудларнинг кўзидан зумрад ва ёқутларни ўғирлаганингизни кўрганман. Марҳамат қи-либ, ярмини буёкка чўзинг, ҳозирок!

' — Марҳамат қилиб бир оз кутинг. Жиндек сабр қилинг! — деб ялинди Торрес. — Аввал кўрайлик-чи. Албатта сиз билан баҳам кўраман, аммо бутун бир сандиқ хазина олдида тўртта тош нима деган гап! Уй мустақкам эмас, енгилгина эди. Том кулаб тушганда сан-  
338.9 •





дик сувга тушиб кетган бўлиши мумкин. Қимматбаҳо тошлар сувда бузилмайди.

Шеф ўз одамларига куйган устунлар атрофини тек-ширишн буюрди, булар — бири сув кечиб, бирови су-зиб, гирдобдан эҳтиёт бўлишиб, саёз жойларни кидириб чиқишди. Сандикни сув тиззадан келадиган -қирғоққа яқин жойдан индамас Аугустино топди.

— Мен қаттиқ нарса устида турибман, — деди у.

Торрес энгашиб, Аугустино турган нарсани пайпас-лаб курди'.

— Бу сандиклигига ишончим комил,— деди у.—

Қани, ҳамманг бу ёққа кел! Ҳамманг! Қирғоққа олиб чикинлар — нима борлигини кўрамиз.

Аммо сандикни қирғоққа олиб чиқишиб, Торрес энди қопқоғини очмоқчи бўлиб турганда полиция бошлиғи уни тўхтатди.


— Сувга тушинлар!—деб буюрди у ўз одамлари га. — У ерда бунақа сандиклардан кўп, уларни топиш керак, бўлмаса экспедиция вақтни бекорга ўтказган бўлади. Бунақа сандикнинг биттаси бутун харажатларимизни қоплармиди?!

Ҳамма сувга тушиб шўнғиб, кўл тубини кидира бошлаганда Торрес қопқоқни очди. Полиция бошлиғи чакмоқ урган одамдай қотиб турарди. У фақат сандик-қа тикилар ва нималардир деб гўлдирарди.

— Хўш, энди менга ишондингизми?—деб сўради Торрес.— Бу хазина бебаҳо! Энди биз иккаламиз Панамада, Жанубий Америкада, бутун дунёда энг бадавлат одамлармиз! Бу майялар хазинасининг ўзгинаси. Бу ҳақда болалик вақтимиздаёқ эшитган эдик. Ота-боболаримиз шу хазинани орзу қилишган. Қонкистадорлар уни топиша олмаган. Энди бу хазина бизники! Бизники!

Улар донг қолиб ўз бойликларига махлиё бўлиб ту-ришганда жандармлар бирин-кетин сувдан чиқишди ва индамай уларнинг орқасида ярим доира бўлиб тизили-шиб, сандикқа тикилиб қолишди.

Ун қадам наридан отилган ёй ўқи ўлдирмай қўймай-ди, айниқса ўқчининг пухта нишонга олишга вақти бўл-са. Хазина изловчиларнинг учдан икки қисми Адашган Жонлар ўқидан қулади. Торреснинг бахтига унинг орқасида турган Висентенинг курагига кам деганда бир йўла икки найза ва бешта камон ўқи қадалди. Тирик қолган бир тўда одам милтиқларини олиб, хужум қи-



лаётганлар томонга ўгирилиб улгурмаслариданок ра-киблари чўқморларини ўйнатганча уларга ташланишди.

Рафаэль билан Игнасио — Хучитан нефть даласида-ги тўқнашувда қатнашган ўша икки жандармнинг шу ,замони бошини ёришди. Адашган Жонлар қабиласининг аёллари эса, аввалги сафардагидек, ярадорлар узок кийналмасликлари учун жон куйдиришди.

Торрес билан полиция бошлиғининг бир неча ми-нутлик умри қолган эди, бирдан кўл устида, тоғ қаъри-да кулоқни қоматга келтирувчи гумбурлаш эшитилиб, кўчки шовқини хужум қилувчилар эътиборини чалғитди. Юкоридан жанг майдонига катта тош думалаб тушди. Аҳвол дарров ўзгарди. Тош тушганда омон қолган бир неча Адашган Жон даҳшатга тушиб, кучларининг бо-рича буталар орасига қочди. Воқеа содир бўлган жойда полиция бошлиғи билан Торресгина қолди. Улар тепага, ҳамон тутун чиқиб турган қояга қараб, ёруғ орасидан чиқиб келаётган Генри. Морган билан маликани кўриб қолишди.


— Сиз хонимни нишонга олинг,— деди полиция бош-лиғи,— мен ўша гринго Морганни ер тишлатмай Қўй-майман, бу сўнгги милтиқ отишим бўлса ҳам — хаёти-миз охирлаб қолганга ўхшайди ўзи.

Иккаласи милтиқдан ўқ узди. Ҳеч қачон яхши мер-ган саналмаган Торрес, уни қарангки, маликанинг нақ юрагига урибди. Аммо ажойиб ўқчи ҳисобланган, мер-ганлиги учун бир неча медаль олган полиция бошлиғи бу гал тегиза олмади. Уша заҳоти Генри отган ўқ унинг кўлини тешиб ўтди. Шефнинг милтиғи ерга тушганда у энди ҳеч қачон кўлига милтиқ ололмаглигини тушунди.

Аммо Генри ҳам бу гал уста мерганлик қила олмади. Бир кеча-кундуз горда қоронғилиқда бўлгандан кейин кўзлари қуёш нурига бирдан ўргана олмаган эди.

Унинг биринчи ўқи хато кетмади; лекин кейин қанча ўқ отмасин на Торресга, на полиция бошлиғига тегиза олди. Улар шартта бурилдилару телбалардай югурган-ча буталар орасига уришди ўзларини.


Ун минутдан кейин, Торреснинг кўзи олдида, Адашган Жонлар қабиласидан бир аёл дарахт панасидан чиқиб, олдинда бораётган ярадор полиция бошлиғининг бошига тош билан уриб, пачақлаб ташлади уни. Торрес аёлни отиб ташлади, сўнг даҳшат билан чўқиниб, қоқи-ла-суқила қоча кетди. Узокдан уни таъқиб қилиб келаёт-



ган. Геири ва ака-ука Соланоларнинг овози келди, 'шу пайт у Ойнаи Жаҳонда курган ва охиригача кўрмаган нарсаларини. эслади. Наҳотки шу тариқа ўлиб кетавёр-са? Аммо бу дарахтлар, бу тиканли буталар, бу чангал-зор Ойнаи Жаҳонда курган жойига сира ўхшамасди. У ерда ҳеч қандай ўсимлик йўқ, яйдоқ қоялару ҳайвонлар суяги бор эди. Торреснинг калбида яна унид учқуни пайдо бўлди. Балки уни ўлим бутун, балки бу йил кут-маётгандир? Ким билади, пешанасига яна иигирма йил яшаш ёзилгандир. I Торрес ўрмондан чиқиб, олдида қотиб қолган лава билан қопланганга ўхшаш ялангликка дуч келди. Бў-нақа: жойда из қолмайди— Торрес бу жойдан оҳиста ўтиб, яна дарахтлар орасига шўнғиди; у энди кутўлиб кетдим деб ўйларди. Аста-секин қочиш режасини туза бошлади; қоронғи тушгунча яшириниб ётадиган пана жой топади, қоронғи тушгач кўлга, ўпқон бор жойга қайтиб боради. У ерда Торресни ҳеч ким тўхтата ол-майди. У сувга сакрайди-да кутулиб кетади. Ер ости дарёсида иккинчи марта сафар қилиш энди уни чў-читмас эди. Тасаввурида яна кўнгилли манзара намбен бўлди: Гуалака дарёси куёш нурида ярқираб денгиз томон оқяпти. Энди унинг Чиа билан Хцатцл кўзидан олган иккита катта ёқути ва иккита зумради бор! Шу-нинг ўзи бутун бир бойлик, бойлик бўлганда-о^ам чака-на эмас. Майли, майялар хазинасини кўлга киритиб, дунёда энг бадавлат одам бўлиш насиб қилмаган экан, шу тўрт тошнинг узи ҳам етади. Ҳозир Торрес тезроқ қоронғи тушишини кутарди, ана ўшанда сўнгги йарта ўпқонга сакрзйди, ер ости дарёси бўйлаб тоғ қаъридан сузиб боради ва Гуалака дарёсига чиқиб олади.

Бу манзарани Торрес шунчалик аниқ тасаввур қил-дики, қаёққа кадам қўяётганини кўрмай, мувозанатини йўқотиб пастга сирғаниб тушиб кетди. Лекин у тўлқин-лар қўйнига эмас, тик қоядан пастга тушиб кетди. Қоя шу қадар силлиқ эдики, у шувиллаганча пастга тушиб борарди, лекин у қояга юзи билан ўгирилиб олди ва оёқлари, тирноқлари билан бирор нарсага илашиб қо-лишга жон-жаҳди билан уринарди. Бироқ ҳамма ҳа-ракатлари беҳуда кетди. Тўғри, энди у секинроқ сйр-ғаниб борарди, лекин бирор нарсага тирмашиб ўзини тўхтата олмасди.

Торрес дара тубига тушгач, бйр неча мйнут Деярлй



нафас олмай, қушсиз ётди. Узига келиб, кўлида ғалати бир нарсани сиқимлаб турганини сезди. Бу тиш экан-лигига қасам ичиши мумкин эди. Ниҳоят бутун кучини ва иродасини тўплаб кузини очиб қарашга ботинди— ўша захоти энгил нафас олди: кўлидаги ҳақиқатан ҳам чўчка тиши бўлиб, куёш нури ва шамолдан оқариб кет-ганди, ёнида эса чўчка жағи ётарди. Атрофи ва остида' суяк уюмлари ётарди; атрофга қараб булар чўчка ва бошқа майда ҳайвонлар суяги эканлигини курди.

Шунча суякни қаерда кўрганийди?.. Торрес ўйлаб-ўйлаб, маликанинг катта олтин қозонини эслади, Е худо! Уша жойнинг ўзи! У бошини кўтариб, бу чуқурни дар-ров таниди. Унинг тепасигача камида икки юз фут ке-лади! То тепага чикқунча теп-текис, тик қоя! Торрес бир қарашдаёқ ҳеч қандай жондор бундай чуқурдан чиқиб кета олмаслигини тушунди.

Торрес хотирасида жонланган олтин қозондаги ман-зара тасаввури уни ўрнидан туриб, шошилиб атрофга қарашга мажбур қилди. Тўсатдан у тушиб қолган қоп-кон унга кумда ўргимчак кўядиган ва ўзи тубида ўлжа пойлаб ётадиган қопқон-тўрга ўхшар, фақат ундан миллион баравар катта эди. Қизиган калласида шу чу-қурга яраша катта ўргимчакка ўхшаш махлуқ уни ўлжа қилиш учун пойлаб ётгандир деган фикр туғилди. Бу фикрдан баданлари жимирлаб кетди. Аммо унинг кўр-қиш'и ўринсиз эди. Қудуқнинг туби дум-думалоқ бўлиб, диаметри ўн футча келар ва қандайдир майда ҳайвонлар суяги қалин қатлам бўлиб ётарди. «Қизик, қадимги майялар бунақа чуқур қудуқни нима билан қазиган экан?» —деб ўйлади Торрес. У ўзи тушиб қолган қопқон инсон кўли билан қилинганига шубҳа қилмасди.

Қоронғи тушгунча Торрес юқорига чиқиш учун камида ўн марта уриниб курди ва бунинг иложи йўқлиги-га ишонч ҳосил қилди. Юқорига чиқишга жон-жаҳди билан қар сафар урингандан кейин, бахтига куёш оғиб боргани сайин катталашаётган сояда жазирама офтоб-дан яшириниш учун уч букланиб, оғир нафас олиб ва жазирама ҳамда ташналикдан ёрилиб кетган лабларини ялаб ётарди. Бу ер худди тандирдай иссиқ эди — бада-нидан тер билан бирга сўнгги қаёт шарбаги чиқиб ке-таётганини сезарди. Тунда, қандай қилиб қутулсам экан, деб бош қотириб, бир неча марта уйғониб кетди. Бу ердан фақат юқорига тармашиб чиқиб қутулиш



мумкин, аммо қандай қилиб? У тонг отишини даҳшат билан кутарди, чунки бундай жазирамага ҳеч ким ўн соат чидай олмаслигини биларди. Яна тун кирмасданоқ унинг баданидаги сўнгги намлик буғланиб кетади ва қуёш уни буришган, қуришган мумиёга айлантириб юборади.

Тонг отиши ундаги қўрқувни кучайтирди ва ўлим-дан қутулиб қолишнинг янги ва жуда оддий усулини топишга ёрдам берди. У тепага тирмашиб чиҳа олмас, деворни тешиб ўта олмас экан, демак бирдан-бир йўл қудук тубида бўлиши керак. Вой аҳмоқ! Ахир тунда, салқин вақтда ишлаши мумкин эди-ку, энди бўлса қуёш соат сайин баттарроқ қиздираётганда ишлашинг керак. У уқаланиб кетаётган суякларни жон-жаҳди билан ков-лай бошлади. Ҳа, албатта бу ерда пастга йўл бўлиши керак. Акс ҳолда ёмғир суви қаёққа кетади? Сув оқиб кетадиган йўл бўлмаса ёмғир суви қудукни тўлдириб юборар эди. Вой аҳмоқ! Уч қарра аҳмоқ!


Торрес суякларни қарама-қарши томонга ирғитиб, девор тагини қазий бошлади. У шу қадар жон-жаҳди билан қазир ва шу қадар шошилар эдики, тирноқлари синиб, бармоқлари қонаб кетди. Лекин унда ҳаётга интилиш зўр ва қуёш билан бу мусобақа ҳаёт-мамот олишуви эканини биларди. У қазиган сайин суяклар қатлами маҳкамроқ бўлиб борарди, суякларни милтиқ учи билан синдириб, сўнг майдаланган суякни ҳовучлаб олиб ташлашга тўғри келди.

Тушда, иссиқдан калласи ғовлао~кетганда бир нарса кашф қилди. Қоянинг у тозаллаган қисмида ча-маси пичоқ билан ўйиб ёзилган қандайдир ҳарфлар пайдо бўлди. Торрес умид билан, бошини қўлтиғигача ўзи қазиган чуқурга тикиб, ит каби суякларни тимда-лаб майдалаб, орқага чиқариб ташлай бошлади. Улар-нинг бир қисми четга улоқтирилар, бир қисми — кўпро-ғи, қайтиб яна Торреснинг устига тушарди. Аммо у шундай берилиб кетган эдики, иши беҳуда кетаётган-лигини сезмасди.

Ниҳоят у ҳамма ёзувни тозалаб ўқиб чиқди:

Г л а з г о л и к П и т е р М а к - г и л ! 1829 й и л . 12 м а р т .

У з и м т о п и б , қ а з и б о ч г а н ш у й ў л о р қ а - л и Ш а й т о н қ у д у ғ и д а н ч и қ и б к е т д и м .




Йўл! Демак шу ёзувдан пастроқда йўл бўлиши ке« рак! Торрес ғазаб билан яна иш бошлади. Чанг ва тупроқ билан шу қадар булғаниб кетдики, улкан кала-. муш ёки шунга ўхшаш тўрт оёқли махлукни эслатарди, Тупроқ тез-тез кўзига тушар, бурни ва томоғига тики-лар — ана ўшанда чуқурдан чиқиб акса урар ва йўта-лар эди. Икки марта у ҳушидан кетди. Лекин бу вақт-да нақ тепасига келиб қолган қуёш уни яна ишга ту-тинишга мажбур қиларди.

Ниҳоят у йўлнинг бир четини очишга муваффақ бўлди. Лекин у яна қазиб, йўлни бутунлай очмади. У ўзининг ориқ танаси сиғадиган бўлиши биланоқ, қуёш нуридан тезроқ пана бўлиш учун буралиб-буралиб ич-қарига кирди. Қоронғилик ва салқинда бир оз ўзига келди. Лекин қувончли ҳаяжондан сўнг латтадек бўша-шиб қолди, юраги шунақаям тез ура бошладики, у учинчи марта ҳушидан кетди.

Ўзига келиб, шишиб қорайиб кетган лабларини зўрға қимирлатиб қандайдир дуони ўхиганча йўлақдан эмаклаб кетди. Йўлак шунақаям паст эдики, ҳатто мит-ти-пакана одам ҳам қаддини ростлаб юролмасди, шу сабабли у деярли эмаклаб юришга мажбур бўлди. Тор-реснинг остида суяклар қарсиллаб майдаланарди, бу суякларнинг ўткир синиклари оёғи'ни кесаётганини сез-ди. Шу тариқа у кундузги ёруғ шуъласини кўргунича тахминан юз футча юрди. Лекин қутулиш жойи яқин-лашгани сайин Торрес тобора секинроқ илгарилаб бо-рарди, у ҳолдан тояётганини сезарди: бу чарчаганидан ёки очлигидан эмас, асосан ташналиқдан эди. Сув, бир неча қултум сув бўлса — яна унга куч кирган бўларди. Аммо сув йўқ эди.

Ёруғ эса тобора равшан була борарди. Торрес эса тобора унга яқинроқ эмаклаб борарди. Тез орада у йўлак ўттиз даража қиялик билан пастга тушганини сезди. Энди олдинга юриш осонлашди. Торрес пастлик-ка сирганиб тушар, кучдан қолаётган танасини замин-нинг тортиш кучи пастга, ёруғ тушаётган томонга суд-рарди. Тешикка яқинлашганда суяклар кўпайди. Лекин бу Торресни ташвишга солмади — у суякларни кўриб ўрганиб қолган, бунинг устига бу ҳақда ўйлашга ма-дори ҳам етмасди шу топда.

Гарчи кўз олди жимирлаб, бармоқлари сезгирлиги-. ни бутунлай йўқотган бўлса-да, у йўлак торайиб бо-.



раётганига эътибор берди. Торрес ҳамон ўша ўттиз даража қияликдан пастга сирғаниб бораркан, бирдани-га бу йўлак каламуш қопқони, ўзи эса бошини олдинга қилиб номаълум томонга сурғалиб бораётган каламуш деган фикр келди. Ташки оламга чиқадиган, кун ёруғи тушиб турган тешикка у етиб бормаёқ, тешик жуда тор, сиғмасам керак, деб ўйлади. Унинг бу хавфсираши асосли бўлиб чиқди. Ҳеч нарсени ўйламай, у эркак киши суяклари эканлигини дарҳол сезган суяклар усти-дан ўтиб, қулоқларини қашқа қилиб тор тешикдан бошини ташқарига чиқарди. Қуёш унинг юзини аёвсиз қиздирарди, у эса буни сезмай, кўз олдида ястаниб ёт-ган кенгликка очкўзлик билан тикилар, бераҳм қоя. Эса унинг ўша кенгликка чиқишини истамас эди.

Бор-йўғи юз ярдча нарида дов-дарахтларни оралаб шилдираб оқаётган ирмоқни кўришнинг ўзи ақлдан оз-дириши мумкин эди. Ут қоплаган ён бағирлик тўғри ирмоққача борарди. Ирмоқда, дарахтлар соясида Адаш-ган Жонлар Водийсида курган каби митти зотли сигир-лар тиззасигача сувга тушиб, бамайлихотир турарди; улар пашшаларни ҳайдаб, эринчоклик билан думлари-ни силкитиб, оёқларини кўтариб қўярди. Торрес уларга нафрат билан қаради: улар сувдан истаганларича ичи-ши мумкин, лекин, чамаси, улар чанқаган эмас. Фаро-сатсиз махлуқлар! Атрофида шунча муздек сув ту-риб ичмай бўладими!

Бирдан сигирлар ҳушёр тортиб ббшларини бурди: дарахтзор ичидан катта кийик чиқиб келди. Сигирлар шохларини эгиб, туюқлари билан сувни тепа бошлади, сувнинг шалополагани Торресга эшитилди, лекин кийик уларнинг норозилигига қарамай, бошини эгиб сув ича бошлади. Бу энди чидаб бўлмайдиган манзара эди: Торреснинг оғзидан телбаларча бакириқ отилиб чиқди, агар шу вақтда ақли жойида бўлганда ўз овозини ўзи танимаган бўларди.

Кийик қочиб кетди, сигирлар эса даҳшатли қичқи-рик эшитилган томонга қарашди-да, сўнгра кўзларини юмиб, вақти-вақти билан думи билан пашшаларни ҳайдаб, боягидек мудрай бошлашди. Торрес қулоғи узилиб кетишини ҳам ўйламай, бошини зарб билан тортиб ичкарига олди-да, суяк устига беҳуш йиқилди.

Икки соатдан сўнг — қанча вақт ўтганидан унинг ўзи " беҳабар бўлса ҳам — Торрес кuzини очиб, бош



суягига юзини қўйиб ётганини курди. Ботиб бораётган қуеш нури тор тешик орқали тушиб турарди, бирдан Торреснинг олдида занглаган пичоқнинг тиғи ялтираб кетди; пичоқ тиғи қайилиб, синиб кетган эди, нима учун шундай бўлганини Торрес дарров тушунди. Бу — ер ости йўлкаси оғзидаги қояга ҳарфларни битган ўша пичоқ, тагидаги суяклар эса ўша хат ёзган одамнинг қолдиқлари эди. Шундан кейин Альварес Торрес бу-тунлай ақлдан озди.

— Ҳа-а, Питер Мак-Гил, менинг душманам сенми-сан ҳали?

— деб ғулдиради у. — Глазголик Питер Мак-Гил, сотқин! Сен

мени атайлаб шу йўлақдан охиригача судралишга мажбур қилдинг! Мана сенга! Мана! Мана! Шундай деб оғир пичоқни мўрт бош суягига санчди. Бир вақтлар Питер Мак-Гилнинг мияси сақланган суяк дан кўтарилган чанг Торреснинг димоғига

урилиб, бат-тар жаҳлини чиқарди. У скелетга ташланиб, суяклари-ни бир-бирдан ажратиб ота бошлади. Бу жангга'

ўх-шарди. Бу жангда Торрес бир вақтлар Глазгода яшаган одамнинг қолдиқларига қирон келтирди. Қоронғилик қўйнига

кираётган дуне гўзаллигини яна бир томоша қилиш учун

Торрес яна тешикдан бошини чиқарди. У қадимги

майяларнинг каламуш қопқонига бўйнидан илинган каламушдай гўзал оламнинг зулмат .қўйнига чўкаётганига қараб

турар, куннинг тугаши билан бирга унинг ақл-фаросати ҳам зулмат , «.ўйнига шўнғиб борарди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Ҳамкасблари Риганни Уолл-стритнинг Бўриси деб атаганлари бежиз эмасди. Одатда у биржада жуда . оҳиста, лекин чинакамига ўйнар, лекин вақти-вақти билан худди узлуксиз . ичадиган пиёнистадек дадил ва мислсиз авантюра бошлар эди. Узоқ йиллар донг тара-•тиб-, шу давр ичида камида беш марта биржани са-росимага солди ва ҳар сафар унинг чўнтагига миллион-лаб пул тушди. Лекин Риган камдан-кам шу тарика ку-турар, анча-мунчага овора бўлиб юрмасди.

.Рақибларининг ҳушёрлигини қамайтириш ва ниҳоят Бури қариб, тинчиб қолди, деб ўйлашлари учун қатора-сига бир неча йил жим юрарди. Кейин эса ўзи бўғиб ташламоқчи бўлган кишиларига тўсатдан ташланарди.






Лекин зарба қутилмаганда бошланса ҳам, ҳеч қачон тўсатдан, тайёргарликсиз бўлмас эди. Риган зарбани беришга кўп ойлар, баъзан эса Кўп йиллар давомида муттасил тайёргарлик кўрарди.

Френсис Морган учун ҳам кутулиб бўлмайдиган Ватерлоо шу тариқа ишлаб чиқилган ва тайёрланган эди. Асосий мақсад ўч олиш, мархумдан ўч олиш эди: зарба Френсисга эмас, балки Френсиснинг отасига қарши қаратилган бўлиб, ўғли орқали гўрда ётган отаени мағ-луб қилиш кўзда тутилганди. Кекса Р. Г. М.— Ричард Генри Морган тириклигида унга зарба бериш учун Риган саккиз йил қулай пайт пойлади. Лекин бундай имконият бўлмади. Риган Уолл-стрит Бўрисис бўлсаям, шерга, у ўлиб кетгунга қадар, ҳужум қилиш насиб бўлмади.

Шу тариқа Риган ўз нафратини дўстлик ниқоби билан яшириб, отасидан унинг ўғлига қаратди. Бирок, бу нафрат нотўғри тушунилган ҳаракат ва ниятдан туғилган эди. Риган Р. Г. М. ўлмасидан саккиз йил олдин уни алдамоқчи бўлди-ю, қўлидан келмади. Лекин Р. Г. М. унинг ниятини билиб қолганлигини, билишгина эмас, ўзининг тахминлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, ўз хиёнаткор касбдошининг араваси ўқини тез ва чаққонлик билан арралаб қўйганини Риган хаёлига ҳам келтирмасди. Агар Риган ўзининг хиёнаткорона ниятлари Р. Г. М. га маълумлигини билганида оғзи куйиб қолавер-ган, қасос олиш ҳақида ўйламаган ҳам бўларди. Лекин Риган Р. Г. М. нинг ҳам ўзи каби виждонсиз ва пасткаш деб ҳисоблагани учун буни навбатдаги асоссиз пасткашлик деб қабул қилди-да, рақибининг ўзини бўлмаса ўғлини хонавайрон қилиб, қасдини олмоқчи бўлди.

Шу тариқа қулай пайт келишини кута бошлади. Аввал Френсис отасининг маблағи билан тикланган катта корхоналардан тушган фойда билан каноатланиб, биржа ўйинида қатнашмай юрди. Френсис «Темпико петролеум» компаниясининг асосий хўжайинларидан бирига айлана-ниб, миллионлаб фойда бериши қутилган бу корхонага бир неча миллион пулини сарфлагандан кейин Риган ёш Морганни йўқ қилиб ташлаш имконияти туғилди деб ўйлади. Аммо ўша имконият вужудга келгач ҳам, ҳужумга шошилмай, изчил тайёрланиш учун бир неча ой зарур бўлсада, вақтни бекорга ўтказмади. Ҳужумга тайёрланишдан олдин Риган Френсиснинг қандай акция-




лари корхоналар ҳисобида-ю хайсилари бевосита ўз их-тиёрида эканлигини аниқлади.

Риганнинг тайёргарлик кўришига икки йилдан зиёд-роқ вақт кетди. Френсиснинг анчагина маблағи кетган бир неча корпорацияда Риган директорлардан бири бўлиб, нуфузи кучли эди: «Фриско коисолидэйтедада у раис; «Нью-Йорк, Вермонт энд Коннектикут» компа-ниясида раис ёрдамчиси; «Норс-Уэстерн электрик»да эса аввал бир директорки қўлга олган бўлса, кейин тур-ли-туман найранг билан овозларнинг учдан икки қис-мини ўзига қаратиб олди. Шундай қилиб, бевосита ёки билвосита — корпорациялар ва банк филиаллари орқали Френсиснинг бойликлари билан боғлиқ бўлган ҳамма яширин молия ва коммерция пружиналари ҳамда мурувватларини ўз қўлига олди.

Лекин бу корхоналар энг йирик «Темпико петролеум» олдида ҳеч гап эмасди. Бу ўринда Риган биржада сотиб олган арзимаган йигирма минг акцияни ҳисобга олма-ганда ҳеч қандай таянч йўқ, ҳеч нарсага қўли етмас, ҳолбуки улкан молиявий найранг вақти яқин қолган эди. «Темпико Петролеум» аслида Френсиснинг шахсий мулки эди. Бу корхонадан унинг ўзидан ташқари бир неча дўсти, жумладан миссис Каррузерс манфаатдор эди. Бу тиниб-тинчимас аёл Френсисга тинчлик бер-мас, ҳатто уялмай-нетмай, телефон қилавериб жонига тегарди. Аммо Жонни Пасморга ўхшаганлар ҳам бор эдики, улар ҳеч қачон Френсисни бевовта қилишмасди, учрашиб қолганларида эса биржа аҳволи ҳақида ва умуман молия ҳақида гап орасидагина, ўшанда ҳам умидсизланмай, ишонч билан эслатиб ўтишарди. Аммо бу Френсисни миссис Каррузерснинг суриштиравериш жонга тегишларига нисбатан кўпроқ гаранг қиларди.

Риганнинг найранглари оқибатида «Норс-Уэстерн электрик» акциялари нақд ўттиз поғона тушиб кетди ва жуда паст баҳолана бошлади. Узларини билағон санай-диган кишилар бу корхона ишончсиз деган қарорга кел\* лишди. Кейин қадимги кичик, лекин Гибралтар каби мустақкам «Фриско консолидэйтед» компаниясига нав-бат келди. Бу компания ҳақида энг ёмон миш-мишлар тарқалди, ҳатто бу компаниянинг касодга учрагани ҳақида ҳам гапиришарди. «Монтана Лоуд» эса Ма-лэнининг компаниянинг аҳволи ҳақидаги тирноқдан кир хидириб, чалкаш ёзилган ҳисоботидан сўнг ҳамон






ўзига келолмасди, хатто англиз пайчилари томонидан юборилган йирик мутахассис Уэстон ҳам бирор кўнги тинчитадиган гап айтолмади. Ярим йилдан буён даро-мад келтирмаётган «Импириэл тангстен» йирик иш таш-лаш оқибатида катта зарар келтирарди, иш ташлаш-нинг эса охири кўринмасди. Буларнинг ҳаммаси Риганнинг олтинлари туфайли эканлигини унга сотилган бир неча касабга союз бошлигидан ташқари ҳеч ким билмас эди.

Френсисга қилинаётган бу ҳужумнинг сирлилиги ва хавфдиги Бэскомнинг ғайратини бўғиб қўйди. Тоғ-дан аста-секин сурилиб тушаётган музлик Френсиснинг пули сарфланган ҳамма нарсани тубсиз жарлик сари сидириб тушаётгандек эди. Ташқаридан қараганда ҳеч қандай муҳим нарса сезилмасди—бу акцияларнинг оддий пасайиши бўлиб, бунинг оқибатида Френсиснинг бойлиги кун сайин эриб, кичрайиб борарди. Шахсан унга тааллуқли акцияларгина эмас, у банкларга топ-ширици зарур бўлган акция ҳам пастлаб борарди.

Шу пайтда уруш ҳақида миш-мишлар тарқалди. Чех мамлакатлар элчиларига бирин-кетин -паспорт бе-рила бошланди, гўё жаҳоннинг ярми қўлига милтиқ ола-ётгандек тасаввур пайдо бўлди. Биржада ахвол беқа-рор бўлиб, бугун-эрта саросима бошланадиган бўлиб турган, катта давлатлар мораторий<sup>1</sup> эълон қилишни бр-кага сураётган бир пайтда Риган охирги зарбани бе-ришга қарор қилди. Бу Риганнинг йўлбошчилигини итоаткорона қабул қилган ўнлаб йирик «айиқ»<sup>2</sup>лар би-лан бирга акциялар нархини камайтириш ўйинини бош-лаш учун энг қулай пайт эди. Аммо Риганнинг режаси қанақалигини улар ҳам аниқ билишмасди, бунинг са-баби нималигини эса хаёлларига келтиришмасди. Улар пул ишлаб қолиш учун бу ўйинда иштирок этардилар ва Риган ҳам шу мақсадда ўйнапти деб ҳисоблар эди-лар. Асосий нишон Френсис Морган ёки, тўғрироғи, унинг отасининг арвоҳи эканлигини, бу қудратли зарба худди ўшанга қаратилганлигини улар хаёлларига келтирма-ган эдилар.

<sup>1</sup> Мораторий—бирор фавкулудда воқеа сабабли ҳукуматнинг қарзларни тўлашни маълум муддатгача тўхтатиб қўйиши.

<sup>2</sup> Айиқ — акциялар нархини пасайтиришга ҳаракат қилувчи биржа катнашчиси.



Риган раҳбарлигидаги миш-мишлар фабрикаси тўла қувват билан ишга тушиб кетди. Френсиснинг «айиқлар» баҳони туширишмасдан олдиноқ шундоқ ҳам паст ба-ҳоланиб келган корхоналари акцияларининг нархи ҳаммадан ҳам кўра пастроқ тушиб кетди. Лекин Риган «Тэмпико петролеум»га бирор тазйик ўтказишдаи ўзини тийиб турарди.

Умумий умидсизлик ва саросима ичида бу компания акциялари нархи юқори даражада кимирламай турарди. Риган ночорлик Френсисни шу компания акцияларини бозорга чиқаришга мажбур қилишини ва шу билан бошқа ўпирилишлар ўрнини қоплашга уринишини ку-тарди. — Ё худо! Ё тангри!

Бэском жағини ушлаб, бирдан тиши оғриб қолган кишидек афтини буриштирди.

— Е худо! Ё тангри!— деб такрорлади у.^—Бозор асфаласофилинга кетди. Унга қўшилиб «Тэмпико пет-ролеум» ҳам тамом бўлди! Шундай бўлишини ким би-липти дейсиз!

Френсис Бэскомнинг кабинетида ўтирар, сигарети ўниб қолганини сезмай, зўр бериб уни сўрарди.

^ Ҳамма ким ўзар ўйнагандек, сотяпти, сотяпти,— деди у.— Биз узоғи билан эртага эрталабгача чидай ола-миз, сўнгра сизнинг мулкингизни ким ошди савдосига қўйишади, сизга қўшиб мени ҳам,— деди соддадиллик билан маклер, соатга тез назар ташлар экан.

; френсис ҳам беихтиёр соатга қаради: миллари ўн иккини кўрсатиб турарди.

, — «Тэмпико»нинг қолганини ҳам бозорга чиқаринг,— деди у хорғинлик билан.—Бу эртагача бардош бёрй-шимизга имкон тўғдиради.

— Эртага нима бўлади? — сўради маклер. — Ахир таянчимиз қолмади, кичик клеркларгача ҳаммаси ўз акцияларини тезроқ сотишга урияпти.

Френсис елкасини қисди.

— Узингиз биласиз-ку, уйимизни ҳам, Дримуорлдни ҳам, Адирондак тоғидаги чорбоғни ҳам гаровга қўй-дим — энг юқори баҳо билан гаровга қўйдим.

— Дўстларингиз борми?

— Шунақа вақтда-я? — деди алам билан Френсис.

— Ҳа, худди шунақа вақтда ёрдам берадиган дўст-



ларингиз борми? — қайта сўради Бэском.— Қулоқ со-линг, Морган. Коллежда ким билан дўстлашганингизни биламан. Масалан, Жонни Пасмор...

— Унинг ўзиям бу иш билан қулоғигача ботиб кет-ди-ку. Мен хонавайрон бўлсам, у ҳам тамом бўлади, Дэйв Дональдсон ҳам ойига олтмиш доллар билан яшашга мажбур бўлади. Крис Уэстхаузининг эса кинога кириб ишлашига тўғри келади. У олдин ҳам яхши ак-тёр эди, айтишларича, экранга унинг юзи жуда яхши тушармиш.

— Аммо, яна бир дўстингиз бор — Чарли Типпёри,— деб эслатди Бэском, хўжайинининг бу дўстидан умиди йўқлигини ўзи сезиб турган бўлса ҳам.

— Бор,— Френсис умидсизлик билан унинг гапини тасдиқлади.— Лекин битта ёмон томони бор: унинг ота-си ҳалиям тирик.

— Қари ит умрида таваккал қилиб бир доллар ҳам сарфламаган,— деб илова қилди Бэском.— Аммо доим бир неча миллион нақд пули бўлади. Бахтга қарши у ҳалиям ўлмади юрибди.

— Агар кичкина бир «лекини» бўлмаганда, Чарли мен учун отасини кўндирар оларди.

— Гаровга қўйиш учун қимматли қоғозингиз қолма-дими?—дарҳол сўради маклер.


Френсис бош ирғади:

— Гаров қўймай туриб чолдан бир доллар ундириб кўринг-чи!

Шунга қарамай, бир неча минутдан сўнг Френсис Чарли Типперини ўз идорасида топиш умидида унинг секретарига ташриф қоғозини узатди. Типпери фирма-си Нью-Йоркдаги ва ҳатто дунёдаги энг йирик заргар-лик фирмаси эди. Чол бриллиантларга ҳатто кўп нар-салардан хабардор кимсалар тахмин қилганидан ҳам кўпроқ пул сарфлаганди.

Френсис ўйлаганча, Чарли билан гаплашишдан ҳеч иш чиқмади. Чол ҳамон бошқариш тизгинини ўз қў-лида маҳкам ушлаб турар, ўғли эса унинг ёрдам кўр-сатишига кафил була олмас эди.

— Мен отамни яхши биламан,— деди у Френсисга.— Уни кўндиришга уриниб кўраман, аммо сен бундан бирор иш чиқади деб умидвор була кўрма. Бунақа ури-



нишим доим жанжал билан тугайди. Шуниси алам қи-л-адики, унинг жуда кўп қимматли қоғозу давлат заём-ларидан ташқари нақд пули ҳам бор. Биласанми, бобом эпди оёққа туриб, фирма очганда бир дўстига минг доллар қарз берган экан. У умрининг охиригача пулини ундиролмабди ва буни унутолмабди. Буни отам ҳам унутолмайди. Бу қайғули воқеани улар бир умрга эслаб қолишган. Отам Шимолий Кутбни гаровга қўйсанг ҳам, ана шу музларга гаровхат олмаса, у ерга муз қиммати-ни аниқлаш учун эксперт юбормай туриб бир пенни ҳам қарз бермайди. Сенда эса гаровга қўядиган ҳеч нарса йўқ. Мен сенга бир нарсани айтиб қўяй. Чол билан бугун тушдан кейин гаплашиб кўраман — овқатдан кейин ҳамини кайфияти яхши бўлади. Кейин ўзимнинг . қанча пулим борлигини, сен учун нима қила олишимни қараб чиқаман. Ҳа, бир неча юз минг доллар сен учун етарли эмаслигини тушунаман, лекин кўпроқ топишга қўлимдан келганини ҳам, келмаганини ҳам қилиб кў« раман. Қандай бўлмасин эртага эрталаб соат тўққизда ҳузурингга етиб бораман.

— Ҳм, мен учун бу ташвишли кун бўлди,— деди Френсис хиёл табассум билан ва унинг қўлини сидқидил- \* дан қисиб хайрлашди. Ҳозирча иш билан шуғулланамиз, Миямга ғалати бир фикр келиб қолди...

Уша куни Френсис иш юзасидан яна бир киши бидан учрашуви зарур эди. Уз маклери Бэскомнинг идорасйга етиб келганда, у Риган телефон қилиб, учрашмоқчи эканлигини айтди, деди. Риган, Френсис учун қизиқ бир янгилик борлигини айтинг, депти.

— Мен хозирок унинг олдига бораман,— деди Френсис, шляпасини қўлига олиб; унинг юзи яна пайдо бўл-ган умиддан ёришиб кетди.— У отамнинг кадрдон дўсти, мени бу кулфатдан ўшагина кутқариши мумкин.

— Бунга унча ишонаверманг,— деди Бэском боши-ни чайқаб ва тилининг учига келиб турганини айтишга ботинмай, бир оз жим қолди.—Панамадан қайтишин-гиздан олдин мен унга телефон қилувдим, У билан очиқ-часига гаплашдим. Унга сизнинг сафарда эканлигйЯгиз-ии, аҳволингиз ачинарли эканини айтдим-у, бирор эҳтиёж сезилса, сизнинг ёрдамингизга умид қилсам бўла-дими, деб дангал сўрадим. У аниқ жавоб бермай, гапни



чалғитди, Одамлардан қарз сўраса, улар гапни бошқа. ёкка буришларини биласиз-ку. У ҳам худди шундай. қилди. Лекин, менимча, бу ерда яна бир гап бор Йўк, мен буни душманлик деб айта олмайман, лекин менга: шундай туюлдики... умуман у сизнинг келажакда хона-вайрон бўлишингизга лоқайдлик ва совуққонлик билан қараётгандек туюлди.

— Бўлмаган гап! — Френсис кулиб гоборди.— Бун-дай ўйлашга урин йўк. У отамнинг энг яқин дўсти эди..

— Сиз «Қосмополитен рейлуэйз»нинг кўшилиши ҳақида ҳеч эшитганмисиз? — маънодор кулиб сўради Бэском.

Френсис бош ирғади. "

— Лекин у вақтда мен дунёга келмаган эдим,— деб жавоб қилди у бир оз вақт ўтгач.— Мен баъзи гаплар-нигина эшитганман. Ушанда нйма бўлганини гапириб^ беринг. Нега тўсатдан буни эслаб қолдингиз?

— Бунинг тарихи узун, аммо менинг маслаҳатимга қулоқ солинг: Риганни кўрғанингизда ҳамма сирни унга айтиб қўйманг. Аввал у бошласин Агар у сизга бирор ёрдам таклиф қилмоқчи бўлса, буни сизнинг илтимосингизсиз, ўз ташаббуси билан қилсин. Балки мен янглишаётгандирман, аммо, аввало унинг кўнглидагини билиб олиш зиён қилмайди.

Ярим соатдан сўнг Френсис Риганнинг кабинетига у билан юзма-юз ўтирарди. У ўзини қандай фалокат ку-гаётганини шу қадар аниқ тасаввур қилардики, буни очиқ тан олишдан ўзини зўрға тийиб турарди; лекин Бэскомнинг маслаҳатини эслаб ўз ишининг ахволи ҳақида мумкин қадар бетгарволик билан гапиришга ҳа-ракат қилди. У қатто ўзини тўла хотиржам кўрсатишга уринди.

— Қулоғинггача ботиб қолдйнгми-а?—дея гап бош-лади- Риган.

— Жа унчалик эмас, ҳали бошим юқорида туриб-ди,—ҳазил билан жавоб қилди Френсис.— Мен ҳали нафас оляпман, чўкиб кетмоқчи эмасман.

Риган дарров жавоб қилмади. Биржа телеграфи лен-тасидаги сўнгги маълумотларни бир неча минут ўрганди.

— Ҳар ҳолда «Тэмпико петролеум» акцияларини бозорга кўпроқ чиқарибсан.

— Чунки уларни қўлимиздан юлқиб олиб кетиш-япти,—жавоб берди Френсис ва бу ерга келганидан



буён биринчи марта ажабланиб, балки'Бэском ҳақли-дир; деб ўйлади.— Қечқиси йўк, душманларимни шунча акцияни ютишга мажбур Қилайки, уларнинг кўнгли айнаиб кетсин.

— Шундай бўлсаям, кўрдингми, «Тэмпико» акцияларини қолдирмай сотиб олишаётган бўлсаям, бари бир баҳоси пасайяпти. Шуниси ғалати,— деди Риган.

— Биржада нархни пасайтириш ўйини бораётганда ҳар қанақа ғалати ишлар бўлиши мумкин,—хотиржам ва оқилона жавоб берди Френсис.— Душманларим ўзим қутула олмай юрган қоғозларни ютиб, қоринларин-и қаппайтиришлари билан, уларни дард тутиб қолади. Ана шундан кейин баъзи бировлар очкўзлиги оқибати-дан'кутулиш учун озмунча пул.тўламайдилар. Фйқримча, мен бўғизларидан олмасимдан бурун чўнтақларини кав-лаб' қолишади.

Узингнинг бўладиганинг бўлди-ку, болагинам, Сен'йўқлигингдаям биржадаги бу жангни кузатиб тур-гандим. «Тэмпико петролеум» сенинг ягона ва сўнгги таяйчинг.

Френсис бош чайқади.

— Ҳеч ундай эмас, ёлғон гапирди у — Биржадаги рақибларим хаёлларига ҳам келтирмайдиган маблағим бор. Мен уларни алдаб тузоққа туширяпман, атайлаб алдаяпман. Риган, буни фақат сизга айтяпман. Чунки сиз отамнинг дўсти эдингиз. Бу машмашадан қуруқ чи-қаман. Маслаҳатимга кўнсангиз, бозорда нарх оши-б кетмай туриб сотиб олинг. Нархи кўтарилгач анча пул ишлэб қоласиз.

— /Хўш, яна қанақа маблағинг бор ўзи?


Френсис елкасини қисди.

— Бу қақда рақибларим биржа акцияларим билан тўлгандан кейин билишади.

— Кўзбўямачилик қиялпанми?— тан бериб сўради Риган.-^Қари Р. F M. сингари сен ҳам маҳкам туриб-сан.-Фақат гапингга ишонишим учун кўз бўямачилик эмаслигини исботлашинг керак.

Риган жавоб кутарди, тўсатдан Френсиснинг кўнг-лига бир фикр келди

— Нимани исботлай, 'сиз ҳақсиз,—деб тўнғиллади у.—Чиндан ҳам сизни алдаган эдим. Мен чўкиб кет япмай: сув бўғзимга келиб қолди. Агар сиз ёрдам бер-сангиз қутулиб қоламан. Отамни эсланг; унинг ўғлига



ёрдам қўлини чўзинг. Сиз мени қўллаб-қувватласангиз, улар адабларини ейишади.

Ана шундан кейингина Уолл-стрит Бўриси тишлари-ни кўрсатди. У бармоғи билан Ричард Генри Морган\* нинг суратини нукиб кўрсатди.

— Нима дейсан, буни нега шунча йилдан бери деворга осиб, сақлаб келяпман? — сўради у.

Френсис, тушунарли, ахир сизлар неча йиллардан бери кадрдон эдиларингиз, дегандек бош ирғади.

— Йўқ, тополмадинг, ^-деди Риган захархандадик билан.

Френсис ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Доимо уни ёдда тутиш учун сақлаб келяпман,— деди Бури.— Мен уни бир дақиқа ҳам унутмайман. «Космополитен рейлуэйз»нинг қўшилиши билан боғлиқ воқеани эшитганмисан? Сенинг отанг бу ишда мени алдаб кетган. Менга ишонавер, чакаиям алдамаган! Лекин қасос олишим учун у жуда муғомбир эди. Шу-нинг учун унинг суратини деворга илиб қўйиб, сабр-тоқат билан кутдим. Кутган вақтим келди энди!

— Демокчисизки?..— хотиржам сўради Френсис.


— Худди шундай, — деб тўнғиллади Риган. — Мен кутдим ва хужумга тайёрландим. Энди мен кутган пайт келди. Ҳар ҳолда кучуквачча қўлимга тушди.— У ёвуз-ларча илжайиб, суратга қаради.— Агар бу ҳол қари кирчанғини гўрида тик турғизмаса, у ҳолда...

Френсис креслодан туриб, ўз рақибига қизикиш билан узок тикилди.

— Йўқ,— деди у ўзи билан ўзи гаплашаётгандай.\*» Йўқ, арзимайди.

— Нима арзимайди?—дарров бир кор-ҳолни сезиб сўради Риган.

— Сиз тарсаки туширишга арзимайсиз,—деган хотиржам жавоб эшитилди,— Мана шу қўлларим билан беш минутда сизни нариги дунёга жўнатишим мумкин эди. Сиз ҳеч қандай бури эмассиз. Кўппак ит билан сассиқ кўзандан бўлган махлуқсиз. Менга айтьшувди, сиздан бунақа ишни кутиш мумкин деб, мен ишонмай, ўзим ишонч ҳосил қилиш учун бу ерга келган эдим, Дўстларим ҳақ экан. Улар сизга қандай лақаб қўйиш» ган бўлса, ҳаммасига лойиқ экансиз. Уф, бу ердан тез-роқ кетиш керак. Бу ерда тулки уясидагидек қўланса хид келяпти. Уф, мунча сассиқ!



Френсис эшик тутқичини ушлаганда тўхтаб, орқасига бурилди. У Риганнинг жаҳлини чиқара олмаган эди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?— деб сўради Риган кесатиб.

— Телефонингиздан маклеримга қўнғироқ қилишга рухсат этсангиз, нима қилмоқчи бўлганимни биласиз,— деб жавоб берди Френсис.

— Марҳамат, болагинам,— илтифот қилди Риган, аммо шу заҳоти бирор макр-хийладан хавфсираб, қўшиб қўйди:— Мен ўзим қўнғироқ қилиб бераман.

Телефон трубкасини чиндан ҳам Бэском олганига ишонч ҳосил қилгач, трубкани Френсисга узатди.

— Сиз ҳақ экансиз,— деди у Бэскомга.— Сиз қўйган лақабларнинг ҳаммасига арзийди, ундан кўпроғига ҳам. Узимиз тузган режага амал қилаверинг. Қари тулки ишонмаса ҳам, биз уни хоҳлаган вақтимизда исканжага олшнимиз мумкин. У мени шилиб олишига ишонади.— Френсис душманини алдаш учун бир оз ўйланиб қолди-да кейин давом этди:—Мен ҳозир сиз беҳабар бўлган баъзи нарсаларни айтаман. Бошиданоқ шу тулки бизга хужум қилган экан. Энди кимга кафан бичишни биламиз.

Френсис яна шунга ўхшаш бир неча гай айтиб, трубкани илиб қўйди.

—' Биласизми,— деб тушунтирди у яна остонада тўхтаб,— сиз изингизни шунақа эпчиллик билан яширди-нгизки, бу кимнинг иши эканлигини билмай юрувдик, Ҳой лаънати Риган, сиздан ўн баравар кучлироқ номаъ-лум душманни пачоқлаб ташламоқчи бўлиб юргандик. Энди бу душман кимлиги маълум, ишимиз анча осон-лашди. Биз оғир жангларга тайёрланган эдик, энди эса осонгина ғалаба қиламиз. Эртага шу вақтда, худди шу ерда, сизнинг кабинетингизда мотам бошланади, йиғи-сиғи қилувчилар орасида эса сиз бўлмайсиз. Сиз мурда-га айланасиз, биз сизни эзиб ташлаганимиздан кейин, ҳақиқий молиявий мурдага айланасиз.

— Худди қуйиб қўйгандай Р. Г. М. нинг ўзи,— деди қари Бури истехзо билан.— Тавба, алдашга нақадар ус та эди у!

— Афсуски отам сизни кўмиб ташлаб бу ташвиш-дан халос қилмаган экан!— деди Френсис чиқиб кета-ётиб унинг афтига қараб.

— Бу ташвиш билан боғлиқ ҳамма чиқимлардан ҳам



дег'ин,—деб бақйриб қолди унинг орқасидан Риган.— Ҳали бу ўзларига қимматга тушади, йигитча, бу кабн-нетда эса ҳеч қандай мотам бўлмайди.

— Хўш, эртага ҳал қилувчи кун,— деди Френсис Бэскомга, ўша куни кечкурун хайрлашаётиб.— Эртага шу вақтда бош теримни шилиб олишади-ю, ўзим Риган-нинг коллекцияси учун бутун қоидаси бўйича офтобда қурйтлиб, дудланган экспонатга айланаман. Бу қари лаънатининг менда қасди борлигини ким ўйлабди дей-сиз! Мен унга ҳеч қачон ёмонлик қилмагандим. Аксин-ча, уни доимо отамнинг кадрдон дўсти деб билардим. ЧарЛИ Типпери отасидан бирон нарса ундира олса-ку...

— Ёки Қўшма Штатлар бирдан мораторий эълон қилса,— деди Бэском унга ҳамоҳанглик билан, лекин бундай бўлишига ўзи заррача умид қилмаган ҳолда.

Риган эса шу вақтда ўз кабинетида тўпланган миш-миш усталари ва айғоқчиларига кўрсатма берарди.


— Сотинглар! Сотаверинглар! Нима бўлсаям сотинглар, акцияларни ўша замони харидорлар қўлига тукказинглар. Бу пасайишнинг охири кўрмаяпман!

Френсис эса уйга қайтаётиб йўлда оқшом газетаси-нинг сўнгги сонини олиб қараб чиқди ва йирик ҳарфлар билан терилган қуйидаги сарлавҳага кўзи тушди:

### **«ПАСАЙИШНИНГ ОХИРИНИ КўРМАЯПМАН,— ДЕБ БАШОРАТ ҚИЛМОҚДА ТОМАС РИГАН».**

Эртасига эрталаб соат саккизда, Чарли Типпери Френсисникига келганда у, уйда йўқ эди. Шу тунда Вашингтондаги ҳукумат ухламади ва тунги телеграмма-лар Қўшма Штатлар урушга қўшилмаган бўлса ҳам, мораторий эълон қилганлигини ва тўловлар тўхтатил-ганлигини бутун мамлакатга маълум қилди. Соат етти-да, Френсис ўрнидан турмай туриб унинг олдида Бэском шундай хабар олиб келди. Френсис ўша заҳоти у билан бйрга Уолл-стритгз жўнади, Ҳукумат мораторий эълон қилганлиги уларга умид бағишлаган ва улар ҳали кўп ишлар қилишлари керак эди.

Бироқ Чарли Типпери ўша куни эрталаб Риверсайд-драйвта: келганларнинг, биринчиси эмасди. Эрталаб соат саккизда куёшда куйиб қорайгац ва,чангга белан-ган Генри билан Леонсия катта эшикнинг қўнғироғини"



чалишди. Эшикни очган кичик камердинерни четга ита-риб, улар олдиларига югуриб чиққан Паркерни хайрат-да қолдириб, тўғри ичкарига қараб юришди.

т— Тепага чиқиб овора бўласизлар,— деди Паркер.— Мистер йўқ.

— Қаерда у?— сўради Генри, чамадонни бир қўли-дан иккинчисига олиб,— Уни рпого кўришимиз керак. Билиб қўйинг, рпого дегани дарҳол дегани бўлади. Сиз кимсиз ўзингиз, жин ургур?

— Мен мистер Морганнинг камердинериман,— танта-нали жавоб берди Паркер.— Узларингиз ким бўласизлар?

— Менинг фамилиям Морган,— Генри унинг гапини бўлди ва бир нарса қидираётгандек атрофга аланглади, сўнг кутубхона эшигини очиб, у ердаги телефонларни курди.— Френсис қаерда? Уни қайси номер билан чақи-ришим мумкин.

— Мистер Морган, зарур иши бўлмаса, ҳеч ким телефон қилиб мени безовта қилмасин, деб тайинлаган.

!— Худди менинг ишим жуда зарур. Номерини бе-ринг.

— Мистер Морган бугун жуда банд,— қайсарлик қилди Паркер.

— Уни бошлаб қисиб қўйишдими-а?—сўради Генри, камердинернинг юзида ўзгариш бўлмади.

— Бугун шип-шийдам қилиб ечинтириб олишадиган-га ўхшайди-а?

Паркернинг юзи қотиб қолгандек, гўё у нима деяёт-ганларини тушунмаётгандек эди.

— Сизга яна бир марта айтаман: жаноб Морган бу-гўй жуда банд...— дея гап бошлади у.


— Ху, қари шайтон!— Генрининг жаҳли чиқиб кетди.— Биржада унинг томоғидан олишгани ҳеч кимга сир эмас-ку, ахир. Буни ҳамма билади. Бу ҳақда ҳамма тонгги газеталар аюҳаннос соляпти. Қани, жаноб камердинер, номерни айтинг. Унда жуда зарур ишим бор.

Аммо Паркер қайсарлик қилиб тураверди. "— Адвокатининг фамилияси нима? Ёки маклери-нинг фамилияси? Ҳеч бўлмаса унинг вакилларида би-рининг номини айт.

Паркер бош чайқади.

— Унда қанақа ишингиз борлигини айтмасангиз...— деб бошлади камердинер.





Генри чамадонни ерга қўйди, у Паркерга ташла-ниб, бирортасининг фамилиясини айтиш учун мажбур қилишга тайёр эди, лекин орага Леонсия тушди.

— Айтақол унга!— деб маслаҳат берди у.

— Айтайми? Нега энди, яхшиси кўрсатиб қўяқола-ман. Ҳой сиз, буюққа келинг!— Генри кутубхонага ки-риб, чамадонни столга қўйди-да, уни оча бошлади.— Қулоқ солинг, жаноб камердинер, мистер Морганда чи-накамига жудаям муҳим ишимиз бор. Биз уни қутқа-риш, ботқокдан чиқариб олиш учун келдик. Биз унга миллион-миллион пул олиб келдик, мана шу чамадон-да...

Шу вақтгача таъна билан совуқ қараб турган Пар-кер сўнгги сўзларни эшитиб, қўрқиб орқасига тисланди. Бу ғалати меҳмонлар ё жинни, ё муғамбир товламачи-лар, деб ўйлади у. Ахир улар миллион ҳақидаги афсо-наси билан уни шу ерда ушлаб турган дақиқада шерик-лари иккинчи қаватни супуриб кетишмасин тагин. Ча-мадонга келганда эса, балки унинг ичидаги динамит-дир, ким билиб ўтирибди!


— Тўхта!

Паркер хонадан чиқишга улгурмай туриб Генри унинг ёқасидан тутиб, стол томонга қаратди. Иккинчи қўли билан Генри чамадон қопқоғини кўтарди. Паркер-нинг кўзи олдида пардозланмаган бир уюм қимматбаҳо тош пайдо бўлди. Паркер ҳушдан кетаёзди, лекин Генри унинг ҳаяжонланиши сабабини бошқача тушунди.

— Энди сизни ишонтира олдимми?— тантанали оҳангда сўради Генри.— Энди яхши йигит бўлиб, менга телефон номерини беринг.

— Утиринг, марҳамат, сэр... Сиз ҳам, хоним,— деб тўнғиллади Паркер эхтиром билан таъзим қилиб ва ўзини тутиб.— Марҳамат қилиб ўтириб туринглар. Мистер Морганнинг телефон номерини унинг ётоқхонасида қолдирибман; бугун эрталаб кийинишда унга ёрдам берганимда ёзиб берган эди. Ҳозирок олиб келаман. Ҳозирча ўтириб туринглар.

Паркер кутубхона эшигидан чиқиб, яна ақли жойи-га тушди ва дарҳол мислсиз ишчанлик ва тадбиркорлик кўрсатди. Кичик швейцарки катта эшик олдига, катта швейцарни кутубхона эшиги олдига қўйиб, қолган хиз-маткорларни бу жинойтчиларнинг шериклари яшириниб олмаганмикин деб юқори қаватдаги хоналарни текши-



риб чиқишга юборди. Узи эса буфетхонадаги телефон-дан яқин полиц'ия участкасига қўнғироқ қилди.

— Ҳа, сэр,— деб такрорлади у навбатчи сержант-нинг саволига жавобан.— Булар ё икки жинни, ёки жин-ноятчи. Марҳамат, сэр, дарҳол соқчи билан бирга поли-ция аравасини юборинг. Бу уйда қанақа даҳшатли жи-ноят бўлаётганикин — бунисини ҳали билмайман...

Шу пайт катта эшик қўнғироғи жириглади. Кичик швейцар эшикни очиб, Чарли Типперини енгил нафас олиб уйга киритди. Чарли Типпери эрталабданок, фрак кийиб олганди, у Чарли хўжайинининг содиқ эски дуети эканлигини биларди. Катта швейцар ҳам уни кўриб қувониб кетди ва Чарли Типперини огоҳлантириш учун кўз қисиб, унинг олдига ўтиб кутубхона эшигини очди.

У ерда, худо билади, нималарни ва кимларни кў-ришни кутиб Чарли Типпери нотаниш эркак ва аёл ўтирган хонага кирди. Уларнинг куёшда қорайган, йўл азобидан ҳорғин юзлари Паркерга ўхшаб шубҳа уйғот-мади, аксинча нью-йорклик одам оддий келгиндиларга кўрсатадиган эътибордан кўпроқ. ҳизиқиш билан қара-ди. Леонсиянинг гўзаллиги уни ҳайрон қолдирди ва у олдида ҳақиқий оҳсуяк хоним турганини билди. Генри-нинг Р. Г. М. ва Френсисниги ўхшаш бронза каби юзи унга ёқиб қолди ва Генрига нисбатан ҳурмат уйғотди.

— Хайрли тонг,— деб мурожаат қилди у Генрига, иккаласига таъзим қилар экан.— Сизлар Френсиснинг дўстларимисиз?

— Ҳа, сэр,— хитоб. қилди Леонсия.— Дўстдан ҳам мўътабарроқ. Биз уни қутқариб ҳолиш учун келдик. Мен тонгги газеталарни ўқидим. Хизматкорлар нодон-лик қилмаганда эди...

— Чарльз Типпери,— деб у ўзини таништирди.

— Моргай, Генри Морган,— ўз навбатида Генри ҳам ўзини таништирди ва чўкиб кетаётган одам сомон пар-часига ёпишгандай унинг қўлидан ушлади.— Бу эса мисе Солано. Сеньорита Солано, мистер Типпери. Ростини айтганда, мисе Солано менинг синглим.

— Биласизми, мен ҳам сиз келган иш билан кел-гандим,— деди Чарли Типпери танишиб бўлгач.— Менинг тушунишимча, Френсисни ё наҳд пул, ё пулга ай-лантириладиган қимматбаҳо нарсаларгина сақлаб қо-лади. Мен тунда топган нарсаларимнинг ҳаммасини олиб келдим, аммо бу жуда оз...



— Қанча олиб келдингиз?— тўғриси сўради Генри.  
— Бир миллион саккиз юз минг. Сиз-чи?  
— Бизми, арзимаган нарса,— деди Генри. очик турган чамадонни кўрсатиб, қимматбаҳо тошлар эксперт-лари — заргарларнинг учинчи авлоди вакили билан гап-лашаётганини хаёлига ҳам келтирмай.

Чарли Типпери тўғри келган беш-ўнта тонши олиб, тез кўздан кечирди, бу ерда Қанча тош борлигини бундан ҳам тезроқ чамалаб курди; унинг юзлари кизариб кетди — у шу қадар донг қолган эди.

— Ахир бу миллион-миллион долларлик тош-ку!— д'еб хитоб қилди.— Буларни нима қилмоқчисиз?

— Френсисни кутқариб қолиш учун сотмоқчимиз,— д'еб жавоб берди Генри.— Буларни гаровга қўйсақ ХОҲ-лаганимизча олишимиз мумкин, шундайми?

— Чамадонни беркитинг!— д'еб буюрди Чарли Типпери.— Мен ҳозир телефон қиламан. Отам уйдан чиқиб кетмай туриб у билан гаплашмоқчиман,— деди у телефон олдида елкаси оша уларга қараб, уни отаси билан улашларини кутиб тураркан.— Бу ердан бизникигача беш минутлик йўл.


Хонага полиция лейтенанти билан икки полисменни бошлаб Паркер кирганда у отаси билан қисқача гапи-ни тугаллаётган эди.

— Мана, бутун шайка, лейтенант, уларни қамоққа олинг,— деди Паркер.— Ох, кечиринг, мистер Типпери! Сизни эмас, албатта. Фақат манави иккаласини, лейтенант. Уларнинг кимлигини суд аниқласин. Жиннихонадан қочганлар бўлса керак, балки ундан ҳам баттардир.

— Салом, мистер Типпери,— деди лейтенант йигитни таниб.

— Ҳеч кимни қамоққа олиш керакмас, лейтенант Берне,— деди Чарли кулиб.— Аравангизни участкага қайтариб юборишингиз мумкин. Мен ҳаммасини кейин инспекторга тушунтириб бераман. Аммо ҳозир сиз мени ва бу шубҳали кишиларни чамадони билан менинг уйим-гача кузатиб қўясиз. Сиз бизни кўриқлаб борасиз. О, мени эмас, мана бу чамадонни: унда миллион-миллион-лик чиройли, совуқ, кўзни қамаштирувчи тошлар бор. Бу чамадонни отамнинг олдида олиб бориб очсам, ҳеч ким кўрмаган манзарани ана ўшанда кўрасиз. Қани кетдик! Вақтни бекорга ўтказяпмиз.

У Генри билан баравар чамадон тутқичини ушлади.



Буни кўриб лейтенант Берне дарров уларнинг олдида пайдо бўлди.

— Ҳозирча олди-сотди қилганимиз йуқ, яхшиси ўзим кўтариб борақолай,— деди Генри.

— Албатта, албатта,— деб рози бўлди Чарли Типпери.— Фақат қимматли вақтимиз бекор кетмасин. Ҳали, биз келишиб олишимиз ҳам керак. Юринглар! Тезроқ!

## ЙИГИРМА ТЎКНИЗИНЧИ БОБ

АҚШ ҳукумати эълон қилган мораторий аҳволни барқарор қилди, биржада акциялар нархининг тушиши тўхтади, баъзиларининг эса нархи ошди. Френсиснинг капитали сарфланган ва Риган нархини пастлатишга уринаётган корхоналар акцияларидан ташқари деярли ҳамма акциялар ҳам худди шундай бўлди. Риган пасай-тириш ўйинини давом эттираверди ва нархнинг узлук-ейз пасайишига эришди. У бозорда «Тэмпико петролеум» акцияларининг катта пакетлари пайдо бўлганлигини қо-ниқш билан қайд этди. Бу акцияларни, чамаси Френ-сис чиқараётган эди.

— Энди биз кутган вақт келди,— деб буйруқ берди Риган ўз шерикларига.— Сотинглар ва сотиб олаверинг-лар. Ҳар икки ҳолда ҳам фойда қиласиз. Фақат мен "рўйхатини берган корхоналарни ҳамиша ёдда тутинг-лар. Шу акцияларни сотаверинглар, шундай сотинглар-III, харидор қўлига тезроқ тутқазинглар. Улар тўхтовсиз пасаяверади. Қолган акцияларни сотиб олаверинглар, дархол сотиб олинглар; сотган нарсаларингизнинг ҳаммасини харидорга топширинглар... Билиб қўйинглар, бу иш зарар келтирмайди, рўйхатда кўрсатилган акцияларни сотиб, бир ўқ билан икки қарғани урасизлар.

— Сиз ўзингиз нима қиласиз?— деб сўради, «айик»-лардан бири.

— Менми? Менинг сотиб олишимга ҳожат йўқ,— деб жавоб қилди у.— Бу мен сизларга чин кўнгилдан маелаҳат бераётганимнинг ва бу тактика тўғрилигига шубҳам йўқлигининг далили бўлсин. Мен рўйхатда кўрсатилганидан ташқари битта ҳам акция сотганим йўқ, демак, бирор нарса сотиб олишим шарт эмас. Мен ўша закони улар билан ҳисоб-китобни қиламан-у, рўйхатта, фақат ўша рўйхатга амал қиламан. Менинг ўйиним.шундан иборат, сизлар ҳам бу ўйинда катнашишларинг



мумкин: фақат сотиш ва ўша замони харидор билан ҳи-соб-китоб қилиш керак.

— Келдингизми, ниҳоят-а!— умидсизлик билан хитоб қилди Бэском соат ўн яримда Френсис унинг кабинетига кириб келганда.— Биржада сизнинг корхоналарингиз акциясидан бошқа ҳамма акцияларнинг нархи кўтарилди, Риган сизни бўғиб ташламоқчи. Унинг зарба беришини ўйламаган эдим. Бу ҳужумга бардош бера олмаймиз, тамом бўлдик. Бизни эзиб ташлашди — сизни ҳам, мени ҳам, ҳаммамизни мажақлаб ташлашди...

Френсис ҳеч қачон ҳозиргидек хотиржам бўлма-ганди.

«Ҳаммаси тамом бўлган экан, нега ҳаяжонланай!»— деб ўйлади у. Биржа ўйинида унча мутахассис бўлмаса ҳам, у биржани яхши биладиган, тажрибали Бэском сезмаган умид учкунини курди.

— Ҳаммасини ичингизга солаверманг,— деб маслаҳат берди Френсис, унинг миясида пайдо бўлган режа тобора аниқ-равшан була борди.— Қелинг, бир чекишайлик, аҳволимизни бир оз муҳокама қилайлик.

Бэском сабрсизлик билан қўл силтади.

— Тўхтаб турсангиз-чи,— деб ялинди Френсис.— Тўхтанг! Қулоқ солинг! Нима, с'из мени тамом бўлди деб ўйлапсизми?

Маклер бош ирғади.—  
Узингизни ҳамми? У яна бош ирғади.

— Демак, сиз билан биз хонавайронмиз,—• дея Френсис миясига келган режани ривожлантира бошлади.— Тула, мутлақо'юз фоиз, бутунлай хонавайрон бўлишдан ёмонроқ нарса йўқлиги сиз билан менга равшан.

— Биз қимматли вақтни бекорга ўтказаяпмиз,— деб норозилик билдирди Бэском, Френсиснинг хулосасига тўла қўшилишини бош ирғаш билан маълум қилгач.

— Сиз билан биз хонавайрон бўлдик, буни ҳозир иккаламитан олдик, шундай экан, энди нимамиздан ажраламитиз?—кулиб деди Френсис.— Агар бирор киши хонавайрон бўлган экан, унга на вақтинг, на акция сотишнинг, на сотиб олишнинг аҳамияти бор. Энди биз учун ҳеч қандай қимматли нарса йўқ. Сизга бу тушунарлими, йўқми?

— Бўлмаса нимани таклиф қиласиз?— деб сўради Бэском, тўсатдан ночорлик келтириб чикарадиган хо-



тиржамлик билан.—Мени хонавайрон қилишди, мен каш-шок бўлиб қолдим. Қашшок бўлгандаям қип яланғоч!

— Мана энди мени тушундингиз,— Френсис хурсанд бўлиб кетди.— Сиз биржа аъзосисиз. Уйикда қатнашуви-нгизга ким халақит беради? Сотинг ёки сотиб олинг. Кўнглингиз истаган нарсани қилаверинг. Менинг иста-гимни ҳам. Энди йўқотадиган ҳеч нарсамиз йўқ. Нул-дан қанча нарсани олиб ташласангиз ҳам нуллигича қолаверади. Биз бор нарсамиздан айрилдик. Энди, ке-линг, йўқ нарсамиздан жудо бўлайлик.

Бэском яна қаршилиқ кўрсатишга озми-қўпми ури-ниб курди, аммо Френсис унинг қаршилигига кескин хотима берди.

— Эсингизда бўлсин: нулдан қанча сонни олиб ташласангиз ҳам барибир нуллигича қолаверади.

Шу тариқа Бэском Френсиснинг маслаҳатига амал қилиб, лекин унинг маклери сифатида эмас, ўзи тавак-кал қилиб, ўз ҳаётида ҳеч қилмаган молиявий авантю-рага қўшилиб кетди.

— Мана энди тамом бўлди,— деди кулиб Френсис соат ўн бир яримларда,— энди ўйиндан чиқишимиз мумкин. Эсингизда бўлсин: ушбу дақиқада аҳволимиз бундан бир соат аввалгидан заррача ҳам ёмон эмас. Ушаи-да биз нулда эдик, ҳозир ҳам нулдамиз. Энди сиз хоҳлаган вақтингизда мол-мулкни сотиш ҳақида эълон ёпиштириб қўйишингиз мумкин.


Бэском креслога оғир чўқди ва курашни тўхтатиб, сўзсиз таслим бўлганликларини эълон қилишга буйруқ бериш учун ҳорғинлик билан телефон трубкасини олган эдики, бирдан хонага қадимги қароқчилар қўшиғининг таниш нақароти кириб келди. Бу қўшиқнинг биринчи сўзларини эшитиши биланок Френсис маклернинг қўли-дан трубкани тортиб олиб, жойига қўйди

— Тўхтанг!— деб бакирди Френсис.— Қулоқ солинг!  
Улар қўшиқни эшитишди:

Ёнма-ёнмиз мачта ёнида,  
Мингларга ҳам қаршимиз  
икков!

Сўнг хонага чамадон кўтариб Генрининг ўзи кириб келди. Аммо унинг қўлидаги эрталабки чамадон эмас-ди. Уни кўриб Френсис ҳам ашулага қўшилди.

— Нима бўлди?—деб сўради Бэском Чарли Типперидан.



Френсиснинг дўсти эгнида ҳамон фрак, лекин уйку-сиз тун ва ҳаяжонлардан ранги ўчган ва ҳорғин эди.

Типпери ички чўнтагидан бир миллион саккиз юз минг долларга ёзилган чекни чиқариб, Бэскомга берди.

Бэском ғамгин бош чайқади.

— Энди кеч бўлди,— деди у.— Бу денгиздан бир томчи, холос. Буни чўнтагингизга солиб қўйинг. Пулни шамолга совуришдан фойда йўқ.

— Тўхтанглар,— деб хитоб қилди Чарли Типпери ва овозининг борича қўшиқ айтаётган Генрининг қўли-дан чамадонни олиб, уни очди.— Манави сизга ёрдам беролмайдими?

«Бу» батартиб жойланган облигация пачкалари ва олтин ҳошияли қимматли қоғозлардан иборат эди.

— Қанча бу ерда?— нафаси тиқилиб сўради Бэском ва гулханда аланга бирдан ловиллагандек, унда мардлик жўш уриб кетди.

Френсис эса бунақа баракали мададни кўриб лол бўлиб, қўшиқ айтишни ҳам тўхтатиб, оғзи очилганча қол! ди. Аммо Генри чўнтагидан, нақд пул ёзилган ўн икки! та чекни чиқарганда Френсис билан Бэском кўзлари олайганча қотиб қолишди, чунки чекларнинг ҳар бири бир миллион долларга ёзилган эди.

— Буларни олган жойимиздан яна. хоҳлаганимизча олишимиз мумкин,— деди Генри бепарволик билан.— Френсис, сенинг бир оғиз сўзинг кифоя, биз бу «айик»ларни ер билан яксон қилиб ташлаймиз. Қани, энди тезроқ иш бошла! Ҳамма жойда сенинг хонавайрон бўлганинг тўғрисида дув-дув гап. Уларнинг бир адабини бериб қўй! Уларнинг ҳамма олтинларини, олтин соатлари-ю олтин тишларигача қоқиб ол.

— Демақ, қари Генрининг хазинасини топибсизлар-да?—деб сўради Френсис қувониб.

— Йўқ,— Генри бош чайқади.— Бу қадимги майлар хазинасининг бир қисми; тахминан учдан бир қисми. Яна бир қисми Энрико Соланода қолди, қолган қисми сақлаш учун «Заргарлар ва савдогарлар миллий банки»га топширилди. Биласанми, сенга айтадиган жуда кўп янгиликларим бор. Эшитишга вақтинг бўлганда ҳаммасини айтиб бераман.

Аммо Френсис янгиликларни эшитишга ҳозироқ тай-ёр эди. Нима қилиш кераклигини ундан яхшироқ билган Бэском телефон орқали ўз ёрдамчиларига акцияларни



қанча, бўлсаям ҳаммасини сотиб олиш ҳақида кўрсатма берди. Бу қисқа муддатда етказиб бериш шarti билан сотилган акцияларга тўлаш учун Риганнинг бутун бой-лиги ҳам етмас эди.

— Торрес ўлди, — деб маълум қилди Генри.

— Урра!— бу янгиликни эшитиб Френсис хурсанд бўлиб кетди.

— Худди қопқонга тушган каламушдек ўлиб кетди. Мен қоядаги ковақдан чиқиб турган бошини кўрдим. Жуда хунук манзара эди бу. Полиция бошлиғи ҳам ўлди... Яна... яна... яна баъзи бировлар ўлди...

— Нахотки Леонсия ўлган бўлса!— хитоб қилди Френсис. Генри бош чайқади.

— Соланолардан бирортасими? Кекса Энрикоми?

— Йўқ, сенинг хотининг, миссис Морган ўлди. Уни Торрес ўлдирди, қабихлик билан отиб ташлади. У йи-қилганда мен ёнида эдим. Энди ўзингни тут, дадил бўл: сен учун бошқа янгиликларим х\_ам бор. Леонсия шу ерда, қўшни хонада сени куяпти. Тўхта, қаёққа? Сабр қил! Охиригача эшит! Уни кўрмасингдан олдин сенга айтадиган янгиликларим бор. Вой шошқалоғ-эй! Менинг ўрнимда ўзимизга таниш хитой бўлганданми, мен сенга т.екинга айтмоқчи бўлаётган сир учун сени бир миллион тўлашга мажбур қиларди.

— Айтавер, яна нима?—сўради Френсис сабрсизлик билан.

'\_':— Янгилик жуда ёқимли, сен эшитган янгиликлар-вднг энг ёқимлиси. Мен... фақат илтимос, кулма, бошим-ни танамдан жудо.қилишга ҳам урина кўрма... Гап бун-дай: мен синглимни топдим.

.., — Нима бўпти?— френсис кўполлик билан унинг гапини бўлди.— Англияда сингилларинг борлигини олдин ҳам билардим.

,— Лекин гапимга тушунмаяпсан,— Генри унинг гашига тегарди.—Мен мутлақо янги, бўйи етган синглимни^.топдим, ўзиям шунақа чиройлики, унақа гўзал дунёда йўқ.

— Нима бўпти?—деб тўнғиллади Френсис.— Сен учун балки бу ёқимли янгиликдир. Аммо.мелга нима алоқаси бор?

... —, Мана энди энг муҳим жойига келдик,— деб жил-м..а.йди Генри.—Сен унга уйланасан., Уйланишингга тўла рухсат бераман...



— Агар у ўн марта сенинг синглинг бўлсаям, юз марта гўзал бўлсаям, бари бир, мен унга уйланмай-ман,— Френеис Генрининг гаш-ши бўлди.— Мен уйлана-диган қиз дунёга келган эмас.

— Шунга қарамай, Френеис, сен болакай, шу қизга уйланасан. Мен буни биламан. Мен буни бутун вужу-дим билан сезиб турибман. Гаров ўйнайсанми?

— Минг доллар тикиб айтаманки, уйланмайман.

— Э, йўқ,— деди Генри,— ҳақиқий гаров бўлсин десанг баландроқдан кел.

— Истаганингча қўйишим мумкин.

— Жуда соз. Ундай бўлса бир минг эллик доллар қўй. Ана энди қўшни хонага чиқиб, қаллиғингни кўр.

— 'У ерда Леонсия билан биргами?

— Ҳеч-да, у узи ёлғиз.

— У ерда Леонсия ўтирибди дегандинг шекилли?

— Ҳа, шундай дегандим. Чиндан ҳам Леонсия ўша ерда. Ушшг ёнида ҳеч ким йўқ: у гаплашиб олиш учун сени кутиб ўтирибди.

Шундан кейин Френсиснинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нега мени калака қиляпсан?—сўради у.— Мин-ғиллашларингдан ҳеч нарса тушунмадим. Гоҳ у ерда сенинг янги синглинг, гоҳ хотининг...

— Мени хотини бор деб ким айтди сенга?— Энди Генрининг жаҳли чиқиб кетди.

— Таслим бўлдим,—деб хитоб қилди Френеис— Леонеиянинг олдига борай. Сен билан эса кейин, ақ-линг жойига тушгандан кейин гаплашаман.,


У эшик томон қадам қўйган эди, Генри уни тўхтатди.

— Яна бир дақиқа, Френеис, кейин сени ушлаб турмайман,— деди у.— Балки энди бирор нарсани тушу-нарсан. Мен уйланган эмасман. Қўшни хонада сени бир қиз кутяпти. Уша қиз — менинг синглим. Уша қизнинг узи — Леонсия.


Френеис бу сўзларнинг мазмунини тушунгунча бир минут ўтиб кетди. Тушунгандан кейин эса эшик томонга ташланди, аммо Генри уни яна тўхтатиб қолди.

— Хўш, гаровий мен ютдимми?— деб сўради Генри.


Аммо Френеис уни четга итариб, эшикни очди-ю, яна тарақлатиб ёпганча қўшни хонага отилди.








И(Амер) Л175



**Лондон Ж.**  
Уч қалб. Роман. Русчадан Ҳ. Ибро-  
химов таржимаси. Т., «Ёш гвардия»

**Лондон Д.** Сердца трех.  
Роман.



На узбекском языке

**ДЖЕК  
ЛОНДОН  
СЕРДЦА  
ТРЕХ**

Роман

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент —  
1974

Редактор Э. Миробидов  
Рассом И. Вахитов Расмлар  
редактори Л. Мироедова  
Техн. редактор Л.  
Шишикина Корректор И,  
Комилов

Босмахонага берилди 24/X-1973 й. Босишга  
рук-сат этилди 24/1-1974 й. Формати  
84^108'». Босма листи 10,25. Шартли босма  
листи 17,22. Нашр листи 17,62. Тиражи  
45000.

Узбекистан ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш  
гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси,  
30. Шартнома 112—73.

Узбекистан КП Марказий Комитети нашриёти  
босмахокаси. Тошкент, «Правда Востока»  
кўчаси, 26. Заказ № 3389. Баҳоси  
61 т. Цоғоз № 3.

0-7-3-4—№ 121.

Л—М 356—06—74 66\_74